

# АСАД ДУЛТУРОБ

ТАНЛАНГАН  
АСАРЛАР

II  
ЖИЛД

РОМАН  
ҚИССА



«SHARQ» НАШРИЁТ-МАТБАА  
АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ  
БОШ ТАХРИРИЯТИ  
ТОШКЕНТ - 2012



# ФАНО ДАШТИДАГИ ҚУШ

РОМАН



«SHARQ» НАШРИЁТ-МАТБАА  
АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ  
БОШ ТАХРИРИЯТИ  
ТОШКЕНТ – 2012

УДК 821.512.133-3  
ББК 84(5Ў)6  
А-82

А-82 **Дилмурод, Асад.**

Танланган асарлар. II жилд. Фано даштидаги куш: Роман. Қисса. — Т.: «Sharq», 2012. — 432 б.

Хурматли китобхон!

Асад Дилмурод ижодида инсон маънавий оламини теран бадий бўёқлар орқали тасвирлаш етакчи ўрин тутди. Адиб дунёни синчковлик билан кузатади, нигоҳига тушган манзараларни ҳаёт ва кўнги драмасини очиш, рухий қийноқлар ҳамда изтироблар моҳиятини ёритишга хизмат килдиради. Кўлингиздаги жилдга киритилган «Фано даштидаги куш» романи, «Мулк» қиссасини ўқир экансиз, бунга амин бўласиз.

ISBN 978-9943-00-639-3

УДК 821.512.133-3  
ББК 84(5Ў)6

ISBN 978-9943-00-639-3

© «Sharq» нашриёт-матбаа акциядорлик  
компанияси Бош тахририяти, 2012.



БИРИНЧИ КИТОБ

# ЁРТИЛИК ҚОНУНИ



## БИРИНЧИ БОБ

### 1

Уфқ гардишини тонг шафағи бўяган, лекин ҳали тонг нидоси шаҳар қулоғига етиб улгурмаган, у роҳатнинг иссиқ кучоғини қизғанарми, янги ташвишлар уммонига шўнғигани шошилмасми, ҳомуза тортганча, қовоқларини уқалай-уқалай, эринибгина кўзғаларди. Ҳали ўзаро кесишган ва кундузлари ҳар ёқдан ёпириладиган оқимни сиғдиролмай қоладиган кўчалар кимсасиз эди. Нонини ҳалоллаб ейишга орзуманд айрим фаррошларни айтмаса, бир тирик жон кўринмас, ҳавода муаллақ қотган чинорлару тераклар учида қувлашиб ўйнаётган қарғалар қағиллаши авжига минганда сокинлик пардаси чокчокидан сўкилар эди.

Эрталаблари шаҳар бу қадар ланж, бу қадар бепарво бўлишини, бинобарин, қор-кировда уч ой қишлагандан сўнг, ахийри уйғонган ва эмаклабгина ини оғзига келиб жимираётган ёруғ жаҳонга ҳам баумид, ҳам ноумид тикилаётган айикни эслатишини Саидбек Умар илк бор кўриб турганидан таажжубда. Ҳар эрта ва ҳар кеч у тим қора бежирим хориж машинасида кенг ва раvon кўчадан физиллаб ўтади, лекин ҳеч қачон бунақа чучмал туйғуни кечирмаган. Ҳатто сирдош-қондош оға-инилар каби бир-бирларига елка тираган, арш жамолига тугтилган зангор пардага ёриб кирган турли иморатлар мажмуида зухурланган маъюслик ҳам юққандек хаёлига. Асли руҳида гоҳо рўй берадиган турфа ўзгаришларга у кўпам эътибор қилавермасди, яъни ўзини шунга ўргатганди. Кейинги вақтларда эса сал бошқача: неча маротаба синовдан ўтган ўша одати ярамай қолаётир. Ҳамиша оғир бир юк вужудини гоҳ пинҳона, гоҳ ошқора эзгани эзган.

Ҳозир ҳам озор туйди, маъюслик кетидан дилига аллабир андуҳ оралади, аниқроғи, тонг сокинлиги билан кўшилиб кетган сирли безовталиқ Фаришта билан бўлган илк учрашувини ёдига солди.

Нимаси биландир кўнглини алғов-далғов қилиб юборган ўша ҳодисани унутолмаслигига эса бир ғалати туш сабабчи: эмишки, авжи баҳор, яшиллик босқини, майса ва гул-чечаклар мажлиси, кўкда қушлар чаппор уриб хониш қилар, аттанги, бир маҳал тепада булут тўдаланиб, беадад сел ёғилар. Не ҳол? — У қуп-қурук, ўғли Фузайл эса шалаббо, совқотган. Ўғлини камзулига ўраб, қўйнига тортмоқчи бўлади, аммо у унамай гулдирайди: мени ушбу иситади! Овозини гулдирак босиб кетгани учун Саидбек Умар ҳеч нарсани тушунмайди, фақат унинг қўлида чакмоқ шуъласида ялтираётган ва нимаси биландир кишини ошуфта этадиган бир тизим бўри тишини кўради...

Кейин, эрталаб ҳам оддий, ҳам ғаройиб туши давоми ўнгида намоён бўлди. Бунини сира кутмагани, эндигина уйқудан уйғониб, айвон четида лов-лов ёниб кўтарилаётган кўёшни, осмон буржиги турли шакллар чизаётган мусаввир шафақни кузатиб турарди. Ҳовли этагидан, ўзаро кесишаётган тонгги нурлар тўлқинига кўмилганча, юпунгина кийинган Фузайл пилдираб келаверди. Ўғли вужудида жамланган завқ-шавқ, шодумонлик ва табассум, қароқларидан ёғилаётган нозиккина туйғунлик ўзи бир алоҳида шарора ҳосил қилгандек эди. Ҳатто ўғлидаги баланд иштиёқ Саидбек Умарнинг ҳам баҳри-дилини очиб юборди, қанотини кенг ёзганча, ажиб меҳр-истак билан уни бағрига босди. Вужуди куч-қувват ва ғайратга тўлди, аммо илкис кўрдик, чароғбони бўйнида — тушида аён бўлган марвариддек оппоқ ва бежирим бўритиш шодаси!

Саидбек Умар бир бўшашди, бир ҳайратланди, зеро, қаттиқ гангиб қолганидан анчагача тили буралмади, қачонки ўзини ўнглаб, эзмаланиб гап сўраганда ҳам Фузайлдан тайинли жавоб ололмади. Ҳовли этагида турган экан, дея икки оёғини бир этикка тикволди. Тортишиб ўтирса ишга кечикадиган, мавридини топиб яна тергашни кўнглига тугиб қўйди, аммо кундалик ғалвалардан ортармиди?

Шу туш, шу воқеадан кейин чиндан ороми буткул бузилди.

Шу туш шу воқеага улангани яна ҳам таажжубли эди...

Ўша эрта, Фузайлни тилга киритолмагани боисми, таъбири топилиши маҳол туш таъсириданми, ҳовлидан

чикқанда Саидбек Умар қизгин кечинмалар исканжасида бот-бот ҳаприқарди. Қизикки, у, ярим йўлда, тушини ҳам, ўғли недир ҳавас билан бўйнига тақволган матоҳни ҳам эслашдан чўчиётганини пайқади. Яна қизикки, аллақердан тасодифан пайдо бўлиб қолган ўша матоҳ кўксиди қадимдан (во ажабо, қадимдан-а!?) қанақадир ямоқ борлигига ишора қилармиди-ей. Ҳайтовур хаёлида мана шу таассурот уйғонгани, айниқса, уни танг қолдирди, бу ажиб туйғу жамийки ҳужайрасида илгаридан ўрнашиб олгандек чўчиб кетди. Ёки вақти-соати билан дунёнинг эскилиги ва бардавомлиги ҳақидаги эзгин-тотли тушунчаларнинг қайсидир шохобчаси шу йўсин кириб келдими тафаккурига?

Шаксиз, Фузайл Саидбек Умар ҳаётини безаган мўъжиза, у Фузайлда келгуси бахту тахти ва эзгу истаклари камолини кўради, шу туфайли эрта-кеч ўғли дунёсида яшашни орзу қиларди, унинг хоҳиш-иродаси ва ўй-хаёли ўзининг қадр-қиммати ва эврилишлари билан тамоман чатишиб кетажагига заррача гумон қилмасди. Аммо бу эрталаб кўрган-кечиргани Саидбек Умарни дафъатан ҳеч қачон ечимини топмайдиган жумбоққа рўпара қилгандек бўлди. Авваламбор уни бўритиш шодаси Фузайл қўлига қаёқдан тушиб қолгани қизиктирарди, ҳатто бу сир қошида Моҳина ҳам лолу ҳайрон туриб қолганини кўргандан кейин буткул саросималанди. Ие, шошмасин-чи, шодани Ёдгор валий совға қилмадимикин?

Саидбек Умар эски қадрдони — маслакдоши, дунё паст-баландини кезиб чикқан Ёдгор валийни эслаши билан беихтиёр ҳаприқиб кетди ва шуури қатларида энгилгина галаён уйғонди. Сахийдил ва камсукум авлиё отанинг бир қарашдаёқ юракдаги ҳар қандай музни эритворадиган тийрак кўзларини тасавурида тиклашга урина бошлаган чоғда, ёпирай, супуриб-сидирилган кўча қоқ ўртаси — рўпарадан чопа-чопа келаётган кекса аёлни кўрди. Аёл, оппоқ сочлари тўзғиган, ҳеч нарсадан чўчимай, жонҳолатда олға интиларки, гўё ажали сари ошиқмиш!..

Нафаси қийилган Саидбек Умар ҳайдовчиси Дадашга кичқирдим-йўқми? — эслолмас, қалтирарди нукул — вужуди тугул руҳи-шууригача мискин-бедаво кесакка айлангандек. Не кўйда бўлса ҳам барибир илғади, ожиз жон шафқатсиз янчилди шиддат билан елаётган машина

ғилдираклари остида! Эвоҳ, топ-тоза оқ либос тўзғиди, тап-такир кўчага қон сачради, мана, орадан неча ой ўтди ҳамки, ўша тушни, ўша туш адоғи — ўнгида рўй берган лаҳзани, ниҳоят, сал кейинроқ кечган ғаройиб тўқнашувни унутолмайди, эрта-кеч хаёлида гоҳ шалаббо Фузайл, гоҳ яшинда ял-ял ёнган шода, гоҳ манзилига ошиққан машинани телбаларча тўхтатмоқчи бўлган жонсарақ аёл жонланади.

Кейин билди: аёл шарпа экан, ўзича уни Фаришта деб атади.

Аёл безовта руҳининг аллабир қатида уйғонган хотира қиёфаси эмасмикин?..

Ўша тонгдаги илк фарёди ҳали-ҳали кўксиде акс садо беради.

Не қилсинки, энди у хиёл жунунваш, аммо хайрихоҳ ва содиқ ҳамроҳига айлангандек... Баъзан уйқусида ҳам безовта қилади, ора-сира жимгина хосхонасига ҳам кириб боради, бурчакда ёки дераза раҳида омонат ўтирганча уни берилиб кузатади. Аммо кўпинча ғам-андухини ҳам унутиб, астойдил ишга шошаётганда олдини тўсади, Дадашдан илтимос қилиб, неча бор йўлини ўзгартирди, лекин бу тадбири бориб турган соддалик ва нодонлик эканини тез орада англади, зеро, Фаришта зоҳири эмас, айнан алғов-далғов ботинида яшай бошлаган эди.

Фаришта қиёфаси беозор ва ёқимли, ажиб бир ёғдуси ўзига ром этарди одамни. Ҳар қанча жозиб, мурувватли ва юпанч бахш этувчи бўлса ҳам унга рўпара бўлишдан Саидбек Умар ҳадиксирарди (кўхна хотиралари жунбишга келарди-да!), узокдан уни кўрган заҳоти борлиғи ҳамирдек кўпчир, аллатовур оғриқ хуруж қиларди кўксиде.

Ҳозир ҳам у жон ҳовучлаб бораётгани бежизмас: ҳовурсимон шарпа гўё ҳамишагидек йўл пойларди баланд иморатлар панасида. Ҳадемай учиб чикади, ҳадемай!

Хайрият, у кўринмади, охиста Саидбек Умар хўрсинди ва машина ғизиллаганча ўннга бурилиб, чор-атрофида байроқлар ҳилпираётган баҳаво — кенг майдонга киргандан кейин негадир енгил тортди.

Кўш табақали темир дарвоза кўзга ташланди...

Икки тарафда девори яшил, томи оқ тунука, дераза тўйнуғи қалин ойнали кўшалок уйча кўзиқорин мисоли зинграйган бўлиб, ҳар бири кўрув-эшитув усқуналари билан мукамал жиҳозланган. Ичкари-ташқари зарча

қовоқ тусли матодан тикилган ихчам камзул-шим, соқиси калта кўн этик, соявонли қалпоқ кийган назоратчилар қаровида. Тик боқадиган чағир кўзларда биргина маъно: шубҳа!..

Тим қора, тим янги хориж машинаси ушбу қўналға тугул бутун шаҳарда эгасидан ҳам таниқлироқ, шунга қарамай, товонидан ўт чакнаган икки навбатчи, ола-була таёқларини силкитганча, илдамлаб пешвоз юрди. Бири машина орқа-олдини, хуржун ковлагандай қилиб, жиддий тарзда текшира кетди, бири ҳар замонда илжайиб қўяётган ҳайдовчи-ю, қовоғи солиқ олимлар етакчисидан кўрслик билан ҳужжат сўради. Хушёрлик хунарини намойиш қилиш сал кам беш дақиқа вақтнинг бошига етди. Ҳар эрта такрорланадиган бу даҳмазага кўникиб қолган бўлса ҳам Саидбек Умар тажанглик билан соатига қаради. Эрталабки йиғинга қанақадир зарур ҳужжатларни ҳозирлаш учун шошилаётган эди, агар яна сал тутилса бунга умуман улгурмайди. Қолаверса, иш вақти саккиздан бошланса-да, нарвоннинг энг юқори поясида турганини эслатиб қўйишни хушлайдиган Пўлат Қосимий ҳеч бунга амал қилмайди, яъни у эрталабки қисқа йиғинни ярим соат илгари бошлаб, пала-партиш яқунлайди-қўяди, сўнг газагига — уятини йиғиштиради ва кечикканларни таъна-дашномга кўмади.

Мана шуларни ўйлаб, Саидбек Умар ҳужжатини шошилмай қўйин чўнтагига солди, айни пайтда, ёруғ дунёда биз ҳам бормиз дегандек ишонч билан дадил ҳаракат қилаётган назоратчиларга ичида таъна ёғдирди.

Асли, оғринишга ҳожат борми? — ахир, булар — хизмат бандалари, қолаверса, ҳар ёқдан келишган, етим-хона нонини еб, ҳатто курсантлик мактабида ўзидан сабоқ ҳам тинглашган. Демакки, буларга камзулни ҳам, дўппи ё пойабзални ҳам ўзи бичган бўлиб чикмайдими?

Ўнгу сўлга филдираб сурилган дарвоза ниҳоят гижинглаб турган тулпорни жаннат жамолидан андоза олгани билан бемалол фахрланса бўладиган ўрмонзор-ҳовли сари кузатди.

Шундоқ рўпарада, сабза-гул атру бўй таратаётган майдонча ўртасида муаззам ҳайкал... Узоқларга тикилган... Фақат тош нигоҳида не маъно? — буни англаш мушкул, лекин тикилиши гўё нимагадир ишонтиради. Нимага? Ҳеч ким аниғини айтмайди, айтолмайди. Балки шу салобатли ҳайкал, пурвиқор кошоналар, бир-бирига

чирмашган дарахтлар юки босгани туфайли киши тилига керакли калима келмас?

Яна, ҳар ерда ганчдан ясалган ҳайкалчалар ҳам кўнқайган, улар жуда кўп, лекин пештоқларига шиору байроқ илинган, томларига қозонсимон ва тўрсимон антенналар ўрнатилган шинам фиштин уйлар тагин ҳам кўпрок...

Яна, ҳар қадамда тизиллаб отилаётган фавворалар, бир нуқтада бунча узоқ туриб қолганига ҳайрон симёғочлар, нимагадир аскотишига умид боғлаган темир кутичалару бетон устунли шийпон-қўшқлар учрайди.

Аммо чор-атрофда намоён жозиба ва уйғунликни япроқлари сокин шитирлаётган азамат чинорлар ва тераклар қуршовидаги қулоч етмайдиган ўнлаб забардаст устунлар теграсида кўнган, меъморий услубида шарк ва ғарб диди бирлашган маҳобатли гулобий биносиз тасаввур қилиш қийин эди.

Машина пештоқ рўпарасида чийиллаб тўхтади...

Ҳурматли профессор Саидбек Умар хануз сўнгсиз хаёлларга тобе эди.

— Дадаш, — деди у кутилмаганда. — Хизрга ишонасанми?

— Бошқалар ишонса иложим қанча? — деди ҳайдовчи жиддий қилиб.

— Учратиб қолсанг нимани сўрадинг?

— Э, қайдам, — чап кўзини муғомбирона қисиб, чаккасини қашлади Дадаш. — Топдим, сизни шу даргоҳдан халос қилишни!

— Вой, баччағар-ей!..

Алланечук завқланган Саидбек Умар юмшоққина кулди, машина секин бурилиб, муқолишда паналаши билан маъюсланди. Ҳали шошаётган одам энди оёқларини эринчоқлик билан кўтариб босар, ҳувиллаган катта кўчада юктиргани — залварли андуҳ гўё изидан қолмай ўрмалаб келар ва бундан таъби тирриқ эди.

Намунча имиллай бошлагани, ўзини йўқотар даражага етгани учун ҳайрон, нима, инон-ихтиёрини буткул арзимас икир-чикирларга бериб қўйдими?

Ногоҳ Дадаш жавобини эслаб хўрсинди.

Хануз қадами унмасди...

Хаёли эса тинмасак: кўп нарсани кўрди-билди ёруф дунёда, кўп нарсага эришди ҳам, лекин хануз ақли етмайдики, тақдир одамни танларми ёки одам тақдирни?

Кўпинча Саидбек Умар ўйлари беқўнимлигидан хижолат чекади.

Кўпинча у пароканда хаёллар бўронида ўзини йўқотажак...

Хозир Пўлат Қосимий хосхонасига қадам қўйганда ҳам қарийб шу ахволда эди: недир ғашлик билан ўзини, дарди-дунёсидаги нохуш-ноаниқ нуқталарни муҳокама қилар ва негандир, нисбийлик билан боқийлик ўзаро келиша оладими-йўқми, деган мулоҳаза хуш-фикрини ўғирлаганди...

Бир пайт Саидбек Умар, ўша нисбийлик ва боқийлик ўзани мана шу мухташам қароргоҳ бўсағасига келиб туташадигандек хушёр тортиб, нари-берисига аланглади...

Аллақачон қуёш оламни чароғон қилганига қарамай шифтдаги икки улкан биллур қандилдаги сон-саноксиз чироқлар лов-лов ёнади, саҳнга тўшалган патли-гулдор гиламлар беадад ёруғликда бамисоли гулхан... Ўртада узунасига қўйилган тўқ-жигарранг миз ҳам сокин жило беради, унинг атрофида биттагина бўш ўрин қолган, шу ўрин ўзига ўзи рақиб ва суҳбатдош, ҳатто тушида ҳам одамзоднинг фанга номаълум табиатидан баҳс юритадиган профессорга мунтазир эди. Эшикдан кирган заҳотиёқ бир маромда ҳукм сураётган зил жимлик мадда бойлаганини, ҳар сонияда у бемалол ситилиши ва ўнғайсизлик тувдириши мумкинлигини фаҳмлади...

Ажабки, жамоа ғўлинг шимиб, нимандир илҳақинтизор кутмақда, аниқроғи, йўқлигида уйилиб қолган ҳужжатларга тилла ручка билан қитирлатиб имзо чекаётган, ҳар замонда пишиллаганча пешонаси терини рўмолчаси билан шошқин артиб қўяётган Пўлат Қосимийга термилган...

Бошқон ахволи бўлакча: анчагина тажанг! — гўё умр бўйи интиқ қилган орзусига етишгани ёлғон, яъни неча-неча тоғ-уммон оша Амриқо сафарига эмас, икки қир нарида жойлашган, таниқли-муқаррам зотлар назари тегиши тугул, ҳатто ҳали кўчасига тош ҳам тўкилмаган ва турмуш икир-чикирига ўралашиб ётмакни омад билган она қишлоғига бирров бориб келган...

Қалин лаблари қум-қурт оқариб, йўғон бармоқлари билинар-билинемас титраётган Пўлат Қосимийни зимдан



кузатгани сари Саидбек Умар саросима оғушида тўлғана бошлади. Бутун гулобий бино, бутун жамоага сўзини ўтказишга қодир, зарур пайт тили ё қамчисидан захар томадиган бойваччафёъл бошқонни бунингдек абгор, бунингдек эзилган қиёфада биринчи бор кўриши эди.

Ана-мана Саидбек Умар дилидаги саросима ўз ўрнини недир тушунуксиз ҳадикка, сўнг кўркувга бўшатиб берди, аммо у нимадан бунча чўчиётганига ҳайрон, ниҳоят, токати битиб, бошқон ўнг ёғида тишини кавлаб ўтирган, елкаси туя ўркачидек бўртик, кўкраги пачок, аксинча қорни дўмпайган кишига умидвор қаради. Тобора тараф тортिलाётган жимлик боисини шу билмаса бошқа банд билмайди.

Кейин пушаймон ичига чигил бўлиб тушди...

Соддалик ҳам эви билан-да, бир кунда никобини бирмас, ўн бора ўзгартирадиган бу қас қачон сир берибдики, энди берсин?! Қурғур тош ёнғоқдан қилча қолишмайди. Шу боис бир лақаби — Кўрак! Бирдан ҳеч ким унинг ота-онаси қўйган исмини тутмаслигини эслади. Аммо илгари ўзи росмана оти бўлганми? Энди эса унга тиркалгани анчагина: Шўрбалик, Хасак, ҳей, яна алламбало. Беминнат хизмат аҳли зўр-зўрини ёпиштириб қўяберган, аммо қарангки, ахийри бу борада улоқ Саидбек Умарга насиб этган.

Асли у чечанликдан йироқ, лекин бир баҳонада илҳоми қайнаб кўпчилик ичида: “Бошқаси бекор, бу — Бо-бош!” — дея қироатини уйкаштирган. Топағонлар ихтироси ўша лаҳзадаёқ қасодга учраган, уники эса тушпа-тузук томирлаб, шох бериб, тез орада чор-атрофга ёйилган. Ва шу қулинг ўргилсин нисба қария қаддиқиёфаси, ранг-рўйи, фёъл-атворини анча тўлиқ, анча нозик ифода этган.

Тўғриси, Бо-бош атрофида кечган ёки кечаётган майда-чуйда ғийбатни нописандлик билан кузатарди, айни пайтда, бунга бепарво ҳам эмасди — хулосаларини эса бошқалардан яширарди; ҳозир Саидбек Умар билан нигоҳи тўқнашганда, негадир табиатига хилоф равишда беихтиёр эсанкиради, қандиллардан тўкилаётган нурда мой суртилган каби йилтираётган бошидан семиз кафтини секингина олиб, хиёл дўрдоқ ва рангсиз лабларига босди.

Лекин Саидбек Умарга кундек равшанки, истаса Бо-бош Пўлат Қосимийни булбулчадай сайратади, керак

бўлса уни ҳовли-боғ ўртасидаги улкан ҳайкал пойида эмаклатишга ҳам кучи етади. Ажабки, у ҳозир бошқалар билан бир қаторда тишини-тишига босиб ўтирарди, бинобарин, борлигида бир бепарволик зухур эдиким, гўё олам сув куйгандек тип-тинч, бошқон ишлари ҳам аъло, унга ҳеч нарса бўлмаган, у тоабад дахлсиз!.. Ниҳоят, Пўлат Қосимий аста ўмганини кўтарди.

— Битдими? — деди Бо-бош ияги терисини гижимлаб. — Жуда соз, сиз энди боринг, қолганини ўзимиз эплаймиз.

Илик бир табассум ҳадя қилди бошқон давра аҳлига, узр ҳам сўради юмшоққина қилиб, кейин нигоҳи билан ер сузганча эшик сари шошилди, у гўё дароз бўйига илаштирган кўйи хосхона иқлимини бўғиб турган валати хавотирни ҳам ола кетди. Бениҳоя қимматга тушадиган жудодлик лаҳзалари бошланган каби, ҳар ердан сўнгсиз ачинишу надомат хиссини ифодаловчи оғир-енгил хўрсиниқлар эшитилди.

Фақат ҳануз Бо-бош хотиржам ёки у ич-ичидан қайнаб-тошаётган, ана-мана уммон бўлиб ер-кўкни кўмадиган қаҳру ғазабини ясама ва омонат хоҳиш-иродасига қурбон қилаётганмиди? — буниси давра аҳлига қоронғи, тагин устига, Пўлат Қосимий шарпа янглиғ йўқолган захоти барча не қиларини билмай каловланиб қолди.

— Ҳе, укалар, жон ширин-да!..

Бо-бош кутилмаганда шундай деб тўнғиллади...

— Эслайман, туппа-тузук эслайман, — деди у кейин, томдан тараша тушгандек қилиб. — Ҳар биримиз абгор букача эдик, каналаган, кир-чир! Жонимизга шу даргоҳ ора кирганидан тонамизми? Тонсак, кўзларимиз оқиб тушсин!

Чамаси давра аҳли кечмишига шўнғиди...

Қиёфасига сохта андуҳ сояси тушган Бо-бош ҳасратидан тавқи-лаънат ва миннат ҳиди келди, лекин у чекинмади, зеро, ҳозир у, қизим сенга айтаман, келиним сен эшит қабилда иш тутган — отаётган маломат тошлари Пўлат Қосимий эмас, ҳануз не қиларини билмай жавдираётган давра аҳлига тегаётган эди.

— Хўш, тонадиган борми ораларингда?

— Йўқ, — деди Саидбек Умар ботирлиги тутиб.

— Мақсадимиз гул ундириш тошда, шундайми, Саидбек?!

— Ҳа, энди... кучимиз етганча уринамиз.

Негадир Бо-бош бир муддат қовоғини уйди.

— Айтилдими, уринасиз, — деди у кейин пешонасини ғалати тириштириб. — Тоғ орқалаш керакми, орқалайсиз, денгизни қошиқлаб ичиш керакми, ичасиз.

— Бўйин товлайдиган номард йўқ!..

— Ҳа, сиз амал-тақалдан йироксиз, Саидбек, — профессор обрўси бошқаларникига қараганда анча баланд эканлигига урғу бермоқчи бўлди шекилли Бо-бош. — Сизга кўпроқ суянамиз, йирик бир марказни ишониб кўйганимиз бекоргамас.

— Куллук!..

— Аммо сиздай одам етим қулоғи том тагида қолганини билмасми?

Ҳалидан бери Саидбек Умар дилида учкунлаб турган, недир ишқал, недир хусуматдан огоҳ этаётган ғашлик бирдан аланга олди, у ўз ихтиёри билан Бо-бош калтагига елкасини тутиб берганига имон ўғирди.

— Тушунаман.

— Унда... Нега шу кунгача орзуимиз ушалмади? — товушини бир парда кўтарди Бо-бош. — Яширмайман, анча оғир ахволдамиз. Аммо, азизим, руҳ раки нима бўпти, шу арзимас нарса ечимини бизга қўйиб беринг, руҳ муҳандислигида инқилоб қилмаган номард, деб кўкрагига урган сизмасми? Ҳа, сиз! Чархпалак масаласичи!? Ислоҳ аввали ана шу темиртанга боғлиқ, деб жар солдингиз. Энди эса... уни қарийб ўз холига ташлаб қўйгансиз. Кейинги вақтларда сизга нима бўлди ўзи, Саидбек? Мунақа лоқайдлик қила берсангиз... суянган тоғларимиз олдида юзимиз шувит бўлиб қолади-ку!

Саидбек Умар номаълум нуқтага қадаб олди ҳорғин нигоҳини. Очиғи, у бунақа расвои жаҳон ҳужумни, ғайирлик билан йўғрилган таъна ва иддаони сира кутмаганиди, аъзон баданини қора қайноқ тер босди, ер ёрилмадики, қаърига кирмади. Бу одам намунча эҳтиёткор, намунча уста сувдан куруқ чиқишга? Ахир, бир вақтлар, юкоридан қаттиқ топширишди, шунақа бир машина керак, ишонганимиз сиз, дея қулоқ-миясини қоқиб қўлига бермаганмиди? Энди лапашангга чиқариб ўтирибди, тағинки бутун масъулият унинг зиммасида эмиш! Доим шунақа, икки оёқ бир этикка тикилса, у ўзини четга тортгани тортган!..

Чархпалак лойиҳасини яратишда шогирди Иноғом Насимий иш берди.

Энди негадир ўша лойихани амалиётга кўчиришда Саидбек Умар бир қадар суст — аввалги шаштидан зигирча ҳам қолмаган, ҳозирча бунинг сабаби фақат ўзигагина маълум: шу кунда рух раки муаммоси кўпроқ олиб кўйди эс-хушини!

Рух раки муаммоси Чархпалак ҳақида юқорига хабар берилган ва унинг шаклу шамоийли устида қизғин изланиш бораётган бир пайтда кўзғалди. Асли бу таклиф ҳам қайсидир корчалон тарафидан берилган эди, сўнг Пўлат Қосимий билан Бо-бош номи бору ўзи йўқ кашфиёт нафасини гулобий бино ҳаётига олиб кирди. Фавқулудда янгилик эртанги кун мазмунига чинакам сайқал беражаги ҳақидаги кўпиртирилган мақтовларга Саидбек Умар лаққа учди, хуллас, хомлигига борди, қизиқиш балоси ила ура-урага қўшилди, тўпори ходимлар ошиғич тузган хом-хатала битимга имзо чекиб, казо-казо олимлару амалдорлар савлат тўкиб ўлтирган йиғинда ҳалигидай дабдабали ваъда берди. Агтанги, энди бундан тониш иложи йўқ, ҳар бир сўзи фарози неча-неча ҳужжатларда қайд этилган, бинобарин, кейинроқ ҳаётидаги энг катта хатоси ҳам ўша ҳовлиқиши бўлганини билди, лекин энди кеч: даҳшатли бир оқим бутун борлигини номаълум оламга суриб борар эди...

— Айтган-қўйган-да, туянинг думи ерга тегаверсин-чи!

Кутилмаган бу лукма ўлганнинг устига чиқиб тепгандан баттар бўлди.

Бу лукмани думалатган — Жавлон Қиёқли...

Аввал-охир бу одам одати шунақа: билдириб-билдирмай чимчилаш, ҳатто чил ҳам бериш! Ким у, қарими ёки ёш, амалдорми ёки югурдак, фарқи йўқ — бир нишини санчиб, захрини сочиб, газagini босволмаса хумори ёзилмайди, тунлари ороми қочиб, тўшагида қўним тополмайди.

Ҳатто у бир ерда ҳазил-чин аралаш, биронта баччафарга шапалоқ тортмаган куним ўзимни-ўзим муштлайман, биронта эсар-эшвойни илинтирмаган куним ўз оёғимга ўзим кишан ураман, деганини эшитишган, бундай ягравона лафзу лисон қошида ҳиққа тиниб, ёқа ушлашган. Ана, ҳозирги пичингини олинг, асакаси кетармиди сукма қошигини сукмай турса?!

Лўндаси, Жавлон Қиёқли болади, тутаб турган лаънати ўчоққа ҳовуч-ховуч ермойи сепди, унинг алангаси авваламбор Бо-бош вужудига туташди: у гуриллаб ёнди.

Эҳ-хе, бошқалар унга қўшилиб чўғи-оташ бўлмасинми? Хатто энди Бо-бош таъна-тазйиқи ҳеч нарсага арзимаё қолди, оқибатки, гўё қай бир ўзан-тўғонда тикилиб ётган гина-ғазаб тўлкини илкис бўшалди ва мунғайиб ўлтиришдан ўзга чораси қолмаган Саидбек Умар жисмини гирдобига тортди.

Орада қанча вақт кечганини Саидбек Умар эслолмайди, ҳушини бир ўнглаб қарасаки, бошқалар, хатто Жавлон Қиёқликдек жиззаки ҳам ҳовридан тушган, аммо сусткашликнинг ҳар қанақа турига рўйирост уруш эълон қилган Бо-бош ҳануз жаврар, фақат энди у калтагини биокимё ва микробиология обрўйини аёвсиз тўкаётган Носир Даминга ўнглаган эди.

Бениҳоя чуваланди мунозара калаваси, лекин қошки бирон тайинли қарорга келинган бўлса. Бари аралашиб, хатто чалкашиб кетишини Жавлон Қиёқли учирик қилган ва Бо-бош авзойи бузилган пайтдаёқ Саидбек Умар англолди. Файзи қочиб, барчани бездирган бўлгани тарк этганда калласи ари инидек ғувилларди.

### 3

Қабулхона гавжум, йиғин бу ерда давом этарди гўё, Саидбек Умар қулоғи том битган эмасми, ола-ровурда ҳеч нарсани англамас, энсаси қотарди. Кейин котиба Маржонага хушомадомуз лутфу қарам қилаётган Жавлон Қиёқлига ер остидан ўқрайиб қўйди. Ниҳоят ҳамма ҳар ёққа тарқадди, фақат у шошилмади, ҳали йиғинда Бо-бош тилини қичитган ва ноҳушлик тошини қўзғатворган, айни пайтда эса, Маржона қўнглини овлаётган нозирга гинахонлик қилишни ўйлар, аммо негадир тортиниб турарди. Кейин, унга гапириш девор қулоғига танбур чертиш билан баробар, деган ўйга борди. Этак силқиб аста жўнади, хосхонасини мўлжаллаб одимларкан, бугун вақти ҳамишагидек тифизлигини, бинобарин, Чархпалак аҳволдан хабар олиши, Али Шаҳобий қўл остидаги маҳсус мактаб талабаларига дарс ўтиши, тушдан кейин эса маҳфий тарзда “Сумалак” зардоби таҳлили билан шуғулланиши зарурлигини бир-бир дилидан кечирди...

Астойдил ишга шўнғигани боис ана-мана кун яримлаганини сезмай қолди, ниҳоят номигагина тушлик қилволиб, ачитилган тамаки хилга ўхшаш ис эчкиётган ва тўрига қоғоз чиқиндиси, занглаган темир нақшлар,

эски-туски шиша идишлар атай ғарамлаб қўйилган таҳлил хонасига кириб борганда Носир Дамин заррабин теграсида хуноб эди. Иш деса томдан ташлашга ҳам ҳозир шогирд қаттиқ толиққан, ранг-рўйи кутсиз, шундай бўлса ҳам ўзини дадил тутиб, устозига ихлос билан қаради, унинг авзойидан билдики, эрталабки жикқамушт мажлисда руҳ муҳандислиги маркази устидан яна мағзава ағдарилган...

— Яна талашдим, ака? — деди у хўрсиниб.

— Э, талаш ҳам гапми? — дея тўнғиллади профессор. — Буларга худонинг ўзи бас келмаса, бандасиники бекор!

— Биламан, Шўрбаликнинг меъдаси оч, Гурзиси ундан бешбаттар, — нафратини тугилган мушти орқали ифодалади Носир Дамин. — Чархпалакдай мўъжизаям кам буларга!..

Шогирд куюнчақлиги таъби хуфтон Саидбек Умарни анча-мунча овутди.

Беихтиёр кўз олдига Бо-бош важоҳати келди.

Асли бугун чап ёни билан турган экан: гоҳо яхши-ёмон, паст-баландни ажрим айламоқ тугул, ўзига бино қўймоқ ва тегажоғлик қилишни ёқтирадиган Бо-бош таёғи синаёзди бошида, аммо синса ҳам гўрга эди, биратўла кутуларди баридан!

Девор тагида қолгур Жавлон Қиёқли танглайини чақалоқлигида қандайдир ҳам жиззаки, ҳам доғули кампир кўтаргани рост, бирдан Бо-бошга яхши кўрингиси келиб қолдими, сирпанчиқ бир гапни қиялатворди денг, ҳалимдайгина юмшаб дардини ёраётган Бо-бош аввал жиз-биз бўлди, кейин тутуди ва лоп этиб ёнди.

Саидбек Умар Бо-бош ичида алам болалаб ётганини биларди, лекин бунчалик эканини сира тасаввур қилмаганди. Иложини топса у бўқиришга ҳам тайёр эди, гўё Саидбек Умар ундан минг йилдан бери бир олам нарса қарздор-да, у таранг қилганча шу қарзни қайтаришни сўрарди. Яна имилляяпсиз, демак, панада пайт пойлаётган қитмирлар тегирмонига сув қуйяпсиз, деганда, жони нақд бўғзига тикилди. Тавба, Чархпалак отлиғ темиртан нима, ҳали ниқоби йиртилмаган руҳ раки нима — унинг ўзи сал-пал тушунадими? Ҳазаб ва интиқом ҳисси илмда қачон, қайси жумбоқни ҳал қилган? Ҳеч нарсани! Бундан беҳабар бўлгани боис марказ устига от қўйгани-қўйган. Хўш, марказ руҳ-

жон муҳандислиги билан шуғулланадими ёки косиблигу пахсакашлик биланми?

Одамни айбдор санаб изза қилиш — осон, аммо ўша жон не сабабга кўра гуноҳга ботиб, ўзини ҳам, бошқаларни ҳам азобга гирифтор этаётганини тузук-қуруқ ўйлаб кўрадиган одил ҳакам топилавермаслиги аламли... Рост, ўша касофат дастур ижросини билиб-билмай гарданига олувди, аммо орқаси бу қадар шилта экани, ҳар қадамда жонини чиғирикқа соладиган гов учрашини қаёқдан билсинийди?

Энди Саидбек Умар узун-қисқа тунларда ажриққа ағанайди...

Бу кунда, ҳар иккала ихтироси нелиги англашилганда, ўзини ўзи ўйиб-ўйиб олгудек ҳолда, э, бу ҳам гапми, ўзини ўзи ё бўғизласа, ё бўғиб ташласа, ахир, не илинж, не муддао, не тамада бунчалар жиловни бўшатди экан ўшанда?

Афсуски, эндиги дарди-ҳасрати, алам-армони, ҳатто пушаймони бутун вужудини сим-сим ўртаётган савол олдида ҳеч нарса эмас, негаки, бирламчи, гишт аллақачон қолипдан кўчган, иккиламчи, кўксидаги кўпдан-кўп яралар ёнида яна бир яра пайдо бўлган...

Тасаввурининг бир бурчида — Чархпалак!

Иккинчи бурчида — сирли зардоб!

Узоқ муддат Саидбек Умар ўзи билан ўзи олишди.

Яна, Чархпалакни ўзига ўғай билди, эс-ҳуши буткул шиша колбаларга сигмай, зўр куч билан тоша бошлаган, кенг бир ўзанга тушмак пайида бўлаётган суюқликка оғди...

Ҳар сония Иноғом Насимий оёқлари тагида ўралашарди, дарди — Чархпалакни тезроқ шаклга солиш... Лекин Саидбек Умар шуҳрат нарвонидан кўтарилишга ошиқаётган бу шогирдидан илиқ муомаласи ва маслаҳатини қизгана бошлади. Бу ҳол унда Иноғомни ёмон кўргани туфайли эмас, Чархпалакдан чалғиб, руҳ раки оламига шўнғиб кетгани боис рўй берди. Иноғомдан қанча узоқлашган бўлса, Носирга шунча яқинлашди. Анча куюнчак ва зийрак эди Носир... Қийин дақиқаларда уни осонгина қўлаб юборарди. Қисқаси, номаълум оламга иккаласи биргаликда кириб борарди.

Фаразлар тўзони қоплаган йўлда ногоҳ учраган икки йигит Саидбекни анчагина шошириб қўйди. Улар ориқ ва нимжон эди, доврўғи чор тарафга кетган Али Шохобий мактабига яроқсиз топилганди. Ана шулар

Саидбек Умар дилида ўрнашди-қолди. Қизиқки, уларга тикилганда алланечук ҳаприкиб кетар, чуқур ҳаёлга толар, ҳар бирининг маъюсона порлаётган кўзларида оромини ўғирлаган армони учқунини кўргандек бўларди. Улар азалдан қалби, шуури, ҳатто хужайраларида яшаб келгандек! Нима бўлганда ҳам эгизакларни эслатадиган йигитларга йўликқанидан хурсанд эди, сўнг... бари бирдан алғов-далғов бўлиб кетди. Эмлашдан кейин егани баданига юкмайдиган қилтомоқ биродарлари бирдан ҳайда-шовур иштаҳага киргани, қисқа вақт ичида буқадек семириб, бўй-бастини қўйворгани, муштлари нақд гурзига айлангани ўтақасини ёраёзди.

Бундай ҳолга тушгани сабабини англаш қийин эмас, ахир, эрта Бо-бош ва Пўлат Қосимий назоратидаги роботлар бошқарадиган корхона узлуксиз тайёрлай бошлайдиган ёқут рангли суюқлик уммони кўпира-тоша бутун ер юзини қомига тортмайдими? Ана шунда аҳволи не кечади?

Бу дардини фақат Носир Дамин билан бўлишади.

Ёруғ дунёда уни фақат шу йигит тушунади яхшироқ...

Лекин меҳр ва соддаликдан нажот тилаган билан иш битмас...

Негаки, аллакимлар булар йўлига қаҳру ғазабни кўндаланг қўйганлар!

— Майли, аврайверишсин, — ниҳоят жимликни бузди Носир, тиззасига муштлаб. — Бундан ҳеч нарса ўзгармайди!

— Аммо чол узоқни кўзлагани аниқ, — ҳануз бир ғашлик кемираётганди Саидбек Умар юрагини. — Фақат... туяси кўлга етармикин, кўлмакка? Буниси номаълум, лекин бизни эргаштириб юраверади.

— Ана шуниси чаток!

— Топган гапи битта: билвосита эмас, бевосита бўлсин эмиш!

— Ғалати-ку!

— Чархпалак ер юзини эҳтимол ўн, эҳтимол йигирма йилда бир айланиб чиқади, манови ҳашаротга эса вақт ҳам, масофа ҳам писанд эмас! Мана шу керак унга, англадингми?!

— Оббо чоли тушмагур-ей, чакки эмас иштаҳаси!

— Биласан, Чархпалак тана орқали ўтказади таъсирини, замбуруғ эса тўғридан-тўғри руҳнинг ўзини ишғол этади. Фарқи борми?



— Нимасини айтасиз, ер билан осмонча!..

— Шундай экан, айт-чи, тажовузкор замбуруғ Чарх-палакка ўхшаган ҳар қанақа қудратли темиртанни маҳв этмайдими? — оғир сўлиш олди Саидбек Умар. — Унинг олдида одамзод энг таҳқирли ва ожиз қулга айланади. Бу эса Бо-бош билан Пўлат Қосимийнинг неча йиллик армони!

— Аммо Иноғомники нақд, бизники ҳали насия!

— Э, қайда, — жаҳл аралаш ғудраниб қўл силтади профессор, — эмланган анови йигитлар дўлайиши ваҳима-ку!

— Айтганча, шарҳларни ўқидингизми?

— Ҳа, ўқидим, лекин жинни бўп қолаёздим!

— Бировга айтсак ишонмаса керак.

— Менга бир бало бўлди шекилли?! — мийғида кулди Саидбек Умар. — Нимадир шу томонга тортавереди, агар ўзимни тўхтатсам, нимадир хумор қилади. Сенда ҳам мабодо шунақа бўлмайдими?

— Ака, гап очилди айтай, — андухли киёфада нари-бери юра бошлади Носир. — Худо ҳақи, ўша савил менинг ичимга кирволган. Йўқ, анчадан бери миям қатиғида яшаётир! Ҳатто бир кеча тушимга бахайбат чувалчанг бўлиб кирди. Этимга қўшиб, суягимгача кемирмоқчи эмиш!

— Тавба дейиш керак.

— Ака, биласиз, камина ҳам етимлардан... Бир камбағални эслайман, қўпинча тиланиб кун кўрарди, аммо димоғи баланд эди, кимни учратса дабдурустан, “Ҳой, мулла, эҳтиётингизни қилинг, йўғасам ақлингизга куя тушади!” — дейуриб безор қиларди. Ҳазилмиди, чинмиди гапи, билмайман, лекин бугун кўриб турибманки, дунёда шунақа кушанда бор экан!

— Балки йўғийди, лекин биз бор қилдик! — Саидбек Умарнинг товушида чексиз бир афсус зухур бўлди. — Энди пушаймондан фойда йўқ, қани бошла мишиқилар хузурига?

Анчайин чўкиб қолган шогирдига эргашиб ичкари бўлмага ўтаркан, Саидбек Умар яна барини бир бошидан ўйлади. Ҳануз икки ўт ўртасида тўлганарди. Балки ҳали ҳам кечмас: номаълум манзил сари элтаётган синовни тўхтатгани маъқулдир? Лекин йўрғақда теккан касали кўйсинми? Яна, ғойибдан недир куч инон-ихтиёрини олиб, аллақайга эрта-кеч чорлаб турган бўлса!..

## ИККИНЧИ БОБ

### 1

Саидбек Умар хосхонаси деразасидан баҳаво ва сўлим ҳовли-боғнинг каттагина қисми кўриниб туради, сокин нурланадиган жодуваш манзара бўлаклари, хусусан, анвойи дарахтлар қуршовидаги майдон ўртасида бўй чўзган бесўнақай ҳайкал қиёфаси негадир кўнглида аллабир тушунуксиз таассурот уйғотади...

Гулобий бино ён-вериди жойлашган катта-кичик уй-шийпонлар бўсағасидан жонсарақлиги ва фидойилиги билан ишонч қозонган ходимлар қадами узилмасди. Булар қайси идора ёки маҳкама ихтиёрида эканини бошқалар қатори Саидбек Умар ҳам тузук билмасди, у фақат фарбий кўрғон билан шарқий кўрғонга ошна, зеро, фақат шуларгагина тез-тез иши тушиб турарди.

Фарбий кўрғонга туташтириб қурилган ва томи оқ тунука билан ёпилган гиштин сарой бу кунда айни каптархона: Чархпалакни лойиҳада белгиланган ўрнида қўндириш учун кимки масъул бўлса ўша ерда. Баъзан Саидбек Умар ўтин ёрувчидан маслаҳат берувчи кўпайиб кетганига бир кулса, бир жаҳлланади. Айниқса, дуч келган туйнукка тумшугини суқиб, ишбилармон эканини кўрсатгиси келаверадиган, фаросатдан қисган миждов амалдорлардан зада, негаки, уларнинг олифтагарчилиги бир мирилик ҳаён келтирса, ўн мирилик зиён келтиради. Яна, ундок қил, бундок қил, э, сендақа хомкаллага кунимиз қолдими дея, сурлик қилаверишлари ортиқча!

Қисқаси, тоғни кумалок, хасни чинор қилиб кўрсатишдан тоймайдиган ошналар турки-тароватидан Саидбек Умар безилларди, яна, аламки, улар соясига кўрпача тўшашга ҳам мажбур эди. Энди бунақаси ёши ва обрўсига тўғри келмасди, шуни ўйларди-да, Чархпалак атрофида гирдикапалак бўлаётганлардан ўзини четга тортарди. Иш кунни охирлаб, ҳамма ҳар ёққа тарқалиб кетгандан кейингина ўша ёққа хушламайгина судралиб борарди.

Чархпалак шиддат билан қад ростлаётганига тараф йўқ эди...

Чархпалак зардобда урчиган замбуруғ каби эрта-кеч ёнига чорларди...

Ажиб бир овоз эшитилармиди-ей ўша тарафдан...

Ажабки, яна бир хиёл эзгин, хиёл ўктамона нидо шундоқ яқинидан янграётир, не сирки, бу нидони ҳатто уйда, тош қотиб ухлаб ётганда ҳам эшитади, аллатовур ром қилувчи, шунингдек, сўнгсиз оғриқ ато қилувчи тебранишини туйганда беихтиёр оҳ тортарди.

Ҳозир ҳам, жимгина келаётиб, ўша ғалати даъватни эшитди ва сим-сим ўртанди, айна пайтда Чархпалакни ҳам хотирлади, аммо Чархпалак сари боришга хуши товламади, неча ҳафта-ойдан бери қадам ранжида қилмай, соғиниб қолган каби таҳлил хонасига ошиғич йўналди. Нафаси тикилгудек ҳолда бора-сола негадир ичкари бўлмага мўралади, ажабо, йигитлардан бири қонига бўялганми?

— Нима гап? — деди у ташвишланиб.

— Ниначи зўрлик қилди, — дея илжайди Носир.

— Ҳе, тентак!..

— Бир синагим келди.

Бари тушунарли: ёввойилик йўриғи билан адо этилган бемаъни тажриба! Қаншари ёрилиб, хушини йўқотган, аммо ҳар замонда ночорона инграниб кўяётган Чумоли тепасида Саидбек Умар анча хомушланиб турди, у қачондан бери тасаввур қилаётган мудҳиш ҳодиса аллақачон жар ёқасига бориб қолган шу ўғлон қиёфасида ифодасини топгандай эди.

Хали кириб келганда Саидбек Умар буйруқ билан синов даврини ўтаётган жонларни ўзи жиддий кузатмоқчи эди, майиб бўлишига сал қолган Чумоли аҳволидан хабар топгач, ковоқ солиб, тезгина фикридан қайтди. Аста қийшиқ курсига чўқди, лекин узоқ ўтирмай, илқис кўзгалди, эътиборини узун миз ости-устиди қалашиқ шиша идишлар тортди. Бурчакдаги заррабин ёнида куйманаётган Носир эса бирдан қийқириб юборди.

— Худо ҳақи, — деди у ирғишлаб, — бу лаънати икки жинсли: урғочи, эркак!

— Жа оширдинг-ку, — дея тўнғиллади Саидбек Умар.

— Ана, қаранг, бири думли, бири думсиз, — деди Носир бадтар ҳовлиқиб, — менимча, думсизи эркаги! Тез кўпайиши шундан экан-да!

Мана буниси рostaкамига ошиб тушди, ранг-кути ўчган Саидбек Умар руҳ иқлими билан рўпарама-рўпара

келган ихтироси қошида буткул ожизлигини яна бир кар-  
ра хис қилди. Анчагача чўчиди заррабин ёнига боргани,  
ниҳоят, аста ярқироқ ойначага кўз ташларкан, шогирди  
ҳақлигига ишонди: бир неча томчи зардоб думли-думсиз  
милён кушандага паноҳ! Ер юзида ҳеч бир жонивор бу  
қадар катта тезликда кўпаймаса керак. Энди у заррабин  
олдидан жилиши қийин кечди, ахийри, бўйни қотиб,  
соатига қаради: тунги ўн бир! Кифоя, бораё-да, ҳордик  
ёзай, деб турган одам роса тонггача тимискиланиб  
қолди. Рост, бу нима, жодуми? Эҳтимол шунақа, лекин  
бунга тан беришни истамасди, истамасди-ю, тун бўйи  
тахлил хонасида ўралашарди. Бугун эртароқ кетишга  
қасдланди. Ахир, уйдан илон чиққани йўқ, бахтики,  
ҳар кеч Моҳина билан Фузайл тўрт кўз билан кутади.  
Яна, одам қарийверса оила-рўзгор қадри кўпроқ били-  
наркан. Иш бўлса — қочмас, қолаверса, дунё камини  
ким битирибдики, у битирсин!

Чарчаб жонидан тўйганда, Бо-бош ёки Пўлат  
Қосимий кўзига бақа каби аянчли кўриниб кетган-  
да, сабр ипи узилган Саидбек Умар кўпинча шундай  
мулоҳазага бериларди, беминнат юпанч манбаи бўлган  
осуда ҳовлиси сари қочиб, хилват буржида паналаб  
олиш ташвишига тушар эди.

Аҳди-қарориди қойим барча эркак қатори у ҳам  
уй-рўзгоридан ишонтирувчи, кўнглини ўстирувчи,  
ҳатто баланд парвозларда асқатадиган далда излайди.  
Аттанг, унақаси ҳамаша тап-тайёр эканми? — не-  
тонг, умиди кўпинча чиппақка чиқади, яъни, иштаҳа  
кўзғовчи иссиқ-мазали овқат тортилган дастурхон устида  
ногоҳ қандайдир илмоқли, совуқ гап айлланишар, бир-  
дан ҳафсаласи пир бўлиб, Моҳинадан ётсираб қолар,  
чарчоғини тарқатиш ўрнига, уни қайтадан елкасига ортиб,  
гулобий бино сари ими-жим жуфтагини ростлар эди.

Шу куни Саидбек Умар барига атай кўл силтади,  
ўйлаб кўрса, Моҳина ва Фузайл билан бир дастурхон  
атрофида одамдай гурунг қуриб таом емагани, чойхўрлик  
қилмаганига ҳафтадан ошибди. Умид ато қилувчи тот-  
ли соғинч юрагини ўртарди. Аммо бўсағада Моҳина  
эмас, оқсочлари Олия кутиб олгани иззат-нафсига  
тегди. Таъби тирриқ бўлганини сезган хизматкор аёл  
Моҳина бетоблигини хижолат аралаш орага қистирди.  
Пешинга яқин Ёдгор валий келган экан, Моҳина билан

сухбатлашиб, баҳонада уни кутган, келавермагач, хуфтон пайти аста жилган...

Саидбек Умар бир неча марта ётоққа мўралади.

Аммо негадир ўраниб ётган Моҳина оромини бузгани ботинмади.

Узун тунда мижжа қокмади...

Эрталаб Фузайл билан ҳазил-хузил қилиб овунди, фақат ўғли билан машғулдек кўринса-да, зимдан Моҳина мўътабар меҳмондан гап очишини кутди. Тошга айланган каби Моҳина чурқ этмади. Фаши келди, машинага чиқаётиб безиллаганча хотини устидан мағзава ағдарди. Нечун у бунчалар тил-жавига қулф солгани боисини ўйлай бошлаганда Дадаш бир савол бердики, ачишиб турган ярасига игна санчилгандай бўлди.

— Ака, Гурзи кабинетида чархланган болта осиб кўйгани ростми?

Ғазаби кўзибми, каловланибми, бирдан Саидбек Умар хиёл йўғон-чўзиқ бўйнини энли-тик елкалари орасига тортди, ажабки, афт-боши кўпчиб, кўкариб, ғалати тарзда бўзариб қолди; у бўғзини ачиштираётган нарсани чўғу оташ қилиб сочмоқчи бўлар, ўзини тузукли ўнглолмаётгани боис эплолмасди.

— Томинг ўйилипти, — деди у ниҳоят астагина.

— Илож қанча, ака?!

— Беғалва ҳайдасанг-чи, аравангни, баттол!

— Узр, мениям йўргагимда чалган ажина!

Энди Саидбек Умар анча юмшади, одатда, кимлигидан қатъи назар, паст тушган одамга у ўзини яқин тутарди. Ҳозир, Дадаш бедаво кувисидан ачиган айронини тўкмай туролмаслигини билса-да, барибир унга қайишди. Ким билсин, Дадашнинг ҳам ўзи каби кўнгли яримталиги, яъни ота-она меҳрига зор ўсгани, айниқса, ёлғизлик йигит кишига қанот бўлолмаслигини эсладими?!

Гулобий бинода нимасинидир йўқотганлар тўпланган...

Гулобий бинода кимдандир ажралганлар жамулжам...

Ажабки, Саидбек Умар эртасига рўпара бўлишдан қанча чўчиса, кечаги куни билан юзлашишдан шунча кўрқарди. Аллақачон хира-қалин пардалар ортида сийқаланиб йўқолган мудҳиш қотиллик ва айрилиқ доғи-

аламини эслатадиган эзгин манзаралар дардини янгилаганда кенгу ёруғ олам кўзига тору зим-зиё кўринарди. Асли бари унутишга маҳкум, шундай эса-да, бари шундоқ кўз ўнгида кўндаланг!

Кеча хонадонига таширф буюрган Ёдгор валий кўхна хотиротлари занжирининг қайсидир ҳалқаси эканини ўзидан бўлак киши билмасди. Кеча, ажаб эмаски, у ҳар нарсадан шубҳа қиладиган тегманозик Моҳинага ер юзида аллақачон ному нишони қолмаган Куйруксой ҳақида ғамгин ҳикоятлар сўйлаган бўлса!..

Аммо Дадаш Саидбек Умарни тушунишга анчайин ёўрлик қилади, тавба, ҳалигидақа олди-қочдига тўн бичишда бесуюк, тавба, қурғур не сабабдан Пўлат Қосимий шунчаки эъозлаб келган (шунчакимикин?) матоҳни ҳазил-чин аралаш суриштириб қолдийкин?

Машинадан секин тушиб, зина бўйлаб учинчи қаватга кўтарилган Саидбек Умар гоҳида каттаю кичик эмак-лаб кириб-эмак-лаб чиқадиган ҳашаматли қароргоҳнинг беҳисоб қимматбаҳо ашёлари орасида кўримсиз саналган мўъжаз-бежирим бисот хусусида шу дамгача бирон мулоҳаза юритмаганига астойдил ажабланди...

Адашмаса, қачондир Носир Дамин унга ишора берувди.

## 2

Ўша лаҳза Носир Дамин таҳлил хонаси бурчагида, эски-туски қалашиқ буюмлар ичида тиззаларини қучиб, бир ёнга андак қийшайганча, чўзиб-чўзиб хуррак тортар, ғира-шира тушида гала-гала баҳайбат-жузли қуртлар эти-устихонини бир бошидан шилиб-кемирар эди...

Ўша лаҳза Иноғом бедорликка мубтало: улкан сарой ўртасида қакқайганча, ажиб ихтиросидан нишона берган, ҳозирча ҳар ерда сочилиб ётган, аммо эрта-индин таянч ўқи атрофида йиғиладиган мосламаларга маҳлиё эди...

Ўша лаҳза Саидбек Умар руҳан бир-бирига ҳам яқин, ҳам узоқ шогирдлари дарди-ҳолидан беҳабар қолди, бироқ недир нозик сезимлар билан бутун вужуди ва тақдирини ёнма-ён қад ростлаётган ажиб қўш девор оралиғида ҳис қилди...

Масала шаксиз аниқ, нима, бўладими энди бору йўғини икки бўлакка?

Эҳ, ўзидан ҳамда жонидан шунча йироқлашгани етмасми?

Бу кунда қайси мазгилда?

Асли ўзим ҳам бир мазгилман, деди ичида Саидбек Умар, сўнг ғашлик аралаш хўрсинди, бемаъни чорловни ҳам эшитди, эътибор бермай, хонаси бўйлаб кезинди, қай маҳалдир тўхтаб, қуёш нурида симобий ярақлаётган улкан ҳайкални оғриниш билан кузатди.

Дарахтлар ўрамидаги сокин бўшлиқда у эриб-илвиллаб тургандек эди, шакли эса гоҳ кичрайиб, гоҳ барваста тортиб бораётгандек туюларди. Яна унга ажабланиб тикилиб қолди ва ёқа ушлади. Туйқус миясида чакнаган фикрга ишонгиси келмади. Тавба, бу кимга ўхшайди? Бо-бошгами? Ундай деса, боши — Бо-бошники, бўйнидан куйиси — Пўлат Қосимийники! Ишониш қийин, булар тириклик пайтларидаёқ ўзларига ёдгорлик ўрнатишибди-да! Аммо бунақа йўл тутилгани ғалати: нечун бири калласини иккинчисининг танасига уламишлар?

Саидбек Умар беҳабар: ичкарироқда ўзи сиймосини ҳам тошга нақшлаб қўйишмаганмикин? Ажабо, шунга журъат этишган бўлса, омадсиз бошини кимнинг бахтиёр гавдасига пайванд қилишдийкин?

Беихтиёр кулгиси қистади ва ҳовли-боғнинг қайсидир бурчларида, Жавлон Қиёқлидан тортиб Носиру Иноғомгача, барча тош сувратда қад ростлагани ва дунёга тош нигоҳлар билан бепарво-бемаъно боқишаётганини чамалаб, тепа сочи тикка бўлиб кетди...

Сўнгра хаёли Дадаш суриштирган матоҳга оғди.

Қизик, қайсидир куни Жавлон Қиёқли ўша нарса дидли ва фаҳм-фаросатли бошлиқ қароргоҳи чиройини гулдек очиб юборганини мақтаб, ҳаммани оғзига қаратмаганмиди?!

Чалкаш мулоҳазалардан Саидбек Умар толиқди, бинобарин, анов ёғоч сопли матоҳ баъзи нарсалар олдида арзимас эканини, фақат унгамас, четдан ҳеч ким назари тушмайдиган ҳовли-боғдаги улкан ҳайкалу ҳайкалчаларга, ягона мақсадни кўзлаган бўлса ҳам ҳеч қачон бир-бири билан учрашмайдиган қаватларга бегоналигини фаҳмлади.

Ёрдамчиси Нодим курсантлик мактаби мудири Али Шаҳобий ташриф буюрганини маълум қилганда чирок ёқса кўнгли ёришмасди.

Баттар тиришди елкаси, негаки, гулобий бинони зор қақшатадиган можарога кўпинча Али Шаҳобий қўл остидаги атай ўзини гўлликка урадиган олифта-сатанг гумашталар сабабчи эди. Кўпдан бери у тегишли низомни янгилаш ниятида юрарди. Лекин беҳуда талтайган билан иш битар эканми? Шунга ҳам Саидбек Умар балоғардон: олим аҳлини сафарбар этиши керак эмиш! Ҳаммаси равшан: ҳозир у оти бору ўзи йўқ ҳужжатни талаб қилгани келган. Аммо шундай гап қилдики, томдан тараша тушгандай бўлди.

— Ғамингизни енг, Гурзи гум бўлганмиш!

Ночор аҳволда қолган мезбон бармоғини аста лабига босди...

— Ҳалиги қорозми? — деди кейин жавдираб, қалтироқ товушда. — Бир ой муҳлат беринг. Ҳа, бир ой! Али Шаҳобий тек қотди, сўнг бурила-сола жўнади.

Ҳали Саидбек Умар нафасини ростлаб улгурмай яна эшик шарақлаб очилди ва босар-тусарини билмай, ҳаллослаганча Жавлон Қиёқли бостириб кирди. Тавба, нима бало, булар уяси бузилдими?

— Э, дунёи қўтир, бир тулкимижозга қолувди-я кунимиз, — терини арта-арта жаврай кетди нозир, одатдаги шошқалоқлиги билан. — Пешонамизга офтоб тегади шекилли?

— Кимни айтасиз? — дея талмовсиради Саидбек Умар.

— Деворга танбур чертяпманми, биродар? — жаҳлини босолмай ўдағайлади Жавлон Қиёқли. — Аммо сиз бечорага қийин, ҳатто кимнинг ногорасига ўйнашнинг билмайсиз!

Саидбек Умар тажанг бўлди: “Наҳотки рост ярим-талигим?”

Аммо бу сўхтаси совуқ сувни лойқалатиш учун келган кўринади...

— Ишон, аммо шубҳалан! — хона соҳибига синовчан назар ташлади Жавлон Қиёқли. — Мана шу бемаъни ақидани бир вақтлар каллаамизга миҳ билан қоқиб киргизган сиз эмасми?

Энди сал очилган Саидбек Умар тасдиқ ишорасини берди.

— Балки ўзингиз... тонгандирсиз?



— Йўк, — деди профессор узиб, — ҳамма қул ўша туйғуга!

— Унда нега мунча ёпишасиз Гурзининг этагига?

— Фақат мен эмас.

— Лекин у ҳаммани чалғитиб келган.

— Ўл десин-чи, иложим қанча?!

— Э, йўк, — деди нозир ачиниш билан, машқи бир оз пасайиб, — у ўл деб ўтирмайди, сизга ўхшаган нотавонларни шухратнинг баланд дорига тортиб қўя қолади. Дор тагида қалтираётган пайтда биласиз Гурзи кимлигини! Хайр, мен кетдим, аммо кўзингизни каттароқ очинг. Эрта у балки жойига қайтар, нахотки яна ўшанга сифинасиз?

Энди Саидбек Умар тамом ишонди: сувни лойқалатиш учун келган!

Хаёли алғов-далғов бўлиб кетганидан Жавлон Қиёқли яна қанча вайсагани ва қачон қуённи урганини эслолмасди. Нуқул кўзига шакл-шамойили йўқ тузоқ кўринади. Яна, қармоқми, тўрми? Буларни ҳадеганда кўз илғамаса ҳам илиниш шунчалар осонки! Булар кетида нима-лар борлигини ҳам яхши билади. Лекин у, тузоқми, бошқасими, ярим-ярим тушса керак. Ҳатто яхшилик ёки ёмонлик ҳам унга бирон-бир ками билан буюради. Дилида ҳам кемтик бор, аммо буни рад этишга ожиз, зеро, инкори ямоқ бўлмас, мабодо бўлган тақдирда ҳам хунук ва бедаво чоки қолар.

Девор соати қўққисдан занг чалди. Нима, вақт одил ҳаками адашдимиз? Ёки хиёнат хоҳишига бўйсундимиз? Лекин у тахмин қилганидек, ҳакам янглишгани ҳам, хиёнат билан тил бириктиргани ҳам йўк: чиндан соат кечки роса ўн! Тавба, ҳалигина тонг отмадимиз? Вақт олдида юзи шувитдек эди, ҳатто бевурдлигини ҳам тан олди, истар-истамас кўзгаларкан, чироклар ёғдуси тилимлаган тун чодирини ичра мудраётган ҳовли-боғдан аллабир саслар таралди. Сон-саноксиз зот гувлаганча ҳавога кўтарилгандек туюлди. Негадир кўз ўнги жи-вирлашиб кетди, ташқари сутдек ойдинлигига қарамай, улкан ҳайкал кўринмасди. Юраги шув этди: у шоҳсупа этагида, анвойи гуллар узра чилпарчин ётарди. Хумга менгзаса бўладиган боши нарида, айикникидан бир неча баравар катта гавдаси — берида! Нима бало тегишдий-кан унга?

Бас, мен йўқман, дея ичида аста хитоб қилди.

Дилига сўнгсиз ғашлик қуйилди. Бир хил тўлиб оғир-оғир энтикаркан, ниҳоят фалақдан сирли муждалар шуъласи сочилди...

У беҳол ажабсиниб турган пайтда лип этиб бир шарпа кирди.

Қарасаки, рўпарасида — Фаришта!

Ахийри, ишонч ва қизиқиш ҳисси устун келди ва Фаришта ҳарир либосини ушлаб кўришга ишқибозлик қилди.

Ниятига етолмади, у, тип-тиниқ шуъла, ажиб бир майинлик ила вужуди оша руҳига чирмашди, бу сир шукуҳини бир англади, бир англамади, хиёл саросар турганда ногоҳ ғойибдан бир шивир чалинди кулоғига: тан сиртида адашибсан, нафсинг шуҳратга мубтало, ичинга сафар қилгали журъат топилки, йўқотганинг — иккинчи бўлагинг ўша хилқатда!..

Қачондир йўқотган нарсасини алоҳида ҳозирлик кўрмай, интиқом ҳиссини дилига жойламай излаш беҳудалигини, аниқроғи, замона зайли билан бой берилган имкон қайта нажот бўлиши кўп маҳол эканини ўйларкан, негадир юраги симиллаб, илкис ўзини таҳлил хонасида кўрди...

Олис масофани босиб келгандек хансирарди.

Ажабо, бу қандай олам?

Бу оламнинг ўзаро туташ ўлчамларида шиддатли тўлқин кўпирарди, шунинг билан бирга, қайсидир буржларида олақуроқ чизиқлар ва турли беўхшов белгиларни қовуштиришга ожиз бўёқлар хирагина живирларди.

Мана булар ким, Чумоли билан Ниначими?

Ивирсиқ манзара рутубати қўрғошиндай оғир эди, шу рутубат бор залвари билан қандайдир алвон шиор учларини чайнаганча, бир-бири пинжида тарашадай қотиб қолган ошналар ранг-рўйида аксланган эди.

Ва улар устига биллурий томчилар томчиларди...

Саидбек Умар саросар... Ниҳоят у дикқат қилди.

Сокин бўшлиқда Фаришта муаллақ қанот қоқарди.

Ҳарир киприклари — нам!

Дарҳол англади: ҳалиги томчилар Фаришта тилагида яширинган оламнинг охир-оқибат надомат уммонига бориб қўшиладиган беадад ғам-андуҳлари сели!..

Ёруф дунёдан ранг-равиши ва андозасини сир тутишга мажбур бўлаётган таҳлил хонасига қачон ва ким билан ташриф буюрганини Саидбек Умар ғира-шира эсларди, холос.

Фақат ғафлат эмас, аросат уйқусида ётган Чумоли билан Ниначи теграсида Фаришта кўриқчилик қилгани, тақдир қарғишига учраган бандалар шуурига илашган дардни қорачиклари жоласи билан ювиб юбориш учун куюнганига сира ишонгиси келмасди.

Негадир бу ҳолни рўёга менгзайди.

Ҳали товушсиз юм-юм йиғлаган Фаришта эмас, эҳтимолки — ўзи, ҳа, у Фаришта қиёфасига кириб, ичидагини лахта-лахта қилиб тўқди. Бир мавриди келди-да. Ҳарчанд уринса ҳам ўзини тиёлмади, очиғи, зарраларга бўлина-бўлина бир сочилишни тусади. Яхшики, ҳолизабунини ҳеч ким кўрмади, ҳеч ким кузатмади. Бахтига ўша палла Носир ҳам қай гўшададир ўз тирикчилиги билан банд эди.

Холис ниятини изҳор айлаган Фаришта қани?

Янглишмаса у аллақачон мангу макони — аршу аъло сари парвоз айлади. Лекин хануз у жилгани кучимкон тополмас, гўё девор ёнида — бир девор! Қайси нарсада илинж кўраётгани ҳам аниқ эмас, тасавурида ер юзидаги қимирлаган жамийки тирик жон Чумоли билан Ниначини чирмаган дарди қаттол қаърига думалаб бораётир.

Ўзим-чи? Бу ўйдан баттар ҳолсизланди, негаки, аввало ўзи жабр кўришини инкор этолмасди. Бирдан ҳали киприклари намланганини эслаб қолди, ёноқлари бўйлаб тошган дарё ахийри Чумоли билан Ниначини хас каби оқизиб кетганини ажабсиниб хотирлади. Лекин, нетонгки, улар рўпарасида, сўлаклари комида, қайғу ва шодлик фарқига бормай, нотавонлик тўшагида пишиллаб ухлашарди.

Чамаси улар лоқайдликни эзгу машғулот санашарди...

Қани ҳозир Носир Дамин ёнида бўлса?

Ҳартугул у майда-чуйда чигал жумбоқларни осонрок ечади.

Кўпинча шогирди тун бўйи қолиб кетади бу ерда, Чумоли ва Ниначи бош мияси ва асаб тизимида ўрнашган

хашаротлар билан алоқа ўрнатишда ҳайратга молик русумлар ўйлаб топган. Сал илгарирок ўзи тузган ва Саидбек Умар нуфузли илмий кенгаш номидан яшириқча тасдиқлаган дастурга бўйсунга қолмайди ҳадеганда. Шаксиз, бу қилиги — бориб турган ўзбошимчалик, лекин бир жойда депсингандан кўра тошбақадай бўлса ҳам қимирлаган маъкул эмасми?

Тун ҳам яримлади, лекин у ҳануз таҳлил хонасида туткун эди.

Гофил жонларга термилади, улар ўрнига ўзини қўйиб кўради.

Кулгиси қистайди, алами ҳам келади: бедорлик маъқулми ёки мана бундай уйқупарастлик?

Аммо, ишончи комилки, бу сонияда ҳамма роҳат оғушида, ҳатто қушуйқуман деб ора-сира мақтаниб кўядиган Бо-бош ҳам аллақачон (бу киши шу ёшга кириб уй-жой қилиб улгурмаган) хосхонаси бурчидаги юмшоққина диванда бемалол чўзилганча хуррак тортаётгандир. Йўк, у ҳозир ёлгондакам мудраб, хаёл дарёсида суза-суза, эрганинг аллақим бошида калтакдай синадиган балиқсирт режасини тузаётган бўлса керак.

Худо ҳақи, аслида Бо-бош деганимиз гулобий бинода қандай лавозимда турганини ит ҳам, бит ҳам билмайди. Лекин у мартабани нима қилади, бошига урадимми?

Шунақа, Бо-бош ҳеч ким эмас, лекин қуриб кетгурнинг ваҳимаси — тузуккина!

Хосхонаси ҳам ҳашам бобида Пўлат Қосимийникидан қолишмайди...

Харҳолда у ойда-йилда жаҳл отини бир-икки эгарлаб қолишини яширмайди, аслида эса деярли ҳар дақиқада гижинглаб турган ўша асов бедов белида заранг ўтирган бўлади.

Айтишларича, осудалик Бо-бош учун харом экан, ишда, йиғин-пиғинда қони қайнагани-ку қайнаган, ҳатто ётса тўшакда ҳам аллабирова билан жиққа-мушт олишаркан, аниқроғи, аввал кўрпа остидаги холис майдонда хаёлан жанговар машқ ўтказаркан, кейин чинакам талафотлар талаб қиладиган майдонда муросасиз жангга киришаркан. Мана шу хислатидан ибрат олса арзимайдими?

Кичик ғийбатки, асли Пўлат Қосимийни ҳам шу тинчитган.

Таг-томири билан йиқитган-да, ёққан! Кул қилган, кул!

Қай ерда у хозир дил-занг уриб ётадир?!

Бори шу: ҳеч қаерда ёзилмаган, қайд қилинмаган, лекин зимдан мунтазам амал қиладиган бир қоида яшайди гулобий бино қони ва ҳужайрасида!

Мазали-матрасиз юмушлар ижрочиси кўпинча Бо-бош бўлади.

— Э, аттанг, бўғишганингга арзимади бу галварслар, — дея астойдил зорланиб ҳам қўяди. — Бировини чинор десанг, ё танаси, ё томири йўқ! Бировини дарё десанг, ё тўлкини, ё қирғоғи йўқ!

Бо-бош назарида, ҳамма — ёрти, ўзи — бутун!

Баъзан эса ўзи ёртилик билан бутунлик ўртасида каламуш каби пилдираб қолажагини, хоҳиш-иродаси ва куч-ғайрати у томонга ҳам, бу томонга ҳам ҳовуч-ховуч сочилишини ўйламасди...

Саидбек Умар Бо-бош билан алоҳида ҳисоблашишга мажбур эди.

Ҳамиша Бо-бошни кузатарди, Бо-бош бошқалар ёки ўзи ҳақида айтган ҳар бир мулоҳазани ипидан-игнасигача таҳлил қиларди, мана шунинг учун у тўсатдан ховли-боғда ҳам, гулобий бинода ҳам кўринмай қолганда таажжубга тушди.

Негадир бу гал ғийбат ўлгур ажаб тарзда сукут сақларди.

Орадан бир кун, икки кун ўтди ҳамки, лавозим эмас, ваколат отини миниб келган, ҳар бир ҳаракати, ҳар бир сўзи билан жамоани лолу хайрон қолдирган Бо-бошдан дарак бўлмади. Бу ҳолдан кимдир хафа, кимдир хурсанд!

Кутилмаган мўъжиза рўй берган куни Саидбек Умар жимжит хосхонасида ўзича Чархпалак билан замбуруғ ўртасидаги тафовут ва уйғунликни солиштириб ўтирар эди...

Ёпирай, буниси не дабдаба?

Сув сепилган ва ойнадай ялтираётган теп-текис хиёбон бўйлаб тойчокдек безатиғли яп-янги енгил машина физиллаб келди, муаззам пештоқ рўпарасида чийиллаб тўхтагач, бир томонидан Бо-бош, иккинчи томонидан Пўлат Қосимий тушди...

Соддадил Нодим деразадан ташқарига имлади.

— Менсизам эплашар, — деди Саидбек Умар куруққина қилиб.

Нима учун бунчалар энсаси қотаётганига ўзи ҳам хайрон эди.

Баҳайбат пештоқ олди, теп-текис айлана майдонча, улкан ҳайкал ён-вери тирбандлигини шунчаки тахмин қилувди. Аслида чиндан ҳам одам етарли эди: чор тарафдан оқиб келган оломон (тавба, қачон улгуриш-дийкин?) иззат-икром билан қадам ранжида қилган азиз зотлар пойларида гул-пойандоз бўлиб тўшалишга хозиру нозир!

Ура садолари янгради.

Баҳор жаласидай ёғилган тилаклар ер-қўкни кўмди.

Қачонки Жавлон Қиёқли дўрилоқ овозига холислик оҳангини бериб ваъз айтганда жилға дарёга, кўлмак кўлга айланди...

Гулобий бинода зерикарли кеча бошлаган ҳаётни аввалги жўшқин ўзанига буриб юборган ғаройиб кутлов маросимидан Саидбек Умар бебаҳра қолгани кўп чакки бўлди.

Айниқса, чечанлик маҳоратини моҳирона қўллаган Жавлон Қиёқли нутқини эшитмай қолгани алоҳида йўқотиш билан тенг эди. Ахир, тезкор назорат гуруҳи нозирини ихлос билан, сизлар бўлмасангиз холимиз хароб экан дея, ҳақни ошкор айлаганда улуғвор иморат ва уни чор атрофдан ўраган дувора-сувора шийпон-уйлар, кўрғонлар ва ўзаро мажлис қурган дов-дарахту курт-кумурсқа қулоғи роҳат қилгани ёлғонми?!

Хузур-ҳаловатни улар ҳам билишади, улар фақат талтайиб кетишни билишмайди.

Ҳар нимаики бўлса эҳтимол гулобий бино кўтарар, аммо уни оёқлари остига олган тили узун зотлар бунга қодирми?

Буни айтиш қийин, аммо шу нарса аёнки, энди анчадан бери тинчиб қолган ари инига яна чўп суқилар, яна бари бошқатдан бошланар — балки эрта, балки индин. Бири-бирига тиш қайраган қаватларда қисқа вақт ичида қанчадан-қанча ҳасрат уйилиб қолгани аниқ, шулар барини Пўлат Қосимий сабр-тоқат билан тинглаши, зеро, лойга ботган аравани жойидан жилдириши керак. Бунинг учун анча кучанишига тўғри келар, йўғ-а, кимлар бошига ёнғоқ чақмас.

Ҳозирча эса Пўлат Қосимий сукутда, нафасини ростлаш, борди-келди кўламини чамалаш, ҳар кимга муносиб муомала меъёрини қайтадан белгилаш учун шундай қилаётган бўлса ажабмас. Қолаверса, энди у янги раҳбардай гап, шунга яраша иш тутиши лозим.

Аммо Гурзи сукути бениҳоя чўзилди, орадан икки кун ўтди ҳамки, Саидбек Умарни йўқламади. Аввал бепарво бўлди, кейин шундоқ ҳам безовта кўнглига ғулғула тушди. Илгари-ку, ҳой, биродар, бормисан, деб суриштирмагани майли, кутиб олишга чиқмаганини ҳам қўйинг, жилла курса хосхонасига мавридини топиб сўрашгани кирса асакаси кетармиди? Нечун шундай бепарволик қилгани сабабини тушунолмади. Елкаси тиришдимиди? Нимага? Ташвишга кўмилганмиди? Бу ҳам арзирли баҳона эмас, негаки, ўша нарса доим ўзи билан бирга. Хулласки, ичини пушаймон кемира бошлади.

Ҳафта охирлади, гулобий бинода еттинчи қават борлигини, ўша қаватдаги нақши-нигори кўзни ўйнатадиган, қуйи деворига ўйинчоқнусха ойболта осилган ҳашаматли хосхонани қарийб унутаёзди, аммо билсаки, ўзини унутишмаган экан, қабулхона маликаси Маржона кўнғироқ қилгандан кейин бунга амин бўлди.

Котиба андак аламзада ҳам хафа эканини товушидан сезди, негадир у томоғига йиғи тикилиб қолгандек бир ҳолда саломлашди, ҳатто чуқур хўрсингани ҳам эшитилди, узоқ сукут сақлагандан кейингина соат олтида бошланадиган йиғинга чорлади.

Қурмағур бошлиқ ҳамиша кулиб турадиган кўнғилчан кизгинани недир баҳонада қийин-қистовга олганини тасаввур қилиш қийин эмасди, мана шу ҳол кўп нарсани англади, кечки соат олтини юрак ховучлаб кутди, аллабир ўй билан муборак қароргоҳга сал эртароқ борди.

Барибир кечикибди, қарасаки, номаълум кўрғилик домидан эсон-омон қутулиб қайтган ва аввалги мўътабар жойига бемалол ўрнашган Гурзи қошида бошқалар аллақачон нақд ўқланган милтиқ!

Саидбек Умар бўсағада бир муддат саросимага тушиб қолди. Югура бориб кўришсинми ёки шунчаки бош ирғаб сўрашиб қўйса кифоями? Негадир одамзод бор бисотини икир-чикирларга сарфлаш ёки айирбошлаш билан оворалигини ўйлаб кетди айни шу қалтис лаҳзада, сўнг эсини йиғиб, хиёл бегонасираб ўтирган

бошқонни кучоғига тортиш учун илгари юрди. Аллатовур қанотланган эди, лекин холис нияти ва ҳаракати Пўлат Қосимийни қизиқтирмади, у, ҳатто қимирлаб қўйиш тугул, қўлини ҳам чўзмади.

— Тузукмисиз? — деди истамайгина.

Каники ер ёрилса, у бир тошдек думаласа! Ҳавода муаллақ қолган қўлини чор-ночор туширди, бўғзида эса — ғазаб аралаш хўрсиниқ! Кейин сира иккиланмай тан олди шундай муомалага лойиқлигини. Ахир, орада кечган ғийбатлар бошлиқ кулоғига етиб бормаганига ким кафил?

Саидбек Умар синиқ кулди ва аста ўтириш учун бурилди. Қора терга ботиб ниҳоят чўкди. Бениҳоя таранг тортилган бир лаҳза ўтиб кетганидан енгил тортгандай бўлди анчагина. Ҳатто бир-бир шерикларига қарагани ҳам журъат қилди. Ҳамма ўзига тикилиб турганини сезди.

Фақат... Жавлон Қиёқли ўрнида йўқ, жойида пўрим кийиниб олган Жобир Қирпи савлат тўққан, энли ва узун чизиқли дафтар варағига қитирлатиб хат битар, тез-тез тўхтаб гоҳо Бо-бошга нигоҳ отарди, гоҳо Пўлат Қосимийга...

## УЧИНЧИ БОБ

### 1

Не синоат, Саидбек Умар шунчаки чалғиётирми ё туш кўраётир?

Тамом гангиган ҳолда қовоқларини уқалади, манзара зифирча ўзгармади: тулкимижозлиги билан танилган Жобир Қирпи Бо-бош ёнидаги курсида иззат-икром билан қўнволган бўлиб, оқимтир лабини маъноли кимтиганча, зўр бериб нималарнидир иншо этарди.

Сал кейин яна ҳам қизикроғи кечди.

Бо-бош виқор билап сўз олди, Саидбек Умар негадир илкис бошини кўтарди ва, кўрдик, ҳалиги жойда кеча тухумни ёриб чиққан Жобир Қирпи эмас, минг қарғага бир кесак кифоялигини яхши билган Жавлон Қиёқлининг ўзи қаққаймиш!

Ажабо, бу қанақаси? Энди бадтар каловланди, ан-



чагача ўзига келолмади, фаҳмича, ғалати бир парда тутилганди рўпарасида — тилсимли парда, ўша барини бузаётганди, ниҳоят, бемаъни жоду арқоғи ситилди ва ғойибдан узалган мусаввир қалами ила Жавлон Қиёқли аста-секин Жобир Кирпига айлана борди...

Шундагина Саидбек Умар нарвоннинг энг баланд пояларидан бирига кўтарилган укахон омади юришмаган биродарига қай жихати биландир ўхшаб кетишини англади.

Унисими ёки буниси? — шахсан Саидбек Умарга фарқи йўғийди, лекин Бо-бош билан Пўлат Қосимий ичига кириб чиқмаган-да, қаранги, улар кутилмаганда қари кашқирни ер қилиб, ҳали мўйи тузуккина котмаган бир тирмизакни сийлашипти. Гаҳ дейилса, бу шундоққина кафтга кўнса керак-да!

Лекин қурғур Жавлон Қиёқли роса шишиниб кетувди. На итни танирди, на битни. Хаёл қилсаки, ҳар қанақа қалин тош-бетон деворни ҳам пешонаси билан ура-сола ўтса-кетса! Шунчаси етмагандай, янаям баланд охурга интилиб қолганига қуясанми? Анойи экан-да Пўлат Қосимий, эҳ-хе, бурганинг думини кўрган-ку! Агар у ҳовлиқмасдан сабр қилса, ғўрадан ҳолва битмасмиди? Атиги бир йил-ярим йил муҳлати қолган Пўлат Қосимий охир-оқибат нима қиларди? — Ими-жимиди бўшатиб берарди-да хом сут эмган бандалар кўзини ўйнатадиган ҳавоси баланд оромкурсисини. Ёки кетига боғлаб, судраб кетармиди ҳовли-ҳарамига?

Ҳануз Бо-бош тўлиб-тошиб ваъз айтарди...

Тавба, қанақа тоифа устида мунча кенг тўхталмиш, у шунча ҳам таърифга лойиқ эканми? Эслади, қачондир Бо-бош фавқулудда қобил ва салоҳиятли болалардан алоҳида гуруҳ тузганди, тез-тез шунинг сафини янгилаш учун қайғурарди...

— Ҳўш, — дея у ниҳоят Жобир Кирпига тикилди, — иш анча чаток, лаънати Жавлон жа қиялатиб юборган. Шуни ўнглаш сизга кўпроқ боғлиқ. Муовинингиз Нишон билан кенгашинг. Унда тажриба етарли. Мана ёрлик, мана рўйхат. Ваколатингиз чекланмаган.

Қоғозларни Жобир Кирпи алоҳида эҳтиром кўрғазиб оларкан, шавқ билан илжайиб, ён-верига сирли аланглаб қўйди. Ажабо, илжайганда кулгичлари ёришдими ёки сояга буркандими?

Тезкор назорат гуруҳининг янги нозири табиатан ҳам Жавлон Қиёқлига ўхшаб кетишини тасаввур қилган Саидбек Умар аллатовур бўзарганча ёқа ушлади.

Қай маҳалдир сўз навбати Пўлат Қосимийга тегди.

Аввал у туғруқ уйини қаттол чангалида эзгилади: бош ҳаким Гулбиддин чап ва ўнг қулоғи билан эшитсинки, чақалоқларни ҳаётнинг ўзи қадар мўътабар тириклик зардоби билан эмлаш аҳволи ночор! Бунингдек лоқайдликдан мақсад нима? Чалғитишми? Чучварани бунақа хом санаётганлар йўлни бўшатиб қўйишсин!

Ниҳоят, бошқон қутилмаганда мавзунини ўзгартирди, кимдир панадан, руҳ иклимида қароқчилик рўй бераётир, дея таёқ еган кучук каби фингшиганини орага қистирди.

Ўша кимса ортиқча ўтлаган: жамоа филдиракни хоҳлаган томонига айлантираётир, арава унақада ўру қирдан қандай ошсин деган, бу ҳам етмагандек, туғруқ уйи билан етимхонани камситган, ҳали гўдақлар таваллуд топмай манглайига сағирлик тамғаси босилармиш, яна, бунақа даргоҳлар теварагида қовоғи солиқ гумашта-зобитлар ўралашиб юриши ақлга сиғмасмиш!

Ғаламислар изғиётир теварақда, лекин аҳвол шу даражага етса-да, Жавлон Қиёқлига ўхшаганлар бурчдан бўйин товлаб, хафагазаклик билан ғараз қўчасига кириб кетишган. Лаънат бўлсин унақаларга! Аммо яхшилик ва янгиликсиз яшолмайдиган Жобир Кирпи тез орада эзгулик шаънини лойга белаётган гумроҳлар жиловини тортиб қўяжак. Айни пайтда, чекланмаган ваколат воситасида олий тоифа таркибини тиклар, фақат жамоанинг ҳар бир инсофли аъзоси унга холисона қўмак бериши ҳам фарз, ҳам қарз!

Ғазабини тийиб, ҳаяжонга берилмай, мўлжалга аниқ тегизган бошқонни кўпчилик ихлос-эҳтиром билан маъқуллади. Айниқса, Нишон бугун фаолроқ жавлон урди, бунинг сабаби тушунарли, агар у бошқонни астойдил қўлламаса, ҳар жиҳатдан унга яқин экани, ҳатто маслақдошлигини билдириб қўймаса, эрта шўрига шўрва тўкилади. Аниқроғи, кечагина тухумдан чиққан жангари ва чайир жўжанинг ажабовур залварли қанотлари остида майиб бўлади. Бир амаллаб ўзи лойқалатган сувда яна бир амаллаб чавақ-чувалчанг тутар, аммо, эс-хушингни йиғиштирмасанг ўзингни тириклай ейман,

деб баҳайбат думини ликиллашиб, оғзини ланг очиб турадиган лаққа-наҳангларга қандоғ тегинади?!

Мажлис охири ғийбатдан бешбадтар зерикарли ва маза-матрасиз тортишувга уланди. Ҳатто Жобир Кирпи билан Нишон руҳ муҳандислиги қайсидир маънода ўзини оқламаётгани, бироқ Саидбек Умар кўпроқ сийқа фаразлар билан чекланиб, аллақачон эскирган шухрати паноҳида соялаб олганини узоқ чайнашди. Тавба, булар мақсади нима, Бо-бош билан Пўлат Қосимийга яхши кўринишми?

Мажлис тугаганда юрагига қил сирмасди.

Йўлақда Носир Дамин билан Иноғом Насимий кўлтиғидан тутди...

Шулар-да ишонган муридлари!..

— Мен ўзимни ўзим танимаяпман, — деди Саидбек Умар илжайишга уриниб. — Жудаям аянчли! Эрта тозалангим кеп қолса, нима қиламан?

— Япроқдан нажот тилайсиз, — дея ҳазиллашди Носир Дамин.

— Кейин-чи?

— Кейинми? — деди у ўйга толиб. — Дарахт бўласиз-қўясиз.

— Буниси қийин эмасдир, — ғалати кайфиятдан чекинишни истамай қолди профессор. — Лекин ўрмон бўлиш учун шу кифоя эмас-да!

— Қўркманг, — дея суҳбатга аралашди Иноғом, — керак бўлса мана ўзимиз бор ёнингизда!..

Энди у сал юпанди.

Аммо кўнглидан ғашлик тугал аримади...

Чўкаётган одам хасга ёпишади, шукур, ҳали ғарк бўлаётганича йўқ, аммо зарил келса, қанотида улғайган ҳар иккала шогирди эрта кунига ярарми? Тошган дарёсига кўприк, ивиган иморатига том бўлиш булар кўлидан келарми?

Ҳе, буларни анов сурбетлар ғажиб ташлар!..

Энг қулай пайтни топган каби Иноғом Насимий Чархпалак бўй ростлаб қолганидан қувона-қувона сўз очди, ҳаяжонланганидан қайноқ терга ботди, қай маҳалдир сукутга толиб, сўнг қайсидир ношуд ва гап уқмас усталардан нолий бошлади. Ҳартугул ғўрлигига бордими, йўқ ердаги дардини ҳам дастурхон қилиб ёзди, у кўпиргани сари Саидбек Умар энсаси қотар,

мясини тамом бошқа ташвиш — бундай бир кунда рух муҳандислиги ўзини оқлагани маъқулми ёки номаъқул, деган валати мулоҳаза эгаллаганди. Қачонки маҳмадана шогирд елкаси тиришгудек ҳолда ғарбий кўрғон сари жўнагандан кейин кимдандир сигарет тилади, жимгина чекди, лекин илқис ўғжиди, шунақа йўталдики, ўпкаси бўғзига тикилиб, кўзлари ёшланди.

— Носир, — деди хушламайгина, учинчи қаватга йўл олишганда, — тайёрлов цехида аҳвол чатоқ экан. Бир бало бўлганмиш, шунинг касрига зардоб етишмаётганмиш!

— Қўйинг, устоз, кўп ғам еманг, — деди Носир бафуржа, — ўнгланар.

— Айт, нима қилай?

— Сиз на содда одамсиз, на муғомбир, — илқис ўгирилиб қаради унга, тезлаб бораётган шогирд. — Ишон дейишса, бас, ишонаверасиз. Гарчанд ҳар нарса тагида гумон ётишини ўзингиз тарғиб қилган бўлсангиз ҳам!

— Гумонсирашни тикиштира орага!

— Лаънати роботлар тишини синдирган Жавлон Қиёқли гумашталари-ку! Сезмадингизми, устоз?

— Салгина... Лекин энди йўқ Қиёқли!

— Улар шунақа: бири қўйворганда бири ушлайди.

— Ҳа, маъқул, — деди жиддий тарзда Саидбек Умар, — лекин, ука, ўзинг ҳам эҳтиёт бўл, айникса, тилинганга! Баъзан ортиқча саннаб кўясан!

— Булар... Хўп, хўп! — беихтиёр шивирлашга ўтди Носир. — Худо шохид, ака, булар бири кеча, бири кундуз! Булар ойни ҳам, қуёшни ҳам талашади. Фақат ермас, ўша сайёралар ҳам ота-оналари маҳрига тушган!..

Қурғур шогирд яна ҳаддидан ошди: жағидан тойди.

Аммо бу гаплар унинг ҳам дилига абадиян ўрнашган эмасми?

— Лекин... уят не қилсин, — деди у дудукланиб.

— Тавба, анаву чол ҳақками ё жиблажибон? — икки тарафи ойнаванд йўлакка буриларкан, овозини яна пасайтирди Носир. — На думи бор, на тумшуғи! Аммо келиштириб сайрайди. Тили учида бир жаҳон захар! Бу камдай, дунёни тепкиласа, букса, титкиласа, охири хасу хашакка қўшиб ёқворса!..

— Бас, тийил энди, мулла, — деди Саидбек Умар жеркиб. — Илож қанча, зўрники тегирмонтош юргизган!

— Э, устоз, милтиқ беришсами қўлимга!..

Мудом тийилиш — гуноҳи азим, ўрнида баридан баланд туриш керак менимча, — деган маъно зухурланди Носир талаффузида. Буни ҳис этган Саидбек Умар шогирди тутган жойини кесмаса қўймайдиган йигитлар тоифасидан эканини, лекин ҳозир елкасини қисиб юришга мажбурлигини ўйлаб астойдил ачинди. Бу қисмат ўйини, бунга ҳамма чидайди, бинобарин, кимки бошқага осон тутса янглишади, агар Пулат Қосимий билан Бо-бош яхлит доира ичида ранг-маза олган бир олманинг икки палласи бўлса, бу уларнинг омади юришгани эмас.

Саидбек Умар дафъатан эшикка қаради.

Ажабо, тунов куни у очиқ эмасмиди?

— Марҳамат! — деди Носир ҳурмат билан.

— Афсус оламигами? — деди профессор хорғин кулимсираб.

— Афсус олами? Э, йўқ, юмшатыпсиз, — деди қатъий тарзда Носир. — Ҳар қанақа одамни тиз чўктириб, ҳар қанақа кўнгилни вайрон айлагувчи кушанда ҳузурига!..

— Ўзимиз пиширган ош-да.

— Оловини Бо-бош билан Гурзи ёққан.

— Коса тагидаги нимкосага шама қилиясанми?

— Иккаламиз эплотмас эдик.

— Эҳтимол.

— Эрта одамзод қўли ўшалар ёқасида!

— Аммо қозон куяси бизгаям юккан.

— Тўғри, биз ўзимизни тамом оқлашимиз қийин, — деди бўшашиб Носир Дамин. — Лекин гиж-гижлаб туришганиям ёлғон эмас.

Саидбек Умар кўксигади яра туз сепилгандай ачишди. Беихтиёр афти буришди, аста йўталиб, кейинги бўлмага ўтди.

Мана улар: ачқимтир бўёқ ҳидини анқитаётган ҳолда минг йил аввал ташлаб қўйилган ёғочлар каби ғужанак ётишарди...

— Руҳ денгиздай гап, — деди Носир Дамин нигоҳини яшириб, — тажовузкор замбуруғ тўфон!

— Карантин билан чеклаб бўладими уни?

— Қайдам... Аллақачон одам руҳига кўчган.

— Лаънат бўлсин ўша лаҳзага!

— Бо-бош жигаридаги газакка шуни малҳам қил-

моқчи, шундайми? Буни у қачонлар орзу қилган! — чўғдек қизариб кетди Носир Даминнинг энли-қотма бети. — Аммо биз нўралар буни қаёқдан ҳам билардик? Биз шунчаки тирикчилик гамида эдик. Қолаверса, жонни асрашу жиндай шуҳрат илинжида!..

— Кўп алжидинг, аммо оппоқ эмассан, — деди Саидбек Умар нимагадир вижиниб. — Химм, жудаям уйқуга ўч-ку буларинг.

— Э, ака, булар фақат уйқусида беозор, — деди тиржайиб Носир, устози танбеҳига аҳамият бермай. — Бедорликда бир-бири билан ит-мушук! Шунинг учун кўпинча бир оғиз гап билан ухлатиб қўяман. Қилт этишмайди юз кун ўтса ҳам!..

— Қойил сенга, ука, шуларнинг туркига чидаб юрибсан.

— Иложим қанча, сизнинг сўзингизни икки қилолмайман.

Тахминан ўн беш дақиқалардан кейин чоғроққина шинам хонага киришди. Хона сокин, турли ашё-жиҳозларга бой, девори сиртига юпқагина кўкиш парда тутилгандек туюлади. Қўшалоқ шиша қандилдан таралаётган ёруғлиқ гўё шифт билан гилам тўшалган пол ўртасида қўшалоқ симобсимон устун пайдо қилганди. Қуйроқда радиола, телевизор-магнитофон, тўрда эса бир неча миллион босқичли икки хорижий компьютер ўрнатилган. Сирли мутаносибликка тоқат қилолмаган каби ингичка-йўғон ва ола-бужир қопламали симлар ўргимчак тўридек пала-партиш чатишиб кетган.

— Кеча, мана енглар, банан, — деб олдиларига терак пўстлоғини улоқтирдим, — шундоқ дея Носир юмшоқ курсига қўниб, компьютер биқинида турган микрофонга қўл чўзди. — Биласизми, нима бўлди? Хаял ичида чайнаб-чайнамай ютиб қўйишди. Тошни ҳам ғаживоради лаънатилар. Сув сиртида ҳақкалаб юриш, тик дарахт ёки деворга ўрмалаб чиқиш арзимаган эрмак!

Бу ахборотни билгани учунми, бошқа сабабданми, Саидбек Умар ўзини елкаси тиришгандай қилиб кўрсатди. Ноқулай аҳволга тушган Носир бирдан жим бўлди, сўнг шовилмасдан ором вақти тугаганини эълон қилди. Дастур бўйича чўмилиш соатлари бошланган, ҳовуз суви эса нул даражани кўрсатиб турарди. Қатъий буйруқ радиокарнай орқали бир неча бор янгради.

Атиги бир сония кечди, Носир кулимсираганча телевизорни кўйди: фақат калта иштонда қолган йигитлар гавдаланди экранда. Ҳар иккаласи ҳам ажиб кўнгилочар машғулот сари бораётгандек хотиржам ва ҳатто мамнун эди. Ниҳоят, бирови тахтасимон сариқ-тунука тўсинни осонгина чап томонга суриб, илгари босди, иккинчиси шошилмай изидан юрди. Шифти баланд маҳобатли зал ўртасида зилол сувли ҳовуз сокин живирларди, улар ўзларини бор бўйлари билан ташлаганда тўлқин бетон қирғоққа шалоплаб урилди.

Нечтадир бош-кети йўқ мавзегга бўлинган ушбу ғаройиб мажмуа бир вақтлар эс-хушини ўғирлагани, ҳатто мана шу ҳовузда сузишни ўргангани, кейинча, яшил майса қоплаган қайсидир майдонда тўп сургани, бир ўйинда йиқилиб, болдирини синдирганини эслади Саидбек Умар ва хомуш тортиб қолди. Кейинги вақтларда мажмуанинг айрим қисмлари, хусусан, ҳовузи унутилиб, ўз ҳолига ташлаб қўйилган, унга биров қайрилиб қарамас, сабабики, қай бурждадир бениҳоя қулай ва жозибали рақобатчиси бино қилинган эди.

Эски хотиралари таъсирида Саидбек Умар аста кўзғалди, барисини шундоқ яқиндан, табиий ҳолича кўришга иштиёқманд бўлди, ногоҳ бетон қирғоқ билан оҳиста ўпишаётган тўлқин қиёфасида ёшлигининг қайсидир масъуд онлари аксланганини туйиб, яна энтикди. Баданлари кизариб кетган Чумоли билан Ниначи ёнма-ён қулоч отишарди. Ўзлари чуқур ҳовузда, нигоҳлари эса саёз бир қувончга ғарқ!..

Эртаси, қисқа мажлисдан сўнг, Саидбек Умар яна келди. Зангор мавжлар тагида қолган ёшлиги эмас, муздек сувни писанд қилмаган йигитлар шижоати бузганди тинчлигини. Негадир бу мўъжиза ёлғон бўлиб чиқишини истарди. Балки кўриб тургани чиндан ҳам рўёдир? Аммо ҳақиқат ўзидан тонишни истамасди. Бари қоришиб кетди дили қатидаги изтиробларга. Мускуллари тап-таранг йигитлар эса, олим дарди-дунёсидан беҳабар, нари-берига равон молтишарди. Вақтини аямай, бир ҳафта қатнади, уларни кузатгани сари қаеридадир ўрнашган яра баттар газакларди.

Шулардан бири — ўзи!

Шулардан бири Фузайл ёки Моҳина!..

Бу ўй — қанчалар аламли, қаеригадир сим-сим санчилар, санчилгани сайин ўжарлик билан қайта-қайта шу ҳақда фикр юритарди, гўё танидаги жамийки хужайраси аллақачон ўша машъум хашаротга тобе, ҳатто руҳи ҳам! Алҳол, ўзики шундай ҳолга мубтало бўлибдимиз, эрта хотини ё боласи ҳам шунга маҳкум-да! Тўғри, дафтарларни яширди. Чумоли билан Ниначини ҳовузга бошқа туширмаслик юзасидан Носир Даминга қатъий кўрсатма берди, бу ишидан сал хотиржам тортди, лекин кошки шу билан бари барҳам топса! Анов митти хашарот тешик-тирқишдан оламга олайиб қараётир, бунингдек разилона машғулотдан уни ким тия олади? Қолаверса, таҳлил хонаси турли жадваллардан ўчирилган, компьютерлар хотирасидан олиб ташланган эса-да, ундан Бо-бош ёки Пўлат Қосимий, хусусан, Жобир Кирпи исковучлари хабар топмагани ва зимдан кузатишни бошлаб юбормаганига ким кафил?!

Хуфия гумашталар билан сира чиқишолмасди.

Суллоҳлар йўқни бордек қилиб етказишади.

Бир вақтлар айниқса Жавлон Қиёқли Саидбек Умар изига пойлоқчи кўявериш хуноб қилганди. Бечора қилдан қийиқ ахтаравериш чарчаб кетди, аммо ниятига етолмади, ахийри, хумордан чиқиш учунми, бир гал жиззакилик билан бетига чанг солди: “Кўп гердайми, сен бор-йўғи бир жилғасан!” Ана холос, ахир, у ўзини ўзанига сиғмаган наҳри муаззам санамасмиди? Бу пичингни қайси маънода тушунсин? Шунчаки пўписами ёки камситиш? Ярамас нозир олдида, ҳатто кўпчилик ичида шундай тош отди, орқаворотдан у ҳам, бошқалар ҳам роса масхаралашса керак.

Жавлон Қиёқли сурлигидан роса куйди, лекин аста-секин буни унутди, энди яхшироқ ўйлаб кўрса, унақа даҳмаза, таъна-тазйиқлар Моҳинанинг бир қиё боқиши, Фузайлнинг бир жилмайиши олдида сарик чақа экан...

Тўғри, Саидбек Умар рўзғор одами эмас, шунинг учун ҳам кўпинча Моҳинага ҳамдард бўлолмай қийналади. Аслида у иродасидаги кемтикни Моҳинага



муносабати орқали кўпроқ кўрарди. Ана шунини нима билан тўлдирсин?

Истаса меҳрини оғу қилиб ичкизадиган хотин зоти ва рўзғорни унутадиган эркак жони бирмас, қирқта бўлиши керак. Ҳаргиз ўзини ўққа-чўққа ураверишдан задасираб қолган Саидбек Умар баъзан олимликдан косиблик афзаллигини мажбуран эътироф этар ва ўша кезде оиласига астойдил қайишгиси келарди. Оила ташвишини бўлишиш — аввало хотин раъйига қараш, қолаверса, ҳаллослаб бозорга чопиш, тикувчига буюртма бериш, тилла дўконига танда кўйиш, қозон қурумга ботиш, рийбатдан бўшамаслик, тўй-ҳашамга эргашиб бориш! Товонни едириб юборадиган шунақа икир-чикир ҳамиша етиб-ортишини билгани учун яхшики оқсоч ёллаган, шундай бўлса ҳам доим уйда аҳвол эскича: бир ғалва қисир, иккинчиси бўғоз, учинчиси болалаб улгурган.

Моҳинани вақт билан ҳисоблашмаслиги бездирганди, бугун ҳам соат кечки ўн бирни қоралаганда шалвираб кириб келди. Қарангки, айб ўзидалиги, вақт алламаҳал бўлгани ёдида йўқ, азизлари пешвоз чиқиб кутволмаганига астойдил оғринди, чарчоғи эса тушунуксиз бир ўкинчга айланди.

Саидбек Умар аввал кириш йўлаги, кейин даҳлиз чироғини ёқди ва яна борлигини ҳалиги ўкинч қамради. Бахмал жилдли диванда Фузайл пишиллаб ухларди, майин ковушган узун-узун киприклари ёноқларига соя солган Моҳина эса пойгакдаги креслолардан бирида омонатгина мудрарди.

Беихтиёр Саидбек Умар хотини яқинда сўнгги русумда ялтироқ матодан тиктирган кўйлагини кийиб, бир неча хил нафис тилла буюмини тақиб олганини пайқайди. Ажабсинди, сўнг ихтиёрсиз тарзда узунасига қўйилган мизга назар ташлади: оҳори тўқилмаган шоҳи дастурхон мойли сомса, нозик парракланган яхна гўшт, қазипишлоқ, новвотранг лиқ-лиқа, шўр бодринг-помидор каби иштаҳа қўзғар газаклару тип-тирик анвойи мевачевага тўп-тўла, ҳатто қуйироқда шампан, сув ва шарбат шишалари тартиби билан терилган, фақат бирон-бир нарсаса қўл теккизилмаган, она-бола эса шундай ажиб ноз-неъматларни писанд қилмаган каби уйку айшига чўмган.

Пойгақдан сал берирокда, тўкин-файзли дастурхонни кафтида ардоқлаб турган миз куйироғида, Саидбек Умар лол-хайрон қотди, бу жозиб дабдаба тагига етолмади. Ширин тушлар кўраётган она-болани уйғотгани кўзи қиймади анчагача. Ниҳоят, беихтиёр босворди кунжакда турган радио тугмасини. Кимдир, файласуф бўлса керак, жўшиб гапирарди: инсон ғолиб, табиат мағлуб! Бу ўзим бино қилган хўжалиқдан, дея ғудранди, лекин эслолмади кимлигини. Керакли тўлқинни топди: хона бўйлаб хиёл енгил, хиёл шикаста куй жон адо қила кетди.

— Хей, отряд, кўзғол! — дея зўраки хушчақчақлик билан хитоб қилди Саидбек Умар.

Ҳалиги оҳанглар устуворлиги қолди, лекин бепарво “отряд” қилт этмади: гўё у сўнгсиз қир-тоғ оша оғир, сурункали юришлар қилиб, эндигина ҳордиқ учун қўнган, ором оғушини тарк этишни истамас, зеро, кутиш азобигина одамни шу қадар толиқтириши ва ғофилликка гирифтор этишини Саидбек Умар сезиб турар, айни пайтда, буни тан олгиси келмас — ўжарлиги тутган, яна устига, мановинақа ҳашам нима учун зарур бўлиб қолдийкин, деган ўй қўшилиб, бадтар зер-забун қилаётган эди аҳволини. Пишиллаб нафас олаётган Фузайлнинг фавқулудда келишган ва ўсмирлик таровати барқ урган чехрасига тикилиб ҳавасланди, кейин унинг пешонасидан не бир соғинч билан ўпди. Симсим жўшди оталик меҳри. Ана бахтиёрлик! Бу ўғлонни унга Моҳина ато қилган. Моҳина — ҳам омадли, ҳам соҳибжамол аёл, ҳозир айниқса гулдай очилган: зулфирайҳони қирмизи ёноқларига қараб талпинган, киприкларини найза каби ўқталганча ҳусни-мулки муҳофазасига отланган, камон каби тортилган қошлари эса ҳаргиз ситам ўтказишга қодир эканликларини аҳил-иноқ тарзда ифода қилмишлар.

— Моҳина, жоним!

Ноз уйқу таъмидан қувнаган киприклар ғамза аралаш ширин-шакар пирпиради, тириклик нашидасини намоён қилган бу манзарадан эркаккина ажиб жунунга кўмилди ва хотини қулоқларида заррин-гулобий нур сочаётган ёқут кўзли сирғани кўрди.

Саидбек Умар аста оҳ чекди ёки нола қилдими? Сўнг чарх ура кетди қурғур хаёли. Ропша-роса йигирма беш йил олдида нимага ҳам арзирди ҳар қанақа шон-

шавкати ёки гумроҳлиги? Бас, чайналишга ҳожат йўқ, ахир худди мана шу кунда никоҳдан ўтишмаганмиди?! Ох, ох, қайсидир ресторан боғида кечган ҳашамдор тўйлари-чи? Миясига занг шунчалар урган экан, эслолмабди ҳаётидаги қувончли санани!

Моҳина эса бўш келмаган (фаҳмига балли!), оила-си русумига содиқ қолган, яъни эзгу дафтарга мангу муҳрланган воқеани хотирлаган, кун бўйи Олия билан қозон бошида қуймаланган, кейин ёдгорлик сирғани ихлос билан тақиб, ясан-тусан қилган, қисқаси, кичик оиланинг катта байрамини нишонлаш учун баҳоли қудрат ҳозирланган, аммо у, атоқли олим ва худписанд эр, ўла-тирила иш-амалга ёпишиб, ақли-хушидан адашган, яна арзимаган алламбало темир махлук, алламбало нафаси совуқ қуртчалар дардида овораи сарсон!..

Бир кулиб, бир куйганча Саидбек Умар шундоққина патгиламда, уйқусини қизғанаётган каби асабийроқ қиёфа олган Моҳина рўпарасида чордона қурди. Қалам билан чизилгандек лабларда истехзо аралаш нозик табас-сум жилва қилди қай маҳалдир. Кулгисида ҳам недир норозилик! Тақдир азалий эканлиги ростми? Хотини бетига термиларкан, бу фикрдан бадтар ғашланди. Ахир, қизиқ-да, нечун у келиб-келиб шу аёлга уйланган? Хўш, бу шунчаки тасодифми ёки абадий мавжуд қонуният ҳукмими? Балки шу санамдир бир қаноти? Балки шу туфайли ўзини бутун санашга ҳақлидир?

Яна ҳаёли оғди. Тақдир уни сийлаганми ёки қар-раган? Ахийри, Қуйруқсой харобаларини тарк этгани ва шаҳарга келиб қолгани омад бўлиб кўринмадими ўшанда? Маҳобатли гулобий бино меҳрини тўкиб, иссиқ қучовини очгани, бу кунда Али Шаҳобий ихлос қўйиб бошқараётган мактаб талабасига айлангани... Азобланиш илмига дуч келгани-чи?! Одамзод истаса қийноқни тас-лим қилишга кодирлигини, ҳар қанақа уқубатни тан ва руҳни тоблаш воситасига айлантира олишини эътироф этмай иложи бормиди? Сен йирик олим бўласан, биз эса сенга суянамиз, дейишди аллакимлар. Ишонди, ҳа, баданида беқиёс имкон борлигига осонгина ишонди, орзулар уммонида қулоч отиб суза кетди, аммо бир кун билсаки, бор-йўғи тан билан руҳ ўртасида саросар экан. Балки бундан Ёдгор валий огоҳ этгандир? Ҳар ҳолда нималаргадир ақли ета бошлади, баъзида иккиланиш

кўчасига ҳам бурилди, дилида недир шикасталик ин кўйган бир дамда мана шу ҳурилиқони йўлиқтирди. Яна қайда денг: истироҳат боғида! Дам олиш куни эди, адашмаса. Якка ўзи этак томондан оқиб ўтадиган анҳор бўйида хаёл суриб юрарди нари-берига. Кўнғироқдай товуш сузувчилар клубини суриштириб қолса! Илкис ўғирилди, шундоқ каради-ю, тамом, чок кетди савил жигарига! Чўнтагида ҳемири йўқлиги, боши ғовлагани, шунда гулобий бинони суяб турган амалдорлардан бири қўллаворгани, сен етимсан, болам, сендақалар пешонасини силаш бурчимиз, деб юрагини сув қилгани... Кейин эзгу ҳавас билан тўлғин висол онлари насиб этгани... Ва кўз очиб-юмгунча тез кечган уч-тўрт йил ҳар иккаласи кўксига пайдо қилган армон!

— Моҳина, уйғона қол, — ҳазил-чин қилиб товушини кўтарди Саидбек Умар. — Шунчаси етар-да! Йшон, очликдан тугаёздим, ҳозир пойингда жон таслим қиламан!..

Дафъатан янграган ўтинч ниҳоят парчалади жодугар киприклар занжирини, энди улар ўз паноҳларидаги маъсум ва чарс қароқлар сир-асрорини фош айламакка қасдланмишлар. Чиндан-да, бирдан ҳурлик ихтиёр қилган қароқлар недир қаҳрни олов қилиб сочдилар, олов ўрамига тушган гуноҳкор жон гўё жизғанак — беҳол ўртанмакда...

— Гуноҳим бўйнимда. Бир қошиқ қонимдан кечгин энди, азизим, — деди ниҳоят Саидбек Умар жилмайишга тиришиб. — Мундай эслатиб қўймабсан, ипсиз боғланганимни биласан-ку!

— Э, қўйинг, иш сиздан тўйган, аммо сиз ишдан тўймайсиз!..

Тўғри, шароит тақозоси билан Моҳина озми-кўпми ўзига бино қўйган, аммо ортиқча аччиқ-тизиқ ёзғиришдан ҳамиша иложи борича ўзини тийган, ҳозир эса андишани йиғиштириб, шитоб ташлана қолди ҳужумга...

## ТҶҮРТИНЧИ БОБ

### 1

Тубсиз ўлқон қаърига қулагандек ноўнғай ҳолга тушган Саидбек Умар даҳлиздан балиқ каби билтанглаб отила чиққан Моҳина ортидан беҳол-бемаъно тикилиб қолди...

Қачондир завжасидан жабр кўрган кўнгилчан бир киши: “Хотин қаҳри — қилич!” — деган экан, шу гапни эслаб, Саидбек Умар мийиғида кулди, сўнг тимирскиланиб, миз остига шафқатсизларча улоқтирилган, вақтида эса ошифта дилларини иситган муҳаббатлари рамзи бўлиб порлаган сирғани излаб топди. Сирға — қимматбаҳо, шунингдек, ҳар нақши-нигорига моҳирона сайқал берилган, энг эъзозли кунларига гувоҳ бўлганидан ташқари, ажабмаски, йиллар оша вужудларида томир отган армон захри-зарбини ҳам ҳис этиб турган бўлса!.. Сирғани авайлаб ғаладонга солди. Ичини гўё ўткир тирноқлари билан мушук таталарди. Мўлтирок, маъюс кўзлари билан миз устини безаган ва иштаҳасини қитиқлаётган сархил таомларга суқланиб тикилди, лекин улардан тановул қилишга журъати етмасмиди ёки ҳафсаласи йўқмиди... нималигини ўзи ҳам тушунмайди.

Ётоққа ўтиб, Моҳинанинг кўнглини овлашга уринди, ҳатто эшилгудек бўлиб яна узр сўради, аммо у қайрилиб ҳам қарамади бетига, баттар тошиб кетган Саидбек Умар жимгина ташқарига юрди.

Иҳота девори бўйлаб хушқомат арча-сарв оралатиб экилган, шунингдек, нақд ўрмонга айланаёзган мевали дарахтлар латофати ўзгача, қўш ошёнали ва айвон-болохонали фиштин уй олдидаги фаввора майингина куй чалаётгандай эрта-кеч тинимсиз шовуллаб туради.

Фаввора ой ёруғида сокин жило берар ва кишини ром этарди, тўлиқиб турган Саидбек Умар хиёл зангори, хиёл сиёҳи ялтираётган сонсиз томчиларга бетини тутди.

Эсида, беш-олти яшарлигида Фузайл, қип-яланғоч бўлиб олганча, гирди ярим газ кўтарилган айлана ҳовузчада ҳузур қилиб чўмилар, жажжи кафтлари билан илиқ сувни шалоп-шалоп урар, юмалоқ бошини у ён-бу ёнга ташлаб, шўх-шодон кулар эди. Қуёш нури дуркун

гавдасига санчиблиб жимирлар, гўё тепасидан эзгулик ва омаднинг зар-кумуш тангалари тўхтовсиз сочиларди.

Оталигу оналик саодатидан масрур эр-хотин хаёлан беғубор ва некбин дақиқалар гаштини сураётган ўғилларининг эртанги ёп-ёруғ кунига сабрсизлик билан канот коқишарди...

Мана энди Фузайл бўйи чўзилиб қолди.

Энди дилида жигарбанди улкан умид ва қувонч бўлиб томир отди.

Бул маъбудсиз ҳаётини тасаввур қилолмасди.

Ногоҳ ўғли гоҳ яшириб, гоҳ бўйнида осиб юрадиган бўритиш шодасини эслади...

Недир сезимлар билан сезади: у қадимдан бир нишона!

Аммо, таажжубки, меҳрибони қўлига қаёқдан тушиб қолди?

Мана шу саволга ҳалигача жавоб тополмади.

Тахминича Қуйруқсой посбони бўлмиш Ёдгор валий бир келганида совға қилган...

Эхтимол, ҳовлисининг бирон бурчагига Фаришта ташлаб кетган...

Ҳа, Фаришта нақадар куюнчак, ҳамиша бирон-бир нарса ташвишини чеккани чеккан. Ахир, ўз кўзи билан кўрди Чумоли билан Ниначи тепасида юм-юм йиғлаганини!

Дунё шунақа қурилган: тириклар ёнида ўликлар ҳам ҳамиша нотинч — бедор, яъни ер усти хотиржам эмасми, сезгир ва диёнатли марҳумлар чидолмай қабрларида тикка турарлар!

Бу ҳақда Саидбек Умар кўп бош қотирган, ҳозир ҳам жимжит ҳовли йўлаги бўйлаб кезина-кезина узок ўйлади, ҳаргиз руҳи-шуури қатларида кечмиши ва бугуни муттасил тўқнашиб туришини англади, тонг отиб, Дадаш ўнглаган машина кабинасига ўзини олганда ҳам турфа мулоҳазалар исқанжасида эди...

— Яхши ухлаб турдингизми, ака? — дея Дадаш одатдаги саволини берди. — Янгажоним пиширган мазали овқатлардан тўйиб-тўйиб егандирсиз?

— Одамга ҳовли-ҳарам нима учун керак? — деди Саидбек Умар хотиржам бўлишга тиришиб. — Ухлаш, қорин тўйдириш, роҳат учун-да!

— Лекин Гурзини қайтарибсиз, шунисига қойил қолмадим, — деди дабдурустан Дадаш. — Анаву

хода ютганни... Нимайди, Қаймоқлими? Ҳеч тилим келишмайди.

— Кифоя!..

— Тириклай ютвормас, ака.

— Керак бўлса, ютади. Ҳали совунига кир ювиб кўрмагансан.

— Кирпи дегани... қайси тўқайдан қочган?

Энсаи қотди, кўзларини чирт юмиб, оғир ястанди. Очiq ойнадан бетига салқин шабада бир майин урилди, субҳидам тантана қиларди, осмону фалакка туташ поёнсиз уфқ пешонасига лаб босган оқ юзли малак шафақ сочларини мудроқ шаҳар узра майин-майин тараётир. Пардали деразалар ва улуввор деворлар уйғониш палласига хос нашъадан ҳамишагидек бебахра туюлади. Баланд иморатлар билан бўйлашмоқчи бўлган-у, лекин эпллмаган дарахтлар силсиласи гўё субҳи содиқ эркалашини эмас, аллақайдан ёғилиши эҳтимоли бор жала-дўл бўҳронини кутади. Ўша нарса нималигини жилла курса чамалаб кўроладиган тирик жон борми шаҳарда?

Саидбек Умар оғир хўрсиниб қўйди...

У нимагадир илҳақ эди.

Кутганидек, оқ юзли малак шафақ сочлари учини симобий бўёқларга ботирган чоғда, басма-басига кўкка ўрлаган қўшалок иморат биқинида сирли хилқат лов этиб кўнди.

Диққат қилса, у Ҳазора момога ҳам, онаси Болбибига ҳам ўхшаркан! Йўқ, деди у ичида, аллатовур маъюс тортиб, бу шундай бир хилқатки, борлиғига қаро тупроқ остида ётган барча мазлумалар хоки-туробидан чимдим-чимдим қўшилган, у ер юзасида овораи сарсон юрган тирик жонларга ўшалар арзи-додини етказиш пайида!

Тан олсин, Фаришта кўпроқ Қуйруқсой кайвониси Ҳазора момога ўхшарди.

Нигоҳини чулғаган ҳайрат ва зукколик ўша кампирники эди.

Мана шу жиҳати билан чиндан ҳам жамийки марҳума оналарнинг холис ва қуюнчак элчиси эди.

Фақат у бу навбат ўзини бир маромда секин елаётган машина сари отмади, қўш иморат оралиғидаги бўшлиқда қанотларини силкий-силкий гириллаб айланди, сўнг юксала-юксала тобора тиниқлашаётган осмон қаърига сингиди...

Чиндан ҳам бу ўша мушфиқ жон — етимлигини билдирмаган, манглайдаги шўрини баҳоли қудрат аритган, туғишганидай азиз-ардоқли билиб, топган-тутганини оғзига солган ва эгнига яратган энли-сепли Ҳазора момо! Дарёдил аёл эди раҳматли!

Гоҳ эрта, гоҳ кеч, минг марталаб, яланг оёғидан захри қаттол зирапчани, нина ёки сарсўзан билан, авайлабгина, ковлай-ковлай чиқариб олган ҳам ана шу беозор ва камсуқум жон эди. Дўмбира бўлиб шишган товонларидаги ёриқларга, қахратон совуғида газаклаган баданидаги яра-чақага тикила-тикила бечора қанчалар ўқинарди, ҳай, дариг, ота-онанг тирик бўлганда сендай гавхарини шундай хору зор қилиб қўярмиди, дея юм-юм йиғларди. Келавур бизникига, ҳамбўйинсанг Бўзтой билан ўйнайсан, гўжа пишириб бераман! Шунақа хуштаъм эдики гўжаси, Бўзтой билан талаша-тортиша шунақа хўриллатиб ичардики!

Кейин чол-кампирга Бўзтойни худо кўп кўрди. Мусибатга Саидбек гувоҳ ўтди. Ўша мудҳиш маросимга мажбур бўлиб келди. Бир пайт эс-хушини йиғиб қарасаки, Ёдгор валий майдон ўртасида хо-муш тиззалаган — алами ичида, Ҳазора момо қадди дол, йиғлайвериб қовоқлари гупдек шишган, эвоҳки, ўрталарида Бўзтой бежон! Шўрлик жўраси бўйнига тиг тортилган: ер қон, уст-боши қон! Ҳар замонда кампир зор қакшайди: “Уйгинанг устун тилладанмиди, Бўзтой? Баланд тахтинг бормиди, Бўзтой? Отанг оқсуякмиди, Бўзтой? Онанг ойбибичмиди, Бўзтой? Қонингни дарё қилмишлар, Бўзтой! Қонингга тўйдиларми, Бўзтой?” Нимадир қаттол нарса, товонидан тепасигача минг тилли илон олов бўлиб ўрмалаган ва ўзини тиккасига жўраси устига ташлаган ўшанда! Ҳали совиб улгурмаган жасад узра бўқирган, меням ола кет, Бўзтой, дея аччиқ кўз ёшини сел қилган.

Шу куни суви бўлса ариғи, ариғи бўлса суви йўқ дунёдан тамом безди, бинобарин, Ёдгор валий билан Ҳазора момо кўрган жабр қароқлари тубига беадад мунг бўлиб чўкди. Кимсасиз кўчаларда жувонмарг жўраси номини такрор қила-қила тентиради. Меҳрибон волидаси билан оққўнгил падарини ҳам Бўзтойдек шамшир дамига тортишмадими? Тортишди, сенлар билан бир қозонда қирқ йил қайнасақ-да, қонимиз қонимизга қўшилмас, деган айбни юклаб гарданларига. Бу айб нималигини



мурғак тасаввурига сигдиролмасди, лекин кейинча тушунтиришди: “Унут! Бизгаки ёвми, сенга ҳам ёвдир!” Йўк, унутишни истамасди, лекин кейинча шунга мажбур бўлганини ўзи ҳам сезмади: пешонаси ғурра Болалиги тутдек тўкилган Қуйруксойдан адашган кўйи поёни ва йўли йўк нотаниш ўрмон бўйлаб саросар югура кетди, бундаги ҳар бута оёғига илашарди, кўкрагига санчиларди, ахийри чарчади, бошқа кирғоққа чор-ночор сакраб ўтаркан, бир нидо бердики, харобага айланган қишлоғи, бурда-бурда қилинган танаси кудуққа ташланган ота-онаси, қиёматли дўсти ёдига айтилган мангу видо каби янгради...

Хаёл дарёсидан Саидбек Умарни илкис Дадаш тортиб олди.

— Ака!..

Шундагина у гумгурс дарвозани кўрди, шубҳаланиш ва тафтиш қилиш жон-дили бўлган қўриқчилар талабини сўзсиз бажариш, ҳатто улар билан муомалани жойига қўйишга мажбурлигини ўйлаб энсаси қотди. Эски, узук-юлуқ хотиралар таъсирида эмасми, бу гал қовоғини очмади, саломлашишни ҳам истамасди, машина бир силтаниб жилиши билан ўриндиққа бошқатдан ястанди.

Субҳидам малаги саховатидан яна ҳам рағбатланган каби эпчил тулпор манзил сари ошиқади, гўё Саидбек Умарни кундалик ташвишлар уммони эмас, олис кечмиш харобалари ичра хануз ночорона мўлтираб ўлтирган Болалиги ҳузурига етаклаб боради. Бу ҳолдан Саидбек Умар бир шод, бир ношод! Аммо нима бўлганда ҳам таскин ва нажот хисси билан омухта ғурурга кўмилади.

Ана қадрдон бекатлари: бир бўйра бўйи-энидан ортмайдиган ҳовли, баҳорда уч-тўрт дона кизғалдоқ ҳада этадиган тупроқ том, тезак ҳидига тўла сайисхона (сапсарик қулунини искаб-ялаб эркалаётган ва чўлтоқ думи билан ёпишқоқ итпашшаларни зўр бериб ҳайдаётган ориққина бия), арава вилдирақлари қат-қат из солган тошлоқ кўча, ён-гирди қичиткон бўзлоқ (“Бўйингдан, Бўзтой, бўзлоққа борғил!”), ҳосили сапчалигидаёқ тала-тала бўлиб кетадиган полиз, тим қоронғи камар ва ниҳоят, қишлоқ ғарбидаги қияликда тушган шинамгина уй... Бу уй айвонида неча бор тунаган, Бўзтой пинжиги тикилиб, бошини кўрпадан палапондай чиқазиб, гоҳ Ёд-гор валий, гоҳ Ҳазора момо эртақларини тинглаган.

Тўғриси, момо бийронроқ эди, ботирлар ва девлар, шоҳлар ва жодугарлар таърифини келиштирганда ипакдай эшилиб кетарди. Шунда у дунёнинг одамзод қадами етмаган энг чекка ва хилват жойларига бориб қолгандек антикарди, гоҳо астойдил берилиб кетганидан қадим қавмлари изидан тушгани ва бутун вужуди билан ўшалар турмуш тарзига кириб кетганини сезмай қоларди. Эртақ тинглаётирми ёки ҳақиқат? — Баъзан ажрим қилолмасди, айникса кўз ўнгида Улуғ Кўкбўри салтанати намоён бўлганда кўзлари чақмоқдек чақнарди. Ҳазора момо чертиб-чертиб айтаётган ҳар сўзга ишонарди, ота-боболари Кўкбўри наслидан тўраганига ҳам ишонарди. Шундай оқкўнгил аёл лафзида уйдирмаси бўлиши сираям мумкин эмас эди.

Чол билан кампир чиндан ҳам чўпчак-афсона хазинаси эди, нафсиламбри, улар тақдирининг ўзи ҳам одамни асир айлагувчи мўъжизалар билан лиммо-лим эди. Хону беклар замонида ҳали ёшгина бўлган эр-хотин Аму ортидан келиб, Қуйруқсойда муқим ўрнашиб қолган экан. Тирикчилик важданми ёки чиндан ҳам қобилияти бўлганми, Ёдгор валий табиблик ва дуохонлик қила бошлайди. Баъзан у бобурийман деганини эшитишган, лекин бир марта Хуросондаги чангалзорда ўлим нима-лигини билмайдиган бир қавм борлигини, ўзи ва аёли фаришта табиатли Кўкбўрилар авлодидан бўлган ўша қавмга мансублигини айтган эдики, Саидбек Умар ҳали-ҳали кечагидек эслайди.

Сокин бир оқшом чоғи Ёдгор валий пишқириб оқаётган Амудан кечиб-сузиб ўтгунларига қадар, тоғ-тошу тўқайларда, ёввойифеъл ва жоҳил кимсалар орасида хору зорликда кун кечиришганини куйманиб сўйлади. Надомат бандаларига нафратини ёғдирди, оғир тин оларкан, Бўзтой ёнида жовдираб ўтирган Саидбекка аллатовур истехзоли тикилиб қолди. Узоқ сукут сақлагандан кейин дона-дона қилиб деди: “Ёпирай, ўғлим, фаҳмимча, пешонангга кўп аломат ёзуқлар битилган. Бевафо чарх сени эрта аросатга гирифтор этиб, уқубат кўчаларида зору нолон қақшатмаса!” Шўрлик Саидбек, ҳали ғўр-ғўл бола, ҳар чигилида минг жумбоқ жо бўлган бу гапни эшитиб, ёғоч сувратига кирди, қалин парда ортидан эшитилгандек туюлган сирли-шикаста овоз қулоғига бир умрлик ўрнашди, орадан бир неча йил ўтиб, кўксида

томир отган зил армон билан ота қошига юкуниб борганда ҳам ўша ажиб кароматни эслади, бирдан юраги ўйноқлаб, пешонасини реза-реза тер қоплади.

Шу кунда адашмаса худо ёрлақан Ёдгор валий юз билан юзлашади.

Қайси йили ёзда, афсуски, Ҳазора момо бандаликни бажо келтириб, ёруғ дунёни тарк этди...

Турли бахоналар билан Саидбек Умар жанозага боролмади.

Кейинроқ бўйнимда қарз қолмасин, ҳечдан кўра кеч деган ўйда, ёлғизлик дардини чекаётган Ёдгор валий кўнглини сўраш учун Қуйруқсойга қадам ранжида қилди.

Вайроналар узра қад ростлаган чўкки биқинидаги камар бўсағасида, этаги бутазорга уланган тош-тупроқ супада чордона қуриб, юзига фотиҳа тортгач: “Отанамиз қайда ётиптилар, ижозатингиз билан бир зиёрат қилай?!” — деди ўпкаси тўлиб, шунда Ёдгор валий бафуржа қордек оқ соқолини тутамлаб: “Ўғлим, фаришталар қабри ердас, кўкда!” — деган каби юқорига ишора қилди...

Кейинроқ, сал ақлини танигач, Саидбек Умар авлиё ота кароматини ўзича таъбир-талқин қилди.

Яъники, қадим замонда аллоҳ таоло одам танини лойдан бино қилиб, унга руҳ-жон киритган, вақти-соати билан вужуддаги ўша унсури олий мангу ватанига қайтажак!

Демакки, барча марҳум-марҳумалар қатори Ҳазора момо жисми тупроқда, лекин кўнгил шуъласи арш эъзозида, бинобарин, иззату эъзозга лойиқ чарогон уйипаноҳи — фалакда, аммо нимадандир безовта эмасми, ҳаргиз серғалва дунёга тушиб келар, бир муддат Саидбек Умар оламида яшаб, уни бедорликка чорлаб, яна ошёнига парвоз айлар!..

Пештоқ рўпарасида, улкан ҳайкал қад ростлаган айлана майдон ёнида тўхтаган машинадан шошилмай тушиб, учинчи қаватга қўтарилгунга қадар Саидбек Умар мана шулар барини қайта дилидаи кечирди...

Одамзод олами поёнсизлигидан ҳайратда эди.

Ва, ақлини ишлатсаки, не бир ғалати даъволарга киришган гулобий бино ва унга суянч-пойдевор бўлган куч-имкон ўша ғаройиб олам қошида нақадар майда,

пакадар ожиз... Чамаси, бу синоатни Бо-бош билан Пўлат Қосимий ҳаммадан кўра чуқурроқ билади, шунинг учун ҳам, асл аҳволни бекитиш мақсадида, холисона ва беозор яшашга интиладиган руҳ иқлимида зимдан қароқчилик қилишни эп кўришади.

Адашмаса, ҳовли-боғнинг қайсидир ўлчамида кеча кундуз тўхтовсиз ишлаб турган ва роботлар бошқарадиган корхоналар, ғарбий ва шарқий йўналишда бир-бирига ўхшатиб қурилган юксак куббали кўрғонлар, алоҳида муҳандислик ва меъморлик ҳунари билан яратилган қирқинчи қават манзараси ақл бовар қилмайдиган, беадад сир-синоат билан ийланган мустаҳкам занжир ҳалқаларига ўхшарди...

Ўша занжир тоабат собит туриши учун ўзи ва шогирдлари ҳар жиҳатдан зўр беришаётганини ўйлаганда доим қайноқ терга тушади...

Нахотки, оқим бўйлаб жимгина сузаверади?

Сузаверса, демакки, эрта бирон ўринда зўр келса, тагин Бо-бош билан Пўлат Қосимийга ён босади. Ҳа, иложи қанча, ён босади, хўш, кейин-чи, кейин тож киярмиди?!

Авалло Чархпалак, иккиламчи, тажовузкор замбуруф қиёфасида темир панжаралар оша шаҳарга ва унданда йироқларга совуқ назарини тикаётган хатар Бо-бош билан Пўлат Қосимийга лаззат ва обрў-иззат манбаи саналса нетонг?!

Ўлдирки, улар тамшанаверади ана шу ҳузурни кўмсаб!

Қай бир лаҳзада (хосиятлими, хосиятсиз? — билмас) буни англаб улгургани боис Саидбек Умар ичида барқ уриб очилиб турган эзгу умид ва ишонч гули бирдан сўлинқиради, недир чанг-ғуборга қоришиқ вақт имиллаб ўтгани сари у кўрки-тароватини йўқотиб боради.

Билмаган экан, булар билан бир қозонда қайнамоқ даҳшатли кўргилик!

Аммо энди ора масофани сақламоғи керак, шахсан ўзига офати азим бўлиб кўринаётган ва эрта шаксиз одамзод кўнгил кўзи ўрнида зулмат ўпқонини пайдо қиладиган ва аллақачон ўзига хос кашфиёт эканини намоеън айлаган замбуруғни сир тутишга уринаётгани бу борадаги дастлабки қадами бўлади.

Эътироф этарки, кўпдан буён бўғизигача лойқага фарқ!

Зора энди буни охиригача англаса, энди зора шуҳрат нарвони ваъда қилаётган яна бир маррани кучишдан тийила олса ва шу билан олғирлар ва билимдонлар қурбони бўлиб келган одамзод олдидаги бири-биридан баттар айбларини ювса!..

## 2

Ким ҳам тан олмайди чархи гардун армонли эканини ва ками билан яралганини?!

Азалу абаднинг бу қаримас ҳикмати Саидбек Умар гарданига илгари ҳеч кимга буюрмаган, ўзида қадим дунёнинг жамийки аччиқ-чучуги ва борди-келдисини жам қилган бедаво юкини ортгандай туюлади.

Шунча юк тагида қандай чидаб келаётганига ҳайрон, ҳозир оғир малол туйиб, негадир ўзини умри чўлда кечган, фақат ёлғизлик ва алам-армон билан овунган соябонсиз чўпонга менгази, лекин у мискин турмушида недир маъно кўрган ўша шўрпешонача ҳам эмаски, бирон кун — сабр косаси тўлганда билганию кўрган-эшитганини ё қудуққа, ё жилға-дарё, ё майса-бутага айтиб дилини бўшатса!

Кўп валаат экан бу дунё, бандаси қанча замонлардан бери уринса ҳам сир-синоати тагига етолмайди, бинобарин, бир тарафики, ер юзида кимни кимгадир тобе қилиб яратган, лекин бу билан қоникмай ҳатто баъзи бировларни ўзини ўзига тутқун е муте қилиб қўйган бўлса не ажаб?!

Ногоҳ хаёлида Ёдгор валий гавдаланди, бу дунё шунақа эканини қачондир унга шу одам айтган, бандаси ёруғ оламга имтиҳон учун келишини, агар тангри раво кўрган қийинчиликлардан бўйин товлаб, бирон ўринда беқарорлик қилса, яъни тегишли-мақбул баҳосини ололмаса дўзахда ёнажагини қулоғига қуйган, минг тавбаки, агар энди у ҳалиги йўриқ билан гуноҳларидан қутулса, шу поклангани — қодир зот раҳматига эришгани бўлурми ёки бу камлик қилурми? Шу ҳолдаким, йўлида учрайдиган бошқа тўсиқларни ҳам чил-парчин қилиб ташлашга ҳозирдек, токи керакли баҳосини олсин ва дўзах азобини тортмасин. Ҳатто бунга эришмак учун, Фаришта даъват қилганидек, алламбало курум босган, ҳалигача мубхам қолган мулки — ичига са-

фар қилишга ҳам ҳозир, фақат аравани турли томонга тортаётган жамоа билан бунақа мавзуда дардлашиб бўлмайди. Ушбу мухташам қароргоҳда ҳамиша ўзини ноўнғай сезади, кенг ва ёруғ бўлмага кирганда товук катагига киргандай юраги қисилади. Девордаги анаву матоҳ мунча совуқ ялтирамаса! Мана булар туркига ҳам тоқат қилолмай қолди. Аммо Иноғом улар орасида нима қилиб ўтирибди?

Эсида, қай қуни Жавлон Қиёқла ўрнида Жобир Кирпини кўрганда шунақа ажабланган, қизиғики, ҳозир шогирди кутилмаганда баландга сакраган ўша доғули зотдан ҳам бир поғона юқорига кўтарилган, ҳамишагидек қовоғи солиқ Бо-бош пинжида ўзини эмин-эркин тутар эди.

Чамаси у вакил отага Чархпалакни ўрнатиш бора-сида рўй бераётган машаққатларни бафуржа шарҳлар, юз-кўзидаги ифодалардан неларнидир авра-астар қилиб, неларнидир андавалаётгани шундоққина сезилиб турарди.

Аттанг, Иноғом Насимий қаёқдан билсин, Бо-бош ажаб бир жонки, телба-тескари дунёга шундоқ ҳам ўзига-ўзи масхара одамзод устидан қаҳ-қаҳа отиб кулиш учун келгандек... Ярамас шерман дейди, ҳаволаниб кўкрагига уради, аммо астойдил разм солган киши сиёғи иблисники эканини пайқайди.

Ёлғони йўқ, Бо-бош урғочи иблис қавмидан, буни номи йўқ бўй таратишидан ҳам билса бўлади, бинобарин, ана шуниси доим бадгумонлик ва ғараздан ҳомила кўтариб юришига ишорадир, шуниси ростми, демак, у одам гўштига бошқоронғи экани ҳам ёлғон эмас. Агар майли-нафси хуружини мавриди билан бостириб турмаса, энг қимматли бисоти саналган савлати-салобатини йўқотиши тайиндир.

Эсида, бир вақтлар тепаси эрта тўкилган мана шу йигит — Иноғом Насимий этини ҳам қўлбола сихга тортмоқчи эди, энди эса паноҳига олиб, терчилаган рапида кафти билан пешонасини силаб турибди.

Қайсидир йили, бир йиғинда, йўқ, ёрдамчиси Нодим тувилган кунда, ҳе йўқ-бе йўқ, Иноғом шартта туриб: “Дўстлар, ифво — консираган болта!” — дея ўдағайлаб, чўллаган каби устма-уст қадаҳ кўтарди.

Кайф аралаш шунчаки айтилган калом гулобий бино қаватлари бўйлаб қирқоёқ каби ўрмалай кетди ва ахий-

ри думалай-сумалай Пўлат Қосимий эшигидан кирганда шакли-шамойили йўқ бедаво махлуққа айланган эди.

Ошиғич чақирилган хуфия машваратда Иноғом эҳтиёткорликни энг зўр дастак билган Бо-бош томонидан рўйирост учига чикқан фитначи деб эълон қилинди. Остонаси сут билан чайилгандек покиза даргоҳда бунақа феъли бад, фикри носоз банда ўралашиб юргани таҳқирдан бошқа нарса эмаслиги уқтирилди ва манглайига ғарбий қўрғондаги эътиборли хужралардан бирида тоабад азиз меҳмон бўлиш мақоми зарбланди.

Хеч ким тортишмади, қарши овоз ҳам бермади. Қарорга имзо чекиш учун Пўлат Қосимий ручкага узалган чоғда Саидбек Умар ийманиброқ қўл кўтарди. Аввало у марказнинг атанган олимлари маъмуриятга қайишган ҳолда астойдил от суришаётгани, умидли ходимлардан саналган Иноғом қобилиятини чинакамига намойиш этиб, ҳаммадан ўзиб кетганини сўйлади, сўнгра шу шогирди томонидан лойиҳаси яратилган темиртан кўп фазилатлари билан бошқаларникидан фарқ қилиши, муҳими, бир вақтнинг ўзида бир нечта нозик усулни қўллай олиши, яъни онг ва руҳда тобелик уруғини кадашга бениҳоя мослашганини лўнда қилиб айтди.

Шогирдига раҳми келгани боисми, бора-бора шундай жўшиб гапирдики, ахийри, қачонлардир танланган маслакларга мислсиз равнақ ато қиладиган жаҳоншумул ислоҳнинг ёркин қиёфаси зимзиё кечада ногоҳ чакнаган яшин каби жило берди...

Ана шу баҳонада ўша лаҳза жони омон қолган ўша йигит мана энди ўз ҳақ-хуқуқини билиб, Бо-бош кўзларига жойлашиб олгудек алфозда, бемалол арзи ҳол қиларди. Нима, иши юришмай қолдимикан? Балки бугун Чархпалак муҳокамаси бўлар? Кейинги тахминни тўғрироқ, фақат ўзини сал аввалроқ огоҳлантириб қўйишмагани таажжубли. Аммо истаганча ахборот талаб қилишлари аниқ, шу ўйда шоша-пиша папкасини титкилади, бахтига қарши, Чархпалакка тегишли қоғозлари хосхонасида қолган экан. Начора, мабодо тикилинч қилишса, Нодимга сим қоқади, у эпчил йигит, юзини ерга қаратмай, барини топа-сола чиқариб беради.

Хона жимлиги ипдек таранг тортилди.

Ажабсиниб ўтирган Саидбек Умар сирли имо-ишораларни пайқади.

Яна зилдек бир лаҳза кечди, ногоҳ мажлис аҳлини хайратга солиб, Жобир Кирпи ирғиб турди, ён-верига аланглаб олгач, беихтиёр миз устига энгашди, ажабки, кўлида докасимон юпка мато пайдо бўлиб қолди.

Нечукким энди Саидбек Умар кўз ўнги живирлашиб кетди.

Миз устидан қанақадир махлуқ бош чаноғи тиржайиб боқаётган эди, у сарғиш-қорамтир тусда, ҳар ери чириб-увоқланган, аммо йирик-йирик бақувват тишлари жой-жойида эди...

— Танидингизми, азизлар, бўриники?! — ниҳоят алабир қониқиш билан сўз қотди Жобир Кирпи. — Қаердан топилганини биласизми? Каминага насиб қилган хосхонадан! Кардон қутида экан, мулойимхунук акамиз Жавлон Қиёқли бу нарсани нима учун газагига дори қилгани ҳалигача менга қоронғи!

Ҳамма бараварига оғир-оғир оҳ тортди.

Энди Саидбек Умар ичи нақд музлади...

— Темир сандиқ тагидан бир даста қоғоз ҳам топилди, — вужуди ҳамирдек кўпчиётган бошлиққа дадил нигоҳ отди Жобир Кирпи. — Билишимча, булар бари хуфия бир иттифоққа тегишли экан. “Кўкбўри” деганми-ей! Хуллас, алламбало!

Ростики, осмон узилиб тушипти дейишса, ишонса бўлар, аммо эҳтиёткорлик зирҳи билан ўралган ушбу даргоҳ пойдеворини қандайдир яширин тузилма сездирмайгина кемириб ётгани ақлга сиғмасди.

Мана шу даҳшатли ҳол Пулат Қосимий тепа сочини тип-тикка қилворди, у, оғзи кўпирганча ҳаммани бир бошидан итобга олди, туз еган тузлуғига тупурган Жавлон Қиёқли гўрига гишт қалади, ниҳоят, сал юмшоқлик билан Бо-бошни ҳам таънага кўмди. Кафтларини тепасига кўйволган Бо-бош бошқонни жимгина тинглади, сўнгра, ҳовлиқиш оёқ остидаги фалокат ҳомийларини аниқлаб бермаслигини, етти ўлчаб бир кесган ҳолда чора қўллаш жоизлигини босиқлик билан тушунтирди. Бо-бош барча масъулиятни Жобир Кирпи зиммасига юклади, кечки соат еттигача у тегишли режа билан бошлиқ ҳузурида бўлишга мажбур эканини уқтирди.

Нохуш таассуротга кўмилган йирин аҳли ғудрана-ғудрана ниҳоят тарқади. Ташқарида кўпчилик эътиборга лойиқ хушёрлик кўргизган Жобир Кирнини ўраб олди, у



яна анча нарсани кўшиб-чатиб сўйлади. Лекин Саидбек Умар, тушунуксиз кайфиятга чулганган эмасми, қайтиб уни эшитишни истамади. Нуқул ҳалиги атама хаёлини йироқларга олиб қочарди. Беихтиёр кўз ўнгида Ҳазора момо гавдаланди, ҳатто жилмайиб қўйди, кулоқлари тагида юпун ва ҳимоясиз Болалиги хуш кўрадиган Улуғ Кўкбўри салтанати ҳақидаги эртақ бир маромда жаранглаётгандек туюлди.

Ана, юрагига нақшланиб қолган вассажуфтли айвон тагида, бўйрага тўшоғли ола-була чит кўрпачада кўнишганча, Ҳазора момо гоҳ Бўзтой пешонасини, гоҳ униқини силайди. Қора бахмал нимча кийволган кампир, оғзи гапда, хаёли узоқларда, хаёлига эргашганча, сахро оша, тоғу боғ оша, тўқай-тиканзор оша сўлим-салқин денгиз соҳилига етади, ўзи билан бирга ўша ажиб гўшада вужудлари кулоққа айланган икки ўғлонни ҳам сайр қилдиради. Сўнг Ҳазора момо бирдан жим қолади, анчагача оғиз очгани журъат қилмайди, эҳтимолки, ўзича Сарироёғлар Кўкбўрилар тож-тахти бошига солган кулфат мағзини чақади.

Қанчадир вақт ўтгандан кейин Ҳазора момо яна эртақ оламига шўнғийди, энди вужудини завқ ва сурур эмас, сўнгсиз бир азоб чулғайди, калта киприкларидан узилиб, серажин ёноқлари бўйлаб пастга думалаган ҳалқа-ҳалқа ёш бундан дарак беради. Ана, таранг тортилган камоннинг қаттол ўқи дов ўмровга санчилади! Билаги чўнг баҳодир ночор қолган шохни опичлаганча хатарсиз жойга еткизади, қон сиркиётган ярасига малҳам босади. Кейин... баҳодир Улуғ Кўкбўрини қафасга солади, ҳа, қафасга! Нега? Нима учун шундай қилади?

Жавоб бергани Ҳазора момо ожиз, у фақат борини, билганини сўйлайди, Саидбек эса жўраси Бўзтой билан фақат тинглайди, бошқасига улар ҳам ярамайди. Юракларида талваса, тиллари кесилган! Мўмин-қобил Бўзтой кетди чин дунёсига, у — Саидбек Умар эса хануз ёлғонлар ичида тентирамоқда, аммо ажабки, Жобир Кирпи деган маҳмадона, тирноқ остидан кир қидириб, топган матоҳини пеш қилмагунча, Ҳазора момодан мерос қолган рост сўзни бирон марта тузуклироқ эсламабди. Отасининг Кўкбўрилар ва Сарироёғлар билан боғланган тақдирини ҳам!

Кейин, гулобий бино қошида мақсад-муддаоси ҳали

номаълум бўлган аллабир иттифоқ мавжудлиги ҳақми, ҳақ бўлса, ажабо, ҳалиги номни унга қайси мард танладийкин?!

Ўша кунни соат еттида Жобир Кирпи тўнини тамом тескари кийволган Пўлат Қосимий ҳузурига бор-йўқлиги номаълум иттифоқнинг авра-астарини афдариб ташлагувчи режасини кўтариб кирдими-йўқми — қоронғи, шуниси аёнки, ўша кундан гулобий бино ранг-рўйи ҳам, шаклу шамоийли ҳам ғалати тарзда ўзгарди.

Шундоқ ҳам қарвон аввалида юрадиган тезкор назорат гуруҳи баҳайбат чангалини яна кенгроқ ёзди. Жобир Кирпи эса ҳалиги топилдигини рўпарасига қўйволиб, қулоғида телефон гўшаги, пишқирганча, эпчил гумашталарига салмоқли топшириқлар берар, эрта-индин ўша ярамас тузилма пайи қирқилажагини башорат қиларди.

Кўпинча Бо-бош билан Пўлат Қосимий нуфузига нуфуз қўшилган Жобир Кирпини яққа қабул қилишарди, аммо бугун соат ўнда чақирилган йиғинда махсус рўйхатга кирган амалдорлар тўласинча жамланди. Бозори тўда инига ўт қўйиш учун қасдланган Жобир Кирпи эскириб, нам тортган даста-даста қорозларни рўқач қилди, зимзиё кечмишни бу кунга кўчириш учун чиранаётган зуваласи хом касларни мириқиб лаънатлади.

Одатича, Пўлат Қосимий Бо-бош билан кўз уриштириб ўтирди, баъзан унинг қулоғига нималарнидир пичирлаб ҳам қўярди, жағи толиққан Жобир Кирпи жойига қўниши билан у жаврай кетди, эрта-индин “Кўкбўри” иттифоқи янчилишига имони комил эканини таъкидлади, сўнг томдан тараша тушгандек қилиб, мавзуни Чархпалакка бурди, Чархпалак киёфасини ўнглаб олишига хизмат қиладиган самарали битимга имзо чекканлигини эслатди, орага негадир Иноғом жон куйдириб ишлаётганини қистирди. Ана шунда Саидбек Умар беихтиёр хушёр тортди, беихтиёр тунов кунги йиғинда Иноғом иштирок этгани ёдига тушди, бунинг сабаби ҳануз унга қоронғи эди.

Нихоят гап яна руҳ раки дастурига тақалди.

Ҳамишаги таъна тошлари ёғилди.

Ҳамишагидек Саидбек Умар чидади, очиги, сукут сақлаш билан иззат-нафсини ҳимоялади. Бу гумроҳлар тоабад ғофил қолишсин, акс ҳолда иш чигаллашиб,

замбуруғ улар кўлига тушиб қолади. Не иложки, бу кунда ўзи ҳам, шогирди Носир ҳам рух оламида рақ балосини урчитувчи ва шиша идишлар тутқунлигидан қутулган заҳоти неларга қодирлигини намоён қилиб улгурган митти ҳашаротлар ҳақидаги боши-кети йўқ тахмин-тушунчалар гирдобига фарқ...

Йиғин гўё ширасини сўрволиб, пўстини аёвсиз улоқтириб ташлади.

Йўлакда Иноғом Насимийга тўқнашди.

— Тан билан жон ўртасида одил ҳақам бўлиши керак, тўғрими, ака? — деди у дабдурустдан, бу билан шундоқ ҳам бўлари бўлиб турган профессор бетига гўё тарсаки қўйди. — Мана энди ўша ҳақам бор, уни бино қилдик, энди у ҳатто манфаатга ҳам қалқон!

— Манфаатинг нимаси? — деди у тутақиб.

— Аммо сиз шубҳа қилманг, камина бутун курраи арзни назарда тутаяпман, — маъюслик билан илжайди шогирд. — Жафокаш замин бизни кийинтирса, тўйғазса! Йўқ, ака, уни шайтонфеъл буқачалар кўлига топшириб кўёлмаймиз!

Энди Саидбек Умар ичига чигил тушди.

Яхшики, Чархпалак ҳомийси кутилмаганда жўнаворди.

Аммо бошқа кимдир кифтидан тутди, аста ўгирилди ва ёнгинасида холисона тарзда жилмайиб турган Али Шаҳобийни кўрди, тунов куни ораларида кечган нохуш суҳбатни эслаб, юлқинганча олға босди.

— Тўхтанг, оғайни, — деди Али Шаҳобий зорлангандай, — одамдан бунақа қочманг. Кўриб турибман, дунё кўзингизга тор, мен билан юринг, бир отамлашайлик, ошга дамтовоқ ташланган.

Тушлик тугаёзган, қорин ўлгур таталаётир, лекин турки совуқ Али Шаҳобийдек сипо ёнида томоғидан нон ё таом тугул сув ҳам ўтиши қийин, ногоҳ иссиқда катакдай тор тамаддихона димиқиб ётгани, кейин, сарқит овқатдан бўлак ҳеч вақо қолмаганини ўйлаб, сахийлиги тутиб қолган мудир ортидан чор-ночор эргашди.

Қирқинчи қават фақат гулобий бино эмас, поёнсиз замин ва бутун борлиқни ўраган маъвои уммоннинг ҳам фахри: кундузлар қуёшга, кечалар ою юлдузларга юрагини очади, зеро, махсус лойиха бўйича барпо қилинган боғ-гулзори, шинам йўлаклари ва хиёбонлари, алоҳида

жозибга касб этган кўшклари ва уйлари, шовқинга тўла майдонлари ажиб бир салтанатга хос эди.

Қават коқ ўртасида, ям-яшил ўтлоқ-ўрмон оралигида, силликланган оқ-кўк мрамр ётқизилган тепаликда қад ростлаган шиша деворли қаср айникса бетакрор кўрки-жамоли билан ажралиб туради. Ҳар тарафга доврўғи кетган махсус курсанглик мактаби шунда жойлашгани, қачондир Бо-бош саъй-харакати билан тузилган олий тоифа жиҳозларга бой синфхоналар билан ёнма-ён бўлган шинам хужраларида истиқомат килади.

Қанақадир номаълум сабабларга биноан айримлар негадир Али Шаҳобийга ҳасад назари билан қарашади, хусусан лаб-лунжини йиғиштириб улгурмаган етимлар орасида ўзини хору зор ҳис этадиган Эсон Оқбўта обрў-иззати баланд мудирга, шунингдек, бутун қирқинчи қаватга ботинан нафрат ёғдиради, негаки, у имкони бениҳоя кенг бўлган халиги мактабга тавсия қилган кўпгина ўсмирлар шу ерда оппа-осон яроқсиз топиларди. Баъзан тафтиш гуруҳи хулосаси билан ҳам Али Шаҳобий умуман ҳисоблашмас, ов, Эсон, кўп қарама тарози палласига, манови арзандаларингни обор-да, гул ўстирувчи отанг қўлига топшир, дея икки оёғини бир этикка тикиб оларди. Мабодо можарога Бо-бош билан Пўлат Қосимий аралашса-нетса бадтар жини қўзир, айнан шу борада сиркаси сув кўтармаслигини исботлагиси келар, талаша-тортиша ахийри енгиб чиқарди...

— Бу, отам, Чархпалак деганийиз шунча зўрми? — лифтан тушганларидан сўнг мудир меҳмонини мрамр йўлак бўйлаб етаклади. — Ҳар кун шунинг устида бир гурбат!..

Қайсидир куни Бо-бош устолида хом-хатала битилган ва ҳар сатри этни жунжитадиган дастур қораламасини тасодифан ўкиб қолди, ҳозир Чархпалакни менсимайгина тилга олган мудирни шундан огоҳ қилишни чамалади, недир мулоҳазага бориб, бирдан тил тишлади. Ногоҳ ярақлаб кўринган оқ-мовий мрамр қопламали жозибадор шийпон бўсағасигача сукут сақлаб боришди. Сокин ялтираётган айлана мрамр саҳндаги миз мева-чева ва кўкатдан тортиб турфа хил таомлар билан тўп-тўла эди.

— Ие, оқсоқол, — деди ажабсиниб Саидбек Умар, — қандоғ муносабат билан бундай зиёфат?

— Содда экансиз, муносабат нима қилсин? — деди

Али Шаҳобий холисона алфозда. — Шунчаки бир кўнгил ёзгим келди, бу дунёда сиздан маъкулроқ улфат топиш қийин!

— Қирғоқни сув, одамни мақтов бузади, — деди кулимсираб Саидбек Умар, нима учундир тунов куни хосхонасида мудир билан орасида кечган нохуш баҳсни яна хотирлаб.

— Сиз ҳам етим ўсгансиз, мен ҳам... Бир-биримизни тушунмасак нима қилиб юрибмиз бу дунёда?! Кейин сиз унақа ёшдан ўтгансиз, бузилмайсиз, — икки биллур қадахни қирмизи май билан тўлдирди мезбон. — Хўш, анови ғўралар... Жобир Қирпига ўхшаганлар йўриғи бўлак. Айтганча, Жобирвой намунча ҳовлиқаётир?

— Ақлим етганича йўқ, — деди Саидбек Умар хо-мушланиб.

— Олдик... Бузоқнинг югургани сомонхонагача!

— Сиз ишонасизми, ўшанақа гап-сўз борлигига?

— Э-э, қайда, афсона-ку! — қалин лабини буриб қўйди Али Шаҳобий нафратини яширмай. — Хўш, боринги, Жавлон Қиёкли шунча анойи экан, бошқа исковичлар... Кечирасиз... кўзи қаёқда экан? Бўлмаган гап, Жавлон Қиёкли унақа ён берадиган гумроҳ эмасди. Қўйинг, олдик, керак экан ари инига чўп сукаверишсин. Аммо, отам, сиз билан биззи бошқа нимаям эрмагимиз бор? Шунга яратилган эканмиз, шуни деб кетамиз. Қани, олдик!..

Тушунуксиз бир ташналик қамради Саидбек Умар юрагини, ўшани босар, енгил тортарман деган умид билан ял-ял жимирлаётган жодули қадахни бир зарб билан бўшатди, сўнг зира-мурч ҳидини анқитаётган яхна гўштдан бир бўлагини газак қилди. Қулфи-дили очилиб бораётган мурувватли мезбон кўп чўзмай-зориктирмай яна лиммо-лим қуйди, буни ўзига хос ҳурмат деб билди ва қаршилиқ кўрсатишдан тортинди. Э, ўлар дунё-да, кўнгил ёзиш учун бир ичса ичибди, нимадан ҳам кўрқади, амалдор ошналари ҳузурида оғзидан ҳиди келишиданми? Мабодо кела қолса, осмон узилиб тушмас, ғарбий кўрғон ихтиёридаги анчадан бери мижозини кутаётган темир дорларга оёғидан осиб ҳам қўйишмас!

Баҳаво, шинам шийпончадаги ширин-шакар суҳбат хотирида ўрнашиб қоладиган бўлди, мудом йўқлаб турадиган Бо-бош билан Пўлат Қосимийдан сазо йўқлиги

айникса уни хушнуд қилаётган эди. Доим бир чўнтагини банд қилиб, бедор булбулчадек тинимсиз сайраб турадиган радиотелефон инсофга эниб, сукут сақларди. Энди хавотир қилмай қўйди: гоҳ хўпласа, гоҳ симирди. Негадир ўткир май тузукли таъсир қилмасди. Асаби увода оқсоқол эса аллақачон оёғи тагидаги заминдан рўёлар мамлакатига қўчиб улгурган, Саидбек Умар пинжига суқилганча, ўн саккиз яшарлигида бир мохирўйни жонидан ортиқ севгани, у бевафолик қилиб, данғиллама ховлиси ва қўшалок машинаси бўлган тўрага тегиб кетганини ўксиниш аралаш сўзларди.

— Ажабланманг, оқсоқол, ҳаммамиз ҳам шунақа... Қачондир, кимнидир! — бўғзига хўрсиниқ тикилган мудир бўйнига аста қўл ташлади Саидбек Умар. — Яна телбаларча! Улуғ севгисига жавобан камситилган ва хўрланган қавмданмиз!

— Отагинам, мени англамади жодугар, негаки мен етим эдим... Сўппайган бурнимдан бошқа нарсам йўқ эди. — Али Шаҳобий меҳмонига манзират қилмасдан қадах кўтарди. — Бу алам нималигини сизам биласиз. О, қуриб кетсин, асли фақат сиз ё мен эмас, ҳамма сағир, э, асли бу дунёсининг ўзи ҳам сағир! Дунёки шунақа, сиз — яримта, фақир улоғ-сулоғ! Тавба, бутун нарса борми ўзи, йўқми?

— Қайда... Айвон ҳам қийшиқ!..

Шароб — шароб-да, шунақа айёрки! Аллақачон ишини қилиб улгурибди, у эса, хали кайфим ошгани йўқ деган ожизона ўйда, мана, тузуккина алжиради. Ҳамиша йўл қарайдиган ғарбий кўрғонда иззатли меҳмон бўлиши учун атиги шу кифоя! Оёқдан тойган ариққа, тилдан тойган гўрга йиқилади. Беихтиёр овоз чиқазиб кулиб юборди, оқсоқолни ўзидан ажратиб, секин кўзгалди. Зумда иштаҳаси сўниб, кайфи тарқади. Бу тўкин зиёфат ботинида бирон-бир фитна нихон эмасми? Ҳа, қари тулки!

Энди юмшоқ креслода бемалол мудраётган Али Шаҳобийга рижиниб тикилди ва шийпондан тезгина йироқлашди. Бўсагадан йигирма қадамча нарида сарварча ва палма-самбитгул оралатиб экилган жимжит хиёбон чорларди, атрофини қуршаган жозибадан нигоҳ узолмай, масрурона илгарилай кетди, қанча юрганини эслолмайди, фақат оёқлари толиққанини билади, шунда

хам хиёбон адоғи кўринмасди. Тавба, чеки йўқ водийдами ёки шунчаки баланд томдами? Томда бўлса, гирди-гардиши қани?

Ана, уфқ куёшни қучоғида яширди, олис тоғлар этагидан сурма тусли парда сидирға ёпирилиб келаверди, у эса ҳануз одимлар, қай манзилгадир ошиқарди. Қайғалиги — номаълум! Лекин интиларди, ниҳоят, бир ерда тиканакли ингичка симдан бўздай қилиб тўқилган тўсиққа йўлиқди. Том гардиши! У астагина хўрсинаркан, икки тарафга тизилиб кетган ғадир-будир тош тўнкалар диққатини тортди. Илгарироқ юрди, бирида думалок бети жингиртоб, қалин сочи кулоқ-чаккасини босган, елкаси туя ўрқачидай тик бир йигит нон кавшаб ўтирарди. Ора тахминан беш-тўрт қадам қолганда ногоҳ тўхтади, анча муддат саросималаниб тургач, бир сўз демай, аста-секин тисарила бошлади...

### 3

Тавба, баччағар ким бўлди экан? Сохт-сумбати жудаям танишми? Наҳотки?.. Йўғ-е, мумкин эмас, ахир у Носир Дамин назоратида — ўл деса ўлиб, тирил деса тирилишга мажбур-ку! Унақа эмин-эркин таралабедод қилиб юриши ақлга сирмайди. Ёки кўзига яна Фариштага ўхшаган бошқа бир саёқ шарпа кўриндими? Йўғ-е, унга қараб беўхшов тиржайди-ку! Кейин нон узатдими? Мана бунисини тузукли эслолмасди.

Ошиғич тарзда учинчи қаватга тушди, хосхонасига кириб, гавдасини диванга ташларкан, миясида айланишаётган мужмал фикрга зўр бериб ўзини ўзи ишонтиришга тиришарди. Рост-да, бетон девору кулф-калит темир эшикни ёриб-бузиб чиқиш осонми? Йўқ, у бошқа одам! Кўрган-билгани — тушида! Одам босриқса бундан бадтари ҳам юз беради. Балки кайфи ошиб қолгани тўғридир? Лаънати ичкилик ёсумани нималарга дучор этмайди? Асли Али Шаҳобий эмас, ўзининг асаби увада бўлиб қолган. Бо-бош рост айтувди: неча йилдан бери таътил нималигини билмайди, нафас ростламай ишлайверса, охир бир кун темир жон ҳам емирилади-да.

Саидбек Умар шифтга термилиб ётди. Қани, асаби тезроқ юмшаса, барини тезроқ унутса. Осудалик тилгани сари ҳалиги рўё бадтар хуруж қиларди шуурида.

Ахийри, тамом толикиб, Носирни чақиришга қарор қилди, телефон рақамини тераётиб, бирдан шаштидан қайтди. Таъби нозик шогирди қошида шарманда бўлишни истамади. Ҳозирча сабр қилишга мажбур эди.

Девор соати кечки еттига занг чалди, кўксида яна ҳам оғирроқ бир тош ўрнашди, бутун умрини сўққа-бошлиқда кечирган юпанчсиз ва бошпанасиз кимсадай тасаввур қилди ўзини... Эшитди Али Шаҳобийдан: асли бу дунёнинг ўзи ҳам етим экан! Демак, ер юзини мўр-малахдек босган ва нафс балосига йўлиққан одамлар ҳоли ўз-ўзидан аён! Лекин буни ким ҳам тан олишни истайди? Ана, ўзи мутлоқ шухрат пиллапоясига кўтарилиш учун ўла-тирила куймангани ёлғонми? Ахир, айни шу нарсада хашаки нисбийлик жамланганига ҳам ақли етади-ку! Ақли қосир бандалар ичида юргандан кейин бошқа нима ҳам қиларди? У бурчга-ку қул, ўзига ҳам тобе, яъни гоҳо ўзини ҳам ҳукмига юргизолмайди. Ҳатто шогирди Иноғом йўриғини ҳам ўзига фарз биледи, очиги, сезиб-сезмаган ҳолда ўша йигит билан ҳисоблашади. Ҳалигина уйига жўнашни кўнглига тугиб турган одам, ногоҳ Иноғомни эслаб, айниди. Кеча шогирди норози оҳангда шикоят ҳам қилганди. Лойиҳадан ноаниқлик топилган, озми-кўпми ваҳимага сабаб бўлган ўша нуқсонни зудлик билан тузатиш чорасини кўрмоғи керак.

Саидбек Умар навбатчига кўнғироқ қилди. Иноғомни огоҳлантириб қўйишни сўрагач, бафуржа йўлга тушди. Денгизда чайқалиб турган баҳайбат кемани эслатадиган кўрғонга ёндош қурилган ва учишга шайланган баҳайбат қарга қиёфали сарой бўсағасидан кирганда соат мили тўққиздан гувоҳлик берди. Атроф тўзиб ётарди. Оёқ кўйгани жой йўқ: темир чивиклар, ходалча-пластинкалар, елим-бўёқ идишлари, шағал-бетон, оҳак-ганч уюмлари, ғишт-мармар бўлаклари қоришиқ...

Қорамойга беланган Иноғомни зўрға таниди.

— Келинг-да, устоз, — деди у чиройи очилиб, — ҳа деган туяга мадор! Яхшики, сиз борсиз, йўғасам маймунлар йиғларди ҳолимизга! Аммо қийини орқада қолди. Қаранг, пишқирмоқчи-я!

Ҳали темиртан тугал қиёфа олмаган, шундай бўлса-да, анчагина ҳайбатли — виқор билан кўкрак керган, гўё тоғ ошиб, боғ ошиб, ўрмалаб кела-кела мана шу масканда тўхтаган, энди ўзини кўрсатиш иштиёқида!



Нечундир унинг савлати Саидбек Умар кўнглига енгил бир малол олиб кирди, хомушланиб, лойиҳадаги қусурни суриштирди. Арзимаган гап экан, тегишли одамлар билан зумда ҳал қилди ва ивирсиқ зина бўйлаб ер остига энди. Тиним билмай қимирлаётган муҳандис-усталар қаторида эгнига жомакор илди. Нозик симларни пайванд қилаётган чилангарлар ёнида бўлди, қум-симон қориштириб, гишт-тош тераётган қурувчиларга ҳорманг, бор бўлинг қилди, берилиб кетганидан тонг отгани, қуёш боtgанини билмади.

Совуқ сувда қотган нон ивитиb еди...

Юмуш шундай кўпки, бири-бирига муттасил уланарди, силласи қуриб қолаётган Саидбек Умар, қоришма тўла зил челақлар тепасида серрайганча, тавба, руҳият ёки ирсият муҳандислиги оламида бўладиган ислоҳлар наҳотки мана шундай икир-чикирларга боғлиқ, дея ҳаёл сурар, ўзи эса айни пайтда фараз кемасида сузишдан бошқасига ярамаслигини эътироф этарди. Тахминлар эртаси — кўпинча мавҳум! Нима қилишини билмай қайсидир тўсинга беҳол суянди. Кейин, Иноғом раҳм қилди чоғи, уни кузатиб қўйди ва ўзи яна қайнаб-тошаётган жабҳага қайтди.

Ташқарида осуда ҳаёт ҳукмрон, осмон тоқи қорайиб туради, юлдузлар уйқусираётган каби хирагина нур сочади. Ҳали соат ўн бўлмабди, Дадаш эснай-эснай бу муждани айтганда андақ қайфияти кўтарилди. Ҳовлида эса эшикка термилавериb кўзи тешилаётган Моҳина димоғ-фироғ ила кутаётганини тахминлаб кулимсиради. Хотин қовоғини осилтириб, кўзларидан ўт сачратиb бидир-бидир қилаётган чоғда энг самарали тадбир — хотиржамлик, асаб посонгисини меъёрида тутиш!

Шу ўйда даҳлизга кирди, синик қараши ва шикаста овозидан билди Моҳина дарди-ҳолини, аммо сир бой бермай, ювиниб келди, курсига оғир чўқди.

— Суюнчини чўз, хотин, — деди кутилмаганда, — фақир қулингга отпуска беришмоқчи! Роппа-роса икки ойга! Насиб қилса, сени Қора денгиз бўйига обкетаман. Фузайлни ҳам! Бир яйрайлик!

— Барака топинг, — деди Моҳина чимирилиb.

— Чўп синдиравер бошимга, — деди Саидбек Умар дастурхонга ютоқиб тикиларкан. — Ҳим, онаси, шер-бола қани?

— Дарсхонасида, — эшик томонга ишора қилди

Мохина. — Кечадан бери бир масалани ечолмай овра, ота шоввоздан эса дарак йўқ! Англиёда бўлудими симпозиум? Ўша ерда бир тенгқуридан кўчириб олган экан, хат ёзиб сўраганмиш! Хали эплаганим йўқ деб жавоб қилса уят эмасми?

— Кўркма, эплайди, — деди Саидбек Умар пинхона фахрланиб. — Той қоқилмай от бўлмас! Қани, чақир-чи!

Хаял ўтмай Фузайл чопқиллаб кирди ва жарангдор товушда салом берди, дадасини бўйнидан кучаркан, йирик-йирик кўзлари чақнаб, антика-антика, бугунгача рухшунослик моддий ва номоддий дунё сир-асрорини тўла ўзлаштириб улгурмагани борасида домласи билан тортишгани ва фикрини исботлашга эришганини чуғирлаб айта кетди.

Негадир шу дамда Саидбек Умар хаёли бир зумга Пўлат Қосимий хосхонасида кечган ва Жобир Кирпи ҳовлиқиши билан юракларга ваҳима олиб кирган ғалати йиғинга оғди, бунинг изидан хаёлида Ёдгор валий билан Ҳазора момо жонланди. Чол билан кампир содда Болалигини олис денгиз бўйидаги Кўкбўри ҳукмронлик қиладиган чегарасиз мамлакат бўйлаб сайр қилдиран! Эсини танир-танимас ўша ғаройиб ҳикоят-чўпчак манзараларига бор дунёси билан қоришиб кетганди. Қизиққи, ўша сурурбахш ҳолатлар ҳануз кўнгли қатларида яшаётган экан! Беихтиёр энтиқиб кетди ва Фузайл бўйнида бўритиш тасбеҳни кўргиси келди.

Ота ўй-фикридан беҳабар ўғил эса ҳануз чулди-рарди, гўё ўзига сизмай борарди, аммо қароқлари оламни сиздиргудек даражада тубсиз ва поёнсиздек туюларди. Фикрлари нақадар эҳтиросли ва теран! Авлиёлар қавмидан бўлган Ёдгор валий сўзи рост: бу ўғлон — ўзи, зеро, зимистонга айланаёзган ҳаётини шамчиноқ бўлиб ёритгани, дилида томирлаган армонни даф қилгани шундан далолат эмасми?

Ўшанда, рости, умиди чирт узилувди, нафақат Моҳинадан, ҳатто ўзидан ҳам аразловди. Қош-қовоғи тарвақайлаган! Кейин, бир йили баҳорда, ичида уйронган даъватга бўйсуниб, олис Болалиги ортидан тушди. Аллақачон вақт ўт-ўлани кўмган мискин излар дунё ҳам боқий, ҳам омонат эканлигига гувоҳ бўлган кулбани бошпана қилган кўҳна кадрдонлари билан юзлаштирди. Бирданига кўклам офтобида бўғриққан бетига унут хо-

тиралар, унут қайғу-ўқинч ва армон ифодаси қалқиди. Умрини интизорликда кечирган Ҳазора момо жуссасини жон-жаҳди билан бағрига босаркан: “Чирогим, бада-нингдан ҳалиям Бўзтойгинам бўйи келур!” — дея, хўнг-хўнг йиғлади.

Аввалгидек офир-босиқ бўлган Ёдгор валий эса су-пада тиззалаган кўйи сукут сақлар, ҳориб-чарчаган, ҳаяжони бўғзига тикилиб титраётган, ҳатто бир қадар ўзини йўқотган йигитни зимдан кузатарди.

Юксак тоғ ва поёнсиз осмон тепада салобат тўкиб, турли ёввойи дарахтлар муттасил шовуллаб, қушлар хониши бир маромда эшитилиб тургани учунми, ўша манзара Саидбек Умарга сирли-серхислат бўлиб туюлган ва абадиян тасаввурига ўрнашган. Мана шу паллада, ён-ёруғ даҳлизда мамнун ўлтираркан, ҳалиям шундоқ кўз ўнгида: коронғи ғор, пастак — тошқалов кулба, бўйра-кўрпача тўшалган супа, биқирлаб кумғон қайнаётган ерўчок, нарироқда тўнкарувли қозон ва... Қуйруқсой аталмиш бутун бошли қишлоқ чирогини ўчирмай кела-ётган бир мўмин, бир мўмина...

Эсида, Ёдгор валий ниҳоят ўгирилиб: “Бовурингда занг бор, — деган. — Малол олма-да, индин кел, ун-гача китоб кўриб қўяман”. Айтилган вақтда бош эгиб келган, қарасаки, Ёдгор валий мумдек эриб, тамом сукутга ботиб чўккалаган, ёнида титилган рисола, ти-лида — эзгин-эзгин дуо, мижжаларида — ҳалқа-ҳалқа ёш... Ахийри чўп мисол ингичка панжаларини ёза туриб буюрган: “Ўғлим, яхшилаб бок!” Панжалар орасидан олисларга чин дилдан қараган, ҳарир парда ичида аралаш-қуралаш манзарадан бадани жимирлаб кетган. Анчадан кейин қария хавотир аралаш сўраган: “Бирон нарса кўрдингми?” Саросима оғушида жавоб берган: “Бешик... Бахмал гавропўшли... Гўдак беланган!” Шун-дан кейин мезбон хотиржам тортиб, қўлини туширган ва муборакбод қилган. “Худога бир айтганинг бор экан, — деган меҳри товланиб. — Фақат унутмагинки, ўша чўкиртак — ўзинг! Уни танимасанг бу дунёга бегона бўлиб, ёртиликча қоласан!”

Саидбек Умар орзикиб қайтаётганда ҳам Ёдгор валий шу каломини таъкидлади. Йўл бўйи шу ҳақда ўйлади, вақти-соати билан Моҳина юкли бўлиб, эсон-омон кўзи ёриси-да, ўша аммо жумбоқни ечолмади. Мана, ниҳоят энди Фузайл ўсмирлик остонасига яқинлашиб, фақат

хонадони эмас, кўнгил уйини ҳам чарогон айлаган ушбу паллада ниманидир илғаб, ниманидир англагандай бўлиб турибди...

— Шўрвани ича қолинг, дадаси, — Моҳина эри олдига буғланаётган чинни косани қўйиб, зўраки жилмайди.

— Ҳозир-да! Ох, ох, жа зўрми дейман? — кафтини кафтига ишқалади Саидбек Умар. — Бай-бай, одамни жони-ку! Бунакасини кимки тотимапти, дунёга келмапти. Тўғрими, а, Фузайлжон? Хўш, мана бу сомсаям...

Илкис радиотелефон сайраб ҳикқа тинди.

Во ажабо, кўнгил ҳордиқ ва оромдан бошқасини тусамайдиган бир фурсатда қайси корчалон газагига дори?! Бунақа бемаврид кўнғироқ кўпинча Пўлат Қосимий билан Бо-бошга хосдир. Лекин кейинги вақтларда янги нозир ҳам наъма чиқарди: вақт-бевақт сўроқлагани-сўроқлаган. Илгари Жавлон Қиёқли билан Нишон шунақа қилавериб жонига текканди. Бир марта аччиқ-тизиқ гаплар билан бетларига солди, шундан кейин улар сал тийилишган. Ҳозир маълум ва машҳур котибанинг ёқимли овозини таниб, бир хил бўшашди, лаблари гезарди, қарашадаги саросима Моҳина билан Фузайлга ҳам юқди, хуллас, зум ичида яхши кайфиятидан асар ҳам қолмади.

Ярим кечада қабулхонада кўриқчилик қилаётган Маржона талаффузида ҳовлиқиш аралаш норозилик ҳам борлигини туйди: бир соатча муқаддам Пўлат Қосимий босар-тусарини билмай шошилиб кириб келганмиш, ҳаммани, жумладан, Саидбек Умарни шошилиш чакираётган эмиш! Жон-пони чиқиб кетган профессор феъли-атворига номуносиб бир кўполлик билан бўралатиб сўқинди. Камдан-кам ҳолда бунақа тескари киярди тўнини. Ахир, сапчиганича бор-да, нима, эрталабга қадар сабр қилса, шу сағир дунёсига ўт тушарканми?!.

— Онаси, хафа бўлмайсан, насиб қилмади шўрванг, қайтганимдан кейин бафуржа ўтириб ичарман!..

Саидбек Умар биттагина тишланган сомсани аста ликопчага қўйди, оғзидагини чайнай-чайнай, апил-тапил кириш йўлаги сари физиллади, тўқ жигарранг шифоньердан кийимларини оларкан, хотиржам бўлишга тиришар, аксига, гоҳ кўйлаги тугмасини нотўғри қадаб, гоҳ бўйинбоғини келиштириб боғлолмай хитланар ва

аллакимлар гўрига гишт қаларди. Ниҳоят ўқдек отилди ташқарига, остонада мунғайиб турган хотинига ясама табассум билан бош ирғади. Хайр! Бу сўзда нимадир эриш, нимадир озорли — омонат... Бу нарсалар кеча ато қилган нотинчлик билан кўшилганда-чи?! Навбатчи машинада елиб бораркан, Пўлат Қосимийдек тажрибали одам арқони бу қадар калталигига ачинарди. Қабулхона маликаси одатдагидек жилмайиб қаршилади, совуққина кулги билан жавоб қилиб, судралганча ичкарига йўналди.

Нафис гул кесилган деворга бежирим қилиб ўрнатилган заррин хошияли улкан соат роппа-роса тунги бирдан хабар бериб, тантанавор мусиқа ижро этди. Оёқ ботадиган юшоқ пат гилам бўйлаб йўрғалай келиб, қайсидир ўринга таваккал қўнган Саидбек Умар беихтиёр қалқиб тушди. Жарангдор оҳанг тиниши билан жимжит хонада енгил нафас олишлару ҳомуза тортишлар ҳукмронлиги бошланди. Сал ўзини ўнглагандан кейин Саидбек Умар қизиксиниш билан Бо-бошга нигоҳ юборди. Жонкуяр раҳнамо иқлимида ғалаёнми ёки осудалик — билолмади. Нигоҳини эндигина Пўлат Қосимийга олганда Бо-бош, силлиқ бошини ногоҳ орта ташлаб, чунон акса урдик, гўё шифт қулади гумбирлаб. Қуйидагилар бараварига, иззатни бир-биридан оширишга тиришиб, жони бир чимдим бўлса ҳам озор еган мўътабар зотга сихат тилашди. Ҳамиша оғир тош босгувчи овози умумнинг бетаъсир ҳам беғоз овозига кўшилиб, қувватини йўқотишини ор санаган Пўлат Қосимий пича сукут сақлади, сўнг тилагини алоҳида эҳтиром билан изҳор қилдики, чиндан ҳам бошқаларга эътибор бермаган вакил ота унга қарата лаби чети билан илжайди.

Шу билан гўё еру кўкни ўраган булут тарқади...

Жавлон Қиёқлидай шеригидан ажралгандан бери анча ўзини олдирган Нишон шунчаки ёнига қийшайган бўлиб, бошқаларга сездирмай паришонҳол ўтирган ва илойим мен ҳам аксирмай деган андишага борган Саидбек Умар қулоғига шивирлади: “Чоли тушгур ҳолвахўр!” Ногоҳ кулгиси қистаган Саидбек Умар шарманда бўлмаслик учун аста кафти билан оғзини юмди. Ҳадемай Бо-бош ёки Пўлат Қосимий тарафидан эсадиган изғирин кимнидир иситиб, кимнидир музлатиши аниқ бўлиб борар эди...

## БЕШИНЧИ БОБ

### 1

Қоқ ярим кечада чақирилган шошилич мажлис ҳадеганда бошлана қолмади, энди ҳомуза тортишлар ҳам тинди, ҳашаматли бўлмани тўла забт этиб улгурган жимлик ниманидир беун сўйларди, алланарсадан безовта нигоҳлар ҳам шу йўсин бир-бирларига роз айтарди, шунга яраша кўнгиллар ҳам ботинан бийрон эди.

Қачон эса бошларкин изғирин? Ҳамма шу ўйда, ҳаммани шу фикр кийнади. Аммо ҳануз таг-заминида номаълум ҳадик ётган тап-таранг жимлик ҳукм сурарди. Ўрнида бири дарё, бири кўприк, яна жойида бири асал, бири оғу бўладиган оғалар лунжларига сўк солволишган. Бироқ улар сукути омонат эканлиги аён, фақат ошиғич кенгаш мақсади ҳануз сирлигича қолаётгани илк дақиқадаёқ бўй берган таҳликани гўё бўғоз қилворди. Хитлана бошлаган Саидбек Умар “Кўкбўри” иттифоқи билан боғлиқ бирон ишқал шундай тезкорликка сабаб бўлганини тахминлади. Шунча урингани билан Жобир Кирпи ҳалигача жойидан жилгани йўқ, балки ари инини кўзгашга кўзғаб, энди лапашанглик қилаётганини қирқ қулоқли қозонда қайнатишмоқчидир? Лекин унақага ўхшамайди, ана, у димоғи чоғ ўтирибди. Гулобий бино томирини зимдан кемираётган исқиртларни бугун бўлмаса эрта топиши ва думларига тегирмонтош бойлатиб судратишига ишончи бетига урган...

Кейин, Саидбек Умар қунишганча, Пўлат Қосимий ҳафта-ўн кун дом-дараксиз кетгани, йўқ дардни баҳоналаб уйда даволангани, натижада миш-миш урчигани, ниҳоят, ёмғирдан кейинги қўзиқорин каби пайдо бўлгани, Бо-бош авзойида ўзгариш рўй бергани хусусида ўйлай кетди.

Ҳар ким ҳар хил талқин қилган ваҳга кўра, остига сув кетган Пўлат Қосимий ўшанда истеъфони кўзлагани аниқ (Жавлон Қиёқли болабгина тарқатувди), лекин Бо-бош аралашуви билан кутулиб қолгани ҳам рост, ахир мана шу ғалва изох талаб қилмайдими? Энди топди: мақсадлари — лапанглаб кетган посангини босибгина қўйиш! Акс ҳолда ғийбат тинмас — ўрмалайверар. Хозир униси ўчоққа ўтин қалайди, буниси аввалдан

тайёрлаб қўйилган эҳтиёт тутантиригига гугурт чақади. Лекин шунча кундан бери, ёпиғли қозон ёпиғлигича қолсин деб келишарди, энди қутилмаганда ўз хашакларини очиб ташлаш учун бирдан бунақа ошиғич машваратга бало бормикин?! Яна туннинг қоқ ўртасида! Йўқ, бу тахмини ҳам на қапгирда турар, на чўмичда!

— Тун энг содиқ ҳамроҳ!..

Шикаста ва жонсиз бир шивир эшитилди. Шифтданми, дераза пардаси ортиданми ёки қабулхонадан? Жамоа тушунуксиз тарзда ётсираб турган Пўлат Қосимийнинг рангсиз лаблари бир очилиб-ёпилганини илғади, бошқондаги тараддудни Саидбек Умар теранроқ туйди. Билдики, бошқон бемаъни иттифоқни эсламоқчи эмас, ўз дардини ҳам эсламайди, нима, унда тун фазилатини таърифлаш учун чорлаган экан-да?!

— Биласиз, донолар муҳим ишларни кечаси битиришган, — Бо-бошга бир қур қараб олгандан кейингина ўктамона янгради Пўлат Қосимий товуши. — Мўъжиза эса ҳар доим содир бўлмас. Хадемай уни кўрасиз.

— Бошлиқ ҳақ, — деди Бо-бош эснаб.

— Қани, орқамдан!..

Оббо, намуноча ғужала қилишмаса?!

Бари аввалгидай қоронғилигича қолди...

Аммо борлиқни баҳмал чодирини билан ўраган тун ҳозироқ мўъжиза кўрсатишига ким кафил?

Балки у одамзод учун ҳамиша камёб саналган ва ҳамиша уни интиқ қилган омад ва иқбол ҳам улашар бу паллада?

Ярим соатдан сўнг Пўлат Қосимий билан Бо-бош етовиди жамоа ҳовли-боғ фарбида жойлашган ва тахминан ўн беш-йигирма таноб ерни эгаллаган маҳобатли кўрғон дарвозасидан кирди.

Бўсағада тизилган саф олдида аскарча пўрим кийинган ва чарм камарига тўппонча осган қора мағиз юзли зобит — комендант қўлини чаккасига тираган қўйи ҳайкалдек қотган...

Кўрғон қўшимча ихотага олинган, ҳовлисига руҳсатсиз пашша ҳам учиб қиролмас, сири шундаки, ҳар ким ҳам тасаввур қилолмайдиган интиқом сангларида тикланган. Салобатда гулобий бинога тенглаша олмаса ҳам, баъзи жиҳатидан ундан қолишмас, ичида бегона одам адашиб-нетиб қолса йўл топиб чиқиб кетиши

махол, зеро, бир умр қайсидир номаълум буржида қолажақ. Ҳазилкаш ва муғомбир гумашталар таъбирича, таг-устда қат-қат ўрнашган ва баъзан ич-ташига ойлаб нур тушмайдиган хужра-тўласи вақти-вақти билан болалармиш!..

Шошилинч тўпланган ва турли гумонлар гирдобидида қолган казо-казо зотларни кечаги зарбадан тузукли ўнгланиб улгурмаган Пўлат Қосимий, Бо-бош ҳомийлигида, ҳар қаричи тугун-чигилдан иборат мубҳам ва гумгурс гўшани қаттолга сирли ҳолатда етаклаб келганини қандай тушунмоқ керак?

Пўлат Қосимий шундоқ ён тарафда савлат тўкиб, қовоқ солиб турган, баланд куббалари учидида қизил чироқлар ёнаётган кўрғонга қайрилиб ҳам қарамади, йўлни тикка ҳовли ичкарисига солди. Қирқинчи қават манзарасини эслатадиган сўлим ва сокин дарахтзор-гулзор оралаб кетаверди, бошқалар ҳам бошқонга етишиб юриш учун ҳаллослаб борарди. Ёғи юрагига уриб, пишиллаб бошлаган бошқон муддаосини Бо-бошдан бўлак ҳеч ким билмайди, аммо у қачонки яйдоқ майдонга чиқиб, шимол томонга бурилгач, ногоҳ Саидбек Умар хушёр тортди.

Кўрғон этагида гишт аралаш темир-бетон бирикмалар билан ғарбона услубда тикланган ва узокдан қараганда учмоққа шай баҳайбат қарғани эслатадиган бениҳоя узун ва энли иморат кўрина қолди. Шу заҳоти Саидбек Умар кўнгли чучмал тортди, ахир, “қарға” қошига бўзчининг моксидек қатнаганларидан қандай тонсин?! Таажжубли жойи, атиги бир неча соат бурун ҳам шу ерда бурнидан тортса йиқилгудек ҳолда ўралашиб юрувди, раҳм-шафқат қилган Иноғом лутфу қарамлар билан уйига кузатиб қўйганди. Энди шунга ишонгиси келмай қолди, чунки ҳозир кўриб тургани барини инкор этаётганди.

Бино ён-тевараги, хусусан рўпарадаги ҳалигина тўзиб ётган майдонча, энди чиннидек топ-тоза, ювиб-артилган мрамар зиналар ярақларди; баланд пештоқда қўндирилган сербар-узун ялов саросима оғушидаги меҳмонларни хушвақтлик билан ичкарига чорлади.

Кейин Саидбек Умар яна донг қотди: сарой ҳашамига фавқулудда дабдабали бир ҳашам қўшилган! Ҳали Иноғом Насимий билан хайрлашганда кўз ўйнатувчи бунингдек безағу ашёдани асар ҳам йўқ эди. Ташқари-



ичкари, полу шифтда кишини сеҳрловчи сирли бир сурур ҳукмрон эди. Сидирға оқланиб, пушти-жигарранг чизикли катакларга бўлинган деворни забт этган даъваткор шиорлар-у, тепасида мўъжазгина нишонлар зарбланган ола-вижир суратлар хаёлини олиб қочарди. Суратлардан бирида каллалари шарт кесилган бўрилар тасвирланган, улар, жон талвасасида, ер-кўкни гулдира-тиб наъра тортаётгандек туюларди. Лекин бу манзарани кимдир кўрди, кимдир кўрмади, аллатовур ғашликка чулғанган Саидбек Умар ҳам ундан тезгина нигоҳини узди ва тўрда, алоҳида ихлос билан жиҳозланган супа бурчида эҳтиром сақлаб турган байроққа, ниҳоят, берирокда саф тортган, бир хил русумдаги оқ-кизил нимча кийган, кимнингдир амрига мунтазир чолғувчиларга зимдан қараб қўйди.

Ана-мана сарой нақд тиқинга айланди.

Ясан-тусан қилволган тик қарашли зобитлар сипогина туришарди.

Одобда Али Шаҳобий шогирдлари ҳам улардан қолишгиси келмай сукут сақлашади, лекин етимхона арзандалари шунақа вағир-вуғур қилишаётгандики, қулоқлар батанга келган, табиатан бир оз бўш-баёв, аниқроғи, болафёъл бўлган Эсон Оқбўта уларни тинчитолмай овора-сарсон...

Ниҳоят Саидбек Умар нигоҳи Чархпалакка тушди.

Дафъатан қараганда азамат шифт тугул бутун бошли саройни кифтида тутиб турган баҳайбат ҳўкизгами, китгами ўхшарди, мана шу манзарани киши ҳис этса, айниқса салобатли кўринарди, атрофида гирдикапалак бўлиб, тоза латта билан ҳар қисми ва ҳар мурватини қайта-қайта авайлаб артаётган, ҳалқасимон эшигидаи муттасил кириб-чиқаётган чилангар-гумашталар ва муҳандис-нурчилар унинг олдида кумурсқа каби кичкина! Лекин чамаси улар буни фарқлашмас, ҳеч қанақа сеҳрни ҳам сезишмас, қатъий берилган буйруқни бажариш учун кўр-кўрона куйманишарди, ҳар замонда эса казо-казо зотлар кириб келганда ҳам қолган-қутган юмушни тугата олишмаганига хижолат бўлиб, асабий тўнғиллай бошлаган, ранги қум оқариб кетган Иноғомга ҳадик ила қараб-қараб қўйишарди...

— Чаккимас, — дея ҳаммадан аввал сўз қотди Жобир Кирпи. — Қойил сизга, профессор, энг ичида битирасиз!

Аммо Саидбек Умар карахт: мактовни ҳазм қилолмади. Баттар хомушланиб, тавба, бу не сиру савдо дея, ҳаққадек учиб-қўнаётган, ҳар сўзи пўлат занг каби варанглаётган Иноғомга хафагазак бир ҳолда тикилди. Фаройиб ҳодиса бошида, тахминича, бир неча соат илгари ўзини ими-жимгина қузатган шогирди турарди, мана шуни ўйлагани сари бутун тунни жунбушга келтирган маросим ғарибона ва маза-матрасиз туюла бошлади.

— Азизим Жобир, подадан олдин чанг чиқармайлик, — тезкор назорат гуруҳининг ҳозиржавоб ва ғайратли янги сардорига ошқора пичинг қилди тинмагур Нишон. — Аввал билайлик-чи, бу бадқовоқ махлуқ нима каромат кўрсатаркан?!

— Унисини билмадим-у, лекин ҳайбати жудаям зўр экан, — ҳамишагидек биров эшитмайдиган қилиб лўкма ташлади Гулбиддин. — Нима, аждаҳодан нусха кўчиришганми?

— Оширманг, ошна, — етимлигини унутган ва шоду хуррам чуғурлашаётган полапонларига қараб қўйди Эсон Окбўта, — бу жонивор беозор фил-ку!

— Ҳе, кўкнориқовоқ! — дея пўнғиллади кимдир.

— Анови тишлар ҳам филникими?

Нечундир ичи сидирилиб, қирғий чўчитган мусича каби кўрқа-писа четга сурина бошлаган турғруқхона ҳакими берди андак сирпанчиқ саволни. Анчайин саросималанган Эсон Окбўта ёмғирда жавраган каби қунишди; хартумсимон калта энли мослама остидаги бўртиқ айри тишлар хаёлини ўғирлаган эди.

— Мана буларми? — деди Жобир Кирпи мазах оҳангида. — Тимсоҳники-да! Аммо нафис экан! Дингиз чаккимас, Саидбек! Шогирдийиз ҳам қандини урсин, оқлапти тузни!..

— Саидбек, — деди Нишон ўзини анқовликка уриб, — бу нима ўзи, тегирмонми? Ёғочни ун қиладиган!

— Шунақа, — деди зобитлардан бири, — ҳамир ҳам қоради.

— Биродарлар, камситманглар, — кўринишдан лойиҳачи-муҳандисга ўхшайдиган кексароқ киши тортинмай суҳбатга аралашди, — униси ҳам, буниси ҳам эмас, бу нарса тирик жон, одамни одамдай тушунадиган!..

— О, бу ким бўлди, билагон экан-ку!

— Фидойилардан шекилли?!

- Менимча, бу электрбоп тандир!..
- Бир соатда милента нон тайёр денг?
- Мабодо ўтин ёрмайдими? Мамлакат зор-ку!

Ҳазил-мазахдан Саидбек Умар зада: тил қурғур сал тойганда бўхтон илон янглир захрини сочганини кўп кўрган. Шунақа вақтда ишончли қалқон — сукут! Нимасини айтасиз, орада яхшики бурун бор, йўкса, у кўз бу кўзни ўйиб емоғи ёки ўймоқ қилиб ўйнатмоғи аниқ! Айёрона илжайиб турган Жобир Кирпига тикилиб, Жавлон Қиёқлини эслади, сувни лойқалатиш бобида Жавлон Қиёқлига чекланмаган ваколат берилганди, ажабки, вақти етганда ўшандай дасти узун одамни ҳам аяб ўтиришмади. Қай бир хосиятсиз кунда ўзи ёққан оловга ўзини улоқтиришди. Ким билсин, балки унинг бошига етган мана шу Жобир Кирпидир? Қурғур тозининг ўзи, бормикин искаламаган тешик-тирқиши? Энди яна ошиғи олчи: тамом бўтанага айланган дарёга тўрнинг энг каттасини ташлаган!..

Тавба, “Кўкбўри” иттифоқи эмиш-а! Лаънати Жобир Кирпи уйдирмага устаси фаранг эканлиги, ҳатто Жавлон Қиёқликдек доғули қўлига сув қуёлмай қолганини, шунингдек, тунов куни Бо-бош топширган эътиборли ёрлиқ асосида яна бир ишни жадал бошлаб юборганини ўйлай бошлаганда электр арра шифиллашига ўхшаш товуш эшитилди...

Кўпчилик қатори Саидбек Умар ҳам беихтиёр ёқа ушлади: ҳайбат тўкиб турган машина бир силкиниб, тухум шаклига кирди. Сип-силлик, ялтироқ! Олқиш садолари тиниши билан юзига чинакам хўжайинлик тусини берган Пўлат Қосимий, Бо-бош ишорасига кўра, дадил олдинга юрди. Ажабки, тўйга келгандек бошқон пўрим кийинган! Қай жиҳати биландир мумдан ясалган омонат ҳайкалга ўхшарди, лекин гўё бутун вужудидан ҳаяжон тафти таралаётир, ҳатто айтар сўзини ҳам йўқотиб қўйган, аллабир тараддудда. Ниҳоят сохта энтикиш билан муқаддимасини бошлади ва тегишли мақомни тўлатўкис ўзлаштирган Чархпалак исмли жонивор жамоага кўмакка келганини узоқ шарҳлади.

Ҳозирча у бор имконини намоиш этиб улгургани йўқ, лекин эрта-индин фахму фаросатда инсон зотидан қолишмаслигини шаксиз исботлар. Ҳар мурвати — ҳалим, шифо! Аммо ақл ва дил уни тушуниши,

йўриқларига кулоқ солиши керак. Ана шундагина рух ва тан олий даражали муолажа мевасидан тотинур. Кимки ўзида норасолик кўрса, сира иккиланмай, эрта Чархпалак паноҳига ошиқади. Жонивор қадри оммабоплигида! У ҳамманинг умидини бирдек ушатгусидир.

“Лекин биз фақат шу билан кифояланиб қолмаймиз, бошқача ечимлар ҳам бор!” — дея нутқиға завқ аралаш қўшимча қилди бошқон ва япаски пешонасидан қуйилаётган қайноқ терни рўмолчаси билан артди.

Кейинги хитоби гўё Саидбек Умар кулоқ-чаккасиға тарсаки бўлиб тегди, зеро, эртанги кунга ҳам ошиқона назар ташлагиси келган бошқон нимаға шама қилганини ёлғиз у тушунди. Ийиб кетган бошқон ихтирочилар меҳнати ва хусусан Иноғом Насимий журъатини кўкларға кўтараётганда Саидбек Умар сарой бўсағасида Носир Дамин каловланиб турганини кўрди. Сезде: Носир тунни остин-устин қилворган маросимға ҳам, сарой маҳобати ва безагиға ҳам бефарқ, ҳовлиққан юз-кўзида бошқа ташвиш ифодаси! Зич сафни оралаб, шу тарафға келаверди шогирди, ниҳоят, шундоқ ҳам ичини қиринди сидираётган Саидбек Умарға нажот тилагандай охиста суйканиб гудранди. Аввалиға ҳеч нарсани тушунмади, нималарнидир мулоҳаза қилгач: “Йўғ-е” — деди бўзарганча, ҳар бир ҳарфни тиши орасидан ўтказиб. Сўнг хаёлида бутун бошли шаҳарчаға ўхшайдиган қирқинчи қават манзараси, кўк билан туташ тиканакли симтўсиқ, тўртбурчак тош тўнкада нон кавшаб ўтирган сочи ўсиқ йигит гавдаланди...

— Энди сўзни умидли олимимизға берсак, ўша яхшироқ билади мўъжизаси таржимаи ҳолини, — ҳали бошланган бешқарсак пасайиши билан овозини кўтарди Пўлат Қосимий. — Қани, укажон, майдалабгина... Ха, ўзингиздан қолар гап йўк!

Хали сарой бўсағасиға қадам қўйгандаёқ, Саидбек Умар Чархпалакни танитиш маросими бўлишини англаган, фақат бари бунча ошиғич ва нозик тус олганиға ажабсинган, бу хусусда Иноғом ёки бошқа биров оғоҳ этмагани оғир ботган эди. Ҳозир сўз ўзи эмас, эндигина тетапоя бўлаётган шогирдиға берилгани айниқса иззат-нафсини буткул симиллатиб юборди. Кейин эса ўзини ўзи койиди: “Инсоф қил, Чархпалак шуники! Сен бор-йўғи хайбарақаллачи! Тайёр ошға баковуллик

ярашмас!” Сал бўлса ҳам овунди, лекин қай маҳалдир ичида яна алланарса исён қилди: томоғига аччиқ бир нарса тикилар, кўксида азалдан ўрнашиб қолган ва ўзига яхши таниш бўлган бир овоз Иноғомни чала-ярим айбситарди. Ёнгинасида эса яна бир шогирди товонига тикан киргандек типирчилаб турарди, қорачиқларида — дунёга ўт қўйгудек бир ваҳима!..

## 2

Оғиру енгил остида тобланган Иноғом Насимий ушбу дамда бамисоли афсонавий қарчиғай: қанотини кенг ёзса-да, осмону фалакка шахт ила учса, пастда қолган ва оқдан қорани ажратолмайдиган қаланғи-қасанғиларга ҳазар назари билан қараса!..

— Ораларингда кимнинг тирноғи ўсган? — дафъатан зобитларга мурожаат қилди тиши оқини кўрсатиб; саф қилт этмади, шунда у кимнидир аста қўлидан ушлаб тортди ва девор биқинида жойлашган ойна тўсинли бош-қарув пульти тепасида хушёр турган, яп-янги соявонли қалпоқ кийган оператор-муҳандисга ишора берди.

Сал кам уч йилдан бери Иноғом маслакдоши бўлиб келаётган бўйчан, пахмоқ сочли, билаклари йўғон, қарашни сокин бу йигитни таниш-билиши Палахмон деб қақирарди, ҳақиқий исмини ҳеч ким атамас, бунга чамаси ҳожат ҳам йўқ эди, зеро, унинг ҳам таржи-май ҳоли бир чеккасини ота-онасиз деган сўзлар безаб турарди. Леки у пешонасида борини аллақачон унутган — ўзини гулобий бинонинг бир зарраси санар, муҳими, иш кўзини биларди. Ҳозир айниқса Палахмон алланечук яйраб кетди ва чапдан энг чеккадаги қора тугмани шавқ билан босди. Нимадир ғувиллаб, улкан тухум бирдан пўст ташлади ва аввалгидай баҳайбат махлуқ қиёфасига кирди.

Жазавадор мусиқа бир авж олиб тинди, шу заҳоти Палахмон яна қайсидир нуқтага тегинди. Кўкрак кериб турган махлуқ астагина пишқирди: шундоқ ўмровидан ўзаро ёндош тушган қўшалок мослама ўйноқлаб чиқди. Чамаси, Иноғом Насимий муштоқлик билан шуни ку-таётганди, ҳалиги зобитни етаклай бориб, қўлларини навбати билан мослама учиди айри шаклида чакнаётган қизғиш нурга тутди. Ҳамма тин олди: тирноқ чилпий-

диган лазер қайчи! Унинг яна қанчадан-қанча ҳунари борлигини Иноғомдан бошқа яна бир киши — Саидбек Умар яхши биларди.

— Қойил! — деди зобит бармоқларига тикилиб.

— Шундай қилиб, азизларим, қаршингизда одам-зодга беминнат ва беозор хизмат кўрсатадиган дунёда ягона машина! — терчилаган кафти билан Иноғом унинг бақувват сағрисига шап-шап урди. — Тирноққача эплайди, жонивор! Вақтида олинмаган тирноқ, биласиз, таъбни кир қилур!

Атиги бир неча дақиқа муқаддам, ичи куйишганча, Саидбек Умар дудмалроқ гап бошлаган Иноғомни ўзича паглаб, ношуду нотавонга чиқазиб, устидан мағзава ағдараётган эди, у ваъз йўсинини бу тариқа бошқача ўзанаг солворганини кўриб енгил тортди, аммо ушбу маросим охирги дақиқагача ўзига пинҳон колганини яна эсларкан, шу заҳоти кўнгли хуфтон бўлди.

— Оддий, лекин жўнмас, ҳар бир ҳаракати асосли, арқони ҳам узун, керакли жойгача етади, — паришон-ҳол турган Саидбек Умарга зимдан караб кўйди Иноғом. — Бугундан бутун ер юзи ардоғида! Биласиз, ер чарчаган, мададга муҳтож! Якка ўзи фалокатлар олдини ололмас. Фақат мана шу кўмакчи тезроқ енгил қилади сайёрамиз мушкулини!..

— Шундай, шундай! — деди Бо-бош товушсиз қар-сак чалиб.

— Бу бир тирик жон... бир фарзанд... Ҳа, ишончли бовур! — бошини ҳам қилиб, нари-бери одимлаб, ҳеч кимга қарамай давом этди Иноғом. — Ҳар битта ҳужайрамга авайлаб жойлаган эдим. Кейин тўлғоқ, жон талвасаси... Ҳа, ажабланманг, шундан каммас. Енгил бўлмади, лекин... туғиш... Чекимга тушган экан! О, ўша сонияда дилимдан кечганими? Аттанги, бунга тилим ожиз! Буёғи эса... Ана у, кўринг, отам замонидан юрагим тагида олиб юрган дардим суврати!

— Во-о! — дея ғўлдиради аллаким.

— Тавба, — деди яна кимдир, — бу йигит кўракми ёки ғалвирак?

Хамма баравар ниманидир шивирларди, фақат Саидбек Умар сукутда, негадир ерга киргудек ҳолда, ичини бир ғашлик кемиради: “Э, буям чапани, йўқ, дувора, томорқаси пана-ёнага тушган, бир улуши офтобрав бўлса, қолгани соярав!..”

— Хўш? — дея ўзига тегишли посангига тош босди Бо-бош.

— Ҳайбати зардалими? Майли-да! Аммо ичида бир дарё борлиги рост! Айқирган дарё! Суви сувмас, бол! Ҳар қанақа ташнага бир пиёласи кифоя! — бир дам тўхтаб нафасини ростлади Иноғом. — Ортири кимга ҳам керак? Исрофгарнинг боғи кўкармас!..

— Барака топкур-ей, — дея кафтини чаккасига босди Пўлат Қосимий Бо-бошга юзланаркан. — Тузук-ку бу, а? Баъзиларни сотиб, бунга едириш керак экан!

— Арзийди, — деди илжайиб Бо-бош.

— Бу олимчани ота-онаси борми? — лукма ташлади Эсон Оқбўта.

— Нима, эсингиз кирди-чиқдими? — мудирга зимдан ўқрайди Бо-бош. — Адашмасам буям сиз ёзган дастурхондан нон еган!

— Аммо зўр экан!

— Шуниям қайсидир кесак ичидан топиб келганмиз вақтида, — дея ошкора фахр билан давом этди Бо-бош. — Кўриб турибсиз, эплигина! Гаҳ десакми, кафтимизга кўнади! Ахир, ўзингиз ҳам... бу даргоҳга келганда этагингиз кетингизга тугилган эди.

— Эсимда, — деб минғирлади Эсон Оқбўта, қочгани жой тополмай.

— Ашинақа... Бир кун туз еган жойингга қирқ кун салом бер!

— Аммо бош қозончи Саидбек... Кулоғини у еридан, бу еридан чиқар деб турган! — деди овозини дўриллатиб Жобир Кирпи. — Оғзига талқон солволгунча бу кишим ҳам гапирсин!

— Хали шогирди тугатгани йўқ-ку!..

Саволу хитоб дўлдек ёғилди, шовқин-сурон тиниши билан саройни яна омонат жимлик қамради. Сирли бир безовталиқ ҳар заррага, пойдевордан шифтга қадар, беомон сингигандек туюларди.

Бундан Иноғом ғофил: холисона бир тарзда ўзиникини сўйларди. Мана, у яна Палахмонга маъноли кўз қисди. Ҳаял ўтмай махлуқ ингичка наъра тортди ва зирҳли улкан жағи қоқ иккига ажралди: бадани олабула баҳайбат аждар турарди энди рўпарада!

Ора-сира лукма талаб қилган каби вишиллаб қўяётган махлуқ қиёфасини бу қадар тез ва ғалати

тарзда ўзгартиргани томоша аҳлини карахт қилиб қўйди, ҳатто Саидбек Умар ҳам беихтиёр ёқа ушлади. Тунов куни Носир Дамин замбуруғ дунёга келгани сабабини таъна аралаш зарда билан шарҳлагани ёдига тушди. Хўш, Чархпалак-чи? Анов кўзлари орқали Бо-бош ёки Пўлат Қосимий (эхтимол ўзи ҳам) кўҳна оламга бегонасираб назар солмаяптими? Кошки Иноғом бунини тушунса! Ҳайратга молик махлуқ вақт ва масофа орасида яшагучи, аммо ҳадеганда ўзини кўрсатмайдиган жоду махсули эканини кошки тасаввур қилолса?!

Мабодо осмон узила тушиб, шундайгина пойига сочилса ҳам ҳозир Иноғом Насимий бу хусусда ўйламас, ўйлашни истамас. Ҳозир юрагига завқ ва қувват ато қилаётган нарса — тез орада ҳаётини тубдан ўзгартариб юборишга хизмат қиладиган обрў-иззат ва шуҳрат нашидаси! Қорачиқлари кенгайиб, ажабтовур ёлқин сочаётгани шундан! Манови паканагина одам бир химо билан ўзини ҳурмат ва қадр-қимматнинг энг баланд поғонасига кўтариб қўйишига имони комил!..

Ҳали махлуқ оғзини қападек очган пайтда Иноғом борлиги сўнгсиз бир иштиёққа тўлди. Кимдир, Бо-бош шекилли, рағбат бахш этувчи илиқ сўз айтди, унга Иноғом миннатдорлик назари билан қаради, ниҳоят исталганча узаядиган темир зина орқали, арра тишлардан ушлаб, секин юқорига интилди, тахминан икки газ келадиган оқ-қора чизикли найсимон чўп учини ижир-бижир қисмларга тегиза-тегиза шошилмай тушунтира кетди:

— Ичкари муҳити ғоят мафтункор! Қасам ичаман: бунақаси ер юзида бошқа йўқ! Маҳкум... Узр, бу сўз ноҳўя ва ноўрин... Хўш, мижоз қисиниб-қимтиниб қолмаслиги учун кенглик ва юмшоқлик сақланган. Фарбона қилиб айтганда, тамомила камфорт! Пар тўшак, пар ёстик. Қайишлар чармдан эмас, ўзимиз етиштирган аъло навли ипақдан. Зиғирча ботмайди, момик дейсиз. Мана бу дурдона сандиқни бир уста тобутга ўхшатган эмиш. Фаросатдан қисган экан-да бечорани. Одамнинг суки қиради-я бунга. Қопқоғи ўзи бир дунё. Ўтга чидамли пўлатдан. Астари — кимхоб. Атир пуркаб қўйса борми, оҳ, оҳ! Ҳавоси димикса-нетсами, махсус мослама тозалаб беради, қисқаси роҳат!..

Орқароқдан новча бир йигит чулдираб қолди.

— Жаннат десанг-чи, биродар?



Олд қаторда турган кексароқ киши тўнғиллаганча афтини бужмайтирди.

— Халақит берма, э, галварс!

— Хурматли мижозимиз бемалол ўрнашгач, бошини пар ёстикқа қўйиб, оёқларини эмин-эркин узатворади, — ҳалиги писандаларга парво қилмади Иноғом. — Нарёғи ширин уйқу — бир кунми, ўн кунми, хоҳлаганча! Баҳонада... хоҳиш-иродасини шошилмасдан тоблайти. Нимаики хоми бўлса — барини!

— Иззатни уяси экан-да?! — деди яна тинчимаган мулоҳазакор новча.

— Ўчир! — дея унга ўқрайди қария.

— Э, яхши экан, менам пешлай ақлимни!..

— Жуда ўнғай! — Энди Иноғом лўкма ташлаётган йигитга норозиланиб қараб қўйди. — Мияси тарҳи очилганини сезса кифоя... Ана, фил суягидан ясалган тугмача тайёр, шундоқ бармоғи билан нуқиласа... олам гулистон!

— Эринчоқлик қилса-чи? — яна новчанинг тили кичиди. — Ёки... ўжарлиги тутса? Ҳар хил одам бор дунёда!

— Зарари йўқ, жойида қолаверади имтиёзи! — сўзи бўлинганига хафа бўлиш ўрнига бирдан севиниб кетди Иноғом. — Мижоз бўлгандан кейин нозланади-да. Тантйқвойми, танбалвойми, фарқи йўқ, ёрти бўлса яна ҳам яхши, у шунақалар билан кўпроқ чиқишади. Шунақалар қиладиган эркалик инкорнинг бир тури, биласизки, айниқса руҳий инкор — яхшилик сари оғиш! Ана шу оғиш темиртан хоҳишига мувофик тушса нур устига аъло нурдир. Аниқроғи, икки ўртада юзага келган тотувлик бутун ва даҳлсиз бўлиши жоиз. Агар мижоз ором оғушида ётиб, маълум вақтда иқлимидаги музни эритиб улгурмаса, аста-секин иккинчи босқичга кўчади...

Томоша аҳли, хаёл сураётирми, ҳайратдан карахтми, билиш маҳол, лекин нигоҳлари ажаб манзарани кўриб тургандек: бир дарёки, суви — сувмас, бол, афти-башараси тўнғиган ва соқоли кўрпалаган не-не кимсалар тамшана-тамшана қирроғига яқинлашар. Ўша неъмат бир томчиси — мангу нажат!

— Сўлақайимни оқиздинг-а, баттол, — дея кафтини кафтига ишқалади Жобир Кирпи, — Менам мижоз

бўлай бунга... Лекин... кўчадаги учраган дарахтни бир тепсамми, беминнат ишқибоз дув-дув тўкилади.

— Э, ака, бунинг табиати нозик, ҳар қанақа одамни йўлатмайди ёнига, — деди Иноғом ўнғайсизланиб.

— Унақада чертиб-чертиб танлаймиз-да, кейин келтирамиз. Маъкулми?

— Маъкул... Ҳа, бу анойи эмас. Кўнгли тўлгандан кейингина бағрини очади, — лабини буриб қўйди Иноғом. — Аммо сандиқ аломат... Қопқоғи очилган заҳоти мана бу қўллар мижозни эҳтиётлаб кўтаради ва кўрпачаси қўшқават супачага ётқизади. Маҳтал қилмай пар ёстикли темир кунда хизматга келади. Бош билан бўйин қўшалоқ жавоҳир гулдек иззатда! Дилда эса мангу роҳат ишқи! Кейин дейлик лаҳзанинг мингдан бир улуши!..

— Зўр, зўр! — деди Бо-бош қорнини силаб.

— Тажрибалар ҳам анча бўлган шекилли? — дея қизиксиниб сўради Жобир Кирпи.

— Бу ҳақда кейин... Хўш, ниҳоят ҳосила... Шу йўсинда Чархпалак мангу қийноқни таслим этади, — турган жойидан лоп этиб пастга сакради Иноғом, негадир зинадан тушгиси келмай.

— Бинойи, — деди Нишон, қаддини роз тутиб.

— Тасаввур қилинг: лаҳзанинг мингдан бир улуши кифоя қилса-я атиги! — Иноғом Насимий овозидаги фахр оҳанги алоҳида жаранглаб эшитилгандай туюлди. — Фақат мижоз этади бу сир тагига. Анаву ойна қувур... тенги йўқ наrsa: мижозни аяшини айтинг. Эҳ-хе, шунақа аяйдик! Қайси бири маъкул: лазер найзани ёки... Унақаси истаганча, бари денг жадвалга солинган. Танлаш завқидан ортиқ завқ борми дунёда? Менга қолса... Ҳа, шамшир унчамас, найзани бегона қилмасдим. Нега дейсизми? Тўғри мана бу ерга мойдай суртилади, — у аста кўксига нуқилади, — ҳа, санчилмайди, суртилади. Кейинми? Кейин... Қайта туғилиш — янгилашиш!

Не ҳол рўй бергани қоронғи, лекин жамийки борлиқ сеҳрланмиш бу лаҳза...

Нигоҳлар тош қотган, юраклар гўё тўхтаган...

Бо-бош билан Пўлат Қосимий, қўлларини орқаларига ташлаганча, темиртан атрофини неча бор айланиб чиқди.

Аллатовур тошаётган Жобир Кирпи билан Али Шаҳобий жимгина айри тишларга термилади.

Аста-аста қалтираётган Эсон Окбўта кўзлари юмуқ...

Эснаб-эснаб қўяётган Гулбиддин унинг пинжида...

Нима завқли, нима аламли? Бунн ажрим қилиш мушкул, гўё таранг тортилган тўр ўраган Саидбек Умар вужудини, у шогирди лаб-даҳанидан учаётган майин-майин калом маъно-мағзини чақиб-чақолмай лолу гирён, дунё боқийлиги ва омонатлигини англаувчи недир ҳис аламангиз бир дарду ҳасратга айланганча қақраб кетган томоғига тикилиб қолган, шунингдек, ҳалитдан бери бир ғашлик аралаш шогирди ғўрлик либосини ечиб улгурганини қайта-қайта эътироф этар, мен Чархпалак сир-синоатини билмас эканман, мабодо сўз беришса расвои жаҳон қиларканман, деган ўй миясини аёвсиз пармаларди.

Томоша аҳлини буткул асир қилганига инонган каби Чархпалак бир наъра тортиб, бир силкиниб, қападек очилиб турган оғзини қайта юмди ва урғочисидан айрилган эркак шердек ҳурпайиб олди. Сокин живирлаётган баданида сонсиз жажжи-йирик чироқлар тўлқин урди; оч-тўқ яшил, кўкиш-мовий, пушти-сарик нурлар алангаси бутун борлиқни кўмгандек эди. Учига сари юпқа ва ингичка тортган ҳартум икки ёнида ўрнашган, гоҳ қизил, гоҳ жигарранг, гоҳ напормон порлаётган юмалоқ-бўртиқ қўшалок чироқ-кўз айниқса жодули-таъқибкор эди. Шаксиз, ажиб тўлқин-аланга пайдо қилувчи мосламалар темиртан кўрки ва салоҳияти нишонаси саналарди, зеро, бунн Иноғом орага қистиришни унутмади, сўнгра эътиборни остки қаватга қаратди. Ниҳоят мижозни бағрига авайлаб босволган саодат сандиғи ғаройиб жиҳозлар билан безатилган хилватгоҳга шовурсиз тушиб кетиши ва ҳаялламай изига қайтишини алоҳида қониқиш билан таъкидлади. “Ўра ҳақида индамаган маъкул, нимагаки якун сандиқнинг ўзида қарор топури!” — деди Иноғом нутқи охирида ва найсимон таёкни махлуқ биқинидаги илгалардан бирига илдирди...

Чиройи очилган Бо-бош қисқа ва мароқли ваъз қилди.

Кейин, Жобир Кирпи, совуққонлик билан, махлуқ ўмровига кафтини тираганча, мазкур ихтиро шу кун

довруғига лойиқ ҳодиса эканини, бора-бора тозарадиган ва ягона иттифоқ тузадиган руҳ билан тан ундан тоабат миннатдор бўлажагини изҳор айлади.

Устма-уст янграган қарсақларда юпанчга мойил рағбат жам эди.

Чархпалак ҳайбат тўкиб, қовоқ солиб турарди, гўё каловланган қиёфалар суврати ва сийратида баралла тантана қиларди, ўмови-елкасида тикрайган калта-нозик симлардан элас-элас сас таралаётир; “Азалман, абадман! Шеригим — Ёртилик!”

Сўнг ялписига олқиш бошланди, жазавали куй авжига минганда Иноғомни бардор-бардор қилишди. Лекин Саидбек Умар, шогирдини қутлаб ўтирмай, задагирлик оғушида ташқарига жилди. Қўланка янглиғ липиллаётган паст-баланд дарахтларни оралаганча шитоб билан юра кетди. Изидан эса Носир ҳаллослаб келарди, то хосхонасига кириб, оромкурсисига оғир чўккунга қадар унинг бетига қайрилиб қарамади...

## ОЛТИНЧИ БОБ

### I

Саидбек Умар назарида Чархпалак билан топишган сарой ўзи бир олам, шундоқ кўз ўнгида бундаги жамийки нарса бир-бири билан қориша-қориша жимирловчи кўланкага айланди, ажабки, ана шу ола-қуроқ ва улама-сулама манзара аро минг йилдан бери адашиб-тентираб юргандек эди. Ановилар намунча шодон? Тўғриси, Саидбек Умар дили тубида ҳам недир гурур учқуни пинҳон эди, лекин бунга ёр-биродаридан ўла-тирила сир тутди. Қолаверса, маросим бошланган фурсатдаёқ гўё устига залварли бир тоғ кулади, ҳамирдек эзилиб, ҳатто ўшани ташқарига ҳам елкалаб чиқди.

Суяк-суяги, руҳи-шуури ситилиб бораётган каби сирқирар, ўзига ҳам, кенг жаҳонга ҳам сиғмасди. Нима, кўҳна гардун шунчалар аянчли кулдими устидан? Фақат бандаси эмас, дунёнинг ўзига ҳам масхара бўлгани ва яна бўлажагини ҳис этаркан, уйқусираб, гоҳ нимагадир тўқишар, гоҳ нимагадир елкаси билан уриларди. Сокин ва кимсасиз ҳовли-боғ оралаб узоқ юрди, изидан

эргашиб келаётган Носир Даминни ҳам унутди, ниҳоят, кутилмаганда чор-агрофини баланд дарахтлар ўраган улкан ҳайкалга дуч келди. Ажабо, танаси жойида йўк, хумдай боши эса ҳавода муаллақ! Тавба айтиб, ўзини қайсидир йўлкага урди. Ҳаллослаб югургани боис хос-хонасига кирганда оғир-оғир хансирарди, ҳозир ўлимига ҳам буткул рози эди-ю, гўё Носир Дамин халақит берди. Бу нима истайди бунча ёпишиб, тавба?! Бирдан эслади ва жарга қулагандек юраги ўйноқлади. Худо ҳақи чин: буниси олдида Чархпалак сариқ чақа!

— Чумоли расво кишти, — дея гудранди Носир.

— Айбни унга тўнкама! — деди у жони ҳалкумига тикилиб.

— Нима қилай, Ниначини бўғизлаб қочган?!

— Жилови қўлимизда эди-ку!

— Тўғри, лекин аввало замбуруф ишқал чиқазган, лаънати ўзи хоҳлаган йўриқда бузилишга мойил экан, — Носир айбига иқроф гуноҳкор қиёфасини олди. — Дастлаб замбуруф Чумоли мия пўстлоғида яшаган, мия марказига кўчгандан кейин бирдан эски қобигини янги-сига алмаштирган. Мана шу жараёни ўзимча биологик ислоҳ деб атадим!

— Атамай ҳар парса бўл! — дея баралла ўшқирди профессор. — Энди унга ташқи муҳитдан фармойиш шарт эмаскан-да!

— Ҳамма бало ана шунда!

— Ҳали сен уни юқумли ҳам дерсан?

— Эсингиздами, илгарироқ шунақа тахмин қилувдик.

Тамом гангиб қолган Носир Дамин эмас, қандайдир тош маъбуд айтди гўё бу гапни, Саидбек Умар унга ичи сидирилиб тикилар, руҳда чандиқ ҳосил қилишга қодир, ҳатто истаган пайтда ўз хусусиятини ўзгартира оладиган куртлар эртасини тасаввур қилар ва ваҳимага тушарди, сўнг бугун инон-ихтиёрини ўша митти ва шафқатсиз кароқчи азмига топширган Чумоли панада чўнқайганча занглаган пичоғини берилиб чархлаётганини кўз ўнгида жонлантирган маҳалда шарақлаб эшик очилди.

Мустаҳкамликда оламда ягона гулобий бино гўё қок иккига ажралди, чор-тарафга сочилган темир-бетон девор қолдиқлари, пиша синиқларию ёроч пайрахалари орасидан қисик кўзлари яшил тусда ёнаётган, афт-башарасини тим қора патак соқол босган давангир шарпа чиқиб кел-

ди. Хар замонда у пишқирар, қўйнидан панглаган қок нон олиб, куртиллаиб кавшарди. Энг кизиги, худди ўз уйдагидек бемалол ва бепарво ҳаракат қиларди. Нақд ўтакаси ёрилаёзган Саидбек Умар қирқинчи қават томи гирдидаги тош кундада чўнкайиб ўтирган бадқовоқ йигитни эслаб, бирдан турмоқчи бўлди, лекин улгурмади, тўғри чаккасига тушган гурзидек мушт шўрликни полга чўзилтирди. Ғужанак ҳолда қанча ётганини эслолмасди. Ҳушини ўнгласаки, ёнида — ўзидан бешбаттар хору абгор Носир! Гупдек шишган лаб-лунжи қон, пешонаси кашқа!

— Лаънати, — дея сўкинди омадсиз шогирд, — қутирганми?!

Сўнгсиз аламга кўмилган Саидбек Умар Носирга не деярини билмади, эндигина тина бошлаган илмий фаразлари ва хулосаларини лойқалатиб юборган Чумоли ғўрига ришт қалаганча, уни тиббий қисмга кузатиб қўйди, сўнгра муздай сувда ювинди, сал-пал ўзини ўнглагандан кейин соат беш минути кам саккизда, кўқарган башарасини намойиш қилганча, жаҳоншумул воқеалар ва кароматлар тамал тоши қўйиладиган қароргоҳ сари йўналди.

Ажабо, қароргоҳ намунча осойишта? Бу ўйдан сал-пал енгил тортди, аммо ўзига хайрихоҳ тикилаётган нигоҳларда айни дамда ўзгача бир ғайирлик ҳам ниҳон эканини англаб, яна ғашланди, афт-башарасига Чумоли зарблаган моматалокни эсларкан, бадтар эсанкиради. Не қиларини билмай саросар турганда кутилмаган ҳодиса рўй берди. Тўлагина энли бетига ажиб кулги ёйилган Пўлат Қосимий тура-сола уни кучоқлаб, ҳатто чўлпиллатиб ўпди, етаклаб бориб, энг юқоридаги курсилардан бирига суябгина ўтқизди.

— Мана шу жой муносиб сизга, — деди кейин у шодланиб.

Саидбек Умар алағда, гангиган: қаёқдан чикдийкин офтоб?

— Офарин, ошна, топибсиз мезонни, — деди Бо-бош, бошқон ҳаракатини мизни оҳиста чертиш билан маъқулларкан. — Ожиз тан марлуб бўлганда руҳ тўйинади, тўйинган руҳ эса ўзини ўзи ислоҳ қилишга киришади.

Рости, хаёли хануз Чумолида, афт-ангорида қолган

ва ҳали-бери йўқолиши гумон бўлган бемаъни тамғада, шундай экан, қаёқдан гап кирсин қуловига? Фақат расвои жаҳон башарасига ҳеч ким эътибор бермаётгани, не кор-қолга йўлиққанини суриштирмай тургани галати эди. Тахминича, барини кўриб-билиб ичларида кулишаётир, лекин андиша, иззат-ҳурмат юзасидан сукут сақлашмоқда. Аммо Жобир Кирпи билан Нишон қарашлари бошқача, ановилар индашмагани билан булар қўйишмайди, йиғин тугар-тугамас, бетларига чарм коплаб, ковлаштира бошлашади.

— Сизга ҳавас қилишсин, — деди Бо-бош анчадан кейин, жиддий тарзда. — Сиз виждони уйғоқ одам қандай бўлиши кераклигини осонгина исботладингиз. Ортиқча изоҳга ҳожат йўқ!

— Бўлмасам-чи, — деди Нишон, негадир ўнг қўлини силтов ила юқорига кўтариб. — Мунақаси ҳар юз йилда бир бўладиган, тан бермай ўлипизми?! Айтганча, Саидбек, яхши эшитмай қолдим, шогирдингиз лазер игнаси ҳам бор дедими? Қайчиси-ку аниқ!

— Бор экан... Ола кўзлар бахтига! — Саидбек Умар ўрнига чулдираб жавоб қилди Жобир Кирпи. — Қадимда мил тортишган — тирик жонни қийнаб, мана буниси янгича — роҳатижон!

— Қайчи, мил! — жилмайиб қўйди Нишон. — Аммо койил, Саидбек, узокни кўзлабсиз. Шу кунда тили узунлар ҳам, кўзи чакчайганлар ҳам кўпайган!

Маҳобатли сарой шифтини эмас, бутун курраи арзни ҳам кифтида бемалол кўтариб турган Чархпалак ногоҳ рўпарасида кўндаланг бўлган каби Саидбек Умар беихтиёр титранди, шуурининг аллабир буржида осуда ётган ваҳима гўё бирдан уйғониб, гавдасини мубҳам бир оламга пўкакдай улоқтириб ташлади. Сўнгсиз бир хавотир билан йўғрилган жимликни Пўлат Қосимийнинг хиёл босиқ, хиёл амирона янграган товуши бузди, хануз сирли таассуротлар билан сармаст бошқон ушбу паллада учраган одамга ичидагини дастурхон қиладиган гийбатчига ўхшарди...

— Хўш, энди бошқа масалага ўтсак, — деди у кутилмаганда, Бо-бошга ўғринча қараркан. — Биласиз, назария ҳамма вақт шунчаки дебоча, амалиёт эса ҳам аввал, ҳам охир! Буларни чалкаштирманг. Муҳими, кайсарлик эмас, муҳими — эгилувчанлик. Шу нарса

бор экан, садокат яшайди, рости, Саидбек пешонасини силаган шогирдда шу хислатни кўрдиму бошим кўкка етди...

Ҳамиша хушёру зол Бо-бош, кафти тепасида, калта йўталди.

Ногоҳ сергакланган Жобир Кирпи эса хурпайганча бир кўзини қисволди.

Нишон ранг-рўйида хотиржамлик...

Негадир бошқалар жар ёқасида илиниб тургандек ралати жавдирашар эди.

— Ариқ қазиган одам тўрт фаслда ҳам этикли ё этиксиз сув кечишга ҳозир туриши керак, — юмшоқ табассум билан давом этди Пўлат Қосимий. — Тўғрими, азизларим? Ҳа, яшанглар. Демак, келишдик: лойик номзод Иноғомнинг ўзи!

Андава тортишни қаранг, лекин нишаб қай тарафга олинаётир?

Саидбек Умар сир-синаот тагига етолмади, жойгинасида ёғоч каби қотган, тили танглайига ёпишган, гуноҳ иш қилиб қўйган бола каби мўлтирар, хаёлини банд этган тушунуксиз ва беқиёфа манзара ичра гоҳ Фаришта, гоҳ Чумоли, гоҳ Чархпалак чирпирак бўлиб айланарди.

— Имзо чекишга уч киши муносиб топилган: камина, вакил отамиз, марказ командири Саидбек!

Пўлат Қосимий тилидан қатъий янграган ушбу ҳукми эшитгандан кейин Саидбек Умар шуури янада хиралашди, аста-аста санча бошлаган юрагини эса надомат ҳисси чирмади ва ўрнидан турди, Бо-бош билан бошқон фақат ўзига атай ўқрайиб турганини билгач, бўшашганча қайтиб жойига чўкди, сўнг: “Имзо бўлса — имзо-да!” — деди ноилож ва беихтиёр бошини эгди...

Йигин якун қилингандан кейин Саидбек Умар ичи сидирилган кўйи шошилмай жилди, қўш табақали нақшинкор эшиқдан имиллаб чиққунига қадар бир-бири билан маъноли кўз уриштираётган мўътабар зотлар орасида кечган узуқ-юлуқ қиска суҳбат қулоғига чалинди...

— Оғзи бедарвоза, касби ков-ков!

— Тилини айтинг, заҳар-а!

— Анов тузилма ҳам Иноғом ишиймиш!..

Кўз олди тиниб кетган Саидбек Умар, йиқилишдан чўчиб, қабулхонада дуч келган курсига титраниб кўнди.



Аъзои баданидан муздек тер қуйиларди. Рангида катра қон қолмагани. Нечун ёпишиб олишди Иноғомга?

Одатдаги маза-матрасиз ва чала-чалкаш ўйларини жиловлай олмасдан Саидбек Умар қийналиб кетди. На ерга сиғади, на кўкка, бир ёввойи куч борки, қўлтиғидан кўтаргани-кўтарган, шундоқ ҳам эзилган вужудини ўғирчага солгани-солган. Гумгурс бадқовоқ девор гўё чор тарафдан қисиб келади, не қиларини билмай, хаёлан Чумоли изидан тушади. Қани лаънатини тутса-да, кишанлаб, ҳеч ким назари тегмайдиган бирон хилват-коронғи ўрагами, хандаққами тикиб ташласа!

Қабулхона ёки йўлакда алланарса гусирлаб кетди.

Илон чакқан каби Саидбек Умар чўчиб тушди.

Бу суллох, бу газанда ўша, атай жигимга тегаётир, деди алам билан ичида, ранг-кути учиб, нафас чиқазмай, жон ҳовучлаб ўтирди. Зил-замбил бир неча дақиқа кечди, лекин ичкарига ҳеч ким йўламади. Тахминича, Чумоли бино ҳар қавати ва ҳар қаричида минг бўлакка бўлиниб, искаланиб юрарди, фақат ўзи ва Носирни эмас, бошқаларни ҳам мунтазам кузатар, зимдан тафтиш қилар, гўё бу билан нималиги номаълум майлини кондирарди.

Малҳам сурқаб, лаб-лунжини сал-пал тузатволган Носир вақтинча музхонага тикиб қўйилган Ниначи жасадини якка ўзи бир амаллади: қаёққадир гум қилди. Аммо эртаси куни ярим кечада ўткир тир тортилган бўғзига кафтини босволган Ниначи аланг-жалаңг алфозда Саидбек Умар тушига кирди. Симиллабгина оқаётган дарё-дарё қони чор-тарафга ёйилиб борарди, шунақа силтаниб уйғондики, ўтақаси ёрилган Моҳина додлаворди.

— Одамни жинни қиласиз-е! — деди шўрлик хотин тўшакда тош қотганча.

Йўк, Саидбек Умар бошқа ухлолмади, деразадан қарасаки, кеча оп-ойдин, ширмой нондай сулув ой кўк тоқига омонатгина илинган. Ой чорладими, бошқа нарсами? — ҳартугул бир даъватга бўйсунган ҳолда беихтиёр ташқарига умтилди. Шамол эсмаса-да, дарахтлар сирли силкинар, фаввора эса нечундир ҳазин шовуллар, тонг яқинми, уфқ шафақланган эди. Субҳи содиқ дийдорига ошиққан каби, шарққа юзланиб илдамлади. Япроқ шитирлашига монанд шовурга тўла ҳовли этагида милтираб

турган чирокни кўрди, хиёл ажабсинди ва беихтиёр яна ҳам шошилди. Лекин чироқ йироқлашаверди. Қай маҳалдир лип этиб ўчди. Энди ғира-шира қоронғиликда аллаким гивирларди. Тавба, яп-яланғоч! Оғзида бир парча оқ мато — чайналган, илвираган! Кафан шекилли? Гоҳ ирғишлаб, гоҳ қаққайганча олайиб кўяётган телбаваш одамга синчиклаб разм солди ва кўрққанидан сочи жайра сихидек дикрайди.

— Ёспирай, сенмисан, Ниначи? — деди у ниҳоят зўр-базўр ўзини ўнглаб. — Тирик экансан-да? Бежонман дейсанми? Э, аттанг! Айт-чи, ўша гумроҳ шеригинг сени нима учун сўйди?!

Аммо Ниначи гинг демади, ола-ола қараш қилиб, увада кафанини ямлайверди, кейин бўралатиб бир сўкинди-да, оғзидан қон аралаш кўпик сочиб, каловланиб турган Саидбек Умар устига отилди, шўрлик профессор дағ-дағ уча бошлади, чор-ночор тисарилди ва ниҳоят ўнгланиб ура қочди. Шу қочгани, во ажабо, бир маҳал ўзини осмону фалак кўйнида масруру мағрур мудраётган қирқинчи қават кафтида кўрди. Кўп бемаъни босриқдим-да, деб кўйди ичида, кейин, не бир хоҳиш-ла, шарққа юзланди, ҳалигина шафаққа бурканиб турган уфқ аллақачон сутранг тусда, коинот султони қуёш эса қарийб тиккада эди. Ночорлик ила елка қисди, лекин энг қизиғи, бу ерда якка эмасди, гулобий бинонинг барча устунни тўпланган, бинобарин, улар одамзод қисмати билан боғлиқ яна бир муҳим воқеани талаша-талаша муҳокама қилишарди. Билдики, гап ҳар қанақа тасодиф, ҳар қанақа заруриятни четлаб ўтадиган, керак бўлса, босиб-янчиб ташлайдиган олий тоифа имкониятлари атрофида, демак, Жобир Кирпи билан Нишон Бо-бош топшириғини қойиллатиб адо қилган, шу муносабат билан курсантлар мактаби мудирри Али Шаҳобийнинг кўйни-кўнжи тўлиб қолган бўлса керак. Йўқ, унчалик эмаскан, жуда кўп иш қилинган, лекин темир дафтарга тушган қайсидир шўртумшук ҳали илинмапти, шу боис нуфузи баланд ҳужралардан бири ҳозирча бўш экан...

Ойнаванд бино томига Саидбек Умар ҳаммадан кейин кўтарилди.

Ҳайратга молик ғаройиб маконда турли оддий-мураккаб мосламалар ғиж-ғиж... Шулардан бири

ковурғали бежирим кубба биқинида ўрнатилган туйнук-симон махсус дурбин бўлиб, ичкари турмуш тарзини кузатишда бениҳоя қулай эди. Илгари ҳам негадир олий тоифага тузук-курук рағбат билдирмаган Саидбек Умар, бепарво бир ҳолда, имкони мўл ускуна ёрдамида ягона эгасиз бўлма — Е ҳужраси эканини аниқлади, сўнг эрта ўзи ва шогирдлари зардаси эмас, қамчисига ҳам йўлиқадиган, кўп ўтмай олам ва одамга бошқача назар билан қарай бошлайдиган ғўр-содда мехмонларни хомушланиб назардан кечирди...

— Саидбек, биласиз, мана шулар ҳар бири бир даҳо, — деди Бо-бош кутилмаганда, пастга ишора қилиб. — Агар шохларини қайиролсак, бахтимиз, бепарво ташлаб қўйсак, шўримиз! Шундай экан, биргина Чархпалак камлик қилмасми?

— Менимча... кўп машқларингиз эскирган, — гапни ила кетди куббага кафтини тираган Пўлат Қосимий. — Унча-мунчаси кор қилмайди бу қайсарларга!

Куракда турмайдиган сўз айтиб қўйишдан чўчиган Саидбек Умар сукут сақлаб, ковоғини солди, қайсидир ёп-ёруғ ҳужрада гоҳ полни, гоҳ деворни тепкилаб, телбанамо ҳаракатлар қилаётган ўсмирга бир нигоҳ юборгач, э, тўйдим-ку тоза дея, хўмрайганча қиялади. Имони комилки, бу ярамаслар бирон-бир ҳидни сезишган, сал мавриди топилди дегунча гап жиловини ҳалиги тарафга буришлари бежизмас. Аммо хом санашипти чучварани, энди Саидбек Умар аввалги нодон эмас, энди ўла қолса ҳам сир бой бермайди, яхшиси, ўша расвои жаҳон ихтиросини етти қават ер тагига тикворади, бас, йўк қилади “Сумалак” зардоби формуласини, токи у эрта ҳеч бир жоҳил ё манман кимса қўлига тушмасин.

Аммо, хей, дариг, эрта-кеч изида соядек эргашиб юрган, қолаверса, тумшуғи тагида мушт дўлайтириб, қонсираган пичоғини ошқора мақтаб қўяётган Чумолини қандай даф қилади?! Агар тезроқ ўша баттол кафанини бичмаса, бугун бўлмаса эртага ўзи тузоққа илиниши ва авра-астари ағдарилиши аниқ!..

Ана шу мулоҳазалар гирдобиди сузаётганда тунги беминнат чироқлар ёруғида борлиқ сокин нурланарди, ажабо, мана шу хотиржам паллада уйқупараст Чумоли ёнмак-ёшармак шавқи билан ҳовли-боғнинг қайси бир хилват, ораста гўшасида хордиқ ёзмаётirmi? Аммо бу

шунчаки тахмин эди, негадир товушсиз кулди, сўнг бе-  
ихтиёр назарини улкан ҳайкалга қаратди. Не кўз билан  
кўрсинки, у жимирлаётган бўшлиқда муаллак: боши  
қуйида, оёқлари юқорида! Анчагача ундан нигоҳини  
узолмади, ахийри, илкис терс ўгирилди, ёмғирда ивиган  
ёғочни эслатадиган узун-дағал шарпа илашди шу заҳоти  
қароқларига, хаёли ҳалиги ажиб манзарада бўлгани боис  
унга дафъатан эътибор қилмади, қачонки у рўпарасида  
бўй ростлагач, ҳуши бошидан учди...

Чумоли кутирлатиб қоқ нон чайнарди...

— Кет, турки совук! — деди Саидбек Умар титраниб.

— Қайга? — тешиб юборгудек ўқрайди Чумоли;  
афтбошини соч-соқол кўмиб юборгани боис кўзлари  
қудук тубидаги қатра сув каби йилтирарди. — Айт,  
биродар, қайга? — яна у саволини такрорлади, таъна  
аралаш. — Бунча жигимга тегяпсан, нима, мендан ор  
қиласанми?!

— Сен тегяпсан жиримга, ярамас! — деди Саидбек  
Умар сабр косаси тўлиб. — Эртаминан ҳам келасан,  
кечкурун ҳам келасан, тинчлик борми, йўқми дастинг-  
дан?!

— Хей, нодон одам, шуни аввалроқ ўйлашинг керак  
эди-да, — дағдаға аралаш илжайди Чумоли. — Аммо  
ўйламадинг, энди кўр бўлиб обидийда қиласан! Ахир,  
мағорлаган ичингда беозоргина, ному нишонсиз уйқуни  
уриб ётмаганмидим?

— Э, бас-е, алжирама!..

— Ҳа, ёқмадими? — энди бемалол эшилиб кулди  
Чумоли. — Шунақа, тўғри гап ёқмайди. Билмасанг би-  
либ кўй, каминани сен тукқансан! Неча замон ичингда  
яшадим, кўп қаро кунларни кечирдим. Икки дунёда ҳам  
ўша бемаъни қафасни ёриб чиқолмасдим, уни кутилма-  
ганда ўзинг парчалаб ташладинг. Ҳа, мени қутқаздинг,  
аммо мен тарк этган жойга ўзинг кирдинг. Шуни тан-  
ладинг, энди қолганига ҳам чидайсан!..

— Ие, ҳой, жинни-пинни эмасмисан?

Шундай деганини биледи, кўзлари пахтаси ағдарилган  
Чумоли, мағорлаган бурда нонини қўйнига тикиб, бир-  
бир боса-боса, сарғимтил тишларини гичирлатганча, тева-  
рагида ҳурпайиб айланди, сўнг беадад бир кониқиш би-  
лан қаҳ-қаҳ отиб кулди-да, аста ўзини эшикка урди...

Нега чавақламади, аядими?

Шу ўйда Саидбек Умар Чумоли изидан отилди, доим омади юришмаганидан нолиш қиладиган ёрдамчиси Нодим қўйдек бўғизланганига имони комил эди, хайрият, газанда унга ҳам тегмапти, у қўлларини ёстик қилганча бемалол пишиллаб ухларди.

Чумоли дахл қилмай кетгани боисини Саидбек Умар тушунолмади, шунингдек, кейинги учрашувда нимага кодир эканини исботлаш учун ҳеч нарсадан тоймаслигига ҳам амин бўлди. Демак, тезроқ бирон тайинли қарорга келиши керак, шу фикрга берилиб кетгани боис тонг отгани, кун ботгани билан қизиқмай қўйди, аммо бир кеча, ё тавба, қанақадир қора-қурум патга ўранган Иноғом тушида безовта қилди-ю, негадир типирчилаб қолди. Тонг-азонда уйғониб, бетини чала-чулпа ювиб, одатдагидек қоғозлар хирмонига кўмилган Нодимдан бугун ҳафтанинг қайси куни эканини сўради.

— Чоршанба, — деди йигит ажабсиниб.

— Айтарсан, фарбий кўрғонда бўламан...

Нодим бош ирғади, у шошилиб йўлакка чиқди, аммо лифтни кутмай, зина бўйлаб энди, кеча тунда кимдир (бошқамас, Чумоли!) етимхонани ағдар-тўнгар қилганини ўйлаганча ташқарига қадам босувдики, баланд пештоқ рўпарасидаги бетон фиштарлар фарчланган майдонда кетмакет оқу қизил енгил машиналар келиб тўхтади.

Ҳозир Саидбек Умар фақат кўнгли-хоҳишига яқин мароқли лаҳзани интиқ-интизор кутаётган ва шу лаҳза мангу ғолиблик нашидасини ифодалашига ишонган Иноғом Насимийдек тўпори шогирди билан учрашиш ва озми-кўпми ҳасратлашиш тилагида эди.

Шу тилак Саидбек Умарни олға етаклади, аммо пештоқ айвонидан узоқлашишга улгурмай қайсидир ҳашамдор машина орқа эшиги бирдан ланг очилди ва аввал бўйчан, кенг елкали, қийғир қарашли киши (оҳ-хо, Жобир Кирпи-ку!), кейин ёноқлари кўкарган, қаншари ёрилган, кўйлақлари қонга беланган дўнг пешонали ўғлон тушди.

Агар Саидбек Умар Жобир Кирпини кўрмаса йўлидан қолмай кетавериши мумкин эди, аммо янги нозир эътиборини тортиб, беихтиёр тўхтади ва хўмрайишу сукут сақлаш билан дилидаги норозилигини ифода қилаётган навқирон тутқунга тикилди.

Мурғак жонни намунча абгор қилмишлар? Жин-

дайгина соғ жойи йўк, туртса йиқилгудек, фақат қорачикларида милтираётган қатра нургина вужуди ва чехрасига жон ато этган, ажабки, шу нурдаги майингина товланиш нимаси биландир Саидбек Умар кўнглига бир яқин, бир яқин...

Негадир ўжарлиги тутди, дилини авраган, дилини мудҳиш кўйга солган бебош-бекадр ҳиссиётдан ҳозироқ тонишга тайёр, лекин туйқус тепада Фариштани кўргач, авзойи ўзгарди, бинобарин, Фаришта ҳарир қанотларини силкиганча беун фарёд чекарди.

Баланддан таралаётган товушсиз нола кулоқлари пардасини йиртиб юбораёзди, ногоҳ мияси тарки очилгандек туюлди, ҳатто қаҳр билан меҳр оралигида янчилмак ҳеч нарса эмаслигини ҳис қилиб улгурди, сўнгра бетон саҳнда беҳол-дардчил туриб қолди. Бўғзи ачишиб шивирлади: Фузайл, чировим!

## 2

Ақлига сифмас: етти қават осмон қуладими устига ёки ўзи қаро ер қаърига тушиб кетдими!?

Ҳануз чим-чилт тақирда бемажол — қоқилган қозиқ, омонат жони бўғзида тутаб-тутамай ёнар: “Бу не савдо, Фузайл?” Жон оловида қақраган лаблари ушбу сўровни бир лаҳза ичида эҳтимол минг маротаба такрорлади ва яраланган қоплон каби олға ташланди. Ҳозироқ ўзига бино кўйган Жобир Кирпини чангалида эзғилайди. Қани, айтсин, не муддаода етаклаб келибди жигарпорасини бу даргоҳга?

Бутун вужуди — жамийки ҳужайрасигача нафрат ва қаҳру ғазабга айланди, айна шу вазоҳати билан ҳозир йўлида учраган ҳар қанақа ичаги эгри рақибини қиймалашга қодирдек эди, ҳали буларни хору хас қиламан, деди ичида, қачонки нечтадир ҳовлиқма гу-машта Фузайлни ўртага олиб, турткилаб, қайсидир лифт сари судрашганини кўргач, беихтиёр саросималаниб қолди, аниқроғи, ҳалигина қанотланиб турган оёқларига тош бойланди.

Шундоқ кўз ўнгидан жимир-жимир сароб тўлкини ўтиб кетгандек эди.

Шундоқ кўз ўнгида Фаришта ҳам бўшлиқ қаърига сингиди...

Кейин Саидбек Умар довдирлиги учун ўзидан нафратланди, ҳатто тентакларча янглишгани — аллаким кўзига Фузайлга ўхшаб кўринганига ўла-тирила ўзини ишонтирди. Куриб кетгур асаби ёмон толиққан, мана шунинг касрига доим панд ейди. Их, ҳали Чумоли ҳам — Чумоли эмас, рўё бўлиб чикса-я?!

Энди Саидбек Умар ғазаб ва шубҳага кул бўлиб қолишдан тийилиш осон эмаслигини тан олди, шу босиданми, аллақачон жойини топган Иноғомни кўргиси келмай қолди, ховли-боғнинг қайсидир сокин хиёбонида паришонҳол кезинди, лекин бир пайт ҳушини ўнгласаки, фарбий кўрғон дарвозаси рўпарасида турибди, ҳатто доимий хизматига қамишдан бел боғлаган зобит-комендант кўнглини овлаб улгурибди.

— Ихтирочи қавмидан бир дона топамиз!..

Оппоқ қайишига тўппонча осволган қоровулбеги, қовоғидан қор ёвилса-да, феъли кенг, тили юмшоқ-бурро, фаҳми-фаросати тузуккина инсон экан, ҳалигидай хитоб қилгандан кейин кўрғон остини каламуш-сичқонлар, устини кўнғиз-сувараклар шудгор қилиб юбораётганини ачиниш ила сўйлай кетди. Йўлаклар тор ва ним қоронғи эди, туртина-суртина анча-мунча юришгач, қай маҳалдир энсизгина темир эшик қошида тўхташди.

Қоровулбеги кулфга қитирлатганча калит солди...

Эшик шарақлаб очилди, аммо Саидбек Умар холисона йўл берган эшикдан эмас, бундаги бор-йўқ нарсаларга ўзи паноҳ эканини исботлагиси келган қаттол тўсиқ оша минг машаққат ила киргандек эди ичкарига. Чамаси уни зулматдан қарийб фарқ қилмайдиган ним ёруғлик эмас, ҳеч бир маъно англамайдиган аллатовур тўнғ сукунат ҳам қаршилади. Мунғайган хона қай жиҳати биландир эътиборга молик бисоти-ла фахрланса арзирди: шифтда омонат илинган ва камдан-кам ҳолда ёнадиган мўъжазгина чирок, деворга тираб қўйилган ёғоч қаравот, юпқагина кўрпа-тўшак, чўлоқ курси, титилган бўйра ва занглаган дўлча...

Ногоҳ бир маромда кечадиган вақт изғирини музлатиб қўйган жимликни бурчакда қорайиб турган қавакдан дабдаба билан қатор-қатор лашкар тортиб чиққан каламуш-сичқонлар чийиллаши бузди, аммо бу гаройиб тантанага кўрпалаган соқоли паноҳида исиниб ётган, эҳтимолки қиёмат тушлар кўраётган Иноғом парво

қилмади, ихтиролар оламининг жафокаш фуқароси аллақандай сарғайган газетни беор ажинлар дастидан дод дейишга ҳақли озғин бетига ниқоб айлаганча гулдирос хуррак тортарди.

— Ўв, донолар доноси, азиз меҳмонга хурматинг шуми? — аста нукилади уни қоровулбеги. — Тур қани, нима бало, бит тагида қолганмисан?

Тавба, ланж-ландовур бу банда ким ўзи, ростдан ҳам Иноғомми ёки бошқа? Шу мискин ўй Саидбек Умар миясига оралаган чоғда сарғайган газет малол-оғриниш ила силжиди, кимдандир ё нимадандир зада юрак ҳасрати тепчиган қароқлар, омонат қувонч ва турғун қайғу қўшилуvidан туғиладиган недир зарда-эйтирофга дош беролмай сўлинқираган қиёфа кўринди. Бу қиёфада зухур нотинч руҳсизлик зумда Саидбек Умарга юқди, у шу қадар гангидики, қоровулбеги аста жилгани ва ҳар эҳтимолга қарши эшикни кулфлаб қўйганини сезмади.

— Келдим, — деди Саидбек Умар энтикиб; аммо Иноғом Насимий индамади, эшитмади чоғи, деб ўйладида, яна гудранди. — Омонмисан, биродар? Мен келдим!

— Афсус қилманг, устоз, — ниҳоят қаравот чеккасида ўнглиниб ўтирди Иноғом. — Ҳечам афсус қилманг, эртами-кечми, ҳамма келади бу ерга!

Шифтдаги мўъжаз чироқ бир ёниб-ўчди, хужра бир дам ёруғликка ёлчиди, сўнг яна ихтиёрини хира-сарғиш шуълага берди; найза-қалқон кўтарган сур лашқар қуршовига тушиб қолган каби Саидбек Умар оғир хўрсинди. Зўр келса, таслим бўлишга рози! — Ночор аҳволини чамаси Иноғом англади, беихтиёр кулгиси кистади, лекин кулмади, патак соқолига қўшиб, зах нуқси урган бўйини қашлайверди...

— Одам чордеворсиз яшолмас!

Ажабо, бу ерга нечун ташриф буюрди, инсон умри ва қадр-қиммати билан тағ-замини шўрлаб, нами сирқиган, ўймоғи-ўрамида турли газандалар болалаган тош девор ўртасидаги азалий ва абадий боғланишни шу тарзда совуққон изоҳлаш учунми?! Ахир, ишонадики, ёруғ оламда одамни ночорлик чангалидан халос айлашда асқатадиган илоҳий тасалли бор, бу ерга кела туриб, хатто ўзини идора қилгиси келмай қолган шогирдига шу туйғуни бахш этишга аҳд қилмаганмиди?!



— Устоз, ростини айтсам, дунёда соқол ўстиришдан маъкули йўқ экан, — деди дафъатан Иноғом, чиройи тетиклашиб. — Иякда ғовлабгина турса, ҳеч нарса етмайди савобига!

Ўнғайроқ мавзу топилганидан Саидбек Умар яшнаб кетди...

— Менам соқол қўйсамми? — деди у бетини силаб-чимчилаб.

— Сизга ярашмайди. Сиз...

— Тирноқ ўстиринг демоқчимисан?

Кутилмаган қалтис гапни Саидбек Умар айтишга айтди, аммо шу заҳоти гўё ўткир бир нарса ич-ичини кириб-қиртишлаб юборди, ажабки, тасавурида гавдаланган нарсани шундоққина шогирди кўзларида кўрди: сирли махлук, кўкрагини керганча, наъра тортарди.

— Эрмак кўп оламда, — деди Иноғом Насимий астагина.

— Ука, донм эрмак изладим, — деди Саидбек Умар ҳалимдек юмшаб, ҳалиги ноўнғай гапини ювиб ташлаш илинжида. — Аммо оқибат ўзим кимларнингдир эрмагига айландим.

— Сизнингча бошқача бўлиши керакмиди?

— Билмадим, лекин... ҳайратдан адоман.

— Ҳайрат нимага арзийди? — дағал бир оҳанг зухурланди Иноғом товушида. — Менимча, ҳеч нарсага! Яхшиси, тирсакни тишлаш керак. Биттаси шуйтиб тишласа денг, бошқа бирови вой биқиним деб йиғлармиш!

Шогирди шу қадар бепарволиги, ҳатто бунақа ҳазил-хузилга ён бераётгани Саидбек Умар кўнглини ўстирди, сўнг шогирди қиёфасида тошдан бино бўлган чордеворни ёриб ўтишга қодир недир куч ифодасини кўриб беихтиёр жилмайди. У ўзини астойдил ўктам сезаётгани жуда яхши, лекин бу кунда курраи арз Чархпалак ва Чумоли оёқлари остида инграна бошлаганини ҳис этиш учун ҳам ўзида куч тополармикин?

— Сен, укам, туппа-тузук олимсан, — яна илоҳий тасалли борлигини эслади Саидбек Умар. — Бировдан кам еринг йўқ, бекорга ҳам яшамаядинг. Агар баъзи нарсаларни англаб улгурмаган бўлсанг, бу сенинг айбинг эмас.

— Туппа-тузук олим! Гўнг титишдан бошқасига яра-

майди, шундайми? — бегараз нигоҳини устозига тикди Иноғом. — Балки яна бир нарсага ярар? Агар устидан кула бошлаша, қўшилишиб кулишга!

— Гўлсан, — дея кафтини чаккасига босди Саидбек Умар, — гўл бўлмасанг, одам тилга олишда орланадиган алламбало безорилар уюшмасини деб жонингни ўтга ташлармидинг?

— Аммо сиз гўлдан ҳам баттар — гўлнинг ярмиси, — ковоғини уйди Иноғом. — Яъни чап кўзингиз мағрибда, ўнг кўзингиз машриқда!

— Мени орага тиқиштирганинг — тонганингми?

— Йўқ нарсанинг нимасидан тонаман?

— Эҳтимол, у бордир.

— Томдан нарига! — қўл силтади Иноғом. — Мендан йўғини эмас, борини сўрашсин. Бир билганим Чархпалак эди, уни яширмадим, борича такдим қилдим, қилча ёлғон қўшмадим. Лекин бу ерда ҳам бекор ётмадим, яна бир ҳомила орттирдим.

— Сени кичиклигингдан биламан, — деди негадир Саидбек Умар, томдан тараша тушгандек қилиб.

— Ҳа, жуда яхши биласиз, — деди бирдан қунишиб Иноғом. Асранди эдим. Ланж, исқирт! Шуни бетимга солмоқчимисиз?

— Ҳаммамиз ҳам асранди, укажон, бунинг ор қиладиган жойи йўқ!

— Аммо раҳмат, сиз мени қутқариш билан бутун Одамзодни қутқариб қолгансиз.

— Оббо сен-ей!..

— Жин чалсин, — деди Иноғом, бурчақда ёвлашаётган газандаларни кузатганча. — Қишлоқмиди, овулмиди? Ёдимда йўқ, аммо бир нарсани яхши эслайман. Раҳматли онам жиззакироқ эди, сал айб қилсам косов билан саваларди. Йиғлаб қочардим-да, сой бўйидаги теракзорда яширинардим. Гоҳ чўнқайиб, гоҳ чалқанча ётиб, шимпанзегга айланиб қолишни орзу қилардим.

Сукутга толган шогирд киприкларидан бир томчи ёш узилди. Унга термилиб қолган Саидбек Умарнинг кўкси эса зирқиради ва қай маҳалдир тинмасак хаёли қанотида кечмиши сари учди. Қанча-қанча Болалик икки томчи сувдек бир-бирига ўхшайди, ана, қачондир унинг товонлари ва тирноқларини қонатган кўчалар шундоққина Иноғомни шаҳарга узатган қишлоққа бориб туташар-

кан... Фақат у шимпанзе эмас, Кўкбўри бўлмоқчи эди. Ғалати дард дилига Ҳазора момо эртаги шарофати билан юққанди, узун кечаларда жимгина серюддуз осмонга тикилар, кампир куюнчаклик билан тасвирлаб берган денгиз соҳилига хаёлан йўл олар, омади юришмай қолган Кўкбўри ёки ҳидоят салтанатини бошқара бошлаган шахзода қиёфасида кўрарди ўзини...

— Энг катта орзуйим шу эди, — ниҳоят анча чўзилган жимликни бузди Иноғом. — Шимпанзе бўлиш мен учун улкан бахт ҳам эди. Дунёдаги энг баланд дарахт шохига думимдан осиб қўйишса, бундай зўр мартабага эришганимни онам кўрса дердим. Кейин...

— Кейин... воз кечдинг.

— Илож қанча, майда экан.

— Тузук, фаҳмлабсан.

— Ўргатишди, мана шу ерда... Эсимниям киритишди.

Бор бисоти етимлик бўлган бир ҳувари эдим. Бошпана сўраб қайга ҳам борардим? Раҳмат, одам қилишди. Лекин аввало — сиз! Отам дедим сизни!

— Менсизам эплардинг, ақлинг жойида.

— Аммо шимпанзени эсласам ачинаман ўзимга ҳам, унгаям...

— Бекор қиласан.

— Бугун мен олимчаман, ҳа, олимча! — бирдан кўкрагига нуқилади Иноғом. — Бекорчилик ярашадими? Ярашмайди. Яна денг тузни оқлашим керак. Бу хилват зўр экан, хаёл жонивор билан яхшироқ қовушдим, топган янги ҳомилам унча-мунчамас, зўр ҳадя!..

— Хўш?! — дея қизиксинди Саидбек Умар.

— Мен қайғурмасам бошқа тирикроғи борми, ус-тоз? — оғир хўрсиниб қўйди Иноғом. — Йўқ, тириги бошқа йўқ! Ер эса, бахтга қарши, биттагина, ҳа, ер битта бўлмай иккитами?

Саидбек Умар оғринди: ҳей, бу илмоқ қидиряпти шекилли?

— Аттанг, биттагина! — хўрсиниш аралаш давом этди Иноғом Насимий. — Эҳ, иккита бўлсайдими? Бири чарчаганда, бири қўл келарди. Қўшга ярамай қолган хўкизни алмаштирган каби осонгина алмаштирар эдик. Ҳозирча бунинг иложи йўқ, аммо жа толикқан, ўпкаси бўғзига тикилган. Нима, сизга сезилмайдими?

— Ким билсин, лекин у улкан, имконияти ҳам шунга яраша!

— Ҳечам-да, муштдайгина, балки зигирчадир, балки заррадир!

Ичида Саидбек Умар шогирди фикрига қўшилди...

— Борингки, муштдай дейлик.

— Шундай бўла қолсин.

— Шунинг учун ҳам шимпанзе бўлгим келмай қолган.

— Ие, — деди Саидбек Умар кулгиси қистаб.

— Шимпанзедан кўра товуқ бўлганим яхши эмасми?

— Э-э, ҳали буниси ҳам борми?

— Тунов кунини Чархпалак ичимдаги дардим суврати эканини айтдим, уни неча замон юрагим тагида авайлаб олиб юрганганимни ҳам айтдим, барингизга маъқул келди.

— Жуда тўғри!

— Энди, кадрли устоз, бу ҳомилам тақдирига қайғура бошладим, — шундай деркан, Иноғом кўзлари жовдиради. — Омадни қарангки, бу нарса нималигини биринчи бўлиб сиз биласиз.

— Ҳай, ҳай, зўр-ку!

— Худо ҳақи, ишонинг, яқинда пайдо бўлди, юрагим тагида қимирлабгина қўяди, сезишимча, илиққина, силлик, дум-думалок! Вақти яқин — эрта ё индин. Эплаш қийин эмас, бир кучансам кифоя! Аммо сиз менга сабр-тоқат тиланг!

Энди Саидбек Умар жимгина нафас ютиб, бўзариб ўтирарди...

— Ҳа, устоз, нимасини айтасиз, еримиз қари! — бир зарб билан соқолидан уч-тўрт толани юлиб олди Иноғом. — Еримиз мункиллаган чол! Йўқ, чол бўлса кошқийди, худди палағда тухум! Ўзим уни бошқатдан туғаман, одамзод олдидаги бурчим шуни тақозо этаётир!

— Укагинам, сен ўзи кимсан?

Бўғзи куйишган Саидбек Умар нари-бери маъюс одимлади.

Адоқсиз бўшлиққа рўпара тургандек эди.

Нарёқда нима бор: алангами ёки ҳар қанақа ўту оташни ўчиришга қодир изғирин?

— Ашинақа!..

Шу билан чамаси Иноғом Насимий суҳбатни якун қилди.

Недир малол билан тўшаги пиёз пўстидек юпка каравотга аста чўзилди ва ғовлаган қўнғиртоб соч-соқол кўмган, ҳеч бир ифода акс этмаган бетини сарғайган гижим газет билан ёпди...

Хануз Саидбек Умар каловланиб турарди.

Ростики, у ҳам маҳкум!

Нафақат маҳкум, ўзидан адашган кимса ҳам!..

Шу лаҳза бу ўй гўё занглаган сонсиз игнага айланди, чор-тарафдан отила келиб санчилди миясига, сим-сим оғриққа кўмилганча, бегона назардан эмас, ўзидан ҳам яшириниб олган, ёлғизлик паноҳида яқин орада рўй берадиган Улуғ таваллуд онини кутаётган, яхши-ёмонини сағирлиги бўсағасига оббориб такайдиган шаввоз ихтирочи ёнидан жилолмасди. Вақт алламаҳал бўлганини айта-айта қоровулбеги туйнукдан бир неча бор мўралагандан кейингина ташқарига йўналди.

Қадамлари зил: недир куч ортга торгарди. Ногоҳ, мен ҳам маҳкумликка лойиқман, деган ўй кечди яна миясидан, беихтиёр тўхтаб, ғалати жавдираш билан бўш хужра бор-йўқлигини сўради. Ҳеч бир гумонга бормаган зобит чап томондаги кимдир бўр билан калла суяги расмини чизган темир эшикка шунчаки ишора қилди. Ранг-рўйи ўчинқираган профессор зўрға оқариб кўринаётган чала-чулпа тасвирга хўмрайиб қаради, аммо бирон эътироз билдирмай, тезгина гавдасини ичкарига олди: кулфла! Товуши совуқ жаранглади, довдираб қолган гумашталар етакчиси, калитлар шодасини шиқирлатганча, ним қоронғи тор йўлак бўйлаб тисарила бошлади...

### 3

Чамаси, хужра яқинда дориланган экан, тинимсиз анқиётган ачқимтир ҳид Саидбек Умар димоғини ёрвораёзди. Ҳар ерда суварак-қўнғиздан тортиб, сичқону каламуш сулайиб ётарди. Ўлик жонларга тикилиб, оғир хўрсинди, намхуш деворга истамайгина суянди, оёқлари толгач, қачон қўйилгани номаълум чирик тахта каравотга чўқди. Эзгу дарди билан юпанишни эплайдиган шогирди биқинида ўрнашиб олганидан рағбатга ўхшаш нарса бахш этувчи қаноат ҳиссини туйди. Жилла курса бу дунёда кимгадир чинакам ҳамсояликка ярамоқ керак.

Ёлғони йўк, баъзан ошналарига, мен хотинимга девор-дармиён қўшниман, деб пичинг отарди. Асли ҳазили тагида бир чимдимгина чини ҳам борийди: у Моҳинадан ақл бовар килмас даражада йирок эди (кўнглига киргани йўл бўлсин!), қачонки Фузайл ёруғ оламга ташриф буюрганини ингалаганча билдиргандан кейингина ора-ларидаги масофа бир қадар қискарди, ҳатто оилавий иттифоқи анча мустаҳкамланди.

Хотин хархашаси ўз йўлига, унақа-мунақа галва ҳар қанақа рўзгорда, албатта, учрайди, эркак чекига тушгани – чидаш, лекин кейинги пайтларда биттаю битта зўр армони шу эдики, дунёда шундай даргоҳ борлигини, ўзи шу ерда ўралашиб, остонаси тупровини ялаб юришини Моҳина ҳам, Фузайл ҳам билмаса! Бутун вужуди, иймон-эътиқоди билан эрта-кеч худодан шуни тиларди, лекин афсус, аксига олди, бирдан-бир суянчиги ва меросхўри саналмиш Фузайл кутилмаганда шундоқ ёнгинасида пайдо бўлди, аниқроғи, уни сургаб-савалаб, оғзи-бурнини қон-қатронга бўяб, етим бўталоқ каби бу ерга келтирдилар.

Саидбек Умар мискин ўй гирдобода суза-суза, ўлгудек толикқан эмасми, аянчли гичирлаётган каравотда ахийри мизғиди, андак ўтиб, руҳидаги зирқираш сал босилди ва хаёлан замини ҳам, осмони ҳам поёнсиз олабужир оламда санқиб юрди. Ён-верид асов дарё, сийраклашган ўрмон, сарғимтир даштга туташ дара шовулларди, ногоҳ олисда, тахтни эслатадиган булут узра Фаришта қўниб турганини кўрди, ажабки, қуйида, жимжит кенглик бўйлаб бир болакай чопачопа келарди, аниқроғи, кимдандир ўзини қутқазмиш учун жони борича ҳаллослаб югурарди. Тезда билди: ўғлини тирақайлатиб қувган, қаттол тузоғига илинтирмоқчи бўлган таъқибкор Чумоли экан. Кўрқачи-писа товуш берди, аммо Фузайл эшитмай, шуъла тўшалган йўл қолиб, зимзиё тўқайга оралади...

Шу маҳал радио-телефон сайраб қолди.

Қай ерига гўё бигиз сапчилди: сапчиб турди.

— Азизим Саидбек, — Пўлат Қосимий гўё шундоқ рўпарасида туриб сўзларди, — қобил шогирд аҳволи қалай экан?

— Ёмон эмас, — деди Саидбек Умар типирчилаб, айни пайтда соддалигидан ичида кулиб. Ахир, ўзини

ўзи шунчаки маҳкум санаши бу ажаб дунёда нимани ҳам ҳал қиларди? Қолаверса, Бо-бош айтганидек, жон савил ширин, жон чиғирикқа тушганда бошқа нарса кўзга килча ҳам кўринмайди...

— Аммо бекор қипсиз, бормай турсангиз маъкулмиди?!

— Бир қошиқ қонимдан кечинг.

— Илож қанча, кечамиз-да.

— Чарчабман, — деди киска сукутдан кейин Саидбек Умар, қайдалиги ва қай аҳволда ўтирганини бирдан эслаб, — ижозатингиз билан уйга кетсам!

— Саидбек, биродарим, уй қочмас, ҳозир бу ёкка етиб келинг, — қаймоқдай юмшади Пўлат Қосимий. — Тортинманг, келаверинг, икковлон бир отамлашайлик, зўрини бокиб қўйиппан.

Эҳтирос савилдан Пўлат Қосимийга ҳам бирон томчигина тегиб қолган, ҳозир у: “Анву ёқники!” — демоқчи эди чамаси, бирдан зийраклиги иш бериб, тилини буради. Қай бир нозик сезгиси билан буни илғади Саидбек Умар ва: “Ҳаҳ, илон ёғи ялаган!” — дея, қовоқлари тўла уйқу, дили лим-лим ғашлик, зимзиё хужрадан жилди.

Ушбу машғум гўшадан бир умр ўзини олиб қочгани ва эҳтиёткорлик йўриғига ўла-тирила амал қилиб келгани ёдига тушиб, аччиқ кулди, бу қилиғи ўзига ўта бачканалик бўлиб туюлди.

Мана, дераза ойналари ва ҳарир пардалари жилосидан тортиб, турфа безаклари нақши-нигоригача тасаввурига чуқур ўрнашган маҳобатли хосхона... Бу ерда не сир мавжудки, ҳар доим бўсағасига қадам қўяётганда юраги безилларди. Наҳотки, турли катта-кичик йиғинларда ифодасини топадиган ваҳима-ҳовлиқиш, севинчу завқ, маза-бемаза хулоса-фаразлар, эҳтиросли ҳукмлар, бари-бариси қуйи деворда осирғли мўъжазгина ойболта залвари билан боғлиқ бўлса?! Ичкарига кирган заҳоти ҳадиксираган ҳолда ўша тарафга қаради, бир зум тўхтаб, тараддулланиб ҳам қолди, ниҳоят, тўрға, чап бурчақдаги ўймақори эшик сари иккиланиб юрди. Ана-мана рўпарасида кичикроқ шинам бўлма жамол очди, қорни савил нола қилаётган эмасмиди, чилт янги гулдор дастурхон тўкинлиги бирдан иштаҳасини китиклади. Аммо юқоридаги курсида бемалол кўр тўккан Пўлат

Қосимий афтида аксланган жиддийликка мойил виқор, ҳар қанча пардаламасин, иззат-нафсига тегди. Кўпроқ бошқа нарсадан чўчиди, Гурзи ҳозир анаву ёққа борганимни бетимга солади, таъна-дашномга кўмади дея тахминлади, лекин у негадир бу нохушликни эсламай, бошқача муомала қилди.

— Одам хом сут эмган банда-да, Саидбек, — у хорғин меҳмонига ёнидан жой кўрсатди, — иш деб ич этингни еганинг етмай, бошқалар бетига чанг солишга ҳам мажбур бўласан. Шу алмисоқдан қолган дунёсига ким устун бўптики, биз бўлсак! Э-э, аста-аста билияппиз, бировни хафа қилишдан ёмони йўқ экан!

— Ҳа-а, — деди Саидбек тезгина ўрнашиб, — сизга осонмас, тушунмаган кўр бўлсин. Аммо биз сизникини кўтарамиз, урганингиз ун оши, сўкканингиз сўк оши!

— Барибир ўзингиз яхшисиз, — чап кўзини лип эткизиб қисиб қўйди Пўлат Қосимий. — Феълингиз кенглиги ёқади менга! Кейин... сизни кўрсам ёшлигим хотиримга тушади. Қанақа эдиг-а?! Ерга урса кўкка сапчирдик. Аммо қойил, биздай бедаво қайсарларни ҳалимдайгина қилиб қайириб олди-я бу даргоҳ!

Ажабки, бошқон талаффузи ва лутфу карами самимиятдан йироқ бўлса ҳам, нимадир Саидбек Умарнинг қаеригадир жиз-жиз тегди, ногоҳ дили тубида мангу ўрнашган кўхна дарди кўзғалди, зумда, Болалиги кўчалари бўйлаб югураётгандек, қора терга ботди, гўё қаршисида устунларига ингичка нақш чекилган айвон қад ростлаб турарди. Эсида, ҳар доим денгиз бўйидаги осуда мамлакатга олис сафарни шу ердан бошларди, шу даргоҳ бўсағаси уни ўша фаройиб мазгилу фаройиб учрашувга беғаразлик билан йўлларди. “Улуғ Кўкбўри, сен менинг абадийлик армоним экансан-да! — дея ғамгин шивирлади Саидбек Умар, ҳушини йиғволиб. — Сени кўксимга мазлума Ҳазора момо жойлаган! Раҳматли отам мулла Умар жойлаган!..” Кейин жимгина жавдираб, мана шу банданинг ҳам армони кўпдир, балки ҳеч қачон бўлмагандир, деган ўйга борди, кейин негадир қошларини чимирганча илжайди.

— Энди қаридик, — деди у ниҳоят, — минг истаганимиз билан олма-ўрик бўлмасмиз.

— Оббо, бирдан унақа пастламанг-да, ошна, — танбеҳ берган бўлди бошқон. — Ҳали қирчиллама йигитдайсиз-а!



— Э, қайда, баъзан юрак эркалик кип қолади. Иш-даги ғалваларни айтинг. Боз устига хотин хархашаси кўшилади. Ана, томоша!

— Амриқода бир ғалати латиға эшитдим... Хотин зоти эсини танир-танимас товус патини либос қилиб кийволаркан, то қаборга киргунча шуни ечмас экан! — Саидбек Умар ҳадик билан теварагига аланглаб кўйганини кўрган бошқон илжайди. — Чўчиманг, бу хона унақалардан холи, атай кўйдирмаганман. Биз ҳам иссиқ жонмиз, баъзан одамдай... А? Нима дедингиз?

— Хайрият-е, бор экансиз-ку, — деди профессор энгил тортиб.

— Хўш, Амриқоси... ҳам жаннат, ҳам дўзах! Бир баҳонада яйрашга яйрадим, кейин бари бурнимдан булок бўлиб оқди. Қитмирликни ким қилганини биласиз, лекин у ўзи қазиган чоҳга ўзи кулади. Ў, одамнинг доғулиси, иблисниям бир чўқишда қочираркан-а!

Бу кунда Жавлон Қиёкли пешонасидагини кўриб, қай бир қоронғи камерада худодан ҳам, бандадан ҳам нолиб — ўз ёвига ўзи қоврилиб, қон ютиб ётгандир, зимдан кечган жангда эришган зафарини билиб-билмай эътироф этаётган бошқон эса орқаворотдан яна унинг ёқасини вайрон айлаётган эди.

— Хотиним билан тил бириктирибди-я!

— Йўғ-е! — деди Саидбек Умар бўзариб.

— Бу ердагиси етмай, хотинимни гиж-гижлаган.

— Қанақасига?

— Эринг оқиён ортидан иллатнинг бедавосини юктириб келган, у билан ёта кўрма деган номард! Хотин зоти товукмия-да, лаққа учгану тепага югургилаб борган. Тириклай еб кўйишларига сал қолди. Мочағарни яхшиямки машина уриб кетди, йўғасам... ҳали-бери кутулмасдим.

Тагин ғашлана бошлаган Саидбек Умар ҳамиша кулоғи динг Дадашдан эшитганини хаёлидан кечирди. Эрталаб аёл ишга шошилади, кўчани кесиб ўтаётса, тўсатдан пайдо бўлган нишонсиз энгил машина шўрликни хамирдай ерга қапиштириб кетади. Ўшанда Дадаш аф-сус билан бош чайқади, ҳатто бошқонни кўтара қилиб сўқди, Саидбек Умар уни жеркиб ташламоқчи бўлди, аммо нимагадир шаштидан қайтди.

— Амриқога ўзингиз борсангиз бўларкан, рух

мухандислиги деган даҳмазани мен қаёқдан ҳам тушунардим, — зимдан Саидбек Умарга зимдан разм солди Пўлат Қосимий; аммо hozир ўшанда ўз номзодини ўтказиш учун анча найранг қилганини буткул унутгандек эди. — Қайсидир отелда базмга шўнғиб денг... Маъруза ёдда қоптими? Борсам, навбатим ўтган! Худо урди дедим, айтганим бўлди: ёқамга ёпишишди. Аммо мен қўл қовуштириб ўтирмадим. Бонг урдим: Амриқо ундок, Амриқо бундоқ! Яъни бетамизларга, атай менга навбат беришмади, деган айбни тўнқадим. Шунақа ошна, мавридини топиб сўкишним, мақташним билиш керак экан, акс ҳолда ажраласан калладан!..

— Сиздай зотга тегиниш — ютқиқ!

— Тилингизга асал... Аммо газет ҳам керакли нарса экан, айниқса дўппи тор келганда... Э, бас, жа эшилиб кетдим, сизда сеҳр бор десам ишонмайсиз. Бир ичайлик. Қани, кўтардик!

Эсида, қирқинчи қаватдаги шинам кўшқда Али Шаҳобий билан, ичимдаги зангимни ювар, дардимга малҳаму жонимга овунч бўлар, деган умид билан мириқиб ичувди, кейинги кунларда яна кўп ғалати ташвишларга кўмилгани учун hozир ҳам беихтиёр ўшандок кайфиятга берилди, ял-ял ёнаётган жодуваш қадаҳнинг офатижон лабига дағаллашган қақроқ лабини аста босди.

Ҳаял ўтмай лолагун май нигоҳига сирли ва ҳарир парда тутди, сокин товланаётган шу парда ортида, не ажабки, шовиллаган денгиз қирғоғидаги баланд қоя устида улкан жондор пайдо бўлди. Аллабир тарзда ҳаприқди: “Кўкбўри! Маним армоним!” Гўё инонихтиёридан ажраганди, ҳатто зувва қояга кўтарилишни, денгизга тикилганча наъра тартаётган Кўкбўрини бўйнидан қучишни ўйлади, аммо Кўкбўри бирдан ғойиб бўлди. Энди парда ортида маҳобатли хона кўринди, узун миз устида қорайган, илма-тешик калла суяги... У мунғаймиш: жонсиз, забонсиз... Тепасида қад ростлаган баджаҳл одам эса бесунақай қўлларини паҳса қилганча тинимсиз бидирлар, ёруғ дунёдаги ўзига номаъкул жамийки нарсани аёвсиз равишда тешиб-тепкиларди.

— Улуғлар вакили қайда? — дея сўради Саидбек Умар жўрттага.

Пўлат Қосимий кўрсаткич бармоғини лабига бос-

ди, хонада “кулок” бўлмаса-да, айёрона шивирлади. “Узилмас хилидан топиб бердим... Аркон!” Андак кайф қилган Саидбек Умар эҳтимол кейинги бир йил-ярим йил орасида, илк бор очила-сочила, ўзини бемалол қўйвориб кулди. Рўмолчаси билан мижжаларини артгач, ўзи ҳам ҳазил қилди: “Чархпалак маъкул эмасмиди?” Нишонга тегизди, лекин нимагадир ҳозиржавоблиги Пўлат Қосимийга ботишмади, у, ясама илжайиб, тезгина жиддийлашди ва шишага қўл узатди. Қадаҳларни тўлдираркан, беихтиёр тилига “Кўкбўри” иттифоқи кўчди, маълум бўлишча, шу дақиқаларда Бо-бош Жобир Кирпи ва Нишон билан биргаликда ўта муҳим бир далилни муҳокама қилаётган экан...

— Айтганча, Саидбек, ҳали зўр ахборот олдим, — дея тўсатдан бошқон гап жиловини бошқа тарафга бурди. — Мунақаси доим бўлавермас, ҳа, ҳа! Эсон Оқбўта ва Жобир Кирпига балли! Лекин энди сизнинг ҳам ошиғингиз олчи! Шогирдларингиз сара, жудаям сара!..

Лаҳза, боқийликни кечаги кун билан улайдиган, замон ва маконни қовуштирадиган лаҳза гўё ҳўл ўтин, алҳол, оҳиста чирсиллаб-бурксиб ёнарди, унга кўшилиб, тутай-тутай, Саидбек Умар ҳам ёнди, ахийри, гўё бир ховуч кулга айланди-да, яшнаб турган гиламга тўкилди. Бор-йўғини ном-нишонсиз нарсаларга аzza-базза сарфлаб келаётган, бундан бир куйса, бир фахрланадиган жон не кўйга тушганидан ғофил қолди бошқон, лекин лабларида недир тушунуксиз маъно учқунларди, чамаси, Эсон Оқбўта билан Жобир Кирпи қаторга қўшган кичик нор эрта шундоқ рўпарасида бел букиб, тарикдек сочилишини тасаввур қилар, таҳсинга лойиқ ҳодисани ҳозироқ нишонлашга орзуманд эди...

— Муболағаси йўқ, у сирли бола! — дея ғалати бир ҳовлиқиш билан давом этди. Пўлат Қосимий. — Ранг-рўйи бошқача... Кўзларими, о?! Хушёр бўл, йўқса қонингни ичаман, дегандай чакнайди-я! Лаънатини ўз холига қўйиб бўларканми? Биз аввалроқ синдирамиз белини!

Нима десин, у — Саидбек Умар бир ховуч кул...

— Ҳалироқ борамиз олдига. Чарчовингиз пича ёзилсин.

— Йўғ-е, — деди бўзариб Саидбек Умар; юраги

шувиллаганча қадахда беозор яллиғланаётган юпанч-ни симирди. — Қирчанғи отдан фарқим қолмаган: ё кушхонага жўнатынг, ё бозорға!

— Унақа деманг, сиз менинг ўрнимга муносиб номзодсиз, Жавлон безори кетди онасиникига! — деди Пўлат Қосимий тўсадан, бепарво бир тарзда. — Сизга улуғлар меҳри бўлакча, ўзим ҳам сизни мўлжаллаб кўйибман. Бегона қилмаймиз. Тўғрисиям шу-да. Энди кучга тўлган вақтингиз. Сиздаги имкон бошқа ҳеч кимда йўқ!..

Ана шафқат, мана шафоат!.. Ичида Саидбек Умар аччиқ кулди, зардасини ювиб юборгиси келди чоғи, яна шиддат билан қадах кўтарди, сўнг суҳбат боқий дегандек, хиёл тумтайиб олган ва ўзини қаёққадир шошаётгандек қилиб кўрсата бошлаган бошқон билан совуққина хайрлашди.

Дунё яна тор ва зим-зиё қафасга айланди. Зина бўйлаб учинчи қаватга тушаркан, қабулхонаси олдида Нодим асабий қиёфада нари-бери юраётганини кўрди. “Янгам! Янгам!” Касалванд бўлишига қарамай, ҳамиша чайирлиги билан кўнгил овлайдиган ёрдамчиси овозидаги бўғиқ оҳанг бу лаҳза Моҳина не кўйдалигини англатгандай бўлди.

Лаҳза симиллабгина ёнарди, у ҳам яна қўшилиб ёнди, жимжит хонасида анча муддат саросималаниб тургач, телбаваш алфозда изига бурилди. Беминнат дастёр ҳисобланган лифт руҳсиз ва қарахт танасини ҳаял ичида қирқинчи қаватга элтиб кўйди. Лифтдан секин тушиб, сўнгсиз салтанат ичра бетакрор зийнат ҳисобланган ойнаванд бино сари шошилди. Сонсиз чироқлар ёвдусига чўмилган бино кўзни қамаштириб ярақларди. Шиша кубба оч сиёҳи-пушти тусда жилоланади. Тепадан ўзгача товланиб кўринадиган ичкаридаги фаройиб олам сутдек ойдин — сокинлик оғушида. Муаллақ қотган кубба қовурғасига кафтини тираганча дурбин орқали Е хужрасини осонгина аниқлади, бор қувватини нигоҳига жамлаб, паришон туриб қолди.

Тузилиши жиҳатидаи Е хужраси узун йўлакнинг икки тарафида тизилиб кетган шерикларига ўхшайди: баланд шифтли, кенг-мўл, доира шаклида. Девори белигача бежирим-сарғиш парда тутилган, ҳар ерида не вазифани бажариши номаълум узун-қиска шокила-

шокила қизғимтир кўн тасмалар осилган. Оқ-кўкиш латта ёпилган миз устида чойнаксимон мўъжаз радиола, тўрда, гултуваклар ўртасида ташқи оламни жимгина назорат қилаётгандек таассурот уйғотадиган тўрт оёқли рангли телевизор, бир чеккада китоб жавони, ёнида юмшоқ каравот қўйилган, бинобарин, кириш йўлаги шиша девор билан тўсилган, чапдаги шинам ваннахонада бемалол ювиниб-тараниш учун ҳамма қулайликлар муҳайё эди.

Сутдек ойдинда қўлларини қовуштириб олган Фузайлнинг моматалоқ бетида тажанглик ва озор кўланкаси изғиётганини Саидбек Умар осонгина илғади. Яна сездики, ўғли бетоқат, ҳозироқ бирон-бир қушга айланса, олмосдай ўткир тумшуғи билан ойна тўсиқларни чўкилай-чўкилай синдирса-да, осмону фалакка эмин-эркин учса! Лекин бу орзуси ушалмагай, энди у олий тоифанинг бошқа аъзолари қаторида шунчаки бир кўғирчоқ! Исталган муқомда йўрғалатарлар! Ва эрта бўйнини эгиб, у ҳам руҳ ва тан сиру савдосидан баҳс айлагувчи дунёларга киради, ўсмирлик шавқи билан умидвор бўлиб киради, шунда мўлтироқ кўзларига тик боққани журъат этармикии?!

## ЕТТИНЧИ БОБ

### 1

Қанақа гўшага келиб қолганини тасаввур қилолмаётган Фузайл миз устига ходима қўйиб кетган егуликка қайрилиб ҳам қарамаган, хусусан ҳозир томоғидан бирон нарса ўтиши дарғумон эди. Рўйирост ўжарлик деб баҳоланадиган бу ҳол ёмон оқибатга олиб келишини Саидбек Умар биларди, шу боис, ўпкасини қўлтиқлаганча, бошқарув пульти ўрнашган хонага югурди. Афсуски, кечикди, вақтида етиб борса, бирон-бир ҳаракатда адашмайдиган навбатчини бир амаллаб тўхтатса, қолгани сал бошқачароқ ўзанда давом этиши мумкин эди. Йўқ, улгурмади, ҳавоси сўриб олинган хужрада ўғли қай ҳолга тушганини чамалаб, ўртаниб кетди. Бира-тўла жамийки яхши-ёмондан воз кечгиси келди. Ахир, қани энди ҳаётнинг маъноси? Балки бу

нарса пана-пастқамда Чумоли чархлаётган пичоқ дамидадир? Чумоли шу кунгача нечтадир жонни қийратди, ҳатто етимлар ётоғига ҳам ўрмалаб кириб, улардан дуч келганини ўйламай-нетмай чавақлади. Кел, суллох, мениям тинчита қол, тўйдим баридан, дея пичирлади, аммо Чумоли кулоқ солармиди, навбат унга энг охирида тегармиш, эрта-индин нелар юз беришини ўз кўзи билан кўриши керак эмиш!

Йўлакни қадам товушлари тутди, сезди, ўша атай гурсиллатиб юрибди нари-берига, лекин тунов куни айтган гапига амал қилиб, ичкарига киришни истамайди, фақат ўзи шу атрофда эканини, ёнида ўткир пичоғи борлигини, таъқибдан эса бир лаҳза чекинмаслигини эслатиб туради.

Шундоқ хосхонаси биқинида илондек кулча бўлиб ётган хатар Саидбек Умар силласини қуритди, шуури эсанкираш ғуборига чулғангани боис ҳатто Фузайлни ҳам унутди, сал мизғиб олиш учун ноилож қабулхонадаги диванга чўзилди. Узун тунда кулоғидан бир маромдаги қадам товушлари армади. Тонг-азонда Нодим кириб келганда алаҳлаб, иситмаси ошиб, тўлғаниб ётарди. Ёрдамчи йигит хўжайинини бунақа аҳволда илгари ҳам кўп учратган, шу боис унча ажабланмай, бемалол жойига ўтиб, рўдапо қоғозлар хирмонига шўнғиди.

— Носирни топ, — деди у кўпчиган қовоқларини уқалаб.

— Хўп, — деди Нодим итоаткорлик билан, тўсатдан шиддатли жиринглаган телефон гўшагини хушламай кўтараркан. — Ҳа, ҳа, ҳозир, қарай-чи. Ака, янгам, нима дейин?

Саидбек Умар ўзини карликка урди. Аммо йигит жавоб кутаётган эди.

— Янганг ўла қолмади, мен қутулмадим, — деди у ниҳоят, алам билан қўл силтаб.

Гўшак тўлқин ютгичини кафти билан ёпган Нодим тун бўйи ўзи билан ўзи олишган профессор авзойидан сим нари учида маҳтал турган киши билан қандай муомала қилиши кераклигини тез англади: “Бошлиқ хузурида эканлар!” Эҳтиёткор ёрдамчисидан миннатдор бўлиб, анча енгил тортди. Мабодо гўшакни олган тақдирда ҳам Моҳина билан нимани гаплашарди?

— Хайрият, келдингми? — касал одамга ўхшаб

имиллаб кирган Носир Даминга умидвор тикилди профессор. — Сенам ухламагансан чоғи? Тўхта, биз ўзи қайси ўлчамдамиз?

— Менимча, бизда ўлчамнинг ўзи йўқ, боридан ҳам ажрадик, — дея иягини муштига тиради Носир. — Бу шунчаки оддий интиҳо эмас, бориб турган инкироз!

— Анови... атомни яратган кимийди?

— У кўзидан ёш оқизган, биз қон оқизамиз!

Тун бўйи мижджа қоқмай, тавбасига таянган шекилли, хозир Носир ҳар қанақа кўркув ва андишага бегона, тап тортмай юрагини очиб ташлаётган эди. Шунга қарамай, бу тарафга келаётиб, қонсираган Чумоли йўлини тўсгани, биқинига тиг тираб, ўтақасини ёргани, тирақайлаб қочганини айтолмай турар, ҳалиги қаттол таънаси ўзиёқ асаби таранг устози ҳолини яна ҳам забун айлашга кифоя қилган эди.

— Замбуруғ юқаркан, — анчадан кейин ҳадикли пичирлади Носир, — фақат кўз қараши орқали!

— Бас! — дея бўқирди Саидбек Умар.

— Аввал менам ишонмадим, — зимдан устозига ачиhib қўйди Носир. — Охирги текшириш... Эҳ! Биласиз, у руҳда яшайди, нигоҳ эса — руҳ ойнаси! Бемор нигоҳ соғлом нигоҳни забт этиши жудаям осон!..

Нима, яна бўқирдими? — Йўқ, эслолмайди, фақат гўё жисми-жони тилка-пора, ҳушини йиғсаки, Носир Даминни қучволган, аста-аста силкинади елкалари. “У кўзидан ёш оқизган, биз қон оқизамиз!” Ҳали шогирди айтган таънани ичида такрорларкан, беихтиёр қурукшаган лабларида мижджалари ва ёнокларини ивитиб-ювиб тушган чилп-чилп алвон томчилар таъмини туйгандай бўлди, сўнг лаборатория тор мухитида урчиб, ёқут тусли суюқлик билан томирга, ундан аста-секин бош мияга ўтадиган замбуруғ ҳаёти интиҳоси ақл бовар қилмас даражада ваҳимали эканини эҳтимол мингинчи марта хаёлидан кечирди.

Иложи қанча, барини бир ёқли қилади, яъни замбуруғни нурлантирадиган усқуналарни чил-парчин айлаб, ачитилган хом ашё ва тўпланиб қолган зардобни сув қувури орқали оқизиб юборади. Кейин, тамом, таҳлил хонаси тўхтатади фаолиятини, бекор юрмаслиги учун Носир Али Шаҳобий мактаби ихтиёрига боради ва Е ҳужрасини тасарруфига олади. Ахир, ўғли тақдири ишончли одам қўлида бўлгани маъқул-да...

Аmmo ўзи қачон инсофга энади? Қачон ақлини ишлатиб, журъатини ишга солади? Агар ёрдам қўлини чўзмайдиган бўлса, тез орада шаксиз Фузайл йўқлик қаърига кетади. Бу — ҳам жудолик, ҳам иснод! Эртаиндин мавридини топиб, Бо-бош билан Пўлат Қосимийга ҳаммасини ётиги билаи тушунтиради. Ахир, шунча йиллик хизмати, мисқолаб тўплаган обрў-иззатини инобатга олишар?!

Мана шу хил ўйлар баҳонасида ногоҳ Иноғом Насимийни кўмсади, фаҳмича, ўша куни у билан тузукли дардлаша олмади, кўп гапи ичига кўмилиб қолди, улкан аҳамиятга молик ўша суҳбатни тўхтаган жойидан давом эттирмаса шаксиз гуноҳга ботади.

Саидбек Умар шиша синиқлари уюми узра маъюс турган шогирдига жавоб берди, ўзи эса тотли бир хошиш билан ғарбий қўрғон сари жўнади, не сирки, эшигида бўр билан калла суяги тасвирланган хилват хужрада ҳам соқол тарбиялаб, ҳам чийилдоқ аскарчалар билан савашиб ётиш бениҳоя гаштли туюлаётган эди. Лекин на у нияти, на буниси ушалди, гумашта-қоровуллар димоғ-фироғ билан йўлини тўсишиб, Чархпалак таваллуд топгани муносабати билан Пўлат Қосимий имзо чеккан махсус буйрукни пеш қилишди. Шунга биноан, алоҳида гувоҳномасиз қўрғонга қадам қўйиш тақиқланган экан. Бир алами икки бўлди. Айни пайтда Иноғомга насиб этган осудаликка ҳавас қилди. Бир гал у бошлабгина бўшаниб олди, бу кунда эса янаям баланд рухий парвозга чоғланган, яъни юраги остида... бошқа ҳомилани авайламиш! Ҳомиласи шаклики, юм-юмалок, улугвор, кир-чирдан холи! Аттанг, ўтказишмади, агар ўтказишсами, шу хусусда мириқиб, тортинмай-нетмай тортишарди. Эҳтимол, бу дунёга бемаврид келгани ва номаълум ўлчамда адашиб юрганини ҳам айтармиди? Ҳайтовур кўндан бери безовта дилида шунга ўхшаш мулоҳаза ҳукмронлик қилаётганини яширмасди. Ҳатто ўзини маҳкум санаётганини, ичида уйғонган недир куч жамийки ғалвалару жамийки гуноҳларни кўмиб юборгувчи хилватгоҳга даъват этаётганини ҳам ошкор айларди. Ўша куни Иноғом Насимийнинг ўзиям айтди: ҳамма охири ё эртарок, ё кечроқ ўша ерга боради.

Омади юришмаган Саидбек Умар изига хомуш тортиб қайтаркан, негадир, мени Моҳина қаҳридан ҳам шу



беминнат хужра осонроқ кутказади, деган ўйга борди. Сўнг, андиша билан қўрқоқликни фарқламай қўйгани боис, ўз устидан аччиқ кулди, йўл-йўлакай оилавий можаро қайси йўналишда авж олишини тахмин қилди, остонага қадам қўйиши билан эски усулини туғ қилиб кўтаради бош узра: хоҳ ўқлоғи ўқталсин, хоҳ ўғирчага солиб туйсин, бир мўйимни қимирлатмайман, ўзимни бир поғона паст тутаман, иложи бўлса, ширин-шакар сўзлар билан дилини овлайман.

Афсуски, яна омади чопмади, эшикда кўринар-кўринмас, Моҳинаси тушгур пойида беҳолгина қулаб, хокисорлик сахнасини намойиш айлашига имкон бермади. Бир йўла газаб тахтидан ҳам йиқилиб тушган шўрлик бека бор бисоти ичида энг камёби саналган тил-жағидан айрилганди, арзанда ва ёлғиз ўғли домдараксиз кетганини хўнграй-хўнграй Олия сўйлади.

Хануз Моҳина номаълум нуктага маъносиз тикилади, қайрилма киприклар тўсган нигоҳида эса гўё видо сўзи илиниб туради. Ҳартугул Саидбек Умарга шундай туюлди, хотинини оқсочга топшириб, ўзи телефон ёнида узоқ куйманди. Қай маҳалдир Моҳина таънали ўқрайди, аммо Саидбек Умар тик қарашдан чўчирди. Ул-бул тотинган бўлиб, ниҳоят назарини алвон ёпқичли диванга кўчирди, ҳар гал, ишдан кеч келса, Фузайл шунда, кута-кута чарчаб, ухлаб ётишини эслаб, аламли ўксинди, сўнг бир ўкирик тикилди бўғзига, аста бошини кафтлари орасига олиб, гиламга мук тушди.

Кичик саҳарми ёки каттаси — Саидбек Умар тузукли ажратолмасди, игна еган итдек гужанак бўлиб ётсаки, қулоғига енгил шовур чалинди. Ҳам эриниб, ҳам жуда кам насиб этадиган уйқуни қизганиб, қимирлагиси келмади, киприклари яна қайтадан юмилар-юмилмас юмшоқлик билан қимдир исмини тутди. Товуш оқсочники эмас, у ҳеч қачон отини тилга олмас, домла дерди ҳурматини сақлаб. Шунга кўникиб қолганди, шу боис ғалати ҳолга тушди, недир малол ҳам туйди, аммо қимнингдир нафас олишини эшитгандан кейин секин бошини кўтарди. Ташқари қоронғи, лекин хона ним ёруғ, сирли бир сокинлик ҳукм сурар, шифт билан пол оралиғида қумуш тусли тангачалар жимирларди. Қай маҳалдир бурчакда ўрнашган баланд кўзгуда кўркам коматли нуроний киши намоён бўлди. Киши юмшоққина

жилмайиб кўйди, йўғ-а, диққат қилсаки, креслода ястанганча ўй сураётган экан. Тавба, пири муршид Ёдгор валий-ку! Ердан чиқдими ёки осмондан тушди?

Ёсидамас отани илгари қачон кўргани, йўқ, эсида, янглишмаса, икки йил бурун баҳорда, Фузайл овғриб қолганда, у мана шундай тўсатдан ташриф буюрган эди...

Бир аксига олди ўшанда, жунуни кўзиб, шўхлик тахтига чиқволган Фузайлни ўхшатиб бир шапалоқ урди. Айби — ардоқлаб юрган бир ноёб китоби муқовасига сиёҳ томизгани. Асли гуноҳ ўз бўйнида, ахир, шунча азиз экан ўша савил, эҳтиёт қилиши керак эди-да. Қайда, ўйинчоқдай қилиб, дарс тайёрлаётган Фузайл кўлига бериб кўйган. Боласи тушгур сиёҳдонининг овғини очаётиб, ишини бажарган. Хуллас, гишт қолипдан кўчди, эҳтиёт чорасини унутган ўғил кулоқ-чаккасида қайноққина шовла қайнади. Тунда денг, иситмалаб алаҳлай бошлади, эрталаб ғалвахонасига жўнаганда, бадани ланғиллаб ёнарди.

Роса бир ҳафта зўр-зўр ҳақимлар ҳовлисига бўзчининг моксидек қатнашди. Муолажа устига муолажа — ғалвир бўлиб кетди шўрлик болагина думбаси. Лекин қаники кўзини очса, қаники ҳарорати пасайса! Таниш дўхтир маслаҳати билан шифохонага элтадиган бўлди. Асаби ёки руҳида бирон ишқал бўлиши мумкин экан. Оталик меҳри кўзиб, ёмон куйди. Иложини топса-да, арзимаган гап учун гурзидек кўтарилган кўлини кесиб ташласа! Қисқаси, “тез ёрдам” машинасини кутиб, хотинига ола-ола қараб, ич-этини еб турганда, во ажабо, остонада Ёдгор валий қора берса. Елкасида тароқи хуржун, нигоҳида сўнгсиз ўпка-гина, аммо ғинг демасдан Фузайл ёнида тиззалади, кўзларини чирт юмганча, пичирлаб дуо ўқишга тушди, ҳалимдек юмшаган Саидбек Умар эса оламни бошига кўтаргудек ҳайкириб келган уловни изига жўнатди.

Рости, ўшанда Моҳинадан кўра Саидбек Умар кўпроқ ажабсинди, шунинг баробарида Ёдгор валийга ҳурмати тағин ҳам ортди. Кўҳна кадрдони эса тойчоқдек сакрай бошлаган Фузайлни пешонасидан ўпиб, йўлга отланаркан: “Хор қилма бунча ўзингни!” — деб тенбех берди. Танбеҳи ҳам мулойим, ҳам тошдек қаттиқ!

Ана ўша баҳорги учрашув икки йил аввал эмас,

кечагина бўлгандек, бинобарин, меҳмон қадди-бастада жамланган ўқтамлик ҳам шундан огоҳ этаётгандек эди. Кейин ногоҳ чол назарида ифодаланган зардани ҳам илгаркан, хиёл шошди, лекин у негадир ичидаги-ни тўкишга шошилмас, гўё мақсадини сукут сақлашу қовоғидан қор ёғдириш орқали билдирмоқчи эди.

— Ўғлим, чекингга тушган нарса нималигини биламан, — деди Ёдгор валий ниҳоят. — Лекин дарахтнинг бўшини қурт ейди. Ўша қурт руҳингга ҳам кўчмаса!

Жимлик чўкди, Саидбек Умар хаёли тажовузкор замбуруфга оғди.

Кейин Чумолига... Кейин Фузайлга...

— Орада Қуйруқсой тупроғида осуда ётган марҳумлар ҳурмати бор, йўқса икки дунёда ҳам келмасдим қошингга, — қалин соқолига аста панжа урди нозик таъбли меҳмон. — Тавба айт, ўғлим, сен кимларни қай йўсинда нимадан халос қилмоқчисан?

— Падари бузрук, — деди у гезариб, — ношуд жигарингизни лаънатланг.

— Йўк, — ногоҳ оловланди ота қорачиқлари, — бу билан иш битмас, Қуйруқсой қавмини шундоқ ҳам қарғашган! Қавминг пешонасидаги шўришни сидириб ташлаш керак, буни фақат сен эплашинг мумкин, сен эса... дуои бадга кафт очганларни гиж-гижлаган бетавфиқлар тегирмонига сув қуйиш билан оворасан!

— Маслаҳат беринг, валинеъматим, нима қилай?!

— Тезроқ ўзингни қутқаз! — оғир-босиқ амр қилди Ёдгор валий. — Агар баланддаги ёруғ хужрада ёлғиз яшаётган мурғак жонни бегона деб овунмоқчи бўлсанг, янглишасан!

— Аммо тагимда кишнаётган от жилови бошқа қўлда!

— Нима, бундан фахрланасанми?

— Ҳаммага бирдай тегишли чизик бор!

— Кўп афсус, райят руҳига тажовуз қилмак бурчинг, шундайми?! — энди зардали янгради Ёдгор валий товуши. — Айт, бу билан кўнглинг кўзига чим босмаяпсанми?! Ахир, шундоқ ҳам вужудинг Қуйруқсой тўккан қон дарёсига фарқ-ку!

— Айтинг, не қилсам кутуламан бу балодан? — дея ҳалиги саволини такрорлади Саидбек Умар.

— Кўнглингдан сўра, кўнглингга илтижо қил!

Оғир хўрсинди Ёдгор валий ва пинакка кетди...

Негадир бўлма димикди ва Саидбек Умарни ҳам уйку босди.

Ана-мана тонг бўзарди, кимдир Саидбек Умарни туртгандай бўлди. Хотиними, Олиями ёки Ёдгор валий? Тезгина ён-верига аланглаб, ҳеч кимни кўрмади, салдан кейин кўзи дастурхонни безаган ноз-неъматга тушди. Ногоҳ суқи кўзгаб, хаёли тўзғиди: лўппи тандири нон ва токдан ҳозиргина узилгандек тип-тирик хусайни узум товланишида хануз Қуйруксой дала-қирин бўйлаб ялангоёқ-ялангобош чопиб юрган ва сувга тушган тошдек йўқолиб қолган эртасини сарсону саргардон қидираётган Болалиги офтобини кўргандай бўлди...

## 2

Тан олишга Саидбек Умар мажбур: кўхна яраси сим-сим ситилди...

Кайфияти гуворли, хаёли тумтароқ: ҳовлисига тўлиб-тошиб, холис ниятда, Ёдгор валий келса, кароматгўй падари бузрукка кўшилиб беозор ва ўйинқароқ Болалиги ташриф буюрса, уйку савилни биринчи бор кўраётгандек, у тош қотиб ётса — гофил қолса, кейин, мунақа ғамга ботиб, тойчоқдек мўлтираб ўтирса... Ахир, бу густохлиги қайси рисолага тўғри келади?

Ногоҳ ётоқда Моҳина эзғиланиб қарғанди.

Дилида липиллаётган охирги таскин учқуни ҳам сўнди...

Сўнг эринчоқлик билан анча узоқ ювиниб-таранди, сим-сим тутаётган Моҳина дардини енгиллатишни ўйлаб, жимгина нари-бери юраркан, беихтиёр нигоҳи яна кип-қизариб пишган ширмой нонга, чинни лаганда чошланган карсилдоқ хусайнига тушди. Яна бир бор Қуйруксой нафасини туйиб, енгилгина энтикди, синиқ кулганча, завқ билан нондан бирини ушатди, узумдан сара бир шингилини узди ва ичида отани койиди.

Доим шунақа: Ёдгор валий ўзини оловга келгандек тутади, йўқ ердаги нарсадан нозинқирайди, аяб-нетиб ўтирмай, алланарсаларни бетига салади, унинг дарди-ҳасратини хоҳласа эшитади, хоҳламаса зув жўнайди. Бунақа шоша-пиша юришини қандай тушунса? Балки, э, болам, кенг дунёнгга сизмайман-у, тор ҳовлингга сизаманми демокчидир?

Бўғиқ бир товушда Моҳина яна қарғанди, кеча ўқлоғи билан кутиб ололмаган бўлса, бугун эрталаб энди ўша нарса билан кузатиб қўймоқчи чамаси. Аммо шўрликни айблаши учун, инсоф билан айтса, ўзида заррача имкон кўрмади. Ахир, у тўққиз ой жони-жаҳонида авайлаб-асраган умид гулидан айрилган, дарифки, хонадони файзи ва бахти бўлиб келган ўша нозик-ниҳол жон шу дамда...

Ҳатто ўйлашдан ҳам чўчийди нарғини, ўйлаган тақдирда ҳам ичига тушган чигил арий қолмайди, аксинча, баттар чигаллашади, сезадикки, ўша нарса сирли бир таҳликанинг ашаддий риштасига айлана-айлана ажриқлаб боради. Бас, боридан тўйди, ўша хужрагина жонини ғурбатлардан халос қилади, тобора вужудини камраётган ажабтовур газакка дори бўлади. Бугун ё эрта-индин, ўз хоҳиши ёки зўракилик билан, барибир ўша маконга боради, ҳа, боради-да, ҳеч кимни кўришни истамай, ўша ерда каламушдай бекиниб олади. Фақат, қизиқ, ўзидан ҳам яшириниш иложи бормикин? Бу саволга жавоб бермак кўнгилга илтижо қилмак каби оғир — малолли, тагин, жиддийроқ ўйлаб кўрса, фақат ўзидан эмас, Чумолидан ҳам қочиб кутулмоғи душвор экан...

Дадаш илжайганча ойначадаги аксига қараб-қараб кўяётган эди.

— Анови оч арвоҳга ўхшармиш-а, ака? — У Саидбек Умар дилидагини уққандай ногоҳ гап қўшди. — Жобир Кирпини пойлаб юрганмиш, лаънатига бир бурчакдан пичоқ отган экан, тегмай қопти.

— Дадаш, миямни ачитма, — деди у энсаси қотиб.

— Хўп, ака, тилимни кесаман, — йўғон бармоқларини “қайчи” қилди Дадаш. — Аммо ойна этак билан ёпиш мушкул-да! Ёмон ўчакишган дейишяпти. Жобир Кирпи қасдини бошқалардан олмоқчи эмиш!

Бу можародан хабардор эди.

Бу можарони ҳайдовчисидан эшитиб, ичи бадтар музлади...

Рост, Жобир Кирпи аламзада, негаки, кўпчилик қошида ошириб мақтанганидек, ҳанузгача ҳалиги иттифоқ авра-астарини ағдариб ташлолмади, аммо тўнини буткул тескари кийволган бир пайтда тилини тагин ҳам узун қиладиган зўр важ топилди. Мана шунинг учун ҳам

энди айникса юзи шувит бўлиб қолишини истамай-ди. Панадан отилган, лекин мўлжалга тегмаган пичоқ кўмагида Бо-бош ва Пўлат Қосимийни ҳовликтириб, гулобий бинода ялпи тафтиш ўтказиш керак, дея таклиф киритди, аммо бу билан чекланиб қолмади, ақл бовар қилмайдиган бошқа режаси ҳам бор эди...

— Ака, шаҳар авзойи бузукрокми?

Куриб кетгур Дадаш яна бирон гийбат ўчоғига ўт калашидан чўчиган Саидбек Умар ўзини карликка урди, ўчириғига эътибор бермай, елкасини қисганча, Жобир Кирпи қай даражададир устози бўлган Жавлон Қиёқлига қараганда муттаҳамроқ эканини таассуф ила ўйлади. Айни шу кунда Жобир Кирпи жонига қасд қилган серсоқол ва важоҳати бузуқ кимса гулобий бинонинг аллақайси бурчакларида зимдан разилона муддаосини адо этаётганини зўр ҳафсала билан тарқатаётган эди. Аниқроғи, у Чумоли изига тушган, ҳар муюлиш, ҳар панада исковучлари шай, демак, эрта-индин таваракда арвоҳдай изғиётган қотил тузоққа илинади. Қийноқларга дош беролмай у охир-оқибат оғзидан гуллайди, шунда хулоса қилишадики, “Кўкбўри” иттифоқини бегона эмас, недир даъволар билан кўзлари мойини еб келаётган Саидбек Умар тузган экан. Сир-савдо очилгач, яъни Чумоли қанақа одамлиги аён бўлгач, Бо-бош билан Пўлат Қосимий айникса додлаворса керак. Рўйирост мунофиққа чиқаришади Саидбек Умарни ва тириклай гулханга улоқтиришади, неча йилдан бери интизор кутишгани — оламшумул ихтирони атай енг ичида сақлаган нонкўр олим билан улар бошқача муомала қилишолмайди...

— Ака, қайтамиз, аҳвол чаток!

Энди Дадаш жиддий хитоб қилганини фаҳмлаган Саидбек Умар бирдан хушёр тортди, бир-бирига елка тираган, олис сафар олдидан нафас ростлаётган йўловчини эслатадиган иморатларга паришонҳол тикилди. Ва негадир улар баданини маддалаган яра-чақа босгандек туюлди, шунингдек, таг-заминида нимадир гувлаётгандек бўлар, бутун ҳавони хиёл эзгин, хиёл залворли шовур тутиб кетган эди. Нима бало, шаҳар алаҳлаётирми? Нечундир бу ўйдан Саидбек Умар бўшашди, аста хўрсинаркан, жимжит кўча бўйлаб, ҳарир қанотларини ёзганча, олға талпинаётган Фариштани кўрди.

Таажжубки, илк бор учратганида Фаришта қанчалар бесаранжом бўлса, ҳозир ҳам ўша алфозда, жамийки нарсага қўл силтаб, қаёққадир телбаваш ошиқаётган эди...

Қаро тупроқ остида осуда ётган мазлума оналар элчисини филдираклар аёвсиз босиб-янчиб ўтганда Саидбек Умар кўзларини чирт юмди, анчадан кейин секин очди, хуллас очсаки, кўча ўртасида машина тақа-тақ тўхтабди, қарши томондан эса оломон ёпирилиб келарди, йўқ, мушталари билан осмону фалакка дағдаға қилаётган кишиларни қаҳру ғазабнинг аллабир тасодиф туфайли бўшалиб кетган тўлқини оқизиб келарди.

Ногоҳ кўз олди жимирлаб, қуюн тахлит жиловсиз издиҳом ягона қиёфага жамланди, ажабки, чекига фақатгина беқарорлик тушгани сезилиб турган бу қиёфа қай жиҳати биландир Чумоли башарасини эслатарди, ана шу тўхтамга келган Саидбек Умар ғалати тарзда ҳаприқиб кетди, ёпирай, илгаридега тажанг бораётган сардор ўша ювиксизнинг ўзими?

— Қимирласанг-чи!..

Ола-була кўзлар таъкибига дош беролмай Саидбек Умар чинқирди ва не қиларини билмай танг қотган Дадаш елкаларидан ушлаб силкилади, шу асно оғзи кўпиклаган Чумоли (ёки бошқа бир муртадмикин?) илжайиб кела-кела шундоқ машина биқинида тўхтади, кўйнидан калавадан катгароқ тош (қоқ нонмас!) олди, урдик, деди ув тортиб, ўзи олд ойнани бир зарба билан чил-чил қилди ва шериклари тақлидга қанчалар устаси фаранг эканини қониқиш билан кузатди. Ҳаял ичида қулинг ўргилсин гулдек улов одам қараса кўнгли айнийдиган шалдиروق аравадан фарқламай қолди.

— Булар ким? — деди Дадаш ижирғаниб, барини сезиб-билиб турган бўлса ҳам. — Худо ҳақи шайтонга ҳам чап беради булар зарил келганда!

— Жобир Кирпи ош ошатган-да! — ноҳос чиқиб кетди бу гап Саидбек Умар оғзидан; кейин ноилож андава тортишга мажбур бўлди. — Бир ошнам айтувди: дунёнинг томи ўйик, ямайман деб уринганнинг ўзи ямоқ бўлур!

Абжафи чиққан машинасига астойдил ачиниб, чаккасидаги ғуррасини силаб-силаб қўяётган Дадаш кутилмаган ҳангома қошида ўзи каби довдираб қолган амалдор соҳибига маъноли қаради, бу лаҳза тўлиқиб кетган

профессор йўлида учраган ҳар нарсани эзиб-янчиб кетишга қодир дарғазаб куч хуружидан омон қолганига ажабсиниб ўлтирар эди.

Таажжубга тушганича бор экан, Саидбек Умар машинани тарк этиб, эллик-юз қадамча юргач, беихтиёр эти сесканди. Рўпарасида жаҳаннам намоён бўлгандек эди ёки иблис шаҳар бўйлаб азроилни эргаштириб ўтдими? Аммо фақатгина ўшалар қўлидан бунингдек разолат келиши гумон — беадад оғрик, беадад алам-финоқ чангалида шаҳар зор қақшарди. Мана бу кўчада нечтадир бино ўт ичида, нечтадир бино эшик-деразаси вайрон қилишган, аммо бу кўргилик хиёбонларда қалашиқ майиб-мажруҳ ва бежон жасадлар олдида арзимас эди.

Саидбек Умар ўзини йўқотиб қўйди...

Саидбек Умар ўзидан кечди...

Неча бор ёнма-ён ётган, бири ўғлини, бири қизини кучганча жон таслим қилган эркак-аёл танасига чалишиб йиқилди, ҳар гал зим-зиё чоҳга тушиб кетгандек бўларди, сўнг бир амаллаб турар, ночорлик билан илгари босарди, хуллас, турди, юрди, турди, юрди, бир маҳал танаси ғадир-будир акас шохига осилган, иккала кўзи ҳам оқиб тушган, оқ кўйлак-оқ иштонли чол кўксиди йирик-йирик ҳарфлар билан “Кўкбўрилар” деб ёзилган юпка тахтачани кўрди. Анча муддат бир марҳумга, бир ҳалиги лавҳага бемажол тикилди, сўнг бўғзи куйишиб, яна телбанамо тарзда одимлади.

Бунақа аломат ҳодисани кичиклигида ҳам бир марта кўрганди.

Ҳали-ҳали қулоғига чалинади Қуйруқсой ноласи...

Ўшанда ҳам мадорсиз оёқлари билан қийратилган жонлар хирмони аро саросар кезган, бўталоқ каби бўзлаган, неча йил ўтиб, ёши бир ерга етганда, мана, ўша мудҳиш манзара яна такрорланган эди. Орада недир уйғунлик борлигини ҳис қилганда айниқса руҳи чўкди. Аввалгиси шаксиз кимнингдир газзига дори бўлган, аммо буниси-чи? Наҳотки, буниси ҳам жаҳолат майлини қондириш учун бино қилинмиш?! Ёки чиндан ҳам ҳалиги иттифоқ мавжуд-у, бирон-бир мақсадни амалга ошириш учун шунақа йўл тутишдими?

Кўрди: чол пойида Дадаш хўнг-хўнг йиғлар эди.

Сўнг ўзи ҳам хўнграворди, гулобий бинога рўпара



бўлганда ҳам хўрсиниб кўярди ҳар замонда, буткул ҳолдан тойди, Пулат Қосимий қабулхонасига кирганда афтига қараган одам кўрқарди. Хайратда бўзариб қолган Маржона уни зўра таниди, кейин, афсус ила, жиддий банд бўлгани сабабли ҳозир бошқон қабул қилолмаслигини билдирди. Аммо ушбу лаҳзада Жобир Кирпи интизорлик билан кутаётган экан. Ажабмаски, кейинроқ бошқон ўзи чакириб қолса!..

Саидбек Умар Маржона рўпарасида бирпас ўтириб, сал-пал нафасини ростлади, сўнг ими-жим жўнаркан, йўлакда иккала кўзи оқиб тушган чолни, чол кўкрагига ёпишиб турган тахтачадаги битикни эслади. Худди шунақа тахтачани яна бир нечта жасадда учратгани, оғир энтикаркан, негадир қулоғи шанғиллаб кетди, ажабки, бу шанғиллаш ичра анчайин ўктам бир товуш алоҳида ажралиб эшитиларди. Чамаси, шундоқ яқинида кимдир гурс-гурс юрарди, ҳатто тикандек санчилувчи нигоҳни ҳам туйди, бирдан ранг-қути учиб, қарахт ҳолда бошини кўтарди. Намунча ғазабнок бу башара, ёпирай, ахир у ҳалигина шаҳарга нишини ботириб олган оломонни қай тарафгадир етаклаб кетмаганмиди?!

— Илгариям айтувдим, кўркма, ҳозирча сенга тегмайман, — деди Чумоли йўғон қўлларини белига тираб. — Негаки, мен сенинг ўзингман, сени аяшим керак.

— Ундан кўра сен ўзингни чўқтир, — деди Саидбек Умар қони қайнаб. — Хўп десанг, ўзим тош боғлаб бераман бўйнингга!

— Ҳалиям ичинга назар ташлаб улгурмабсан-да?!

— Сендан сўрармидим?

— Сўрама, лекин улгурганингда унақа алжирамасдинг, — Чумоли вазоҳати кўпчигандек туюлди. — Ким билсин, у ерда нималар бижриб ётипти, эҳтимол мендақалар ҳам сон-мингадир.

— Йўқ нарсани тиқиштирма!

— Борини айтаяпман, аммо вақт тополсанг Е хужрасига кел, ўша ерда биласан билмаганингни!

Тавба, бу гумроҳ нима деяпти, алаҳляптими?

Кўли-ку қон, мияси иғвонинг уяси экан!..

Бир лаҳза Чумоли терак каби чайқалиб турди, сўнг илжайганча ўзини чап томондаги йўлакка ургач, ортидан Саидбек Умар бир қаҳрланиб, бир мунғайиб қаради, айна дамда бўйи намози аср соясидек узун мана шу қас

бир вақтлар чувак-қилтириқ ва пак-пакана бўлганини ғараз-ҳасад билан хотирлади, уни замбуруғли зардоб билан эмлаган лаҳзасини лаънатлади, ҳатто Жобир Кирпи қабулхонасида бир муддат кутиб қолганда ҳам шу воқеа ҳаётини ағдар-тўнтар қилиб ташлаганини ўйларди, ниҳоят котиба қиз таклифи билан тузуккина жиҳозланган кенг-шинам бўлмага киргандан кейин бошқа ташвишлар гирдобига шўнғиди.

— О, профессор, сизниям кўкбўричи ғаламислар қийнапти-да?! — уни кўрган захоти ўрнидан отилиб турди Жобир Кирпи. — Оббо, ярамаслар-ей, сал қопти-ку майиб қилишларига! Аммо сиз... иккинчи марта озор чекапсиз ўшалар чанғалида! Тан олинг, профессор, тан олинг!

Ер тагида илон қимирласа биладиган янги нозир қочиримини Саидбек Умар тушунди, лекин ўзини анқовликка солди, холисона жилмаяркан, хона бурчидаги мизда турган, сабр ила кечмишидан беун ҳикоят сўйлаётган бош чановига ишора берди: “Яхши қиласиз асраб, зўр ашёвий далил!” Не муддаода айтди бу гапни? — билолмади, лекин ҳали, шу нарсага кўзи тушган лаҳза дилида уйғонган ажиб эзгу майл беихтиёр сўнгсиз руссага айланди. Қачонлардир, ўсмирлик остонасида гоҳ падари мулла Умар, гоҳ Ёдгор валий, гоҳ Ҳазора момо Кўкбўрини бот-бот тилга олмасмиди?

Нечукким зумда, ҳашаматли хонага қўшилиб, бари кўз ўнгидан қайгадир йўқолди, ўша нарсалар ўрнини мовий денгиз пўртанаси, хилват соҳил жимлигини бузаётган қувноқ чағалайлар, салқинда сокин шовуллаётган дарахтлар яхлит бир манзара ҳолида эғаллади. Олис дара қаъридан янграган гулдирос наъра титратмиш борлиқни, ана шу фурсатда у гўё Ҳазора момо оғзига термилиб қолган болакай эди, ана шу кайфиятини йўқотмаган ҳолда, ҳалиги даъваткор ҳайқирикқа жавобан оҳиста пичирлади: “Кўкбўри, мен укангман!” Бир ўксиниш бор эди товушида, шунингдек, борлигини азалдан маҳкам тутиб турган умидворлик ҳам... Ҳаёл кучики, қачондир, эҳтимол минг йил муқаддам, у — Саидбек шу водий фуқароси бўлган, туртвора бемалол йиқиладиган кулбада яхшими-ёмонми яшаган, чор-атрофга шуқуҳ бағишлаган сокин ўрмон, тоғ-тош, дала-тузни Улуғ Кўкбўри билан беармон кезган, мана, шунча узок муддатдан кейин,

харгиз ардокли гўшада сўнгсиз соғинч ила ютокиб турибди, бир куч асир қилганки, сира жилгиси келмайди, эрка чағалайлар шовқини оғушида мангу қолмоқ тилагидан жони яйрайди, аммо ногоҳ қулоғи пардаларини йиртивораёзган дағал-қўрс овоз ўсмирлик остонасида юктирган, хануз дилининг қайсидир нуқтасида сақланиб қолган беозор истагидан маҳрум қилади...

Саидбек Умар журнал мизи узра мунғайган, ботик манглайида, шунингдек, ҳар чизиги, ҳар қора-қура доғида, кечаги зафар бугун ё эрта учун мағлубият бўлса не ажаб, деган маъно аксланган калла суягидан нигоҳини узди, нигоҳини тубанлик сари муккасидан кетган номаълум иттифоқни жон-жаҳди билан ерлаётган Жобир Кирпига қадади.

Лекин хонада яна бир кимса бор эди, у дераза олдида тескари ўгирилган кўйи қовоқ солиб турар, гоҳо ғудраниб, тўхтовсиз чекарди, аммо тажрибали кашандага сираям ўхшамасди, негаки, ҳар замонда бўғилиб-кучаниб йўталар, сигарет кулини ёғ томса ялагудек ялтиратиб ювилган паркет-полга чертиб-чертиб юборарди.

Хилма-хил, маза-бемаза таассуротлар исканжасида толиққан, хусусан кўкбўричи оломон ваҳшийлиги (нима, шу ростми?), йўлакда аллаббалони вайсаган Чумоли важоҳатини унутолмаган Саидбек Умар ҳаваскор кашандага дастлаб эътибор бермади, иягида осилиб турган соқолига разм солгач, бирдан юраги шифиллаб, юмшоққина ўриндикқа эмас, гўё сон-саноксиз жуводизга қўнди...

— Хайрият, омон қопсиз, Саидбек, — дея оғир сўлиш олди Жобир Кирпи. — Бир хабарга кўра, сизга ва яна уч-тўрт одамимизга суиқасд қилинмоқчи экан, аммо огоҳлантиришга улгурмадик. Айтсам ишонмасиз, таклифми, буйруқми, билмадим нима, соянгизда соялаган шогирдингиз томонидан берилган.

— Шогирдим? — дея чимирилди Саидбек Умар. — Қайси бири?

— Биласиз қайси бири эканини, жа яхши биласиз, — тап эткизиб миз четига мушт урди Жобир Кирпи. — Ана, бир яхшилаб қаранг туркига! Мусичаи беозор бўлиб туриптилар!

— Иноғомми? Йўр-е! — кимдир гўё Саидбек Умар тепасидан бир челак совуқ сув ағдарди. — Тунов куни

айтувди, билмас экан унақа махфий ташкилотни! Хабари бўлмагандан кейин... Ие, суиқасд дедингизми?

— Қизиқ бўлди-ку, ошна, — ясама бир кулги ёйилди Жобир Кирпи бетига. — Фитначи ёлғонига ишонасиз, биздай одам минг бир чиғирикдан ўтказган хулосадан гумонсирайсиз.

Саидбек Умар сўзидан адашиб, бўзариб колди...

Қайси бири ёлғон, қайси бири чин? — ажратиш осонмас. Аммо харҳолда кўнгли сезаётир: янги нозир тикиштираётган ғурбатдан шогирди йироқ, аминки, у шу кунгача ўз дарди билан яшаб, ўз орзу-умиди билан юпаниб келган.

— Иноғом, ука, булар ростми?

Хануз хомушлиги боисми, нозир пичинглари оғир олди, бошқа сабабданми, ишқилиб Саидбек Умар кўксини кемираётган изтиробларга ноуғун, тушунуксиз гина-пўписа билан йўғрилган савол берди, аммо тамаки тутунига қўшиб, надомат тутунини ҳам симираётган Иноғом Насимий хатто унга бир қайрилиб қиё боқмади...

— Гапир, оғайни, ким турипти бугунги тўполон бошида?! — Иноғом яна қилт этмаганини кўрган Жобир Кирпи Саидбек Умарга қараб тутақди. — Э, ўргилдим, хода ютган бунийиз, қўйиб берсангиз бизниям ютворади, бунийизга хуфия иттифоқдан азиз нарса йўқ!..

— Бунчалигини билмаган эканман...

— “Кўкбўри” эмиш-а! — алам аралаш эснаб қўйди Жобир Кирпи. — Тушгаям кирмайди бунақаси! Сиз тилини яхшироқ тушунасиз, сўранг-чи, бу ўзи нимаикан, ким тўқиган бунақа бемаза атамани?!

Оғир жимлик чўқди, аммо ҳаял ўтмай янги нозир яна тикилинч қилишини қўймади, иложи қанча, Саидбек Умар без терди, шуурида эса олис хотира, олис орзу-армон, ниҳоят, ушбу дақиқадаги бетакрор изтироб, саёз-чучмал тушунчалар аралашиб кетди, яна тасаввурри кўзгусида хидоят салтанатини асраб-авайлаган улур аждодининг азамат сиймоси гавдаланди, бурчакдаги бош чаноғига бир қур қараб олгач, аста-секин Иноғом Насимийга яқинлашди.

— Биласанми? Тўғрисини айт, Иноғом, сен уни биласанми? — шогирдини шундай бир оҳангда сўроққа тутдики, мақсади — жавоб-олиш эмас, қаҳр отини

камчилаётган нозирни бир оз бўлса ҳам тинчитиш экани англашилди. — Билсанг, сўзла, ўзингни ҳам, бизни ҳам қийнама! Шамол бўлмаса дарахтнинг учи кимирламайди-ку!

Хануз Иноғом Насимий назари — ташқарида, хануз сигаретни тўхтовсиз буркситади, фақат надомат эмас, ночорлик тутунини ҳам тортади ичига, ниҳоят тўйиб қоникди чоғи, енгил хўрсиниш билан патак соқол босган бетини хонага ўнглади, негадир Жобир Кирпига эътибор бермай, биринчи бор кўраётгандек Саидбек Умарга тикилиб қолди.

— Устоз, чарчадим, — охири инсофга келган Иноғом сигарет қолдиғини кулдонга жойлади. — Жуда чарчадим, қани имконки, илиққина кулда думалаб, битимни териб ётсам!

— Э, мараз, — дея ўшқирди Жобир Кирпи, — нима бало, кўтир эчкимисан, ҳалитдан бери шунақа маърайсан?!

— Кулни бошшига урадими кўтир эчки? — бефаҳмлиқ эви билан-да, деган маъно ифодаланди Иноғом Насимий киёфасида. — Унга ё дарахт маъкул, ё девор! Ашинақа, билдингизми?! Аммо мени кўйворинг, мен учун қайғурманг, битта култўда бўлса ўзим топволаман!

— Тавба, — деди Жобир Кирпи тишларини ғичирлатиб, — бир бало бўлганми бунга?! Сиздаям айб бор, Саидбек, вақтида ақлини киритиб қўймагансиз, талтайтиргансиз. Мана оқибати, одамни авраб, эчкэмардай эмаклатмоқчи! Ов, арзанда, миянг суюлиб қопти-ку?!

— Менда борийди, суюлди, сизда йўк, нима...

— Ўчир-е, иблисни туққани! — ўшқирди Жобир Кирпи, кўзлари пахтаси ағдарилиб. — Сени янчмасам отимни бошқа қўяман!

— Эпложмайсиз, аниқроғи, улгурмайсиз, — синиқ кулганча нари-бери одимлади Иноғом. — Ҳа, улгурмайсиз, чунки Улуғ таваллуд куни яқин, сиз топтаб ётган замин бошқатдан дунёга келади, тамомила янгиланади ва сизга ўхшаганларга жой бермайди бағридан!..

Томоғига қилтиқ тикилган каби Жобир Кирпи аста ютинди.

Чамаси ўша кунни азроил ташриф буюрадиган кун деб тушунди.

Нажот истаб, хиёл каловланганча, бейхтиёр Саидбек

Умарга қаради, лекин профессор бўйнини ҳам қилган кўйи хомуш-дилгир ўлтирар, гўё куракда турмас анов эътирофларни эшитмаган, ғамгин нигоҳи номаълум нуқтага қадалган эди...

Тили-дасти узун икки мансабдорни гангитиб, нафасини ўчириб қўйганидан мамнун бўлган каби Иноғом тепаси андак тўкилган бошини сараклади, сўнг миз устидаги сигарет-гугурт қутиларини сўрамай-нетмай олиб, бояги жойига қайтди-да, секин чўнкайди...

Ажабки, Иноғом Насимий чизиллатиб гугурт чакканда хаёлга толган Жобир Кирпи бир сесканиб тушди, яна Саидбек Умарга умидвор тикилди, ранг-рўйи бир ҳолга келган профессордан ҳеч бир умид йўқлигини билгач, шоша-пиша чақирув тугмачасини босди. Ҳаял ўтмай икки бадқовоқ гумашта шитоб бостириб кирди, бироқ ҳузур қилиб тутун ютаётган Иноғом пинагини бузмади. Ҳатто эшиқдан чиқаётиб, синиқ кулимсираш ила, хайр айтмакни ҳам унутмади, ортида эса ҳеч қачон ушалмайдиган орзу-армонини пардалагувчи сирли бир киноя-ғашлик қолдириб кетган эди...

### 3

Эшик оҳиста ёпилди, Саидбек Умар ночор ҳолда оғир хўрсинди...

Эшик очилиб, бир даста қовоз кўтарган котиба илдам кирди...

Ҳозир Жобир Кирпи юрагига қил сизмасди, гажирлик ва дали-девоналик билан ўзини ер қилиб кетган Иноғом Насимийни орқаворотдан тошбўрон қилаётган эди, кейин кўзни бўяшга устаси фаранг ихтирочини полга ётқизмагани ва хумордан чиққунга қадар кўртепки қилмаганига пушаймон еди, ногоҳ ҳали ҳам кеч эмаслигини эслаб, эпчил зобитлардан бирини чорлади, қулоғига алланарсани пичирлаб, тезда изига жўнатди.

— Ёмон ёрилипти пешонангиз, — ниҳоят алоҳида ҳурмат ҳисси билан сўз қотди Жобир Кирпи. — Аяшмапти ноинсофлар! Э, оғайни, булар раҳму шафқатни билишармиди? Биз эса ортиқча сийлаворамиз! Тўғрими? Ҳа, бора қолинг, яхшилаб даволатинг, оғриётгандир!..

Осуда шаҳарни алғов-далғов қилиб, не-не бегуноҳ жонлар ёстигини қуритган, ҳап, сеними дея, яна алла-

кимларни гумон тўри билан ўраган оломон важоҳати лоп этиб гавдаланди Саидбек Умар тасавурида, ана шу тўр нелигини ўйлаб, пешонасини совуқ тер қоплади, анчагача қўзғалгиси келмади, ахийри Жобир Кирпи билан гуноҳкорларча хайрлашди, ҳатто шогирди дил-озорлиги учун юшмоқкина оҳангда кечирим ҳам сўради. Йўлакка чиққандан кейин эса афсусланди, айниқса тўнини тескари кийволган Жобир Кирпи узрини тузук-қуруқ эшитишни истамай қўл силтаганини эслаганида алами устига алам қўшилди.

Минг лаънат, деди ўзича тўнғиллаб, буларнинг лойи нима билан қорилган, булар бута бўлсанг мазахлашади, чинор бўлсанг танангга арра тортишади!..

Ажаб ташвиш-ҳангомалардан зада вақт гоҳ имиллаб, гоҳ шитоб кечади, кейинги ҳафта қандай ўтганини эса Саидбек Умар деярли пайқамай қолди, энди дунёга ўзини тагин ҳам бегонадек сезади, кўпинча хаёлан барига қўл силтаб, серғалва ҳаёт кимлардир зўракилик билан барпо айлаган тор ўзанга сифмаслигини мулоҳаза қилади, демак, окни қора, қорани оқ деган билан кўзгудаги каби аён бўлиб турган нарсани ўзгартириш қийин, қолаверса, азал-абад тарозиси ҳаргиз ўрнида собит, яна ҳар яхши-ёмон нарсанинг ўз қалови бор, фақат икки оёқ бир этикка тикилганда эмас, ҳамиша ўшани топишга интилиш керак.

Аммо нечун ўзи шунга амал қилмайди? Ахир, ошқора айтса, ён-атрофини ихотага олган баланду бадқовок, қалину ғазабнок девор пойдеворига ўзи ҳам недир тилакда гишт қўйган эмасми?! Қўйган! Ва бунини тўғри қилганига астойдил ишонади. Қайсидир хоҳиш-иродасига мос тушадиган ўшанақа қадам ташлашлардан ҳали-хануз чарчамади, ҳамон ўша ҳолича қай тарафгадир чуваланиб кетган йўлдан давом этади. Иложи қанча?! Ёдгор валий маслаҳатига юришдан қўрқади, очиги, уни эплолмайди. Аммо бу кунда Чумоли мазахлари дард устига чипқон бўлди. Қурғур Чумоли овзидан бодраётган пойма-пой гапларга қандай чидаётганига ўзи ҳам хайрон, ярамасни учратиб-нетиб қолса, гангиб тил-жағидан айрилиши, увоклангудек ҳолга тушиши-чи!

Ҳарҳолда ҳозир Чумолини бекор эслади, нақд оёғи тагидан чиқиб қолмасайди, неча кундан бери ўша суллоҳ дастидан пешонасини қайси деворга уришни билмайди.

О, рост, лаънати оч арвоҳга ўхшайди, тунов куни кутирган оломон пешида кўрганда... айникса ҳолига маймунлар йиғлади. Худо ҳақи, бу безори Жобир Кирпи билан тил топишипти, деган ўйдан кўнгли ағдарилди. Йўғасам, сариқ чақа ва бир қултум обизамзамга бор буд-шудини алиш қилган каслар орасида унга пишириб қўйганмиди? Аммо ҳозир эслагани тузук бўлмади, ажабки, дилидан бирров кечса кифоя, кўпинча ўша заҳоти қай гўрдандир қошига етиб келади. Хавотир олганича бор экан, атиги бир сония ўтар-ўтмас, кўз ўнгини кўкимтир ҳарир парда тутди, сокин елпина бошлаган ўша матоҳ ортида эса дафъатан Чумоли кўринди...

Жаҳаннам овзида турган каби Саидбек Умар аста титрай бошлади.

Чумоли кўзлари бежо порларди.

Яна, аксига, аллакимни кўтариб олган бақувват елкасида...

Уззу-кун Пўлат Қосимий ҳузурида кўкбўричи оломон кирдикорлари муҳокама қилинган ва жикқа-мушт тортишувларда иштирок этиб, силласи қуриган эмасми, ҳозир ҳар қанақа банда, хусусан Чумоли турки-тароватини кўришга тобу тоқати йўқ эди. Ҳозир тезроқ уйга ет-волиш, иложи бўлса Моҳинага ҳам кўриниш бермай, болохонадами ёки бирон четроқ бўлмадами қаҳва ёки май ичиб, эрталабгача тошдай қотиб ухлаш истагида эди. Ажабки, Чумоли, шу хоҳишидан хабардору уни барбод қилиш учун қасдланган каби, кимнидир орқалаб, сурбетларча устига бостириб келарди, ора масофа ўн кадамча қолганда, илкис тўхтаб, ҳиринглаб кулди. Лаънати тинимсиз депсинар, ўзини у ён-бу ёнга ташлаб, ола-була кўзларини чакнатганча, қаҳ-қаҳа урарди. Мана шу ҳолида айникса ҳеч бир қуюшқонга сифмасди, Саидбек Умар ночорона жавдираб турарди, сўнг у бир силкиниш билан улоқтирган ва пойига келиб тушган жасадга қаради. Ҳадикли нигоҳи хиёл кўкарган, ҳар ери қонталаш, қўрқув ва ноумидлик шарпаси музлаган афтодаҳол киёфада қотди. Қачондир не бир тушунча сўнгсиз оғриққа айланган қўйи нақд юрагига санчилди, кўксини чангаллаганча, увв-в! — дея, титрана-титрана увлаб юборди...

— Нима қилиб қўйдинг, муртад?!

— Бос ўзингни, бунақа битлиқи шогирдларинг тиқилиб ётипти-ку, — деди ниҳоят Чумоли, депсинганча



соқоли учини бураб. — Тупур, ачинишингга арзимаёди. Асли мана шу бошингга бало орттирган, шуни деб энди ранг-рўйинг сомон!..

Саидбек. Умар тиз чўкди: Носир, жигарим!..

Аттангки, ҳар қанча бўзламасин, Носир эшитмади, негаки, тириклик қуловини қай бир машъум лаҳзада Чумоли бино қилган надомат томи босиб тушган эди.

— Афсус! — деди Саидбек Умар тўлғаниб.

— Кўп куйма, фойдаси йўқ, — мурдани бехосдан тепкилай кетди Чумоли. — Эсли одам афсусгача ҳал қилади барини... Сен ўзингни кўп оқил санайсан, аммо қилиқларинг... дардисар кимсаники! Сен бировга душманлик қилолмайсан, аммо ўзингга қолганда бу ишни қотириб ташлайсан. Очиғи, ҳеч қачон ўз оёғингга ўзинг болта урган пайтдагидек яйраб-яшнаб кетмайсан! Хўш, шундай экан, манови гўрсўхтага астойдил ачинаётганингга қандай ишонай?

— Сен исқиртсан! — деди Саидбек Умар бошқа сўз тополмай.

— Жуда яхши, ўзингга баҳо бердинг... Аммо бу аҳволда суҳбатимиз қовушмайди, менимча вақт топиб Е ҳужрасига келганинг маъқул, ўша ерда бемалолчилик!

Шундай дея, Чумоли совуқ иржайди, сўнг яна мурдани тепмоқчи бўлди чори, ўнг оёғини кўтарди, аммо негадир аҳдидан қайтди, тортинмай боравер, кутаман дея гудранди-да, жуфтагини ростлади.

Узундан-узун йўлакдан қадам товушлари анчагача эшитилиб турди, Саидбек Умар, бир хаёли Чумолида, кўҳна дунё билан бемаврид видолашган Носир Дамин тепасида юм-юм ёш тўқар, бошқа нима қилишни билмас, ҳатто кимирлашга мажоли етмас эди. Шогирди мурдаси қошида қанча муддат тиз чўкиб турганини билмайди, — эҳтимол кун ботиб, тонг отгандир? — бундан ҳам хабарсиз, аммо бир маҳал йўлакни шовқин-сурон тутди, кўзига елканишон таққан, оқ халат кийган кишилар чалинди. Жасадни замбилга сола олиб кетишди, аммо унга ҳеч ким қайрилиб қарамади, итмидинг-битмидинг ҳам демади. Булар дилида лоқайдлик мангу ин қурган! Ижирғаниш ила шу ўйга борди, аммо, қизиқки, ўша нарса ҳозир роса асқотган эди, мабодо ковлаштириб қолишса, қаттиқ гангиган эмасми, қовун тушириб қўйиши мумкин эди. Мийиғида кулди ва Чумоли таклифини

хотирлади. Тавба, намуноча ёпишволди Е хужрасига? Ахир у ерда ким истиқомат қилишини Саидбек Умар яхши билади-ку!

Яна Чумолини бир амаллаб гум қилмагунча ўзида кўним, ишида унум бўлмаслигини тан олди, аммо ҳар не ўй-режаси, мушкулот калитига айланиш ўрнига, чорасизлик тузоғи мисол мискин кўринарди кўзига, ажабки, ҳар не мулоҳазаси ўзига қарши ишлар, борлигини недир ваҳимага чулғарди. Қизиқ, деди ичида, ногоҳ Иноғомни эслаб, Улуғ таваллуд кунига у ишонади, ҳатто умид боғлайди, чамаси мен ҳам нимагадир ишона бошладим. Бу нима, тақлидми? Асли, замин нафақат қартайган, торайиб ҳам қолган, бошқаларни билмайди, ҳартугул Саидбек Умар кун сайин бағрига сиғмай боради, ҳар жойгаки қадам кўйса, негадир кўпинча ётсирайди, қисинаверади. Ҳатто қай даражададир Иноғомга ҳам бегона экан, тунов куни Жобир Кирпи хосхонасида буни англади.

Аммо ҳозир Иноғом тап тортмай янги нозир саволларига хоҳлаганича жавоб берганини эслаб, бирдан кўнгли юмшади ва шогирдини кўргиси келиб кетди, хиёл эзгин, хиёл эзгу хаёллар оғушида ими-жим йўл тортди. Орадан тахминан ярим-бир соат вақт кечди, мундоғ қарасаки, ёпирай, ғарбий кўрғон эмас, қирқинчи қаватда, ойнаванд қаср рўпарасида турибди.

Ажабо, ҳалиги фикридан қачон қайтдийкин?

Остонада бир муддат иккиланди; гуё маъносиз бир иштибоҳ қадди-бастини букиб, инон-ихтиёрини қийратиб ташлаганди. Қаро терга ботиб, бир изига бурилмоқчи бўлди, бир тепадан махсус дурбин орқали кузатишни чўтлади, ниҳоят, Фузайлни яқиндан кўриш истаги устун келиб, эшик турумига қўл чўзди.

Бир нарсага имони комил: аллақачон муолажалар тизими сеҳрини кўргизган, оқибатда Фузайл ўзидан йироқлашиб, гулобий бино кичик фуқаросига айланган, мағзи оч-тўқлиги қоронғи маслаклар қароқларига бир парда тутганки, энди фақат уни эмас, ҳатто тукқан ва оқ сут берган онасини ҳам таниши маҳол...

Саидбек Умар бир хил бўшаши, ичига чигил ҳам тушди, ҳадик аралаш эшикни итарди, шу заҳоти димоғига нашатир спиртининг йод-хлор хиди билан омухта бўйи гупиллаб урилди.

Илгари Саидбек Умар Е хужрасига кунора кадам ранжида қиларди, аммо шароит тақозосига кўра, анчадан бери ҳатто мўралагани юраги дов бермай қўйди, бўсағада тик қотганча, жиҳозларга кўз ташларкан, ҳеч нарса ўзгармаганини билди. Фақат спиртининг сархуш қилувчи бўйи кучлироқ анқиётганини туйди, чуқур нафас олиб, анча дадил олға босди. Юмшоқ кароватда Фузайл қилт этмай ётарди, ҳозироқ ўғлининг таниш ва юпанч бахш этувчи исига фарқ бўлиш қувончидан умидланди, лекин ундай ҳол рўй бермади. Хануз у кимирламай ётарди, Саидбек Умар ажабсинди, қаттиқроқ томоқ кирди. “Тур, болам, тура қол, ғофил отанг келди!” Шундай дея, беун шивирлади, баландроқ товуш бергани эса журъати етмади. Ҳар ҳолда Фузайл сергак экан, шовурини сизди, уйғона-сола каравот четида қаққайиб ўтирди. Анчагача бетига тик қараёлмади, қарагач, жунли қурт ўрмалаган каби, бадани жимирлаб кетди. Каравот чеккасида оғир чўккан Фузайл эмас, суллоҳ Чумоли эди, ҳа, бу — ўша отинг ўчгур экан, соч-соқол кўмган афт-ангорида бир тўнглик кўпчигандики, тамом ўзини йўқотган Саидбек Умар тариқдай сочилаёзди...

— Қани у? — деди ниҳоят ҳам аламли, ҳам таҳликали тарзда.

— Кимни айтасан? — деди Чумоли бафуржа ён-бошлаб.

— Кимни бўларди, Фузайлни-да?!

Бу таънаси оғзидан чиқар-чикмас Чумоли гўё қанот боғлади, бор эҳтиросини йўғон товушида жамлаб, қий-қириб кулди, бу камлик қилгандай, ирғишлай-ирғишлай ўйинга ҳам тушди...

— Сўқирлик муборак, ҳой, делвагай инсон! — деди у ниҳоят, қайтиб жойига қўнаркан, — Нима, тонган-мидинг, ўғлингни танимаяпсан? Қара, яхшилаб қара, кўзингга мил тортилмаганми?

— Алжирама, мараз! — деди профессор ўзини бо-сишга тиришиб.

— Танимадингми, ўз ўғлингни-я?! Яъни Фузайлни! Айт, нима қилай, мен ҳам сендан, ўз отамдан тонаймайми?

— Аврама, тўйдим!..

Энди ногоҳ Чумоли қош-қовоғи тарвақайлади.

Қай маҳалдир шартга ёқасини вайрон қилди.

Қарасаки, ёпирай, бўйнида — бўритиш шодаси!..

Анча муддат Саидбек Умар ундан нигоҳ узолмади, хаёлан шубҳа савилнинг минг бир кўчасига кирди, ниҳоят ҳушини ўнглаб, оҳ урди, холос. Кейин, юраги тубида ғалаён қилган хўрсиниқ зарби абгор қаддибастини олисга, номаълум ва зимзиё хилватга улоқтириб ташлади.

Ажабо, шу кунгача ўзида — ўз тани-руҳида эмас, буткул нотаниш, буткул мубҳам жисму жонда яшаб келдими? Нахотки, тақдир ўйинига ўхшайдиган бу иш-кал рост, агар рост бўлса, демак, вужудига ҳам бошқа биров яшириниб олгани ва тирикчилик гаштини суриб келаётгани ёлғон эмас!..

Йўқ, бунақа чала-саёз гумон сира йиртиққа ямоқ бўлмайди, бугун-эрта эмас, ҳозироқ барини ипиданигнасигача безбет Чумолидан билиб олиши керак. Фузайл қайда? — шу саволни такрор қилганча, Чумолига елимдек ёпишди, аммо Чумоли эшитишни ҳам истамай, бошини тезгина адёлга буркаб, хуррагини тортаверди.

Тавба, Фузайл ҳам шунақа хурракчимиди?

Харчанд тиришса ҳам буни эслолмади, буни Моҳинадан сўраб-билишни кўнглига тугди, аммо ҳовлисига қадам қўйганда бу аҳди ёдида йўқ эди, мияси ровлаган қўйи димоғ-фироғини ҳам қалқон, ҳам найза қилган хотини билан қай тарзда муомала қилишни ўйларди.

Моҳина ҳовлида тимискиланиб, жимгина ошхонага кирди, ундан даҳлизга ўтди, ниҳоят Саидбек Умар теграсида булутдек турволди, ранг-рўйи бир аҳволда, лекин, ҳой, ношуд эр, бир жала ёғдирайки, умр бўйи жаврагин, дегандек мўлтираётир жоду кўзлари. Чиндан шўрликнинг кўнгли осуда эмаслиги шундоққина сезилади, узун тунларни ажриққа аганаб ўтказади ва бунга фақат шундоқ ҳам ўз ёғига ўзи қоврилиб юрган Саидбек Умарни айбдор санайди. Ҳай, аттанг, бу кунда ҳатто куёш ҳам бошқа ўлчамдан чиқаётгани, бошқа ўлчамга ботаётганини у қаёқдан билсин?!

— Тавба, — деди чимирилиб Моҳина, бахмал қопланган диванда оғир ястанган ва бети оҳак каби оқарган эрига қарата, — ҳалитдан бери ажинангиз билан гаплашяпсизми?

— Соям билан, — деди оғриниб Саидбек Умар.

— Мен бечора соянгизча ҳам эмасми?

Тамом, Моҳина ҳамишагидек ер-кўкни аччиқ ёшлари уммонига фарқ қилиш учун енг шимарди...

— Яхшиси, — деди анчадан кейин авж пардада хўнграб, — бундан кейин кўнглимни деворга ёраман.

— Ов, хотин, омадинг бор, — надомат билан уф тортди Саидбек Умар. — Сен-ку деворга ёриларкансан, мен-чи, мен нима қиламан?! Мениям тинглайдиган борми ёруғ дунёда?

— Бор... Сиз шу кунгача мутеликка ҳайкал қўйдингиз, — қўпчиган қовоқларини кафти билан артди Моҳина. — Ўшанга ёрилинг. Яхшиси, сигина қолинг. Балки сигинаётгандирсиз?

Во дариг, танасини қаранг, худо ҳаққи тоғдан ҳам ҳайбатли-я!

Тавба, бу кимга зулм ўтказмоқчи: ўзигами ёки эрига? Ҳар ким нима қилса — аввало ўзига қилади. Илгари яшнаган тоза гул эмасмиди? Энди ранг-рўйини қаранг: захил, сўлиган — ажин кўмган, бокиши мунгли ва дардчил...

Оққушниги каби оппоқ бўйнига зеб берган, нозик қўлларини беаган дур-жавоҳирлари энди жавон тоқчаси ё галадонида беун ва бемаъно сарғаймиш...

— Сен нимани ҳам билардинг? — деди Саидбек Умар бўзариб.

— Билганимки, сиздақа отадан худо ҳам безор!

— Ҳа, ҳа, нима десанг шу!..

— Хор қилдингиз мени!

— Мени ким хор қилди? — деди Саидбек Умар маъюс ҳолда, хаёли бирдан Е хужрасига оғиб. — Қўй, асли иккаламиз ҳам... улоқ-сулоқмиз. Яъни мен ота бўлмаганимдек, сен ҳам она эмассан! Алдандик! Ҳаёт дегани пистирма ҳам экан, хотин!

Алдандик!? Вой, ўлмасам, нима, боланг ҳароми ёки ўғай демоқчими?!

Шўрлик Моҳина эси кирди-чикди одамдек алжираётган эрига каловланиб тикилди, ҳалигина ёш ҳалқаланиб турган тубсиз қароқларида дилни ўртовчи маъно жилланмиш: ҳой, аҳди-қарори нотекис банда, никоҳингиз остида ҳалол-пок турмуш қилганимдан воқифсиз, бу жиҳатдан кўнглим тўқ, аммо ҳалиги ружала гапингизда не мантиқ бор? Ахир, роппа-роса тўққиз ой, тўққиз кун, тўққиз соат юрагим тагида авайлаб кўтардим, бир дунё азоб билан туғдим, оқ ювиб, оқ тарадим, бешиги бошида кечалари алла айтдим, нечун жоним-жигарим

эмас, ўгай бўлсин?! Анча бўлувди сезганимга, чиндан ҳам қисматнинг ёвуз қурти миянгизни илма-тешиқ қилиб ташлаган!..

— Ёмон қарияпсиз! — деди ахийри Моҳина, ичи сидирилиб.

Аммо Саидбек Умар жавоб қилмади, билиб-билмай чўпнинг бир учини кўрсатди, иккинчи учини ҳам кўрсатишга ожиз эди. Иложи қанча, сиру синоат кулфи-калити қўлида эмас, бундан кейин ҳам бор-йўқ имкони фақат сабр қилиш, ниҳоят кўникиш...

## САККИЗИНЧИ БОБ

### 1

Моҳинаси тушгур нишонга тегизди: ростдан ҳам Саидбек Умар ёмон қаримокда, ҳали олтмишга етмай, мияси аталадек суйилган, йўқса ҳалигидай жавраб, шармандаи шармисор бўлиб ўтирармиди?!

Не синоатки, доим шунақа, бир айниса — бас, йўқ ердагини санаб қўяди, аммо аввалги шунчаси бир бўлди, буниси бир бўлди: кўксида хотини ва боласига зарра меҳри қолмаганини оппа-осон исботлади.

Тавба, ўзи тўқидими ёки одамзодни истаган пайтида йўлдан оздирадиган шайтони лаъин оғзидан юла-сола айтдими ўша гапни?! Ахир, илиқ қонингдан яралган ва буткул ҳаётинг мазмунига айланган мўминтой-мулла боланг охир-оқибат бегона бўлиб чиқиши қайси рисолада битилган?!

Моҳина кўнглида уйғонган ўзгача шубҳа ва гина-кудур дашҳатини Саидбек Умар анчадан кейин бор кўлами билан тасаввур қилди, эрта хотини сиймосида тўпланган алам-армон ер-кўкни ларзага солиб портлашини чамаларкан, нақд юраги тўкилгандек бўлди.

Яна, ҳар сония ажиб тарзда ўзгариб, не бир бўёқлар билан бўянаётган бул ҳангомалар уйқуда шунчаки так-рорланиб турадиган алоғ-чалоғ тушга ҳам ўхшарди. Айниқса асаб толиқиши туфайли одам босриққанда нималар рўй бермайди?

Ҳануз Саидбек Умар тақдирини нукул захмат тарозисига солиб келган Носир аччиқ-чучук ёки кадр-қиммат

нелигини фарқлаб ўтирмайдиган Чумолининг тез-тез кичиб турадиган ва сўгал босган кўлида ҳаёт билан видолашганига ишонмасди...

Бу кулфат ўтрик бўлиб чиқиши учун бор-йўғини беришга тайёр эди, негаки, зимзиё бўшлиққа айланган Фузайл қисмати қайтадан нурланиши шу ҳодиса билан ҳам боғлиқдир.

Саидбек Умар овзидан гуллаб кўйгунга қадар Моҳина дардини ичига ютиб келди, аммо энди тинч кўйсинми? Шўрлик даҳлиз ўртасида тек қотганча ич-ичидан эзилди, сўнг лаб-лунжини осилтириб, ҳасрат қила кетди: “Кўп балони биласиз, аммо мен бечорадан яширасиз. Суянчирим қайда? Уни бир кўрай, бир бағримга босай, кейин ўлсам армоним йўқ!” Тинмагур Моҳина тили тугуни ечилиб кетганидан анчагача ўзини тўхтатолмади, ниманики айтгиси келса, айтиб қолди.

Ногоҳ Саидбек Умар мишжалари намланди...

Ахир, ўғлим дея Чумоли ҳузурига бориши осонми?

Ичини қиринди сидираётганда Пўлат Қосимий чорлаб қолди.

— Нима бўляпти ўзи Е ҳужрасида? — деди у ковоғидан қор ёғдириб. — Куюшқондан чиқаётган эмиш анави тирмизак! Нима учун вақтида тортилмади жилови?

Нима десин, Жобир Кирпи билан Нишон қарсиллаб турганда кўриқчилик қилгани менга йўл бўлсин, хушёрликда донг таратган бу биродарлар бурчи нима, хотинчалари теграсида соявонлик қилишми, деб бошлабгина аламини тўксинми? Йўқ, журъати етмади, барини ичига ютиб, тек қотди...

Ҳар ҳолда Пўлат Қосимий бўрилганича бор: куни кеча ўша машъум ҳужра эшиги, ошиқ-мошиғи билан суғурилиб, кўпориб ташланган, шундай безориликни эплаган кичкина соҳиб эса дараксиз; кидирувга юзлаб гумашта жалб қилинди, лекин қилча наф бермади. Ҳатто безори соясига ҳам биронтанинг кўзи тушмади. Хўш, бу бедодликни ким уюшгирди? Албатта “Кўкбўри” иттифоқининг қилиғи совуқ аъзолари-да!..

Аллақачон Жобир Кирпи ҳам, бошқа маъмурлар ҳам шундай хулосага келишган, қолаверса, Саидбек Умардан ҳам гумон қилишаётгани тайин, ахир, Фузайл кимлигини улар яхши билишади-да.

— Уни фақат сиз тополасиз, — деди Пўлат Қосимий бир кўзини вилайлаштириб. — Муҳлат шанбагача!..

Саидбек Умар бош кўтармади. Ичи зардобга тўлди. Аммо сабр қилмай иложи канча!

Аркон узун ташланган, ўлсин-е, намунча узун?!

Ҳоли шу қадар забунки, ҳар қандай жўяли тадбир ёки маънили овунч дардига малхам бўлиши гунон, аммо Бо-бош ёки Пўлат Қосимий ғазоби барига бира-тўла чек кўйиши мумкин, ахир, бунақа бўлиши тушига кирибдими? Пешонаси шу экан, чидайти, ўзи пиширган ош-да. Нима қилди ўғлини Чумоли, тириклай ютвордими? Тунов кунни разилона алжировди, мен ичингдан чиқдим, энди озодман, хоҳлаганимни қиламан деганмиди-ей, ярамас. Кейинги гапи-чи? Ўғли эмиш-а! Йўк, бу шунчаки талмовсираш эмас, бориб турган фитна! Бу рўдапо Фузайлни ўғирлаб, бирон ерда яширган, ёки... Нарёрига ўтолмади, вужуди қақшаб кетди, бас, шунча чидагани етар, бу балойи азим ўзидан чиқибдими, давосини ҳам ўзи топгай! Балки ўлган бузоқникидек бақрайиб боқадиган кўзларини ўйволар, балки имижимида бўғизлар! Токи қайтиб атрофда санғимасин, ёлғон-яшиқ тўқимасин, кўлини қонга ботирмасин, катта-кичикни ваҳимага солмасин, борингки, одамзод ўзидан ҳам, руҳида чандиқ пайдо қилган бемаъни замбуруғдан ҳам қутулсин!..

Ишқилиб манглайида шу ёзуқ ҳам бор экан...

Аммо кулгиси қистадики, Бо-бош билан Пўлат Қосимий рўпарасида жон ҳовучлаб, мусичадек жавдираб, йўқни бордай қилиб ахборот бериши таҳқир бўлса, жисми-жонида камол топган, вақти-соати етиб жисми-жонини тарк этган, фақат ўзигагина тегишли бўлган ва тирикликка таҳдид сола бошлаган офатни қийратишга уриниши қай жиҳати биландир гаштли...

Ногоҳ Саидбек Умар Фаришта даъватини хотирлади, ҳа, мардона эътироф этишга мажбур: йўқотгани ва излагани ичида, бугун бўлмаса эрта кенг оламдан ҳам кенгроқ ичига сафар қилиши керак, ҳали бунга улгурмабдими, билиб-билмай жонида асрагани — хоин бўлиб чиққан ярамасни тезроқ гумдон қилиши керак. Осон йўли шу: бўғиб ўлдиради.

Ақлга сирмайди: Иноғом сезги-руҳ мевалари ила озикланадиган Чархпалакдай баҳайбат махлуқ ҳоми-



ласини мажруҳ юраги остида узоқ-узоқ авайлаб-асраган бўлса, дарифким, ўзи кўкдаги қодир қуёшни бир ҳовучгина кул деб биладиган анови дарди-бедаво гўрсўхтани сақлаган экан ичида!

Бо-бош иблисдан ҳомиладор...

Бо-бош одам гўштига бошқоронғи...

Аммо ўзи-чи?

Тавба, нечун бу ўйи яшинга айланиб, ёқвормади жисмини? Дафъатан кўнгли ағдарилди, кейин, менимча Бо-бошдаги майл нафс хуружини жиловлашга ожиз жамийки бандага хос, деган фикр чуваланди миясида, кейин зардали кулимсираш билан бу хулосаси илдизи теран эканини гўё қайта тасдиқлади. Бошкети йўқ қоронғилик ичра тентираётганга ўхшарди, қирқинчи қаватда юрганини билгандан кейин астагина елка учирди, қачон ва нима мақсадда осмоний салтанатга келгани боисини эслолмади. Сезгиларига кулок солиб, ниҳоят, қовурғали куббада ўрнатилган дурбин орқали Е ҳужрасини кузата бошлади-ю, ниманидир тушунгандай бўлди.

Ҳужра аввалги қиёфасини деярли йўқотганди, турли ашёлари бири-бирига мингашиб кетганди, ҳатто чироклари гоҳ ёниб, гоҳ ўчаётган эди, шундай бўлса ҳам кўнглига яқин жонни беҳос илради, таниди, таниди-ю, беихтиёр сапчилаб кетди. Озми-кўпми билади, қадимдан дунё буқаламун, лекин бу кунда бунчалар найрангга кўмилгани боиси недир?!

— Фузайл, жоним!..

Эҳтимол Саидбек Умар бутун умри давомида бирон марта ҳам бу қадар қаттиқ севинмагандир. Аввалги бари кўрган-кечиргани ва таассуротлари буткул ёлғонлигини билиб-англаб тургани учун терисига сирмай кетган эди. Ёки Фузайл топилгани, бу ҳақда Пўлат Қосимийга ёруф юз билан ахборот бериш имкони туғилгани ва жони омон қолганига шунчалар шодми? Хар ҳолда булардан ҳам тонмайди, лекин ҳозир муҳими бошқа нарса: Чумоли хашаки масҳарабоз экани аёнлашди (ичингдан чиқдим дегани фирт ёлғон!), миясига очопат қурт, яъни замбуруғ тушган, руҳиятини ўша нарса бошқаради, шунинг учун ҳам мавридини топиши билан йўқ ердаги тухмати гапни алжирайди, ўғлинг ўзим дегани ҳам хайриятки тасдиқланмади, ахир, кўзи кораси Фузайл, ана,

мирикибгина ухлаётир, бегона эмас, ўзи билан Моҳина муҳаббати меваси!..

Ана шу чуваланган ўй-фикр оғушида Саидбек Умар, мрамар зина бўйлаб, неон чироғи гоҳ ёниб, гоҳ ўчаётган Е ҳужрасига ошиқди, шунчалар эсанкираган эдики, ёноқларини севинч ёшлари тўхтовсиз юваётганини сезмасди.

Остонада шивирлади: бир қучай, танимасанг-да!

Аллабир тарзда тўк эди кўнгли, комил ишонч билан бўлма ўртасига отила борди. Аммо бирдан ўртада оёқлари михланди, разм солсаки, кўп афсус, каравотда, топ-тоза чойшабга ўралганча, ҳузур қилиб хордиқ олаётган Фузайл эмас, қиронга учрагур Чумоли экан...

— Э-э, сенми, марҳамат! — деди Чумоли каравот четида қунишиб ўтирар экан. — Биламан, чарчагансан, аммо ота бўлганингдан кейин айт-да, мени тузукроқ қўриклашин. Эшикни бузишди-я! Бўйнимдаги манови шода керакмикин? Бошқа арзигули нарсам йўқ-ку!

Ота бўлсанг!..

Қизиб-чатнаган баданига гўё энди нақд олов чирмашди. Ва ўзидан ҳам ётсирагандай бўлди...

— Носир Даминни единг, — деди ниҳоят у қовоқ уйиб. — Аммо Фузайлни нима қилдинг? Инсофинг бўлса, гапир ростини!

— Носир Дамин ўзини ўзи бўғизлаган экан, айбим устига бориб қолганим, — чучмал бир оҳанг бор эди Чумоли товушида. — Фузайлга келсак, у рўпарангда. Танимаётган бўлсанг менда нима гуноҳ?

Ноилож қолган Саидбек Умар айрича алам билан ғудранди: ғаламис! Тиззаларини бемалол кучволган Чумоли эса пинак бузмади... Нимадандир, аччиқ ё ширин нарсадан, бемалол роҳат қиларди. Қўтирлаган бўйнида — бўритиш шодаси!

— Ўлдирдингми?

— Ие, ўзимни ўзим ўлдираманми? — хотиржам, ҳатто маъноли жилмайди Чумоли. — Наҳотки, бундай бемаънилик ноаниқлик билан келиша олмаган сиздай олим фарзандига муносиб? Рост, Носирга тақлид қилиб нодон эмасман!

Саидбек Умар ўқинди, бори шуки, энди Чумолига худо бас келмаса, бандаси бас келолмайди. Энди Чумоли раъйини синдирадиган ҳар қандай кучни ер

юзидан супуриб ташлаш пайида бўлади. Бир бахонада Фузайлни ҳам ёқтирмай қолган, сўнг бечоранинг бошига етган, етган-да, ўламан саттор ўғлинг ўзимман, эпласанг танигин, деб ниқоб тортволган бетига. Фарзанди эмиш-а, бу қони бузукни Ниначи билан бир йилча бурун Али Шахобий чиқитга чиқазган нўноқ шогирдлар орасидан танлаб олишганини унутарканми, йўқ, унутмас, лекин буни шунақа кўйга солган ўзи, бундан тониши ҳам тантилиқ эмас. Балки у шунга шама қилаётгандир? Нима бўлганда ҳам бир қозонда қирқ йил қайнасин, ҳеч кимга қони қўшилмайди. Энди бу ёғи таваккал, жўнатар жаҳаннамга иблисининг безбет ҳамтовоғини!

Дунёда шунақа гуноҳлар борки, чинакам савоб ўрнига ўтади...

Тавба, ким ингради: уми ёки ўзи?

Қўлида титранаётган пичоқ дами кип-қизил...

Руҳи эса аллатовур шафаққа чулганмиш!

Теран жимлик гўё ниманидир беун жар соларди, аммо Саидбек Умар қулоғи том битган — эшитмай, нукул гувилларди. Қай маҳалдир гурс этган товушдан беихтиёр ўзига келди. Қаршисида узала тушган жасад жон талвасасида типирчиларди. Шундоқ чап кўксидан сизаётган қон полда кўлмакча ҳосил қилган... Бу виро денгизи бўлиб кўринди кўзига ва ялт этиб Чумолига қаради. Иблис ҳамтовоғи қилт этмасди. Фақат... қиёфаси нурланаётирми? Очик қолган қовоқларида недир озор билан сўнган табассум намунча яқин дилига?!

Жоним! О-о, кўзим қароғи!..

Нима қилди, гўдраниб тиз чўқдимми ёки тип-тичка бўзладими? — тузукли эслолмасди, эс-ҳушини йиғволганда ғарбий кўрғон сари имиллаб борар, хаёлини шундоқ полда бўғизланган кўйдек бежон чўзилган Фузайл банд қилган эди. Лабларида афсус-надомат билан тўла шивир: қотил ўзим! Энди ўзини чинакам маҳкум санарди, бу кундан анов қаттол камерага буткул лойик, ўзи ўзини унга тортиқ этади. Кенг дунёга сифмади, ўша тор каталакка бемалол сифади. Аммо тунов кунгидек эҳтиёткор кўриқбонлар ҳатто дарвозага ҳам йўлатишмади. Бир чимдим алдов қўллади: шанба маросими олдидан Иноғом Насим билан кўришмағи керак. Фойда бермади. Замбуруғга ем бўлгурлар! Алам билан гулдираб, изига бурилди. Ҳали рўй берган воқеа

дахшати чатнаган миясини яна ҳам қаттиқроқ исканжага тортарди. Намунча чуваланди дунё ишлари? Тавба, энди у ким: омадидан айрилган олимми ёки ношуд ва қўли қон ота?

Биров эшитмасин, лекин эшитган тақдирда ҳам ким ишонади?!

Айтганча, Жобир Кирпи терговни тугатган эмиш!  
Охири Иноғом тоб ташлаган кўринади.

Чакки бўлибди, аммо на чора, у ҳам ҳамма қатори ожиз жон, эрта-кеч ўласи қила тепкилашиб, жар ёқасига обориб қўйишгач, чидолмаган бечора — чор-ночор тиз чўккан, борсин-е деган-да, ҳуши-тушида йўқ нарсаларни бўйнига олган. Энди қабрида ҳам пешонасига ёпиштирилган машъум муҳрдан ажралиши мушкул, мана шуниси айниқса жавр. Фақат булар барини бино қилишга ўзи ҳам баҳоли-қудрат улуш қўшганини билармикин?

Саидбек Умар овир хўрсиниб қўйди, ҳали эртанги тадбирда қатнашмак учун Чархпалак қошига бориши, ҳаргиз отдан тушса ҳам эгардан тушмаган шогирди билан юзлашишга тўғри келишини ўйларкан, юраги аллатовур ўйноқлаб кетди.

Нима қилсин, кўхна дунё шунақа ғалати экан...

Кимларгадир, йўқ, аввало ўзига ортиқча ишонди ва чархи кажнинг ҳали ҳеч ким етолмаган тағ-заминига етмоқчи бўлди, тош-тарозисини маромида қадрлайдиган гардун эса бунингдек хатти-ҳаракатини шаккокликка йўйдими, билдириб-билдирмай жазосини берди: энди лунжида ош эмас, тош!..

## 2

Саидбек Умар атай қилди: пичоқни бурчакка улоқтирди...

Токи, Жобир Кирпи исковучлари топволишсин, аzza-баzza текширишдан ўтказишсин, бармоқ излари эгасини аниқлашгач, типирчилаб қолишсин, ахийри, андиша-пандишани бир чеккага ййиштириб, зудлик билан ўзини кўзига жаннатдай кўринаётган зим-зиё ўрага элтиб тиқишсин!..

Сўнгсиз ғуссага ботган Саидбек Умар йилдек узун туюлган иш кунини бир амаллаб яқунлади, ниҳоят борлиқ хуфтон-шом сурмаси билан ўзига оро бериб,

окшом кўйнига кирди ҳамки, Жобир Кирпи тугул, ҳар ерда кузғундек ҳозир гумашталари ҳам эшигини ҳатто тақиллатмади.

Ажабо, маҳобатли гулобий бино осудалик оғушида роҳат қиларди.

Ҳатто Бо-бош билан Пўлат Қосимийни одатдаги серғалва тирикчиликка номувофиқ сирли гафлат карахт қилиб кўйганга ўхшарди. Ҳамиша сергак телефонлар ҳам бемалол сукут сақлаётган эди. Хусусан Гурзи сазо бермаётгани, йўқлаштирамай кўйгани Саидбек Умарни кўпроқ таажжубга солди, негаки, у шанба кунигача катъий муҳлат берган, ўшангача Е ҳужрасидаги бебошлик сабаби аниқланиши, қайгадир ғойиб бўлган бетамиз йигитча ер остидан бўлса ҳам топиб келтирилиши керак эди. Бу вазифа профессор зиммасида! Лекин қандай жин чалдики, бошқон миқ этмаётир? Ишқилиб Чумоли ер тишлатиб кўймадимикин? Ҳайтовур нимадир юз берган, йўкса ҳалигача чақиравериб, имиллама, калланг гаровда дейвуриб, нақд тентак қилиб ташларди.

Ногоҳ Саидбек Умар қисматидан мангу ўрин олган ва қон билан йўғрилган мудҳиш лаҳзани эслади. Ҳе, дариф, ундан кўра пичокни ўзининг илвираган юрагига урса бўлмасмиди?! Йўқ, ўзигамас, ўғлига урди, энди бу сўнгсиз азоб борлигини аста-секин қовжиратмоқда, балки ушбу палла битта-яримта билан ҳасратлашса дарди енгиллашармиди?! Аммо Моҳинадан бошқа ким ҳам арз-додига қулоқ солади? Қолаверса, Бо-бош ёки Пўлат Қосимий ўғирчасида хорлангандан кўра парирўй жаллодининг беминнат пойида жон таслим қилгани афзалдир.

— Азизим, камина адашибман, худо ҳақи адашибман, ўғлимиз унақа эмаскан!

Шошиб-ҳовлиққан, ҳаяжони бўғзига тикилиб, қипқизариб кетган Саидбек Умар даҳлиз остонасидаёқ шундай хитоб қилди, сўнг култ ютинди, бир муддат қайгадир яширди бекарор нигоҳини, ахийри, Моҳинага кўрка-писа қараркан, ғалати бўлиб кетди. Аллатовур мўлтираб боқаётган хотини руҳсиз ҳайкалга ўхшарди, теран қароқларини сўнгсиз дард уммони тўлдирган, нозиккина қадди эса сидирға қорага ўранган, бутун борлиги ва маҳзун туришидан мотамсаролик захри сирқиётган эди...

— Жоним, билдим, барини билдим, — деди у яна гезариб. — Фақат, жонгинам, ўзингни бос, ростини айтаман, айтмасам, шу кечадан ортмай ёрилсам керак!

Моҳина кўксида галаён!

Моҳина умид ато қилувчи эзгу муждага илҳақ!

— Фузайл ўгай эмас, ўзимизники, лекин шундай гавҳаримиздан ажрадик, — бутун кучи-иродасини ягона нуқтага жамлагандан кейингина айтди бу гапни Саидбек Умар. — Ҳа, афсуски, ажраб қолдик. Мана шу малъун қўлларим билан уни сўйдим. Мен нотавонни Чумоли чалғитди. Балки вафлат ишини кип қўйгандир, хотин?!

Тим қора либос ичра Моҳина вужанак бўлиб тахтадек котди-қолди.

Қачондир ўзини ўнглади, юпқа лабларида учқунлаган истехзоли ним табассум бир озор ва таъна билан ал-машиндики, тиккасига жавдариб ўз ёнига ўзи қоврила бошлади ва теграсида илкис яшин чакнагандек туюлди. Кейин нигоҳи билан сўйлади: ёпирай, қайси тўқайдан қочдингиз, аммо шох-бутовингизни кўрмаётирман!..

— Чумоли чатоқ қилди. Менда айб йўқ!

Энди Моҳина сиёхранг рўмолини шунчаки тўғрилаб қўйди.

Нигоҳида ижирғаниш: тентак ўзини окласа ярашмас экан!

— Куляпсан-а устимдан?

Шўрлик Моҳина хануз руҳсиз ҳайкалдек безабон туради.

— Сиз бир неча бўлакка бўлинган одамсиз, ни-мангизга куламан?! — деди у ниҳоят жонланиб. — Раҳматли энам, ёртига офтоб ҳам чала нур сочади, дегувчи эдилар. Сиз ҳам ўшанақа тоифадан экансиз, тушимга кирсинмиди?!

Шунча йил Саидбек Умар билан бир том остида яшаган Моҳина биринчи маротаба онасини шундай эхтиром ҳисси билан ёдлади. Аммо ҳалиги муздай совуқ сўз қаёқдан кела қолди тилига? — мана шуниси шундоқ ҳам қўйиб кулга айланаёзган эрга анча жиддий нашъа қилди.

— Замона зайлини менга тўнкама! — деди у андак ўшқирган бўлиб. — Мен ким бўпман?

— Жонивор ёртилик ҳам замона зайлими? — ин-

гичка қошларини чимирди Моҳина. — Жон-жахдингиз билан узоқ ийладингиз уни, қонун қиёфасига солиб, одамларга такдим қилдингиз!

— Ие, хотин, нималар деяпсан?

— Тўғри, жар солмадингиз, мақтанмадингиз, бундай қилиш беорлик дедингиз, аммо кимлигингизни яшириб келганингиз беорлик эмасми? Қолаверса, нимани кашф қилганингизни қошки билишмаса?!

— Ҳеч кимга мен ёмон бўл деганим йўқ, — деди бўшашган алфозда Саидбек Умар. — Эҳтимол ожизлигимни енгиб, ўзимдан озгина баландга кўтарилмоқчи бўлгандирман?! Бу тамомила бошқа гап, тушунсанг-чи, хотин!

— Ниқобингиз бир эмас, бир нечта шекилли?

— Кифоя, — дея тиши орасидан шивирлади Саидбек Умар.

— Лекин кашфиётингиз нималигини биласизми?

— Э-э, хотин, бўғилиб ўл де ундан кўра, бўғилиб ўлай!

— Аттанги, билмайсиз, — оҳиста бош чайқади Моҳина. — Билиш нари турсин, яратишга яратиб, энди надоматдасиз, ҳаловатингиз йўқолган, негаки, ўша нарса ер билан одамини кафтида ўйнатаётган, ўзидан тоабад бегоналашган даҳолар авлодини аллақачон тарбиялаб улгурган!..

— Уфф, туппа-тузук файласуф экансан-ку!

— Мабодо гулдай болангизни ўзингиз билан гирдоб тубига тортиб кетган экансиз, ажабланадиган жойи йўқ кўпам! — Энди Моҳина уввос тортиб йиғлади ва шашқатор кўз ёшини анчагача тиёлмади. — Тунов куни айтган гапингизни ўзимча ёлғонга чиқаргандим, лекин бугунгисига ишондим. Тавба қилдим-ей, шунчалик ҳозирликни пушти камарингиздан бўлган норасида бўғзига пичоқ тортиш учун қилган экансиз-да?!

Тили танглайда кесақдай қотган Саидбек Умар сазо беролмади.

Қай маҳалдир Моҳина бир силтаниб жилди.

Ётоқдан ҳазин йиғиси ва қарғаниши эшитилди.

Аммо у энди эътибор бермай, ўлгудек очлигини эслади.

Нимадир ичакларини аёвсиз шиларди, афтини буриштирган кўйи ошхонага мўраллади: ҳаммаёқ шип-

шийдам, қозон бўм-бўш эди. Меҳри тош хотини Олияни ҳам атай овқат пиширишга қўймаган, очидан тезроқ ўлсин, қутуламан, кўрмайман ҳам, куймайман ҳам деган. Яхшики совутгичда сал эскирган бўлса ҳам қатиқ бор экан, ўшандан бир пиёла ичиб, нон кавшади. Мағор босган қоқ нон лаънати Чумолини ёдига туширди. Сўнг хаёли чуваланиб, бор-йўқлиги ҳалигача қоронғи бўлган “Кўкбўри” итгифоқи, бе-хосдан ўзи ўғли қотилига айлангани, шанба куни кеч соат олтида Чархпалак билан навбатдаги учрашув бўлажаги ҳақидаги узук-юлуқ мулоҳазаларга чирмашди. Тасаввурида гўё даҳшатли бир пўртана чайқаларди, қимирламас соҳилга тўхтовсиз сапчиётган не-не ҳайбатли мавжлар Моҳина айтган қонун ёки маслақдан кучланаётган сирли унсурга ўхшарди. Аммо Моҳина бошлади, ажабо, ким экан ўша дилларига эғалик қилолмай қолган, ўзларига тушпа кесолмаса-да, бошқаларга угра кесган даҳолар?!

Тан олсин-чи: бирови ўзи эмасми?

Бу хусусда ошкора сўйлашига йўл бўлсин...

Ботинида ин қўйган тилаклари, эҳ, қанча-қанча!

Аммо хоҳиш бошқа, ҳаёт бошқадир. Агар фақатгина истаги-иродаси билан иш битсайди, бу кунда бошқача одам бўлиб турарди: юзи ёрув, дасти узун! Қай ерда адашди? Ёки асли бутун ҳаёти чалғув-чалғитиш, алдову алданиш, таҳқир-таъна, ифво-ислоҳдан иборатми? Хулласки, у тақдирни танлаганми ёки тақдир уни?

Мана шу эски ашуласи дилидан кечиши билан гулобий бино маҳобатини туйди, кўз ўнгида саробга ўхшаш нарса живирлаб, нимадир сокин гумбирлади, ногоҳ адоғи йўқ кенггина йўлка кўринди, икки четида япроксиз шир-яланғоч дарахтлар бўй чўзган ушбу йўлка бўйлаб башаралари недир гумон ва гинадан кўпчиган кимсалар қаторлашганча қаёққадир кетиб борарди.

Илгарида Бо-бош билан Пўлат Қосимий илдам йўрғаларди.

Беихтиёр Саидбек Умар кўксини чангаллади: саф ўртасида, Жобир Кирпи, Али Шаҳобий ва Эсон Оқбўтадан кейин, дарирғим, бўйнини қисиб, жавдираб ўзи одимларди. Яна дарирғим, шундоқ ортидан яқин-орада тароқ ва қайчи кўрмаган соқолини силай-силаё Чумоли туртина-суртина эрғашиб келарди.



Недир ибтидодан недир интиҳо сари шошаётган оқимни эслатадиган ушбу манзара бор залвари ва тифизлиги билан Саидбек Умар шуурига сўнгсиз оғриқ бўлиб нақшланди, сўнг норозиланган кўйи, йўлкани тўлдириб кетаётган касларга қаттиқ тикилди, нечундир мушт ҳам ўқталди, фақат кимга ўқталди — ўзигами ёки ўзидан чиққан балойи азимгами?!

Эртаси куни Саидбек Умар хосхонасида димиқиб ишлади, очикса ҳам, юраги санчса ҳам қимирламади, фақат кеч соат беш яримда бир оз нафас ростлаш ҳам каттаю кичик ҳаловатини ўғирлаган ғаройиб маросимга ўзини ҳозирлаш учун ҳовлига тушди ва тасавурида намоён бўлган сафни шундоқ гулобий бино бўсағасида кўрди...

Асли Саидбек Умар ҳалигача ҳибс қилинмаганига ҳайрон — билакларига кишан уришларини кутарди, ахир, Е ҳужрасида исми-шарифи ўйиб ёзилган дандон сопли пичоғини атай қолдирмаганми?

Аксига, ғарб журналистлари каби, ёнғин рўй берадиган жойда бир соат муқаддам ҳозир у нозир бўладиган ва овозабоп гапларга мослаб тўн бичадиган Дадаш ҳам кунбўйи сукут сақлади.

Аммо гулобий бинода ҳукмрон осойишталик гўё соат мурватлари йўриғига бўйсунадиган даҳшатли бомбага ўхшарди. Портласами, тамом, аввало у тилкаланади. Эрталаб худди шуни кутди, яъни пештоқ рўпарасида машинадан тушган захоти бир неча курулли гумашта панадан отилиб чиқиши, кела-сола билагига кишан солиши ва ғарбий кўрғон сари қўй каби судраб кетишини! Негадир унақа бўлмади, бу қадар бепарволикни кутмаганидан энсаси қотиб кетди, ахир, бунақада гулобий бино тағ-заминини бир эмас, бир нечта хуфия тузилма бира-йўла кемирмайдими?

Ана-мана пештоқ рўпараси, адл турган улкан ҳайкал ён-атрофи тирбанд бўлиб кетди, гўё ер ёрилди-да, одам чиқди: бутун бошли оломон юзага келди. Хавотирга тушган Саидбек Умар ҳорғин бир тарзда теварагига аланглади, хайриятки, Чумолини кўрмади. Бундан сал энгил тортди, сўнг Бо-бош билан Пўлат Қосимийга шунчаки қора бериш учун олдинроққа юрди.

Оломон сукутда, лекин пўртана янглив чайқалади, чамаси, кимнингдир амрини кутади. Қай маҳалдир

Ўқтамона бир хитоб янгради ва бир йўла ташланган сон-саноксиз қадамдан еру кўк зириллаб кетди, сўнг чўян девордек тивиз бир оқим пайдо бўлди, уни кечагина Моҳина эслатган, нималиги қоронғи ўта қадим ва оҳори тўкилмаган кийимдек мунтазам янгиланиб турадиган маслак Чархпалак ҳузурига чорлаётган эди...

### 3

Бу оқим шиддатли эди...

Бу оқимда Саидбек Умар ўзини бир хас билди...

У беҳол-безабон юзиб борарди.

Қанотларини йиғиштираётган қарға келбатли саройга кўзи тушганда Саидбек Умар беихтиёр қовоғини солди, бу ерда охирги марта бўлганини ва шогирди Иноғом Чархпалакка берган таъриф-тавсифни ҳали-ҳамон унутмаган эди...

Ақлга сизмайди: қисқа вақт ичида сарой таниб бўлмас даражада ўзгарибди. Ташқи қиёфаси айниқса маҳобатли тус олганди, ҳар шакли, ҳар чизиги тасаввурга бемалол зарбланиб қоларди. Ичкари эса бениҳоя кенгайиб кетгандек...

Баланд шифт ва деворлардаги ғаройиб нақш-белгилар нозиклиги, жимжимаси, маънодорлиги билан аввалгиларидан кескин фарқ қилади. Ҳар нуқтада кўтаринкилик ва эҳтирос бўртиб тургандек эди, бу нарса айниқса қуйи томондаги манзарада яққолроқ кўзга ташланади.

Орқа тараф қоронғироқ эди, ана шу зулматни ўнлаб темир қозикқа мустаҳкам қилиб қўндирилган ва энли-узун чорчўпга тортилган оппоқ мато тўсволганди. Мато сокингина нурланарди, аниқроғи, матода яшил ўрмон аро ястанган сарғимтир даштнинг заррин-пушти ва қалайи бўёқлари жимир-жимир товланарди, шундоқ адир биқинида бир урғочи, бир эркак бўри чўзилиб ётарди, жасадлари шафақ тусли қумга қоришиқ, қум узра танлари бир ён, бошлари бир ён, бошларини йўғон оёқлари тагига босволишган, аммо бу ҳолмас, хира тортган қорачиқларида чакнаб турган фавқулудда сурур кишини кўпроқ ҳайратга солар эди...

Сал иккиланган қуйи Саидбек Умар бу тасвир деворга анча илгари зарбланганини эслади ва мусаввир

махоратини тан олди, сўнг тезгина илгари босди, лекин халиги манзара кўнглига бир гашлик ҳам юктирганини пайкади, ўзига сизмай кетди, худди шу лаҳза Чархпалак ортидаги майдонча довулга учраган кема саҳни янглиф лорсиллади, узун ва энли темир копкақ кўприкка ўхшаб лапанглаб кўтарилди ва учи юқорилай бориб деворга тиралди.

Қуйида, юзлик чироқ ёруғида, тим қора гумгурс кўш табақали эшик жилоланди, у не бир иддаода товушсиз очилган заҳоти тепада сезимлар торини аста-аста чертгувчи вазмин куй таралди, куй авжигга олгани сари кенгина горни эслатадиган узундан-узун бетон йўлақдан аллакимлар оғир-оғир қадам ташлаган кўйи қаторлашиб чиқа бошлади.

Хартугул Саидбек Умар барини кўриб-сезиб турарди, шундай бўлса ҳам беихтиёр таажжубланди, ҳатто шубҳага ҳам борди, лекин уларга қарамади, қараёлмади, бесаранжом толғин нигоҳи дафъатан каллаларини қаттол тирноқлари орасига қизғанч ила қисволган бўриларга тушди, улар бўғзидан сирқиётган лолаваш қон гўё кекса оламнинг чўллаган ва тарс-тарс ёрилган лабларига чакиллаб томар эди...

Энди негадир нотаниш рассомни ҳатто эслашним истамади.

Ҳануз ер ости йўлагидан хотиржам чиқиб келган, ранг-рўйларига зах ва қоронғилик нуқси урган кишиларга синчиклаб қарагани юраги дов бермасди, қараса, кўкси лов ёниб, кўзлари симоб каби эриб тушадигандек эди. Мангу юпанч қайда? — беихтиёр маъюсланиб шивирлади ва олд қатор бошида хаёлчан турган йигитга нигоҳ отганини билмай қолди...

Чумолиники каби кўрпалаган соқолини тутамлаган Иноғом ёруғ дунё паст-баландига беписанд эканини намойиш этаётгандек бир ҳолатда эди, хиёл оқарган чаккалари терчилаган, қорачиқлари бемаъно йилтирарди, гўё узок вақт кўксида авайлаб ола юргани сирли махлуқ қошида эмас, думи-қаноти юлиб ташланган нотавон куш қаршисида ўй сурарди...

Лекин, ажабо, Иноғом бикинида қакқайганча жилмайишга тиришаётган, кўнглидаги алам-армони мижжаларидан суву селоб бўлиб тиркираётган оқ юзли йигитча кимийкин?

Чархпалак қошида Иноғом қанча лоқайд бўлса, ок юзли йигитча шу қадар тажанг, дилгир, безовта эди, ҳатто кулишни ҳам тузукли эплолмаётганди, чехрасидаги ифодалар тез-тез ўзгариб турарди, ич-ичини емираётган тўлғоқ борлигида гоҳ ғазаб, гоҳ афсус, гоҳ ноумидлик нишонаси бўлиб акс этарди.

Ҳар ҳолда саросима қурбонига айланган каслар орасида у айрича эди, сира бошқаларга ўхшамасди, ҳатто паришонҳол туриши ва қайғуришида ҳам собитона бир ўктамлик бор эди, қароқларидан йилтираб оқаётган ёш билан омухта ёғду майинлиги ҳар қанақа дилни забт этишга қодир эди, бу ёғду сеҳри айниқса ўзига яқинлигини туйган Саидбек Умар ҳатто бир қалқиб тушди. Нима бўлди: укувсизроқ уста шартта тишини суғуриб ташладими? Тавба, буни қандай тушунсин, Иноғом Насимий пинжида, айбим бўлса бетимга айтинг, деб турган ғунча қаттол бир дақиқада қаттол пичовидан бўғзи ё кўкси пораланган Фузайлнинг худди ўзи-ку!

Анчадан бери мадор йўқ руҳида, шу боис яна абгору овора қилгувчи рўё тўлқинига чулғанди, тик турганча босриқди ёки Чархпалак пишқирган заҳоти юрагидаги эҳтиросли хотиралар бирданига жунбишга келиб, шуури ўлчамларида ўғли сувратига айландими?! Йўқ, у сувратмас, ана, бир кулиб, бир йиғламакда, демак, тирик, демак, бўғизлангани ёлғон! Ахир, ўшандай қабихлик шарбатини ичмоғи зарил келганмиди? Аввал ҳам сезувди, Чумоли сароб, ҳа, ҳар замонда руҳни бетобликка гирифтор этадиган саробдан бошқа нарса эмас!..

Шу пайт Бо-бош имоси билан чолғулар нафаси ўчди.

Хизматга шай Палахмон қайсидир тугмачага панжа урди.

Ногоҳ Чархпалак шигиллаб кўзғалди: аввал хурпайди, кейин яғринидан ниманидир ирғитиб юбормоқчидек шахт ила силкинди, нари-берига сурилди, бирдан тўхтаб, таянч ўқи атрофида бир маромда айлана бошлади, ниҳоят яна тўхтади, оғир керишиб, туя-бия тугул тоғни ҳам кўрдим демай ямлаворадиган оғзини қаррак қилиб очди.

— О-о! — дея унга ҳасратли тикилди Иноғом.

— Иноғом, биламан, бу кунга сен йўрғакдаёқ интил-

гансан, ушалаётган орзуинг муборак, — ипакдай эшилди Бо-бош товуши. — Сен шу саодатга муносибсан, фақат эътиқодинга гард тегиб қолмаслиги учун бошимизни қотирган жумбоқни ҳам ечиб берсанг. Армонда кетмагин, биз ҳам бармоқ тишлаб қолмайлик.

— Укажон, сен ҳадемай роҳатли дунё фуқароси бўласан, — Иноғомни эркалагандай елкасидан қучди Пўлат Қосимий. — Бизники эса ўша-ўша: эски ҳаммом, эски тос! Яъни укубат дунёси укубатига маҳқуммиз! Агар “Кўкбўри” иттифоқи нелигини англамай кетсанг, яна оғир бўлади бизга. Шафқат қил, шаштингдан тушда, сўйла!

Бир жимлик чўкдики, гўё юраклар дукуригача эшитилди. Жимлик сиртмоғи таранг тортилган маҳалда Иноғом Насимий тиззасига уриб, пиқирлаб қулди, ҳатто ориқ гавдасини орқага ташлаб, гумбирлатиб қаҳ-қаҳа ҳам отди, сўнг битта-битта босганча, без тераётган Бо-бош қошига борди.

Ажабки, Иноғом Насимий юришида ҳам, қошқовоғида ҳам бирон-бир истехзо белгиси йўқ эди, аммо Бо-бошга полиз ўртасида омонат кўндирилиб, йиртиқ-ямоқ чопон кийгизилган ёғоч қоровулга қарагандай беписанд қаради. Кейин кўрсаткич бармоқларини сихдай тикрайтирганча, терчилаган манглайига тиради, ботиқ чаккалари оша, бужмалоқ қулоқлари ёни бўйлаб, то териси салқи жағи остигача чизик тортди...

— Бошқа жумбоқ йўқ, — деди у ниҳоят босинқи товушда.

Кимдир кулимсиради, кимдир секин оҳ тортди.

Энди Иноғом Насимий, ажиб бир ҳайбат тўкиб турган Чархпалакка тикилганча, теран сукутга толди, ичида борини тўкволгани учунми анча мамнун эди. Ихтирочи йигит сирли бир тарзда ўзига яқинлашган, аникроғи, бошқалар учун тоабат зимзиё қоладиган ўз оламида сайр қилаётган эди, унинг юпанч ато қиладиган майли қай бир сонияда Саидбек Умарга юққандек бўлди, аммо буни ошкор айлашга ожиз эди, фақат устозлик туйғусигина нимадир дейишга даъват қилди.

— Укажон, осмон узоқ десалар, ишонма, ер қаттиқ десалар ҳам ишонма, — деди у ғуссага тўлиб. — Нимайки кўрдик — ўзимиздан, ўзимизда йўғини бор қилдик. Ақлим кирибдими, а? Оббо, дор ёғочи тагига кеп қоппан-да!

— Яхши ҳамки бу дунёда сиз борсиз! Сиз қўллаган тадбирлар майиб дунёни қайтадан оёққа турғизди, айниқса, керагида камина ёнига таскин бўлиб келишингизчи! Кўп қарздорман сиздан, фақат бу гал узрни мендан эмас, ўзингиздан сўранг.

— Ишқилиб мен кўнглингни ковартирганим йўқми?

— Э-э, устоз, унақа деманг-да, сиз унақа майдачуйда тугул, мана шу дунёсининг ўзидан ҳам баланддасиз, — кўнғир соқолини силаб, қалин қошларини чимириб қўйди Иноғом. — Қани, айтинг-чи, ким етишипти шунақа мартабага! Халигача сиздан бошқа бир тирик жон етишгани йўқ!

— Қўйсанг-чи, мавриди эмас!

— Қачон бўлади мавриди?

— Билмадим... Балки ҳали-бери бўлмас!

— Бўлмаса... Хина қўямизми? — мийғида кулди Иноғом. — Ҳа, сиз барибир юксакдасиз, мана шунинг учун ҳам сизни доим кадрлайман. Ахир фаразларингиз каминага толмас қанот бўлганини қандай инкор этайин!

— Ростдан ҳам шунақами? — дёди қувониб олимлар сардори. — Демак, сен мен кашф этган қонундан ҳам баҳраманд экансан-да?!

— Ие, устоз, одамни ерга урманг, ундан ким озиқланмаган?! — деркан, шогирд чехраси аллатовур тиниқлашиб кетди. — Қанчалар жозибали одамзоднинг сиз томон талпиниши! Фақат, айтинг-чи, устоз, сиз ўша қонунни эмас, ўша қонун сизни кашф қилган эмасми?

— Сен ҳақ десам, уялиб қоламанми?

— Аммо Улуғ таваллуд вақти яқин эканини ёдда тутинг.

— Фойдаси бўлармикин?

— Мановини биргаллашиб тундик, жа бўлмаса шу тасалли берар!

— Йўқ, бу сеники!

— Балки сизникидир?

— Шаккоклик қилма, укажон!

— Имзонгизга келсак... Бундан маъқулини кўрмадим. Ахир, ҳар бир одам ҳеч бўлмаса ҳаётида бир марта рост гапириши ёки энг тўғри ишини қилиши керак-ку!

Шундай дея, Иноғом Насимий беозоргина жилмайди, аста қўл ҳам силкиб қўйди, аллакимлар билан шунча-

ки кўз ҳам уриштирди, яна жилмайди, ҳатто пиқ этиб кулди ва Чархпалак зинасига оҳиста қадам босди...

Зил лаҳза кечди, теран жимликда пашша учса эшитилади, ҳамма мунғайиш ила Иноғомни кузатади, у ҳануз хотиржам, лаблари илиқ кулгига мойил, зинанинг энг юқори поясида турарди. Нечундир бу палла Чархпалак хомуш тортиб қолгандек эди, энди ҳовликмас, бир маромда шошилмай ҳаракат қиларди. Ниҳоят ажиб бир ҳайрихоҳлик билан пишқирди, сўнг кумуш тусли бақувват жағларида ҳануз илжайиб қўяётган мижозини анча муддат авайлаб тутиб турди, чолғучилар сал жазавади бир куйни чалувдики, мис-бронза занжирлар ва ҳалқачалар билан безатилган эшигини ёпди...

Тахминан яна бир сония теран жимлик ҳукм сургандан кейин Чархпалак ногоҳ феълини ўзгартирди. Шаклу шамойили дағал, бесунақай тусга кирди. Қовоғи солинди, калта-калта пишқирди, таянч ўқи атрофида бир айланиб тўхтаркан, қоқ манглайда, чилт қизил қўшалок бўртиқ кўзи остида тўртбурчак туйнук очилди, шу заҳоти ялпоқ ва ихчам соадат сандиғи шиф этиб ташқари сурилди. Сандиқ жозибали эди, кумуш суви юритилгандек ярақларди, учидаги айлана тирқишгина киши нигоҳига сал оғир босилар эди, аммо ҳозир тирқиш сочи сийраклаган бошни ҳам, кўпиклаган кўм-кўк тилни ҳам тоабат паноҳига олгандек туюлаётган эди...

— Қалай, ўнғайми? — сўради Бо-бош нари-бери юраркан. — Бунинг миридан-сирини биздан яхшироқ биласан. Ақлинг жавҳарини сарф қилгансан. Тўғрими? Балким ками бордир? Сезсанг, тез айт, тортинма, ҳеч нарсани аямаймиз. Хўш, эсладингми? Кўп чайналиб, бахтингни кемтик қилма!

Иноғом вакил отага таассуф ва ачиниш назари билан қаради, ҳа, шундай тикилдиги, қалин қошлари туки тикрайиб, ўртасида тик тушган тугун чуқурлашди ва қароқларини ютиб юборгандай бўлди...

— Палахмон!..

Ранг-қути ўчган Пўлат Қосимий амирона қичқирган хамоно бир неча бор оғир-оғир силкинди. Чархпалак ва муҳофазадан ҳужумга ўтаётган йиртқич каби ҳўрпайди, тошбақа зирҳига ўхшаш оқимтир-қавариқ қалқончалар зарбланган чўнг елкасидан йўғонроқ найча шаклида-

ги қизғимтир қувур ўйноқлаб чикди. Икки четидаги тешикка галвирсимон ойнача қопланганди, ўшалар ўйиқчаларидан илкис алвоний чақмоқ отилди ва қай бир нуқтада исёнкорона кесишди, гўё кўпдан бери бири билан куч синашишга интиқ шамширлар тўқнашди. Кўпчилик не ҳодиса рўй берганини пайқамай ҳам қолди. Ҳатто не сиру савдолигини Иноғом ҳам сезиб улгурмади. Қарашида ҳануз хотиржамлик барқарор, ҳатто чехрасида ҳам ним кулгига мойил осудалик ҳукмрон, фақат ҳали кўпчиган лаблари орасида осилиб турган тилигина жойида кўринмасди.

— Палахмон!..

Энди бошқон эмас, Бо-бош қичқирди.

Бошқон каби у ҳам ошкора амр қилмади, чамаси, бунга ҳожат ҳам йўқ эди, овозида зухур нозик маъно абжир Палахмон фаросатини тўқис-туғал ишга солиши учун кифоя бўлди. Ҳартугул пулт эгаси хоҳиши билан Чархпалак таянч ўқи атрофида яна бир марта анча жадал айланди. Юмалоқ ойнаванд туйнуклардан ичкари манзараси, жумладан, оқ попукли сариқ-пушти парда, мўъжаз филдираклар, тутқичига чарм ёпиштирилган замбил, чивиксимон симлар, сип-силлиқ темир курси, энлигина табло, қўшимча бошқарув мосламалари яққол кўриниб турарди. Ёп-ёруғ нурда сандиқ сокин йилтирарди, майин-майин таралаётган куй ҳароратидан Иноғом эриб, чалқанчасига бемалол ётар, кўзлари чирт юмук эди. Бўйнига офатижон санам кўллари каби чир-машган юмшоққина ипак тасма секин-аста қисқараётгани англашилди.

Ниҳоят у тап-таранг бўлиб, Иноғом Насимий киприклари жонланиб, кўз соққалари қўш пиёладек йирик-лашган маҳалда бурчақдаги бошқа бир найсимон қувур сурилиб келди.

Лазер мил! Сандондан сачраган учқунга ўхшаш бу фикр Саидбек Умар кўнглидан кечар-кечмас қил каби нозик қўшалок тола-нур кескин бир алфозда йилт этди. Лаҳзанинг мингдан бир улуши! Эҳтимол, бунча ҳам фурсат кечиб улгурмади: аммо шу қисқа вақт мобайнида мил ақл бовар қилмас даражада шиддат билан ишини бажариб улгурди. Қайси босқич амалда? — буниси номаълум, фақат қилт этмай бемалол чўзилиб ётган мижоз недир ҳаяжон, недир куч ҳада этган лаззатнинг



аста-аста тебранаётган тўлқинига фарқ бўлди, сўнгсиз бир сурур туяётганини кўкси зарб ила пайдар-пай кўтарилиб тушаётганидан ҳам пайқаб олиш қийин эмасди.

Бари оддий эрмак, бари соддалик мезонига асосланган, фақат бу ҳол маромини ўзгартириш иложи йўқлиги таажжубга молик эди, ушбу маънога ишора берган каби, бир маҳал йўғонлиги ва мукаммал ишлангани билан аввалги қувурлардан анча фарқ қиладиган телескопсимон мослама пар ёстиғи ва пар тўшагини мижоз ихтиёрига ҳавола этди, тагин ҳам шафқатли ва тадбиркор эканини исботлашга киришган сандиқ тепасига силжиб борди...

Қопқоқ товушсиз ёпилди.

Қопқоқ қирраси Иноғом Насимий бўйнини адашмай топди.

Танлаш имкони энг сўнги фаройиб имкон бўлиб кўмакка келди.

Чамаси у бира-тўла икки тугмачани босди...

Томоша аҳли буни сезмади, томоша аҳли Чархпалак рўпарасида тошдек қотиб қолган эди, фақат Саидбек Умаргина лазер қилич билан лазер найза тигларида мангу фароғатнинг оний шукуҳи ва далдаси атиргул япрофидаги субҳидам шудринги янглиғ товланиб кетганини элас-элас илғади...

— Саидбек, о?! — кафтини кафтига ишқалади Бо-бош.

— Шўнғиб кетибсиз-ку тоза, а? Қойил, сизга чиқазган экан завқланишни! Аммо ким ҳам бунақа аломат ҳодисадан бебаҳра қолишни истайди?!

— Э-э! — деди Саидбек Умар кескин қўл силтар экан. — Бариси сизга буюрсин!..

Ўнғайсиз аҳволда қолган Бо-бош хўмрайганча нари жилди...

Беихтиёр Саидбек Умар вакил ота кифти оша нари томонга қаради, қарасаки, ранг-рўйи деворга айланган Фузайл қоқ ерга узала тушган, кўзлари юмуқ, нафас олиши узук-юлуқ, босриқаётган одам каби лабларида титраниш, ингроқ... Билдики, Фузайл ёлғиз эмас, унақалар кўп, ҳар жойда саржиндек уйилиб кетган эди. Гумашталар Фузайлни замбилда ола кетишди. Ҳануз Чархпалак кўкрак кериб турарди. Баданидаги симлардан гўё сас таралади...

— Ўзим Азал!

— Ұзим Абад!

— Шеригимдир Ёртилик!..

Эс-хушидан ажраёзган Саидбек Умар эпчил гу-машталар ортидан бир ҳадик билан тикилди, сўнг нигоҳини Чархпалакка олди, Чархпалак хайбатига хайбат қўшилгандек туюлди, гажак симлардан узилаётган ҳалиги овозни яна эшитди, кўнгли чучмал тортди, бу ҳамиша оч, осонликча тўймайди! — деб ўйлади, сўнг нимагадир номи бору ўзи йўк иттифоқ аъзолари тарафга борди. Ҳксиниш тикилди бўғзига, жавдираётган чувак бир йигитни аста кучди, аммо унга тик қарашдан чўчиди. Яхшики булар мени танимайди, деган ўй урди миясига, лекин улар ўзини танимаслиги елкасидан босиб турган юкни енгиллата олмаслигини мулоҳаза қилгач, афти буришиб кетди.

Чархпалак ён-верида анча муддат тентиради, мажол-сиз эди, ичида эса нимадир симиллаб ёнарди, лаҳза сайин одам кўпайиб бораётганига айникса ажаб-синди. Тавба, булар мўр-малахдек ер ости йўлагидан чиқиб келишаётирми? Сарой ҳавоси димиқиб кетганидан нафаси қийилди, девор ҳосил қилган оломон орасидан сирғала-сирғала зўрға ўтволди. Аммо бўсага бешбаттар тирбанд эди, нимагадир дағдаға қилаётган кимсалар Саидбек Умарни занжирдек ўради, кейин эса қайгадир ёғоч каби суриб юборди. У умбалок ошиб тушгандай бўлди, аъзои бадани сирқирарди, аста ўзини ўнглаб, нотаниш рассом чизган ҳалиги расмни кўрди. Кутилмаган бу ҳолдан дилига кўркув оралади.

Қизиқки, бу ер ним қоронғи, ҳатто тап-таранг су-кунат исқанжасида эди, олис, бемаъно йўл босиб, по-ёнсиз ўрмонда адашган кимсадек гангиди, ташқарига чиқволиш учун ошиқди, қай маҳалдир йўлини тўсган девор тез юрса шитоб, аста юрса секин тисарилаётганини пайқади.

Аввал бу ҳолга ишонмади, кейин ишонишга мажбур бўлди, сарой эшигини мўлжал олиб, гоҳ чопди, гоҳ йўрғалади, бир пайт ўтовни эслатадиган катта-кичик шийпончалар рўпарасидан чиқиб қолди. Илкис тўхтади, сўнг юрак ютиб, бири яқинига борди. Ногоҳ кимдир бетига муздай сув сепган каби бир сесканди, кўрка-писа кўзларини ишқалади. Аммо кўриб турган манза-

раси ўзгармади; кимларнингдир таналари қалашиқ... Фақат Фузайл алоҳида, гилдиракчали замбилда осуда ётар эди. Шовурни эшитиб, Фузайл зўр-базўр турди, Саидбек Умарга ётсираб қаради-да, елкасини учириб қўйди. Аллабир ланжлик билан ҳомуза торгач, истамай жойига чўзилди.

Саидбек Умар дағ-дағ уча бошлади...

Фузайл беҳолгина алаҳларди, у аввалги Фузайл ҳам эмасди, кенг дунёга сизмай эрта қартайган кимсага ўхшарди, илгари катта-кичик суқини қўзғайдиган тим қора жингала сочлари энди кўркини йўқотган ва ўрик гулидек опшоқ эди.

Йири, қалампирдек аччиқ йиғи тикилди Саидбек Умар бўғзига, лекин билмасдики, йил қадар узун туюлган кеча ўзининг ҳам омонат маслакларга тобе бошини надомат қировига белаган...

Яна билмасдики, қай ердадир, ховли-боғ ўртасидаги улкан ҳайкал панасидами, ғарбий кўрғон пойидами, гулобий бино қирқинчи қаватидами, новча, серсоқол Чумоли, могорлаган қоқ нон кавшай-кавшай, йўлини пойлар эди...


Лекин у ҳозир Чумоли ҳақида ўйлашни сира ис-тамасди...

Ҳозир ҳуш-хаёли Фузайлда, гангиб ўзини йўқотган маъбуд эртанги умиди нишонаси эканини оталик сезимлари билан яна бир қарра англаб турарди, шу туйғу сеҳрладими, енгилгина энтиқди, осмону фалақдан сокин бир нур ёғилиб, бутун борлиғи фарзанди жисми-жонига кўчиб, шуури ғубордан холи, нияти-мушоҳадаси холис болақайга айланди; сўнг тўсатдан пайдо бўлган ва олов каби товланаётган Фаришта, қўлидан ушлаганча, тасавурида яшаб келган ҳамиша уйғоқ осуда манзилга етаклади.

Поёнсиз уфқ билан туташ денгиз бир маромда даъваткор шовулларди, ўзига сизмай тошаётган тўлқин соҳилнинг сирли манзарасига сайқал бергандек...

Барқарор бўёқлар кўнглини эзгулик нашидаси билан лиммо-лим тўлдирди, ажиб сархушлиқдан эриб, ҳайқирмоқчи бўлди, аммо улгурмади, тоғ этакларида ястанган ям-яшил ўрмон ичидан алп келбатли Улуғ Кўкбўри чиқиб келди. “Хайрият, у бор, у тирик! — дея тотли бир хўрсиниш билан

шивирлади. — Азалу Абад Чархпалак эмас, Азалу Абад улуғ аждодим — Кўкбўри!” Зангор мавжлар юваётган соҳилда адл турганча шу сўзларни тез-тез такрорлар, энди жунунваш денгиз улкан косасида эмас, гўё безовтаҳол юрагида чайқалар эди. Руҳи чарогон тортиб, олам билан бирлашиб бораётган ушбу паллада уни қутламоқ тилагида сўқмоқ бўйлаб Кўкбўри залварли қадамлар ташлаганча ошиқиб келарди, Кўкбўри қадди-бастида нажот ёлқини жилва қиларди, ниҳоят у мангу тирикликнинг ўзгинаси бўлиб кўрина бошлади Саидбек Умар кўзларига...



ИККИНЧИ КИТОБ

# ЭНА КЎКБЎРИ



## БИРИНЧИ БОБ

### I

Одамзод нахот ўзини ўзи тафтиш қилишдан кўркса?

Одам боласи, ё дўст, ё ганим авра-астарини ағдаришга қолса, дарҳол шердил бўлиб, енг шимариб кириша кетиши — оқни қораю қорани оқ дейишдан тап тортмаслиги нимадан?

Ҳар иккала ҳолатда ҳам дахлдор арзигулик сабаблар кўп...

Тавба, Саидбек Умарга қай бириси ойдин, қай бириси қоронғи...

Вақт топганда кўп ўйлаган бу борада, афсуски, ҳар гал бирон тайинли тўхтамга келолмаган, аксинча, мулоҳазалари калавадек чуваланиб, ичида недир дард бадтар газаклагани қолган.

Кейин унча-мунча ихлос қўйди бир фикрга...

Шунга кўра, тириклик дунёсида ҳар бир банданинг фақат ўзига мослашган, ёлғиз ўзигагина беминнат хизмат қиладиган тарозиси муқаррар мавжуд, ўша тарози мазмунан ҳам шаклан Адолатнинг қадим қондаларига уйғунми, йўқми, буни ҳар ким ҳам айтолмас ва лекин билганидан ҳам қолмас. Бу дунёда ҳар кимники ўзига, бу дунёда ҳар ким яхшини ҳам, ёмонни ҳам ўз тоши ва мезони билан ўлчашга ишқибоз.

Асли, ҳамиша палланинг бирида савоб, иккинчисида увол...

Қайсиниси босиб тушаркин?

Истеҳзо ва кесатиқ билан тўладек туюладиган ушбу савол айниқса кўпроқ қийнар. Негаки, бунга ҳам жавобдан дарак йўқ, аниқроғи, бори ҳам мавҳум ва ғужала...

Яқин-орада, Чархпалак тақдимотидан кейин, Саидбек Умар бошқача изтироблар гирдобида суза бошлаганидан тонмас. Оҳ, шогирдлари Иноғом Насимий ва Носир Дамин билан биргаликда йўл қўйган мудҳиш хатола-

рини тузатиш иложи борми? Нега у абадий мағлубият билан тенг битимга имзо чекишдек бедодликка осонгина кўна қолган? Қўл киричалик қадрли йўқ мол-давлат, сув сиртида бир ялтираб сўнадиган пуфакка ўхшаш амал-мартаба, бугун бору эрта ному нишонсиз кетадиган обрў-шуҳрат ширин ва қадрли туюлганмиди шунчалар?

Бўлса бордир, бироқ кўнгли бир четида каттамикичик мақсадлар ҳам учкун бериб тургани муболага эмас, масалан, аср охирлагани сари қанақалиги номаълум кўчага кириб бораётган бани башарга далда бўлиш учун интилгани... Ва тириклик яралгандан бери ўзаро талашиб келаётган Руҳ ва Таннинг мангу иттифоқиға замин яратиш, Руҳ ва Тан орасида эътиқодға асосланган уйғунлик ва биродарлик кўпригини бунёд қилиш учун ўзини суву ўтга қанчалар ургани... Ёлғони йўқ: жамийки имкониятини шу йўлда сарфлади, оқибат нимага эришди, нимага?

Бир ётишгани Чархпалак... Ҳаёт юзини кўрган кунданок Чархпалак гулобий бино заминида ўз ҳукми ва назоратини ўрнатди. Барча бўйсунушға мажбур, ана, ним ёритилган ер ости йўлаги бўйлаб, бирин-сирин судралиб чиқаётган маҳкумларни бир умрлик роҳат бахш этувчи сирли кучоғиға тортаётир. Ажабо, соч-соқоли ўсик, афт-башараси кўпчиган, кийим-кечаги увада бу каслар гуноҳи нимайкин? Хўш, ўгли Фузайлни қанақа жазоға лойиқ топишмоқчи?

Саидбек Умар нафас чиқазолмас... Жимгина кунишганча кучли ёритгичлар шуъласида бетларида завку шавқ ифодалари порлаётган Пўлат Қосимий билан Бо-бошға хитланиб тикилар. Булар учун увол билан савобнинг фарқи қолмаган шекилли. Нима, булар биров яшаши, биров ажалға ем бўлишини белгилаб бериш учун келишганми дунёға? Балки кўҳна дунёни бошқаришдек масъул вазифа ҳам айнан шулар ихтиёридадир? Сира уялмай, баланд томдан оша келиб, ҳеч бир қуюшқонға сирмайдиган буйруқларни беришаётганиға куласизми ёки куясиз?

Бошларига думалоғи жигарранг, гардиши ола-сарик дубулға кўндириб, эгниларига оч-яшил ихчам камзулшим кийволган абжир гумашталар изғир теваракда, улар баджаҳл ва тажанг раҳнамолари оғзидан чиқадиган ҳар бир сўзға маҳтал, керак бўлса, тоғни кўтариб келишар елкаларида. Ҳар бир имоси тағида бир олам маъно

яширин Пўлат Қосимий билан Бо-бошга ҳамишагидек Жобир Кирпи кўпроқ пой-патак, Нишон унга тақлид қилиш билан овора, бинобарин, ҳакимлар сардори Гулбиддин, махсус курсантлик мактаби мудирин Али Шаҳобий, етимхона каттаси Эсон Оқбўта ҳам сира бўш келишаётгани йўқ: нуфузларини янада ошириш илинжида чоғи, ҳар ерда ҳозир у нозирлар. Ҳамиша манфаат ва нафс тарафида муқим турувчи Хушомад нималарга қодирлигини ўла-тирила исботлаётганини биров сезса, биров сезмас. Нималар эъоздаю нималар хорликка грифтор эканини ҳам билиш қийин...

Бир авжига миниб, бир пасайиб қоладиган тўполонда яна бир кимса тортар эътиборни, фақат у бошқаларга қараганда анчайин қаримсиқ: елкаси хиёл чўккан, рангрўйи заҳил — ажиндор, чўзинчоқ иягида бир тутамгина соқол, аммо бурнидан тортса йиқиладигандек туюлса ҳам, қадам олишлари анча енгил, ҳаргиз ўзини эпчил ва бақувват кўрсатишга тиришиб, ҳаққадек учиб-қўнар ва асосан эришаётир муддаосига.

Тавба, бу устаси фаранг ким?

Мулла Саид, пешонангдаги нима, кўзми ёки пўстак йиртиғи, наҳотки танимадинг, ахир, у керагида топиламай, нокерагида оёғинг остида ўралашадиган Сайфи гушпининг ўзгинаси эмасми? Ана, сен томонга қайта-қайта синовчан назар солаётир, мақсадини тушуниш қийин, ҳарҳолда нимагадир қулай пайт пойлаётгани шубҳадан холи эмас.

Қурт тушганга ўхшар Сайфи пайтавасига, зарил бўлса-бўлмаса пилдираб юрибди Чархпалак ён-вериди, гоҳо кимларгадир сирли имо-ишоралар қилиб, кимларгадир илмоқли ҳазил ҳам отар, айни пайтда, саф тортган мулозимлар панасидан Саидбек Умарга хуфия тикилгани тикилган — нигоҳида баъзан истехзо учқунлар, баъзан ифтихор, баъзан ошқора пўписа... Нигоҳи тошдан ҳам каттиқ туюлар Саидбекка, тавба, намуноча жиддий нишонга ола қолди уни, муддаоси нимакин?

Энсаси қотиб, бир хил рашликка чулғаниб, Саидбек секин гавжумроқ жойга жилди, очиги, таажжубга молик фавқуллода таъқибга чиқолмай, руҳи синганча панароққа қочди, лекин фойдасиз бўлиб чиқди бу ҳаракати, негаки, қайга бормасин, ўша ерда аниқ-равшан сезарди қадалиб турган назарни.

Қачондан бери билар, у — учига чиққан ғалвақаш,



битта-яримта бахти қаро билан ўчакишса, тамом, эмак-латиб, тавбасига таянтирмай, ниҳоят бошига етмагунча кўймас...

Саидбек ичини гўё мушук таталади.

Ҳозир ким ҳам қизиқарди ахволига, анов уймалашиб турганлар шунчаки хангоматалаб: ўт тушса тушсин дунёсига, томоша бўлсин. Ёпирай, одамзод намунча ўч шу савилга, текин ғалва, текин можаро, текин ғийбат деса, ўйламай-нетмай томдан ташлар. Биров азоб ютганда биров завқланса, аллаким омади чопганда кимдир ўзича куйиб-қоврилса, ажабо, қанақа қурилган бу дунё?

Яна Сайфи назарини туйди, Сайфи киприқларидан таралаётган кўринмас-сирли тўлқин ўраб-чирмаб олаётир шуурини. Лаънат бўлсин, қачон хом ўрган бунинг арпасини? Чирт узилди ичида нимадир, хўрсиниб кўксини чангалловдики, Пўлат Қосимий амри янгради, ниҳоят тозидек чаққон икки хос гумашта узун-энсиз латта замбилда ҳушсиз ётган Фузайлни қайгадир ола кетди ҳовлиқиб.

Энди қафасдаги қушдек потирлай бошлади Саидбек Умар юраги: ҳали ўн гулидан бир гули очилмаган дилбандини қутқариши учун нима қилиши керак?

Кейин, миясига бир мудҳиш фикр урилиб, нафаси қайтиб кетаёзди: эвоҳ, Фузайл ўз қисматини такрор қилаётир! Ўлат тексин барига, эрта бечорани ўғирчага солишар, эти-суягини қиймалаб, ақли-ҳушини надомат сандонида пешлаб, турки-таровати бошқа одам ясашар, вакти-соати етиб учрашишса, хайҳотки, ота-бола тани-ёлмас бир-бирини.

Азалу абаднинг бир бежоғли, бир вайрона айвони кўп галат экан: дилхуши эрмаги беҳисоб, дилўрттар қайғуси етарли, дилқувнаттар совға-саломни ҳам кам эмас. Барисини олдинма-кейин кўрди салмоқлаб, лекин энди нимасига севинсин. Кечаги кунидан ёлчиганини ўйлаб овунарди, афсус, ёлчимаган экан, бугуни қандай кечаётир, эртаси нималар ҳозирламакда — фаҳми олмас.

Анчадан бери эртанги кунини яшаб тугатгандек бир ҳолатни туяр сезимларида, нечун? Нечун шундайлигини билмас, аммо гўё шу фавқулдда ҳодиса умрининг қай бир босқичида аллақачон рўй берган, ҳа, эртаси можароларини шоша-пиша яқунлаган, сўнг кўнгли орқали кечмишига сакраган ва кечмиши билан қовушган.

Ажабо, тоабад мозийда қолса, унақада бугуни нима бўлар, хайҳот, бугуни йўқми? Бор, кўксига кундек

ўрнашган, фақат унда яшашни, унинг лаззатли оғушига сингиб кетишни эпллмай гаранг.

Саидбек энтикиб кўйди, кай маҳалдир ажаб бир сурурга тўлди, ёришиб борарди олам... Дикқат қилсаки, шундоқ осмонда тўлин ой навозиш билан жилва қилар, толим-толим кумушранг сочларини Қўйруксой теграсига ибо билан ёйиб ташлаган. Аллақачон бутун қишлоқ уй-қуда, фақат биргина хонадон уйғоқ, у, оққўнгил бекаси Ҳазора момо тили билан, қадимда Энабоши унвони ила танилган Эна Кўкбўри қиссасини тўликиб сўйлар...

Кўзлари чарақлаб тикилар даврага: бунда фақат иззат-икром аҳли жам, дастурхонни фақат сархил егулик эмас, файз-барака, эътиқод ва эҳтиром неъматлари ҳам беаган. Илоҳий тўкинлик кичик жамоани сеҳрлаб кўймиш, эзгу ниятларга ихлос қўйган жамоа чечанликда тенги йўқ бекани гоҳ ботинан, гоҳ зоҳиран олқишлар. Қатордан қора-кура жужуклар ҳам жой олган, улар орасида Саидбек, алоҳида ихлос билан, ажиб оламга кириб қолганига инониб, ширингина мўлтираб ўлтирар. Ақлу хушини Кўкбўрилар қисмати ўғирлаган, сеҳргар сўзлар таъсирида ўзини Кўкбўрилар ёнига қўяр-да, ажаб ҳисларга чўмиб, ўзига ҳам, ёруғ дунёга ҳам сирмас. Ҳар замонда энтиккан кўйи кўз қирини ёнгинасида қўр тўккан, чехрасида недир орзиқиш ифодаланган Бўзтойга тегирар. Бўзтойни-ку билмас, ўзи, ҳа, ўзи бурун замонда Кўкбўрилар билан Сариеўғлар орасида кечган сиру савдо ичра девона янглиғ саргардон: гоҳ овзи-боши, гоҳ жигари қон, баъзан кўзёш дарёсида сузса, баъзан хун-зардоб уммониға фарк, борингики, хаёли чуваланар-да, у ҳам ўша лаҳзаларда ўзини эртақнинг машаққатларга тўла дунёсига сафарбар қилар, азал ва абаднинг қўним ва кўрқинч нималигини билмайдиган елвагай аскарига айланар...

Ана, осмон энкайиб кела-кела замин билан юмшоқкина ачомлашар, гўё чор-атроф тилка-тилка, муаззам иморатлар гардишини рутубат кучиб, тириклик нашидаси қайларгадир чекинган, ҳавони найза-шамширлар қарсиллаши ларзага солар, камон ўқлари илондек вишиллаб учар, ҳаёт-мамот жангига кирган навкарлар кўкси аёвсиз тиглардан пора-пора...

Қиёмат-қойимни эслатадиган манзарани қоялар панасидан кузатиб турган Саидбек билан Бўзтой бағри ҳам чоку чок, энди улар не қилсин, борса келмас билан

юзлашган шахидлар ёнида қаро ер тишлаб, сукунат кафанига ўраниб, видо айтгани ҳам ярамай, афтодаҳол ётишсинми? Илож қанча, зеро, пештахтада зару зевар ёйиб, асли мис ва нуқра билан савдо қиладиган тақдир азал инилари — Кўкбўриларни аямаган экан, улар ҳам ўзларини ўшалар қаторига қўйишса не қилур!?

Ғалабага бир қадам қолган, ғалаба нашидасини суриш учун Саидбек билан Бўзтой ҳам дилдан ҳозирланар, ҳатто яроқ тақиб, наъра тортиб, майдонда жавлон уришга ҳам улар рози, алҳол, жўшиб савашаётган Қорахон баҳодирга офарин айтишар, лекин нима бўлди улур хоқонга, нечун ортга бурди тулпори жиловини?

Ҳамиша шу ерида Саидбек, баданига минглаб игна санчилгандек оҳ чекиб, телбаваш инграган, э, моможон, шу жойини четлаб ўтинг, қиймаламанг юрагимни, деган маънода уй соҳибасига термилган, афсуски, бунинг иложи йўк: бир маромда янграйдиган сеҳргар сўзлар инон-ихтиёрини ўғирлайверган, кўнглини сўнгсиз изтироблар тўфонига гирифтор этаверган...

Мана, аини фурсатда ҳам у — ўсмир йигитча, ақлу идроки, тасавури ва ҳатто сезимларида ўша манзара лопиллаганча қизгин тусда жонланаётир: Бўзтой билан чопачопача етиб борар жанг майдонига, ана, Кўкбўрилар қўли устун, улар ҳадемай саркаш зафар отига нўхта уришар, зеро, Сариевлар ҳоли танг, улар сичқон инини ижарага олиш пайида. Фолиблар ҳайқириғидан борлик титранишда, эвоҳ, шу лаҳза қора кўпикка ботган бедовини чоптириб келган чопар майдон узра хилпираётган, Улур Кўкбўри суврати акс этган байроққа умид кўзини тиккан Қорахон баҳодир пойига йиқилар. Даҳшатли мужда! Энди зафар байроғи хилпирамас, шаҳаншоҳ эса, нақд юрагига тиф ботгандек, чирпаниб ўқирар, кўз ўнгида дунё зимистонга айланар. Бас, ёлғон! Ундай бўлиши мумкин эмас, Ойнигор малика она сутидай пок аёл, номус-орини гард тегизмай асраш учун жонини ҳам аямас. Ўтрикка нега ишонсин, ўт сочар хоқон кўзларидан ва сапчадек узганини билмай қолар чопар калласини...

Саидбек — болақай, ҳа, ҳозир ялангоёқ, ялангтўш ўсмирга айланган, мўйлаби сабзалаган пайтларда хаёлига ўрнашган ва унутилиши душвор саргузаштлар ўлчамида ўралашиб юрадир. Ҳозир Чархпалакни, Пўлат Қосимий билан Бо-бошни унутган, тасавурида — Қорахон

баходирнинг ғазабдан кўкариб кетган башараси, ҳавода яшинвор ўйноқлаган кескир қилич... Ниҳоят Кўкбўрилар тахтада виқор тўкиб ўлтирган, елкасига йўлбарс терисини ёпинган, ғолиб келганини мамнун кулгиси билан изҳор этаётган сариоёғчи ҳукмдор этагини ўпиш билан машғул Ойнигор ва унинг пушаймон ёшларига тўла шахло кўзлари... Ана, маликани саҳрои кабирга якка-ёлғиз бадарға қилиш ҳақида фармони олий ўқилар: йиртқишларга ем бўлсин. Энди у, сочларини юлиб, кўксига муштлаб, ғиғон чекар, лекин арзи-ҳолини ҳеч ким эшитмас. Чорасизлик ўтида қоврилганча шўрлик бадар кетар, бир амаллаб дала-дашт ваҳимасига чап берар, узоқ йўл юргач, шовуллаб ётган бир ўрмонга етишар. Нажот қайда, буни билмас, эртаси нима бўлишини ҳам билмас. Ҳамроҳи — ёлғизлик ва йиғи. Сўнг, вужуди билан боғлиқ, ана-мана рўй беражак инқилубга ҳозирланар ва қай бир лаҳзада ёруғ дунё билан танишишга журъат этган гўдак ингалашни тутар чор-атрофни.

Ўша заҳотиёқ аллоҳ ҳукм битар: бир парча эт пушти-паноҳидан ажралиб, шафқатсиз тақдир билан юзма-юз қолар. Мана шуниси айниқса бедодлик... Энди не кечар гўдак ҳоли? Ажал чанғалидан бечора эсон-омон қутилармикин?..

## 2

Чақалок ёлғиз, эҳтимол, у шунга аза тутиб йиғлаётгандир чириллаб, ана, йўргаги — ҳўл хазон... Улкан чинор панасида дилдираб турган Саидбек билан Бўзтой совуқ лой суртилган пешонаси ва кўкрагига нигоҳларини маъюсона қадаган, эвоҳки, унга кўмак беролмай ҳар иккалови ҳам доғда, куйишиб-ачишаётган дилларида эса надомат тоғи бунёд бўла борадир.

Жўралар манфур ниятини амалга ошириш учун шайлана бошлаган асроилга лаънатлар ёғдиришар, ана, у анчадан бери қулай пайт пойлаётир. Буни Чақалок ҳам ҳис этар, лекин асроил ташрифини тақдирнинг муқаррар сийлови эканини аллақачон тан олган ва унинг хуружига ёноқларини юваётган ёшларини қарши кўйгандек туюлар. Ҳар замонда товушини кўтариб чинқирар, ким билсин, балки шу дамда кўп бора аждодлари кунига яраган улуғ ҳомийни даъват қилаётгандир қошига?

Олисда, Сулаймон тоғи бағрида яшар улуғ ҳомий...

Неча кундан бери у бедор...

Оламча кайғу чўккан чоғир кўзларига.

Ҳазора момо борича ривоят килади, қурукшаган лабларидан учаётган каломлар чўғлана-чўғлана Саидбек билан Бўзтой юрагига муҳрланар. Сўнг учи кўкка найзадек санчилган баҳайбат чинорни якқол кўришар. Чинор танаси — паноҳ: улар оқимтир-силлик пўстлоқни силай-силаё, бир-бирлари пинжига тикилиб, интиқ кутишар Эна Кўкбўрини. Улар фаҳмича, Эна Кўкбўри оқил дарға: кўхна дунёни осуда ва озода кўргиси келар, ғубордан холи мусаффо турмушни орзу қилар, аттангки, мард ҳам, номард ҳам мурувват бобида тенги йўқ сийнаси орқали ўтадиган шафоат дарёсини лойқалатишдек галат юмуш билан машғул...

Тағин, жўралар хаёлидан кечарки, Қорахон баҳодир кўшинидан омад куши юз ўгирганидан буён Эна Кўкбўри ҳаловатидан айрилиб, узлатга чекинган, кенг ва ёруғ дунёга сизмай қолган, бирон-бир тирик жонни яқинига йўлатишни истамас. Фақат ёлғизлик билан ошна, танҳо тортгиси келар айрилиқ аламини. Афсус, Қорахон енгилгани устига, тунов куни Кўкбўрилар қавмининг энг ишончли суянчиғи саналмиш эркаги — Улуғ Кўкбўри, шунингдек, избосар эгизаклари Олабўйин билан Алпинзўр Сариеўғлар ўқиға учган...

Эрта не кечар саодатли шажара ҳоли?

Жўралар мулоҳазасига кўра, мана шу ўйдан Энабоши, яъни Эна Кўкбўри айниқса кўпроқ ўртанар, кўпроқ кайғу чекар ва нимадир зил-замбил тош каби чўкар кўксиди. Сўнг, не қиларини билмай, жимгина чўзиларда, рўпарасидаги бир парча ойдинликка ҳайрон-ҳайрон тикилар: умид чироғи ўчиш арафасида, лекин барибир йўл қарашдан тийилмас, ажабо, бу эрмагида не маъно яширин?

Саидбек билан Бўзтой, Ҳазора момо таърифига шу қадар берилиб кетишарки, ўзларини Энабоши кўнглига кириб олгандек, ҳатто у билан бирга кайғу чекаётгандек сезишар.

Чиндан ҳам Энабоши дарди-ҳоли аён: тақдир найрангларини ҳамиша шижоат, шукрона ва қаноат билан енгган. Ҳозир эса, жўралар тасаввурича, бардоши ва эътиқодини кўмакка чақирган бўлиши керак. Ичи ловлов ёнар, лекин сир бой бермай, босиклик ила, чўққи, дала-туз, тўқай-ўнгирдан бир дақиқа ҳам кўз узмас,

зора хужайраларида меҳри мангу ўрнашган эгизакларидан бирови ими-жимгина, жовдирай-жовдирай кела қолса, келса-да, кун сайин тулун каби тўлишиб, гавдасини зирқирата-зирқирата босиб тушаётган сийнасига эркаланиб ташланса.

Айрилиқ захри нақадар ўткирлигини жўралар теран ҳис эта туриб ўқинишар, ҳа, бунга чидаш амри маҳол, маҳоллигики, Эна Кўкбўри ҳар қанча йўлга термилгани билан на Олабўйин кўринар, на Алпинзўр, шундоқ кўзи ўнгида думалаб-сумалаб, гуркираб ўсган ва қанотига кириб қолган эркатойлари дараксиз.

Жўралар армони ёнида бошқа армон томир отар, ахир, Энабошининг ҳаргиз меҳр кўргазигиша иштиёқи баланд сийнаси томирлари бўйлаб пайдар-пай оқиб келаётган тириклик шарбати билан лиммо-лим: сал қимирласа тошгудек, чайқала-шопирила тўкилгудек ҳолда. Илимсиқ, ёқимли, асалдай мазали ва роҳатбахш неъмат ҳар бир хужайрасида жўш ураётганини, эврила-эврила, ғавво солиб, бутун вужудини забт этаётганини ҳис этар лаҳза сайин. Бадани куйгандек бўлар, ҳа, энди у илимсиқ эмас — қайноққина, аста-секин шунақа мавж урарки, ҳар қанақа вулқон ҳам ҳеч нарса бўлмай қолар олдида. Таранг томирларини ёргудек бўлиб, иссиқ қони билан аралашиб, шитоб югургилай бошлаган илохий ҳарорат жудолик азоби поёнсиз эканини теранроқ англата борар улуғ ҳомийга. Сийнасини қамраган инқилоб уммонига тамом фарқ бўлгандай сезар ўзини. Гуноҳ билан савоб ўртасида қолар шекилли. Во ажаб, не қилар энди, овунчоқлари ризқу насибасини тупроққа, сувга, тошга, майсаю бутага соғарми?

Ноилож яна намчил, қаттиқ, бефайз ерга бовур берганини жўралар кўриб тургандек бўлар, шу аҳволида неча кун, неча тунни кечирishi номаълум, фақат бир нарса аён: қони-жонида гупираётган мўъжиза ҳадемай қадрсиз жолага айланажак, баданига сиғмай, хужайраларини эзгилаб, ўзи билан ўзи аёвсиз жанг қилажак, ниҳоят тирсиллаб кетган эмчаклари учидан тизиллай-тизиллай тўкилажак. Тақдир шуни истабдими — на чора, фақат қайси тарозида ўлчаш мумкин бу уволи азимни?

Аста ингранар, нигоҳида ғазаб алангаси...

Баридан Саидбек билан Бўзтой воқиф, оҳ, Эна Кўкбўри кечирган уқубатли онларни Ойнигор ҳам

кўрсайкан, афсус, у буни кўрмас, негаки, тан қалъасини жон қуши аллақачон тарк этган, ушбу паллада эгасиз жисми зим-зиё жар тубида қалашиқ муз тошларни афтодаҳол қучиб ётадир.

Жар теграсида, сокин ўрмоннинг хилват бурчида, Чақалоқ ўзи билан ўзи машғул... Гўё Чақалоқ ёлғизлик азобини енгишга қасд қилган... Ёху, мадад бер, фалак! У, ғазабни, нафратни, гина-кудуратни йиғиштирар-да, оёқ-қўлини типирчилатганча, бемалол наъра тортар, шунда бутун борлиқ бир силкиниб тушар (ҳангу манг қотиб қолар Саидбек билан Бўзтой), ботиний гулдираган товуши аршнинг зийрак қулорига етар зумда. Ногоҳ Энабоши ҳам эшитар, чўғ босволган каби безовталаниб қолар, фаҳмича, бу шунчаки наъра эмас, тақдири азал чорлови!..

Саидбек билан Бўзтой безовта: ҳали қоқ сахар, ҳали борлиқ ҳузур қилиб ухлар тун оғушида, лекин, қони, қони билан бирга қайноқ сути тошаётган Энабоши чидармикин тонг отгунча?

Курраи арз роҳат қўйнига чўккани сари нотинчроқ тепар Энабоши юраги, олисдан элас-элас келаётган сас — тонг насимидай покиза, шалола янглир жўшқин товушсиз товуш қанот берар руҳига: ахир, ҳам нажот тилаб, ҳам юрагини очаётган, ҳам ташвишга тушиб, ҳам замин гуноҳи азимга ботаётганидан огоҳ этаётган ким?

Ана энди Энабоши бир зум унутар сийнасидаги оғриқни, ўша оғриқ чангалига тушиб қолган жисмини. Айни пайтда, бирдан тасаввури ёришиб, бирдан танир сирли овозни, ғайратга минар, ахир, қайсидир хилватда азоб чекиб, нажот тилаётган, ноҳақлик қурбонига айланаёзган жон улуғ шажара ҳалқаларидан бири эканлигидан тониши инсофданми?

Борлиқ ҳамон уйкуда, чинор панасида ўтирган Саидбек билан Бўзтой ҳам пинакка кетган, фақат Энабоши бедор. Энабоши нафақат бедор, у вужудини чирмаган изтиробни енгиб, қоронғилик пардасини дадил тилкалаганча елиб борар ўрмон сари. Шахти шунчаки, поёнсиз замин кўзига нўхатча кўринмас. Тоғ этагига туташ гўшадан муаттар бўй анқир, у, масту масрур ҳолда, шу сеҳрли ҳид сари ошиқар, тезроқ етишса унга, тезроқ...

Ниҳоят тонг аста очар кўркам жамолини, ҳануз уйқусираётган ўрмон ва тоғ узра, паст-баланд қирлар белида шафақ шарораси... Хайбатли қоялар пешонасидаги ажинлар туғуни ҳам ечилар. Чиройи тўлишаётган борлиқни завқланиб кузатаётган Саидбек беихтиёр кийкириб юборар: “Бўзтой, қара, қарасанг-чи!” Япроқлари сокин шовуллаётган чинор тагида совуқдан қунишиб ўтирган, болдек ширин уйқу хумори тутгани туфайли қовоқлари кўпчиган Бўзтой хушёр тортар қутилмаганда. Нозик бир қулги инар кўқарган лўппи ёноқларига. Қулгиси бежизмас: субҳидам чоғидаги олақуроқ ёлқинда Эна Кўқбўри бир-бирини ачомлаган чўққилар яғринидан шиддат билан думалаб тушаётган олов шарга ўхшар ростакамига.

Жўралар кайфи чоғ: худо етказди халоскорни!..

Жўралар шукронасини сезган ва тасдиқлаган каби, ҳам энтиқиб, ҳам чўзиб ув тортар Энабоши, аммо палатонлар янглиғ бир-бирлари пинжида исинаётган ҳангоматалаб икки қиёматли ошнага бир қайрилиб қарамас, иримиға. Гурсиллатиб босганча, тарвақайлаган елинини валати селкиллатиб, безовта рингшилай-рингшилай, ўқдек зувиллаб ўтиб кетар ёнларидан.

Бўзтойни билмас, бироқ Саидбек ўзи бир нигоҳ отишдаёқ Энабоши қадди-бастидаги ғайрат, кучқудратни, ёлқин сочиб порлаётган кўзларидаги иштиёқ ва ихлосни яққол пайқаган, о, бу ёвузлик қушандаси, улуғ шажара бўғинларини хор қилиб қўймас, дея шивирлагани ҳам ёдида.

Қисқаси, ошиқиб, тўлиб-тошиб келган Энабоши ҳангу манг турган қадрдонларга ҳатто қиё ҳам боқмас, ёнларидан зув ўтиб кетар гурсиллатиб. Тушунуксиз бир ҳадик жам назарида, кўрсаки, унсиз нидо қилаётган Чақалоқ тупроқ ичра — тупроқ, хазон ичра — хазон, охирги кучини аранг йиғиб, шумшук азроил билан ҳарбу зарб айтишаётир.

Бирдан увлаб юборар чидолмай кетган халоскор, чунон увларки, шундоқ ҳам чийралиб турган борлиқни афсус тўзони тутар, бодрай-бодрай тўкила бошлаган борлиқ каби Саидбек сим-сим тўкилар, Бўзтой эса жазирамада қолган муз каби эриб оқар.

Мўъжиза рўй берар кейин жўралар кўзи ўнгида: ўрмон қувонч билан шовуллар, ўрмон мурувват назари билан боқа бошлар Чақалоққа. Ҳатто азроил ҳам ав-



зойини ўзгартирар: бетига зўраки кулгини ниқоб қилиб, чошгоҳ соясидек чекинар қайгадир.

Фароғатли сукунат нафаси сезилар ўрмон сарҳадида, чамаси, сониялар ажиб роҳатга чулгангани, борлик озорларидан тонганини Чақалок ҳам фаҳмлар. Эндигина қанот чиқарган қушдек жойида талпинар, ингалашини авжига чиқарар-да, ногоҳ йириб очар қуралай кўзларини: ажал фариштаси ўрнини эгаллаган жонивор қиёфаси намунча ёкимли, ёпирай, шафоат нури ёғилаётир тубсиз қароқларидан.

— Болам, сени танидим, — дер Энабоши тилга кириб.

— Мен ҳам танидим сизни, — дер Чақалок жилмайганча.

Сўнг кўзлари уришар, диллари бирлашар, томирлари туташар — фавқулудда жозиб мулоқот, еру кўкни жунбишга келтириб, ўрмондаги жамийки тирик жон ҳавасини кўзгар. Ҳеч қачон бунақа мўъжизага дуч келмаган парранда-даррандалар қувончининг чеки йўқ: адолат ҳимояси даҳлсиз. Рутубат ичра қийналиб кетган ўрмон жисмига ёруғлик сингий бошлаганини кўрган Саидбек билан Бўзтой ҳам ҳаяжонда, дилларида ғалати интиқлик уйронар. Тириклик заминиде кеча бошлаган хайратларга Эна Кўкбўри бепарво, ҳозир жонивор тасавурида Ойнигор жонланар: шундоғ хилқатни азроил илқига ташлаб кетгани журъат қилган зот қандоғ она экан?

Қани, қуралай кўзли митти паҳлавон, ўнгла ўзингни, тузукроқ ўнгла, ҳали лат еб улгурмаган ақлу заковатингни тадбир ила ишга сол, ҳийла-найранг қонга белаган кунлар ортда қолганини англа, намунча безовтасан ёки ҳалиям ўт ичидами танинг, о, ширинтой, чанқоқ лабларингни берирок чўзгин, тезроқ бўл, унақа тортинма, ҳозир ийманиб ўтирадиган вақт эмас, бунақа имилласанг борми, ҳозирок паққос ёрилар сийнаси, ҳей, гулбола, уқиб ол, ёв ўқига учган эгизаклари насибаси сенга буюрган экан...

Саидбек Чақалокдан узолмас нигоҳини, бинобарин, машъум хилватни гўдаккина қачон ижарага олганини эшлашга қодир эмаслигини дилидан кечирар. Ёруғ дунёга ташриф буюрганидан бери кўриб-билгани — азроил қиёфасидаги очлик ва совуқ, эрта-кеч ҳавони айнитиб турадиган ачқимтир ҳид... Кўникиб қолувди буларга,

лекин барибир дилида зимдан бир норозилик ҳам яшар анчадан бери: бадига урган заҳаролуд ислар, изиллаган намчил изғирин, эрта-кеч шивалаб ёғадиган ёмғир. Тамом безувди маънисиз ҳаётидан, буни қарангки, ёруғ дунёда таскин ва ҳузур ато қилувчи умидбахш бўй ҳам, ёгин-сочин ва аямаъжуздан ҳоли иссиққина паноҳ ҳам бор экан. Ахир, қайси паноҳдан кам Энабоши оғуши?

Чақалоқ қайтадан бошлади ҳаётини, Энабоши сийнасида кўрди ҳар нарсага қодир катта оламини. Не саодатки, Энабоши жисмида у тилаган жамийки эзгулик жам: ҳам хотиржамлик, ҳам тўкинлик. Эртанги кун қувончидан сўйлар юпқа лаблари оша ёноклари, ияклари оша бўйнига думалаган марварид томчилар. Энди ўзига чорлаб турган саховатли хилқатга зарра-зарра сингиб кетишга ҳозир, ҳа, бутун вужуди билан истаётир буни.

Чақалоқ чеҳрасига тикилганча Энабоши шукур қилар: яхши ҳам увол бўлмади эгизаклари ризк-рўзи, томирларини тотли бир энтикиш ва оғриқ мисоли қамраган мўътабар шарбатни кўкка соғмади, тупроқ ё қудуққа тўкмади, хайрият, яратган осон қилди мушкулини — омон қолди гуноҳи азим сари тойиб кетишдан.

Яна, омади чопганики, сутини кулқиллата эмиб, кучоғида пишиллаганча уйқуга чўмган Чақалоқни аллақайси бир хилватдан топиб олгани ёлғон, уни ўзи туққан қийналиб, марҳум жужуқчалари — Олабуйин ва Алпинзўр билан қорнидан талашиб тушган: жондай азиз ука уларга. Энди улар ўрнини босар, билдирмас улар йўқлигини.

Ҳаял ичида, Чақалоқ бурунчасини мушти билан ишқалай-ишқалай уйғонганини Саидбек билан Бўзтой кўрар, ана, у, тагин қизганчиқлик билан, тўлишиб қизарган, тап-таранг тортилган эмчакларга жон-жаҳди билан ёпишар. Қилиғи мойдек ёқиб тушар жониворга, ҳузур билан юмшоққина фингшилар, ҳатто қитиғи ҳам келар. Айни пайтда ён-верига олазарақ кўз ташлар. Бевовта бўлгани бежиз эмас, ахир, ўрмонда Қабоҳат азал-абад ин қурганини яхши билар, адашмаса, илону чаён қиёфасига кира оладиган Қабоҳат эрта ё индин содиқ шериклари саналмиш Сариоёғларни бошлаб келишдан тоймас. Чақалоқ билан топишгани хабари етса Сариоёғлар ҳукмдори ўлганда ҳам тинч турмас — пайтавасига курт тушар. Ойнигор умрига зомин бўлгани

етмай, зудлик билан бадбахт меросхўрни тутиш ва иложи борича енг ичида гумдон қилиш учун амру фармон берар. Агар уни йўқотмаса, эрта қавми ҳолига вой, ўзининг тагига ҳам сув кетиши, осонгина қўлга киритгани — қудратли тожу тахтдан ажралиб қолиши аниқ.

Маккор подшо режаси Эна Кўкбўрига аён, шунинг учун ҳам ўт тушар ичига. Қабоҳат болалаётган экан, демак, тадбир билан иш тутишга мажбур, бас, улуф шажара шавкатини асраб қолиши керак: кўксини қалқон қилар шахзодага. Токи бир мўйи мертилмасин, токи камлик кўрмай балоғатга етсин, улус фахрига айлансин, эл бошида булутдек тўдаланиб турган фитнаю фасодни тоабат даф қилишга эришсин, инкирозга учраган тожу тахтни қайта тиклаш билан бирга, адолат тарозисини ҳам ўрнатсин, орифларни қўлласин, нафс бандаларига муносиб жазолар берсин...

Энабоши ифтихори Саидбек билан Бўзтойга ҳам юқар, бунини Энабоши сезиб, мамнун кўз ташлар жўраларга, сўнг нигоҳини яна Чақалокқа олар. Фунчадек ёқимтой чехрага боқиб тўймас. Энтикиблар кетар сўнгсиз бир хузурдан. Кейин, кўзлари порлаб, оҳиста кўзгалар, қисқагина улыб. Чақалокни авайлаб тишлар-да, олисдан қорли учлари нукрадек товланиб кўринаётган Сулаймон тоғи томон йўл тортар. Ажаб эмаски, Кўкбўрилар келажаги сари юриш бошлаган бўлса, эҳтимол, Кўкбўрилар кечмишига шўнғиб кетишни чама қилгандир. Хартугул жўралар шунақа ажиб хаёлларга боришган. Тагин ким билсин...

### 3

Саидбек Умар янглишгани йўқ: ростдан ҳам Сайфи авзойи бузук, фақат ўзи билан бирга, Эна Кўкбўри ва Чақалок изига ҳам тушган, алхол, кўнгли иқлимига тажовуз қилиш пайида, агар хас-хашагини очиб ташлашга эришса, гулобий бинода тагин ҳам мустаҳкамлаб олар мавқеини.

Кечга яқин, саройда сукунат чўккач, Саидбек Умар секин жилди — казо-казолар кўзини шамғалат қилиб. Бас, Сайфини чалғитиши керак. Келиб-келиб шу суллох новорасига ўйнайдими? Афтини ит яласин... Яхшики дунё кенг: истаган пайтингда яшириниш учун панапастқам топилар. Ҳар қандай зол ва чапдаст кимсага

осонгина чап бериши мумкин, аммо ўзига чап бериш қўлидан келарканми? Айниқса, тақдири азалдан қочиб қутулиш қийин, вақти-замонида Қорахондек ботир ҳам, Ойнигордек сулув ҳам буни эплолмаган.

Хиёнат илони кимни авраган: шохними ёки маликани? Илгари зил-замбил бу саволни Саидбек ўзига ўзи неча марталаб берган, бу савол, ҳозир, қутилмаганда Сайфи таъқибига учраган пайтда, яна чарх урди қизиган миясида. Аввалги каби, ҳозир яна жавобга ожиз, эҳтимол, жавоб дили тубига чўкиб ётгандир тошдек, лекин уни топиши осонмас.

Хар лаҳза, хар қадамда Саидбек Умар панадан мўралаб кўяётган Сайфининг тикандек санчилувчан назарини туяр, бир қарасаки, у шундок пинжида: гоҳ калта соқолини қашлаб, гоҳ қулоғи учини чимчилаб мийиғида кулаётир.

Майли, шуни истабдими, эринмай кузатаверсин, зўр бериб чирангани билан ҳеч вақо қилолмас. Ахир, бу дунёда ким охирига еткиза олган таъқибни, эҳтимол, унинг бошига етар, аммо Эна Кўкбўрига дахл қилолмас. Эртақ умри узун келар, негаки, у қадимда муқим яшаш учун кўнгилни танлаган. Фақат, сир шундаки, эртақ билан бирга бўлиш, бирга нафас олиш, қувониш, қайғуриш ҳар кимга ҳам насиб этмас. Шу ҳақиқат пойдор эканига Саидбек кафил, бинобарин, ўзида кечаётган ҳолатлар буни исботлар: қаригани сари Эна Кўкбўри билан Чақалоқ дахлдор фаройиб ҳаётга чуқурроқ кириб бораётир.

Саидбек Ойнигор бошига тушган кулфат залварини тағ-замини билан борича ҳис этар, дунёга сиғмай қоларда, тақир ерга гавдасини отиб, думалаб-сумалаб, ўкириб йиғлагиси келар, аммо дунёни бошига кўтаргани билан нима ўзгарар? Ана, сочлари тўзғиган, қовоқлари гупдек шишган, бағри хун малика муаззам саройдан бош эгиб чиқар, энди у вайрон қилинган арк рўпарасида Сариеўғлар тиклаган дордан омон қолиб, тақдири азалнинг макр дорига тортилганини англаган, сўнгсиз пушаймон гирдобиди эврилиб, саросар кезар уқубат воҳасини, ахийри, толиқиб юра-юра, ҳар не яхши-ёмонни яширган жимжит ўрмон сарҳадига етар. Хўрлик эзар борлиғини, эри Қорахон қўйнида эркаланиб, тоабат севиқли ёрингиз бўлай, суксурдек ўғлонлар туғиб берай, дея тилидан бол томганларини эслар. Тўлғоқ азоби

чоғида, бутун дунёни хиёнат яримта қилар экан, деган ўй кечар дилидан. Хаёлан шунқоридан минг бора узр сўрар, аммо босган қадами кечирим эмас, фақат нафатга лойиқ эканини тан олиб ўқинар ва шу асно кўзи ёригай. Юраккинаси тағида тўққиз ой, тўққиз кун, тўққиз соат ва тўққиз дақиқа асраб-авайлаб кўтариб юргани ўғил экан. Оналик мартабасига эришган малика, бир олам қувонч туйиш ўрнига, дарё қилиб оқиша берар қайноқ ёшини: “Ох, қиблагоҳим, ўзингни ҳам, меросхўрингни ҳам хору хас қилдим!” Меросхўр бўлимли, кўзлари куралай — юлдуздек чакноқ, пешонаси қўчқорники каби дўнг, елкаси чўнг, икки кураги орасида йириккина хол ўрнашган, боринги, Қорахон отлиғ омади юришмай қолган подшоҳнинг айна андозаси.

Тақдирдан нолий-нолий, ўзини гўрдан олиб, гўрга тикиб, ахийри, Ойнигор йиғиси ва хўрлигини ютишга мажбур бўлганига Саидбек гувоҳ ўтар, кўксини бир ўксиниш куйдираб... Ана, зўрға овунган малика, ох, жоним, умидим гунчаси, деб шивирлар-да, аста бағрига тортар мўлтираётган гўдагини. Мурғак жон эса бошқача бир алфозда безовта, жажжи панжаларини мушт қилиб туккан, оёқларини силкиб-силкиб кўяр, о, маъсум қароқлари намунча тўла мунга? Тикилиши ҳасратли, нажот ёлқинига бегона...

Лекин бунга Ойнигор эътибор қиладиган аҳволда эмас: хилват ўрмон ўзини ҳам, гўдагини ҳам ямламай ютиб юборишини ўйлаб жони ҳалак. Дарди-дунёси лаҳза сайин қоронғилашиб, болажонини кучоғига тортиб, интиқлик билан қайта-қайта ўпар. Негадир болажон саркашлик қилар, астойдил рўйхушлик бермас, бегонасираб, фингшилаганча, жангарилик билан ҳар ёнга ташлар ўзини.

Орадан уч кун ўтса ҳамки, қайрилиб қарамас волидасига. Ҳатто таранглашиб бораётган сийнасига зигирча қизиқмас, аксинча, тўлишиб, ол, ола қолсанг-чи, дея мунғайиб турган эмчақдан оғзини ҳам, нигоҳини ҳам олиб қочар. Сўнг, бир эрта, волидаси тоқати тоқ бўлган дамда, туйқус тилга кирар чулдираб: “Мен Ўғизхонман!” Ҳаммасини кутган бўлса ҳам бунисини кутмаган шўрлик она тош қотар, шу кунгача меҳрибонига лойиқ исм топиб қўймагани учун ўзидан гиналар, ичи тирналиб. Ажабо, бу қувончми ёки ғам, ўғлон, оёғи чиқмасдан забони чиқиб, ўз номи ва унвонини ўзи эълон қилмиш! Шошиб

қолган онаизор бор диққатини бир нуқтага жамлаб тикилар ўғлига: “Оҳ, бўталогим, отинг муборак!” — дер батдар саросималаниб. Энди Чақалоқ чехрасида сирли бир сокинлик акс этар, калта, майин киприклари билинар-билинемас пирпирар, нечундир ғунча лабларини нам тупроққа босганча узоқ ётар, ниҳоят аста ўмганини кўтарар-да, недир истехзо билан кутилмаган арзини айтар: “Сендек она кўкрагини тиламак нафси оромим учун ҳаромдир!” Энди Ойнигор яна тош сувратига кирар, жонига ўт ҳам туташар, о, бунинг даъвои достони баланд-ку! Тавба, ўзи бир парчагина эт бўлса, нечун бу қадар улкан дард чекаётир? Оқни оққа-ю, қорани қорага ажратиш шунинг зиммасига тушганми?

Чақалоқ ҳалигидай таъна тошларини отар экан, кўзларида порлаган учқунни Саидбек аниқ-тиниқ кўрган ва латтадек шалвираб қолган. Бунинг турган-битгани исён, деган ичида, сўнг юм-юм йиғлаётган Ойнигорга термилган. Шўрлик Ойнигор тамом ўзини унутган, боласи терс ўгирилиб олганини кўргач, айникса эзилиб кетган. Энди митти юрагидаги улкан ғурурини ошқор қилиб, ўзини Ўғизхон деб танитган фарзанди кўзига қараш, ҳатто унга қўл тегизишдан чўчиб қолар, бунга қилча журъат тополмас. Муҳташам сарой ҳашами ва иззат-хурматига ўрганган малика ана-мана қорнидан тушган чўкиртаги қошида хору зор... Унга бор меҳрини беришга рози, лекин буни қандай эплашни билмас. Мана шундан айникса бағри сим-сим ситилар... Бағри ўкинч ва қайғуга лим-лим тўлиб борар... Тирсиллаган эмчаклари учига биров аямасдан игна санчиб-санчиб олаётгандек... Даҳшатли оғриқ сирқиратар томирларини, оҳ, нима қилсин кўпириб-тошаётган сутини, гулга, дарахтга, тупроққа ё тошга соғсинми? Кел, ҳой, қоқиндик, кўп нозланмай эма қол, ахир, бул неъматни увол қилсанг, ўзинг ҳам увол бўласан-ку.

Аммо Чақалоқ гажир, ҳамон аҳдидан қайтмаган, кесак чайнаса чайнарки, онаси сийнасига йўламас. Буни яна бир бора армон аралаш ҳис этар Ойнигор, алами сўнгсиз бўлар, ахийри, ўзини тиёлмай, тақдирдан нолиганча, бир эрта ўқ еган қарчиғай янглиғ шўнғиб кетар тубсиз жарга...

Саидбек ғудранар: хазон бўлди малика!

Ўшанда, қурум босган айвонда, Ҳазора момо рўпарасида мўлтираб ўтирганда, хаёлан Ойнигор дар-

дини бўлишгиси келганда, ичи тилим-тилим сидирилгани ҳозир ҳам эсида. Шўрлик Ойнигор билан бирга ўзи ҳам кулагандай бўлувди жарга, мана, энди орадан неча йиллар ўтиб, ўша ҳолатни тагин кечираётир. Атай Сайфига чап берди, баттолни кўргани кўзи, отгани ўқи йўқ, ҳозир эзгин изтироблари билан ёлғиз қолиши керак. Ана, шовуллаган қаттол ўрмон... Нам хазонлар оғушида Чақалоқ жиш полапон каби типирчилаб ётар. Очкўз ва ваҳший паррандаю даррандалар маконида маъсум жон ҳоли не кечур? Тезроқ кела қолмасми Эна Кўкбўри ёки у ҳали сиру савдодан хабар топиб улгурмадими? Улуф ҳомий етиб келгунга қадар ҳимояга олиш ва кўмак бериш илинжида қўл чўзгиси келар, кошки қўли етса, хаёлга ботганча кўнгил кўзи билан жимгина кузатар барини. Ана шунда, ногоҳ кўнгил кўзи хира тортгандай бўлар, ёпирай, халакит бераётган ким, нахотки Сайфи?

— Пропесо-оор, қойил қолдик, жа сайрибоғ кивордингиз, — дўмпайган қорнини силай-силаи илжайди арвоҳдай ҳозир бўлган мулозим. — Аммо ушовидан тушови қиммат нарсага кўпам ўралашманг, қийналиб кетдингиз сезишимча.

— Эртақ кўнглим мулки, биродар, — деди Саидбек Умар бир далда истаб.

— Ву-у, сиздай олим-а!? — сирли бир учкун йилт этди Сайфи нигоҳида. — Одам ўзи учун ҳам яшаши керак. Юринг, яхшиси сизни чойхонага обборай, кулинг ўргилсин қўлбола палов дамлаб берай, ўтар дунёсига балки қиттай-қиттай қилармиз. Маъкулми? Маъкул бўлмасин-чи, мендан яхшироқ биласиз: темирни занг емирар, одамни ғам!..

Энсаси қотган Саидбек Умар кўриб турди: дил майли билан боғлиқ турфа бўёқлар зумда йўқотди тароватини, қордан салла ўраган пурвиқор тоғлар, сокин ястанган укубат водийси, Ойнигор маликани аччиқ армони билан қўшиб ютган жарлик, тун билан кун орасида васийлик қилишига инонган жимжит ўрмон, гўдаклик онидаяқ кимлигини билган ва эълон қилган Чақалоқ зув чекинди қайгадир, ҳа, бариси ному нишонсиз йўқолди сукунатга чўмган, рангин жилоларга кўмилган беадад бўшлиқ қўйнида. Булар барисини Саидбек кўнглида кечирди, сўнг нафрат аралаш Сайфига тикилди: о, бунинг бақрайган кўзларини ўйиб олса-да кам!..

— Э, жигар, — деди у ниҳоят хўрсинганча аранг ўзини босиб, — ростини айтинг, танглайиз сабилни ким кўтарган?

— Сиззикини-чи? — ясама кулги билан сўради Сайфи. — Мабодо ёсуманлик илмини сув қилиб ичворган Ҳазора момо эмасми?

— Алжиманг, Ҳазора момо тинч ётсин гўрида, — зарда аралаш гўлдиради рух муҳандиси, киприкларини пирпиратганча. — Кампир пок яшади, пок кетди, қолаверса, сизга оғирлиги тушмаган.

— Хо, савил, тушмаганми? Андава тортиш ҳадисини жа олгансиз, пропесор! Ҳи-и-ҳи-ҳи, ахир, ўша мегажин гийбат жониворри фирт уяси эди-ку!

Ногоҳ қурумлаган васса жуфтли эски айвон, айвон тўрида кўювли одмиёна ёғоч сўри, сўрида оқ кўйлак, оқ рўмолда фаришта янглиғ ўтирган, ажин босган нуруний чехраси ва хиёл чўккан кўзларида мудом меҳру муҳаббат балкиб турадиган Ҳазора момо гавдаланди хаёлида. Бир малол, бир оғриниш чулғади вужудини, ахир, шундай беозор, шундай нафаси тоза мўмина арвоҳини бу қадар чирқиратиш инсофданми? Қолаверса, Сайфи ўзининг орқа-олдини йиғиштирсин, ахир, бу ким бўпти, гулобий бино остонасида боғлаб қўйилган кўшпак-да...

Сайфи қайси жиҳатдан қадрли?

Сир шундаки, аввало, у темиртирноқ, меҳрдан қисилган, лекин жаҳли бир дунё, агар бировга кўз тикса, синдирмагунча қўймас, иккиламчи, Сариеўлар ардоқли билган удумларга ўлгудек содик, ўша қавминг дасти узун, бели бақувват нўқари санар ўзини. Гоҳо, катта-кичик даврада, озроқ нўш қилганда, тириклик гашти фақат Сариеўларга тегишли, жамийки эзгу мўъжизаларни шу қавм яратган қабалидаги писандаларни орага кўп қистирган. Нуфузли қавм хизматида бўлиб, аzza-базза обрў орттириб, ризку насибасини тергилаб юрганидан ҳамиша фахр туйган, лекин бўйинини безаб келган тилла занжирдан нолиганини ҳеч бир яқини, шунингдек, Саидбек Умар ҳам эшитмаган...

Гумашталиқ касбига муккасидан кетган Сайфиға тақлид қилиб яшашдан худо асрасин, бу — бориб турган кўргилик, шукур, Саидбек Умар унга ўхшаб Сариеўлар шажарасининг бирон-бир шохчасига ётмас, фақат, дарифки, ўшаларга эргашгани, ўшалар истаса бериб, ис-



тамаса бермагани ёвгон шўрва, иликсиз суякка алданиб, аранг кун кечириб келганидан қандоғ тонсин?

Мана энди Саидбек Умар фақат киндик қони томган Қуйруқсой эмас, бутун ер юзи фитна-фасод қурбони бўлиб келаётганини ўйлай кетди хитланиб. Қуйруқсой дардини тузатиш маҳол бўлгани сингари, кекса замин баданидаги жароҳатларга нажот малҳамини босиш имкони топилганича йўқ, чорасизлик эса бемор аҳволини оғирлаштиришдан бошқасига ярамас. Номи улуғу супраси куруқлардан саналмиш Саидбек Умар, кўпдан-кўп биродарлари қатори, бу бобда шунчаки бош қотириш ва амал-тақал умргузаронлик қилиш билан овора, бинобарин, ноилож мозийга орқа ўгиришдек гуноҳга ботгани, қачондан бери аждодлари арвоҳи ва ёдини менсимай қўйганидан доғда, бу гуноҳини не йўл билан ювишни ҳам билмас.

— Сиз, жигар, бутун қавмингиз билан Ҳазора момо тирноғига ҳам арзимайсиз, — дея дафъатан хужумга ўтди Саидбек. — Яхшиси, боринг-да, бошқа жойда пуфланг илма-тешик карнайингизни.

Ошқора учиріқ чунон нашъа қилди Сайфи валломатга, аммо таъна-дашном эмас, мақтов эшитган каби, хузурланиб кулди мийғида. Шишадек совуқ йилтираётган кўзларида галат маъно жойланмиш: э, соддан нотавон инсон, фаҳмдан шунчалар қисганми, ахир, елкангга бемалол миниб олганман-а, наҳот биргина пўписанг билан шундайин иззатли тахтдан осонгина воз кечсам!?

— Нима истайсиз ўзи мендан? — дея сўради Саидбек Умар, хуноби ошиб.

— Ҳеч нарса, — деди у бепарволик билан, уч пулга қиммат гапни шунчаки такрорлагандай, — сизга шунчаки ҳамроҳман.

Баччағар ёлғонга тўн кийгизди боплаб, бор-йўғи бир ҳамроҳ эмиш-а, қайси нодон ишонар бунга, ов, мулла Саид, бўғзингга қадалган ханжари озорман, азиз жонингга чиққан чипқони бедавоман, деб ичида борини рўйи-рост айта қолса-чи!

— Сиздақа ҳамроҳга муҳтожлигим йўқ!..

Жони ҳалқумига тикилган, қандайдир қақшатқич зарбадан хавфсираётган Саидбек Умар энди кескин силтаб ташлади Сайфини: тезроқ йиртилсин бетидаги ниқоб! О, Сайфи бездан-да бадтар, пинагини бузмагани

устига, ҳатто хаёлига ҳам келтирмади таъкиб қилишдан чекинишни. Нигоҳи, тошни тешгудек нигоҳи гўё ўқ каби келиб нақд кўксига санчилган...

Иложи қанча, бундан худо асрамаса бандаси асролмас, бундан қутилишдан кўра, чўлни тўзғитиб юрадиган оч қашқирга чап бериш ўнғайроқ. Асли айб ўзида, ўзи бепарволик қилиб, ўзи илаштирган ярамасни. Бошга битган кўп балолардан бири — бепарволик, адашмаса, аввало жамийки кўргиликларга шу нарса асос кўяр. Энди пиширган ошини ўзи ичишга мажбур, қарангки, Сайфи яхши-ёмонига ҳомийлик қилишни бўйнига олмоқчи, асли дили-ниятни бошқа, аниқроғи, кўнгил ойнасига яқинроқдан назар солиш илинжида, бул юмушни эплаши қийин, бироқ эплаш учун жон-жаҳди билан тиришаётир, зеро, изида соядек судралаётгани, мавриди-ни пойлаётгани, ўзини ҳалимдек юмшоқ кўрсатаётгани бежиз эмас.

Девор ортида Сайфи бошқа одам: Пўлат Қосимий, Бо-бош ёки Жобир Кирпи сингари дарғалар соясига куюқдан-куюқ салом бериб, хуморидан чиқар. Ҳатто, эшитишича, Чумоли билан ҳам ош-қатик: биргаликда қанақадир хуфия ишларни битириб юрган эмиш.

Саидбек калласи гиж: кўпдан бери Чумолидан сазо йўқ, кўринмай қолди қораси, қайга гум бўлдийкин. Кошки тинч юрса, ҳаммадан шунда сир кўп, дарвоқе, Сариоёғларга ўша зимдан сардорлик қилаётганмиш, эрта-индин барча қанотига кирармиш. Тавба, унақада Пўлат Қосимий билан Бо-бош ҳоли не кечур?

Гийбатдан Саидбек зада... Ҳозир, яқин-орада эшитганларини бир бошидан эсларкан, алғов-далғов бўлиб кетди кўнгли... Ҳа, бу кунлари нотинч, тобора йўқотаётир ҳаловатини. Изида гўё Сайфидан ташқари минглаб искович ит қўйилган, ёпирай, буларнинг қайси бирига бас келсин. Эҳ, унинг пишиллаб нафас олиши, қитмирона тикилиши, тағин, йўқ ердаги маслаҳатларни бериб, ақл ўргатиши чунон урди бадига. Қўлида денг, чиройли калтак, ўша билан тез-тез ҳавони нуқилаб, изғигани-изғиган атрофида. Бирон нарсадан куруқ қолганга ўхшар баттол...

Энди Сайфи эски бир қўшиқни ўзича дағал оҳангга солиб айтаётир: ярашган ишни қилса-чи. Энсаси қотган бўлса ҳам Саидбек беихтиёр хушёр тортди: буни қачон эшитган? Энтикиб қўйди, сўнг хаёли Қуйруқсой қон ва

ёнғин ичида қолган кунларга оғди. Куйруксой қаддини букиб, ҳолини забун қилганлар қиёфаси бир-бир ўта бошлади кўз ўнгидан, ёпирай, ўшалар орасида ҳозир ўзини мусичадек беозор кўрсатаётган Сайфи ҳам бор-миди?...

## ИККИНЧИ БОБ

### I

Мабодо Саидбек Умар, мана шу одам ёшлигида калхатдан қолишмаган, истаган юлдузини бир чўқишда кулатган деса, худо ҳақи, мингтадан битта ё ишонар, ё ишонмас...

Шу қадар олғир бўлганига Сайфининг ўзи ҳам ҳозир анчайин шубҳаланса керак, тавба, у, оғздан оташ уфуриб, тилини қиличу кўлини найза қилиб, учқур бедовини ҳиммат тоғидану фитна жаридан сакратиб юрганда ҳар нарсада чегара ва якун бўлишини зиғирча ўйлаганмиди?

Қайда, ўйлаши осон эмасди, мияси қатирини ачитиш тугул, соқол қиртишлашга кўли тегмасди ҳатто ўша кезларда. Омад офтоби саховат билан нур сочиб турарди қоқ тепасидан, бунга сари талтайиб, янаям бемалолроқ кўйворарди ўзини. Қани, биров йўласин-чи ёнига: олди-дан келгани тишласа, ортидан келгани тепарди аямай. Етти яшардан етмиш яшаргача ҳамма тайёр эди этагини ўпиб, пойқадами гардини кўзига тўтиё қилишга.

Фақат, бир одам, ҳа, аллоҳ бирлиги ва борлигига қаттиқ ишонган бир қайсар бандагина Сайфи қаҳри ва жиззакилигига бўй беришни истамаган. Эл билан элакишиб, яхшини алқаб, ёмонни қарғаб яшаган ўша одам исми-шарифини эшитаверса ранг-қути учаверган, ичига буров тушган каби, афтини буруштираверган, тилини осилтириб бўкирган, борингки, бутун Қуйруксой аҳлини тиз чўктирган жаҳлдор зобит унга қолганда кўзичокдай ожизлик қилган. Ҳарчанд чираниб, дағдаға қилса-да, кўналғасига элчи устига элчи йўлласса-да, зиғирча таъсирини ўтказолмаган, аксинча, ўзи мулзам бўлган, синдиrolмай ўзи синган, бўзлата олмай, ўзи бўзлаган. Нима қилиш керак, деган ровлаган калласига мушт-лаб, сўнг шериклари маслаҳатига кўра, тузоқ қўйишга

киришган, пистирма ва пойлоқчиларни кўпайтирган. Қисқаси, тулкилиги аскотиб, ахийри, илинтирган ўша зот — мулла Умарни...

Тақдир ўйиними ёки бошқа нарса, Саидбек Умар билмас, лекин отаси тақдир келиб-келиб шу искович кўлида ҳал бўлгани, отаси шундан кўпдан-кўп азиятлар чеккани аниқ... Умри оқар сувдек тез ўтди, шунчалар шитоб кечдики, ниманидир илғади, ниманидир илғаб улгурмади, бинобарин, кўрган-кечирганидан кўпларини унутди, айримларигина хотирида... Бири — Сайфининг Қуйруксойга ҳайда-шовур билан қадам ранжида қилгани...

Ғала-ғовурга тўла ўша кун тонг-азонида тойчоқдек югура-югура қаттиқ чарчаган Саидбек пишиллабгина ширин уйқу гаштини суриб ётарди оҳорли кўрпатўшақда. Фаройиб тушлар ҳам кўраётганди адашмаса, аниқроғи, тушига дуркун Чақалоқни авайлаб тишлаб олган Эна Кўкбўри кирганди. Эна Кўкбўри ортидан у Сулаймон тоғи этакларига интиқлик билан ошиқарди. Юксак чўққилар қорли учларини намоёиш қилган маҳалда ҳовлиқиб уйғонди. Нима бало, қишлоққа кўчки ёпирилганми? Анчагача ҳушини ўнглолмай қийналди, ёввойи, бегона бақир-чақирдан батангга келиб, чиппа битди-қолди қулоқлари. Биров кўлтиғидан ола-сола улоқтириб юборган каби сапчилиб кетди бехосдан. Уйқули қовоқларини уқалай-уқалай қараса, сўри ёнида аломат либосли дароз меҳмон қад ростлаган, иззатини унутиб, нарироқда паришонҳол ўй сураётган падари билан волидасини таъна ва маломатга нишон айлаган. Ичи росаям қуйқага тўла эканми, томоғи қуруқшаб, жағи толиқиб қолгунча тинимсиз жавраган. Ҳар қанча эзмалик қилгани билан мақсади қоронғилигича қолган, чамаси, гапидан адашиб кетган. Тарс ёрилишига бир баҳя қолган Саидбек шанғи ва вайсақи сардор билан имога маҳтал мулозимлар ҳақида хабар бериш учун тенгқурлари ёнига жуфтакни ростлаган.

Лекин бекор шошипти, негаки, ҳангомага ўч қишлоқ аллақачон узунқулоқ миш-мишлар гирдобида бемалол сузаётган экан. Асли, қишлоқ кичкина, мунақа гап тез тарқалар. Нимагадир ўзича ачиниб қўйган Саидбек, бор ҳунарини ишга солиб, роса урган лофни қоғга, лекин ҳеч бир бўйинсаси анқаймаган. Ярамаслар, мақташ нари турсин, қайта устидан қулишган масхаралаб.

Оғизни карракдай очириб қўядиган аломат муждани кейинча Бўзтой топиб келди. Рости, жўралари ичида энг хушфеъли Бўзтой... Лекин ҳаммани ҳайратга солиб, роса кўпирди ўша куни: Сароёғлар, катталар билан бирга, гўдаклар тақдирига ҳам қизиқаркан, эмизикли болаки бор, назоратдан ўтказиб, қандайдир темир дафтардаги рўйхатга тиркашаркан, дарвоқе, қайсидир хонадонда бир мишиқи елкасида холми ёки ёл билан туғилган эмишки, ўша айниқса улар оромини буткул ўғирлаган...

Илгари Саидбек унча эътибор бермаган экан, олдиқочди савилни Бўзтой қийиб ташларкан. Ким билсин, кечаси миждуа қоқмай ичида тўқирмиди, кун ора бир янгилик билан таажжубга қўярди тенгқурларини. Буни ялмоғиз кампир кулогидан ушлаб ёлрон қозонига ботириб олган, деди бир кун кимдир. Бўлди кулги. Лекин Бўзтой пинагини ҳам бузмади, қайта жиддийлашди чехраси. Ҳар ҳолда у ориятини сақлашни биларди, сўзни сўзга уриштиришга уста бўлса нима қилсин, шубҳасиз, ҳеч ким, ҳатто Саидбек ҳам, эрта-индин Қуйруқсойни бошқа ерга кўчиришларини Бўзтойдек ишонарли маромда таърифлаб беролмаслиги кундек ойдин. Бўзтой болади, ҳазил-мутойиба, пичинг ва нафрат аралаш шунақа сўйладики, ҳамманинг юраги ўйноқлаб кетди.

Аммо, худо ҳақи, буниси кам экан, эртаси куни қора терга ботган, қароқларини мунг қамраган Бўзтой шунақа хангомани баён қилдики, осмон узилиб тушса яхшийди ундан кўра. Наҳотки, шунчаси бўлиб, куни тухматга қолди? Ахир, у туппа-тузук билар: Лобархон Саидбекка қариндош, амакиси, яъни отасининг укаси — кифти ер искамаган Улфат полвон жуфти ҳалоли, шунинг юз-хотирини қилмай, ғийбат уясига ўт қўяётганига қандай чидасин?

Ҳали Бўзтой, пихи қайтмаган бўзбола эмасми, гажирлик тулпорини савалаб, ҳатто анча-мунча ўдағайлаб, ўламан-саттор туриб олган айтганида: калламни олқи, бариси чин! Ол-ла, бу ҳаддидан ошипти, кўрқоқ қўйипти андишанинг отини! Мана шуниси, айниқса Саидбекка кучлироқ алам қилди, ногоҳ кўзғалиб кетган орияти қақшатиб юборди бутун борлигини. Хаёл оғушида секин-аста тисарилиб, сўнг кўчқордек хезланди-да, қовун туширганини сезиб-сезмай турган дўстининг ияги аралаш башарасига калла қўйди бошлаб. Бечора Бўзтой, бунақа зарбани кутмагани боис, орқасига гандираклаб кетди

беихтиёр. Кейин, гурури сим-сим оғриб, бир ёкдан қони қизиб, у ҳам олға ташланди бор таваккалига.

Гув-гув, бирингга арпа, бирингга бугдой!..

Борингки, бири-бирига канадай ёпишиб, ажриққа ёнламасига кулаб, думалай-сумалай бўғишишди роса. Лобар янгам она сутидай пок, деди униси бўғилиб, омон бўлсак кўрамиз ҳали қанақалигини, деди буниси чираниб. Ҳолдан тойгунча тебалашиди, кўзлари ўнгида еру кўк чирпирак бўлиб айлана бошлаганда ҳам бўшатмади бири ёқасини иккинчиси.

Агар Шоди қўйчивоннинг пучукбурун ўғли Эшмўмин тепаларида полиз қоровулидай қўнқайиб: “Қишшоқ яъжуз-маъжузларга жем бўғони камми, унинг бунингни буйтиб ғажиёпан!” — деб ўхшатиб кесатмаса, фақат худога аёнийди яна қанча жон олиб, жон беришлари. Учратгандан таёқ-туртки еб доим гарангсираб юрадиган бир жулдирвоқи кутилмаганда бундай ҳакамлик қилиши каловлатиб қўйди ораларидан шу дамгача қил ўтмаган кадрдонларни. Сувга тушган латтадек бўшашиб қолишди, нафаслари тиқилганиданми, бошқа сабабданми, бир оғиз сўз қотмай, чалқанча чўзилиб ётишди овлоқ чимзорда, сўнг ер сузганча, униси чапга жўнади, буниси ўннга.

Жимжит ва соя-салкин толзор бўларди қишлоқ этагида, аламини сира босолмаган Саидбек ўша ерда кеч қилди кунни, ачишаётган бағрини зах ерга бериб ўйлади, мияси қатиғи ачиблар кетди ҳамки, ҳечам ҳазм қилолмади дўсти писандасини. Йўқ деди, тошни муштлаб, сонини чимчилади; мумкин эмас деди, қум чайнаб, лабини қонатгудек қилиб тишлади; у авлодимизга иснод келтирмас деди, тол танасини қучиб, ингранди хол-беҳол.

Соялар қуюқлашиб, атрофни қоронғилик пардаси чулғай бошлаган маҳалда Саидбек ҳорғин кириб борди ҳовлиларига. Ботинмайроқ мўралади аввал дарчадан, бурни қон, ёқаси вайрон эмасми, остонада гезариб, ўзини оқлайдиган арзигули режа тузишга киришди. Кошки топила қолса жўяли баҳона. Ер остида илон қимирласа биладиган онасини лақиллатиш эса осонмас. Бахтига онаси кўрина қолмади. Девор-дармиён қўшнилари — Лобар янганикида бўлса керак. Бир неча кун муқаддам у ўғил кўрган, шу баҳонада ҳар оқшом уруғ-аймоқлари уникида тўпланишни қанда қилишмас.

Янги меҳмонни кўришга келаётган ошна-оғайнилар қадами ҳали-ҳамон узилмаган.

Чиндан ҳам Улфат полвон ҳовлиси гавжум... Лекин Саидбек бунга эмас, бошқа нарсага ажабсинди: анчагина келиштириб солинган уйни, шундоқ дарвоза ёнидан ўтадиган кўчани ғалати бир бесаранжомлик чулғаган ва одатдагига қараганда кирди-чикди бир неча баравар авжида, бинобарин, ҳамма шошаётир, кимдир қовоқ осиб тагдор савол бераётир, кимдир бақириб, кимдир минғирлаётир. Этакроқда, темир қозикда занжирлаб қўйилган Олапар, гоҳ ғингшилаб, гоҳ ирғишлаб, жиғибийрон хураётир, асаби чатоқроқ бир жиккак чол вараңглаган товушда жеркиб берди итни, адабини еган ит ювош тортгач, у, томирлари бўртиқ қўлларини пахса қила-қила, пала-партиш, узуқ-юлуқ ҳикоя қила бошлади недир воқеани. Чол сўзларига биров хуноб, биров бепарво...

Ниҳоят ҳовликқан қариндошлар жазава билан муҳокамага тушиб кетган пайт айвонда Сайфи пайдо бўлди лапанглаб. Ҳар бир ҳаракати жумбок: гоҳ деворни, гоҳ устунларни бир-бир силар, гоҳо шифтга термилар. Сўнг нафасини ичига ютиб, тарашадай қотган башараларга бир-бир қараб чиқар ўқрайганча. Энсаси қотаётганини англаш қийин эмас, лекин ичидан қиринди ўтаётганини яшириш пайида. Бир оздан кейин ҳалиги чолни, чит рўмол ўраган оқ юзли семиз аёлни тергашга тушди тутақиб. Тузукли жавоб ололмагач, афтини бужмайтириб, бошқаларга ёпиша кетди.

Кутилмаганда қизиқ ходиса рўй берди: беқасам чопон кийган, қотма, бўйчан бир йигит чидолмасдан Сайфи биқинига тирғилаб борди, ҳе, энаси байтал, тинч кўясанми, йўқми, деди дўриллаган товушда. Жон-пони чиқиб кетган Сайфи туйқус ўтирилди, кўзларини олакула қилиб: “Ҳа, муртад, мунча ўдағайладинг, мулла Умарнинг думларидан бирови бўлсанг керак-да, шоҳу бутохингни қайириб қўяйми?” — деркан, йигит ёқасига чўзилди қўллари. Йигит, азамат экан, билагидан ушлаб бир буровди, инграб букилиб қолди.

Бу фалокат нима билан тугаши қоронғи эди, яхшики ҳалиги жиккак чол орача қилди, отанг яхши, онанг яхши, деб авради Сайфини. Хайтовур пича тушди ҳовридан, аммо айвонни тарк этаётиб, ҳап сеними дегандай, дами кескир йигитга ола-була қарашдан тийилолмади.

Фалвакаш Сайфи қорасини учирганини кўриб, Саидбек бир қадар энгил тортди, тоғ ағдарилди гўё елкасидан, бир оздан кейин эса шубҳа кемирди юрагини: лаънати нозир бекорга қадам босиптими амакиси хонадонига. Бир балоси бор-да. Роса ришт қалади гўрига орқаворотдан. Хумордан чиқиб олган қайғир қарашли йигитга эса таҳсин айтди ичида, ҳавас ҳам қилди унга, ахийри, даҳлиз сари йўналди секингина. Аввал онасини кўрди ва бадани жунжикиб кетди негадир.

Худога ҳам, бандасига ҳам аён: онаси, камсуқумлиги устига, осуда руҳли аёл, сел келса ҳам ҳовлиқмас: етти ўлчаб бир кесар ва хотиржам тутар ўзини. Умри бино бўлиб бир пашшага озор еткармаган, қўлидан келса, бировдан яхшилигини аямаган, қаноатга суяниб яшаши, бегуноҳ ёнини олишга интилиши кўпчиликка айниқса маъқул, зеро, дард савилни ичида чиритар, ҳар не қайғуси ёки қувончини супра қилиб ёйишни ёқтирмас, ана, ҳатто оиласи устун, кўз очиб кўргани мулла Умар дараксиз кетгандан бери, оламча доғи-алам ютаётган эса-да, бировга чурқ этган эмас, гоҳо, тўлиб кетган кезлари, Саидбекни бағрига босар-да, ўшанга сал-пал очилар.

Ҳозир эса, волидаси бошқачароқ киёфада, диққат қилиб кузатгач, анчайин тажанг ва ғамгин эканини пайқади дарҳол, ҳануз у отаси аъмоли-бадидан беҳабарлигини ўйлаб, ҳасрат ва ачиниш хисси қамраб олди борлигини. Афтидан, яна оғирроқ нимадир бўлган меҳрибонига, ана, сийрак ажин қоплаган бетиде тушунуксиз кўланкалар кезинар, еру кўкка сигмаётган каби мунғайбгина ўлтирар, оғзига гўё талқон соволган: на Ҳазора момо, на Лобар кеннойиси, на бошқага гап кўшар.

Қойил, Бўзтой ҳам шу ерда экан, қачон кела қопти азамат, қанот боғлаган шекилли. Ана, даҳлиз бурчагида бемалол тиззалаб олган, хаёли бир оз паришон, пешонасидаги кўм-кўк ғуррасини ўғринча силаб кўяр ҳар замонда. Ажриқзорда учқўрғондан кўраёзди энасини, ўзиям роса тўйди калтакка, фақат ҳозир буни унутганми, йўқми? Хайрият, унутган кўринар, ана, уни кўрди, бирдан тетиклашди чиройи. Кучоғини очиб қаршилади, ёнига иззат-икром билан ўтқизиб, аста шивирлади ҳали ўзи чўза-чўза чўзмалок қилворган қулоғига: анов чурвақа туғилганидан бери эммаётганидан хабаринг борми?



Тил тортмай ўлсинки, Саидбек ҳеч нарсага тушунмади, қай ергадир яширди нигоҳини. Кейин, э, аттанг, ростакамига тамиз қолмапти жўрамда, бу яна кўпиртираётир, деган хаёлга борди жавдираб. Пича ўтиб қарасаки, Бўзтой чехрасида — жиддийлик, бирдан хушёр тортиб, ажаб қизиқсиниш қамради дилини. Энди Бўзтой изғирин тасқара қилиб ташлаган жимжит ўрмонда ёлғиз қолган ва хиёнат йўлга кирган онасини эмишни истаймаган Чақалокни эслатди кутилмаганда, ҳадеб талмовсирама, деди кейин астойдил куйиниб. Хид олишга уста Бўзтой аста ўйволди Саидбек сонини, ахир, қанчалар аянчли: у, фавқулудда ҳодисадан ҳам, коса тагидаги нимкосадан ҳам рофил! Онаси барисини билса керак, лекин, одатича, сир сақлаган. Қолаверса, ҳар нарсани кўнглига оғир оладиган ўғлига ташвиш орттиришни истамаган.

Бўзтой кўз қиридаги ифода нима, киноями?

Энди Саидбек ичини қиринди бўлиб сидирди ўксиниш...

Даҳлизда ҳукм сура бошлаган сирли жимлик тоқ қилворди тоқатини, киприклари нам, қовоқлари қизарган Лобар кеннойига ўгринча қаради, билди, аёл ҳоли забун... Сўнг нажот кўзини онасига тикди, онаси оғир ўйга ботиб ўлтирар ўша алфозда. Ногоҳ ўпкаси тўлиб, томоғига аччиқ хўрсиниқ тиқилиб, меҳрибони бағрига отилгиси, у билан дардлашгиси келди. Ёки бор гапни Ҳазора момодан сўрасинми? Ушбу лаҳзада чечанлиги билан танилган кампир ҳам таажжубда: бешиқдаги гажир болажон гўё ўша — Ойнигор азроил ихтиёрида ёлғиз қолдирган Чақалок...

Бу қай хил армон: нахотки Бўзтой ҳақ?

Ҳозир у шанғиллаётган қуловига чиппа пахта тикволишга тайёр: бирон тик этган товушни ҳам эшитмаса. Аммо бунинг иложи йўқ, ҳар хил бақир-чақирлар билан бирга, Бўзтойнинг юмшоқ-юмшоқ янграётган овозидаги сеҳр аста-секин сезимлари ва хуш-хаёлини қамраб бораётир. Ҳали Бўзтой ҳаммасини айтмай, бир қисмини ичига ютиб, аяган экан уни. Энди бошқатдан ёрилди, ана бунисига чидаши айниқса қийин, тавба, шунчаликка боришгани Лобар янгаси, номус-орини шунчалар арзонга сотишгани, ахир, Улфат полвонни жонидан ортиқ суймасмиди? Нима мажбурлади шўрликни танги эрини қаро ер қилишга?

— Такага ўхшаб анқайма! — деди ниҳоят Бўзтой чарсиллаб.

— Ёлғон!..

Тишини гиз қилиб шивирладими, оғзини катта очиб бақирдими, хозир Саидбек унча эслолмас, фақат алам ва армон билан коришиқ ўша сўз ҳамон жаранглаб турар кўнгли иклимида...

## 2

Сайфи дастлабки кунданок Қуйруқсойни ёқтирмаган; фалати кўнқайган гувала деворли уйлар, илону чаён фиж-фиж тўқайлару ўнгирлар, хилват сўқмоқлар ва дўнгликлар, фуз ўсган баҳайбат терак-чинорлар балоказодай кўринган кўзига. Айниқса, кечкурунлари хўмрайиб боқадиган Тамғали ғори билан шундоқ тепада ана-мана узилиб тушгудек осилиб турган Айиқтошга қаҳрини сочган. Баъзан Айиқтошга тикилганча: “Бу лаънати ухлаб ётганимда устимга куламасми?” — дерди фиғони фалак ошиб. Сўнг ҳадиги кучайиб, нафрати тошаверган, ахийри, динамит билан тош маъбудни порлатмоқчи бўлган, яхшики эпллолмаган. Сўнг одам кирса адашаркан баҳонаси билан мевазор-токзорлар ва чакалакларни қийратишга тушган. Бу билан тинчимай, чўккилар бели ва ўнгирларда яшнаб турган арчалар, олча-бодомларни кестирган, охири барисини анов майдонда тўдалатиб, улкан тоғ бунёд қилдирган, тоғ!..

Тавба, шунча бойлик ногаҳон куриб-чуриб битадиган, ному нишонсиз, кадрсиз нарсага айланса, увол ва ҳайф бўлса, кимга арз қилиш мумкин?

Топган эрмагидан Сайфи шод — терисига сирмас, оғзида қанақадир кўшиқ, эрта-кеч хиргойи қилгани қилган. Қайси бир оқшом, қоқ сахарда, гумашталарини зир чоптириб, ширин уйқуда ётган қишлоқни уйғотган. Ороми бузилган итлар тинимсиз хурарди фашиқиб, беҳисоб ўтин чошланган майдон сари гурас-гурас оқиб келар ёшу қари хўмрайганича: қиёмат-қойим нафаси яқинми нима бало? Ҳеч ким чурқ этмас, умуман, оғиз очиш тақиқланган. Фақат ҳовлиқма Сайфига ижозат: у айтган гап бўлиши керак. Барча тўплангач, мийиғида кулганча, қўлидаги пор-порлаб биқсиётган машъалани тутантириққа аста теккизган. Қуруқшаган шох-шабба бирдан чирсиллай бошлаган, ачқимтир кўкиш тутун

ортидан қип-кизил аланга лопиллаб, ўрала-бурала кўкка кўтарилган...

— Асли ўзингиз ёнсангиз яхшийди ўша савилда!

Ғойибдан сазо бераётган Бўзтой нигоҳидаги ёлқин таъсирига тушиб қолган Саидбек Умар дафъатан тўқди зардасини. Ҳозир Сайфи дод деворса керак, йўк, зигирчаям бузмади пинагини. Ярамагур жудаям ўтказиб юборди, ўшанда ҳам мана шунақа қувлик қилган, жамоа шоҳида юрганда баргида юрган, гуриллай кетган олов ҳайбатли тус олгач, қани, марҳамат, маза қилиб исининглар, деган мийиғида кулиб. Халойиқ таажжубда ва эсанкираган: жингиртоб ёз жазирамаси авжида бўлса.

— Ажинайиз билан ади-бади қилёпсиз чоғим, пиропе-сор?

Бу лаҳза билмайин тикан босган Лобархон қадди-комати соллона-соллона турарди кўз ўнгида, Сайфи бемаврид тирғилгани туфайли кўхли чехра, чаросдек кўзлар, кирққокил қилиб ўрилган ва нозик белда чулланган сочлар эриб йўқолди хавода.

Ўшанда, Бўзтойдан мудҳиш хабарни эшитганда, қандай ҳолга тушган бўлса, ҳозир Саидбек ундан-да бадтар эзилди, бир ўкирик қалампирдай ачиштирди бўғзини. Ошқора вазаб билан ўкрайди ғолибона кулаётган Сайфига, сўнг боши гир айлангандек бўлиб, дуч келган томонга саросар юрдими-ей, ҳа, хаёлан юрди, кўксига ўт қалаётган кечмиши сари ошиқди мардона...

Ана, ғурбатхонага айланган ҳовли, дарча билан бирга дарвоза табақалари ланг очик: кимдир ҳовлиқиб кирган, кимдир қўл қовуштириб чиққан, кимдир истехзоли кулар, кимдир хўнграр бўғилиб. Дунёнинг жамийки ташвиши шу кичик даргоҳда тўплангандек туюлар: осмон узилиб тушмаганми ишқилиб? Қозикдаги Олапар куйма-ниб хургани, занжирини шиқирлатиб, ҳар ёнга ғашиқиб ташланаётганига энди ҳеч ким эътибор бермас. Шовкин-сурон ичра яна недир ҳангома муҳокама қилинар; Саидбек диққат қилсаки, нигоҳларда ҳайрат, тилларда таъна: сендақа тирмизакни елкамизнинг чуқури кўрсин, эмишга-ку эммабсан, эмчагини тишлаганинг нимаси?! Элакда ҳам, ғалвирда ҳам турмайдиган қочирим каттакичик оғзида, билган ҳам, билмаган ҳам кўшиб-чатиб валдирар, қуп-қуруқ обқочар аравани.

Ғийбат ўлгир ғалати нарса: эрталаб пашшача бўлса,

кечга бориб нақд филга айланар. Лекин у хар қанча тез семиргани билан барибир — омонат, бугун авж қилса, эрта кўпикдай сўнар, яхшиси Саидбек, махмаданалар жамоасига қўл силтаб, Бўзтойга қулоқ солсин: хар ҳолда уники тамизлирок бўлар, ҳалигача бирон сўзидан зиғирча ёлғони чикмаган.

Эсида, Бўзтойни ўшанда ҳалиги толзордан излаб топган, ха, жўра, бу хилватда бузоғингни йўқотдингми, деб кулган. Қараса, Бўзтой кўнглига ҳазил тугул қил ҳам сиғмас. Бўшашиб секин ёнига чўккан, аммо анчагача гап сўрагани ботинмаган, хаёлга толиб, ичи сидирилиб, жимгина ўтираверган. Ахийри, Бўзтой инсофга келган, оғир хўрсинган-да, қизарган кўзларини жавдиратиб гудранган: Чақалоқ энасини чирқиратгани рост! Жўраси товушидаги маҳзунлик Саидбекни лол қолдирган, нечундир унга ичида тан берган, айти пайтда, бир қадар енгил тортган, томири келиб томирига туташадиган жимити болага ҳурмати ортган. Қизиқ, деган ичида, бунинг нимасидир совуқ ўрмонда ёлғиз қолган гўдакка ўхшар, балки бу ўшанинг ўзидир? Ахир, кечкурун яна тилга кирипти, сендақа эна сутидан кечдим, депти ошкорасига, шайтонча!

Худо карами кенг, ёпирай, ўша маълум ва машҳур каломни солипти бунинг ҳам дилига. Марҳаматли аллох қўллагани ва заковат ато қилгани ростдирки, донолик билан, тап тортмасдан ўшанақа деб дадил чуғурлаган. Оёғи чиқиб улгурмай тили гуркириб чиққан гўдак бирдан таъна тошларини отганда, шаксиз, Лобархон Ойнигор мисоли изза еган, ер ёрилмаганки, қаърига кириб кетмаган. Қачондир билиб-билмай бахти кафанини бичган маликадек алам ўтида қоврилган, хўнграб-хўнграб йиғлаган, сўнг тулупдек тирсиллаб, сим-сим оғриётган, недир уволдан огоҳ этаётган эмчакларини қисиб ушлаган-да, кўкка нола қилган: яратган эгам, айтгил, жисми-жонимда гупираётган гўдагим насибасини не қилайин, тошга соғайинми, сувга?

— Сиз ўзингиз куйиб кул бўлсайдингиз ўша савил колгурда...

— Хувв-ва! Қўйсангиз-чи, мен шунчаям анойимидим, мулла? — Саидбек Умар бояги киноясини такрорлагани Сайфининг қитиқ патиға тегди. — Кимлар ёниши керак бўлса ёнди-да. Аллох ишқини оловга тенг қиларди

кавмингиз. Мен шуни назарда тутдим, йўқдан бор кип бердим ўша нарсани.

— Бу тарапиниям келиштириб қўясиз.

— Локигин сизга қойил, шунча йил ўтган бўлсаям босилмапти алабийиз. Мулла, унутиш ҳам савоб, ҳадеб шаккоклик қилманг, ортиқча ғалва орттирганийиз қолар шундоқ ҳам гиж бошийизга.

— Сиззи ошигингиз олчи туравурсин, шунақами?

— Сиз зўрдан-зўрни ажратишни ўрганинг.

— Э-э! — дея қўл силтади Саидбек.

— Биласиз, падарингиз мулла Умар қанча қайғу чекди йўқ ердаги ғалвани талашиб, хўш, қутқазиб қололдими Қуйруқсойни!? — зимдан у кўз қирини тегирди қовоқ солган Саидбекка. — Аксинча, ҳам Қуйруқсойни тикди гўрга, ҳам ўзини, шундай бадбахтлик керакмиди?

— Сизга қолса ўликларни ҳам суд қиласиз.

— Зарил келса қилаверамиз, — деди Сайфи хотир-жамлик билан танглай қоқиб. — Отангиз тақдирини бир парча латта ҳал қилган, олам гулистон эди яширилган жойини айтса!

Бир парча латта!.. Бунинг нималиги Саидбек Умар ақлига келмади, ичи тирналганча, баланд томдан ошиб келаётган суҳбатдоши оғзига термилди. Лекин у ўша нарсани ошкор қилишни истамади, сал учини чиқарганига қараганда, кўп ғурбатга сабабчи бўлган ўша бемаъни матоҳни ҳануз жонини жабборга бериб кидираётган экан, бор ҳунарини ишга солиб етти қават ер остида бўлса ҳам топаркан, топиб, пайтава қилмаса, бурдалаб ёқмаса, бир ҳовуч кулини кўкка совурмаса, еган нони, ичган оши ҳалол эмаскан, ҳатто отини ҳам бошқа қўяркан.

Ҳамон Сайфининг ичи тўла армон: аллақачон еди Қуйруқсой бошини, энди тагин нима истар ундан? Охиригача хумордан чиқмаган шекилли, қисқаси, кимдадир алами қолган. Азалдан гугуртни ҳам, тутантирикни ҳам чўнтагида олиб юришга одатланган эмасми, неларга кодирлигини осонгина исботлаган ўшанда, ҳеч кимса дарди дунёси билан ҳисоблашмаган, ҳисоблашса талоқ бўлармиди энаси?

Ҳозиргидек эсида, нозик-нозик тўлғанаётган сарик иблис рўпарасида тек қотган сафдан кутилмаганда Лобар янга ажралиб чиққан, дод солиб, ҳиқиллай-ҳиқиллай жавраган: арслонимдан жудо қилманглар, чўкиртагимда

не гуноҳ, санги қаттолдан яралган тасқаралар!? Сўнг Лобар янга, аллабир умидворлик билан, Сайфи оёғига бош уриб ёлборган, лекин, у, қуловига қўрғошин куйилган каби, эшитишни истамаган. “Хоним, — деган анчадан кейин мағрурона илжайганча, — мана бу ойтовоқларни тил-забонлари кулфлоғли бўлгани учун ёқамиз. Сиз ойимчани эса, қўйнийиздаги бўлажак ботирга қўшиб, жағингиз очиклиги учун ёқамиз. Қалай, маъкулми?” Кимлардир поймол айлаган адолат қаддини тиклаётганига ишонган Сайфи осмонни бошига кўтариб қаҳ-қаҳа отган, оломон эса чурқ этмай, тарашадай қотиб тураверган. Шўрлик Лобар янга докадай оқарган, кейин шолғомдай қизариб, ахийри, бўш қопдай шалвираб кулаган. Йўргакланган болажониси ёнгинасида биғиллаб йиғлашини айтинг. Беш-ўн дақиқадан кейин чинакам қиёмат-қойим бошланган. Лекин ким ҳам ботинсин Сайфини инсофга чақиришга. Ҳатто Ёдгор валий ҳам бир четда сукут сақлаган. Қай маҳалдир қоплондек отилиб келган икки гумашта беҳуш-бемажол ётган Лобархонни гулхан сари тортқилай кетган, дарғазаб ҳолда. Бетига олов тафти урилган пайтда шўрлик аёл дод солган, лекин бундан на фойда?

Энди навбат мурғак ўғлига, энди навжувон она қисмати ҳали ёруғ дунёга тўйиб боқмаган гўдак бошига тушажаги аён, бинобарин, у сокин ва совуқ ўрмонда азоб-уқубат ва очлик-юпунлик билан юзма-юз қолган, кўкбўричи подшоҳлар зурриёти бўлган гўдакни яна бир карра эслатаётир Саидбекка, аниқроғи, у томирида улуг шажара қони оқаётган норасида — химоя, меҳр ва юпанчга муҳтож Чақалоқ!..

Елкаси ер қўрмай ўтган Улфат полвон пушти камаридан бўлган ўғлон роса бўлимли, хушрўйгина — кўзга яқин, анчайин тик тушган тугмадек бурунчаси ёнида зиғирдан сал каттароқ хол ўрнашган, ёноқлари пахтадек лўппи, хиёл қурукшаган юпқа лабларида маъсумона бир изтироб белгилари: тўхтовсиз чинқириб йиғларки, ёпирай, чиндан ҳам турган-битгани галаёнми? Эҳтиёткор энагалар (Хазора момо билан энаси) йўргаклашдан аввал оҳорли кўйлакчаю оҳорли иштонча кийгизишган экан, бул тоза либосларда болакай нурга ўралган каби ўктам ва жозибали кўринар, фақат нахотки Сайфи шундай аломат митти маъбудни нобуд қилгани журъат тополса?

— Ихмм! Вой чигиртка-ей!

Биғиллаб йиғлаганча исён кўтараётган жангари Чақалоққа қарата Сайфи жони борича ўшқиргани ҳозиргидек Саидбек хотирида, э, ўшқиршиш ҳам гапми, босар-тусарини билмай ер ҳам тепинган. Бир навниҳолда шунча алами бор эканми? Сал-пал ҳовурдан тушгач, Сайфи ҳакалаб кела-кела илкис тўхтар Чақалоқ тепасида, беихтиёр эгилиб, уни аста кўтарар, бураб-айлантирганча баданини томоша қилар, ғалати гезарганча икки кураги орасига узоқ тикилиб қолар. Ажабо, нимага кўзи тушди, муҳргами?

Ҳамон олам жунбишда — кенг майдон бир сукутга толса, бир пўртана янглиғ гувлаб тўлганар, ҳамон еру кўкни комига тортиш учун чиранар ловуллаётган аланга... Нураб тўкилаётган қишлоқ, маҳзун бўзариб турган чўққилар узра паға-паға кўкимтир тутун юзадир, айрига ўрнашволган Саидбек сим-сим эриб, сел каби оқаётгандек бир алфозда. Баҳайбат терак тагида Бўзтой тик қотган, Бўзтой ғадир-будир тана билан бирлашиб кетганми, ҳартугул нигоҳида сўнгсиз вазаб тўлқини.

Булар гўдақдан ҳам ўч оларкан!.. Ногоҳ тигдек ўткир ўй тирнаб ўтар Саидбекнинг тинимсиз орзиқаётган кўксини. Суллоҳ Сайфи бекорга ўдағайлаб ётгани йўқ, ичида ҳадиги бор: шу кеча-кундузда Қуйруксой зами-нида пешонаси бир қарич фарзанд туғилган, елкасида, икки кураги орасида илоҳий белги зарбланган, эрта у ажиб фазилат касб этиб, саркардалиқ даъво қилар ва ерни кафтида ҳаптактош қилиб ўйнатаётган гумроҳлар таъзирини берар. Бас, булардан ҳеч бири тирик қолмас, мана, энди Улфат полвон зуриёдига етди навбат. Шуни ҳам бир ёқли қилса, олам гулистон, тамом етар муроду мақсадига.

Ана, у боши узра париллатиб айлантирди Чақалоқни, сўнг кўзичоқдай кўлтиғига урди-да, жизғанаги чиқиб ётган чегара сари юрди шошилиб. Содик ва эпчил мулозимларига ишонмади шекилли, улар адо этадиган юмушни ўзи олди гарданига.

Энди Саидбек мисоли пўстлоқ — чиппа ёпишган айри шохга, дили эса бўм-бўш, бутун кўкси эгасиз ҳовлидек ҳувиллаб қолган. Қалт-қалт учаётган Бўзтой эса унинг оёғини қисиб ушлаганча хўнграётир, тийиқсиз жолалар ҳўл қилворган ёқасини. Булар дарди-дунёси билан касбкори устаси бўлган Сайфининг неча пуллик

иши бор: у зиммасидаги бурчни адо этиши керак. Шунинг учун ҳам ён-верига бокмай, бировни назар-писанд қилмай, дадил илгари босаётир.

Тилла тусли иблис эса оч: Чақалоқни бир лукма қилиб ютса, сўнг яна овзини қападек очиб вишилласа керак. Оҳ, бу манзара Сайфига нақадар хузур бағишлар, хатар камайиб бораётганини тасаввур қилиб севинар. Азалдан шунақа қилиб келар, Кўкбўриларни вақти-вақти билан билдириб-билдирмай чилпиб қўяр, акс ҳолда, бу қавм, томири чуқурлашиб, танаси йўғонлашиб, ҳаддидан ошиб кетажак!..

Бас, кўрмай ҳам, куймай ҳам деган маънода, дар-дар уча бошлаган Саидбек чирт юммоқчи бўлди кўзларини. Бироқ улгурмади, баногоҳ шитоб юксалаётган олов билан ўчакишгандек, кўкда қарсиллаган чақмоқ яшнаб, сирли бир шиддат қамради чор-атрофни. Тарвақайлаган чақмоқ шохлари уфқ этақларига бориб туташган маҳалда фалакнинг аллақайси олис буржидан умидбахш бир даъват бодраб келдимиз-ей. Чиндан ҳам шунақа бир хайрли товуш янгради, сўнг чақмоқ чакди яна, шунинг таъсиридами, бошқа сабабданми, олов дами пасайиб, тинчий борди аста-секин чўғлари устини кул босиб, ҳил бермай қўйди ҳатто.

Энди фалак нидоси Сайфини чалиб юборди чамаси, ҳалигина босар-тусарини билмай дангал одимлаётган одам, оёқларига тош тиркалгандек, жизганак чегарадан бериқоқда тўхтади беҳол, безабон. Тарикдек титиладиган бир ҳолатга тушди афтингни ел ялагур.

— Во-о-оҳх! — деб залварли сўлиш олди оломон.

Сокинлашган кўкдан нур аралаш шивирлар ёрилди, энди ер қаъридан ҳам сирли ва хайрихоҳ бир сазо чиққандай туюлди, буни Саидбек бутун вужуди билан туйди ва руҳидаги азоб роҳатга айланиб бораркан, илқис кўрди Сайфи рўпарасида кўкрак кериб турган нигоҳи ўткир, қалин ва бўлиқ ёли ялтироқ жониворни. Бор қуввати, бор шаҳти-шижоатини нигоҳига тўплаб, ҳавас билан тикилиб қолди унга. Чироқ ёқилган каби кўнгли ёришди, қувонгидан сирмай кетди терисига. Сўнг бақрайиб, энтикканча нимадир деб гудранди, ич-ичини ўраб-чирмаган ғурур ва ҳайрат тилига кўчди бирдан: о, Энабоши, о, тахту бахтим Эна Кўкбўри, наҳотки бу ўзингсан? Ҳаял орасида, энг мўътабар дуони ўқиётгандек, неча маротаба такрорлади бу сўзларни. Эҳтимол туш



кўраётгандир, эҳтимол у ҳозирок йўқоладиган рўдир? Хаяжони тошиб, тезгина юмиб-очди кўзларини: сираям ўзгармади манзара. Демак, ўнги, демак, олис йўл-манзил танобини тортиб, саракни саракка, пучакни пучакка ажратиш учун ташриф буюрмиш Энабоши? Фалокат дарагини ким берди унга, саховатпеша тангрими? Не бўлганда ҳам у, мислсиз ташвишга тушиб, ошиқиб келган Қуйруксойга, орадан неча йиллар ўтса ҳамки, унутмаган экан зиммасидаги вазифани.

Нимага ҳам унутсин, ахир, у эъзовга лойиқ фази-латлари учун Энабоши унвонига сазовор бўлган улуг хомийдир: яқинни қандоғ кўрса, йирокни ҳам шундоқ кўришга қодир, энг қалтис дамларда ҳам Адолат тарафиди тургувчидир. Аввалдан жорий этган ҳикматики: бахт ва шафоат излагувчи бирон-бир кўкбўричи ўғил-қиз тирновига ҳам тикан кирмаслиги керак.

Айни лаҳзада Саидбек Эна Кўкбўри кўзлари тубида улуг шажарани бало-қазолардан асрашга хизмат қилувчи ойдиндан-ойдин меҳр тўлқинини кўрди ва чидолмай сакраб тушди айридан, сўнг бақирди томоғини йиртиб: Бўзтой, қара, қарасанг-чи! Қувонганидан Саидбек ирғишлаб сакрарди, лекин ҳовлиқиши бекор, қиёматли жўраси аллақачон кўриб-билиб турарди барисини, ҳатто недир юмушга шайланиб улиётган Энабоши пойига ташламоқчи эди ўзини.

Саидбек кафтини кафтига ишқалар: энди Сайфи ахволига маймунлар йиғласа керак. Ҳар ҳолда тангри иродаси билан мўъжиза рўй берди, бунақасини ҳали одамзод бошқа кўрмаган. Энди, Чақалоқ билан бирга, икки жўранинг ҳам ошиғи олчи туриши аниқ, қолаверса, бутун қишлоқ қутулар балодан. Худога бир айтганлари бор экан, фақат эртақ тирилдими ёки эртақ ҳамишагидек уларни фаройиб оламига етакладими?

— Э-ихх-ҳе-е... ва-аҳ-ха-а-а!

Қора кесак тусига кирган Сайфи ўқирди аламли... Ажабо, нима бўлди суллоҳга?

Қишлоқ катта-кичигини ноғорасига ўйнатиб келган нозир ҳоли зум ичида бу қадар забун бўлишини ким ҳам ўйлабди дейсиз. Ҳозиргина муз тагидан чиққандек дағ-дағ учар, ранг-рўйи кўкариб, кўзлари жайноқлаган ва жонини олиш учун келган асроил қошида турарди гўё титраб-қақшаб. Ғалати пихиллаб, кўкси тез-тез кўтарила тушиб, урина-сурина тисарила бошлади, сўнг тиф егандек, яна чинқирди жон ҳалпида. Рафтори

мағзава тусида, қараши сўлғин — маъносиз. Куруқшаган лабларини қимтиб, ваҳм аралаш олайиб, шуки чиранар, қаники қалтироғи босилса, аксинча, зўрайиб тишлари шақиллар, қон аралаш кўпик сочилар оғзидан. Энди хиёл хотиржам ингалаётган Чақалокни ноилож авайлаб кўяр тақир ерга. Аламини ичига ютиб, ҳамон питраниб, анча туриб қолар тепасида. Сал ўтиб, қадди букилар, гужанак ҳолда, ёнбоши билан қийшайиб қулар, ёпирай, бутун бўй-басти акашак тортиб, тош қотар.

Қай маҳалдир яна баралла янгради фалак даъвати, шунга ҳамоҳанг тарзда, чўнг қаддини ростлаб, ўқтам овоз билан Эна Кўкбўри увлади, йўқ, бор меҳри ва ғазабини намойиш қилмоқчидек, наъра тортди келиштириб. Поёнсиз уфқ сари чўзилиб кетган айқаш-уйқаш чўққилар силсиласи акс-садо қайтарди қалдираганча. Дала-туз, дара-ўнғир кўйнидан эса бошлаган шамол чанг-тўзон уфурди, энди тамом шаштидан тушди гувранаётган сариқ иблис. Мудҳиш тили бурала-бурала йўқлик сари чекинган маҳалда Эна Кўкбўри нидо берди қайтадан, кейин чехрасига нозик табассум инган Чақалокни тишида тишлаганча, қуюндек ела кетди сароб оғушида жимирлаб ётган дашт тарафга...

### 3

Бурунги замонда ҳам шунақа ходиса рўй берган...

Андак фарқи, унда Чақалок ёлғиз қолган хувиллаган ўрмонда, Чақалокни унда, Қабоҳат олови эмас, очлик ва совуқни ниқоб қилиб кийган шумшук азроил жувонмарг қилиш пайида бўлган.

Шамол чийилларди, ёмғир шиваларди, ивиб кетган дарахтлар паноҳ бўлишга ожиз... Чет-чақадан қора бериб қўяётган парранда-даррандадан ҳам тирноқча нажот йўқ... Якка ўзи билчиллаган лой ва ҳўл хазонга қоришиб ётарди типирчилаб. Бирон тирик жон эшитмас йиғи-сигисини, аҳволдан жамийки тириклик беҳабар, йўғ-а, улкан чинор панасида пуганча, бир ўксиниб, бир жавдираб, икки тинмасак жўра кузатарди Чақалокни жимгина. Ноласига ҳам кулоқ тутишар ва эзилиб кетар юраклари. Аммо улар ожиз, қаники ёрдам бергани қурблари етса. Аксига олиб, Сарироёғлар ёллаган қаҳри қаттиқ хуфиялар шамолдан ҳам тез келар яқинлашиб.

Улар Чақалок овозини ўчириш, умуман, Қорахон баҳодир иллизини тамом қуритиш учун бел боғлашган. Бу кўргилик олдини олиш учун нима қилиш керак, осмон узок, ер қаттиқ бўлса?!

Энсиз пешонасидаги ажинлари чуқурлашган Ҳазора момо бир маҳзун, бир масрур товушда сўзлай берар шовилмай, бир ҳаяжон, бир қўрқувга кўмилган икки жўра чечанлик ҳадисини олган мулойим табиатли кампир оғзига термилиб қолган, хаёлан жозиб ва даҳшатли тафсилотлар ортидан кува-кува, улар ўзларини Қорахон ё Ойнигор ёнида, ниҳоят, изиллаган хилват ўрмонда, баҳайбат шохларида зағизгонлар ин қурган чинор тагида, оламни бошига кўтариб ингалаётган Чақалок ҳузурида ҳис этишар.

Ана, тиний-тиний, юпқалаша-юпқалаша, сокин фалак бир фусункор ёришар, ўрмон зулмати ҳам шоша-пиша чекинар, субҳидам кўрки-тароватини намойиш қилгани сайин йирокдан, баданини селкиллашиб, изида учкун сачратиб, ошиғич елиб келар Энабоши. Ана-мана ўрмон пойида пайдо бўлар, меҳр тўла нигоҳини ҳис этишар жўралар, сўнг унинг қароқлари тубида чакнаётган ёлқин оламни исканжасига тортаётган жаҳолат сиртмоғини бурдалаб ташлашига ишонишар.

Сал ўтиб янаям аломат ҳодиса рўй берган: Қорахон баҳодир зурриётини тишида тишлаб, баҳор ёмғири севалаган ҳўл сўкмоқ бўйлаб жўнаворган Энабошини бир зум ҳавасланиб кузатишган ва ортидан ҳаллослаб чопа кетишган. Тақдир ўзи етаклаб борган уларни улуғ хомий қўналғасига.

Виқорли чўққилар, бири-бирига мингашган қоялар, сокин даралар ва сўлим боғ-роғларни Саидбек билан Бўзтой фахр-ифтихор билан кузатишган, айни пайтда, юксак тоғ қиёфасида акс этган қайғуни чин дилдан ҳис этишган. Қайга қадам босишса, ўша ердан файз-баракани қочирадиган Сариеўларга лаънатлар ёғдиришган-да, юрак ҳовучлаб яқин боришган дарадаги ғор бўсағасига. Шаксиз уни Тамғали ғорига ўхшатишган ва жилмайиб қўйишган.

Мундоғ қарашса, ёпирай, ичкари минг бир шам баравар ёқилган каби оп-ойдин, ўртада, супага монанд жойда, тангри назари теккан жонивор бемалол чўзилган, сокин ялтирар тикмачоқ бадани. Шаксиз, хуш-фикри Чақалокда, тўлиша бошлаган Чақалок бир

беозор тантиқланар, гоҳ қучар бўйнидан, гоҳ сийнасига суйканар ва эмар кулқиллатиб, бу ажойиб машғулотга бутун вужуди билан берилар, вақт ўтгани сари куч-қувватга тўлар: ерга урса қўкка сапчийдиган ўсмирга, ниҳоят мушти билан тоғни талқон қилишга қодир ўктам йигит — Ўғиз полвонга айланар.

Ана энди Ўғизни кўринг: енг шимариб майдон талаб қилар, ҳавода зулфиқорини ўйнатганча, шердек гумбирлатиб наъра тортар: Сариеўлар кўшинига сичқон ини минг танга! Энабоши сугини эмиб илиги тўлишган, зафар майини сипқориб, Кўкбўрилар шавкатини тиклаган ва отаси Қорахонни тахтга минғазган азаматни олқишлар, қўлини кўксига қўйган миннатдор эл эса, Ўғиз билан бирга, Энабошини ҳам қутлар, улур ҳомий деб эълон қилар уни, қарангки, шу куйинчак ҳабиб ҳамон сафда, ҳамон бурчини унутмаган, ер юзига яхшилик уруғини қадаш учун жонини жабборга бериб елиб-югурар.

Қуйруксой анчадан бери зор қақшаётганини Эна Кўкбўри аввало нозик сезимлари билан сезган, сўнг тақдир аёвсиз эканидан ўкинган, йўқса бу қадар шошилиб келмасди, рост, бургут янглиғ учиб келди Қуйруксойга. Қачонки, осмон устуни бўлишга даъвогарлик қилаётган Сайфини тиз чўктириб, Чақалокни ҳимоясига олгач, янаям яққолроқ сезилди шиддати. Ҳаракати ҳам эркин, ҳам тезкор. Бинобарин, қадимда, ўрмон зулмати ичра, қанчалик дадил ва ҳушёр иш битирган бўлса, шундай йўл тутди мотамсаро Қуйруксойда ҳам. Не-не танларни қул қилиб, не-не рухларни чирқиратган, ахийри, ўзини ўзи еб битираётган офатдан йироқлашгач, бирдан тезлатди қадамини, шунақа уча кетдики, ҳатто кўз илғмай қолди шарпасини. Тишида Чақалокни авайлаб тишлаганча елаётганини тасаввур қилишга уринди Саидбек, ажабо, энди уни қайга элтаркин, Сулаймон тоғи этагида жойлашган қўналғасигами ёки бошқа тағин ҳам тинчроқ манзилгами?

Қайга элтса ҳам майли, муҳими бу эмас, муҳими — нур ва зулмат оралиғида саросар мозий қаъридан мардона узилиб чиқа олгани, фалокат дарагини сезгани, Қуйруксойни қора тортиб, чўчимай-нетмай, айни қалтис, ҳал қилувчи паллада етиб келгани. Нияти қанчалар холис: харгиз кўксида савоб ва нек ниятлар униб-ўсадир, куртаклаб-гуллайдир, мева тугадир. Ана шу мевадан

қизғанмай улашар оламга, аттангки, бундан Сариеғлар гофил, жумладан, буни Сайфи на билар, на кўрар, хатто оёқ остида фақат фалокат эмас, нажот ҳам муқим эканини тасаввурига сигдиrolмас. Мана шунинг учун ҳам олди насибасини, ана, қаро ерда чўзилган, оёқ-қўли акашак ҳолда.

Шунчаси оз экан, бир келса яхши-ёмон қўшалок келаркан, тоқати тоқ оломонники ҳам чапақайига тутди шекилли, қуюндек ёпирилиб борди азобини тортиб ингранаётган нозир тепасига. Ана энди Саидбек ҳам жўшди: хумори ёзилгунга қадар тепиб-тепкилади баччағарни. Берилиб кетганидан гумашталар қўйма сўйилларни ишга туширганидан беҳабар қолди. Вишиллаган зарбалардан чўғ сачратди қароқлари. Ўзига келсаки, зах-моғор анқиган оғилдами-ертўлада, тиззаларини кучиб, ғужанак ётадир, сўнгсиз бир зирқираш камраган борлигини.

Жазавага минган сўйиллар дахшатидан тирик қолгани қизик, нима, аяброқ уришиптими, э, қайда, бу суллоҳлар шафқат нималигини билишарканми, мана, қош-қовоғи ёрилган, пешонаси ғурра, жағи қийшайиб кетган бир ёнга, лекин булари ҳали ҳолва, зўри, эрта, тонг отганда бошланар: асъасаю дабдаба билан баланд дорга тортишса керак. Ахир, знағар Сайфи, ов, эрка буқача, қишлоғинг ва узоқ-яқининг жамолига тўйвол, ҳадемай сенгаям етар навбат, оловдан қўрқсанг, бошқаси — осонроғига рўпара қиламиз, демаганмиди тунов куни. Атай тегишмай туришди чоғи унга. Анчадан бери отаси қувғинда бўлса: ҳар қадамига минг тузоқ қўйилган. Агар бирон нарсани хомчўт қилишмаган эса, бир кун тугул, бир соат ҳам тинч қўйишмасди-я. Қисқаси, мана, гал келди, энди нима қилса қилаверишсин — жодига тикишадими, деворга бостиришадими, тут тагида тик қотириб отишадими, жингиртоб ўт ёки дорга маҳкум этишадими, ихтиёрлари.

Асли, айтишларича, дорга тортиладиган бандаси учун, ёшми, кекса, совун суртилган сиртмоқдан афзали йўқ экан. Аммо булар қурумсоқ, қизғанишса-чи ўлгур бир бурда олқиндини. Гиж қилишар унақада, майли, бадтар бўлишсин, эртага — худо подшо, ҳозир жароҳатини ўйласин, о, шунака савалашганки, суяк-суягигача зирқираётир. Энди ажабмаски, азоби бир умрга етиб ортса...

Ўшанда адашмаган экан, ушбу паллада ҳам ўша сирқирашни қайта-қайта ҳис қилаётир борлиғида. На-чора, ўша машъум кундан ажралиб яшаши қийин, бу-нинг устига, ана, атрофида ўралашиб юрган Сайфининг совуқ ургандек туюладиган турки ҳам тутдек тўкилган қишлоғини эслатаётир. Ора-сира муғомбирона илжайиб кўяётган нозир зимдан кўнглига назар солаётгани аниқ. Ҳозир буни Саидбек яна бир бор туйди ва бадтар хира тортди таъби. Рост, муттаҳам шаксиз сезиб-билиб турипти барини, у, Саидбекка ўхшаб, Ҳазора момо эртагини ҳам, Қуйруқсой воқеасини ҳам бемалол хаёли-дан ўтказаётир. Аниқроғи, ҳозир Саидбек руҳи-ҳолини юктирган ўзига, демак, кечмиш сир-синоатида ўзини қайта кўрса, ўша тало-тўпларда бошқатдан иштирок этса не ажаб?

Ўшанда, Эна Кўкбўри панжасидан, қутурган оломон ур калтагию сур калтагидан Сайфи қандай омон қолгани сира ақлга сирмас. Аммо лаб-лунжига учук тошиб, кечалари ажиналар қуршовида қолгандек алаҳлаб, озиб-тўзиб бир ойча ётди ўлим тўшагида. Сўнгра, табибга қаратдими, кўрмагандек бўлиб кетди баччағар...

Саидбек Умар ичида чигил: нима қилса қутулар бу дарди бедаводан?

Ногоҳ шифиллаб ишлай кетди мияси, бас, бошқа чидолмас туркига, ҳозирок тўғрилар суробини, белидаги қуйма резина сўйилни шартта суғириб олар-да, пача-килашиб ўтирмай, худди учқўрғондан кўрсатиб кўяр онасини. Додини худога айтсин. Илгари бир баҳонада тирик қолган бўлса, энди ҳеч қанақа важи ўтмас. Мана ва мана! Балли, Саидбек, қандингни ур, бопладинг, тагидан қирқилган теракдай қулатдинг. Тамом, энди бети пўст бойлаб, лаб-лунжи гупдек шишиб, қаро ерни жим тишлаб ётаверсин. Ҳозир етиб келар насибахўр қузғунлар: бирови бақрайган кўзларини, бирови яра-чақасини, бирови жигарини чўқилай бошлар маза қилиб. Асли шу эди муносиб жазоси, бошқаси бунга кам, фақат ўзи билан кўп аломат сир-асрорни олиб кетадигани бўлди-да. Ахир, Саидбек Умардан ўла-тирила яширмадими казо-казо зотлар билан тил бириктирганини, ўшалар найрангига лаққа учиб юрганини. Қизиқ, қуриб кетгурса хуфия фармонни кимлар бердийкин: Пўлат Қосимийми, Бо-бошми ёки Жобир Қирпи?

Бирдан бошқа фикр урилди миясига: Сайфини авраб,

қўйинини пуч ёнроққа тўлдириб, изида синчи-қоровул қилиб қўйган Чумоли бўлса-чи, о, унда қисмати баттар чигаллашмасми, бир ташвиши устига минг ғурбат қўшилмасми?

Нега эслади Чумолини? Нечундир ғалати орзиқиб тушди, анчагача босилмади ҳадик билан омухта ҳаяжони. Хуморини ёзишида хизмат қилган сўйилни бир чеккага улоқтириб, Чумоли ёнига қўйиб кўрди Сайфини. Кейин қизиқиб кетиб, Пўлат Қосимийни, Бо-бошни, Жобир Кирпини... Қай бирини кўз олдига келтирмасин, бари пачоқ, мўрт, эпсиз ва ландовур туюлди Чумолига қараганда, ха, худо қарғишига учрагур Чумоли булар тенги эмас, у чиқиш мушкул бўлган баланд тоғ, булар эса унинг қошида бамисоли қумалоқ...

Мана бу баттол эса феълидан топди. Кинояли кулди Саидбек ичида, сўнг, керакли тош оғирлик қилмас, деган нақлни эслаб, ачинди қўйма сўйилга. Бекор ташлаворди, тўғриси, ношудлик қилди, ахир, у бир ҳамроҳ эди-да. Яна кутилмаган калтис вазиятда асқотиб қолмасмиди? Энди пушаймони сут айламас. Атай ўзини хотиржамликка урганча, оғзидан қони келиб ётган Сайфидан йироқлашди шошилмай. Беиззат ўлим буюрди ярамасга, энди тинч қўйгани тузук, атрофида ўралашгани билан барака топмас. Қолаверса, кўз қорачиги ва жигарни чўқилаб ейишга ўч қушлар ғаласи ёқтирган машғулотларини бемалол адо этсин...

## УЧИНЧИ БОБ

### 1

Бўлгани бўлиб, бўёғи синди, ҳозирок чопқиллаб борар-да, паққос ёрилар Пўлат Қосимийга. Сайфи гуппини қандай ер тишлатганини миридан-сиригача қолдирмай сўйлар, ҳеч бир икир-чикирини яширмас. Ахир, Гурзи кўп йиллик кадрдони, яхши-ёмон кунда неча бор бир майизни бўлиб ейишган, моша хомага минниши қийин кечган таранг лаҳзаларда бир-бирларини гоҳ ошқора, гоҳ хуфия муттасил қўллашган. Ана шулар эсидадир, ўлиптими маслаҳати ва кўмагини аяб? Аммо занғар ҳамишагидек бўғзигача ташвишга кўмилиб ўтирган бўлса керак. Оби-дийдаси кирармикин қулоғига.

Кейин, зўрроқ амалдор нуқиб қўймаса, бунақа ғалвага бурнини тикишни унчалик истамас. Бир жини қўзиб, ов, мошни тошдан ажрим қилолмаган сўтак, бор, пиширган ошингни ўзинг ейвур тўйгунча, маники етар ўзимга, деб пўнғиллаб қолса, неча пуллик одам бўлур. Соясидан ҳам хуркадиган бошқон тугул нафаси темирни эритадиган Бо-бош ҳам обқочар ҳозир ўзини. Азалдан Бо-боши тушгур бир машфулотга ошиқ: биров қон ютиб ётса ўламан деб, пана-пастқамда туриб томошабин бўлишга. Қисқаси, бундан ҳам наф кам, бу ҳам эшитмас арзи-додини, эшитган тақдирда ҳам қовоғини очмас, қорни сувини кимирлатмас, нари борса, минг қўйли бойдек узоқ эзмалангач, рўпарасида гап пойлаётган Жобир Кирпига сирли қилиб кўз қисар: ошига ўзи кесак ташлаган алломани сенга топширдим, сени худога!

Жобир Кирпига тўғридан-тўғри ўзи учрашса-чи?

Ногох, руҳи сиркираб, санчик турди юрагида, вужудининг қай бир нуқтасида беқарор оғриқлар аста-секин бирлашаркан, негадир иккиланди яна: бас, гулобий бинодан тияр оёғини, ҳозир тўғри уйига, йўғ-а, сабзага қўмилган чорбоғига боргани тузук (ёз боши билан кўчишган), ўша ерда нафасини ростлаб, аввал-охирини яхшироқ ўйлаб олар, токи кейин пушаймон емасин. Ҳозир қорин ҳам нақд пиёз пўсти, ҳарҳолда хотинчаси Моҳинахон, оқсочни зир югуртириб, бирон мазали таом ҳозирлаб тургандир...

Нолиш ношукурлик, қолаверса, турмуш кечириш, яхши-ёмон фарқига бориш қачон осон кечган? Азал ва абад одамзодни ҳеч қачон аямас, агар аяса, жисми иқлимида юракдайин нозик ва ҳаргиз ҳимояга муҳтож қалъани яратиб қўярмиди?..

Саидбек Умар жилмайди, пар-пар ботаётган, оламни шафаққа бўяган қуёшга тикиларкан, руҳи энгил тортди, сўнг Моҳинага оғди хаёли: шаксиз, ҳозир у салқинда маза қилаётир, шунингдек, анчайин тажанглик билан дарчага термилиб ҳам қўяётган бўлса керак. Эҳтимол, ҳозир, эрим ана-мана кеп қолар, деган умидда, чиндан ҳам мазалироқ таом пишириш истаги билан, дуд босган ошхонада, куяга беланиб, пиёз аччиғидан кўзи ёшланиб, гудрана-гудрана куйманиб ётгандир. Нимасини айтасиз, аксарият аёллар қатори, пазандалик энг ёқтирган эрмаги, йўлини топса-да, қозон-товоқ ва ўчоқ-ёғдондан бери келмаса, айланишаверса шулар атрофида.



Саидбек Умар адашмапти: Моҳина бурқиратганча пахта ёғ доғлаётган экан ташқаридаги омонат тошқалов ўчоқда. Қозон тагида пастлатиб қўйилган олов ўчайми-ўчмайми деб липиллабгина ёнар. Бир томонда шох-шабба ва ёрилган қуруқ ўтин уйиб қўйилган. Япаски кундачада чўнқайган Моҳинанинг икки бети яшнаб турган чўғдан андоза олган каби тарам-тарам қизил; ҳар замонда энкайиб, учи куйик чўп билан ўчоқни титкилар, гоҳо ўзича алланарсани кулимсираб чуддирар, бир нуқтада узоқ туриб қолар ҳуркак нигоҳи. Ўзи билан ўзи қолган хотинини кузатиб кела-кела берирокда шовурсиз ўйга толиб тўхтади, нимадан бошлагани маъкул арзи-ҳолини?

Нимадан бошларди, борини лўнда қилиб, сувамай-нетмай, дангал айтади-қўяди-да. Шалвираб ўтирганидан бир наф чикмас. Ҳартугул жазавага тушиб кетганини яширгани маъкул, даромадини келтиргач, шунчаки силтовдим сўйилни, шакар томирига тегиб, бирдан гуп этиб йиқилиши ва тил тортмай ўлиши тушимга кириптими, дейди мардликни қўлдан бермай. Сўнгра, иззат-нафси овриса-да, ётиғи билан маслаҳат сўрар, ёпирай, маслаҳат?

Саидбек Умар ўчоқбошида чўнқайган Моҳинадан бир неча одим берида тик қотган, маъюс нигоҳи — арзимаган эрмак билан ўзини юпатаётган завжаи ҳалолининг елкаси оша кўксини тўлдирган, яккам-дуккам оқ оралаган, учлари жингалак сочларида... Қизғимтир шуълада сокин товланаётган бўлиққина қўнғирок кокилларга тикилиб тўймас. Фақир шу жодуга асирман! Ногоҳ келган шоирона латофатли ўйдан ошиқлик майли билан тўлғин дили яйради, энтикиб қўйди енгилгина. Сўнг бошқа фикр ёпирилди калласига: хотин зоти макр арқонини зулфи гажаклари торидан тўқирмиш, ростмикин? Беихтиёр жилмайди, кейин шошилмай илгарилади, Моҳина чап ёноғига куя суртилганини кўргач, ўзини тутолмай, пиқирлаб кулворди телбанамо қиёфада.

Сал шовурга хуркиб, бир гулдан иккинчи гулга но-зик қанотларини липиллатганча учиб ўтадиган саросар ва шошқалоқ капалакка сира зехн солганмисиз? Ҳозир буткул ўз дунёсига шўнғиган Моҳина шу беозор жонивор ҳолига тушди, оҳ деди-да, кўксига тез-тез туфлаб, қоқ ерга ташлавораёзди ўзини. Яхшики ҳазилни эпломмаган эр белидан тутиб кучоқлаб олишни эплади, йўқса не кечарди ҳоли.

— Ўтакам ёрилди-е, дадаси, — деди Моҳина эри қўйнидан аста сирғалиб чиқаркан. — Қарибам қуюлмадингиз-да. Сал ановроқ жойдан йўталиб-пўталиб қўйсангиз кетмасийди асакангиз.

— Фаҳмим курсин, — деб ношудлигини тан олди ҳамон лаб-лунжини йиғиштиролмаган эр, — шу эсимга кемапти.

— Баъзан ёлғонга жа тўн кийгизасиз...

— Балосан, хотин, тўғриси, Сайфида эди ҳушим, — хотини ёноридаги қуяни рўмолчаси билан артиб қўйди Саидбек. — Нимага деб сўрамайсанми? Уччига чиққан шилқим-да, ярамас. Айтганча, уни танийсан-а?

— Сал анаққип... маймоқланиб юрадими?

Недир пичингга мойил савол, тап-тайёр турган-дек, беихтиёр бодреди Моҳина оғзидан, айни пайтда, шубҳа аралаш ҳадик ва чексиз назомат йилт этиб ёнди қорачиқлари тубида.

Ажаб ҳол: зум ичида Саидбек Қуйруксойда кўрди ўзини. Поёнсиз кўк билан бўйлашган гулхан борликни ямламай ютмоқчи бўлиб ланғиллар. Ўйлаб топган эрмагидан масту масрур Сайфи фигони тутар туйқус атрофни. Чақалоқни тишида авайлаб тишлаган Эна Кўкбўри, қишлоқ аҳлини умидвор қилганча, шитоб ғойиб бўлар кайгадир.

Қишлоқ уни жимгина кузатиб қолар, сабр косаси тўлган халойиқ эса дафъатан жунбушга келар: ур калтак, сур калтак. Ана, оғзи-боши қон, бети моматалок, танаси пажмурда Сайфи қаро ерда ер тирнаб ётадир, оёқ-қўли акашак. Ҳозирга қадар маймоқланиб юриши ўшанда орттирган дарди асорати, аммо Моҳинага қойил, бирдан бир қусурини ёдида сақлаб қолган экан.

— Ўлма, хотин, топдинг, — деди у бирдан шанғиллаб. — Жа девона шилқим, канадан баттар, бир ёпишса уввало қўйвормас. Аммо... ўзидан кўрсин, ғарқобга қолиб обқўйди улушини. Нима, кўнглим кўчаси энасининг маҳрига тушганми?

Энсаси қотди шекилли, Моҳина тескари ўғирилди беихтиёр, паришон-ёйиқ сочларини бафуржа йиғиштириб, ўзига ярашган бир ҳаракат билан елкаси оша ташлади-да, яна хуркак пари каби чўнқайди ўчоқбошида.

Ковун туширдим, деган хаёлга борди Саидбек ва анчагача журъат қилмади сўз қотгани. Индаллосини айтиши зарур: ахир, Сайфи ундан ҳам кўра Энабошидан аламзада-ку! Бунга Моҳинадан яширмаслиги керак. Энди

рўйирост ювишга киришди айбини. Хаяжон бўғзидан гиппа бўкқандек, роса чайналди, э, узук-юлуқ ибораларни неча бор такрорлаган бўлса. Қизик, кечмишда яшаш завқлими ёки келажакда? Балки чиндан ҳам эртаси йўқолиб қолгандир, йўғ-е, эртаси мозий кўйнида эканидан нега тонсин?

Буни ўзи ҳам гоҳо унча тушунмас, шундай экан, буни Моҳинага тикиштирганидан фойда борми? Аммо қизик бўлди, Эна Кўкбўри номини эшитган заҳоти сергакланди Моҳина, юзи хиёл ёришганча, бир четга аста улоқтирди эгри косовни. Сўнг ўйга толди...

Илгари у елвагай эри жаврашларига унча аҳамият бермаган, кейинча Ёдгор валий қутқуси билан сир тагига етган: Эна Кўкбўри меҳри кун сайин ёришиб бораётган дунёсига кириб келганини эътироф этган. Шақсиз, эри ўша жонивор ёдисиз яшолмас, хўш, ўзи-чи?..

— Ёдгор ота салом айтдилар, — деди Моҳина анчадан кейини, томдан тараша тушгандек қилиб.

— Ҳмм, — деди Саидбек ўнғайсизланиб, — отам кизик одам, атай йўғимни пойлаб келадилар. Тану жонлари соғ эканми?

— Ҳа, шукур... Аммо аввалги ғайрату шижоатлари қайда. Анча пишиб қоптилар. Эрта-индин думалаб кетмасалар...

— Расо юз билан юзлашдилар, — деди Саидбек Умар мийғида кулиб ҳам ниманидир чамалаб. — Аммо имони пок, илиги тўқ одамга нима бўпти бу ёш?

— Фузайлни эслаб куйдилар, вайй, бирам ачиндиларки!..

Бир қадар унутилган, гоҳида борлигини ва ҳеч қачон тузалмаслигини сим-сим эслатиб кўядиган ярасига қалампир сепилдими-ей... Бас, шафқатсизлик қилди хотини. Ичи ўпирилгандай бўлиб, бир анқовсираб, бир олайиб тикилди унга. Сўнг узок йўл босиб, терлаб-пишиб, толиқиб келган шайхнинг жиддий чехрасини, маъюслик дориган чағир кўзларини гавдалантирди хаёлида, наҳотки у ҳамон ўғлига аза тутиб юрган бўлса?

Бўлса бордир, ҳазрат жонидан ортиқ кўрарди Фузайлни, қаттиқ меҳр боғлаганди бола пакирга. Барака топгур Саидбек, ўғлинг дўсиригина, жудаям кўзга яқин, тавба қилдим-а, қайсидир жихати Бўзтойга тортган, ишқилиб умри ўхшамасин, деган неча марталаб. Аттанг, дилидан чиқазиб айтган тилагига фаришталар омин деган экан. Бўзтой каби Фузайл ҳам жувонмарг кетди ва тоабат қўли уни хазон қилган бандалар ёқасида...

Ёдгор валий чорбоғи бўсағасини табаррук айлагани баҳор қуёшидек илитди Саидбек Умар борлигини. Шайх кўнгил сўрашдан эринмайдиган оқибатли одам эканлигига яна бир карра ишонди. Фақат у, Моҳина дили тубида кўмилиб, эскира бошлаган дардни янгилаб кетгани малол ботди анчайин.

Тахмин қилдики, шайх Фузайлни айрилиқ доғи суяк-суягигача ўтиб кетганини билдириб қўйиш учунгина эсламаган. Асосий мақсади, уни — Саидбекни айблаш, у йўл қўйган хатолар етти пуштига ҳам етиб-ортажагини чақмоқлаб қўйиш, шунингдек, Моҳинани хушёр торттиришдан иборат бўлган. Илгари у, Фузайл — ўзинг, кўнглинг андозаси, деган гапни гоҳ босиклик, гоҳ қизиққонлик билан қайта-қайта уқтирарди, мавриди келиб қолгани учун буни яна тикиштирган орага, э, келин, эрингиз аввало ўзини хўрлади, бундан офир гуноҳ борми дунёда, дея роса аламдан чиққан, ҳа, алмисоқдан қолган ашуласини ўйламай-нетмай такрорлаган ва шундоқ ҳам бўлари бўлиб юрган Моҳина ичига қайта ўт қалаган...

Мана энди шўрликкина жиз-биз: азиз меҳмонга тўқолмаган аламини тинкаси қуриб келган, қорин тўйғазиб, хордиқ чиқариш илинжида турган эр устидан мағзава қилиб ағдариш пайида. Нима қилсин Саидбек, орқа-олдига қарамай қочсинми, қочса, эхтимол, вафосини жафо, жафосини вафо қилиб кўрсатишдан ҳаргиз лаззат оладиган хотини ва унинг маза-матрасиз хархашаларидан қутулар, бироқ ўзидан, дардисар қилиқлари, дард устига чипқон ғурбатларидан-чи?

— Бир гап учини чиқаздилар, — ниҳоят ўнғайсиз жимликни бузди Моҳина, шишинқираган қовоқларини кафтлари билан артаркан. — Раҳматли отайиздан нимадир мерос қолган экан.

Аввал Саидбек аҳамият бермади, сўнг бирдан жунбишга келди юраги, истехзоли қараш қилди хотинига, ахир, ҳовлиқиш ҳам эви билан-да, орадан шунча йил ўтиб қанақа мерос можароси кўзғалиши мумкин. Тагин кечагидек эсида, ота-онаси тасарруфида неки бўлса, Сайфи бошлиқ тозилар барисини шилиб олишган, ҳатто улар ихтиёрида на бир мири танга, на бир бурда нон, на бир мисқол ун ёки дон қолдиришган. Ойлаб бурда

зоғорага зор яшашган, бировдан егулик сўрашга бетлари чидамай, тишлари кирини сўриб юраверишган. Оиласи чеккан азиат Ёдгор валийга кундек равшан эди-ку. Не-чун чўмич ё капгирда турмайдиган маза-матрасиз олди-кочдини маъкуллатиб кетмиш хотинига?

Лекин шамолсиз дарахт учи қимирларканми?

Қолаверса, Ёдгор валийга ёлрон ҳаром, ҳатто у бо-шига қилич келса ҳам ҳақни сўйлар (худо кечирсин, умрида бир марта одатига хилоф иш тутган, лашкар тузишу жамоа бошини қовуштиришга мулла Умар қобил эмас, деб Сайфини чалғитишга уринган), шунингдек, бўхтондан ўлгудай ҳазар қилар, биров ҳақи ва бева-бечорага ола қарамас, алҳол, ортиқча қаҳру ғазабга берилиш ёки бирон савобни миннат айлаш нафс хуру-жи, кўнгил инқирозга юзланиши қабилдаги ақидага суянишни афзал билур.

Ҳазрат шайх ҳам кечмишим! Саидбек Умар хўрсинди, тум-тароқ хаёлида шу фикр айланишган заҳоти туман каби тарқади гина-гумони, сўнгсиз бир ғурур туйди ва хаприкиб кетди юраги...

Қизиқ, кечмиши қора тортиб, ажаб иштиёқ билан излаб келган, шу кунгача номаълум қолган, зеро мул-ла Умар, онаизори ва ўзи билан чамбарчас боғлиқ қандайдир сирни айтмоқчи бўлган бетига, аттанги, ҳамишагидек уни учрата олмагач, Моҳинани шунчаки огоҳ этиб қўйган.

Ёдгор валий кўп савдодан воқиф, ўшанда Қуй-руксойга, жабрдийда жамоага қалқон бўлишга урингани ҳам чин, жонинг кўчада қолган эмас, ғурур азиз бўлса ғамингни егин, э, ғофиллар, дея улусни қўзғгани, ху-сусан, отаси тузган лашкарга маънан раҳнамо бўлгани ҳам рост, ёпирай, қаёқдан олган экан бунча кучни?

Ўша кунда, Қуйруксой тақдири қил устида қолганда, Саидбек ҳам оломон билан оёққа қалққан, ғазабнок ёру биродарлари қаторида жони борича дўппослаган Сайфини. Э, бир чиққан-да хумордан. Сўнг ўзи ҳам бир ёнга копток каби учиб кетган, кўзини очиб, ўзини коп-қоронғи, шифти калла теккудек паст, ўргимчаклар тўр солган, ҳавоси ачқимтир ертўлада кўрган. Томоғи қақроқ, қорни пиёз пўсти, шериклари каламушлару сува-раклар, хуллас, тақдиридан нолиб, ўлимига рози бўлиб ётаверган, ахийри, бир куни эрталаб, тепиб-тепкилаб судраб чиқазишган ташқарига. Гулхан ёқилган майдонга

оборишиб, шалпанг кулоқларидан чўза-чўза, бир чеккада қокилган қозикдай тикрайтириб қўйишган.

Жонидан алам ўтган Саидбек ичида худога астойдил ёлворган: шу бало илойим Сайфини жизганак қилсин! Ана шу ходиса хозироқ рўй берадигандек, Сайфига ер остидан нигоҳ юборган, сал нарида қад ростлаган қандайдир дароз амалдор қироат билан ҳукм ўқий бошлаган, шунда ногоҳ Бўзтой исмини эшитган. Илкис бош кўтариб, разм солсаки, тут тагида кўзлари боғли Бўзтой турибди, бўй эгиб. Ҳалиги амалдор шапалоқдай келадиган қоғозни буклаб, аста қўйнига солгач, Сайфи кимгадир бош ирғаган, қатор тизилган гумашталар орасидан калласи хумдан катта сўлоқмондай киши ажралиб чиқиб, Бўзтой сари хезланган, уни елкасига шап уриб тиззалатган-да, ногоҳ бўғзига ханжар тортворган...

Сокин тўлғанаётган еру кўкни кип-қизил жала тутган, бунга Сайфи эътибор бермаган, яккам-дуккам чечак излари қолган бетига ним кулги югурган-да, ҳаммага эшиттириб қичқирган: кимки Кўкбўрини эмипти, ҳоли шу! Шўрлик Саидбек музлаб қолган тамомила, шунинг баробарида, совуқ ялтираган тиф ва дўсти кекирдиган тизиллаб отилган шафақ тусли шарора абадий ўрнашган хотирасида, Сайфи голибона тарзда қилган хитоб ҳам...

Ҳозир ҳам бир санчик, бир алам, бир армон билан йўғрилган ўша машғум манзара лоп этиб жонланди хаёлида ва илкис сирқиратиб юборди вужудини!..

Эсида, бир оғир оҳ тортганки ўшанда, ер-замин ҳам, осмону фалак ҳам қўшилишиб нола қилган, сўнгсиз бўшлиқ ичра ғужғон юлдузлар-да шашқатор ёшларини тиёлмаган. Ҳар қанча бўзлагани, борликни ҳар қанча жазавага солгани билан қанийди Бўзтой тирилса, қанийди қалин киприкларини бир бора кўтариб, бетига жилмайибгина назар ташласа, ҳамишагидек ҳам шўх, ҳам кинояли, ҳам беозор табассум тортиқ қилса. Шўрлик Бўзтой, типирчилай-типирчилай тинчиб қолгач, қайтиб қилт этмаган, лахта-лахта қонга беланган жасади совий борган.

Тагин ҳукм ўқилган: бузуқи-авбошлар сардори мулла Умар таслим бўлмагунга қадар Эна Кўкбўрини эмган арзанда ўғил Бўзтой жасадини кўмиш учун ижозат берилмас, тажовуз билан машғул мурдор Сариеўларга юкуниб келмас экан, қутурган итлар ва очофат кузғунларга хомталаш қилинур!..

Нега ўшанда паққос ёрилмади Саидбек юраги, нечун йиртилиб кетмади кулоқлари пардаси, ҳе, тавба, томошабин қилиб қўйишганча нимта-нимта қилиб бурдалашгани, Бўзтой ёнида сулайтириб қўйишгани авло эмасмиди?

Хайҳот, ундай бўлмади, анов сўтаклар каби у ҳам бир ёғоч, ҳа, фарқи йўғийди ёғочдан. Мана энди элас-элас эшитар ажал нафаси билан йўғрилган ўша тилсимли садоларни. Ичида дарди-алами тўлиб-тошган Ҳазора момо уввос солиб йиғлаганда, қадди дол Ёдгор валий ўпкасини босолмай қолганини кўрганда нақадар эзилган, қасос алангаси жовиллаб тикилган бўғзига. Оппоқ соқоллари жикқа ҳўл бўлган чоллар обидийдасига ўшанда қандоғ чидаган, билмайди, лекин энди, худо ҳақи, бунақа нарсага жиндек ҳам чидолмас. Не чораки, ақлга сирмас манзара ичра бир хас каби йўқолмиш ўшанда. Ҳатто ўзини ўзи йўқотиб қўйганди. Мана, орадан неча йиллар ўтибдики, хануз жиғи-бийрон бўлиб излар ўзини, қаники тополса. Мени ҳозир ҳеч ким кўрмаётир, чунки мен йўқман, деган хаёлга боргани ҳам хотирида. Ахир, ким ҳам илғар жонсиз шарпага айланган одамни?

Аммо, билмасдики, ўша кезлар, Саидбекни ва унинг ҳар бир ҳатти-ҳаракатини бир киши зимдан астойдил кузатаётир. Ким бўларди ўша нокас: Сайфи сардор-да. Шу банда дўстига аза тутган, Ҳазора момо билан Ёдгор валийга чулдираганча ҳамдардлик билдираётган Саидбекни жиддий назорат қилган, ҳатто ундан бир сония ҳам нигоҳини узмаган, жаллод ишини битиргач, бир неча дақиқадан кейин, қадди-қоматини роз тутганча ёнига келган, кўзига тик қараган-да, дўқ урган: уч кундан кейин навбат сенга! Отанг келмаса ўзингдан кўр! Пўписа аралаш Сайфи илжайган, ер тишлаб ётган Бўзтойга ишора қилиб қўйган, балки сенга дор маъқулдир, деб ярашмаган ҳазил ҳам отган. Лекин бир бошга бир ўлим борлигини тарозига солган Саидбек унинг ваҳимали тикилишидан ҳам, дўлайтирган муштидан ҳам кўркмаган. Бўйнига тушажак сиртмоғу кўксига санчилажак ханжарни ҳам парвойига келтирмаган, мурувватли аллоҳ мушқулини осон қилишига ишонган.

Сўнг бошқа жиҳатдан ғам еган: Сайфи аҳди-қарори отасига етса, отаси пайтавасига қурт тушмасми, эй, кўзим гавҳари, сенда не гуноҳ, сендай ғунча бемаврид

сўлиганидан кўра мендек қарилек остонасига етган банда қурбон бўла қолсин деб, шитоб йўл тортмасми Қуйруқсой сари. Агар бўй эгиб бормагунча жувонмарг кетган Бўзтой жасадини тупрокқа топшириш тақиқлаб қўйилганини эшитса-чи?

Кейин, хайхот, тўғри бўлиб чиққан тахмини: далада даштда атиги уч-тўрт суворий билан қолган падари бир эрта Қуйруқсойга кириб келган-да, жиловини Сайфи ихтиёрига топширган. Иложим қанча, омадим юришмай, Улфат полвондек қўмондонимдан ажрадим, энди якка ўзим қолдим, бу ёғи худога таваккал, деганини кўпчилик эшитган...

Кейин Саидбекни бўшатишган...

Сайфи елкасига уриб қўйган: жонинг ўзингга буюрсин!..

## ТЎРТИНЧИ БОБ

### I

Мулоҳазалар гирдобидан ўзини аранг тортволган Саидбек Умар аста Моҳинага қаради. Хотини нималарни ўйлаётган бўлса? Энабошига оғдими хаёли, айтганча, ушбу паллада Энабоши Чақалокни иссиқ кучоғига бошиб, тийран ниятлар билан эмизаётгандир. Анча дуркун тортиб қолгандир Чақалок... Бу ўйидан масрур бўлиб, руҳи тиниқлашди, жилға сари юраркан, ногоҳ қайдадир, яқин-орада шекилли, анча баланд пардада от кишнади, бир калта, бир узун кишнади. Совуқ сувда пишқириб ювинаркан, хуш-фикри боғланиб қолди шу овозга. Недир куч пайдар-пай кўча сари чорлар эди. Чорбоғ бикинидан ўтадиган шағалли-қумлоқ кўча кимсасиз ва жимжит, фақат йигирма қадамча наридан беқасам чопон кийган, сочи патила-патила, қош-кўзи попуқдай ўсмир йигит шошилмай одимлар, овзида хиргойиси. Йигитча мағрур боқарди олисларга, буни қарангки, анчайин навқирон, куч-қувватга тўла, думи калтаю ёли бўлик чавқар бия етаклаб олган. Бия изидан гоҳ ирғишлаб, гоҳ йўртиб келаётган қулунига қарай-қарай безовтаҳол кишнаб кўяр ҳар замонда.

Ниҳоят субҳидам кўзи ёриди, субҳидам улуғ фарзанди бўлмиш куёшни шошилмай йўргаклаб олди уфқ билан осмон этагида. Куёш шиддат билан камолотга



етмиш... Ана шу фаройиб маросимни нишонлашга аҳд қилган каби ўсмир машриқ бўстониға ошиқар, бия рафтори ва қош-кўзига мувофиқ тушган сипта-кўн юган учини билагига жипс ўраган, иргай дастали ўрма қамчини билан гоҳо уриб-уриб кўяр ихчам сахтиёний этикчаси кўнжига.

Чавкар бия етаклаган ўғлон чорбоғ адоғидан бошланиб, олис дашт кўйинини қошлаб ётадиган тўқайни оралаб ўтган, ҳар кимни бағрини ҳайлаводдек очиб қаршилайдиган жар сари бурилмиш. Оҳудек чопагонлиги, кийғирдек чаптастлиги шундоқ кўриниб турган азамат қадди-бастии, қарашадаги шижоат ва хайрихоҳлиқ Саидбек Умар дилига нақшланди осонгина. Бир ҳайратга чўмиб, бир ниманидир ўзидан қизганиб қайтди изига. Кун қандай кечди, билмас, аниқроғи, имиллаган зерикарли вақтни эмас, задасираб қолган тумтароқ хаёлини яшади безовталаниб. Фақат ўзига эмас, еру кўкка ҳам сирмас. Кўнгли алағда. Э, қодир эгам, хабар бергил, истараси офтобдан-да иссиқ, шаҳти-шижоати арслонники каби ўктам бул фарзанд ким, субҳи содиқ ёришар-ёришмас қаёқдан келар, қаёққа борар ошиқиб, хабар бергил?!

Жавобга интиқ, лекин жавоб қайда, на кўнгли иқлимида, на борлиқ-атрофда бирон-бир сазо бор, нуқул жимлик ҳоким, бу ҳолдан ажабланган Саидбек Умар, ҳаргиз бўш келмай, ўзича таскин излар, бас, худо ўзи ечар бу жумбоқни. Кўҳна очун эса, наздида, бўм-бўш, ҳозир шодлик ёки юпанч ато қилишга ожиз. Аммо куни кеча анов ўғлон илдам юриши, чавкар бия кишнашидаги сирли босиқлик, тантиқ тойчоқ думини хода қилиб югуриши ажаб сурур бахш қилмадими кўнглига? Айни пайтда ўшандайин бахтиёрликни кумсаётир, нигоҳи урим-бурим йўлга қадалган, ажойиб шериклари билан ўғлон чорбоғига ёндош кўча бўйлаб тагин ўтиб қолмасми?

Саидбек ичига чигил тушиб, кайфияти бузилганини Моҳина сизди, эри кўнглини овлаш учун атрофида парвона бўла бошлаган ҳам эдики, ташқарида машина тўхтади ва дарчага ёпирилди аллакимлар. Бири олдинда сал чўлоқланиб келарди, чамаси, оёғида ланг борлигини сездирмаслик учун атай лапанглаб одимлар, тик тутишга тиришар қадди-бастини.

— Мулла, хиёнат оши шунчалар мазалими?

Кимса, шундай деркан, қаҳ-қаҳа уриб кулди. Зарангдай қаттиқ товуши узоқ жаранглаб турди ҳавода. Анқайиб қолди Саидбек жовдираганча, ёпирай, ўнгими ёки туши, ахир, бу Сайфи гуппи-ку. Вой, ўлгур маймоқ, ҳали ҳам тирикмисан? Ғўр ва ғўл Саидбек эса аллақачон ўзича жанозангни ўқиб қўйган.

— Газанда Энабоши билан Чақалоқни яширипсиз.

Ана буниси кўп қизиқ: муғомбир Сайфи, ола кўзларини лўқ қилиб, гавдасини бир ёнга ташлаганча, сарғимтир тишлари орасидан сиздириб чиқараётгандек қилиб айтди бу гапни. Алжиди бетамизлар сардори, бу талтайиши на капгирда туради, на чўмичда, ахир, ҳозирча Саидбек Энабоши билан Чақалоқ тақдиридан беҳабар, асли кошқийди уларга зигирдақкина нафи теккан бўлса?

— Тухматга қопти-да кунингиз, ошна?

Ҳафсаласи пир бўлган Сайфи, томоғини филтиллатиб, жайрадек хурпайди: Иҳи-им! Сўнг бесўнақай қўлларини чўнтақларига тиқиб, қовоқ солганча, ликонглаб юрди нари-берига. Тутаб турган аламини ўчириши керак, аламини. Гунг одамдек Саидбек хўмрайиб ўтирарди, аммо лаҳза сайин тўлиб бораётир сабр косаси. Бирин-сирин муштларини тугаркан, ногоҳ от кишнади ташқарида. У бирдан сергакланди: ўша бия. Кўкси ҳам ғалати жиз этди. Анчагача сир бой бермади, ахийри, чидолмай, кетини билмай чўғга босволган каби, илкис турди отилиб. Нақд қанот боғлаб учди, хуллас, девор оша бемалол кўрди хушрўй ўғлонни.

Чавқар биясини зўр иштиёқ билан етаклаган ўғлон, аввалгидек, оғзида хиргойиси, ошиқиб борар машрик сари. Гоҳ у ёни, гоҳ бу ёнида шўх-шаддод тойчоқ иргишлаб ўйнар, ажаб эркалик билан ора-сира кишнаб қўяр ингичка товушда. Ҳов, офтоб чехрали азамат, кимсан, қайдан келиб, қайга борурсан, қайси боғда битган хушбўй гулсан?

Сайфи ҳам анойи эмас: ер тагида илон қимирласа билар.

Қуриб кетгур шерикларига зимдан имо қилувдики, улар зумда битиришди ишни: ўз хаёли билан эмин-эркин бораётган ўғлонни юмалоқ-ёстиқ қила-сола тиқишди тим қора янги машинага. Беэга қолган бия билан той физиллаб жўнаган улов ортидан анча қараб турди мўлтираб. Кейин искаланиб, безовта юлқинганча, ела

кетишди тўқайни мўлжаллаб. Олдинда бия, орқада қулун чопади. Гўё кимдир, нимадир йўлларига интиқ, буни яхши билган каби, ўқдек учиб боришар машриқ томонга.

Бу ҳол Саидбек Умарга сирли туюлди.

Бир ишқибозлик билан жилди улар ортидан...

Қуёш киздираётгани боис тўқай дим, қилт этган шабада эсмас, атрофни ўлик сукунат кучган, гўё ҳар қадамда ваҳима қушлари сонсиз уя қурган. Шошганидан чучмал бир орзиқиш тиқилар Саидбек бўғзига. Рўпарасида нимадир аланга олар, аланга яллиғланган кўйи тўқай устини ҳарир парда янглиғ тутар, кейин ер бағирлаб сузганча тоғлар учини, ниҳоят бутун фалакни чулғар. Йирокда, парда ортида, семиз бир шарпа гивирлар, шарпа аста-секин силжиб келар бу тарафга. Ёспирай, ўнгими, туши: ахир, бу қадрдони Энабоши-ку. Кўксидаги хавотир ногаҳон ёруғ бир орзуга айланар. Оҳ, бу қутлуғ учрашув баҳоси борми? Бу саодат мана шу кунга насиб этган экан. Бу кундан минг айланиб, минг ўргилсин. Қолаверса, Энабоши ҳамияти Чақалоққа ҳам емиш, ҳам либос, ҳам қалқон бўлаётганини англаб, боши кўкка етар. Илойим, иккаласини ҳам тангри ола кўзлардан асрасин.

Эна Кўкбўри, тишида гўдак, эриб йўқолар парда ортида...

Бия билан той эргашар унга лўкиллаб...

Саидбек Умар эса беҳол, қимирлашга мажоли етмас, майсалари қовжирок қумлоқ тепада гўё саксовул янглиғ илдиз отган. Салдан кейин ҳушини ўнглаб, беихтиёр ташланар жазирама қўйнига. Бас, из қувмоғи керак. Топмагунча, топиб, дийдорига тўймагунча қўймас. Имони комил, Энабоши кўпам узоққа кетмас, қўналғаси шу атрофда, анов жарликдаги камарлардан ўнғайроғини танлаган, асли шу атрофдан қулайи йўқ унга. Аммо Сайфи ҳам қандини урсин, чорбоғига бекорга ҳид олиб келмаган экан. Кўнгли бир балони сезган.

Худо берар Сайфи тулки жазосини! Хумдек оғир калласида шу ўй, қизиган қумни тўпигидан кечиб бораркан, бирдан Фузайлни эслаб қолса. Ё, тангри, Эна Кўкбўри тишида тишлаб юрган гўдак чароғбони Фузайл бўлиб чиқса нима қипти? Аллоҳ карами кенг, яна бир кўрсатса не қилур қудратини? Эсини таний бошлаган кунданок ўғли қулоғига улуғ ҳомий таърифини мунтазам куйган (Моҳина ҳам гувоҳ суҳбатларига), бора-бора,

азаматгинаси шу даражага етганки, Чақалоқ халоскорини тушларида кўра бошлаган. Ҳатто у билан ғойибона баҳс қуришни ҳам одат қилган...

Мана, энди Фузайл меҳрига ҳам, тирновига ҳам, тўпориваш сўровларига ҳам зор, соғинч ўртайди нукул юрагини, не қилсин, чатоқ экан айрилиқ балоси, доим ўртада девордек кўндаланг. Гоҳо умид қиларки, хотини Моҳина яна бир чироққар туғиб берармикин, мабодо туғиб берса, уни, чилласи ичида, Энабоши сути билан оғизлантириш насиб этармикин?

Жамийки кучини йиғиб қичқирди Саидбек: ҳей, улур армоним!..

Олис жингиртоб дашт қаъридан, живирлаётган фалак тоқидан улкан занг оҳангини эслатувчи акс садо қайтди гумбирлаб, фақат, хуши Фузайлга оғаниданми, айтарли эшитмади буни. Силласи тамом қуриб, бутун борлиғи қалтираб, юзтубан кулади қайноқ қумга. Қирғовига бош қўйган денгиз каби сокин шовуллаётган поёнсиз саҳро тафти вижир-вижир кўйдирар баданини. Недир куч сеҳрлар шуурини: саҳро ғолиб, у эса мағлуб! Шаксиз, мана шундай ночор аҳволга тушиб қолганини яширар Моҳинадан, мадори қуриб, кўзлари қароқиб, оғзидан сўлакайи келиб ётганини айтгани билан наф топарканми, аммо тангри ажойиб учрашувни лойиқ кўрганини сўйлаб бериши ҳам қарз, ҳам фарз.

Минг офарин: Куйруқсой Қабоҳат олови ичида жизганак бўлиб ёнган кундан бери Эна Кўкбўри Улфат полвон зурриёти бўлган Чақалоқни тишида авайлаб тишлаб юрган экан. Ёпирай, ўша кундан бери атиги бир неча сония кечгандек...

Вақт замирида нихон бу сир мағзини чақиш мушкул, зеро, бу имкон ҳар кимга ҳам насиб этмас.

Чорбоғлари этагидан бошланадиган саҳронинг ғаройиб ҳарир парда билан ўралган бир бурчида Эна Кўкбўри билан Чақалоқни учратганини айтса Моҳина ишонарми, ишонса-да, бу ходисани ҳазм қилишга идроки кучи етарми?

Иншооллоҳ, етар, ҳарҳолда у аввалги Моҳина эмас, ўзи ва Ёдгор валий каби, бутун ер юзига тарқалиб кетган Кўкбўрилар авлодига теран ихлос қўйган. Кўпдан бери айниқса Энабошига ғойибдан астойдил меҳр боғлаган, ўша жонивор гул ва тикан ўртасида балоғардон эканини оғзидан бол томиб сўйлар баъзида.

Ҳозир эса, Саидбек ҳикоясини тинглаб, ҳушидан айрилаёзди, сўнг қувонганидан ногоҳ чакнаб кетди кўзлари. Туни билан ухламади, тонг-азонда, ашаққа оборасиз, деб суйканаверди эрига.

Аввал Саидбек Умар рад қилди, бошқа зарил юмушлари борлигини баҳоналади. Асли у ҳақ: кеча таътили тугаган, ишга чиқмаса кавушини ўнглаб қўйишар. Шундоқ ҳам бир ойдан зиёд қора бермади, қизиқки, ўзлари ҳам тузукли йўқлашмади, эҳ-ҳе, илгари роса жонига тегишарди суриштиравериб. Шунини ўйлаб хижил бўлди, лекин яна бир кун бормаса-чи, осмон узилиб ерга тушармиди. Хотинини хафа қилмагани маъқул, қолаверса, Эна Кўкбўри билан Чақалоқни кўришга ўзи ҳам интиқ, кеча тополмади улар дарагини, бугун ҳар не азоб чекканда ҳам топиши керак.

Чорбоғ ортда қолди, сўқмоқ билан, тўқай оралаб илгарилашгани сари ғалати тўлиб-тошар диллари. Безовта нигоҳларида сирли бир соғинч порлар, ажаб бир ҳаяжон эс-ҳушларини босиб тушгани боис, изларида пайдо бўлган ва ғимирлаб судралаётган шарпани сезишмас.

Атроф сирли — сокин, эрталабдан жазирама хуруж қилаётгани туфайли қилт этган шабада уфурмас. Адир ва жарлик пойидан бошланадиган саҳро ола-бужир, мингямоқ гилам каби кўримсиз, мағрибдан-машрикқа чўзилган жарлик биқинида улкан оғзини ҳайлаводдек очиб турган ғор кўзга ташланар.

Чироқдек ёришиб кетди Саидбек Умар руҳи ва илкис қаради ғор ичкарисига. Моҳинани ҳам даъват қилди қувониб. Ғорда гўё қуёш чарақлар: кўзни камаштирадиган ойдинлик. Бўсағада турган эр-хотин эса ўзларини йўқотар даражада ими-жим тикилишар ғаройиб манзарага: кенггина тош саҳнда Эна Кўкбўри ёнбоши билан бемалол чўзилганча пинак қиладир, тирсиллаган сийнасига оғиз-бурнини оппоқ-қуюқ сутга белаганча барака топкур Чақалоқ жон-жаҳди билан ёпишволган...

Қоя ортидаги шарпани ногоҳ Моҳина кўрди.

Аста Саидбекни туртди, аммо эр, тамом сеҳрланган қўйи, бутун хуш-фикрини ғорга, Чақалоқни эрибгина, ҳафсала билан, тўлиб-тошиб эмизаётган Энабошига берган, қолаверса, ваҳима қилишга ҳеч бир асос йўқ, негаки, Энабошидан кўнгли тўқ, уни аввало эгам асрар, иккиламчи, у чўл шароити, бунақа ур-сур, қувла-ушлага узоқ йиллар давомида ўрганиб қолган. Лекин бошқа

бир жиҳатдан андак хавотирда, ахир, метин кафолат кайда, дафъатан фалокат рӯй берса-чи, ёруғ оламда нима кўп — тасодиф кўп!..

Фордан отилиб чиққан Эна Кўкбўри Сайфи билан шерикларига осонгина чап бериб кетганини Саидбек кўрди, севинганидан бир жойда туролмай қолди, руҳини эса яна ҳам теран ойдинлик чулғади. Руҳи билан олам бирлашиб кетадигандек бир ҳол юзага келди, ажабо, руҳи фалакни, арш тоқини кўзлаётир, қани учса тезроқ, зил-замбил жисмини кўтариб учса. Бедор бир шоир<sup>1</sup> иншо этибдиким, ҳатто қафасни кўтариб учиш мумкин. Ажаб завқ уйғотган кайфиятини бой бериб қўйишни истамасди сира. Секин Моҳинага юзланди. Моҳина чеҳрасида ҳам сирли бир қониқиш ҳоқим, у ҳам гўё бу оламга сирмай қолган, бошқа ғаройиб олам одамига айланган: ҳозиргина Чақалоқни тишлаганча дашт ич-қарисига елиб кетган Эна Кўкбўри изидан интиқланиб термилар...

## 2

Саидбек Умар хаёли олисларга, Қорахон баҳодир даврига, сўнг Қуйруқсойни вулқондек комига тортган машъум кунга оғар, сўнг ажиб масрурлик билан мулоҳазага берилар: ё, тангрим, хабар бергил, бу гўдак ким ўзи — Қорахон пушти камаридан бўлган шахзода Ўғизми ёки бобокалонлари полвон ўтган амир Улфат зурриёти Ўғиз?

Саидбек жилмайди ҳузур қилиб, мана, Чақалоқ селкиллаган тап-таранг эмчакка лўппи бетини қўйволган авайлабгина, мўлтироқ кўзларида ойдин бир ҳавас, тиниқ бир сурур, ким билсин, аллақачон эртанинг улкан шавқи билан яшаётирми?

Анча таскин топгани учунми, яқин-орада биринчи марта Саидбек мириқиб ухлади, жамийки хужайраларига қадар ажиб-сирли роҳатга чўмди чамаси, юз-кўзини майин-майин силаб-сийпалар гурас-гурас тун капалаклари, тилладек товланаётган мўъжаз қанотчалар тўлқини аро ногоҳ кўзга ташланар Эна Кўкбўри билан Чақалоқ...

Сўнг барибир бўлмади, алоғ-чалоғ босриқди: тавба, кул-ифринди тўдаланган ивирсиқ ҳовлида юрарди қаловланиб, рўпарасида бир уйки, пардаси қирқилгандек

<sup>1</sup> Шавкат Раҳмон кўзда тутилаётир.

питраб тушган, девори илма-тешик. Ўйик томи гирдида омонат чўнқайган семиз-сержун овчарка ит ҳалқумини култ-култ қилганча ириллаб ҳураётир, қай маҳал у шахт отилди пастга, чўчиб уйғонсаки, жикқа қайноқ терга ботган, қалт-қалт учаётир, хотини қўрқа-писа мўлтираб турипти тепасида.

Анча тумишиб ўтирди иссиқ тўшақда, сўнг ташқарига чикди ҳафсаласи чопмай, одатича, ўрик тагида ул-бул машқларни чала-чулпа бажаргач, яшил девор биқинидан жилдираб оқадиган жилғада ювинди тезгина. Артинаркан, бирдан рашланди, ажабо, ҳувиллаб ётган чалди-ворда юрган эмиш-а адашиб, таъбири нимайкин? Кейин чавқар бия етаклаган ўғлонга оғди хаёли, лаънати Сайфи уни нима қилдийкин?

Чакки, кўп чакки гулобий бинодан узилиб қолгани, не сир бор ўртада, нечун йўқламай қўймишлар? Жумбоқ тагига етиш учун урингани сари нохуш сеза бошлади ўзини, ёнида радио-телефон йўқлиги ҳам бир аламини икки қилди. Бир ойча бурун, ҳордиқ арафасидаги ҳисобкитоб чоғида, хўжалик мудирига топшириб қўйганди савилни. Ортиқча харажатга жон-пони чиқиб кетадиган кексайган мудир, инжиқлик билан оёқ тираб туриб олгани учун эмас, азбаройи ўшани қўйнида кўтариб юришдан зада бўлиб қолгани боис шундай қилган. Мана энди росаям кадри ўтди, унча билмаскан туппа-тузук чаққон дастёр эканини. Ҳозир қўлида бўлсайди, истаган одами билан боғланарди: кўнглини бўшатиш билан бирга, секин суриштирарди бугун ишхонаси қандай ҳаводан нафас олаётганини.

Ҳаммаси гўрга, ҳайдовчиси Дадашни нима жин чалди. Намунча ўчиб кетди қораси, шунча вақтдан бери бирон марта йўқлаб келмади: меҳру оқибат ҳақида сурункали урадиган лофу қофлари шунчаки тил учиде эканми? Ака, ҳам еманг, ҳар куни хизматингизда қамишдан бел боғлаб тураман, деб керилгани-чи. Касал-пасал бўлиб қолгандир деса, ярамагур хўкиздеқ бақувват... Ёки бирон ишқал чиқаздимикан? Ҳа, майли, баттар бўлсин, аммо ҳали шошмай турсин, эрта бети-бетига тушар, ана шунда айтадиганини айтар. Мана энди шу ландовур касрига йўл четида сарғайишга мажбур, бошқа чораси ҳам йўқ, бирон инсофли ҳайдовчи олиб кетар шаҳаргача.

Овв, отам Кўкбўри, онам Кўкбўри!.. Инсофини

куритган Дадаш гўрига гишт қалаб, худодан мушкулини осон қилишни тилаб турган-да, буни қаранги, бехосдан идроки қатларида қуёшдай иссиқ хитоб айланишди. Ажаб саодатга йўғрилди борлиги, недир парвозга шайлана бошлади хаёлан. Бас, фақат кечмишида эмас, тез-тез долғаланиб турадиган руҳида ҳам яшар, руҳанки истаркан, бир файласуф айтганидек, вақт ва масофа иродасига бўйсунар, яъни қудратини намоёиш этишга ошиққан вақт ўзи уни тегишли манзилга еткизар. Бунинг учун аввал вақтнинг фазовий қудрати ва сеҳрини кўнгли иқлимидан ўтадиган оҳанраболи ўлчамлар мажмуи билан бирлаштиришга эришса кифоя. Ҳаргиз бунга етар қурби: ана, секин юза бошлади мовий бўшлиқ бўйлаб, ана, олисда ажаб илвираб ҳам тилимланиб кўринаётир гулобий бино, ие, унга не қилмиш, қачон бой берибдир аввалги кўрки ва салобатини?

Ховлиқма, тишингни тишингга бос, мулла Саид!

Ноилож турфа ўй-хаёл билан овунишга уринди, аммо юпаниш осон эмас-да. Аранг қўлга олди ўзини, ҳайратини ичига ютиб, гулобий бинога яна кўз югуртирди: қоқ белидан юқориси чўрт узилиб, палахса-палахса бўлиб қулаган, симон девор бўлаклари чор-атрофда қалашиқ, ганч нақшлару чоркунжак-силлиқ мармар синиқлари қат-қат уйилган; ҳатто қуйиси ҳам тутдек тўкилиб исмсиз бир ҳолга келган, қисқаси, гўё Саидбек Умар бу ерда озмас-кўпмас минг йилча бўлмаган, қизгин кечган узоқ вақт мобайнида, у, бор доврўғини ер билан яксон қилган-да, энди чорасизлик оғушида мунғайибгина омонат турар, беун нола чекар, бефайз ва бехосият чалдиворни эслатар.

Мана бунисига нима дейсиз: тобора чўкиб бораётган иморат остонасида ҳам, савлат тўкиб турган баҳайбат хайкал атрофида ҳам, қовжирай бошлаган маҳобатли ҳовли-боғ хиёбонларида ҳам қимирлаган бир тирик жон учраса-чи. Ҳамма гўё ё ерга кирган, ё осмонга учган. Тўкилиб бораётган бино ҳаётини, эҳтимол, чор-атрофни қоплаб ётган ёввойи сукунат бошқа оқимга буриб юборгандир.

Саидбек бўзариб турар ғаройибот қошида...

Товонига тушиб кетди гўё юраги, шунга қарамай, лифтга ёпишди ҳаллослай бориб. Сўнг шап урди манглайига, ҳе, соддаи нотавон, шунча ҳам ақли косирмисан, ахир, қачондир осмоннинг еттинчи қавати



билан бўйлашган улуғвор бино ҳолига маймунлар йиғлаб ётганда бу мўъжаз дастёр қаёқдан қилт этиб қимирласин?

Хавотир, йўқ, даҳшатли ваҳима — нақдина, лекин Саидбек Умар, қайсарлиги тутдими, бошқа сабабданми, қайтишни истамоди, гудраниб сўкинди-да, эски-туски кийим-кечакдан тортиб ҳар хил тутуруксиз ашёлар, йиртиқ-сиртиқ ва бужмалоқ қороз-хужжатларгача сочилиб ётган йўлак бўйлаб, нафаси тикилганча, ҳакалаб кўтарилаверди, гоҳо зинага тўқишиб. Негадир аввал ўз хосхонасига мўралашдан кўрқди, сўнг эшик тирқишидан аста қаради. Ўтакаси ёрилган кўйи илкис тисарилди ва чопа кетди жимжит коридор бўйлаб. Бир пайт ачқимтир хид ёриб юбораёзди димоғини. Йўлак бошидаги ҳар доим Жобир Кирпи савлат тўкиб ўтирадиган бўлмада турадиган бош чаноғи ёнаётир буруксаб. Қайси нокас қўл урдийкан бу юмушга?

Энди маълум ва машҳур еттинчи қаватда пайдо бўлди, фақат илгари юрсинми, тўхтасин? Негадир иккиланиб қолди. Анчадан кейин недир куч кимдадир ҳавас, кимдадир ҳасад уйғотиб келган мухташам хосхонага рўпара қилмиш. Қани аввалги кўрки, ҳашами? Ҳозир қароқчилар вайрон қилиб кетган лўли капасидан фарқламас: нафис, қимматбаҳо ялтироқ миз ва курсилар мажақланиб, чинни-сопол гултуваклар чил-чил синдирилган, жовонлар ағдарилиб, китоблар ва хужжатлар, рўзнома тахламлари сахнга аянчли чочилган. Қабулхона тақир полида беҳолу бенаво чўзилиб ётган, ҳар замонда инқиллаб, фиғон чекаётган ким, наҳотки Маржона?

— Маржона, қизим, гапирсанг-чи!..

Йўқ, котиба соқов, бир сўз айтмас, айтгани қурби ҳам етмас, ичини ёндираётган аламини жола қилиб тўқишдан нарига ўтмас. Фақат ҳусни эмас, оқилалиги билан барчани ўзига ром қилган қизгина ўзи энди ақлдан озган.

Ҳали-бери Маржона савол-жавоб қилолмаслигини сезди, ноилож хосхонаси жойлашган учинчи қаватга шошилди. Не кўз билан кўрсин, бу ерда ҳам машъум ваҳима илони, сукунат паноҳида, ҳамон кулча уриб ётадир.

Ажабо, бу манзаралар босинқираш аломатими ёки бошқа нарса?

Тамомила бошқа нарса, деди ичида, сўнг кулим-

сиради аламли. Очиги шу: буларни ўз хохиши билан руҳида яратмакда, ўзи кўргизган саъй-ҳаракат боис, ақл бовар қилмас ходисалар кўнгли кўзгусида жимирлаб акс этаётир. Шунақа, руҳда имкон чексиз, хоҳласа у осмонлар осмони билан ҳам бемалол мулоқотга киришар ва одамзодни энг мушкул дамда ҳам кўпинча ғолиблик сари ундар.

Фақат ғолиблик турлича бўлур, бинобарин, киши, Ёдгор валий таъбирича, қобилиятли бўлса, тақво ва жиход билан маърифат топмаги, зиёга тўлишмаги ва руҳини арш шуъласига муносиб ҳолатга келтирмаги мумкин. Шунда жисмидан жудо бўлгандан кейин руҳи арш маснадига кўшилиб кетадир, аммо ақл-заковат бобида имкони бўла туриб, тақво ва жиход риёзатига киришмаса ва маърифат нуридан бебаҳра қолса, илму сафо топмаса, ундай киши руҳи Ой осмони остида қолажак, бу манзил жафолар ва қийноқлар ўчоғи айни дўзахдир.

Шунақа, кўп нарса руҳга боғлиқ, одамни одам қиладиган, умр ва дилга файзу баракот бағишлайдиган асосий омил — руҳ, агар у кўмак бермаганда Эна Кўкбўри билан ҳам, Чақалоқ билан ҳам, чавқар бия етаклаган ғалати ўсмир билан ҳам душворийди учрашмаги. Лекин у Фузайлни ҳам қайтариб беришга қодирми?

Хаёли чуваланган Саидбек Умар, дераза раҳига кўксини тираб, ташқарини кузатди жимгина. Юраги орқасига тортиб кетди ногоҳ: кўк билан сирлашган дарахтлари шовуллаб ётадиган ховли-ўрмон ўрнида жингиртоб қовжираган, олов нафасли саробга бурканган, кум бўронлари даҳшатли сурон солган сахрои кабир ястаниб ётадир, ажабо, ям-яшил олам, гул-чечаклар салтанати қайга йўқолмиш? Тунов кунлар қад ростлаб турган маҳобатли ҳайкал-чи?

Энди у оғир уф тортди.

Таажжуби ортиб беихтиёр ўгирди афтини, билмасдики, кулсинми, куйсин? Саросар турарди икки ўт ўртасида, нечун бундай ҳол рўй берганини ўйлаб, гўнғир-гўнғир қилганча, шошилмай кезинди хонада. Шунчаси етмаганидек, бош чаноғини ёқишти-я, Кўкбўри бош чаноғини! Шу нарса муқаддас эканини билмаган одам кўр бўлар. Ҳа, чакки бўпти, бу иш хосиятсиз, ҳали кўп пушаймонлар ейшар. Дунёда увол деган нарса борлигидан тонмаслик керак. Эсини еб қўйган Сайфи Чақалоқни ҳам увол қилмоқчи — аммо чучварани хом санапти,

шунча куч-қуввати ва хушёрлиги билан Эна Кўкбўри норасида жонни ўша бетамиз илкига топшириб қўймас. Ҳозир Сайфи шу атрофда изғиб юрган бўлса ажабмас, манови доврўғи кетган иморат тутдек тўкилишига ўз ҳиссасини қўшмаганига ким кафил ўтсин, ие, қайсидир телефонга жон кирди шекилли, тавба, илгари ҳам шунақа айюҳаннос солиб чийиллармиди?

Ана буниси қизиқ: нарёқдан келган ширали товуш на Пўлат Қосимийникига ўхшар, на Бо-бошникига. Ипақдай эшилиб, ҳатто ўзини яқин олиб, эмин-эркин сўзлашаётган ким? Бирдан юраги ўйноқлади. Худо ҳақи бу Чумоли, ха, худди ўзи, оббо, уйинг куйгур-ей, қайси қавакда нафасини ичига ютиб ётган экан.

— Куним сенга қолдими, баччағар? — деди у атайин кўрслик қилиб. — Мени тинч қўй-да, тошингни териб юравер, сенсизам ўлолмай ётиппан.

— Э-э, оғам Умарий, ўзингизми, хайрият-е?! — симнинг нари учида турган Чумоли унинг тажанглигига қилча аҳамият бермай, янаям юмшатди товушини. — Қаранг, танимаппан, бой бўларкансиз.

— Худо ҳақи, менга ҳадеб тирғилма, — деркан, бўғин-бўғинигача бўшашиб бораётганини хис қилди Саидбек Умар. — Башарангни газাগимга дори қиладиган аҳволда эмасман.

— Про-опе-есо-ор, ростдан чарчапсиз, тўсатдан мунақа ташланманг-да одамга, — Чумоли юз-кўзида акс этган норозиликни Саидбек аниқ тасаввур қилди. — Бир нарсани тушунинг: сиз қадрини йўқотган улўғ олим ва фуқаросиз, камина шу бойликни сизга абадий қайтариш ниятидаман.

— Ва-ааҳ, мурувват қиларканлар-да!? — дея аччик кулди Саидбек Умар. — Жа нархингни оширинг. Шошма, шошма, сен ўша мен билган Чумолимисан ёки бошқа одам?

— Илтимос, бугунги шодликда кечаги ғамни эсламайлик. Агар мени кечаги Чумоли деб ўйласангиз, хато қиласиз. Қўлдош Камон дейдилар бугун мени. Сиз ҳам кулофингизга қуйиб олинг.

— Бас, мен сени танимайман, менга етти ёт бегонасан.

— Жа яхши танийсиз, бегона ҳам эмасман, — Чумолининг пиқирлаб кулгани эшитилди. — Сизу биз битта одаммиз, яъни икки ёрти бир бутунмиз.

— Битта одаммиз деганинг нимаси, тирноғимга ҳам арзитайсан-ку, мараз!..

— Пўлат Қосимий билан Бо-бошни эсланг, — недир мулоҳазага берилди чоғи, Чумоли бир муддат сукут сақлади. — Бирон фикр ярмисини униси айтарди, ярмисини буниси, бири кўринмай қолса, иккинчиси ўзини тирик санамасди, бирининг жони бирида яшарди. Биз ҳам бир-биримизга суянмасак ҳолимизга вой!..

— Сен улардай бўлгунча етти қовун пишиғи бор!

— Э, йўқ, унақамас, энди улар менинг соямга букилиб салом беришади, негаки улар замони ўтди. Ажабланиб ўтирманг, эрта-индин барисини ипидан игнасиғача билиб оласиз. Ҳадемай тегишли одам боради. Айтганига қулоқ кокмай бўйсунинг, ҳозирча хайр, сизга фақат яхшилик тилайман...

Телефон гўшаги чий-чийлаб тинди...

## БЕШИНЧИ БОБ

### 1

Ана холос, бу ёғи қанчага тушаркин? Калласи ғовлаган Саидбек Умар ўзини ўзи овутиш учун беҳуда урина бошлади, абгор ва тўс-тўполон хосхонасида чир айланиб. Мундоғ йўлакка мўралашдан чўчийди ваҳима босганидан. Охири аллакимлар безориларча бўлаклаб ташлаган диванни созлашга киришди бошқа эрмак тополмай. Ул-бул қисмларини амал-тақал қоқиштириб, сал эпақага келтирди, сўнг бирпас ором олиш учун эндигина чўзилган эдики, тим қора калта чарм камзул кийган барваста киши кирди томоқ қириб. Суратдай қотди-қолди, ие, Сайфи оғайинча, дея олди, холос.

— Ҳурматли раисимиз Қўлдош Камондан салом!..

Мабодо отаси тирилиб келган тақдирда ҳам Саидбек бунчалик ҳовлиқиб, бунчалик таажжубга тушмасди. Аксига, бўғзига ёнғоқдай бир нарса тиқилиб, ҳикичок тутди, ўзини йўқотгани шунчаки, унга жиддийроқ қарагани анчагача ботинмади. Балки чалғиётгандирман, балки туш кўраётгандирман, деган ўйга ҳам борди. Йўқ, бу ўша шўртумшук Сайфи, ана, чўзинчоқ иягидаги бир тутамгина кировлаган соқолидан ҳам осонгина таниб олиш мумкин. Ҳамишагидек қийиқ кўзлари олма-кесак

теради, о, овози ўзгариб қоғтими, салмоқлаб, санагандай қилиб, дона-дона сўйлашини қаранг.

— Буйруқ шу: мен билан бирга борасиз, айтилмаган ҳеч бир ишни қилмайсиз, бесўроқ ҳеч қаерга кирмайсиз, таниш-нотаниш яқинига йўламайсиз. Қани, тезроқ бўлинг.

Ноилож Саидбек Умар бош ирғади, кулиб ҳам қўйди мийиғида. Мушук таталарди гўё ичини. Бу галварс на-мунча уста енг ичида иш битиришга? Қачон ўзгартириб улгурди ниқобини? Энсаси қотиб илгари босаркан, ҳадемай оч зангори ихчам камзул-шим кийган, бўй-бастлари қарийб бир хил мулозимлар қуршовида кўрди ўзини. Сўнг ела кетди тим қора енгил машинада. Ҳали, деразадан кўргани, сарғайган ва сукунатга чўмган сахро ичкарисига кириб боришарди чамаси. Анча равон йўл бўйларида қад ростлаган иморатларни жимгина томоша қилиш билан машғул бўлди, ниҳоят паст-баланд тепа-ликлар қуршовида осмонга бўй чўзиб турган кошона қаршисида тўхташди.

— Қойил қолдингиз-а, пропесо-ор? Ёруғ оламда бунақаси бошқа йўқ! — шанғиллаганча тушунтира кетди Сайфи, чиндан-да ҳайратини яширолмай қолган олим қўлидан тутиб. — Бугун ҳаммининг оғзида Тўлин Ой қалъаси. Салобатини қаранг, офарин!..

Тили яхлагандек Саидбек, чурқ этмай, жим борди анчагача, сўнг қалъани оғзидан бол томиб мақтаётган Сайфига эргашиб ичкарига кираркан, беихтиёр ёқа ушла-ди яна: кириш зали, чор тарафга шохлаган йўлақлар, эшик-туйнуклар шундоққина гулобий бино ранг-рўйидан андоза кўчирган, баҳайбат деворлар нақши-нигори ҳам кўзига таниш... Манови ҳайкалчалар ҳам... Энди ғалати ҳол кечди дилидан: боши-кети йўқ маконда ада-шиб юргандек. Ҳар замонда тўлқинга ўхшаб лопиллаб тургандек туюладиган девор ва шифтга қарар, сирли товланаётган қатламлар ичра сув-буқаламунлар, тана-си миттию кўзлари йирик-йирик куртсимон балиқлар, япроқлари тукли оч-яшил тусли ўсимликлар ва баҳайбат муз тоғларини кўргандай бўлар. Атайин рўпарама-рўпара қурилган, фил суягидек оппоқ эшиклари тепасига мўъжаз байроқчалар илинган хоналарга ҳатто мўралаш ҳам тақиқланган. Бу қоида Сайфига тегишли эмаскан, у юзлик чироқлар ёритган йўлка бўйлаб дадил одим-лар, ҳангу манг шеригига тушунуксиз имора-ишоралар

қилар ҳар замонда. Ниҳоят тўхтади, ҳамон анграйиб бораётган Саидбек Умар тўқишиб кетди унга. Қараса, ёпирай, манов эшик манглайига нурлантирилган Е ҳарфи зарбланган. Ранг-кути ўчиб қаради Сайфига. У сир бой бермади, ясама бир кулги билан аста очди эшикни.

Гулобий бинога қарам бўлган шиша қасрдаги беҳад сирли Е ҳужраси ҳам шундай пасткам ва чоркунжак эдими? Саидбек эслолмади, лекин бунинг ҳам девори қават-қават ҳарир-қўқимтир шишадан тикланган, бир неча ерида қайси йили Зухра сайёрасига учирилган фазовий кема, галактикада адаша-адаша Ерга қўнган ва катта шов-шувга сабаб бўлган келгиндилар сурати, делфин билан қувлашмачоқ ўйнаётган сув париси тасвирланган плакатлар елимланган. Тағин, шифт гумбазсимон қабарик холда — сиртида жийда гулидек майда нақшлар ўйилган, яна эътиборли жойи, шарқий тарафда сидирға ойна ўрнатилган бўлиб, ораликдан фаройиб бир махлуқ тикилиб турар бўзариб.

Ойна — сўнгсиз бўшлиқ, шу бўшлиқда махлуқ бемалол муаллақ юзаётир, ола-қуроқ ва япаски тумшугини олдинга чўзганча... Қай маҳалдир у тип-тикка турди айри оёқларида, ана шунда хипчалиги ва дарозлиги билинди яққол. Тавба, жунлими ёки шир яланғоч? Қизиқиб кетган Саидбек Умар яқин борди деворга: баданини жунмас, оқимтир тук қоплаган экан, йўғон-тўмтоқ қуймичи туки қалинроқ, қўлтиғи сари йўғон тортиб борган белида қора чилвир, қалайи тусли тангачалар ўраган елкаларидан ёйсимон қўллари ғалати осилиб тушган, боши учбурчак ва пакки билан қирилгандек тақир, энсизгина манглайи, чизиксимон қошлари тагидан боқаётган кўзлари бўртиқ ва бемаъно.

Анчагача Саидбек Умар ғалати махлуқдан узолмади нигоҳини, айна пайтда, у, оҳак каби оқариб, увокланиб бораётгани, зарраларга ажралиб кетаётганини сезди беҳосдан. Чиндан ҳам қай маҳалдир эрий-эрий йўқолди ойна-девор қатларидаги бўшлиқда...

— Хўш, бирламчи, йигитча нима учун бу ерга келиб қолганига ажабланманг, — дея Саидбек Умар хаёлини пардек тўзитди Сайфи, оғзини катта очиб эснаркан. — Иккиламчи, уни, эсини киритиб, ўз одамимизга айлантириш вазифаси сизга юклатилган.

— Мен ақлимдан адашдим шекилли, — деди Саидбек Умар латтадек бўшашиб. — Жа ғужала қилдийиз. Ўлиб қолмайсиз очикроқ сўзласангиз.

— Кўп ажойиб бола! О, биласизми, эрта шуники, у осмонга устун бўлишга қодир! Фақат, бошқага эмас, бизга қайишмоғи керак. Тушуняпсизми?

— Йўқ! — деди профессор кескин.

— Ҳали барини тушунасиз, — унинг дағаллигига эътибор бермади Сайфи. — Ҳмм... қонида анву газанда сутидан аралашган, қонини покласангиз кифоя, олам гулистон. Бари изга тушиб кетади. Зўр устун бизники бўлади. Хўш?! — Сайфи бетига ясама кулги ёйилди. — Энабошини бизга қўйиб беринг, узокқа кетолмайди. Эрта ё индин Чақалок ҳам қўлимизда бўлишига сўз бераман.

Илкис ваннахонада нимадир тарақлаб кетди, сўнг жимлик чўкиб, шипиллаган қадам товушлари эшитилди, сўнг остонада ўн бешларга тўлиб-тўлмаган, баланд бўйли, мўйлаби эндигина майсалаган, пешонаси кенг, тик боқишли ўсмир жамол кўрғазди жилмайганча...

Ҳали Саидбек Умар кўнглидан кечган шубҳа, ҳақиқатга айланиб, шундоқ бўй ростлади рўпарасида. Энди янаям ёмон ўртанди. Чавқар бия етаклаган, Эна Кўкбўри билан Чақалокқа ҳамдард бўлган ўғлон не гуноҳи учун бу гўшага маҳкум қилинди? Ногаҳоний савол бир оғрик бўлиб тарқалди борлиғига. Зўрға босди ўзини. Сайфи эса сапчилаб кетди, бепарво кириб келган ўғлон пешонасидан чўлпиллатиб ўпди, сўнг халақит бермай, бемалол суҳбатлашиб олинлар дея, жуфтак ростлади секин.

— Сен кимсан? — деди профессор ўсмоқчилаб.

Ўғлон камгап экан: жимгина олиб қочди маъюс кўзларини.

— Қаерликсан?

Ўғлон негадир яна жавоб бермай, каравотга чўзилди хўрсиниб. Шу захоти нам калқиди узун-қалин киприкларига.

Қайсарлик қияпти қурмағур. Жонидан алам ўтганда! Шу ўйда Саидбек Умар ғашланди, кўнгли чўкди. Тавба, бияси қайда қолдийкин? Қанот боғлаб учишга ҳозир қулуни-чи? Баччағар Сайфи бунинг ҳам ҳар қадамини кузатиб юрган экан-да ўша кезлар, энди бу чора чангалидан кутулиши мушкул, росаям қийналиб кетар бу ерда. Қолаверса, уни азоблаш учун Сайфи ҳар хил найрангларни ўйлаб топар, айтганча, ҳали Қўлдош Камондан вакил бўлиб келганини пеш қилдими? Ҳа,

булар қоронғида топишган, энди булар ош-қатик, фақат бир думалаб бошқа одамга айланиб қолишгани сира ақлга сифмас.

Не қиларини билмай, Саидбек нари-бери юраркан, хаёли чуваланиб, лоҳас сеза бошлади ўзини. Ўғлон кимлигини ва насл-насабини билишга тобора ортиб борар қизиқиши. Аммо у жим: бемалол чўзилиб ётар юмшоқ каравотда...

Энди Саидбек билдики, ҳозир чироқ ёкса ёришмас ўғлон дили, ҳозир у ўзида эмас: бегона оламда. Ахийри, тамом бурканиб олди кўрпага, кўрпа остида, нафаси қийилгудек бўлиб, пиқир-пиқир қилаётганини сизди. Майли, йиғла, тўйиб-тўйиб йиғла, енгил торта-сан, деди кўкси илиб ҳам симиллаб, эрта ҳар қанча бўзлаганинг бефойда, бугун бўшатвол юрагингни. Балки Эна Кўкбўри ҳозир қайдалигини биларсан, балки Эна Кўкбўри Чақалоқни йироқларга, Сайфи қадами етмайдиган Сулаймон тоғи этаклари ёки мудом уйғоқ шовуллаб ётадиган Яшил денгиз соҳилларига олиб кетгандир.

Оғир-босиқ айтди хайр деган сўзни, аммо қошки бўғзига тиқилган аламу армонини шўртак ёш қилиб оқизаётган ўғлон хўрсиниқдан фарқ қилмайдиган нидосини эшитган бўлса? Эрта ё индин келишни кўнглига тугиб жўнади. Қайда, шу кетишда уч кун кўрсатмади қорасини. Чорбоғидан чиқишга чўчирди нимагадир, кизиғи, атрофида пашшалашиб юрган Сайфи сўхтаси совуқдан эмас, Тўлин Ой қалъасида бўлиш, ойна девори қатларида ғалати махлуқ яшайдиган Е хужрасида анов тил-забони йўқ ўғлон билан учрашишдан кўпроқ хавотирда. Кейинча сиздики, ўғлон дардини супра қилишни сира ёқтирмаскан, аксинча, бошқаларни берилиб тинглашга ишқибоз. Ёшига қараганда каттароқ ҳам кўринар. Мағрурлиги ҳам ўзига яраша: кўйиб берсанг гўё оёқлари остида кўрар кўхна оламни.

Аллоҳ қарғишига учрагур Сайфи бугун ҳам, тошдай тугилган муштумини ҳавода дўлғаб, тиқилинч қилди: “Она сути оғздан кетмаган гўдак нега бунча бизни майна қилур? Қоринни қашлаб ётавермай, тезроқ тил топишинг!” Сўнгсиз ғашлик суяк-суягигача сиркиратиб юборди. Бугун нима бўлганда ҳам кўнглига астойдил қўл солишга аҳд қилди. Ширин сўз билан эритади, шунақа аврасинки, сайраб юборганини ўзи ҳам билмай қолсин. Барини оқизмай-гомизмай айтиши керак,



айникса кимлигини. Дастлабки кундан бери, юраги суву селоб бўлиб, кимгадир ўхшатар, лекин кимга? Нукул шуни ўйлар, қаники тополса. Хитланар, яна кўнгли чўқар, лекин муддаосидан қайтмас, ўзини яқин тутар, у билан тўйиб-тўйиб ҳасратлашгиси келар, тикилгани сари хушбичим чехраси, попуқдайгина қош-кўзи, тик қарашли нигоҳидан орзиқар аллатовур.

Ишончи эса кун сайин ортаверар: у кимнингдир қўйиб қўйган нусхаси, аввал уни қайдадир кўрган, сираям алдамас сезгилари, рост, чиндан ҳам у билан қачондир, қайдадир учрашган, бироқ қачон, қайда?

Мана шунисидан Саидбек Умар доғда, мана шу нарса чигил бўлиб қолаверди ичида, барибир шунда ҳам сўнмади борлигини иситиб турган умид чўғи, аксинча, кучлироқ яшнайверди, ахийри, аҳдини янаям пишитиб, иродасини қатъий қўлга олиб, тиккасига кириб борди гаройиб хужрага.

Бугун ҳал қилувчи кун, ниятига етмоғи керак. Шунча тайёргарлик кўрганига қарамай, унга нигоҳи тушган заҳоти, латтадек бўшашиб, беҳол ўтириб қолди суянчиқли курсида. Анчадан кейин ақлу хушини йиғиштириб, ўтинч аралаш, юмшоқроқ қилиб буюрди: сўйла! Чамаси, у ҳали-бери ҳовридан тушмоқчи эмас, бирдан афтини ўтириб, номаълум нуқтага қадади маъюс нигоҳини. Кейин бирдан бошини кўтариб, жилмайди беихтиёр: Е хужрасига қадам қўйгандан бери биринчи мартаба чехраси очилиши. Бундан профессор болаларча яйраб, терисига сирмай кетганини кўрсангиз, эҳтимолки биргина беғубор мана шу кулги эришган дастлабки ғалабаси, эҳтимолки келгусида насиб этажак кўпдан-кўп зафарлари муқаддимаси эрур.

Бугунча ўғлон кулги тимсолида қилган ҳадя кифоя, аммо у кошки бундан эрта қаноат туйса? Йўқотган хазиначисини беҳос топиб олган одам аҳволига тушди. Ҳовлиқисини айтинг. Терчилаган юпқа лаблар устида майса урган майин мўйлаб, туби йўқ қароқларда жил-валанган нур бирам яқин эдики кўнглига.

Ростакамига чидолмай кетди. Хаёл қилсаки, тириклик нашидаси гуркираган навқирон вужудга зарра-зарра сингиса! Ва бу тилаги теран нигоҳдаги ёлқин билан қовушгандек бўлди сирли тарзда, нимадир жунбушга келди ичида. Қайнаб тошаётган кўксидан отилиб чиқди ноҳос исёнкорона бир нидо: “Танидим! Худо ҳақи тани-

дим! Бошқа ташлаб кетмайсанми мени?” Рухи ёришгани боис баланд товушда қайта-қайта қичқирди, йўқ, хавф-хатар чекинганидан шерикларини огоҳ этаётган шер каби наъра тортди севиниб. Ана шундагина ўғлон ҳаловатини йўқотгандай безовтаҳол қимирлаб қўйди, сўнг қийғир қараш қилди охиста бошини кўтариб. Қарашидан, ни-мадир, ўкинчми, ҳаяжон-қувончми, вужудини исқанжага олгани англашилар. Барибир шунда ҳам айланмади тили, қўшалок юлдуз каби балқиб турган кўзлари сўйлади: “Ўзингиз-чи?” Аламу армон билан йўғрилган саволни мағрур чакнаётган, холис ниятларни ҳамроҳ билган маъсум кўзлар берди, рост, бу кўзлар кечмиш билан келасини юзлаштиришга қодир саволни бир шивирлаб айтди, бир ҳайкириб. Кўринмас олам устунларидан саналган профессор эса буни, қулоқлари эмас, соғинчу иштиёқ тўла, афсус-надомат ва илинж тўла қорачиқлари билан эшитди энтикканча. Сўнг қарийб олтмишни уриб қўйган кап-катта одам, бирдан ҳиқиллаб, ўпкасини бо-солмай қолди: “Сени зўрға топдим, энди йўқотмаганим бўлсин, меҳрибоним!” Анчагача ўзини тўхтатишга қурби етмади. Сўнг жигарранг чарм қопланган креслога бе-малол чўкди, бир маромда гапира бошлади бошидан ўтказган воқеаларни. Айтган билан булар тугарканми? Ана, тонг оқарди, қовоқларини укалай-укалай ўрнидан турди ва имиллаб эшик сари юрди. Остонага етган чоғида бурилиб шивирлади: “Хотирингни жам қил, эрта яна келаман, Бўзтой!” Истагини изҳор этаётганда юраги сувга тушган олмадек қалқиб кетди. Ноилож оғрина-оғрина жилди. Хуш-хаёли ўзида эмасди йўлакка чиққанида, қалбининг бир парчаси узилиб қолаётган эди гўё Е ҳужрасида...

## 2

Энди Саидбек Умар бахтиёр: Болалиги билан дийдор кўришмак насиб этмиш...

Энди кўрғони бор — йиқилмас, букилмас кўрғони...  
Бошида абадий паноҳ бўлишга ярайди.

Қанчалар соғинувди, рост, бутун вужуди, бутун дили, ҳатто иккала кўзи билан соғинувчи Болалигини, мана, энди у айрилиқ деворини орадан кўтариб, жамол кўрғазди ногоҳ, ёпирай, кулган бахти салмоғини хаёлида барқарор ҳалиги тош-тарози ўлчашга қодирми?

Кўнгли тўлишар ва тез-тез Бўзтой билан гурунглаш-  
гиси келар.

Ҳозир у не юмуш, не хаёл билан машғул?

Ҳе, дариф, нечун уни анови хужрада сакламишлар?

Имони комилки, Бўзтойга одам зўрға айланадиган  
каталак торлик қилур, ҳе, тавба, кенг жаҳонни тор  
билган ўғлон ўша ерга сифарканми? Ҳечам сифмас, ахир,  
Бўзтой феъли ҳам, зуваласи ҳам бошқача: факат кенг-  
ликлар бағрига талпинар. Қисқаси, ўша жойда димикиб  
ўлтириши худога ҳам, бандага ҳам хуш ёқмас. Айни шу  
дарди шундоқ акс этган нигоҳида. Нохуш ҳолдан хабар  
топса Ёдгор валий роса қайғурса керак. Аллоҳ каромати  
билан ҳаётини бошқатдан бошлаган ўғли тутқунликка  
маҳкум этилишига чидарканми?

Эҳтимол, чол аллақачон барисидан хабардордир,  
анов кун чорбоғга беҳуда келиб кетмаган, мўъжизадан  
Саидбекни огоҳ этишни ният қилган, аммо иложини  
тополмаган. Дайди одамдан фарқ қилмас Саидбек,  
тузукли билмас қўним нималигини: на уйда ўтиролар  
босиб, на ишхонасида. Неча марта ҳалак қилди қари  
одамни. Энди ўзи йўқлаб бормаса инсофдан бўлмас.  
Дилида анча-мунча ҳасратлари уйилиб қолган, мундай  
бир дардлашиб, чигилини ёзиб келса, нима етсин са-  
вобига...

Ёдгор валийга барини оқизмай-томизмай айтиши ке-  
рак: аввало, бугуни ва эртасини эмас, айнан аллақачон  
мозий тўфонлари ичра эриб йўқолган кечмиши — умри-  
нинг зулмат билан зиёга бирдек қоришиқ фаслини яшай  
бошлаганини, колаверса, хиёл дангаса, хиёл ўйинқарок,  
шунингдек, серғайрат ва талпинчоқ Болалиги севиқли  
ўғли Бўзтой қиёфасида тирилганини, Энабоши билан  
Чақалок ҳамон қувғин қилинаётганини, бутун ишни  
аллакимлар кутқуси билан Сайфи бузаётганини, орқада  
турган каслар... Уфф, тикилиб кетган ғалва... Айтаверса,  
юрагига сиздира оларми қари одам?

Шайхнинг кўнгли ҳам, феъли ҳам кенг, турли икир-  
чикир тугур бутун курраи арзни ҳам кўтарар елкасида,  
бутун ер юзи борди-келдисию иссиқ-совуғини ҳам ҳазм  
қилворар.

Ана, кировлаган қошлари орасидаги тугун, дўнг  
пешонасида қатор тизилган ажинлар, анчайин хира-  
лашган ботиқ-ўйчан кўзлари шуни тасдиқлаётгандек.  
Ботинан ота кексаликни бўйнига олган, охират сафарига  
аллақачон шай, зоҳиран эса куч-қувватдан қолаётганини

сездирмаслик пайида; ҳаракатлари чакқон, серпай кўллари тутган жойини узиб олгудек чайир, ғайрат ва нур ёғилар соқол босган бичими соз бетидан.

— Ассалому алайкум, падари бузрук!..

Орзиқиш ҳам, соғинч ҳам, ўктамлик ҳам бор Саидбек товушида, паришонҳол тураркан, ғалати зилзила қамрар гўё бутун борлиғини. Кутилмаганда муриди ташриф буюрганидан қаноат туйган Ёдгор валий эса вазминлик билан алик олди, қорасидан оқи кўп кўркам соқоли учини тутамлаганча. Сўнг қувончини ошқоралаб, елкасига астойдил қоқиб қўйди: ота юртингга хуш келибсан, бўтам! Меҳрибонлик билан шивирлади шайх... Саидбек эса тилла танга топган боладай севинди. Култ эткизиб ютинди: о, ота юртим! Жамолингга зорман ҳамиша! Негадир энди хўрлиги келди. Нимадир куйдирарди ичини. Бу замин қанчалар табаррук, бу заминга не-не улуғ зотлар пойқадами тегмаган, Саидбек Умар эса бугун унга бегонадай бўлиб қопти — наҳотки у ўғай фарзанд?

Шунақа эмаслигини, азалдан ота юрти ғами ва бахту қувончига шериклигини, икки дунёда ҳам уни унутмаслигини, қадрлаб яшашини, қачондир ичган қасамидан тонса кўзига мил тортишса ҳам рози эканлигини кимга қандай исботласин?

Аммо бор-йўғини далил қилиб бериши керак, ҳозирок бари изтиробларидан огоҳ этар ҳазратни. Ахир, у энди ҳам билмасинми кимлигини? Хижолат домидан тезроқ қутулиш пайида, ҳовлиқа-ҳовлиқа, қўшиб-чатиб сўйлай бошлади: э, пушти паноҳим, не синоатки, фақир ўтмишга кўчдим!.. Юракни нақд ўртаб юборадиган қисқагина сукутни кечирди, сўнг мубҳам бир ғудранишни тилига чиқазиб, ичи сидирилган кўйи, ўғринча қараш қилди кекса суҳбатдошига.

Во ажабо, Ёдгор валий намуноча собит, зиғирча кўрмас унда ҳайрат аломатини. Фақат мийиғида — но-зик, кинояли бир кулги. Анча муддат сукутга толғач, ўнг қўлини рўпарада тикка қилди, қара, деди астагина. Таажжубга тушган Саидбек, хиёл ингичка тортган, билинар-билинемас титранаётган панжалар орасидан илкис тикилди йироқларга...

Қимдир бетига қайноқ сув сепдими?

Шундай ҳолатни туйиб ғалати сесканди, кейин ҳайрат ва кўрқув тоши босди киприкларини. Қанчадир вақт

кечиб, кўзларини очсаки, ҳамон ўзгармаган мўъжизавий манзара: жазирама селига кўмилган кимсасиз қақроқ дашт... Тўқай жизғанак, майсалар қовжироқ... Қорайган барханлар гоҳо шиддат билан кўчар наридан-бериға. Тўп-тўп учаётган тўрғайлар вижирлашиға қулоқ тутган каби бўзарганча қотиб қолган қинғир-қийшиқ жарликлар. Тоғларни гўё ваҳима чалган, фақат кулранг соқов қояларға туташ саксовулзор сокин бир фараҳ оғушида. Билақдайгина келадиған жилға дарадан ўйноқлаб тушиб, қумликларға сингий-сингий номаълум мазгили сари ошиқар. Жилға салқини атрофға оз бўлса ҳам тароват бағишлаған, қувраётган гиёҳларға жон ато қилган, боринги, қадамда ҳаёт нишонаси ҳукмрон.

Жилға бўйи осойишта... Ногоҳ атрофини шитир-шитир қадам говуши тутади. Жимлик бузилади. Ҳарсиллаб келаётган Эна Кўкбўри бехосдан тўхтади. Мутгасил қувғин туфайли ҳолдан тойгани боис, мана шу жойда бирпасгина ором олишни истайди. Ора-сира гашиқиб, ингалаб қўяётган Чақалоқни ётқизади майсаға, сўнг ўзи ёниға чўзилади. Мажнунтоллар соясида она-бола мириқиб ухлайди, бир пашша ҳам халақит бермас уларға. Ниҳоят аввал Энабоши уйғонар, оҳиста сурилиб, учлари кизариб бўртган, тирсиллаб турган эмчагини авайлаб тутар эркатойиға.

Ушбу лаҳза гўё олам энтиқар ширингина, аста қовушар азал ва абадға даҳлдор икки илоҳий кутб: энг улуғ бахтға эришганини қайта туяр таранг сийнаға талпина бошлаган мурғак дил...

Саидбек бармоқлар орасидан кўриб туради: болақай мириқиб эмаётир.

Болақай нафақат эмаётир, ён-верида гуркираған ҳаёт мазасиға қонмоқда, қонгани сари томирларида шижоат гупирар, шунингдек, мусаффо тасаввури билан ўз имкони, ўз шавкати — ўзлигиға яқинлашар. Катта ҳаёт бўсағасида Чақалоқ...

Умрини тарихға рўпара қилган Ёдгор валий экан! Нечун шу ўйға борди, тушунолмай ҳайрон, лекин ичида шайх кароматгўй зотлигини яна бир карра эътироф этди.

Саидбек ҳайрат ичра энтиқди, маъюсона кулди, сўнг яна тикилди мўъжизакор панжалар орасидан йироқларға. Энди, ажабки, чеки-чегараси йўқ оралик аро бошқа манзара намоён: тошлоқ йўл бўйлаб чавқар бия қўшилган

арава елиб борар, мис қошли эгарга кўнволган хушрўй ўғлон хавода бот-бот ўйнатар ўрма қамчисини, гоҳ олда, гоҳ ортда кулоқлари динг қулун чакқон ирғишлар, тебрана-тебрана илгарилаётган арава супачасида йилтираб турган ясатиғлиқ бешик бир сирли товланар. Оҳ, худойим, хабар бергил, бу ўша эмасми?

Ногоҳ кундек ёришди руҳи, нигоҳида — орзиқиш ёлкини. Қувончдан юраги тарс ёрилгудек: ахир, узоқдан кўриниб турган ям-яшил чорбоғи сари шошилар арава. Тавба, туш деса — тушмас, хуш деса — хуш, аммо хиёл билтанглаб айланаётган ғилдирақлар қалдирашигача чалинар кулоғига. Сўнг арава ими-ҳим йўқолди, таниш-нотаниш башаралар пайдо бўлди тошлоқ йўл четида, чорбоғи атрофи, жар-тўқай пана-пастқамида.

Елкасидан ногаҳон тутун ўрлаёзди: бирови Сайфи муттаҳам! Босар-гусарини билмас лаънати, нуқул кўпик сачратар оғзидан: тутинглар! Совуқ жаранглаган хитоби тарсаки янглиғ доводиратар Саидбекни, ахир, не қилсин, нозир Болалигини ҳибс айлади, Болалиги кўнглига кишан урмиш, яна нимаёкан муддаоси?

— Э, ўғлим, бошқа ниманиям кутардинг ундан?

Ногоҳ ечилиб кетди Ёдгор валий тилини анчадан бери чийлаб турган тугун... Ҳар каломида минг нафрат жам... Нафратки, замирида, Қуйруксойни, Кўкбўрилар бахти-тахтини шу кас хор айламиш, бундан яхшилиқ кутган адашар, деган маъно ниҳон. Ажал ҳам чўчир ундан, ажал ҳам рой қилар унга. Шу боис ҳамон тирик, зероки ўлим йўқ ёмонга. Ҳамон Кўкбўрилар билан олишар, демак, Кўкбўриларни ер юзидан супуриб ташламагунча ёки уларни мангу мутелик чоҳига йиқитмагунча тинчимас. Ажабмаски, бир вақтлар Қорахон баҳодир белини хийла-найранг билан синдирган маккор хон қўлидан майи ноб ичган бўлса!?

— Нима қилмоқчи улар Бўзтойни?

— Бўзтой иншооллоҳ уларга эрмак бўлмас, йўлини топиб кетар!..

Ҳазрати шайх пушти камаридан бўлган ўғлига худди ўзига ишонгандай ишонар, шунинг учун ҳам кўнгли тўқ, киёфасида ғам-ташвиш асари қатра сезилмас, аксинча, сокин нурланар ажинлари. Ахир, турмушнинг саодат ва кулфат бирдек қайнайдиган муаззам қозонида пишиб чиққан-да бу зот... Қайғуда ҳам, қувончда ҳам бирдек тута олар ўзини: қадди букилмас, ҳовлиқиб ҳам кетмас...

— Юр, болам, бирпас хордиқ ол, чарчагандирсан.

Ҳали Тамғали гори яқинида, дара ичкарисидан гоҳо юввошгина, гоҳо тўполон билан оқиб тушадиган сой ёқасидаги ажриқли майдонда, ирғайлар ва ёввойи олчалар ихотасида кўнқайган кулбагача анча толиқиб юриш керак. Анча ўр-да у томон, кўтарилиш осонмас, қачон тиклангани номаълум кулба эса тошқалов, девори кинғир-кийшиқ, кўримсиз, лекин доим киши эътиборини тортадиган бетакрор файзи-таровати ҳам йўқ эмас.

Омонат кулбани тасаввур қилган кўйи, кўнглида недир вашлик, Саидбек Умар жадал одим отиб бораётган отага эргашди жимгина. Ана, куёшнинг бебаҳо ва беҳисоб сочқиларига кўмилган Айиқтош тош нигоҳи билан қутлаётир шаҳарлик нозик ва нуфузли меҳмонни...

## ОЛТИНЧИ БОБ

### I

Ёдгор валий ўрга букилибгина ўрлар паришон кула-кула...

Саидбек Умар унга эш: қалтирар тиззалари.

Қияликда бир дам тўхтагиси, озгина нафас ростлагиси келар, аммо истагини айтолмас, айтишдан уялар. Ҳаҳ, юзни уриб қўйган чолча эмасми, пукиллаб қопти олтмишга кирар-кирмас. Нима қилсин, ўзини ўзи қаритди, тийилмади яхши-ёмондан. Мана энди ҳовриқиб ураётир юраги.

Саидбек ўзини чалғитиш учун ён-верига қаради.

Куёшда товланмоқда Қуйруқсой...

Бехос қайтадан ёришди тасаввур: ана, бир тўда қора-қура, оқ-сарик ўсмир Айиқтош энишидаги бутазорда бекинмачоқ ўйнайдир: бири қувар, иккинчиси кочар. Негадир Саидбек билан Бўзтой, бегонасираган каби, уларга қўшилмас — бир четда туришар ўз ўйлари билан машғул бўлишиб. Фамгин оҳангда Бўзтой пичирлар: жўра, эшитдингми, ҳамон эммапти Чақалоқ! Тўрғайлар вижир-вижири оша чалинар бу хитоб Саидбек қулоғига. Саидбек ўйга ботар, кейин шалвари боғичини қисиброк боғлашга уринаётган дўстига кўркув аралаш тикилар, култ ютинар-да, Лобар янгага ачиниб кетар: бечорага

кийин, ахир, у гўдагини неча ой, неча кун, неча соат юраги тагида авайлабгина кўтариб юрган, гўдаги эса ундан тонган. Бу не кўргилик?

Қош қораяди, қувлашмачоқ эса ҳануз давом этади, Саидбек билан Бўзтой, фирромлик қилиб, бири-бири билан бўғишаётган мишиқилардан безиб нари жилишар, сўйлашгилари келмай, қовоқ солиб, бошларини эгиб қайтишар қишлоққа. Жимжит дарадан эна боришгани сари нотинчроқ тепар юраклари, ким билсин, яна бирон корҳол рўй беришини сезишганми, сиғмай қолишган дунёга. Ўша кеча на униси ухлади, на буниси. Қанақадир хавотирни кутишарди, сўнг даҳшатли бир тўполон уларни комига тортгандай бўлди. Шовқин-сурон, йиғи-сиғи, урҳо-ур, қарғиш-алқишу сўқинишлар бирдан бошланди тонг-азонда. Ер-кўк қиёфаси бир аҳволдаки, таниш кийин, ҳамма нарса бир бошидан кулга айланаётир. Ана, Лобар янганинг одам суқини кўзғайдиган тим қора қўнғироқ сочлари қовжираб битди, энди навбат — Чақалоққа. Яхшики, Эна Кўкбўри етиб келар, Саидбек аниқ-тиниқ кўриб турар Эна Кўкбўри улуг шажаранинг энг кенжа суянчигини қандай халос қилганини. Бир мўъжиза шунча бўлар-да. Суллоҳ Сайфи тариқдай титилгани-чи. Аммо ўзи зим-зиё, зах, шўрлаган ертўлада майизак бўлиб, игна еган ит каби қуришиб ётганига ҳайрон: ким тикиб қўйди жаҳаннамга? Аллақачон тинкаси қуриган, ахир, неча кундан бери бир култум сув, бир бурда нонга зор, нима, жонини асраб қолиш учун тупроқ капаласинми?

Шу кетишда узоқ чидолмас, тақдирга тан бериб, тақир ерга бошқатдан мук тушар, иложи қанча, охирги дақиқада похол ёки сомон чайнаб жон беради шекилли, бундай укубатга гирифтор этган Сайфига ҳам худонинг бир атагани бордир.

Сайфини эслаши билан омонат-қийшиқ эшик зорлангандай гичирлаб очилар, ичкарига жонсизгина ёруғлик оқиб кирар, гурсиллатиб яқинлашган кимса, ҳе йўқ-бе йўқ, қорнига тепа кетар, аммо кўртепки билан қоникмай чийратма-заранг таёк билан савалар, ақлини киритиб қўйганига ишонч ҳосил қилар шекилли, ниҳоят бузоқ ўлигидай ташқарига судраб чиқар.

Ичи эзилиб, суяк-суягига қақшаётган Саидбек аранг чайқалиб турар оёғида... Илк бор назарига илашган нарса — буруксаганча ўрала-бурала кўкка ўрлаётган



кўкимтир тутун... Сўнг бирдек гезарган тумонат одамни кўрар, сўнг зўр ҳафсала билан каллак урилган тутни. Ёпирай, хиёл кўндаланг тушган, кесилган жойидан симиллабгина нам сирқираётган йўғон шохда арқон билан чапараста осилган ким, наҳотки иккала кўзи билан соғингани — отаси мулла Умар?

Безовта ураётган, ингичка санчиб қўяётган юраги тўридан отила келар ёввойи бир ўкирик... Гувиллаб айланар боши, йўк, кўзлари алдаётир, ақли-хуши, идроки чалғитмоқда, ёлғон, бариси ёлғон! Кошки шундай бўлса! Афсуски, рўпарасида, йиғлаб-йиғлолмай беун инграётган майиб шохда чайқалиб турар пуштипаноҳининг барваста гавдаси. Аввалроқ уни роса кийнашган шекилли: тили оғзига сиғмай қолган, пешонаси бир неча жойидан ёрилган, қовоқлари моматалоқ, жағи бир ёнга қийшайган, борингки, босиб қолган чалдивор остидан ҳозиргина суғуриб олингандек бир алфозда.

Саидбек мўлтирабгина яна кўрар: онаизори Болбиби нарироқда, Ёдгор валий билан Ҳазора момо биқинида, яшин чалган каби тек қотган, бор-йўғини чорасизлик ихтиёрига бериб, сочларини юла-юла йиғлар, ҳайҳотки, кўксидан бодраб чиқаётган нолаларини қамчисидан захар томаётган Сайфи эшитмас.

Сайфи биргина гапни такрорлар: эй, каззоб, айт, қайга яширгансан?! Айтмасанг, ўзингдан кўр, тип-тирик қурийсан! Қаҳр аралаш хитобни эшитган оломон оҳ тортиб тўлғанар, ҳар ердан норозилик оҳангида ғудранишлар эшитилар, Саидбек ҳам юраги орқасига тортиб ингранар, сира тасаввурига сиғдирилмас падари шу ҳолича узок осилиб туришини, чўллаб, оч-наҳор, аста-секии чўпу устихонга айланишини. Бу хавф эса нақдга ўхшаётир, буни кўра-била, отаси қайсарлик отидан тушишни истамаётир, аксинча, ўзини қаттиқликка уриб, ҳали-ку жоним бир, минг бўлсаям аямасдим, дер хириллаб.

Ҳанузга қадар Саидбек тушунолмас: баттол Сайфи, ўла-тирила, томоғини йиртиб суриштирган бир парча латта азизмиди шунчалар, ўша нарса умуман бор-йўқлиги ёки қайдалигини отаси айта қолса нетарди, ахир, зарилмиди жонига кўз кўриб, қулоқ эшитмаган хорлик?

Тақдир буюргани шу экан: кўзлари косасидан отилиб чиққудек ҳолга келган мулла Умар уввало тушмади қайсарликнинг гижинглаган отидан, ажабо, Сайфи билан шериклари, тажанглик қилишгани сари, у хотиржам

тутарди ўзини. Бунча укубатни гўё худодан атайин тилаб олган, мислсиз оғриқ ва зиркираш роҳат бўлиб қуйилаётир дилига.

Сайфи гуппи бунга қандай чидасин, ярамас ўзини осмон устуни санаса, ҳамма вақт айтгани айтган, дегани деган бўлса. Манови бандага эса сўзи ўтмаётир, бунинг қошида изза еди, шашти синди, қўзичоққа айланди, бўш-баёв қўзичоққа. Аммо ҳали бу галварс совунига кир юлмаган, энасидан туғилганига пушаймон қилдирмаса, юрган экан нон еб шу ёруғ дунёда. Ахир, мана буни нега лангиллатиб қўйипти, қани, алангасига калласини тиксин-чи, бирдан тили чиқиб, сайраб юборар?!

Мийиғида истехзоли кулганча Сайфи тагин бош чайқади, қамчиси билан сариқ иблисга ишора қилди. Муддаосини мулла Умар тушунди, бурнини жийриб қўйди. “Хе, — деди кейин, — ёнса тан ёнар, рух эмас!” Ўлмичи қилиб калтаклаш буюрилар, барибир, у, пинагини бузмай, хотиржам ғудранар: рух букилмас, чўкмас, бўлинмас!

Энди Сайфи бўзарар: бу одамми ёки афсунгар!?

Сўпг хомуш тортиб қолар, хаёлга толар, ғудранганча чимирилиб, нари-берига пилдираб юрар: бети гоҳ кўкариб, гоҳ оқарар. Ахийри, титраб-қақшаганча депсинар, яраланган айиқ каби бўкира бошлар. Ҳозир гумроҳ паққос ёрилса керак, деган хаёлга борар бетоқат оломон. Аммо у бирдан тинчиган, бўшашган бир ҳолатда гумашталарига буйруқ берган, улар ўрмалаб қолишган, кейин зил жимлик...

Кейин ҳавода бир лаҳза муаллақ қотган яроқнинг жуфтлаб боғланган қўлни чийрата кесиб, ғадир-будур намчил кундага чиппа санчилиши... Кўзлари аллатовур киртайиб, ранги сарғайган, сим-сим ўртанаётган онасининг хушсизлана чайқалиб йиқилиши... Тақир ерда ўзи муз қотиши, чатнаган қароқларида йилтираган совуқ чакмоқ фалак буржлари билан бирлашиб кетиши, заранг тишлари орасидан сизиб чиққан нола борлиқни янаям кўпчителиб юбориши... Ва, кирза этиклар босиб-янчиб, тепиб-тепкилаб хор қилган тупроқни бўяган, сийрак тутун қоплаган уфқ жамолига тизиллаб сачраган томчи-томчи қон қават-қават пўртанали шафаққа айлана йироқларга юзиши...

Ҳозир ўша ўйдим-чуқур яланглик ўлик сароб, ўлик сукунат оғушида...

Жўшқин ҳаёт оқими бу ерда гўё лаҳзалик хордик учун тўхтаган...

Эхтимол қилар Саидбек: ана жилар, мана жилар ўрнидан!..

Говак, шўрлаган, қўнғир-жигарранг тепачалар гўё кўкка беун муножот қиладир, оғир-босиқ илтижонинг набир умид ва эхтирос билан йўғрилган эшитилмас оҳанглари замин бўйлаб майин-майин ёйилиб борадир. Бувасидан ёдгор — Қабоҳат гулханига гувоҳ ўтган балхитутдан асар ҳам қолмаган, бинобарин, айтишлари-ча, ўша воқеадан кейин тут тез қариган, бир баҳорда аразлаган каби куртакламай кўйган-да, шу билан сарғая-сарғая тап-тақир қуриган, кўн ўтмай, кимдир танасига арра кўйиб, кундаков қилган.

Чандик каби бўртиқ мана бу тош-кесак уюми бикинини ёриб чиққан қўшалок дўлана остида кўп сиру савдо сирка бойлаб ётганини Саидбек Умар яхши билар. Қалдиروق билан ўтган ўша тўфондан кейин пайдо бўлган ушбу мунғайган тепача қачондир қуйи гузару юқори гузар чанқоғини қондириб келган, суви зилол ва муздек кудук оғзининг ўрни. Ҳақиқий афсонага айланган кудук сахийлиги. Аммо тақдири Кўкбўрилар тақдири янглиғ чигал: вақти-соати етиб хор бўлса — бирдан қуриб қолса, бу ҳам етмагандек, падари билан волидаси кабрига айланса, ўзи эса, қўли қисқалик қилиб, чорасиз томошабин бўлиб ўтирса, эвоҳки, бу не кўргилик?

Кейинча сал қаддини тиклаб, кимсан фалончи номини олгач, шу ерда, манов қўнқайган уюмни йўқотиб, падари ва волидаси хотирасига кичикрокми-каттарок сағана тиклашни чамалаган. Ҳатто харажат учун анчамунча пул ҳам тўплаган...

Лекин ўзбошимчалик билан иш тутолмасди, мажбур эди ҳожат учун ҳам сўраб боришга. Ўй-режасини пишигач, ҳаммани кўйган-да, умид билан Бо-бошга дардини ёрган. О, муттаҳам Бо-бош билан иш битириш чиндан осон эмаскан. У, афтига бўзрайгандай тикилиб турганда, елкасини қисиб, қандайдир хужжатларни кўтарган, чалам-чатти ёзилган битикларни хижжалаб ўқиган, ниҳоят, қош-қовоғини уйиб, мулла, сиз арвоҳларга эмас, бизга суяниб яшанг, деб ёзғирган.

Нима учун йўлини тўсишгани, маломат тошларини отиб, пашшадан фил яшашга уринишгани боиси ҳали-ҳали қоронғи. Гоҳида эса, ота-онам кўкбўричи эди,

шунгадир-да, дея фикр юритар, аммо бу хулосаси ичра тошдек чўккан армонини даф қилишга қачон яраркин?..

Саидбек Умар хаёлчан, маҳзун туриб қолди қудуқ тубидаги зимзиё ҳаётни тору мор этишга имкон тополган ва соғинч-ла қуёш жамолига ошиққан навқирон қўш дўлана қошида. Ногоҳ сезди: ҳали атрофдан ўз шаънига ёғилган беун олқишлар қаёққадир чекинган, энди теварақдаги ҳамма нарса — ҳар бута, ҳар гиёҳ, ҳар паррандаю даррандадан тортиб беозор қурт-қумурска ва капалакларгача, бариси ўзига ҳам ғуссали, ҳам таънали назар солаётир. Кўпам ажабсинмади бу ҳолга, ахир, хатолар жавобсиз қолмас, деб кўйди ичида.

Хартугул ҳозир қувонишга кўпроқ ҳақли: киндик қони томган маконга тегмиш қадами. Кечмиши билан тирик ҳар қандай одамда кечар бундай тиниқ сурур: ногоҳ ўт-ўлан қоплаган, ҳар ерида кўлмак юки қолган, тарс-тарс ёрилган тақир саҳн қаъридан гўё кўкка залворли оҳ-нола ўрлаб жон ато қилар ўлик сароб ва ўлик сукунатга. Хануз у қимир этмас, ҳалиги нидо оҳиста эшила-эшила, сим-сим оқиб кирар таранг томирларига, қизиққи, сўнгра шу сирли тўлқин таъсирида, Саидбек ўзи, бутун борлиғи ва эс-ҳуши билан, сўнгсиз оҳу фиғонга айланмиш, ўзи тарам-тарам ёйилмиш сукунат қаърига чўмган харобаларга.

Билдики, ёмғир-қорда ивий-ивий тупрокқа қўшилиб кетган кесаклар паноҳида ими-жим букланиб ётар оловда куйган кунлари, эҳ, қани улар жўшқинлиги, жозибаси, оҳори?

Саидбек Умар қачондир йиғволди ҳушини: тириклик эътиборидан қолган эски қудуқ қошида аранг тиззалаб турар энди, аста-секин силкинар толғин елкалари, милтираган шўртак ёш ювар териси хиёл бужмалок ёноқларини.

Илкис тасаввурига ёпирилиб келар даҳшат-ла ланфиллаган олов...

Ва ҳавони изсиз кесган дандон сопли пўлат шамшир...

Ва шарт кесилган икки қўлнинг тақирда бесаранжом сакраши...

Бариси қайта такрор бўлаётirmi?

Хиёл гангиган Саидбек Умар оғир хўрсинди, сўнг хаёлан анча ерни қоралаган ёшидан, озми-кўпми таскин берадиган олимлиги, унвон-амали, иззат-икромидан

кечди биратўласи, кечди-да, туйкус ялангоёк, ялангтўш Саидбек — ёруғ оламда ҳали фитнес-фасод, ғаразу ҳасад, қайғу-армон, мискинлик ва араз-ўраз, кўркув ва интиқом борлигини билиб улгурмаган Саидбек бўлиб ўқирди, телбаларча:

— Отажоним, онагинам! Тавба қилдим, тавба!..

Соқов ва ўйчан тоғу тошдан акс садо қайтди гулдираганча...

Сўнгра, совуқ терга пишиб, ваража қилиб, жимиб колди.

## 2

Қадам шовурини сезган Саидбек Умар, кудук тубида кўмилган тақдирларни тарозига солиш билан машғул эмасми, бир сесканиб, ҳадик аралаш ўғирилди: хей, Ёдгор валий экан — иймони ойдин одам!..

Пири комил жилмайиб туриши бир ёкимли, кулин — қираб, соғинчли тикидиши сирли ва ҳалим: дардингни олай, суянчим — юпанчим, дея сўйланар тийрак нигоҳи, бўйингга бўйтумор, белингга белкувват, ақлу фаросатингга офтоби чароғ бўлай!..

Хотиралар гирдобида сузаётган Саидбек, чолга юмшоққина тикиларкан, дилида сўнгсиз эҳтиром ҳиссини туйди. Рост, шу одамга суяниб яшади эсини таниганидан бери, қанчалар мадад олди ундан қийналган кезларида, яна, не омадки, фақат шу одам билар падаридан қолган мерос нималигини ва қайдалигини. Фақат ҳаёту мамот қадарли азиз ва мўътабар нарсани шу кунга қадар ичида димлаб-занглатиб келгани қизиқ ҳол...

— Ўғлим, кўзёш денгиз бўлмас, денгиз бўлса одамзодни ютмайин қўймас, — деди Ёдгор валий ўйчан алфозда. — Эрлик шаъни ҳар нарсадан баланд, биласан буни. Иккиламчи, қарияпсан. Обидийда қилиб ўтиришинг нимаси?

— Мени уришманг, қисматимни қарғанг, — осудаликка мойил ўкинч бор эди Саидбек Умар товушида, сўнг сал ўзини тутволиб, Ёдгор валий билан ёнма-ён йўл тортди қулба сари. — Камина гуноҳим нелигини биламан. Лекин билмаганим қанча? Мана шуниси алам қилади одамга. Эсимга тушса эзиламан-да, нима қилай?

— Зигирча фойдаси йўқ, нимагаки бўлгани бўлиб, бўёғи сингган, тўғримасми? — зимдан меҳмонига қаради

Ёдгор валий. — Буёғини сўрасанг, меники ҳам сеникдан кам эмас. Қанақа валломат бўлиб ўсаётган эди-я Бўзтой?! Атайлаб хазон қилишди, Эна Кўкбўрини эмганидан кўркишиб!..

Шиф этди Саидбек Умар юраги, борлиғини бир орзиқиш қамраб турди анчагача. Қадрдони Бўзтой Эна Кўкбўрини эмгани ёлғон эмас, у шунинг учун тирилган, хосиятли сут жўрасига шундай улуғ имкон ато қилган. Ажабтовур жойи, у ўзи билан Саидбек Болалиғини ҳам етаклаб келган. Бас, Бўзтой тирик, Бўзтой ўлмаган, Эна Кўкбўри сийнасида бахра олган жон боқий қолар! Ажабо, унда Сайфига ўхшаган муртадлар қандай чап берар ажалга, қаёқдан олишар азроилни лақиллатиб кетишга имкон берувчи ваколатни?!

Кулбаси сари бафуржа бораётган Ёдгор валий иссиқда қовжираган ўтлоқда беихтиёр тўхтади, ногоҳ рухланди сокин чехраси, синчков тикилишида илик меҳр, ёқимтойлик, нажот ёлқини мужассам: ўғлим, Саидбек, қарагил! Хайрихоҳ бир оҳангда айтди бу гапни, кейин ҳалигидай ҳаракат қилди: шундоқ рўпарага тутди ўнг қўли кафтини. Энди Саидбек янаям хушёр тортди, энди анчайин тажрибали эмасми, тез пайқади шайх не тилақда эканини ва унинг титранишга мойил панжалари орасидан хотиржам тикилди йироқларга.

Ер билан кўкни хиёл мовий ҳарир парда бирлаштирган, парда бўшлиқда сокин елпинар, ажаб тарзда тўкилиб турар — тўлқин-тўлқин... Парда гирдлари хошияли, бир учи шахт юксала бориб фалак тоқига тиралган, ие, бу Тўлин Ой қалъасининг қобиргалари саналиб турган зангор куббаси эмасми? Ажабо, ланг очиқ қалъа дарвозаси; беихтиёр энтиқди ва ўзини муаззам остонада кўрди, бадани ғалати чатнаган кўйи ичкарига кирди аста.

Оғир ҳаяжон босди Саидбекни: ён-верига қўрқаписа бир аланглаб, секин жилди илгарига. Манов зал намунча кенг-мўл, намунча мухташам? Буниси янаям жозибали экан, ана буниси эса тилсим қилинган саройдан қолишмас. Боринги, бунақа маҳобатли, нақшу нигорлари нозик, юмшоқ мебеллару қимматбаҳо гиламлар билан жиҳозланган бўлмалардан нечтасини қолдирди ортда — билмас, бир маҳал қараса, ғира-шира ёритилган йўлак бўйлаб борадир бўйнини қисиб. Ер ости йўлига тушиб қолдим нима бало?

Шошилмай, кучини аяб, узоқ йўл босди, юра-юра охири фил суягидек оқ залворли темир эшикка рўпара бўлди, ёпирай, бу эшик таниш-ку. Бир орзиқиб тушди. Бўсағада бир муддат иккиланиб тургач, секин қўл чўзди дастага. Жимжит хонага ўкдек отилиб кирди. Ранг-рўйи заъфар тортган Бўзтойга нигоҳи тушгач, таёқ каби қотди: оҳ, азизим, шу аҳволга солдиларми сени?! Чиндан ҳам ночор йигитча ҳоли. Аммо ўзини бардам кўрсатишга тиришди. Овози ҳам ўктамона янгради:

— Ҳи, тавба, сиз ҳам... анови шерикларингиз каби соядай липиллайсиз. Худди қони йўқ махлуқсиз... Ёки кимдир сизни тушовлаб қўйган, нима, ёлғонми? Бу юрт ғалати экан, худо ҳақи айтинг, мен қаердаман?

Бўзтой оқарган юпқа лабларини қимтиди, қулоғи орқасини истар-истамас қашиганча Саидбек Умарга хўмрайиб қаради ер остидан. Анчайин сирпанчиқ саволга жавоб қилиш учун қани довруғи баланд профессорда жон бўлса. Нимани ўйлаган эса, кўпикдек бирин-сирин сўнди шуури қатларида, хусусан, бу холида дилидагини тилига кўчириш осон эмас.

Ўғил бола гап шу: гўр эмасди ҳаёти гулобий бинода, ҳали Тўлин Ой қалъасида ҳам бирон ибратли натижага эришган эмас, ахир, қисқа вақт ичида нимага ҳам улгурсин? Гоҳо йиллар бўйи уринар одамзод, аммо топгани — омадсизлик, бирон бедаво дард... Энди кимдан ҳам яширсин қисмати шунақа бўлиб чиққанини? Бу ёғида умиди бошқача, зеро одамга ўхшаб меҳнат қилиш, шунга яраша тўйиб-қувнаб яшаш илинжида, бироқ шу нарса насиб этармикин?

Тунов куни Чумоли — Қўлдош Камон телефонда ғалати учирик қилди: кимки адашган бўлса тўғри йўлга солмоқчи эмиш! Вой, тавба, келиб-келиб шундай зил юмуш сендақа меров чекига тушибди-да. Бир думалаб бошқа қиёфага кирган ва Чумоли этагини тутган Сайфи, кейинроқ, бир баҳонада, надомат кулфи урилган сандикни очди: моддий-номоддий дунё бошқа ўлчамга кўчганмиш, ушбу жаҳоншумул ходиса Сариевлар сардори хоҳиш-иродаси ва режасига кўра рўй берганмиш, кимки ана шу жараёнга киришиб кетмаса ғазабга учрармиш, энг машъум жазога лойиқ топилармиш. Қолганини ўзингиз хулоса қилаверинг, фақат куракда турмас бу даҳмазани Бўзтойга уқтириш азоб. Мабодо гап очсанетса роса масхаралаб кулса керак.

— Балки шарпалар мамлакатига кеб қолгандирман, биродар — деди Бўзтой тўсатдан, ноўнғай жимликни бузиб. — Бунақасини ҳечам эшитмовдим. Нима, сизам шунинг фуқаросими?

— Кўй, қора кўзим, ярамни тирнама, — деди Саидбек ялинч оҳангида. — Шундоқ ҳам тўйганман. Дардим оғир, дардимга сен малҳам босарсан деган умиддаман.

— Малҳам, о-оо-о?! — деди Бўзтой ҳасратидан чанг чиқиб. — Қайда экан ўша мўъжиза? Неча замондан бери ўзим ҳам ялангоёқ бўлиб қидираман.

Кимдир бир челак совуқ сув ағдарди гўё Саидбек тепасидан...

Наҳотки бунинг ўзи ҳам мададга зор?

Ночор қолган Саидбек хаёлга шўнғиди, қай маҳалдир ойна ортидаги махлуқ чийиллаб юборди ва сесканиб тушди. Паришон ўтирган Бўзтойга умидворлик билан тикилди, бунинг истараси шунчалар иссиқки, аста кўяверасиз. Сўнг ундан назарини узмай, бошқача сурурга кўмилди, зерикарли Е хужраси аста-секин чекинди қайгадир. Шундоқ рўпарасида бошқача манзара жонланди: виқорли чўққилар, зилол сувли жилға, паст-баланд ўнгирлар, ҳазонларга кўшилиб учаётган мезон ипларининг сокин товланиши, тирамоҳ нафасига кўника бошлаган кўй-кўзиларнинг чўзиб-чўзиб маъраши... ўзаро уйғунлашиб кетган.

Ана, кишлоқ узра Айиктош жимгина хаёл сурадир, ундан ҳам юксақда темир қанотли бургутлар сокин сузар ҳавода, этак тарафда ястанган боғ-роғларда эса гоҳ тўрғайлар сайрар, гоҳ тошбулбуллар. Майин ва қувноқ хонишларни гоҳо увлаб қоладиган шамол олисларга учириб кетар.

Ажиб бўёқлари билан кўзни ўйнатиб, дилни ҳаприқтирадиган гаройиб манзара орасидан не-не ҳодисаларни жимгина ичига ютган, бирон сирлашадиган кимса йўлига интиқ кишлокни Саидбек кўриб турар. Ана, паст-баланд томлар лойсувоқ яғринини офтобга берган, бири-бирига туташ — укувсиз уста курган зинапоя янглиғ юқорига нотекис ўрлаган. Ола-чипор дўнглик белида кўнқайган айвонли уй кўшнилари орасида сирли мунғаймиш: анча эскирган, замини шўрлаган, борингки, қаттиқроқ шамол кўзғалса гупша йиқиладигандек аҳволда. Лекин бўш келмай, сир бой бермасдан, адл турар тикланган жойида.



Уч-тўрт қариган, таналари бужир дарахти бўлган ҳовлида узун-энли оқ чит кўйлак кийиб, дока рўмол тангиган жимиттигина кампир пилдираб юрар нари-берига. Тўхтовсиз жаврар алланарсаларни, ким билсин, чоли Ёдгор валийдан норозими? Айвондаги чорпояда ҳали соч-соқоли тўла оқариб улгурмаган, шунга қарамай, чехрасидан нуронийлик ёғилаётган шайх тасбеҳ ўгириб, беозор кулимсираб, чордана қуриб ўтирар бемалол. Нигоҳи — гувала деворли, шифти паст сайисхонада, у ерда думи калта, ёли бўлиқ, устига шол ёпилган чавкар бия ҳозиргина туғилган, оёққа туришга зўр бериб уринаётган жажжи қулунини искалаб-яламоқда.

Эскироқ беқасам тўни этагини қайирволган, сочлари ўсиб қулоқ-чаккасини босган, очик чехрали, хушрўй, эпчил йигитча, эринчоқ куз офтобида қизарган кўйи, чопилган пичан ташиб, тезак ҳиди анқиётган охурни тўлдириш билан овора, хар замонда, оғзида қўшиқ, боласини эркалаётган байтал сағрисига шап-шап уриб қўяр.

Осойишта ҳаёт давом этар ҳовлида...

Шу маҳал, байтал, янги меҳмонни бир зум эътиборсиз қолдириб, дарвоза томонга қарар мўлтираб, сўнг қувончга тўлганини яширолмай, кишнаб юборар баралла. Сал ўтиб, айвон қуйсида, яна бир ўсмир пайдо бўлар. Саломни куюқ қилар. Кўринишидан анчайин қайсарлигини, шунингдек, яхши одоб ва яхши муомала кўрганини пайқаб олиш қийин эмас.

Юраги гусирлаб ура кетган профессор ҳовлиққанча беихтиёр хитоб қилди: оҳ-хо, бу мен, худо ҳақи мен! Анчагача кўз ўнгидан кетмади жозиб манзара: ҳузур қилар гоҳ Бўзтойни, гоҳ ўзини кузатиб, илиқ ҳаяжонга тўлар кўкси. Ширингина энтикиб турганда бариси илкис яширинди недир парда ортига. Энди нима ҳам келарди қўлидан, болга тўймай қолган бола ҳолига тушди, тамшаниб ҳам қўйди ғалати қилиб. Сўнг бирдан, Е ҳужрасида тукилиб ўтирганини, олис кечмишига шунчаки бирров бориб келганини эслади-да, хўрсинди ночорона.

Шундай ҳол атиги бир зумда кечди-я, ёпирай, қандайин гаштли экан ўша ҳаёт... Дўсти Бўзтой ҳам бахтли бўлган ўшанда, кейин уни кулфат тортиб кетди домига, мана энди у, узок йўл боса келиб, ғужанак бўлиб ётадир алдовнинг юмшоқ каравотида.

Зигирча адашаётгани йўқ: бу ўша, ҳозиргина тасаввурида кўргани Бўзтой, қулунлаган чавқар бия атрофида айланиша кунни кеч қилишдан сира эринмаган қадрдони Бўзтой... Омади кулганини қаранг, Бўзтой ўша жониворлар билан ташриф буюрган экан чорбоғига. Илгари ҳам валломат эди, шу феълига содиқ копти-да. Ишқилиб ҳаммиша бор бўлсин, яхшилик билан бирга яшасин. Ана, у хотиржамлик билан қовоқларини укалаётир, нигоҳида дарди ва қувончи учқунланар: ҳа, ошна, мунча тикиласан, танимадинг чоғи, ахир, мен Қуйруқсой дала-даштида товонини неча бор қақир тиканга қонатган Болалигинг бўламан, нима, мени кўнглинг кўрғонидан улоқтириб ташловдингми?

Энди тамом ишонар: Бўзтой бўлиб келган қадрдон Болалиги...

Қадамингга ҳасанот, азизим!..

Кўнгли тоғдек ўсди, ҳа, қувонмасинми, ифтихор хиссини туймасинми, ахир, Болалиги билан юзлашиб турибди, энди Саидбек ҳаётда қийналмас, минг хил жумбоқлар қошида довдираб, не қиларини билмай қолмас, у ёнида экан, тоғ ҳам бўй эгар қошида. Тағин Бўзтой — Болалиги кўмагида қачонлардир тилсим қилиб ташланган кўнгли қулфини очар, кўнгли сари, кўнглида парвоз қилар, зеро бу кутлуг ишда Ёдгор валий оқ фотиҳасини ҳам олар, иншооллоҳ шу кун яқин... Ҳа, шу айём жуда яқин, эҳтимол, мавриди топилса, шайхдан падари бузруквори қолдирган табаррук ёдгорлик нималигини ҳам билиб олар. Азалдан чол феъли кенг, бунга қолганда янаям кенглик қилган, қойил, отаси ишониб айтган сирни неча йил қилт эткиздирмай пинҳон сақлаган ичида. Тавба, пақ ёрилиб кетмабдими?

## ЕТТИНЧИ БОБ

### 1

Саидбек ногоҳ ўқ еган оҳудек титранди...

Нима бўлди, ҳалиги ўйлар залвари босдимми?

Анча ўтгач, яна ёриша бошлади тасаввури кўзгуси, бу гал, чидаш маҳол ниҳоясиз оғриқ билан қўшилиб ёпирилди хотиралари.

Барини кўрди жимгина: қай кунгача яшнаб, азалу

абадни эъзозлаш иштиёқи билан тўлиб-тошган қишлоғи энди мункиллаган чолдек букчайган, ранги синик, боғларида хазонлар чирпирак, яна чатоғи, мевасидан кўза-кўза шинни пишириладиган балхи тут буталгани етмаганидек, майдонни қалт-қалт учаётган қари-қаранг, жавдираган ёш-яланг босган. Нигоҳларда биргина нарса қотган — даҳшат, чорасизлик...

Елкасида нишони ялтираётган Сайфи ошиғи ҳамшагидек олчи: яқинида гердайиб турган сихмўйловли гумашта қулоғига оҳори тўкилмаган латифа айтар бемалол, гумашта қовоғини очмаса-да, ўзи пих-пихлаб кулар. Сўнг бирдан тўхтаб, жон ҳовучлаб турган оломонга ўкраяр: осмон елкамда, ташлаворсам борми, ҳамманг битта қолмай чувалчангдай эзиласан.

Кимгадир дағдаға қила бошлар, Бўзтойгами?

Бунча ўзидан кетди, ярамас, муддаоСИ нимаЙкин?

Жиққа терга ботган Саидбек Умар Е ҳужрасида димикиб ўтирганини эслади яна, эзилганча оҳ урди астагина, сал овуниш учунми, бошқа муддаодами, ваннахонага кирди, пича талмовсираб тургач, бетини чайди-да, артина-артина орқасига қайтди, лекин каллак урилган балхи тут тагида, саросар қотган оломон қошида, бошини ҳам қилиб тиззалаган Бўзтой жилмади хотиридан, аксинча, киёфаси ва аҳволи-руҳияси янаям аниқроқ намоён бўлди хаёлида.

Ажабо, нечун ўша лаҳза фалак гумбази гувлаб-гулдираб куламади устига, чорасиз бўзлаётган, ёруғ дунё кўзига қоронғи кўринаётган қишлоқдошларини нечун кунпаякун қилиб ташламади, нечун?

Ахир, ўша лаҳза, қаҳру ғазаб отига минволган, оламни, Сайфи гиж-гижлаши билан, ўша от туёқлари остида эзгилаб ташлашига инонган сихмўйлов жаллод сукутга толган Бўзтой томоғига, сира паст тушмаган Бўзтойга кўшиб, ўзининг Болалиги бўғзига ханжар тортворган эди-ку!..

Ана, ушбу лаҳзада ҳам ўша ҳолат руҳи-хаёлида аён: ваҳима исканжасида тақа-тақ қотган майдон ўртасида, ўзи чекаётган оҳни ўзи эшитишга ноқобил халойиқ қуршовида, қулочини ёзганча юзтубан кулаган Бўзтой ёнида, беозор Болалиги ночор алфозда типирчилаб ётадир — қора қонига бўянганча, бўлари бўлган борлиқни оху фиғонга тўлдирганча...

Эгам кўллади, қачондир жабр кўрган Болалигини

тирилтирди Бўзтой қиёфасида, ана, тоза кўнглига ҳамон гард юқтирмаган Болалик юмшоқ каравотда қолибона тарзда ўй суриб ўтирадир, дарифки, теграсида ўзидан бениҳоя йироқлашган, айни пайтда, унга ўзини яқин тутаётган, аллақачон тақдирга тан берган, иссиғу совуқда фақат дийдасимас, иккала кўзи ҳам қотган Кексалик мағлубларча тўлганиб тургани, изтироб оловида қоврилиш билан бирга, нимадандир умидвор эканидан беҳабар...

Бирдан англаб Саидбек: соғинч ва интизорлик ҳал қилмас кўнгилда ўралиб-чувалиб ётган жумбоқларни, ҳай-ҳай, ҳар қанча тилини узун қилиб мақтангани билан узоқ кутилган фавқуллодда эзгу учрашувга тайёр эмаскан. Ана энди кўринг ногаҳоний хулосаси беадад ўқинчга айланганини. Наҳотки мувозанат бузилган бўлса? Бунга тоқат қилиш қийин, бу ёнига ҳам худо қўлласин. Титроқ қўлларини кўксига қовуштирганча, яна пичирлаб ўқий бошлар билган дуоларини. Зилдек сукутга чўмган чоғда мук тушганча мудраётган Бўзтой қаққини ростлар, кўксини кертганча керишар ҳузурланиб. Чанқаган шекилли, товушсиз ютинар қуруқшаган лабларини ялаб. Нигоҳи сокин — хотиржам, наҳотки олакўз махлуқ хўжайинлик қиладиган гўшага маҳкум эканини билмас?

Ҳали Бўзтой ғалати ёзғирди, сиздай чинорга суянмасам кимга суянаман деди шекилли? Нима, шунчаки жигига тегиш учун пичинг отдими ёки чиндан ҳам имкони чатоқми? Балки бир далдага зордир? Фаҳмича, унақа эмас, Бўзтойдан шубҳалангани бекор, ахир, унинг кўмагида оламни ва одамни бошқатдан таниш, қолаверса, ўз дарди-дунёсини топиш, кўнглига, кўнгли бўйлаб сафар қилиш учун бел боғламаганми? Агар, чиндан-да, Бўзтой ўзи ҳам кўмакка муҳтож бўлса, аксига олмасми бари?

— Бўзтой, дилбандим, худо ҳақи, устимдан кулма, менинг нимамага ҳам суянардинг, шартим кетиб, партим қолган бўлса!? — ўпкаси тўлиб кетди чоғи, Саидбек Умар қисқагина сукут сақлади. — Ёки мандан гина қивопсанми?

Бўзтой тошиб келган кулгисини аранг ютиб бош иргани аста. Пайваст қошлари ўртасида — тугун, рангрўйи зарча каби заъфарон...

— Азизим, унақамас-да, менга осон бўлгани йўқ, —

зўр бериб ўзини оқлашга киришди терга пишган профессор. — Қуйруқсой қайғусини бир елкамга, бурч деган савилни иккинчи елкамга ортиб, шу ергача зўрға етдим.

— Менга қандай даъвойингиз бор? — Бўзтой қорачиқларида недир учқун ёнди липиллаб. — Йўқми? Ҳа, тузук, унда сўйлайверинг, юракни бўшатсангиз енгил тортасиз.

— Қисмат кундасига азиз бошини қўйган сендай ўқтам ўғлонга қанақа даъвойим бўлсин, — у ўнг қўлини мушт қила тугиб ҳавога ўқталди. — Фақат, худо ҳақи ишон, сени ўлгудай соғинганман. Нимага ҳиринглайсан, унақа қима. Вой, шумтақа-ей, Болалигини соғинмайдиган қанақа нодон бор дунёда демоқчисан-да!? Юз пойиз ҳақсан, пақат... Ишон, э, оҳу кўзлигим, пақирники бошқача, ҳеч кимникига ўхшамайдиган соғинч!

Кулгиси қистаган Бўзтой унга ҳавас билан термилиб қаради...

— Ҳо-о, шунақами?

— Шунақа, — деди Саидбек алланечук яйраб, сўнг енгил сўлиш олди. — Ҳа, нима, сени разолат қонига ботирган ханжар фақир Болалиги бўғзига ҳам санчилганини унутдингми?

Зил-замбил жимлик қаърига тортди хужрани.

Ҳалиги бўртиқ кўзли махлуқ кўриниш берди.

Сўнг бутун қалъа бир силкиниб тушди чамаси...

— Унутганим йўқ, — недир таъна соя солди Бўзтойнинг қизаринқираган кулча бетига. — Лекин фақир ушоқни қатл майдонига элтишганда сиз мўмин-қобил томошабин бўлишдан бошқасига ярамабсиз, аҳли жамоа ҳам, хўш, нечун?

Қоқ бўлиб кетди томоғи, рости, Бўзтой гина-кудурат билан айтган ҳақиқат кеча-кундуз Саидбекка тинчлик бермас, замона зайли билан пешонасига босилган тамға борлигини зимдан сиркиратгани сиркиратган, тушунуксиз ўжарлик билан кўнглидаги кемтиқдан огоҳ этгани этган, нима қилсаки, уни манглайдан сидириб ташласа, ундан кутулса тоабат. Айни фурсатда ҳам Бўзтой хумордан чиқволди ярасини янгилаш эвазига.

— Яна чок қивопсан кўксимни, дилбандим, — деди Саидбек Умар беихтиёр бош чайқаб, аъзои бадани зирқираганча. — Нимасини айтай, ўша кунлари барчамиз бекишан кишанланган эдик, минг афсус!

— Кечикиб қилинган пушаймон сут айламас.

— Кел, жоним, буларни қўя турайлик, — деди Саидбек, юзига жиддийлик тусини бериб. — Яхшиси, менга Эна Кўкбўридан гапир, у Чақалок билан ишончли жойга яширинганми?

Энди Бўзтой андак очилиб кулди, дили ҳам, чехраси ҳам ёришди анчайин, энди гаройиб ўлчамлари бўлган кутлуғ дунёсига гарқ: Эна Кўкбўри аллоҳ назари кўриқлайдиган — хавфсиз, осойишта, ораста хилватни манзил тутган, Чақалокни иссиқ-юмшоқ кучоғида, меҳр-мухаббати қўрғонида дахлсиз асраётир, мусаффо сути билан болакай нафсига ором ва қаноат бахш этаётир, фақат анчадан бери ярадор, дайди ўқ теккан елкасига, буни юзига синовчан термилиб турган биродарига айтсинми, йўқми?

Урим-бурим турмуш йўлларида кўп тўқишганига қарамай, бу одам — Эртақ одами, қор-қолдан уни хабардор қилиши керак. Барисини чамалади, лекин етолмади ниятига, гусирлаган пала-партиш қадам товушлари алғов-далғов қилиб юборди хаёлини.

Қискагина жимлик... Ва эшик очилди шарақлаб: бар-васта, қовоғи солиқ икки киши кирди олдинма-кетин, иккови ҳам хотиржам келиб, ёнма-ён тўхтади ўртада. Ғалати бир салобат, ўнғайсизлик, хавотир босди хонани, ажиб тарзда имиллаб, зерикарли, маза-матрасиз кеча бошлади лаҳзалар. Сўнг зарда аралаш чуқур хўрсиниқ эшитилди. Хўрсинган Сайфи эди, энсаси қотиб кетган Саидбек, нафратини қандай изҳор этишни билмай, бир унинг чўққи соқоли, бир қўлидаги тим қора резина таёғига тикилар олайиб. Кимни эргаштириб келди, ярамас?

Аммо танимади ҳамроҳини, буям пўконидан ел ўтмаган бирон гўрсўхта бўлса керак, деб қўйди ичида ва ғазабини аранг босди.

— Уу-ху-уйй, қойил, жигар, қоринчани қашилаб ётипсанми?

Қизик, Сайфи тилини тишлаб турарди феълига зид равишда, анов кимса эса, ошиб бораётган диққатини яшириб, қувноқ киёфада гап қўшди типирчилаб қолган Бўзтойга. Товуши хийла шанғи экан, ҳафсала билан ийлаб, оҳорлаб, оби-тобига келтирганига қарамай, талаффуздан яққол сезилди шу нуқсон. Ана энди Саидбек бир ишқирди, бирдан хушёр тортиб, разм солди унга ер остидан ва қурт ўрмалаган каби жимирлаб кетди бадани. Ахир, бу уйгинанг куйгур Чумоли — Қўлдош

Камон-ку, нега танимапти уни шу пайтгача? Шунақа, ниҳоят кўриниш берди ярамас. Бариси тушунарли: ўзан бошида ўтирволиб, шу бемалол лойқалатмоқда сувни.

— Ҳмм, — деди у бирпасдан кейин, Бўзтойга назарини тешгудек қадаб, — чакки ёмон тушган кўзинг. Тўғриси айт, ростдан ҳам Эна Кўкбўри тукқанми сени?

— Ҳазрати раис, камина борини ипидан-игнасигача ойлик ҳисоботимга тиркаганман, — жимлик чўкканидан фойдаланган Сайфи чулдирай кетди. — Асли бу тирмизак Эна Кўкбўри зурриёти эмас, лекин бешиқда ётганида ҳар кеча тоғдан эниб келиб эмизган. Жоҳил Куйруксой ақлини пешлаган кунларимизда бундан аввал ўзим хабар топган эдим.

— Хўш, — дея ўқрайди Кўлдош Камон, — намунча чўзасан?

— Эсимда, яхшилик тиғи билан сийловдим.

— Энди сени сийлагани тирилиб кепти-да?

— Бир шўртумшукқа кучим етар, ҳали, раис.

— Ҳмм, тезроқ гамингни егин, буниси қўл остингда бўлгани билан униси очикда, эркин. Ҳали сутга тўймаган гўдак-ку, деб хомтама бўлма, вақт тезоқар дарё! Унақалар тез вояга етади. Тўлин Ой калъаси додлаб қолмасин-а!

Сўнг Чумоли, бирдан товушини пасайтириб, хизматга шайлигини хўп-хўплаб астойдил изҳор этаётган Сайфи қулоғига қўйволди оғзини. Ўғринча нигоҳи саросималаниб хомуш ўлтирган, нафратини ичига ютаётган Бўзтойга кадалган. Лекин ҳар замонда Саидбек Умарга ҳам тикилар зимдан. Ҳозир Сайфини бошқатдан авраётир: Энабошини тезроқ тутқун қилишга даъват этаётгани аниқ... Булар бир-бирига нақадар мос тушган, лекин қайсиниси золроқ?

## 2

Саидбек Умар кўз ўнгида юксалиб борар Ёдгор валий — Куйруксойнинг содиқ чароғбони. Энди панжалари ҳам ингичка ва нимжон туюлмас, аксинча, чайир ва бакувват: гўё шундоқ олдида улкан ойнаи жаҳон ўрнатилган-у, ўшанда ими-жим кўриб турар барисини. “Нимага иймон ўгирдинг?” — дея нур сочар ота кўзлари. Бир сирли иқроп уйғонар нотинчланган кўксиди. Ҳамон қоядек адл турган ҳазрат қошида тиз чўқар ногаҳон ва аста ўпар этагини.

— Сен, гумрох, жафокаш ерни ўтдан олиб сувга, сувдан олиб ўтга солаётган каззобларга ҳалиям ишонасанми? — Ёдгор валий соқоли учини қайириб тишлади, сўнг қўйворди тезгина. — Ҳа, нега мум тишлаб олдинг, сукут аломати ризо, шундайми?

— Йўқ, ота, мен улардан тўйдим.

— Доим аравани курук обқочасан.

— Одамни ҳадеб камситманг. Ана кўрасиз, Бўзтой билан бирга мен ҳам қайтаман Қуйруқсойга, — деди Саидбек Умар, миясини ўргимчак тўридай ўраган нохуш фикрларни матонат-ла инкор этиб. — Қуйруқсой ота маконим бўлса, нега ундан ётсирашим керак?

— Тўтиқуш бўп кетдинг-ку, бўтам.

— Тўғри, кўп йил ўғай бўлдим унга, энди, бас, уни ҳам, ўзимни ҳам хўрлаганим етар, энди бу ерда Хотираларим ва Болалигим билан ёнма-ён яшайман.

— Ҳа-а, тузук, лекин ишонч борми ўзингга? — ниҳоят, пича сукут сақлагач, Ёдгор валий бир қадар ўсмоқчилаб, шубҳа аралаш савол бердики, севинмакдами, ранжимакда, қийин кечди англаш. — Ниятинг ишқилиб бутун бўлсин, бўтам. Оғсанг, бир гуноҳингни минг қиласан. Шуни биласанми?

Саидбек Умар чор-ночор чайналди: отанинг қаҳри жўшдимми?

Йўқ, хайриятки, у осуда, босиқ...

— Анчадан бери аллоҳни топмоқ илинжида ғам чекасан, гоҳ мендан, гоҳ Болалигингдан мадад тилайсан. Бизга суян, лекин суяниб қолма, аввал бизни эмас, ўзингни топгил, қолганига кейин эришасан.

Саидбек бўзарди: шайхи комил ҳақми? Кимдир сазо берди ичида: муқаррар ҳақ! Сўнг жимгина қўнишганча бирма-бир чақа бошлади ҳазрат қилган залворли лутф мағзини. Чақаркан, аллабир кўркув босди юрагини, наздида, эҳромсимон чўққи белида қўнволиб, саробда жимираётган адирларни жимгина кузатаётган Айиқтош нохосдан қулади гумбирлаб, сўнг сокин дарани ларзага солиб, йўлида учраган дов-дарахтни қийратганча, шахтла келиб урилди нозик ва толиққан гавдасига...

— Болалигим дейсан... Хотираларингни тикиштирасан... Кошки Қуйруқсой салтанатини тутиб турган робиталар билан ёнма-ён яшашга қурбинг етса!?

Саидбек Умар сукутда... Ночор ахволини Ёдгор валий тобора теранроқ англади, лекин ҳозир меҳмонига



рахму шафқат қилиш фикридан мутлақо йироқ, мавриди кептими, аямаслиги қерак. Мулла Умардек эл таниган, дунё кўрган, етти ўлчаб бир кесган ориятли одам зурриёти: дунёдан қўли очик, кўзи юмук ҳолда ўтиб кетмаслиги лозим. Ҳаргиз у орзу-ҳавас отини қамчилаш билан овора, ичида қўрқув ин қўйган, ҳал қилувчи лаҳзада ўша туйғу илондек бош кўтариб қолса-чи?

— Нима ҳам дердим, хўш, бу мулкни қўриқлаш ва хотиралар ичида делвагай яшаш фақир чекига тушган саодатдир, — курак кўрпачага омонат чўккан Саидбек Умарга ер остидан нигоҳ юборди мезбон. — Бунақаси чамамда сенга ярашмас, қолаверса, сен... кўнгилчан ва савдойисан. Берилсанг қаттиқ бериласан, безсанг тамом безасан.

— Тўғри, ҳазратим, — дея кўзларини яширди профессор, — айбим бўйнимда.

— Юзаки тавба ниқобдир, — анчайин кескин янгради Ёдгор валий товуши. — Нокаслар билан ораочди қилиб, ғалва уясини тарк этмоқчисан, хўш, эрта ўзингни ўзинг тарк этишинга тўғри келса-чи? Унда нима қиласан?

— Фақирни буккан нарса таъкиб!

— Асло, бу эмас чатоғи, билиб қўй, чатоғи, бирламчи, бу дунё омонат эканидан беҳабарсан, иккиламчи, ҳар нимаики кўрингани йўқлик, ҳар нимаики кўринмагани борлик эканини англашга қодир эмассан.

— Унақада... бекорми Қуйруқсойни соғиниб келганим?

— Ҳа, бўтам, Қуйруқсой йўқлик!

— Йўқ нарсани кўмсар эканман-да?

— Сен Қуйруқсойда эмас, ўзингда яша, фақат ўзингда эмас, аллоҳда яша! Бошқа ҳаёт йўқ! Овора бўлма излаб! Шунча адашганинг етар! Дўзах олови урмаяптими бетингга?

— Э, падари бузрук, ўтинаман, шафқат қилинг, кўп эзманг шундоқ ҳам эзилган бағримни, — дея профессор бир парда кўтарди товушини. — Ижозат беринг, тоабад қолай Қуйруқсойда, ахир, бошқа қайга ҳам бош уриб бораман!?

— Қўрқаманки, тоабад мутеликка ён бериб, андишани истиҳола ўлгурнинг қирқямоқ чопонини эгнингдан ечмай, ечгани журъат қилмай ўтиб кетмасанг дунёдан!

Яна, нохос гумбирлаб, баҳйбат Айиктош қулади гўё устига...

Авлиё ота меҳмони кўнглига бир қур назар солди, холос.

— Асли, худо ҳақи, ўғлим, омонат дунё сен чеккан ташишларнинг бир чимдимига ҳам арзимас, — саробда жимирлаётган сайхонлик тарафда сайр қила бошлади ота нигоҳи. — Хўш, унда тирикликка маза-матра киритадиган нарса борми-йўқми ўзи оламда? Бор, бири сен айтаётган хотира, фақат, уқиб олқи, хотиранинг ҳам суврати билан баробар сийрати мавжуддир. Ҳамма вақт бандаси учун сийрат аталмиш моҳият муҳимроқ! Машо-йиҳлар таъкидига кўра, хотира ихлос ва дуодан бўлак ҳеч нарсага муҳтож эмас, хотира учун нафс ҳам, тама ҳам, ҳасад ҳам, мартаба ёки хазина ҳам сариқ чақа!..

Ёдгор валий нишонни аниқ олишга тиришдимиз, завқи тошдимиз ёки шунчаки йўлига сўйлай бошладимиз, дафъатан билиш қийин, ҳартугул нима бўлганда ҳам Саидбек Умар нам тортди ўзига — ер ёрилмадики, ими-жимгина кириб кетса. Ахир, наҳотки қонида мол-парастлик иштиёқи бўлса? Бор эканки, қичаб-қистаб келмиш отасидан қолган, лекин нималиги номаълум мол-дунёни!

— Ўғлим, фақат марҳумлар эмас, мен ҳам сен учун бир хотираи силсиламан, фарқим юрагим тепиб тургани... Бугун иккала оёғим ҳам гўр лабида, шунгача кўп олис, кўп оғир йўлни босиб ўтдим, не-не бекатларда кўниш қилдим, охири тушундимки, ҳаётдаги жамийки яхши-ёмон ўзимда экан, беҳуда овора бўлибман истаганимни бошқа макон, бошқа замондан қидириб!..

Энди, ёспирай, шайх жунунваш қиёфада...

Тавба, кимни имтиҳон қилаётир, ўзиними ёки Саидбекни?

Фаҳмича, у улкан борлиқда улкан нуқта — сокин порлагувчи қутбга айланган, поёни йўқ манзилда кўрар кўнглини, янаям аниқроғи, ҳазрат суврат кўрғонидан сийрат мулкига кўчган, шу ажаб ҳижрат сурурига тамомила чулганган. Алҳол, руҳий ҳижрат гаштини сураётир, ажабмаски, бу ҳолати Олий зот ҳузурига сафар қилиш арафасида адо этаётган муборак ибодати бўлса!

Балки ундай эмасдир, балки бу лаҳзада, ҳазрати киром, айтганлари кўп олис, кўп оғир йўл бандаси учун не маъно касб этишини, бинобарин, бешик билан қабр орасидаги масофа ибратли ёки самарсиз ислоҳлару инқилоблар манбаидан бошқа нарса эмаслигини чамаи

мўлжал қилаётгандир. Кимнидир елкадош, ошифта, дилкашу оқибатли — доно, кимнидир оворай сарсон, ғамбода ва тажанг — савдойи қилиб қўядиган ушбу йўлда нима устувор: эзгуликми ёки жаҳолат, э, қодир эгам?

Бора-бора Ёдгор валий теран сукутга чўмди, энди гўё тили билан эмас, нигоҳи билан сўйлар, муаззам маъно билан тўлғин улкан бир каломни ифода этишга ошиқар. Бу недир, зикри ботинми? Қароқларида ойдинлик жўш урадир: Саидбек, ўғлим, камина дунё уйига қадам қўйган куним, дунё ҳам камина кўнглига мўралади, бундан ҳеч қачон ғофил қолма. Кўҳна гардун жисмимга рух-жон берди, мен ҳам унинг бўм-бўш кўзасини файзу баракотнинг шира-шарбати билан тўлдирдим. Азалу абад дўкони фақирни ақл-идрок, қувваи хозифа билан сийлади, фақир ҳам анинг мискин кулбасини сабру қаноат, ҳалимлик ва иймоннинг бебаҳо гавҳарлари билан зийнатладим. Замону макон фақирни фариштага қиёслади, мен эса замону маконни ўзимга менгзадим. Ниҳоят, ақлу идроким равон ишлай кетиб, фаҳм этдимки, аввал ҳам, охир ҳам ўзимда экан!..

Саидбек кўз узмас отадан: шайх зикри ботин билан машғул!

Ёдгор валий ўзини ҳам, борлиқни ҳам тамомила унутмиш... Недир хавасда руҳи иқлимига кўчмиш, шу жараёнда гўё оламу одамни бошқатдан танишни ихтиёр қилар. Ким билсин, балки аллақачон арши аълога юзлангандир. Ана, лаҳзалар кечгани сари, вужуди кучлироқ нурланар. Кейин вужуди аста-секин ловуллаган хилқатга айланар, серажин пешонасини тириштириб, оҳиста хўрсинар-да, бўйра ва кўрпача тўшалган супага ховуч-ховуч чўғ бўлиб тўкилар.

Мен ўзимда туғилдим, мен ўзимда ўламан.

Улуғ тарх ҳам, улуғ амал ҳам — ўзим...

Тўрт фаслда ўзимда гуллаб, ўзимда мева тугдим ва куврадим.

Яхши ёнида ориқлаб, ёмон ёнида семирдим.

Ақл ичинда донишлик билан ошна тутиндим, ақл ташинда телбалик билан оғиз-бурун ўпишдим; илму ҳикматим кимгадир малол, авомлигим кимгадир эрмак...

Фақир дунёни заррасидан коинотга қадар эринмай ўргандим, қолмади билмаганим, ахийри англабманки, шунча ақлим, шунча фаросатим, шунча кучим билан то хануз ҳеч нарсани билмабман...

Во ажабо, бу лаҳза Ёдгор валийни таниш имконсиз, бу лаҳза шайхи калон ботиний иқлимида ўзига-ўзи арзи ҳол қилишга астойдил киришган, бинобарин, Саидбек Умарни лолу ҳайрон қолдирганча, ботинийда ўзи билан ўзи олишар, поёни йўқ бир олаמידан поёни йўқ иккинчи оламига сайру саёҳат қилар, эҳтимолки, меҳмонини ҳам шунингдек ҳузурбахш ва азобли сафарга ундар...

Ҳануз руҳида инкилоб ловулла, долғали кечар бу инкилоб, бутун кўлами — уқубатлари ва лаззатлари билан қароқлари кўзгусида жилва қиладир...

Бехисоб шукур, ҳа, бўтам, карами кенг аллоҳ буюрмиш: мен ўзимда наҳри муаззам бўлдим, мен ўзимда жилғага айландим; мен ўзимда савашдим: зафар кучдим, енгилдим; мен ўзимда адолат истадим, бандасини бало-қазодан кўксим билан тўсдим, бандаси тухмат билан илма-тешиқ қилди кўксимни; мен ўзимда жоҳга кўтарилдим, бул юксалишим чоҳга кулаш билан ниҳоят топди; мен ўзимда саодат тиладим, орзуим ушалган кунда бадбахтлик тамға бўлиб босилди пешонамга; мен ўзимда тириклик гаштини сурмоқчи бўлдим, овзим ошга етганда бурним қонади, ҳайҳот, англашки, англамаслик экан, ахийри ўзимда ўлдим, фақир бу кунда “мен”лик имконини эъозламак билан машғулман, ушбу тадбир якунига етган лаҳза ўзимда руҳим билан қовушаман ва... ўзимда аллоҳни топаман, ўзимда аллоҳ билан дийдорлашаман, ўзимда аллоҳ билан мангу қоламан, ўзимда аллоҳ сари сафарим интиҳосига қадалар, ўзимда — аллоҳда сафарим ниҳоясиздир...

Саидбек Умар ногоҳ хушёр тортди Ёдгор валий хўрсиниғидан, нима бўлди, кўнгли шайх кўнгли билан битим туздими? Сирли бир сурур туйди, аини пайтда, кўз ўнгида шайхи комил ланғиллаб ёнганига иймон ўғирди, эҳ, ёниш ҳам гапми, лаҳча-лаҳча чўғ бўлиб тўрт ёнига тўкилди-я. Мана бул муқаррам зот куч-қудрати нимада экан? Қизик, фақат ихлосу этикод билан ҳар кимга шундай ҳолни кечириш насиб этармикин?

— Бўтам, узр, — сал фурсатдан кейин Ёдгор валий кўз кирини юборди унга, — ажабланма телбаваш қилмишимга. Иложим қанча, гоҳида шу хил машғулотга эҳтиёж сезаман. Ўрганган кўнгил ўртанса қўймас.

— Таксир, сиз ихтиёр қилган касб-кор камина учун тилсимдан бошқа нарса эмас, — деди Саидбек Умар хижолатини яширмай. — Сиз бир хазинасиз, сизга ҳавас қиламан.

— Хўш, ўғлим, халитдан бери не муддао ташвишини чекасан?

— Таксир, малол бўлмаса айтсангиз, шу кунгача ноқобил муридингиздан қандай сирни пинҳон тутдингиз?

Меҳмон тарафидан шундай саволни Ёдгор валий анчадан буён ботинан кутаётганди чамаси, шу боис, ранг-рўйида бирон ажабланиш аломати ёки бошқа бирон ўзгариш сезилмади айтарли, фақат хиёл маъюс тортиб, Тамғали ғори томонга қаради жимгина. Анчадан кейин, жилдираб оқаётган сой бўйига бориб, таҳорат ушатиб кайтди-да, орқамдан юр дегандек, хайрихоҳ бош ирғади Саидбек Умарга...

### 3

Қаҳри жўшиб ўйлар Саидбек Умар: ё раб, қайсиниси золроқ? Сўнг кулар соддалигидан, ахир, Қўлдош Камон билан Сайфи ҳар бобда бири иккинчисидан асло қолишмас, ораларида бор-йўқ фарқ шуки, униси даст-и узун амалдор, буниси эпчил ва укувли мулозим, лекин бу фарқни унча-мунчада сездиришмас, панада баъзан қизишиб олишса-да, апок-чапоқ бўлиб кетишар тезда, қолаверса, шу кунгача бирон масала устида талашиб-тортишиб қолишгани, бирови-бировига олайиб қараганини ҳеч ким кўрмаган. Бир олманинг икки палласига ўхшаб кетишар, бир майизни тенг бўлиб ейишларини эса асти қўяверинг. Иноқ-аҳил бўлишгани учун ҳам доимо ошиқлари олчи, йўқни ҳам бемалол йўндиришар керагида.

Фақат ўртада кичик бир жумбоқ бор: Эна Кўкбўри воқеасини Қўлдош Камон аввалдан билармиди ёки унга бу хусусда Сайфи сўйлаб берганми?

— Пиропесор, халиям ичингизда гина-гумон дов-ча тугиб ётиптими? — қутилмаганда Саидбек Умарга яқинлашди Тўлин Ой қалъасининг эҳтиёткор сохиби, юмшоқдан-юмшоқ илжайиб. — Отангизни ўлдириппанми, намунча мендан хапасиз?

— Мени тинч қўй, шунда орамиз очик, — деди Саидбек Умар димоғида пўнғиллаб. — Сендан ўлғудай тўйганман, тоқатим йўқ турқингга!

— Сизга оғирлигим тушмаётгандир, — деди Қўлдош Камон ковоғини уйиб, Сайфи билан зимдан кўз уришти-

раркан. — Худо ҳақи ишонинг: қосимийлар ҳўрлашган бўлса сизни, фақир қафтимда кўтаришга тайёрман.

— Инсофга кириб қопсан, чўп синдириш керак бошингда.

— Сизам мундай қайишинг-да одамга, — деди Қўлдош Камон, хиёл чиройи очилиб. — Кўпам оғир юмуш топширганимиз йўқ: ҳозирча манови қайсарни жиловлаб берсангиз кифоя!

— Хе, ўргилдим... сен... Анойи санайсан-да мени шунчалар. Пардалама, дардинг асли бўлак... Аввало Эртақ пайини қирқмоқчисан, негаки, Эна Кўкбўри билан Чақалоқ сен нокасни кушанданг.

— Ёпирай, тушимга кирмаган гап!..

— Локигин, хомтама бўма, унакаси ҳали ҳеч бир шўртумшукка насиб этмаган, — Саидбек Умар соҳиб иззат-нафсига тегиб кетганини сизди, лекин паст келмади. — Эсинг борида этагингни йиғин, бу қилмишинг одамзод шаънига иснод!

— Ақли ошиб-тошган одамнинг телбадан фарқи йўқ!..

Энди Саидбек Умар кишан урди тилига, нафратга ўхшаш нарса куйдирди кўксини, қани иложини топса-да, ҳар нарсага тумшук тикадиган, қўланса нафаслари билан Е хужраси ҳавосини бузворган иккала гўрсўхтани бир зарб билан ер тишлатса. Аттанг, қўли қалта, буни ҳечам адо этолмас. Майли, ҳадеб ғам чекавермасин, буларни, бугун бўлмаса эртага, адолат ҳомийси аллоҳ ўзи етарлича жазолар. Ҳозир олдидаги ташвиш бошқа: Бўзтой билан маслаҳатни бир жойга қўйиши керак. Бас, одам зўрға айланадиган каталак кадрдони жойи эмас, у кенгликларга ўрганган, тезроқ куёш тафтига тўйган, тўрғайлар хониши билан масту масрур даштига, қай бир ўтлоқда эгасиз юрган бияси билан қулуни ёнига жўнаши лозим.

— Бирон нарса англадингми, жоним? — деди ниҳоят Саидбек Умар тажанглик билан. — Булар ашинақа, девор ушлатиб кетишади истаган одамига.

Бўзтой карахт: ҳоли йўқ чурқ этишга.

Ва ўйга толган: булар қанақа шарпалар?

Сўнг бу дунё билан келишиш қийинлигини англаб, зўраки кулганча, ёстикқа оғир ташлар бошини, чийралиб ётганича эрталабга қадар қимир этмас...

Тунни мижжа қоқмай кечирган Саидбек Умар

ғашлиги устига ғашлик кўшилар, тавба, бу қанақа кўргилик, Бўзтойни жиловлаши — аниқ бир йўлга солиб бериши керак, ановилар шунақа кўрсатма беришган, қанчалар нобоп вазифа, сираси, Сароёғлар ўзи саъй-ҳаракати асосида Болалик билан Эртақ ўртасига рахна солмоқчилар.

Бунинг учун Бўзтойни “Сумалак” зардобиди урчитилган замбуруф билан эмласа — бариси тамом: ўғлон, кўнгли кўзига чим босилар-да, жамийки эзгу хотираларидан воз кечар, жумладан, Эна Кўкбўридан ҳам айрилар, о, ана бедодлик!..

Саидбек Умарни кўрқув босди, дунё қолган-қутган охорини ҳам йўқотиб бораётир назарида, кўнглидан кечаётган мулоҳазаларни Бўзтойга ётиғи билан тушунтириш вақти келган шекилли. Нимадан бошласин, Фузайлдан айрилиб қолганиданми, ҳар қанақа кашфиёти бошига битган бало бўлганиданми? Агар ўғлон Чархпалакни кўрса... нафратдан бўғилиблар кетса керак. Кўнгли нозик-да... Их, шошма, эшик гичирладими зорланиб? Кимдир кирди, ҳа-а, таниқли зотлар: Жобир Кирпи, Эсон Оқбўта, Сайфи... Бириси истехзоли кулган, қайсиниси қовоқ солган, энг орқадагиси негадир ғазабнок... Тавба, ким экан булар арпасини хом ўрган? Бўзчининг моксидек қатнашади бу ерга, асли муддаолари нима?

Соябонли қалпоғини қошигача бостирган Жобир Кирпи ўзини хотиржам тутишга тиришаётган Бўзтойга буюрди: имиллама, тезроқ кийин, жиян! Сўнг у шерикларини ҳам шоширди, совуқ терга ботган Саидбек бош нозир овозидаги зардани туйиб, ғалати жунжикди: яна бир мусибат ёвуқ шекилли.

Кимдир пишиллаб ҳаво смирди ёнгинасида, мундоф қараса, аллақачон соясига айланган, ҳатто гоҳо тушида ҳам кўриниш берадиган Сайфи ошнаси бўзарганча ўқ қилиб турибди нигоҳини: Сиз ҳам борасиз, биродар! Бунинг хитоби Жобир Кирпиникидан ҳам ўқтамрок... Иззат-нафси симиллаб, оёқ тирагиси келди, бироқ бундан нима фойда? Бошига ортикча ғалва орттиради, холос.

— Машқингиз анақа... пастроқми, пирапесор? — илмоқли савол берди Сайфи, олдинма-кейин ташқарига чиқишгач. — Сал очинг-ай қовоқ сабилни, ҳа-ҳа, бир илтифот кўрсатинг, худо ҳақи, бугун омадингиз чопган кун!..

Қани хозир Саидбек Умар қулоғига гап кирса?  
Шошма, омад дедими, тавба, қанақа омад?

Хатто бурга думини кўра оладиган Сайфи яна қанақа фирромликни дилига тугдийкин, асл муддаосини ўлиб-тирилиб пардалаётир, зимдан авзойи бузук: ўзини-ку нима қилса ҳам майли, ишқилиб, Бўзтойга тегмасин, бир бало қилиб қўймасин қора кўзлигини.

Не бир лаҳзада худодан мадад тилаб одимлаётган Саидбек Умар муттасил қайнаб, гупириб тошаётган тизгинсиз гирдобга дуч келди, тийиксиз ёввойи тўлқин чаппор урганча, ўрай-ўрай, делвагай алфозда, зув ола кетди уни қайгадир, бетартиб гавдалар исканжасидан ўзи бир амаллаб қутулар, лекин навнихол Бўзтой холи не кечар?

Хайбатли Тўлин Ой қалъаси яқин... Ажабо, улкан, кунгурадор, сербўёқ қалъа гўё муаллақ турар еру осмон оралиғида: гоҳо дам солинган ёки дами қайтариб сўриб олинган шар каби шишиб-кичраяр, шунга кўра, бош гумбаз ҳам, майда-чуйда қуббалар ҳам бир хайбат солиб семирса, бир заъфарон тортиб ориқлар.

Яна, тепани нуқра-мис қозонга ўхшаш юмалок сайёралар тутган бижиллаб, сокин бўшлиқда тиккасига юксалган ингичка-йўғон устунларни ола-була арқонни эслатадиган сонсиз чизиқлар ўргимчак тўридай чирмаган. Тинимсиз қилпиллаб ҳаракат қиладиган қўними йўқ думли ёритқичлар баъзан устунлар теварағида парвоз қила-қила қарсиллаб тўкнашар, йириклари ушоқларини гард каби чиппа тортиб олар ўзларига, айримлари ёндош тушган олмос тусли қояларга урилиб парчаланар ёки тўкнашув пайти қоялар ўзи бўлақларга бўлиниб, сочилиб кетар чор тарафга, оқибатда, тез-тез яшин чакнаб, осмон қоқ ёрилгудек бўлиб, янаям ёришиб кетар фалак буржлари, қалъа кўнгуралари ва гумбазлари.

Шунақа ҳолатки, кўриниб турган само ўлчамлари кўринмас самонинг исмсиз ўлчамлари сари шитоб ила чекиниб-суринган, ерда, ушбу майдонда нимадир ғалаён қилар: бир издиҳом устига иккинчи издиҳом бостириб келар.

Хадикли ва умидвор нигоҳларга тикилар-да, мен бир хасман, деган ўйга борар Саидбек, сўнг ғалати орзиқиб кетар, наҳотки Бўзтой йўқолиб қолмиш халойиқ ичида?

Саидбек Умар аранг илгарилади, суяклари қисирлаб кетди зич тиқинда. Гўё ер ёрилган-да, париллаб одам



чикқан, булар уйгиналарида ётишса маъкул эмасми маза қилиб, биров маймун ўйнатаётгани йўқки, қуруқ қолишса. Бай-бай, бу нима азоб-а? Бу ишга Бўзтой ҳам ҳайрондир, ишқилиб у соғ-омон бўлсин, энди топдим деганда... О, қани, бир мўйига тегинишсин-чи, ётволиб тебалашар, ахир, шу ёкмадими дилида анчадан бери ўчиб ётган умид чироғини?

Шукур, у қора берди, ана, беўхшов сахнани эсла-тадиган супа гирдида, бинобарин, тинмай бидирлаётган Қўлдош Камон оғзига термилган Жобир Кирпи, Эсон Оқбўта, Сайфи ва яна бир қанча таниш-нотаниш казоказолар қуршовида паришонҳол турар.

Бўзтой ёнида бўлиши зарур эканини ногоҳ англаган Саидбек Умар гранит зинага илдам қадам босувдики, ногоҳ яна теварак-атроф чарақлаб, фалак арзандаси саналмиш бесабр кампир қирқямоқ пўстагини қокишга киришди: ёмғир ура кетди шитирлатиб. Ёмғир гоҳ шивалади, гоҳ шаррос қуйди, ана-мана зангор селда чўмилиб, тиникиб олди борлиқ, теран бир сукунат чўккан пайтда қоматлари чўяндан қуйилгандек тикқачоқ-чайир йигитлар ёпирилди майдонга, сўнг сағриси таранг қорабайир қўшилган, хозиргина ёғиб ўтган ёмғирда жикқа ивиган арава кўринди қибла тарафда.

Жунли тери қопланган одмиёна эгарда оёқларини айри қилиб ўтирган, анчайин жиззакилиги сезилиб турган, пахмоқ соқолли чувак киши ўзида йўқ шод — оғзи қулоғида, гоҳо қийкирганча савалаб қолар кўпикка ботган бедовни. Нақд ўқ илондек вишиллар ҳавода лаънати ўрма қамчиси. Аммо от жонивор, ҳаддан ортиқ чарчаганми, қайсарлиги тутганми, бошқа сабабданми, сира шошилмас — бир маромда унмайдиган майда қадам ташлар, хуллас, эгасига бўйсунитгани истамаётгани англашилар.

Тушунуксиз бир шубҳа камради Саидбек кўнглини, қай бир ерига гўё игна санчилган, орзиқиш аралаш оғриқ туйганча, қибладан нигоҳ узмас, имиллаб келаётган аравага, арава устига кўндирилган, турган-турмиши сир-синоатдан қуйилгандек туюладиган қафасга жимгина термилиб қолар. Қафас бирам баланд ва энлики, бемалол баҳайбат фил сиғиши мумкин, лекин ичида филмас, бошқа жонивор мудраб келар.

Кимдир ингичка оҳ чекди, қараса — Бўзтой, кадр-дони, чарх урганча арава томон талпинаётир. Тубсиз

қарокларида чайқалаётган ифодалар ўртаб юборди Саидбек юрагини. Беихтиёр илгари босаркан, чигил тушди ичига, Бўзтой бекорга фиғон чекмаётир, қафасда руҳи синикиб ўтирган махлуқ нахотки Эна Қўқбўри бўлса? Ким уни маҳкум этди, Сайфими? Энди Чақалоқ аҳволи не кечар, Саидбек ҳоли-чи? Хўш, нима қилсин, Эртақни тутқун қилишдан тап тортмаган олғирларни шунчаки қарғаш билан кифоялансинми ёки бошқа жиддийроқ иш келарми қўлидан? Энди ожизлиги билинар, тасодиф эса ишини қилган, Энабошига осон бўлмас, энди у тақдир ҳозирлаб қўйган кулфат билан юзлашар, ана, ҳали майдон ўртасида тизилган йигитлар ичидан тўрт нафари ажралиб чиқди басма-басига ирғишлаб.

— Имилламанг, энағарлар!..

Ростики, тўртовлон нақд қуюн, аммо учиб-қўнишлари ёқмаган Сайфига; шу боис у дўқ урди, сўкинди. Сўнг улар шунақа ҳаволаниб кетишдики, гўё яшинга айланишди биратўласи. Айниқса, анов соч ўстирган норғули ўт-олов экан: бетамиз ҳаммадан аввал чиқволди аравага, энгил бир уриниш билан ерга ағдарди қафасни.

Саидбек адашмаса, норғул елкасидан ғалати осилиб тушган бесўнақай қўллари недир йўриқларга оғишмай бўйсунаетир, шиддат билан ишлаётган мияси-шуури ҳам куч ва буйруқ олар ўша йўриқлардан. Зумда қулфни ҳам, занглаган эшикни ҳам бузиб ташлади, кўзлари яшилтоб ёнмакда, иссиқ ҳовур кўтарилаётир баданидан, зарилми шунча ғазаб, ёпирай, камарида осиглиқ нарса нима, дандон сопли ханжарми?

— Ҳей, биродарлар, нодон ғанимимиз мағлуб!..

— Мағ-лу-у-у-убб!..

— Ма-а-ағ-лу-у-у-уббб!..

Илғорлик яхши-да: терисига сизмай қувонаётган Сайфи чинқирди ҳаммадан аввал, юксаклардан Сайфи товушига қайтган акс-садо баробарида бошқалар ҳайқириғи ҳам янгради гумбирлаб. Охирида, Бўзтойни елкасидан силкилаганча, Қўлдош Камон бақирди, қатордан куруқ қолишни гуноҳ билган одам қиёфасига кириб. Тавба, булар нимага бунча айюҳаннос солишадир? Анковлик қилма, Саидбек, Энабоши ўлими булар учун энг катта байрам!..

Кутилмаганда шу дамгача тек турган оломон гуриллаб қўзғалди. Худо ҳақи, оломон нима қилаётганини билмас, аммо кимнингдир қутқусига учиб олға ташланар: гўё жамийки йўқотишлари ва кўргиликлари учун

Энабоши айбдор, кулай пайт кептими, бас, ундан қасд олиш керак, қасд!..

— Сизам куруқ қоманг, пиропе-есо-оор!

— Баччағар, — деди Саидбек Умар жони бўзига тикилиб, — мен бегуноҳ жониворни эмас, сени тепкилайман, сени!

— Чакки, кўп чакки, — деди Қўлдош Камон энсаси қотиб. — Отдан тушсангиз ҳам эгардан тушишни ис-тамайсиз, нимага?

— Сен терган тошни санаб ўтирадиган ёшда эмасман.

— Аҳ-ҳа, тузук, тузук... Биззикидан безорсиз, аммо анув жодугар... Кимийди? Ҳа, Ёдгор валийникини санай-сиз! — Эна Кўкбўри атрофида халқа солиб айланаётган гумашталарга кўз қирини ташлаб кулимсиради Қўлдош Камон. — Асли ўша шумшук чол бузган миянгиз мурва-тини, энди эса... йўқ нарсани жар солмоқчисиз оламга.

— Ўзимни таниётган бўлсам нимаси ёмон?

— Мен сизга айтсам, одамзод ўзини танигани са-йин сўқирлик гирдобига чуқурроқ ботиб бораверар. Сиз ўзимни топдим деганийиз ҳамоно бошқа парда қоплар кўнглингиз кўзини.

— Пешонада борини кўраман.

— Шошманг, шу... Ёдгор валий билан намунча ош-қатиксиз? Жонийиз шуни қўлидами? — Қўлдош Камон майдон тарафга қўл силкиди, айни пайтда, Жобир Кирпи ва Сайфи билан кўз уриштирди. — Менимча, сиз ўша мияси суюлган чол руҳий қувватининг таъсир доирасига тушиб қолгансиз.

— Билмаган одамингни ёмонотлик қилмоқчимисан?

— Бу жуда кам учрайдиган ҳодиса, — дея давом этди Қўлдош Камон мулоҳазакорлик билан. — Шунга кўра, сиз хоҳлаган оламингиз, хоҳлаган замонингизда, ҳатто хоҳлаган ўлчамингизда бемалол яшай оласиз, шундайми?

— Ҳали мени жодугарга чиқазиб қўймасанг.

— Борини айтаёппан, жирилланг, — энди Қўлдош Камон Бўзтойга тикилиб ўйга толди. — Умуман сизда имкон катта, фақат буни баҳолашни билмайсиз. Айрим қилиқларингиз эса... бизга тегишли қутбга тамомила тескари!

— Билмайман ҳеч қанақа қутбни!

— Ҳо-о, сизнингча, бунақа юриш-туришингиз бизга ёқарканми?

— Ёкмаса нима қилай?  
— Сиз кўнглингиз тусаганини қилинг, биз эса қўл ковуштириб турайлик, шунақами?

— Билмадим, — деб елка учирди яна Саидбек.

— Йўк, азизим, бундан кейин билиб босасиз ҳар бир қадамни.

— Қолипга сомоқчимисан?

— Қолип ҳам керакли, шу нарса бўлмаса беқарор одамзод юрар йўлини йўқотиб, қуюшқондан чиқиб кетар, — аста йўғон панжаларини қисирлатди Қўлдош Камон. — Сизу биз сув келмасдан қулоқни боғлашимиз лозим. Ҳа-да, қанийди ҳамма бир-бирига ўхшаса: бир хил гапириб, бир хил фикрласа, бир пайтда ётиб, бир пайтда турса, бир хил нарса еб-ичса, бир хил кийинса, ягона кўчадан юрса!..

— Сенингча келармикан шундай кун?

— Биз истасак келади-да, — ошқора ғурур билан товушини бир поғона кўтарди Қўлдош Камон. — Ҳозирдан шунга қараб оғиш қилаёппиз, сезмаёпсизми?

— Эсингни еб қўйибсан, баччағар.

— Хўш, асосий шартимиз шу: биз билан доим бирга бўласиз, ўлсак — ўликсиз, тирилсак — тирик. Ановинақа... қўмсаш... Нимайди? Ҳа, руҳ, кўнги... кечмиш... Яна нима? Па-арр-во-озз! Топган товушқонингиздан ўргилдим, тезроқ чиқазиб ташанг барини миянгиздан, йўғасам жинни-пинни бўп қоласиз.

— Ўзига тупна кесмаган бировга угра кесаркан.

— Бугундан бизим ўлчамга кўчасиз, акс ҳолда, ҳу ана, Эна Кўкбўридай шўрингизга шўрва тўкилар.

Шартимиз... Ўлчам... Шўрва... Сеҳру жоду билан ийлангандек туюлган бу сўзларни бирин-сирин такрорлади ичида, ана шунда улар сезгиларида уйғонган аламингиз армон билан йўғрилиб лов куйдиргандай бўлди бўғзини. Бариси шунчаки яроқсиз пўписа, бариси ғирт ёлғон! Ҳамиша манфаат хизматида турадиган бунақа йўриқларга икки дунёда ҳам ишонмаслиги керак. Шундоқ ҳам кўп марта қашқа бўлган пешонаси, бас, энди кўзига қарайди, етти ўлчаб бир кесади. Фақат Кўкбўрилар ҳомийси — Энабоши ўз ўлчамидан адашгани нахотки рост? Бунга сира ишонгиси келмас, лекин, ана, майдонга ёпирилиб келувчилар кети узилмаётир, улар мақсади аниқ, Саидбек Умар эса — томошабин...

Эсида, Қуйруқсой гуриллаб ёнган, Қуйруқсойни ёқиб

кул қилган ўтга гўдаклар ташланган кунда ҳам кўрган-кечирганини жимгина ичига ютган, паққос ёрилишига бир баҳя қолганда ҳам чидаган, иродасини синдирмаган, оқибат, бариси вужудига сим-сим ўрнашган. Биратўла ўшанда тақдирига ҳам ўт кетмаган экан-да, мана, энди оёғи остидан бошқа фалокатлар чиқаётир, кўз ўнгида жон бераётир ишонгани ва суянгани Энабоши. Мана бу ноласи қанчалар зорли, сўнг ноласи фарёдга, фарёди ўкирикка айланди. Бу Улуғ оғриқ ифодаси эмасми?

Саидбек қават-қават зимистон қаърига кум зарраси янглиғ чўкиб борар — жисми эзилган, руҳи эврилишда, тафаккури сўниқ, дили тўла армон. Бунақаси тушга ҳам кирмас, ажабо, нега қуламаётир зангори осмон? Кимдир секин туртди, қаранг, деди шодумон товушда. Тағин Кўлдош Камон тегяпти жиғига; хўш, у нимага даъват этаётир? Бирдан хушёр тортди. Ҳали қоп-қоронғи бўлиб турган олам, ёпирай, энди алвон либос киймиш ғалати тарзда. Йўқ, олам кизара-қизара чўғга айланиб, гул япроқлари каби лағча-лағча сочилмиш ўз сарҳадлари бўйлаб. Дафъатан тушунолмади ғаройиб ва миқёси кенг ўзгариш боисини, бор кучи билан диққат қилгач, кўрдик, Энабоши сийнасида — ҳали норғул белини безаб турган дандон сопли ханжар!..

Нима қилсин Саидбек, эплаганики, аста кўксини ушлаб, ночор бир аҳволда ингранди, холос. Оҳ, мушфиқ онажон, одамзодни яхшилик сари ундаган заковатли ва танти зот, ожизликдан нари ўтолмаган ношуд фарзандингни кечир, сен тўккан қонга энди у ҳам ғарқ бўлмай!..

Қайсидир лаҳзада Эна Кўкбўри охириги марта чўзиб увлади, йўқ, охириги марта зорланиб нолиш қилди, ана шунда дов кўкрагидан ногаҳон сачраган шарора тел-баваш оломон қийқирикларига қўшилганча забт этди юксакларни, қалъа бош гумбази учудаги ялов билан бўйлаша-бўйлаша ёндош чизикларга илашди шитоб, кейин яна севалай бошлаган ёмғирга қоришди ва ёмғир бўлиб ёғилди кўнишган дарахтлар, топталган майсалар, сокин хиёбонлар, тало-тўп кўпган супа-майдонга, хуллас, замин ила фалакнинг барча узоқ-ёвуқ буржларию бўшлиқларига...

Дунё дунё бўлгандан бери лолаваш ёмғирни ҳеч ким кўрмаган, бу мўъжиза ҳатто бирон-бир кимса тушига ҳам кирмаган, ушбу паллада эса ушбу нарсани етти яшардан етмиш яшаргача ҳамма кўрди шундоқ ўнгида.

Кимдир ажабсинди, кимдир бепарволигича қолди, лекин шитирлатиб ураётган йирик-йирик томчиларга жамийки тирик жон жавради, фалак ва заминга қўшилиб.

Ғолиб келганига тамом ишонган норғул чопачопа уч марта айланди ҳўл ерни осуда қучиб ётган Энабоши атрофини, сўнг шошилинич келиб, ҳансираганча тиз чўқди супа этагида. Бошқалардек у ҳам бутунлай ивиган: ўсиб кетган соч-соқоли, бети аралаш бўйни ва елкаларини алвон томчилар ювар дувиллаб. Қалин қобоклари тагидан шубҳа ва нафрат билан боқаётган қийиқ кўзлари намунча саёз? Илгарига дадил чўзилган ва жуфтланган кафтларида бугланиб турган юмалок нарса нима, наҳотки Чақалокни даҳшатли олов қаъридан эсон-омон олиб чиққан Энабоши юраги!?

## САККИЗИНЧИ БОБ

### 1

Дастлаб Ёдгор валий ҳаяжон оғушида ўтирган Саидбек Умар ўтинчига қулоқ осмади, кейинроқ вимирлаб қолди, неларнидир мулоҳаза қилгач, таҳоратини янгилаб келди, сўнг орқамдан юр дегандек, аста бош ирғади.

Ёдгор валий Тамғали ғорини мўлжаллаб юрди, шунинг учунми, бошқа сабабданми, Саидбек иккиланиб эргашди отага. Ногоҳ хотиралари жунбушга келди: бу мавҳумот олами билан дийдорлашиш сўнгсиз азоб-ку. Ростини, жаҳаннам сафарига ҳам тайёр, аммо Тамғали турқини елкаси чуқури кўрсин. Росаям ундан зада, ундан неча бор юрак олдирган, ҳатто тепа сочи тикка бўлиб кетар ўша маза-бемаза ҳодисаларни хотирласа.

Эсида, машъум кунлар арафасида, Бўзтой ва бошқа бўйинсалари билан муттасил қатнардн бу тарафга: гоҳ ўйнагани, гоҳ сойда чўмилгани, гоҳ кўзиқорин ё ўтин тергани, гоҳ пода бокқани. Тамғали ғори ғалати мунғайиб қаршиларди уларни ҳар гал, шунинг учун ҳам сирли туюлган ҳамиша, ичкарига қадам босгани анчагача ҳеч бири ботинмаган.

Илгаритдан ундоқ-бундоқ, мол ёки одам ютадиган қилиғи бор қабилидаги алмойи-алжойи овозалар юрарди эл орасида. Ғийбат кўпираверса, одатда, қизиқиш ҳам ортаверади, ахийри, пичоқ бориб Саидбек билан

Бўзтой суягига қадалган, икковлон, ҳам ботирликлари тутиб, ҳам мақтангилари келиб, уни ишғол этиш учун астойдил бел боғлаган. Ана шу мақсадда, маълум тайёргарликдан сўнг, болаларга хос ғурур ва соддалик билан шиддатли ҳужумлар уюштиришган. Қонга қон, жонга жон! Афсуски, ҳар гал кўпдан-кўп йўқотишлар беришган, абжағлари чиқиб, шаштлари синиб, шармандаи шармисор ҳолда чекинишган. Қайсар ғор истамаган йўл беришни. Лозим кўргани: мағлубият алами, пешоналарини беагаган кўм-кўк ғурра, дилларида янаям чуқурроқ ўрнашган армон!..

Ёдгор валий эса азиз меҳмони ичида чигил ўраб ётган дарди қаттолни қаёқдан билсин, ғор оғзида чордона қуриб, бемалол қуръон тиловат қилгач, тап тортмай, иккиланмай қадам босди қум-шағал тўшалиб ётган бўсағага. Юраги гумириб кетган Саидбек энди не чора қўлласин, орқа-олдига қарамай ура қочсинми, ёки, э, падари бузрук, фақир бу савил афт-ангорини кўришга тоқатим йўқ, вақтида таъзимимни еганман, яна жаҳаннам азобини тортишдан мени халос айланг, деб ёлборсинми?

Аммо вақт ўтган, на жуфтақ ростлашга имкони бор, на ҳалигиндай ўтинишга ҳоли. Бўйинини ҳам қилиб, жиққа терга ботиб, йўл тортаверди ота изидан. Зум ичида кўнглидан нелар кечганини фақат ўзи билар, ярамас ғор сир-синаоти билан юзлашгандан кўра қоронғи ғўрга қириб ётмоққа минг марта рози.

Ҳаргиз жонивор ҳассага йўламаган Ёдгор валий қирчиллама йигитдек ошиқиб йўрғалар, таърифга сизмас бир иштиёқ ва ғайрат бор босган ҳар қадамида. Баъзан ортига ўгирилиб, хомуш келаётган Саидбекка кўз қирини ташлар, бўш келма, қўрқмасдан юравер, дегандай юмшоққина жилмаяр.

Аммо Саидбек ҳамон шубҳада, ана-мана пешонасини бирон қоя гирдига тарс уриб олиши, қатлама тошлар қалана-қалана ҳосил қилган девор ҳар ёндан ими-жим қисиб келишидан чўчир. Ҳадемай тор бўшлиқ тандир каби хил бера бошласа керак. Ахир, бунга илгари бир неча марта гувоҳ ўтган, лекин отани қоралаб илгарилар экан, пастқам шифт кўтарилиб, харсанглар сарёвдек эриб битаётгани, хўмрайиб турган деворлар эса турли қиёфа олганча ортга чекинаётганини ҳис қилар, кўзларига ишонмас, яна пича юргач, атроф чақмоқ чақнагандек ёришиб кетар дафъатан.

Энди у тубсиз осмон, баланд тоғлар, яшил воҳа, шарқираб оқаетган дарё рўпарасида турар руҳланиб. Не ҳодиса рўй берди, нима, кўнгли иқлимга етиб келдими? Қушдек енгил тортар ажиб ўйдан, жадал бо-раётган отани бир зум унутар, яна қизиксиниш билан разм солар теваракка.

Сирли тарзда жимираб, тарам-тарам кўпчиб, сокин тебраниб ётган воҳанинг поёни йўк, адоғини илғаш қи-йин: сукунат ҳайқириб тургандек... Кўкдан эниб келган мовийлик заминга хос яшил бўёқлар билан бир нозик қовушган, яна қаёқдандир ларзон-ларзон оқ-пушти нур ҳам ёғилар майин шовуллаб, икки бетини ўт-ўлан қоплаган сонсиз сўқмоқлар виқор тўкиб турган тоғлар этаги томон ўрмалаб кетган, япроқлари сокин шитир-лаётган дарахтлар шохида фаол мажлис қурган қушлар нағмаи ноласи чунон авжига минган...

Ажабо, қай ерга келди, анов зумрад адиру қирлар чехрасидаги жозиб жилваланиш, олмосий шабнамга чўмилган майсалар шивир-шивири, турнакўз булоқлар мавжланишида барқарор зилоллик дилида уйғона бош-лаган ўтли майлларга намунча яқин?

Мангу улуғворлик нишонаси саналган туйғун ва бе-такрор манзара қошида Саидбек лолу ҳайрон... Илгари эриша олмаганига энди эришгани, илгари кўрмагани ва тушига ҳам кирмагани энди рўпарасида жамол очиб, жилваланиб, мана мен деб тургани кўнглига ойдинлик ато қилган. Улғайиш чегарасида тургандек бир нашъа туйди, сўнг Ёдгор валийни назардан қочирмаслик учун шошилди. Кўндаланг тушган, борлиғи карч-карч кесилган тепа кўринди олисда. Нечундир унга бир орзиқиш билан тикилди, э, у тепамас, учи кўк барига бориб санчилган, бир қаноти мағрибга, иккинчиси машриққа чўзилган чўққи эканки, ҳайбати ва залварига чидаш маҳол...

Сўнг берирокда, кенггина яхлит майдонда, бири-бирини суяганча гуж бўлиб ўсган чинорлар тортар туйқус Саидбек эътиборини. Булар чиндан паҳлавон келбатли: қулоч етмас таналари йўнилган каби сип-силлиқ, шохларини беҳисоб похол инлар тутган, тирик-лик гаштини сураётган турли тоифага мансуб парранда-лар вижир-вижири... Майдонга элтувчи тош зиналар... Юзаси сокин жимираётган сарҳовуз... Тўрт тарафида тўрт шинам шийпон... Ва мағриб сарида бағоят қулай тушган, атроф-жавонибга кўрк ва салобат ато қилган



қаср тахлит фиштин уй, тахсинки, қачон қурилган, минг йил бурунми ё кеча?

Саидбек Умар ҳангу манг: иморат бир товланарки, гўё кафтда қўниб турган нақш олма... Эҳтимол, ерга чуқур томир отган ажаб хилқатдир, ҳа, замин билан қариндош, қутлуғ тупроқдан кеча-кундуз тинимсиз куч олар, олар-да, буни қадди-камол, ранг-равиши, борингки, бутун қиёфасига заргарона сайқал беришдек нозик ва эзгу юмушга сарфлар.

Ана, мрамар ва гранитдан қўйилган пойдевори нақадар мустаҳкам, деворий фишлари ёқут парчаларидек малоҳатли, айвони устунлари ҳамда шифтига ганчдан коса, кафткоса, ислимий русумида уйғун нақшлар чекилган, пештоқи, шунингдек, ён ва орқа гардишлари турфа рангли кошинлар билан қопланган...

Фақат ҳайрат эмас, ажаб сурур ҳам порлар Саидбек Умар нигоҳида, шунчалар тўлганки, на ўзига сиғар, на кучовини кенг очиб яшнаб турган оламга. Ва, назарида, бу олам ости-усти — жамийки буржлари илоҳий шафоат, илоҳий уйғониш саодатидан яралган, зеро ўз адолати билан устувор...

Саидбек Умар фахр билан шивирлади: қойил устасига! Сўнг ҳали булоқдан сув ичаётганда, панжалари орасидан тўкилган шаффоф томчилар каби тўкилиб, муаззам уй айвони сари йўрғалай кетди секин. Ичида бир хил ҳаприқиш. Оҳанрабо янглиғ тортар недир куч, ниҳоят отилиғиб борди-да, зигирёғ суртилгандай қизғимтир товланаётган бағдодий эшикка аста теккизди пешонасини. Ёпирай, нега бу қадар эриди, нега?..

— Танидингми? — деди Ёдгор валий елкасидан оҳиста қучиб.

Энди Саидбек бошқача бир ҳаяжонга тутқун: дилида ҳаёт-мамотига дахлдор илиқ ва ёруғ изтироблар қўзғалар, шуурида хотиралари бўлак-бўлак ҳолда бош қўтарар, ушбу бино бор кўрки, бор залвори билан тасаввурига ўрнашар, лекин ҳисларини тилига қўчиролмай қийналар, анчагача падари бузрук саволига жавоб қилолмас.

— Ҳа, — дер ахийри тетиклашиб, терлаб-пишиб.

— Фақат ўзингни босгил...

— Худо ҳақи эсимда... Буни раҳматли отам машҳур наққош Аъзамхонга қурдирган эдилар, — Саидбек номаълум нуқтага қадади нигоҳини, сўнг Ёдгор валийга

илкис ўгирилди. — Фақат, устоз, бунга Сайфи одамлари ўт қўйгани ёлғонмиди?

— Ёлғон экан-да. Қани, юра қол...

О, Ёдгор валийдаги бу қадар босиқлик, талаффузида ифода топган бу қадар ғурур ва ишонч сири нимада? Шайх кўзлари тубсиз уммон, ана шу уммонда суза-ётир гўё чархи дун... Шаксиз, бу ҳолатни аллақачон тарозига қўйган, шунинг учун ҳам ҳозир тагин танидан руҳига хижрат қилгандек бир ҳолатда, буни каловланиб турган Саидбек нозик сезимлари билан сезар, сезар-да, чолнинг теран маънолар нурланган чехрасига суқланиб тикилар.

Кечмиш ва келаси кутблари бирлашган шекилли Ёдгор валий кўнглида, ана, у хаёлга ғарқ, сўнг товушсиз дуо ўқиб, нақшинкор эшик дастасига аста узанар. Ҳаракатида енгил рағбат: бир лаҳза муаллақ қолар қўли ҳавода, эшик, кимдир ичкаридан итаргандек, ногоҳ йўл берар.

Эшик очилаётганда таралган ингичка майин товуш сингиб қолар Саидбек қулоғига, яна беихтиёр ёқа ушлар. Руҳи-равишида тушунуксиз орзиқиш: мен бу дунёда адашдимми ёки бу дунё менда адашдимми? Энди мийиғида кулар, ким билсин, шунчаки кўнгил кўчасида тентираб юргандир. Бунинг ҳам ўзига яраша ҳикмати бор, ана, тасаввури ёришди, лаб-лунжи шинган, товони қонаган, пешонаси ғурра бола назари билан қаради рўпарасига: даҳлиз яхшигина безатиғли, бир эшик ўннга, бошқаси чапга чорлаб турар, тахмонларда тахлаб қўйилган шоҳи-атлас, кўрпа-кўрпачалар гўё кимнингдир йўлига интиқ, ҳозиргина тузалгандек таассурот уйғотадиган тўкин дастурхон, бурчакдаги нафис китоб жавони тақдирга шукрона ўқиётгандек туюлар.

Буларда ўзимни кўряпман! Шу ўйга бориб, тагин кўтарилди руҳи, қизиғи, энди Ёдгор валий эмас, Саидбек илдамлаб борар олдинда: қора терга ботган, қуруқшаган бўғзида — ҳаяжон, шундай ҳолдаки, гўё ҳозир ё отасига йўлиқар, ё онасига. Кайфиятини жиловлай олмасдан қолди шекилли. Мана бу муҳташам бўлмада товрайхон ҳиди билан омухта қалампирмунчок иси анқирди гупиллаб. Таажжубга молик: наmunча тароватли? Енгилгина хўрсиниб қўйди, сўнг раҳматли волидаси шунақа ёқимли ифорга кўмилиб юришини эслаб, паришонҳол туриб қолди ўртада.

— Ана, отангдан қолган ёдгорлик!

Ганчкорий нақшлар билан зийнатланган бўлма аввалгиларига қараганда янада улуғвор, янаям шинам ва кўркам. Ҳар жиҳатдан уйғун тушган жозиба асирига айланган Саидбек Умар, ўзини унутар ҳолда эмасми, Ёдгор валий хитоби янграгач, бир ҳовриқди ва ғалати шигиллаб кетди юраги. Ажабо, отаси мероси нимаикан: жавохиротми, бирон қимматбаҳо буюмми ёки ёзма ёдгорлик? Ҳайрат аралаш шайхга қаради, шайх очикроқ сўйлашдан ҳамон тийилаётир, их, киириклари намланганми?

— Бўтам, қани бўл, тавоф қилайлик.

Бир сирли ўқтамлик, ишонч ва залвор жамланмиш Ёдгор валий товушида, мулойим тикилишида сокин бир рағбат, дадилликка ундовчи гурур зухурланган, рост, у яна улуғ ҳижрат завқини сураётир, жисмидан руҳига кўчган-да, Саидбекни боқий олам билан юзлаштириш ташвишини чекаётир...

— Кел, бўтам, тиз чўк, кош-кўзингга сурт!..

Негадир энди Ёдгор валий даъвати хиёл эзгин... Саидбек эса сергакланди, мундоғ қараса, падари бузрук хона тўрида, бурчларига ганчкорий нақшлар зарбланган деворга қоқилган лоланусха гилам қаршисида тиззалаган, боши хам, елкалари аста-аста силкинар, юмуқ кўзларидан милт-милт сизиб чиқаётган ёш серажин ёноқларини ювадир. Тавба, нимага юкунаётир? Ахир, ёлғиз аллоҳдан бошқасига сажда қилишни гуноҳи азим санайди-ку!

Ана, Ёдгор валий жуссаси сокин нурланаётир, йўк, бутун борлиги аввалгидек лағча-лағча чўгга айланган, шу ҳолича, хиёл суриниб, ютина-ютина, гиламга тўғналган, шаклу шамойилида илоҳий сеҳр ва туйғунлик акс этган, гирд-айланаси попукли, заррин шокилалар билан ўралган матоҳ... байроққа бети ва кафтларини авайлабгина босган...

Бутун кучи, бутун хошиш-иродаси, бутун аҳду қарорини қароқларига йиғди Саидбек, сим-сим эриб, интиқланиб, паришон тикилиб қолди рўпарасига. Темирчи босқонидек гупиллаб урарди юраги... Бир парча латта! Қачондир Сайфи гуппи оғзидан чиққан шу хитоб бир оғрик, бир армон бўлиб жаранглар кўксиди, сезимлари ва шуурида; сўнг падари бузрук ёнида ҳол-беҳол чўкиб, отасининг қутлуғ назари тушган, отаси небир

умидлар билан кетида қолдирган ёдгорлик пойида тутдек тўкила бошлар.

Имони комил: бунн вақти-соатида мулла Умар бобоси кўлидан олган, бобоси — бобокалонидан... Улуғ шажара мулки... Суронли довлонлар оша, авлоддан-авлодга ўтиб, шу ергача эсон-омон етиб келган. Қадимда Ўғизхонга паноҳ бўлган, ана, сиртига турфаранг ипак иплар билан нозик чекилган, Ҳилол ва Ҳулкар сари талпиниб турган Улуғ Кўкбўри суврати Энабоши сутини эмиб улғайган хоқон шижоати ва шиддатини ифода этаётир...

— Факир кўп ташвишда эдим, — деди Ёдгор ва-лий хўрсиниб, теран жимликни бузаркан. — Шукур, ниятимга етдим. Буёғида ўзинг эгалик қил, кўзинг қорачиғидай асрагин, кейин кимга ишонсанг, ўшанга топширарсан.

Саидбек бош ирғади, ичи ғалати симиллаб.

Ахир, ўтар дунёда суянчиғи — ишонгани борми?

Бемаврид хазон бўлган ёлғизи Фузайл...

Улуғ Кўкбўрининг нур сочиб товланаётган, ахийри Хиёнат тору мор бўлажагини уқтираётган салобатли қадди-бастидан орзиқиб кетаётган Саидбек узмас нигоҳини. Сўнг ёмғирли кун, басир издиҳом, ҳўл майдонга имиллаб кириб келган арава, шерикларидан ўзган норғул, ниҳоят, Улуғ оғриқ азобини туйган Энабоши гавдаланди хаёлида. Сахий ва холис хомийни нобуд қилишди. Лекин Саидбек ишонмас, у тирик, у кўнгил ҳамдами ва яхшилиқнинг ўзи каби тоабат эъзозда... Ҳеч қачон Саидбек ундан ажралмас, Болалиги — Бўзтой ҳам тоабат бирга қолар. Орада туғилган эзгу битим мангулик билан тенглашар, умри-поёни кўриниб қолгани учун жамики ҳақиқат мағзини осонроқ чақаётир. Умр ўтаверар, уволу савоб қолаверар, зеро қачондир отаси мулла Умар қурдирган мана бу иморат қиёфасида умид яшаб келган. Бундаги ҳар чизикда кечмиш нафаси бор, фақат кечмиш эмас, эртанги кун ҳам бунда намоён. Хонадан-хонага ўтгани сари Саидбек отаси дидию уста маҳоратига таҳсин ўқиётир, мана буниси айниқса кўркамликда тенгсиз экан, сеҳру жозибаси намуноча жизиллатиб юборди кўксини?

Ингичка ганч-бўёқлар билан зийнатланган узун-энли бўлмада Саидбек Умарни янада илиқ орзиқиш ва завқ чулғади ногаҳон, чўғдек ёнаётган юмшоқ патли гилам тўшалган сахнда бир тотли энтиқиш оғушида саросар

турар... Азизларининг хавога майин-майин сингиб қолган қадрдон бўйини туйгандек бўлди, о, падари ё волидаси чиқиб келсами ён томондаги анов мўъжаз эшиқдан? Ҳозироқ амалга ошаётгандек туюлди эзгу хохиши, кулиб кўйди, сўнг деразаларга тутилган ҳарир-мовий дарпардалар, тахмонларни тўлдирган адрас кўрпа-кўрпачалар, тоқчаларда қатор терилган тилла-кумуш идишлар, чинни чойнак-пиёлаларга термилди жавдираб, ажабо, булар нимадан огоҳ этаётир?

Анча кеч кўрди хонани тенг иккига бўлиб, таманно билан тўкилиб турган, нозик адо ипак гуллари тили билан арзи-ҳolini айтаётган оч-пушти тусли сўзана-чимилдикни...

Ажабо, у бир сирли нурланарки, хона малохатига монанд... Ҳар бир нақшида нихон нозик маъноларга Саидбек тан берди, сўнг ундаги ҳассос ифодалар юрагига кўча бошлаганини туйди. Адашмаса, панасида кимдир бор, недир энтикиш билан, енгил-енгил нафас олаётгани эшитилар, ана, адашмапти, лип очилди чимилдиқ бир чеккаси.

Ёспирай, бу ким: сув парисими, осмондан тушган фаришта?

Ярақлаган пешонасига илон оғзидан чиққандек нафис тиллақош кўндирилган, сонсиз зумрад-ёқут беагаган тилла зебигардон товланар кўксида, эгнида бурмача фасонда тикилган атлас кўйлак, атлас лозим, камон кошлари ўсмали, йирик-йирик чакноқ кўзлари сурмали, тимқора майин сочлари қирққокил қилиб майда ўрилган...

Бариси бир бўлди, буниси бир: қултум сув билан ютса ютгудек малак, йўқ, хурилиқо ишвали жилмайиб, нозик чимирилиб, босайми-босмайми деб хумор-хумор сузилиб турар рўпарасида. Тикилишидан нур ёғилаётир, кулишидан дур! Ақлу хушни ўғирловчи ҳусни камоли билан шоҳлар саройига лойиқ, лекин, ажабки, бу ерга қаёқдан келиб қолдйкин, ҳар ким назари тушмайдиган хилват масканда не юмуш билан машғул?

— Мени танимадингизми, акажон?

Ёспирай, бу қандоғ жодули ва шукухли товуш, най нолиши жамми унда, чинни жаранги? Бир ёқимли, бир шикастаки, гўё болдай тотли акс садо берди Саидбек дилида. Анчагача шунинг таъсирида ими-жим эврилиб турди, сўнг ўзини сал қўлга олиб, иболи ва ўйчан порлаётган сузук кўзларга тикилди. Йўқ, бегона, илгари

учратмаган бу тубсиз қароқлар, найзадек саф тортган хуркак мужгонларни.

— Мен эсам... сизни танидим, — деди у янаям сирли сузилиб, зар балдоқлару ёқут кўзли узуклар тақилган кўлларини кўксиди қовуштираркан. — Сиз Саидбек акаси, мен бечорани ёлғизлик чангалига ташлаб қочган йигит!..

— Худо ҳақи тушунмаяпман, кимсиз? — деди Саидбек ниҳоят тилга кириб. — Кўп антиқа айб тўнқадингиз одамга.

— Ҳабибаман, — деди малак ёноқлари чўғдек ловуллаб, — сизни кутавериб сарғайган, тирикликдан безган Ҳабиба... Ҳа, меҳри тош, нутибсиз-да!?

— Унутиппан? Тавба қилдим-ей!

— Бизни унаштириб қўйишган бир баҳорда, ҳатто нон ҳам ушатишган, — оғир-оғир кўтарилиб тушди санам кўкси. — Акажон, кўнглим дарёдек тошиб, не умидлар билан сизга ғойибона боғланувдим. Сиз менгинани назарга илмадингиз, бадар кетдингиз.

— Э, ҳа, эсладим, эсладим, сизни ўтга ташлашган.

— Тўғри, акажон, тўғри, — деди у қуюқ киприкларини бир чиройли эгиб. — Кўп дилбар дугоналарим қаторида мени ҳам аяшмаган, аммо ёнса тан ёнаркан, руҳ ёки жон эмас. Мана, қирқ беш йилдирки, онайиз қўли ва нафаси теккан чимилдиқни узмай, ҳамон мўлтираб кутаман, сиздан эса дарак йўқ!..

Қайси бир ери сим-сим санчиди, тушунуксиз оғрик комида тек қотди, бир оздан кейин хумор кўзлар ўғринча қараб-қараб қўяётганини сизди, ноилож аста олиб қочди нигоҳини, ахир, қандай жавоб қилсин, қандай?

Исми бинойи: Ҳабиба! Холис ният билан бечора онаси, гўрига нур ёғилсин, шуни танлаган экан келинликка, аттанг, орзуси ушалмаган, ўзи билан ола кетган ҳой-ҳавасини. Содда ва кўҳли қизгина эса, умидлари кўксиди қайта-қайта гуллаб, хилват хобгоҳдан жилмай, йўлига термилар ҳануз.

Буюрмаса қийин экан... Бир қаттол ўкирик бодрди юраги тўрида, умри бино бўлиб бунақа хўрликни бошқа туймаган, афсуски, ҳозир бирон нарсани Ҳабибага исботлаб беришга қодир эмас, фақат биладикки, айби бўйнида. Бирдан таҳликага тушиб, секин тисарила бошлади остона сари. Шуури ҳам хиралашиб қолди,

ҳалиги мўъжизавий ёдгорлик ва Ёдгор валийни унутиб, ташқарига отилди қайсидир эшикдан. Нақадар сулув бу жонон, деди ичида ўкиниб, ҳовли бўйлаб бафуржа тентираб юраркан, лекин ҳар кимни лол қолдиришга қодир хусни-малоҳатида қачондир камина билиб-билмай қилган Гуноҳ сояси ниҳон, ўлай агар ёлғони бўлса...

## 2

Лолаваш ёмғирда ивиган норғул шод, ғолиблик нашидасини сураётир, ана, чопиб кела-кела тиз чўқди супа рўпарасида, ёпирай, кафтларида буғланиб турган нарса Эна Кўкбўри юрагимми?

— Намунча қуюшқондан чиқдинг, баччағар?

Ҳазабда қоврилган, ёруғ дунё кўзига қоронғи кўриниб кетган Саидбек Умар босолмай қолди ўзини, норғулни олқишга кўмганча, ҳузур билан илжайиб кўяётган Кўлдош Камонга ўдағайлади ҳеч қутилмаганда. Қалампирдай аччиқ нарса тикилгандан тикилар бўғзига, чамаси, кўпдан руҳида яшаб келаётган эзгу бир ришта умри тугади, ҳа, шунақа бўлди, булар қачондир, Болалигини аяшмагани каби, Эртақни ҳам аяшмади, қонига бўяшди. Эртақ... Энабоши... Барисига мана шу суллоҳ Кўлдош Камон, пихини ёрган Сайфи, эҳтиёткорликни қалқон қилган Жобир Кирпи сабабчи, оҳ, шулар сўйди Эна Кўкбўрини, ахир, Саидбек қандай чидасин бунга, тамом, қасд олиши керак, қасд!

Айиқдек ташланди Кўлдош Камон устига, агар мана шуни тинчитса, қолгани ими-жим кириб кетар инига. Қачондир Сайфини қаро ерга қапиштириб ташлагани ёдида, ҳозир бунга ҳам ўшандай хамир қилворсин. Ол тегишли ҳақингни, ярамас! Келиштириб тепди қорнига, ҳа, болади. Мана буниси ҳам шунга! Лекин у қилт этмади, о, бунга тўп ўки ҳам қор қилмас, куч ва қоматдан бунга худо берган, бунга Саидбек тепкиси чивин чаққандай гап, аммо ўзи Саидбекка ўхшаган нусхалардан нечтасини бир чертишда учирворишга қодир. Ҳозир қийнаб ўтирмади жонини, бир имо қилувдики, Саидбек, резина калтаклар бўҳронига учраб, думалаб қолди супада. Қанча ётганини билмас, кўзини очсаки, бир нечта биллур қандил ёритган хонада меҳмон, аъзои бадани оғрир қақшаб, кимнингдир амирона дағал товуши чалинар қулоғига.

— Бас, пропе-есо-оор, мотам тутаверманг.

— Менимча сени аёл тулмаган, — у сухбатдошига нафрат тўла кўзларини қадади. — Сенда қатра меҳр йўқ, сен одамзод жонига битган чипқонсан.

— Унақа ўтламанг, — дея кулимсиради Қўлдош Камон. — Мард бўлсангиз тан олинг, камина сиззи рухингиздаги ҳомила эдим, кейин юрагингизда жон сақладим.

— Сенга пишириб қўйиптими юракда!?

— Хаддингиздан ошаёпсиз.

— Ха, эсладим, сен ҳайдалгансан, — дея давом этди Саидбек Умар, ҳамон ғазабини босолмай. — Сен... Юракдан қувилган Хиёнат кўлагасисан. Бу эса сенга озор ва хўрлик! Шунинг учун ҳам Юракдан қасос олиш учун чираниб юрипсан!

— Бу фикрни калладан чиқазиб ташанг, оқсоқол, — энди хиёл осуда ва хайрихоҳ янгради Қўлдош Камон товуши. — Биззи мақсадимиз битта: ҳар кимни суяш! Сизни ҳам унутмаймиз, аммо сиз ҳам қанотимизга киришингиз керак. Хўш, қани, зардоб билан замбуруф формуласидан келсайиз.

— Уу-иймм! — тиши зиркираган каби жағига кафтини босди Саидбек Умар. — Яна лаънати формулами? Овв, мулла, неча марта айтай: йў-ў-ко-о-олл-га-а-анн!

— Одамми майна киманг, дўппи жониворни бир ёнга олиб қўйинг-да, эслашга урининг. Биз ҳечам шошилмаймиз, биров қувилар келаётгани йўқ орқамиздан.

Қай лаҳзада ич-ичидан тошиб келган совуқ ҳаяжон қарахт қилиб ташлади Саидбек борлигини. Дикқинафас лабораторияда Носир Дамин билан қамалиб, ниҳоят топгани — оддий кўз билан кўриш кийин био-роботлар хуружини туйгандек бўлди қони ва шуурида. Қачондир бу дахшатни манови қас бошидан кечирган, шунинг учун ҳам вазоҳати ҳамиша бузук: Ер ва бани башар устидан ҳукм юрғазиб пайида!

— Биламан, вақтида сизга осон бўлмаган, ундоғу мундоғ ислохлар билан каллайизни қотиришган, қоп-қоп ваъдалар беришган, — профессорни овутишга урина бошлади соҳиб. — Сиз эса... Сиз оламшумул хатога йўл қўйиб, рости ёлғонга бирдек ишонгансиз.

— Ярамни тирнама, — деди Саидбек пўнғиллаб.

— Пуфф, ким бўпти Қосимий, Бо-бош... Тос те-паларидан қўшқўллаб урганийди худо... Иккинчи хатойингиз... Сиз тархни ҳам, амални ҳам ўша лан-



довурлар диди ва манфаатига мослаш учун озмунча елиб-югурмагансиз.

— Бўлса бордир, лекин онт ичаманки, сеникиям найранг, — деди Саидбек Умар ортиқча қизишмасликка тиришиб. — Ҳар қанча у ён-бу ёнга обқочма, барибир ё эрта, ё индин, улоқни ўз уйинг остонасига элтиб ташайсан.

— Аммо ишонинг, биз уларга ўхшаб букаламун эмас, ҳақиқат бетига тик қараймиз ва адолат кўзига чўп сукмаймиз.

— Бир нарса ўзгарармикан ишонсам?

— Нега ўзгармасин? — деди Қўлдош Камон астойдил койиниб, ўзига янаям маҳлиё бўлганча. — Оҳ-оҳ, ўзгарганда-чи? Биззи ислоҳлар оғишмай тўғри келар рисолага, бизники фирромликдан ташқарида.

— Сайра, беданам, сайра!..

— Бизга худо ҳалолидан берсин, биз ошимизни кўркмасдан кўчада ичаверамиз, — ҳузур қилиб ҳаво симириди Қўлдош Камон. — Биласиз, ҳаромдан ит ҳам ҳазар қилур. Бошимизга қилич келсам алдамаймиз, ҳақни ҳақ, ноҳақни ноҳақ деймиз.

— Э, одамзод, — деди Саидбек Умар зарда аралаш, пастки лабини қонатгудек қимтиб қўяркан, — дилинг ўчоғида на чўғ бор, на тутантирик, ақлинг қозони сувга ташлаб қўйилган, аммо нималарга оқизяпсан оғзинг сувини!?

— Ҳаёт жаннат мисоли фусункор, афсуски, паросатдан қисган ошналарийиз уни булғашиб, манфур хато ва увол қурбонига айлантиришди, — Саидбек қовоғини солганини кўрган соҳиб ҳам жиддийлашди. — Мана, энди, биродари азиз, бизага осон тутманг. Бай-бай, поклашимиз керак — бир, тузатишимиз керак — икки.

— Тавба, мен нима дерман, кўбизим нима деб гўн-филлар.

— Ҳар замон ва маконнинг ўз тошу тарозиси бўлур, — сиздан сир тутиш, биздан фош қилиш деган маъно учқунлади соҳиб нигоҳида. — Шундай экан, санашда ҳам, ўлчашда ҳам адашманг, жилла қурса, ёстикдош аёлингизни ўйланг. Янгаойим ҳали момақаймоғ-а, шундай тоза-нозик гулни бемаврид хазон қиманг.

— Ҳали завжаи ҳалолоимни тикаманми ўртага?

— Йўқ, нимагаям арзисин бир ожиза хуни, ўртага олам ва одам тақдири тикилган, — ўнг қўли муштини

чап кўли кафтига шап урди Қўлдош Камон. — Олам ва одамни кудратли лашкар муҳофазага олмоғи лозим, формула ишга тушиб кетса, эрта-индин шундай лашкар бизда бўлажак!

— Арқонни узун ташапсан-да?

— Кесатманг, ўзингиз яхшироқ биласиз жафокаш сайёрамиз тинка-мадори куриганини... Эсингизда бўлса керак, ер палағда тухум, мен уни бошқатдан туғаман, деган шогирдингиз Иноғом Насимий... Кажфеъл йигит гарданига олган юмушни биз эплотмаймиз, шунга карамай, ер яраларини даволаш қўлимиздан келар.

— Ҳай-ҳай, вазифанг кўп оғир!..

— Ҳа-а, ўлманг, — деди Қўлдош Камон ғалати яйраб. — Нима қилай, қисматим шу экан. Аммо қўрқмайман. Ёнимда сиздай аллома бел боғлаб турса, ошиғим олчи туришига аминман. Келасида... Бўзтой ўнг қанотим, Чақалоқ чап қанотим бўлишига шубҳа қилмасиз.

— Ҳе, итдан таркаган, буюр, мени осишсин!..

— Аҳ-ҳа-а, жон савил шунчаям бекадрми сизга? Жуда соз! — кучангудек бир алфозда, пихиллаб кулакула, чапак чалди Қўлдош Камон. — Фақат бир нарсани аниқлаб беринг: сиз осилган дор Моҳинага ҳам ярайдими ёки унга атаб бошқасини курайликми?

— Моҳинани билмадим, ўзинг тилла дорга лойиксан!

Тепа сочи сихдек тикрайган Қўлдош Камон, сокин хонада, гилам поёндоз бўйлаб, нари-бери юрди титраниб. Ичини ҳасад олови куйдираётгани аниқ... Ниҳоят хумдек оғирлашган бошини ортига ташлаб, ночорона ингранди чўзиб, сўнг Сайфини чорлаб, неларнидир қулоғига шивирлади батафсил...

### 3

Мана энди Саидбек Умар, шайтон малайлари назорати остида, ним қоронғи ва сокин йўлак бўйлаб, бошини ҳам қилганча қилтиллаб одимлар, толғинлиги учунми, бошқа сабабданми, иложи борича ҳеч нарсани ўйламасликка тиришар, аксига олиб бадтар чуваланар фикрлари.

Куриб кетгур Сайфи, мазах қилгиси келиб, хиринглаганча, секин нуқилаб қўяр биқинига ҳар замонда, Саидбек ваража қилгандай ғалати инқиллар, ён томон-

дан унинг бетига ўкрайиб тикилар, худо ҳақи, бу одам афсунгар, дея босиқ пичирлар, йўғасам аввал Бўзтойни, кейин Эна Кўкбўрини қандоғ илинтирди тузоғига?

Кўп афсус, Саидбек, ҳалиям соддасан, ҳар қанча кўриқлама, барибир Сайфи муддаосига эришди: кирволди бир амаллаб кўнглинг иқлимига, ардоғингдаги кўп нодир гавҳарларни ўғирлади, чунончи, Эна Кўкбўрига тажовуз қилди, эрта-индин навбат — Бўзтой билан Чақалоққа... Эҳтиётингни қил тузукрок, йўқса, ҳолингга вой, ҳозир дилингда кечаётган мулоҳазалар ҳам унга аён, қарагин, афту ангорини қоплаган истехзо бекорга эмас...

Бир маъюслик чулғади руҳини, саросимага тушди, зимдан ботиниб-ботинмай қаради илдам бораётган Сайфига, о, чиндан ҳам важоҳати чатоқ, кўйиб берса ҳозироқ тилка-пора қилиб ташлар Саидбек борлигини. Мурувватли тангрига ёлворишдан бошқа илож йўк: тезроқ башарасини тескари қилсин. Афсус, Чумоли билан шунга қолди-я куни, шулар касофатига айрилди энг лазиз онларидан. Чорбоғи этагида, Эна Кўкбўри ва Чақалоқ билан учрашганда, эҳ, қандайин азиз ва умидбахш ҳисларни кечирмади дилида? Қора кўзлиги Бўзтой билан ширин-ширин суҳбат қурганда-чи? Энди йўқотиб қўйдими уларни, наҳотки? Йўк, бунга ишонмас, улар билан тағин топишажак, бас, пичоқ бориб суягига қадалмиш, ҳозироқ Бўзтойни ва Чақалоқни кўриши керак. Қани, Сайфига ёрсин-чи дардини.

— Чучварани хом санапсиз, азизим, — деди Сайфи бирдан, кўзлари пахтаси ағдарилиб. — Нима, бошимга бир балони орттирмоқчимисиз?

Негадир юраги гумириб кетди, бир алами икки бўлди, қани кўтара қилиб сўкса, суробини тўғрилаб қўйса, э, шуям одам бўлдими, бу бир ичаги эгрида, қачон ўтиптики яхшилик кўчасидан, энди ўтсин. Ҳаволаниб боришини қаранг, ҳай-ҳай, бурнига найза билан ҳам тезак етказиш қийин, майли, кўргилик экан, истаганича ғўдаяверсин, бир кун худо пасайтириб кўяр попугини. Нимага тўхтади ишқириб, ҳа, имиллаб юраётганини бетига солиб жеркиса керак, шунақа баҳона тополмай туради, ие, шошма-чи, нима деб тўнғиллади: қатл куни яқин?

— Ан-наа, — дея илжайди Сайфи, бафуржа илгари босаркан, — сирри каттасини очвордим, раис сомон тикади пўстимга!

Энди, қоқ тепасида яшин портлагандек, Саидбек каловланиб қолди, нимадир чирт узилди ичида, шунақа бўшашдики, узала тушиб ёта қолса симон ерда. Анов банда эса шодумон: секин хиргойи қила бошлади эски қўшиғини. Тилини ари чаққанми, бўғзидан хириллаб чиқади товуши, лекин бунга эътибор бермайди, пўк бир оҳангда айтаверади, гоҳо жағини қашлаб. Тавба, ҳалитдан йўқ нарсани байрам қилаётир шекилли. Нима бўлганда ҳам ўша мудҳиш хабар чикди оғзидан, яна бир фитна хиди анқиётир; шамол қўзғалмаса дарахт учи қимирламас...

Хўрлиги тутган Саидбек Умар беихтиёр аллоҳга ўтинди: илойим, Бўзтой билан Чақалокни паноҳингда асрагин! Сўнг, тилаги ижобат бўлиши тайиндек, анча энгил тортди, недир куч ва шижоат туйди борлиғида. Ноумид шайтон, деб қўйди аста, ўзини қўлга олишга тиришиб. Қатл ҳақидаги гап, фаҳмича, уйдирма, Сайфи шунчаки қўрқитмоқчи, афтингни ел ялагур ичида бунақа ёлғонлар саржиндай қалашиб ётади ҳамиша...

Қай бир лаҳзада Саидбек Умар нохушликни ҳайдовчи ажаб ҳолат туйди. Сайфи ортидан илгарилагани сари, нурга тўлишаверди йўлак. Бу ҳол бежиз эмас, эгам муруватли, холислик этагини тутишга аҳду қарор қилган кимса йўлини ҳамиша ойдин қилар, ахир, қачондан бери у эзгу ният билан яшайди, майли қоқилсин, чалғисин, иккилансин, лекин муддаосига етмагунча тинчимас.

Имони комилки, Эна Кўкбўри ўлган эмас, у ажал ва жаҳолатни тан олмас, разолат майдонида юрагидан ажралгани тўғри, лекин барибир эрта-индин тирилиб келар. Ана шунда Саидбек елкасига омад қуши бир умрга қўниши аниқ, бундан илҳом олар, куч-ғайратга тўлиб, шижоат отини эгарлаб минар, нимаики дилини жиловлаб келган бўлса, қўл силтар барига. Аллоҳ қўллаб, насиб қилса, чиндан ҳам эрта-индин қайтар Қуйруқсойга, қайтиб, кечмиши Бўзтой, эртаси Чақалок билан ҳамкорликда саодатли ва мазмунли умр кечирар. Энди ҳаётини бошқатдан куражак, омади юришганики, раҳматли отаси мулла Умардан қолган мерос тоабат дилига тасалли, руҳига қанот ва ишонч бағишлар, фақат, ё тангрим, ўша нарса жамолига истаган пайтида етиша олармикин?

— Э-э, ажина чалганми, оёқ устидаям ухлайсиз, пропесор?

Сирли тарзда ёришиб турган кўнгли бирдан хуфтон

бўлди, енгил хўрсиниб, ноўнгай аҳволга тушганини яширолмайд, ниманидир қичаб турган Сайфига тикандай санчди нигоҳини. Дод десинми, нима қилсин, бул този дастидан ҳечам кун йўқ экан, оёғи тагидан ўрмалаб чикқани-чикқан, охиригача қонини паққос ичиб, илигини зулукдай сўриб, таъзирини бермагунча — ёруғ дунё юзини кўрганига минг пушаймон егиздирмагунча тинчимаса керак.

Тахминини тасдиқлаган каби Сайфи бош ирғади сирли қилиб ва илжайиб. Юрак ҳовучлаб одимлаётган, хаёлида Бўзтой ва Чақалоқ билан боғлиқ хотиралар чарх ураётган Саидбек сал кечроқ тушунди мулозим муддаосини, йўлини тўсиб турган гумгурс темир эшикка қаради истар-истамас. Эшик ланг очилди. Кимдир илкис итардимми, кимдир бехосдан тепдимми кетига, юз тубан гурсиллаб қулади ақл бовар қилмас зимзиё ўрага. Тап-тақир саҳнда беҳуш ётди анчагача.

Бир кун ўтдимми, ҳафта, Саидбек Умар билмас, сал эс-хушини йиғволгач, секин қарасаки, қўнган жойи ўра эмас, анчайин обрўли чоркунжак симон хона, обрўсики, сабру тоқат ипини чил-парчин қилворгудек мубҳам рутубат босган, қишу баҳорда чакка ўтавергани боис пойдеворидан тортиб девори белигача шўрлаган, чўкиб қоладигандек туюладиган шифти бениҳоя паст, пала-партиш қоқилган тахта поли бир неча еридан ўйик, хайҳотки, ана шу салтанат эгалари — сур ва очопат каламушу сичқонлар чив-чивлаганча сурон солиб чопар наридан-бериға. Бугундан бошлаб булар улфатлари, шундай экан, булар билан тезроқ муроса битимини тузишига тўғри келар, акс ҳолда шўргинаси куриши мумкин: эти тугул суякларигача бемалол ғажиб-чайнаб ташлашар. Қачондан бери интиқлик билан кутиб ётишгани тайин мўмай ва беозор ўлжани.

Бир даста нур тушиди торгина туйнукдан...

Қайта кузата бошлади ивирсиқ ва зах хонани.

Кўнглини недир гумон қамради, ҳа, эсида, ярим оқшомда, оч ва сур қўшин тало-тўпи аро, беҳол ғудрангандай бўлувди кимдир, ўша палла, юрагига қил сифмай тургани боис, эътибор бермовди унчалик. Энди, ичи сидирилиб турганда, ер қаъридан келгандек туюладиган ингичка ингроқ қайта эшитилди. Ожизона, маҳзун бир сас — юракни ўртаворадиган ўтинчга мойил... Аёл киши экан, ёпирай, аёл боши билан нима қилар шай-

тон ҳам бурун суқишни истамайдиган бу манзилгоҳда? Тавба, гуноҳи нимакин? Хиёл ёришган хонани оҳ-воҳ тутди яна, ногоҳ кўрди қарши бурчақда чўзилиб ётган товуш эгасини. Синчков назар солди ва беихтиёр куришиб кетди ичи: Моҳина! Аввал алам билан пичирлади, кейин чинқириб юборди бирдан. Овозидаги қаҳр зарбидан қулаб тушгандай бўлди залварли шифт...

Надомат гўшасида Моҳина неча кундан бери маҳкум бўлса, озиб-тўзиб, букланиб, бир бурдагина бўлиб қопти бечора: бўлиқ сийнаси чўпу устихонга айланмиш, сочлари тўзғоқ — патаклаган, оппоқ, лўппи билаклари ингичка тортиб қорайган, ҳамиша чарақлаб турадиган хумор кўзлари жозибасини йўқотиб, ўрасига чўккан. Эвоҳ, не қилмиши учун бу аҳволга солмишлар?

Гул-пар тўшаклар муносиб эмасмиди сенга, нечун зах-совуқ ерда бунингдек хору абгор ётибсан, азизим Моҳина? Наҳотки тақдир сени шундай сийлади, малаклар малаги?

Аммо қулоғи том битганми, Саидбек Умар илтижосини Моҳина эшитмас, не синоатки, сўниқ нигоҳи номаълум нуқтага қадалган, киприклари найзадек тик қотган, нималарнидир маҳзун пичирлаб, гўдак каби тамшаниб қўяр ҳар замонда. Бир нафас сукутга толиб, пастки лабини хиёл қимтиганча, бирдан сўйлана бошлар, аллоҳдан ниманидир ўтинар, лекин нимани? — Саидбек англаб улгуролмас...

Ҳар қандай жабру жафо, ҳар қандай маломатга Саидбек ҳозир, аммо бир ёстикка бош қўйиб, умр бўйи қайғуси-қувончини бирдек бўлишиб келган аёлни соқов деворлар ичра учратиши мумкинлигини ўйлаб кўрмаган сира. Энди кимга айтсин додини? Анов суллоҳлар эшитармикин арзи-ҳол килса? Эшитар, бироқ бир ишкали бор: йўқ ердаги аzza-баzza шартларига минғирламай, тоб ташламасдан, бўй эгибгина кўнса. Қанчалар бедодлик!

Саидбек Умар ўйи адоғига етолмас, тағин, ҳафсаласи йўқ кимирагани, узоқ ўтирди сукут сақлаб, охири юрак ютиб, судрала-судрала умидланиб борди Моҳина қошига: Моҳина, азизим, намунча шалвирайсан? Неча бор куйиниб такрорлади саволини, қаники жавоб ололса, хотини гунг, тилига кишан урилган. Ҳатто Саидбекка қараш нари турсин, киприк ҳам қоқиб қўймас. Алам аралаш хўрсиниқ тикилди бўғзига, “Оч-е кўзингни!” — деди телбаваш киёфада ҳайкириб. Барибир натижа бўлмагач,

нимжон елкаларидан тутиб, гоҳ хотиржам силкилади, гоҳ асабий. Яна қилча наф йўқ, жондан азиз кишиси — қиёматлик ҳамдами гўё тирик мурда. Нима қилишини билмай эзилди, қон қолмади рангида...

Тақдир яна бир маротаба синовдан ўтказиш учун қарор берганини қай маънода тушунсин, шунақа, тақдир имтиҳон қилмоқчи тағин, иложи қанча, чидашга мажбур, Моҳина билан биргаликда кутар ажалини, мана шу қарғиш теккан хилватда...

## ТЎҲҚИЗИНЧИ БОБ

### 1

Мана энди Саидбек Умар ҳаётида биринчи ва балки охирги марта умр поёнига етганда — юрак уришдан тўхтаб бошлаган ва тамом тўхтаган фурсатда одам боласи қай ҳолни кечиражагини, мияси хужайралари қай тахлит азоб билан ишлашини, шуурида не фикр-муддао энг кейин сўнажагини мушоҳада қила кетди хитланиб. Назарида қайсар ва қаттол азроил хозироқ эшик қоқиб, э, мухтарам домла, учрашадиган кунимиз ҳам бор эканку, қани, бир ачом-ачом қилайлик дея, зил ҳассасини дўқирлата кириб келар. Ахийри иши тушадиган бўлди арш элчисига, майли, мавриди етиптими, қадам ранжида қила қолсин тезроқ, ахир, аллоҳ унга жиддий бурч юклаб, ажиб хислат ато қилган, зотан у ё бедор, ё вофил бандаси учун фавқулодда янгиланиш — қайта туғилиш саодатини бағишлаши ва боқий фаслни бошлаб беражаги аён ҳақиқат...

Мехрибон Бўзтой қайда, дил чирови Чақалоқ-чи?

Хушида ҳам, тушида ҳам Саидбек интиқ, тарс ёрилгудек юраги, ахир, не қилсин, уларни кўргиси келса!? Вужудини мунтазам ўртаб, сезимларига таралаётган югурик нарса соғинч эканини билмасми? Билар, шу боис, дардини енгил қилиш учун, недир иштиёқ билан талпингани-талпинган. Аксига, жамийки нажот йўлларини Қўлдош Камон билан Сайфи тўсиб-ёпиб ташлаган, шундай экан, кимга ёрсин кўнглини, Моҳинагами?

Саидбек Умар хўрсинди, кошки у билан ҳасратлашиш имкони бўлса, аввалгидек, ҳамон ўзи билан ўзи

сўйлашар, қайда ўтиргани, ёнида ким жон койитаётгани, ҳатто бирон шовур, бирон хавф-хатарга парво қилмас.

Ҳамон Саидбек гап кўшгани ботинмайди, ҳозир ҳам не деярини билмай, юмшоққина тикилди маъносиз бетига, меҳр билан оҳиста силаб-сийпалади тўзғалок сочларини.

Нохосдан сесканди титроқ панжалари ёноғига тек-канда, ёпирай, совук, муздек совуғ-а!

Отилиғиб турди ўтакаси ёрилгудек аҳволда, аммо оёқларидан мадор қочиб, ўша заҳоти ўқ еган жайрон каби оҳиста қулади чайқалганча. Ҳеч ким, ҳеч нарса қолмади тасавурида: на Энабоши, на Чақалок, на Бўзтой, на Тўлин Ой қалъаси, на Куйруксой... Фақат саробда жимирлаётган поёнсиз бўшлиқ элас-элас кўринар кўзига. Бўшлиқ аро тутам-тутам пушти-сарик шуълалар фавқулудда фаоллик билан талош қурган, шуълалар, ажабтовур жунбишга кириб, лаҳза сайин қуюклар, ҳансираётган ер теграсида бирлаша-бирлаша улкан ва жозибали шарора бунёд қилар.

Саидбек Умар шарора мавжлари билан қувлашгиси келди, сўнг бирдан тўлиб-тошиб жўшаётган кучли оқимда кўрди ўзини, илимсиқ тафт туйди, сўнг билсаки, бу нарса роҳат эмас — сўнгсиз санчик... Аста-секин нигоҳига кўчди санчик, разм солсаки, чор атрофида тумонот одам гивирлар, олисдан қанақадир эзгин куй таралиб келар, у, куй қанотидами, халойик елкасидами, муаллақ сузиб борар жимгина, сўнг бирдан ерга тушар, бир ёнида Кўлдош Камон, иккинчи ёнида Сайфи пайдо бўлар, негадир улар далда бергувчи сўзларни зўр бериб такрорлашар. Булар авраётир, нима учун шундай қилишлари керак, қизик, бу қанақа маросим, ҳув ил-гарида лопиллаб бораётган нарса нима, тобутми?

Тобутга алвон бахмал ёпилган, яп-янги оҳорли мато лов-лов ёнар офтобда, негадир Саидбек унга қараёлмас, ким билсин, кўзлари қамашдими?

Пала-нартиш издиҳом ичра гоҳ суруниб, гоҳ чайқалиб илгариларкан, ногоҳ бир ҳовриқиш — аччик шубҳа гиппа бўғди томоғини. Ола-ола тикилди раис билан мулозимга. Сўнг қўрқа-писа сўради: марҳум ким? Жавоб қайда, бир зот сазо бермас. Худди ҳеч ким ўлмаган, довдир оломон шунчаки эрмак учун кўтариб бораётир қимматбаҳо мато ёпилган тобутни. Бундай бе-маъниликни қандай ҳазм қилиш мумкин? Нима бўлганда



ҳам ўлик эгаларига таъзия изхор қилиш учун ҳозирлади ўзини, аммо юраги орқасига тортиб кетди бирдан: музлаб қолган эди-я ҳали Моҳина бадани. Тобутда ётган Моҳина, оҳ, жоним! Бўзлаб юборди ўпкасини босолмай, сўнг кўз ўнги живирлаб, гандираклаб кетди, яхшики, Қўлдош Камон билан Сайфи тутиб қолди қўлтиғидан. Аста силкилашди, шапати уришди жағларига, ҳушига келгандай бўлди, лекин барибир ўзида эмасди. Бу не ҳол: ибтидоми, интиҳо?

Хўш, бу ёғи қанчага тушди? Қўмиб келишдимиз Моҳинани, қачон улгуришди бунга? Симон ерда гоҳ чалқанча, гоҳ кўкрагида ётиб бетўхтов ўйлар, лекин етмас ўйи адоғига. Оғир-енгилини бирдек бўлишиб келган жуфти ҳалолдан бунчалар осон ажралиб қолганини сира ақлига сиғдирилмас.

Бу гўшада ўзи нима бўлишини худо билади, ҳартугул ҳалитдан бадани, оёқ-қўли қарахт, миясишуури ғуборли, дили безовта, томирларида қони гўё музлаган, бу аҳволида ҳатто эрталабгача жон сақлаши маҳол. Мабодо тонга қадар чидаганда ҳам нима қизиги бор, шериклари маслаҳатига кўра, Қўлдош Камон аллақачон бичиб қўйипти кафанини: қалъа майдонида, чошгоҳ нари-берисида, хангоматалаб ҳалойиқ гувоҳлигида, баланд дорга тортилар, қисқаси, ҳазонмарг бўлган Моҳина ортидан ҳайё-ҳуйт айтиб-айтмай йўл танобини тортишга маҳкум.

Агар, аҳдидан қайтиб, бемаъни сирни очса-чи?

Агар, “Сумалак” зардоби ва замбуруғ формуласини қоғозга тушириб берса, омон қоларми — ажалнинг машъум оғочига рўпара бўлишдек даҳшатдан фориг бўларми, йўқми?

Афсус, бу далил гумон, қолаверса, бу иши ўз устидан ўзи мағзава ағдариши билан тенг, ҳатто ўғитлари билан далда бўлган Ёдгор валийга, холис ният билан Бўзтой қиёфасида тирилиб келган Болалигига хиёнат! Ахир, орзу-умидлари чечакларини оёқости қилаверса, эрта қандай ўлади ўзида?

Яна бир бор англар: ўзида ўлиши — қайта туғилиши...

Яна ўйга чўмар: яхши ҳам, ёмон ҳам ўзида...

Тириклик лаззати ва аламини кўнглида жамлаган...

Шу асно, ажаб ўйлар баробарида, Ёдгор валийини эслар ва дили ёришар беихтиёр, рост, шайхдан андоза

олса нимаси ёмон? Анчадан бери бир нарсага амин: яқинлашиб бораётир кўнглига, поёни йўқ бу иқлимни тўласинча забт этиш саодати қачон насиб этаркин? Бу жумбоқни фақат Ёдгор валий еча олар, яна шайхдан кўмак тилаб, пойига бош уриб боришга мажбур, фақат, ё, қодир эгам, бу кунда у қайда, нахотки ҳамон Тамғали ғори исканжасида бўлса?

Саидбек бу фикрни инкор қилди, бинобарин, Ёдгор валий ғор сиридан воқиф, аллақачон изига қайтиб, кулбасида чойхўрлик қилиб ўтирган бўлса керак. Айни пайтда, недир шубҳага ҳам борди, бир хил лоҳаслик туйиб, оғир хўрсинувдики, нимадир гумбирлаб кетди ногоҳ хонада. Ним коронғиликда гумгурс безрайиб турган эшик кулфига биров калит солди шиқирлатиб. Сўнг ҳадикли, эҳтиёткорона ғичирлаш... Чарақлаганча лип ёнар шифтда омонат осувли чирок. Рутубатга чўмган жимжит хона ёришиди. У, кўр бўлиб қолишдан қўрқиб, кафтлари билан тезгина тўсди юз-кўзини. “Кимсан?” — деб ғудранди кейин бир оз дадиллашиб. Жавоб бўлмади. Кирган киши хотиржам пишиллаб, энгил-енгил нафас ғолар ёнгинасида.

Нима жин урди, яна босриқдимиз?

Тавба, ундай деса, чирок ҳамон ёниқ, эшик ҳам қия очик, қолаверса, аниқ сезиб турар рўпарасида биров борлигини. Тағин, ҳаргиз димикиб ётадиган хонани энди кўклам ҳавоси билан тўйинган тоза ифорлар тутган, у гўё ажаб бир гулзорда сайр қилар, атрофини қуршаган сон-саноксиз капалаклар барқ уриб очилган чечакларга бир ийманиш ила муҳаббат изҳор этадир. Бундай осудалик ва сурурни Саидбек кутмаганди, шу нарса далда бўлди кўнглига, фақат, анчагина кучли ойдиндан чўчибми, бошқа сабабданми, ҳамон бетини очмай, муло-йимлик билан сўради яна: ҳой, кимсан, инсмисан, жинс? Тағин сазо беришни истамади нотаниш ҳамхона. Энди Саидбек ортиқ хитланиб, интиқлана қаради терчилай бошлаган кафтлари панасидан. Ё қодир эгам, намуноча иссиқ истара: юпқа лабларга беғубор кулги инган, тубсиз қароқларда мунислик жилваси, қатъият ёлқини, патила-патила сочлар товланиши бир майин, бир жозибали, ёпирай, қай ери кам илоҳий маъбуддан?

— Бўзтойман, оғажон!..

Бу қандай оҳорли, тоза-тиниқ товушки, тошдан-тошга урила-урила оқаётган жилға мусиқасига ҳамоҳанг.

Анчагача титраниб турди товуш хонада, сўнг Саидбек Умар хужайралари оша сезимларида бир нозик акс садо берди жаранглаб. Сирли, айна пайтда, ёқимли жимлик чўкди. Кизик, бу ажойиб фурсат уларни бир-бирларига бошқатдан таништирдими? Ахийри, Саидбек бирдан ўнглади хушини, шукрона кечди дилидан: рост, бу — Болалигим, бу — ўтда ёнмас, сувда чўкмас! Тоғдек ўсди кўнгли, энди ўзини босолмай қолиб, тура-сола кучди қадрдонини. Димоғига таниш нимтатир муаттар бўй — шўрлаган тупрокқа, йўнғичка-какра, ажриқ-қичитқонга ағанаб улғайган Болалиги иси урилди гупиллаб. Елкасига кўнволган ажал фариштасини унутди зумда, кейин, ажабо, ноўнғай ахволга тушди. Шолғомдек қизарди. Тунов куни Бўзтой хузурига бормоқчи бўлгани, Чақалокни кўргиси келгани, Сайфи шаштини синдиргани, унга гапини ўтказа олмагани, ўшандан бери ўз ёғига ўзи қоврилиб ётгани бир-бир кечаверди хаёлидан.

— Азизим, — деди Саидбек Умар Бўзтой бошибетини қайта-қайта силаб, — сени нечук озод қилишди, нечук киритишди бу хилватга?

— Э, оғажон, улар мурувват нелигини билишарканми? — дея қўл силтади Бўзтой. — Алар жонида фақат худбинлик томир отган.

— Тўғри айтасан, мабодо савобга қўл ургилари келса, луқма тайин бўлмагунча тийилиб турарлар, — Бўзтой фикрини астойдил қувватлашга киришди Саидбек Умар. — Тарозига дили-ниятларига мос тошни босарлар. Хиёнат билан ҳам, садоқат билан ҳам баравар тил бириктиришга қодирлар. Бировга бирни берсалар, ўн қилиб ундирмагунча ухламаслар.

— Бегуноҳни маломат уммонига улоқтириш, бегуноҳ оёқ-қўлларини потирлата чўкишини томоша қилишдан завқланиш улар суйган энг зўр машғулот десангиз-чи, оға!..

— Ҳа, яша, топдинг, — дея давом этди Саидбек Умар, ўйчанлик билан. — Э-э, Бўзтой, гоҳо ич-этимни ейман: наҳотки мен ҳам шулардан бири? Неча замондан бери гоҳ униси, гоҳ буниси билан ошу қатикман, ахир, бошимга битган савдолар ниҳояси борми, йўқми?

— Бор, муродингизга етасиз, — деди Бўзтой қатъий қилиб. — Лекин ҳозир машмаша мавриди эмас.

— Одамга алам қиларкан... Ишонганинг эртаю кеч, одамзод учун жоним садқа, мушқулингизни осон қилгувчи

ўзимман, деб жағ урса-да, охир-оқибат куйинчаклиги ўз кўмачига кул тортишдан бошқасига ярамаса!

— Ўша тоифага аталгани етарли... Қани, юринг, бу ердан тезроқ кетайлик, — деди Бўзтой, юзида ташвиш кўланкаси ифодаланиб. — Сизга ҳам, менга ҳам шунчаси кифоя, тезроқ эртанинг ғамини чекмоқ керак.

— Нималар деясан, Бўзтой, ҳар қадамда йиртқичдан бешбадтар қоровул гўдайиб турибди-ку!

— Тўғри, лекин алар ғафлатда ухларлар. Пешона кўзлари очигу кўнгил кўзлари юмуқ... Биласиз, бу одат азалдан Сариеўларга йўрғада теккан, — дея кинояли кулди Бўзтой. — Ҳозир айниқса алар бизни тамом кўрмайдиган аҳволда: тун бўйи тинка-мадорлари куригунча тўйиб шаробхўрлик қилишган.

— Оёқ устида мудрарларми?

— Топдингиз. Худди шундай, оғажон: қай бири тик оёқда таёқдек қотган, қай бири ўзи билан ўзи жиққамушт тортишар, қай бири кунда янглиғ супринди ичра думалаб ётар, — теран бир истехзо акс этди энди Бўзтой назарида. — Иншоолоҳ биз Моҳина янга билан Чақалокни қутқазгунимизга қадар алар хушларига келмаслар. Қодир аллоҳ бизим тарафдадир.

— Барака топ, Бўзтой, савоб остига қоларкансан.

— Сиз ҳам, оғажон, сиз ҳам етишасиз катта савобга.

— Фақат... Моҳина янгангдан умидингни узгил, кеча у тупроқ бандасига айланмиш.

— Асло ундай эмас, кўнглингни тўқ тутинг, янғажоним тирик, кеча уни бошқа хонага... ҳа, шу... Чақалоқ ёнига кўчирганлар.

— Йўғ-е, ростданми?

— Энагаликка тайин қилишган... Ишонаверинг. Қизиг-а, тўғрими? — Бўзтой сукутга толди ва бир оздан кейин яна сўради: — Хабарингиз борми бўлажак қатлдан?

— Сезишимча, авзойлари бузуқ...

— Ҳа, шунақа... Ишбоши кўп, лекин олғири ҳаминшагидек Сайфи гуппи... Қалъа майдонида осмонўпар ўтин қаланган, эрта катта олов ёқиларкан, биласиз, Қуйруқсойда ҳам шунақасини бино қилишган эди.

— Ҳа, эсимда, жоним, ўлиппанми унутиб?

— Аммо, оғажон, бу ҳали бари эмас, — деди Бўзтой кутилмаганда товуши ўзгариб.. — Ловуллаган

ўтга... Чақалокни ё сиз ташаркансиз, ё янгам! Ана хангома! Шунини ўйлаб топишипти, ярамастар. Қисталанг қилишаркан, йўқ десайиз... Айй!

Жон-пони чиқиб кетган Саидбек Умар анграйганча ёқа ушлади...

Тавба, булар зуваласи нима билан қорилган?

Ё тангри, ортиқ жазоинг йўқми?

Ахир, шу мудҳиш ишни бажарса, кейин тепасида саросар туриб Чақалок қандоғ жиз-биз бўлишини томоша қилса, қандоғ оҳ-воҳ чекишига қулоқ солса анови-лар қатори тугабди-да, иймон-инсофини арзон-гаровга пуллабди-да...

Тавба, булар намунча кўп, барчаси ягона русумда кийинган, бўй-бастлари ҳам, юз-кўзлари тузилиши ҳам бир хил — икки томчи сувдек бир-бирларига ўхшар. Тикилишлари маъносиз, ҳали Бўзтой айтганидек, бирови деворга бемажол суянган, бошқаси остонада ўликдай чўзилган, яна бириси устун кучоқлаганча чулдирар, гўё севги изҳор қилар маъшуқасига. Эртанги шодиёна завқи булар учун чиндан ҳам бугундан бошланган: хурмачаларидан тошиб чиққунча симириб олишган шайтони лаъин сувидан. На илож, ер бағридаги яраларни тузатишга киришган Қўлдош Камон кунини ана шунақа масту аластларга қолган.

Бўзтой маъноли кўз қисди, хушёрини йўқ, ҳаммаси қарахт, демоқчинини бўлди чоғи. Баттар бўлишсин, ана шунини айни муддао, ғурбат ва ишқал чангалидан улар тезроқ қутилиб кетишлари лозим. Эрта очофат майхўрларни Қўлдош Камон тириклай еса керак. Аммо у Чақалокни қайга яширган бўлса, келиб-келиб Моҳинани энагаликка буюргани айниқса ғалати. Анов кунини, Бўзтой ўнг, Чақалок чап қанотим бўлишига шубҳа қилмасиз дегани ёдида, бунини қаранг, бошлаб алдаган экан, Чақалокни Эна Кўкбўри изидан жаҳаннамга жўнатиш ҳақида яшириқча фармойиш берипти, бари тушунарли, бекорга мундай қилмаган, ашиқроғи, Сайфи қутқусига учиб, гўдак елкасига синчиклаб разм солган, кўрсаки, икки кураги ўртасида — бинойидек чиройли тамға, шунақа ялтираб туриптики, кўрққанидан юрагини қинидан отилиб чиқаёзган. Ан-на, асосий ишқал шунда, ростдан ҳам у газанда бўлиб кўринган кўзига: бундан яхшилик чиқиши гумон, эрта, ҳар қанча пешонасини силаган билан, тиш қайраб тушар майдонга ва Сариеғлар додини берар.

Кўлдош Камон Сайфи маслаҳатини дастур санаб, Чақалокни тезроқ гум қилиш режасини тузган, ана, уни тор ва қоронғи хужрага тикиб қўймиш, ҳозирча у симон деворларни парчалаб ташлашга қодир эмас, ёпирай, қошу кўзига маъюс термилиб ўтирган, хар замонда ниманидир шивирлаб қўяётган, ранг-рўйи сомон аёл наҳотки Моҳина?

## 2

Тангрига шукрона: Чақалок ҳам, хотини Моҳина ҳам тирик!..

Кўксини тўлдирган қувончни Саидбек қандай изҳор этсин?

Фаҳмича, фақат зим-зиё хона эмас, ой-кун барабар балқигандек, бутун олам чарақлаб кетди, вужудини илитаётган недир тафт рағбати билан қайта-қайта силади Чақалок пешонасини, эҳ, анов кунлар, Эна Кўкбўри кучоғида яйраб юрганда, дуркун, семизгина эди қанчалар, қўш юлдуз каби порларди кўзлари, энди ориқлаган, бадани териси салқи тортиб, ёноқлари суяги туртиб чиққан, билаклари ва сонлари ингичкалашиб қолган, ҳай-ҳай, дили пок, меҳри дарё Моҳина, парваришни бўйнингга олган бўлсанг, нечун қорнини тўйғазиб қўймадинг, нечун?

Шўрлик Моҳина тезгина уқди эри нигоҳидаги маънони, ичида нимадир чирт синиб, тўлиб кетган ўпкасини бўшатиб қўяберди, ахир, эри нечун билиб-билмай таъна тошларини отаётир, ихтиёр ўзида бўлса шундай хўрлаб қўярмиди гулдан-да нозик норасидани.

— Эна Кўкбўридан ажралгандан бери Чақалок туз тотган эмас, — анчайин чўзилган нохуш жимликни Бўзтой бузди. — Тўғрими, янгажон?

Киприклари жикқа хўл Моҳина бош ирғади.

Кейин, хўрсиниб, аста энгашди Чақалок устига.

Ҳали тишлари чиқмаган, қошлари ўрнида — майин тук...

Ҳар замонда беозор тамшанар, нима тилар иштаҳаси, сутми?

— Гулдай очил, дурдай сочил, дўмбоғим, — Моҳина кучиб-эркалади Чақалокни. — Ҳадеб ўрлик қилавермада, оппоғим! Мановилардан маза қилиб есанг-чи, гажирликдан на фойда? Йўқса, ўзинг айт, нима берай, асалми, қаймоқ, шарбатми, қуймоқ!?

Моҳинадан кейин Саидбек Умар астойдил аврашга киришди, қошиқчада атала тутди, наф бермади, сўнг Бўзтой бор хунарини ишга солди, барибир зигирча на-тижа йўқ, қурғур Чақалоқ қайсарлик тойини азза-базза минволган: ҳеч нарса олмас оғзига, тагин кекса дунёни бошига кўтарганча чинқириб йиғлагани-йиғлаган.

Чақалоқ недандир ранжиган, ажабо, нимакин даъ-воси?

Не армон, не орзу, не сабоқ киздираётир томирла-ридаги қонни?

Ҳамон тажанг, мўлтираб тикилиши ҳамон эзгин, жилдир-жилдир қайноқ ёш ювар сўлиган ёноқларини. Муштчалари тошдай тугилганини айтинг, палапон каби талпиниши эса бир сирли, эҳтимол, қанотлари йўқлигига шунча куйинаётгандир. Ойдан ойдин оппоғим! Ўртаниб бораётган Моҳина гўё алла айтди қуловига, шунда жим бўлди туйқус, сўнг ўйчан, жавдироқ нигоҳини тепасида юрак ховучлаб турган кишиларга қадади бирма-бир. Армон билан йўғрилган шивир таралди хонада: ҳаром лўкма менингдек норасидага равоми? Бир эмас, бир неча марта эшитилди сирли сас, ёпирай, ғойибдан келдими ёки Чақалоқ кўксидан отилиб чиқдими?

Моҳина билан Бўзтой не ҳолга тушди, Саидбек Умар билмас, лекин ўзи тош қотди қутилмаган ҳодиса қошида, анграйиб туриб қолди, ҳалиги сирли сўров эса ҳамон акс садо бераётир идроки ва сезимларида. Тилга кирди, ҳа, чулдирай-чулдирай тилга кирди Чақалоқ! Нақадар зукко ва нозиктаъб, туппа-тузук билар одам-зодга нима раво, нима нораволигини, фақат тилаётгани қолдимикин бу заминда? Ахир, ҳар неки бори аллақачон аралаш-қуралаш бўлиб кетган, оқдан қорани ажрим қилиш қийинлашиб бораётгани сингари, қай хил нарса покиза-ю, қай хили акси — билиш маҳол, зеро буни Чақалоққа тушунтириш осон эмас.

Чақалоқ фақат қорни ғамида йиғлаётирми?

Лаҳза сайин чўкиб, ҳолсизлана борадир. Кўпдан, пушти-паноҳи сийнасини тарк этгандан бери, егулик емагани чин, шундай эса-да, ҳамон бирон-бир таомга қайрилиб қарамас, мабодо оғзига зўрлаб тикишса, бирдан ўғжир-да, қайтариб қусиб ташлар, тавба, бу нима қилиқ, бу феъли билан эрта яшаши осон кечарканми?

Худо ҳақи, осон кечмас, Чақалоқ буни билади, ёруғ дунёга синов — одам боласига ихлос қўйишу покиза

маслакларни химоялаш учун ташриф буюрганидан ҳам вокиф... Ҳали бузилиб улгурмаган, иншооллох, зийрак қулоғига олис мозийдан, қудратли Ўғизхон замонидан тонгги азондай бедорликка чорловчи садолар эшитилаётган бўлса, не ажаб? Бундан масрур, бундан кучқувват ва лаззат олаётир, шунингдек, ҳар лаҳза нозик сезимлари уйғониб, Эна Кўкбўри сийнасини қўмсаётир, сўнгсиз бир иштиёқ ва умид билан уни ёнига чорлаётир, сен онамсан, меҳрибоним, суянчиғимсан, сени соғиндим, кел, фақат сутингга эмас, жамолингга ҳам тўяй, дея жавдираётир мунчоқ-мунчоқ кўзлари.

Чақалоқ қорачиқларини теран бир дард қамраб бораётгани бежизмас, фақат Эна Кўкбўрини эмас, кенгликларга хос тиниқ сурурни, дала-тузнинг тоза ҳавосини, ҳамиша қайгадир ошиқадиған жилғалар шилдирашини, ошиқлик даъво қилишни хушловчи қушлар чуғурини, марду майдон йигитларни суйдира-суйдира куйдирадиған бедовлар кишнашини ҳам соғинган. Ана шу туйғу юрагига ўзгача бир безовталиқ бўлиб қираётгани аниқ, ҳадемай тор ва зимистон гўшани тарк этишгач, енгил тортажак ва хаёлидаги жозиб дунё билан юзлашажак...

— Сенга жоним қурбон, қўзичоғим! — Моҳина энди анча тутволган ўзини, инжиқ гўдакқинага бир нарса едириш илинжида жонҳалак. — Вай, ўжаргинам, попукдай кош-кўзингдан ўзгинам айланай, сал туш ховрингдан, мана, қара, бор-йўғи бир ютумгина, бирам мазалики, қувват-да, раҳминг кесин жонингга, нима, ўзингни ўзинг увол қилмоқчимисан?

Чарчадими, мадори қуридими, бошқа сабабданми, ишқилиб, бир маҳал Чақалоқ тинчиди, мўлтираб тикилди Моҳинага, майли, энди сен онам бўла қолгин, дея сўйландими-ей нигоҳи, ҳа, она бўла қолгин, фақат Сариеўғлар нафаси теккан анвунақа егуликни тикиштириб мени кўп қийнама, бу нарса, юкмагани устига, руҳимга чок, дилимга дарз солур, шунда, эй ҳамдамим, нимага ярайман, мискин нафс бандасига айланиб қолмайманми? Бори шу: булар дунёсига сиғмасман, бу ердан тезроқ ола кетинглар, ўз дунёмга етказинг... етказинг... етказинг...

Бир ором, бир таскин тусаган Чақалоқ нигоҳи армонларини шуъла қилиб сочаётир ва исён кўтараётган қароқларига тикилганча саросималаниб қолди Моҳина... Ахир, бунақаси етти ухлаб тушига ҳам кирмаган, юраги



гумириб, кўрқа-писа, бир эрига қаради, бир Бўзтойга. Ёпирай, бу не мўъжиза? Бу хил ҳолат Саидбекка бегона эмас, эсида, бир баҳонаи сабаб билан Қуйруқсойда меҳмон бўлганда, Ёдгор валий нигоҳи ҳам шундай бийрон-бийрон сўз айтган, у тамом сеҳрланиб, кўнгил кулоғи билан тинглаган. Кароматгўй Ёдгор валийга хос хислат бунда ҳам бор экан, ҳақ рост, эртанинг эгаси шу, буки ажал чангалига тушса эртамиз раҳнамосиз қолажак, бас, буни тезроқ халос қилиш керак, бир ерига заҳа етказмасдан азалий ва абадий мазгилига етказиш лозим. Қани, Моҳина, қимирла-чи, тезроқ йўргакла, ҳа, барака топ, боладинг.

— Тутволишса-я... Нима қиламиз? — деди Моҳина титроқ овозда, Чақалокни бағрига маҳкам босаркан. — Тириклай кўмишар, қирчинингдан қийилгурлар!

— Янгажон, кўп ғам еманг, — деди Бўзтой қулмсираб. — Шароб булар кўзига қалиндан-қалин парда тутган, балки бу оллоҳ кароматидир. Чўчиманг, кўнглингизни тўқ тутинг. Чақалокни эҳтиёт қилинг, у интилаётган дунё бизга ҳам бегона эмас.

— Иншооллоҳ! — деб кўйди Саидбек.

Сўнг жимлик... Ҳозир шовур чиқариш хатарли эканини гўё Чақалок ҳам сезган, йиғидан тийилиб, бемалол ухлаётир Моҳина қучоғида. Қувончу ҳадикдан саросималанган Моҳина кўз қири билан унга қараб-қараб кўяди, недир илинжда. Эҳтиёткорлик билан, ён-верига аланглаб, илгарида Бўзтой боради, орқада — Саидбек... Бири-бири билан кесишган ним қоронғи йўлақларда ҳаёт асари сезилмас, ҳар қаричда ўлик сукунат ҳукмрон, ановилар, тиззаларини қучганча, басма-басига пишиллаб ухлашар.

Ана, тонг келинчаги шафақ сочларини ёйиб қаршилади ҳориган қочоқларни, Тўлин Ой калъаси учларига илашган алвон толалар ингичка ип каби ҳилпирар, қувноқ кабутарлар ҳар эрта рўй берадиган ва ҳечам бири-бирига ўхшамайдиган инкилоб шуқуҳини ўзгача завқу шавқ билан нишонлаётир. Айримлари, тўдасидан ажралиб, шитоб шўнғийди қуйига, эниб кела-кела, қанотларини пар-пар силкитиб, қалъа майдони ўртасида чошланган саржинга ку-қулашиб кўнишар, қайдан билишсин улар тутантириқ ҳам ҳозирлаб қўйилганини, ҳадемай унга гугурт чақилажагини, вишиллаганча кўкка ўрлайдиган сарик иблис Чақалок ҳаётига чанг солишини...

Шошиб илгарилаётган Бўзтой майдон томонга бош ирғади, Саидбек, хаёлдан бўшаб, беихтиёр ўгирилди: савил қолгур шох-шабба ва ғўла уюми чўкки қадарли баланд. Сўқир ва кар соқчилар ивирсиб юрар теварагида, ёпирай, норғул ҳам борми шулар орасида? Чучмал тортиб кетди юраги, оламни шалаббо қилган лолаваш ёмғир, жуфтланган кафтда буғланиб турган юрак, бир-бирини зўр қувонч билан табриклаган Қўлдош Камон ва Сайфи гавдаланди хаёлида. Булар яна бир шодиёнага, катта куч сарфлаб, зимдан пухта ҳозирлик кўришган, муддаоларини Саидбекдан ўла-тирила яширишган, яхшики Бўзтой бор экан, агар у хабар бермаса, ёрдамга шошилмаса не кечарди Чақалоқ ҳоли? Ким билсин, Эна Кўкбўри каби норғул илкига тушармиди?

— Ў ялоқилар!..

Шунақа бир зарда, мазах оҳанги бор эдики Саидбек Умар товушида, кафтини оғзига босиб, товушсиз кулди Бўзтой... Ҳатто Моҳина ҳам жилмайди. Энди Саидбек чехраси ҳам ёришди, анчадан кейин эса, бирдан ғазабга минди, қанийди ҳадемай гуркираб, еру кўкни ямламай ютгудек важоҳат оладиган офат чанғалига аввал Чу-моли билан Сайфини, булар изидан Жобир Кирпи ва бошқа гумроҳларни юмалоқ-ёстик қилиб улоқтирса. Зап хумордан чиқармиди. Ахир, булар ҳам олов-жодугар кучоғи қанчалар роҳат эканини билишсин. Пичокни аввал ўзингга ур, оғримаса — бировга, нима дединг, мулла Бўзтой?

Қадрдони синиқ кулди, индамади, авзойидан сездики, ҳозир у ҳам мулоҳаза гирдобиди, ўкина-ўкина кечмишини эслаётир, хаёлан Қуйруксой заминида туриб, Эна Кўкбўри жасоратини қутлаётир, ханжарини қайраётган ниқобли жаллодга жавдираб тикилаётир... Ана, рангрўйида синиқлик бор, фақат ҳоли-руҳини сездирмаслик пайида, шерикларини дадил бошлаб бораётир қовжирок дашт ичкарасига...

### 3

Ана-мана ортда қолди Тўлин Ой қалъаси, энди у нукта каби кичрайган, бағрида фақат ўзигагина маълум қайғу-қувончи ва мақсад-муддаосини яширганча, эрий-эрий хиралашиб, исмсиз буржларга сингишиб борадир...

Энди Қўлдош Камон тиклаган қошона салобати

ва сехру жодусини Саидбек Умар ҳам, Бўзтой ҳам, Моҳина ҳам бутунлай унутган... Ақл бовар қилмас даражада узоқ йўл танобини тортиш учун қарор берган йўловчилар хуши-фикри ҳозир бошқа нарсада: ўлчами йўқ ўлчамдан Чақалокни тезроқ Сариоёғлар қадами етмайдиган узоқ жойларга олиб кетиш керак, ана, Чақалок умидвор бокиб, бу дунёга сифмасман, ўзимникини топиб беринг, дея беун ҳайкираётир. Ким рад эта олар тилагини, ахир, киндигини мозийда кесишган, демак, қадами келаси кунларга етажак, бунга айниқса Саидбек билан Бўзтой имони комил, иншооллоҳ, эрта ҳеч кимга панд бермай, улғайгани сари, Эна Кўкбўри сути кўнглига шижоат ато қилаверар. Ана, қадди-бастида ҳозирданоқ баҳодирга хос сифатлар зуҳур, вақти-соати етиб майдон талаб қилса борми, сичқон инини ижарага олар ановилар. Шу кун яқин, шу кун келса Саидбек отаси мулла Умар, умуман, қайсидир бобокалони саналган Ўғизхондан қолган ёдгорлик қайга яширилганини кулоғига шипшиб қўяжак, токи у Кўкбўриларни ўша паноҳ остида бирлаштиришга эришсин...

— Дадаси, алағдаман...

Аллақачон Моҳина чарчаб ҳолдан тойган, шу боис энди Чақалокни Бўзтой кўтарволган... Ҳалидан бери Моҳина ичини киринди сидираётир, аниқроғи, хув тўқайдан гала-гала қуш чиркираганча кўкка кўтарилган пайтдаёқ сизди хавфни. Ана шуниси етмай турувди, бетга пайдар-пай урилаётган кум тўзони, қуёш пуркаётган олов каммиди?

Тишлари қайралган, башараларидан захар томаётган пойлоқчилар Сайфи етовида шитоб яқинлашаётгани Саидбек Умарга аллақачон аён, лекин Моҳина кўркмасин, Бўзтой руҳи чўкмасин, деган ўй билан дами ичида, иложи борича бепарво кўриниш, ортига қарамаслик пайида, ўзини ҳам, ҳамроҳларини ҳам чалғитиш учун, қайси йили катта бир шаҳарда рўй берган зилзила оқибатларини узук-юлуқ ҳикоя қилар, гоҳо чалғиб қолар, хижолат чекар Бўзтойнинг ўғринча назарини сезиб.

Ййдоқ сахро поёнсиз, у ўзида адашган...

Ажабо, қайси чегарасига чорлаётир қочоқларни?

Саидбек зимдан Бўзтойга қаради: ҳорғин чеҳрасидан кўнглидаги тилагини билиб олмоқчи бўлдимми? Ўқтамлик билан олға интилмакда Бўзтой... Кўзлаган манзили аниқ шекилли, ахир, ҳаммадан яхшироқ билар Чақалок истагини. Эҳтимол мўлжали Қуйруксойдир, қачондан

бери ошиқар киндик қони томган маконга, рост, азиз тупроғига юкуниш, Айиқтош елкасига минволиб, тирик эканини оламга баралла айтиш, қолаверса, падали Ёдгор валий этагини ўпишга кўздан интиқ. Фақат ҳалиги нохуш хабарни Саидбек унга қандай айтсин: бу кунда Қуйруқсой чароғбонидан айрилган, аниқроғи, Ёдгор валий ем бўлган Тамғали ғорига, қуриб кетгур ғор ямламай ютган отани. Бу бир тахмини, лекин ҳақиқатга яқин, ахир, ёруғ оламга чиқса кўрмасмиди ёки унинг ўзи сазо бермасмиди, ҳалигача дом-дараксиз, ҳалигача...

Тавба, нима кечди ўшанда, ғор тескари кийволдими тўнини, э, нимасини айтасиз, асли азалдан шунақа, феъли бузук, тагин айниб қолди кутилмаганда, шу денг Саидбекни ёнғоқ пўчоғидай қилиб чақа-сола улоқтириб ташлади ташқарига, аммо Ёдгор валийга қолганда тихирлик қилди нимагадир. Балки бошқачадир, ҳар ҳолда, Саидбек шунақа хаёлга борди, энишда, қуриган хас-хашак узра мук тушиб, гоҳо Ҳабибани ўйлаб, узок кутди отани, нақд тешилиб кетаёзди кўзлари. Ичкарида, мубҳам оламда кўрган-кечиргани бир рўё янглиғ айланар тасавурида, яна кўргиси келар улугвор иморатни, анов ёдгорликни, ниҳоят фақат кўнглига суяниб яшаган сулув мажнунани... Дилини ўртай бошлаган армон аста-секин истакка, сўнгра ёруғ орзуга айланар: мўъжиза масканига қайтиб бориши керак, токи бобомерос ёдгорликда зарбланган Улуғ Кўкбўри сувратига тўйиб-тўйиб боқсин, туйғун кўзли, жамалак сочли, сарв қоматли малак билан туғилиб улгурмасдан ҳижронга айланган ишқ ҳақида сирлашсин, ахийри, бугунни келаси билан кечмиш ўртасида кўприк қилолган мўйсафидни етаклаганча ортига қайтсин...

Ярадор шер каби олға ташланди.

Бас, ювиши лозим гуноҳини...

Намунча ғашлиги боисини унча тушунмасди, бироқ бир нарсадан умидворки, ҳозир ғор унақа тентаклик қилмас, қулочини кенг ёйиб, очиқ чехра билан қаршилар, сўнг чечаклари иффор таратиб яшнаётган водийга, кўрки-камолини намойиш этаётган иморат қошига бегараз йўллар, ҳозир, ҳозироқ рўй беради шу мўъжиза; лекин нима бўлди, у, аввалгидек феъли торлик қилиб, тош дарвозаларини кўндаланг айлаганча, ҳар бирини қулф-калит билан зичлаб ёпиб ташлабдики, ҳай-ҳай, ана кўргилик...

Кўриб-билиб турганига Саидбек ишонмади, йўк, деди

хурпайиб, анов куни тортинмай-қисинмай, эмин-эркин, холисона йўл берган, сира ҳам ранжитмаган, алҳол, табиатида меҳр ва оқибат борлигини тантилиқ билан исботлаган, бугун ҳам сийлаши керак. Шу умидни дилига қайтадан тугиб, аллоҳдан мадад тилаб, мисли кўрилмаган қатъият-ла, яна илгари босди. Ғалаба қозонишига имон ўғирди, аммо тез толиқди, тиззалари қалтираб, кўзлари қароқди, йўлтўсар харсанглардан бири гирдига қарс урди калласини ва лайлак бўлиб ағдарилди тап-такир ерга.

Хуноби ошган Саидбек Умар мўйлаби эндигина сабзалаган кезларда ҳам неча бор шунақа аҳволга тушганини эслади, аччиқ-аччиқ кулди, барибир топаман кўнглингни, сен мени тушунишинг керак, эй Тамғали ғори, дея хитоб қилди-да, яна қачондир тақдир пешонасига битган олишувга отланди, ёпирай, тирсақлари ва тиззалари шилина-шилина узоқ эмаклаб, бутунлай ҳолдан тойиб, разм солсаки, шундоқ ичкари бўсағада, шағал-қум узра сулайиб ётадир, оғзидан кўпиги келиб. Бировга айтса ишонмас: рўпарада ғалати чўнқайган ғадир-будир сўлақмон қоя атрофида париллаб айлана-айлана етган жойи шу экан...

Айёр ғор тушовлаб қўйган мени! Шу ғалати фикр қиздирди миясини, дағ-дағ учиб, юраги увишиб, зах ерга бериб ётди кўкрагини, Ёдгор валийга жони ачиди, кексайиб қолган шайх ҳоли не кечишини ўйлади, лекин ўйи адоғи кўринмади, мана, ҳозир Моҳина қўлидан ушлаб, Чақалоққа қарай-қарай, Бўзтой билан бўйлашиб бораркан, ўша ҳодиса ўғирлади эс-хушини яна ва гумириб кетди юраги. Шунчаём ношуд бўладими одам, кечмиши дийдорига дош беролмагани устига, ёлғиз ташлаб қочди Ёдгор валийни тош қафасда, охиратда ул зоти шариф бетига қандай қарайди, қандай?

Хўрсиниқ тикилди бўғзига, киприклари намланиб, уф тортди астагина, яхшики, улуғ савобни қаттол уволга айлантирганидан Бўзтой беҳабар, сал ҳидини сезсами жаҳли кўзиб, ичи қоврилиб, қовоқ-тумшуғи осилиб тушса керак, сиз билан бир кемага тушган одам шўрига шўрва тўкиларкан, деб ёзғириши ҳам тайин. Руҳи чўкишини айтинг шундай қалтис паллада, ҳа, ҳозирча хабар топмасин, мавриди келса ўзи ётиғи билан тушунтириб қўяр.

Асли, тахминича, ҳозир Бўзтой арзи-ҳол қилиб тортишадиган, бирон ханғомани тинглайдиган, бирон

саргузаштга кизикадиган аҳволда эмас, шунақа тўлиб-тошганки, ўзига ҳам, дунёга ҳам сифмас. Ахир, у бир вақтлар Қуйруқсой заминада йўкотгани — дил жавҳарини топиш учун койинаётганидан Саидбек қандай тонсин? Қисмат Бўзтойни аямаган, қисмат қачондир Саидбек Болалиги қиёфасида уни ўғирлаган, энди эса у қайтиб келди, ана шунинг шукронаси учун мағрур ва журъатли бўлиши, таъқибга киришган Сайфини чалғитиши, иложини топса лаънатини кафанга ўраб барханлар қаърига абадий кўмиши керак.

— Оғажон, Сайфи қаттол, аямас ҳеч биримизни, — пешонасидан оқаётган реза-реза терни кафти билан сидирди Бўзтой. — Шундай экан, келинг, биз ҳам бир тадбир қўллайлик, токи бад нияти бўйнига сиртмоқ бўлиб тушин.

— Мен тайёрман, — деди Саидбек иккиланмай.

— Хўш, фақир чапга юраман, сиз ўннга... Мен касамхўрлар тўдасига кўриниш бергунча саксовуллар панасидан кўзғалманг. Чақалокни сизга, сизни худойим паноҳига топширдим. Қани, азизларим, бўш келманг.

— Сени тутволишса-чи, Бўзтой?

— Мен ўз ихтиёрим билан боряппан ўша муттахамлар хузурига!..

Кув ўчди Саидбек Умар ранг-рўйи, ҳасратидан чанг чиққудек бир ҳолда ёқа ушлади, нималар деб саннаётир Бўзтой? Йўқ, ўртага калласини тикаётир ва бунга йўл қўймас, наҳотки уни ўз хоҳиш-иродаси билан ажал човутига топширса? Кемага тушганнинг жони бир эмасми? Ҳали Саидбек диёнатини сотворганича йўқ, нима бўлганда ҳам қайтаради танлаган қалтис йўлидан, кўзланган манзилгача, аччиқ-чучукка баравар чидаб, ўзаро ҳамдарду ҳамнафас бўлиб, бирга-бирга боришлари керак.

Бўзтой маъноли кўз қисди, муштини ҳам дангал дўлайтирди...

Энди Саидбек сал хушёр тортди, ўғлон авзойидаги катъият айтиб турарди мақсадини: у кўпам анқов эмас, хийлада гап кўплигини билар, ҳа, амал-тақал билан аврайди Сайфини, тилини топиб ишонтиради ёлғонига, сўнг Қўлдош Камон каттиқ умид боғлаган олғир тозини, қаллоб шериклари билан бирга, овораи сарсон қилиш учун етаклаб кетар чўлнинг аллақайси номаълум кутбига, ҳайҳот, улар ёнида ўзи ҳам ҳалокатга учраса-чи?

## ЎНИНЧИ БОБ

### 1

Бўзтой йўргалаб борди анча жойгача, кейин югура кетди оёғини қўлига олиб, саробда мудраётган кенгликлар оша кўздан йўқолди зумда, ғуж-ғуж саксовуллар ихотасида лолу ҳайрон турган Саидбек билан Моҳина недир умид-ла ортидан термилар, нимага, не муддаода бундай интиқ жовдирашаётгани боисини эса аzza-баzza билишмас...

Саидбек наздида сахро тамом куйиккан, сахро лаҳза сайин авжига миниб, ҳар не тирик жонни зир титратиш билан қудратини намоёиш этаётган жазирама тимсолида неларга қодирлигини англагандай... Қовоғи солиқ улкан барханлар ичра деярли ҳаёт нишонаси сезилмас, ҳаёт эгачиси вақт бунини якқол эътироф этиб, кенгликлар бўйлаб осуда ва серғулув йўриқларини ўрнатган, ҳатто кум аждарҳо эмас, кўкдан тушган ва пойлоқчиликни бошлаб юборган асроил билан ҳам тил бириктирган...

Сахро эртаси сари ошиққан не-не кишилар кўксига чок солмаган. Ҳозир бир жунбишга келса борми, Саидбекни ҳам, Моҳинани ҳам, Чақалокни ҳам кўрдим демай бир лўкма қилиши, бир жойдан иккинчи жойга сурон солиб кўчадиган беқарор барханлари зарби-залвари остида мажақлаб, жаҳаннамга улоқтириб ташлаши ҳамирдан қил суғургандай осон. Сахро авваламбор Чақалокқа ўқталмоқда, гўдаккина бўй-бастини тобора аниқроқ намоён қилаётган укубатга яна қанча чидаркин? Жазирама зуғумига дош беролмай, тез орада Сайфи ҳам шаштидан қайтар, аммо ҳаргиз ўз йўриқлари билан ғолиб эканига ишонган дашт ўлганда ҳам аҳдини бузмас, аксинча, фалак султони пайдар-пай ёғдираётган аёвсиз тифлардан муттасил озикланар. Ана, фақат Чақалокни эмас, Моҳинани ҳам ҳолдан тойдирмиш, шўрлик хотини, нозик-ниҳоллиги устига, силласи қуриган эмасми, ҳазон каби қақшаб-қовжираб бораётир. Аллақачон ўлимига минг марта рози шекилли. Инқиллаб, киприклари намланиб, ютина-ютина зўрба-зўр илгарилар тиззасига қадар кум-тупроқ кечган ҳолда, их, тошгами, бутагами, қоқилиб мункиб кетди ногоҳ, сал қолди-я Чақалок қўлидан коптоқдай отилиб кетишига. Ким билсин, не

кор-хол рўй берарди, агар Саидбек чаққонлик қилиб кўмак беришга улгурмаса.

Недир хавфданми, бошқа нарсаданми, огоҳ этган каби, бирдан Чақалоқ йиғлаворди чинқириб; эти юпкалашиб, териси қовжираган ёноқларидан дувиллаб тўкилган шабнам янглиғ шаффоф ёш мисоли дарёки, бир тошиб, бир мавжланиб, фарқ қилмоқчи гўё чархи кажни. Лағча чўғга айланган Чақалоқ дарди-дунёси нелигини билиб турган Саидбек вужуди ўртана бошлади сим-сим... Тишини-тишига босиб, бор иродасини сафарбар этиб, овутишга киришди, кошки у кўнса, аксинча, дунёни бошига кўтаргудек алфозда зўр бериб нола қилар, оёқ-қўлини тинимсиз типирчилатар, худо ёрдам бермаса, уни тинчитиш осонмас.

О, гажиргина, мулзам бўлиб, нотавон киёфада эзилиб турган, буқаламун дунё билан битим тузишда нўноқлик қилиб қолган эру хотинга шафқат қилсанг-чи!

Моҳина бу қадар эпсиз-уқувсиз эканидан Саидбек беҳабар экан, нукул жангари феълени пеш қилаётган Чақалоқни овутиш нари турсин, тавба, кўшилишиб хўнграйди денг. Гўдак нимаю бу нима? Жаҳли кўзиб, сабр косаси тўлган эр алами ва армонини ёш қилиб тўкаётган хотинини жеркимоқчи бўлар, лекин захрини сочганидан зиғирча наф борми?

Саидбек зўрға босади ўзини, энди хаёли рутубатли совуқ ўрмонга, билч-билч лой, чирик-хўл хазон қоплаган хилват гўшага ва гуриллаган ёнғин ичида тўлганган қишлоққа кўчар. Дилини зиддиятли кечинмалар қамрар, ахир, ўша оғир фурсатларда жиддий ваколат билан Эна Кўкбўри қадам ранжида қилмиш, энди бул машаққатли вазифани ким олиши мумкин гарданига қақроқ, ёвуз ва шип-шийдам саҳрода?

— Э, азаматим, — Саидбек Умар аранг одимлаётган Моҳинадан нигоҳини узиб, Чақалоққа қадади, — нечук бу қадар инжиқлик? Ахир, сен Ўғизхон мансуб улуг шажаранинг бир ҳалқасисан, Кўкбўрилар қавмининг бўлғувчи қиблагоҳисан. Шаҳзода каби тутгил ўзингни, қўй, қўзичоқдай маърайверма, йиғи сендай жўмардга ярашмас. Очикқан ва чанқаган бўлсанг — чида, қаноат қилишни ва нафсга кулф уришни ҳозирдан ўрган. Айтгандай, Эна Кўкбўридан кўмак кутмагин, унинг сутидан ҳам умид қилма. Азиз волиданг тик туриб жон таслим қилди Сариеўлар қўлида!



Энди сазо бермай қўйди Чақалок...

Қовоқлари гупдек уриб чиққан Моҳина ҳам жим...

Фақат юраги йиғлар ўксиб-ўксиб... Ҳозир у эри кўзига ёмон кўринаётганидан хижолатда, шундай кунда Чақалок дардига малҳам бўлолмаётгани учун куйинар, лекин қўли калта, имкони чекланган бўлса нима қилсин? Яна, бунинг қайсарлиги ҳеч бир рисолага тўғри келмас, ора-сира бир култум-ярим култум сув ичганини айтмаса, ҳалигача туз тотган эмас...

— Кулуним, Энабоши бекоргамас, сени ва мени деб, қолаверса, улур шажара бахти-тахтини деб кетди, — ўйчан қиёфада, шошилмай, дона-дона қилиб сўйлашга киришди Саидбек Умар. — Биз учун кўксини яланг қилиб тутди меҳрибон волидамиз. Катта кулфат тушди бошимизга, энди умид сендан, сен унинг покиза сийна-сини булғамокчи бўлган, охир-окибат юрагини суғуриб олган кўрнамаклардан ўч олишинг керак. Иншоллоҳ Кўкбўрилар салтанати ва шуҳратини тиклаш ҳам сенин зиммангда. Бардам бўлгин, сабру бардошингни ишга солгин, худо кўрсатмасин, сен букилсанг бутун авлодимиз ҳам букилар!..

Саидбек Умар, мийиғида кулги, илҳом-завқ, иштиёқ билан тўлиб-тошиб гурунглашар, нигоҳини бир лаҳза ҳам узмас анчайин сергакланиб ва осуда тортиб қолган Чақалокнинг чўғланган бетидан, бир холдаки, гўё ширин-шакар меҳри билан йўрғаклаб, гурс-гурс тепаётган юраги тагида жойласа гўдақкинани. Буғланган тер ҳиди аралаш нимтатир ис гупиллаб урилар димоғига. Ажиб сархушлик туяди. Моҳинани эса унутган. Шўрлик Моҳина, рангида ранг қолмаган, зўрға имиллаб босар қадамини. Чамаси, Тўлин Ой қалъасининг хилват ва зах хужраси баданида қолдирган асорат энди кўрсатаётир кучини. Жонҳолатда оҳ деворди бир маҳал, сўнг юзини бужмайтирганча, ёнбоши билан кулади қайноқ кумга. Кўрқиб кетган Саидбек ҳимояси билан нарирокда якка тикрайиб ўсган, сийрак шоҳлари ҳавога найзадек санчилган қари саксовул остигача аранг борди судралиб.

Кеч тушди, тонг отди, лекин қаники бир қадам жилгани хушлари товласа, жаҳлга минволган дашт кишан уриб ташлаган гўё оёқ-қўлларига. Ҳеч бир нажот дараги йўк: рўпарада нафаси иссиқ барханлар гуширади тинмай, сароб мавжланади кумуш тусда (ёпирай, сувми?), тўфон хуруж қилиб қолар ҳар замонда. Тобора куюқлашаётган

чанг-гўзон, хас-хашак ўйинига тикилганча Саидбек ҳатто вақтга ҳам бўйсунмайдиган масофа танобини тортишни ўйлар... Оғзи буткул қоқ... Шунақа қуруқшаганки, ҳатто ютиниши ҳам маҳол... Бир қултумгина бўлса ҳозир ўша жонивордан, атиги томоғини хўлласа... Ҳозир бошқа нима ҳам керак, дунёси ҳам сариқ чақага арзимас, Қуйруксойда бўлиб қолсами, эҳ, Айиқтош этагидан оқиб тушадиган шарқироқ сойда маза қилиб чўмилмасмиди, зилол сувидан тўйиб-тўйиб ичмасмиди ҳовучида?

Тун бўйи Саидбек бедор... Сал мизғувди, тушига кадрдон сой кирди айқириб, ажабки, Моҳина билан бирга, Чақалокни чўмилтираётган эмиш, ҳузур қилган Чақалок қикир-қикир кулармиш, қўйворинглар, ўзим сузаман, дермиш чуғурлаб. Хайрли шекилли туши, Саидбек хотиржам тортиб уйғонди, анчагача тепасида бирин-сирин сўнаётган юлдузларга термилиб ётди, ниҳоят, тунги салкинда бир оз ором олган Чақалокни опичлаб, Моҳинани секин туртди-да, ҳайё-хуйт йўлга тушди.

— Бай-бай, полвон, жа баданинг бўшашиб қоптими? Ибей, сени қара-ю, шунақаси сендай валломат шаънига ярашадими? Унақа кўп чучанглама, яхши кунлар ҳам етаклашиб келар ҳали, тўкинлик ҳам букюриб қолар, яйловларни йилқилар кишнаши, туялар ўқириши, қўй-қўзилар маъраши тутиб кетар, чор-атроф мунақа шипшийдан бўлиб ётмас. Ризкинг иншооллох бутун... Ибба, ҳой, шумтака, емаган-ичмаган бўлсанг, қаёқдан бир ариқ нарсани жур-жур қивординг? Ў-ў, қойил!

Моҳинани ҳайратга солганча Саидбек пиқирлаб кулворди, буни қара, болади азамат, деди хотинига хўл кўйлагини кўрсатиб, ёпирай, шу лаҳза сахро ҳам товуш бергандай туюлар, қувноқ нидо дашт ичкарисидан эшитилаётирми ёки юраги қаъридан? Сирли шавққа тўлиб, аста чертиб қўйди Чақалок бурни учига. Шукур, қароқларида нажот учқуни порлар, ҳа, фақат Саидбек эмас, у ҳам арзи-ҳол қилаётир, фақат завқу шавқини нигоҳи билан сўйлар, демак, Саидбек дил қулоғи билан тинглаши керак, Моҳина ҳам... Қара, Моҳина, берирок сурил!..

— Бу дунёга қўноқ бўлиб келдим...

— Эшитдингми?

Саросар одимлаётган Моҳина бош ирғади. Роҳатбахш бир тафт югургилади баданига....

— Ҳей, йигитлар сиртлони, бокишингдаги ҳар маъно белимизга қувват, кўзимизга нур... Ёруғ дунёга синов учун келганимизга ишора қиялсан, шундайми? Ҳа, барака топ!.. И-ии, нима бўлди, бурунчангни жийириб олдинг? Биламан нимага зорлигингни, ҳалолини сўраялсан, ҳе, дариф, бунақа нарса саҳрои кабирда не қилсин, саҳро қурумсоқликни одат қилган, илож қанча, чидайсан, энди сабр сенга ҳам сув, ҳам сут!..

Чақалоқ қайдан куч топди? Фудрана-фудрана ҳасратини тўкаётган Саидбек кучоғида осуда мизғиди. Нозик киприклари бир майин, бир беозор қовушган... Саидбек ҳузур қилди унга тикилиб, лекин Моҳинага назари тушгач, таъби тирриқ бўлди. Чўпдек озиб қолган, кўзлари киртайган хотинига ичи ачиди, ҳозир у гўё ному нишонсиз бир ўлчамда бир учи кўмилган ёрочдек тип-тикка қотган. Қорайган бети ҳам, тикилиши ҳам маъносиз, чамаси қайдалигини ҳам унутган.

— Моҳина, жоним, тургил, вақтимиз зиқ!..

— Худо хайрингизни берсин, — деди у қуруқшаган лабларини ялаб, — индаманг, тинчгина ўлай, савобга қоласиз.

Энди Саидбек нима қилсин: дод солсинми?

Осмон узоқ, ер қаттиқ...

Не қиларини билмай, қалласи ғовлаб, яна жимгина Моҳинага термилди: нафас олаётирми, йўқми? Уф тортаркан, гўё ичи ўпирилиб тушди, ахир, бирдан-бир ҳамроҳидан ажралиб қолса, манов норасида билан не кечар ҳоли тинкирлаган соқов саҳрода?

— Моҳина, шафқат қил!..

Бақирди, ёлворди, бўлмади: Моҳина ҳоли забун...

Ноилож қолган Саидбек Умар, ўзидан ўтганини ўзи билиб, бошмалдоғини сўра бошлаган Чақалоққа мурожат қилди: худо бу кунимизни ҳам кўп кўрмасайди, бўталоғим! Сўнг нимагадир ўзини айблади, мунақа довриаб қолмаслигим керак, деди минғирлаб. Шўрлик Моҳина чарчаган, мирикиб ухлаб, ҳордиқ чиқарса, куч йиғса ўзига кеб қолар. Аҳа, қимирлади чоғи, не маъно зуҳурланди лабларида? Ҳозир унга бир култум сувдан бўлак нарса керак эмас, аммо қаёқдан олсин ўша қурғурни.

Топилмас экан, деб қўл қовуштириб ўтириши ҳам яхшимас, ярашмайди эркаклик шаънига. Ҳозир таваккал қилади, Чақалоқни унинг ёнига ётқизиб қўяди-да, таф-

тиш ўтказади чор атрофда, зора чўпон-чўлик сурувини суғориш учун қазиган қудуқ-мудуқ учраса.

Ҳар қандай имконсиз ҳолатда бир имкон яширин, фақат уни топа билиш лозим. Анча-мунча ўзига ишончи ортиб, мийиғида кулиб кўйди, анов қир ортида ё жилға, ё ҳовуз кутаётгандек, ғалати шувиллар юраги. Аммо имилламаслиги керак, тими́рскиланиб юришга ҳаққи йўқ, қанот боғлаб учиб бориши ва учиб қайтиши ҳам қарз, ҳам фарз. Худо кўллаб, ўша неъмат топилса, барча жумбоқлар ечилиб, саҳрони тиз чўктиришлари тайин. Оббо, бошлаворди-ку азамат жанжалини, мана шуниси чаток, одобни сақлаш керак, мулла, ҳа, шундай бўлсин, мана бу ерда думалаб ёта тур, бошмалдоғингни шимияпсанми, жуда соз, шуни эрмак қилавер, фақат йиғлама, кипригингда нам кўрса Саидбек мазаси қочар, руҳи синар, қани нари-берини синчиклаб текшириб кўрсин-чи, кўнгли сезаётир, қайдадир жимир-жимир қайнаб ётар нажот чашмаси...

## 2

Нафаси тикилиб Саидбек роса изғиди, юмронқозик бўлиб кетди ўзиям...

На чора, дала-гузда инсоф йўқ: нукул сароб пеш қилгани.

Моҳина, қайғурма, ишқилиб тирикмисан?

О, ўғлон, сен ҳам чўкма, бугун топилмаган эса, эрта шаксиз топилар, ҳай-хай, Саидбек кўярқанми, икки дунёда ҳам қўймас, чайирликдан феълига юққан озгина, айникса икки оёғи бир этикка тикилган кезларда чунон тошар ғайрати, бир ишни охирига еткизмагунча тинчимас. Аҳди қатъий, керак бўлсами, тишлари ё тирноқлари билан қудуқ қазир. Инон бунга, ўғлон, фақат инжиқлик қилма, Саидбек бағрини тирнама, эҳ-хе, барака топгур, ҳалиям бошмалдоқ жониворни чилп-чилп сўриб ётипсан-ку!

Топволган машғулотидан Чақалоқ мамнун, икки лунжини шишириб, ғалати пишиллаб ютинар тез-тез. Мунчоқ-мунчоқ кўзлари жилдирайди денг, ким билсин, тақдирдан нолиётирми? Қўй, паҳлавоним, нолима, сен унака тоифадан эмас, дея гудранди Саидбек ва, уни даст кўтарди-да, қимир этмай ётган Моҳина қорнига ўтқизди авайлаб. Нега шундай қилди, ўзи ҳам ҳайрон,

эхтимол, шунчаки ҳазиллашгиси келгандир ёки бошқа муддаодамиди?

Аввал Чақалоқ йиғлаворди, кейин бирдан тинчиб, сомондек сарғайган беозор чехрага қадади нигоҳини. Илҳақ бир нарсасини кўриб қолгандек, анчагача хайрихоҳ тикилиб турди, недир умид нишона берди қароқларида. Беозоргина талпинди, илиқ табассум ҳам ҳадя қилиб улгурди, кулгичлари бирам ёришдики, нурга кўмилди гўё бутун борлиғи. Ажабо, не ҳол кечаётир Чақалоқда?

Энди Моҳина тўлғана бошлади безовтаҳол...

Оҳанрабо майдонига тушиб қолгандек, сирли энтикиб, сирли орзиқди, баданида — майин-майин жимирлаш... Аста кўтарди паришон киприкларини: наmunча ёп-ёруғ олам? Ёқимли бир қутлов чалинаётир қулоғига, аллаким қайгадир, не юмушгадир чорлаётир, нима, шунақа ҳол кечадими ўлимдан олдин? Балки бу тушдир, балки рўёдир? Мана бу тиришқоқ ва таваккалчи маъбуд эса қийиб қўяркан ҳазилни, сўлиб-ковжираган эмчагига чанг солди қурғур, вай, тавба, эммоқчи чамаси, нимасини эмади, шилпиллаб қолган терисиними?

Милт-милт ёш юва бошлади Моҳина ёноқларини, Моҳина, ич-ичидан эзилиб, бошини кўтарди аста ва бор-йўғини бағишлагиси келди гўдакка, аммо кошки бунинг иложи бўлса, кошки кўкси бирдан тўлишса, дилбанди Фузайлни тўйғазиб юрган вақтидагидек сахийлиги тутса, кўрки ва камолини намоёиш этиб, қайнаса ва кўпириб тошса!..

Минг ўргилсин атрофидан, ох, бу наmunча талпинчоқ!?

Чиндан ҳам у бўш келишни истамас, шербаччадай чирпанганча ёпишволган сийнага, сийна, бир чашмаки, такка тортиб кетган бутунлай. Бу ҳол нелигини фақат Моҳина ўзи ҳис қилар бўшашиб, сўнг ўқинар, сўлиган эмчакларини жонсарак пайпаслаётган интизор лаблар тафтини туяр, ажабо, аста-секин лоҳаслиги чекина борар ва нимадир тасалли бағишлар вужудига.

Яна қандайдир товуш акс-садо берадир кўксида, илтари хечам бунақа ҳолни туймаган, бунинг нималигини балки эри тушунтириб берар?

— Вой, тавба, нима бўлаётти манга? — деди Моҳина ҳасратидан чанг чиқиб, нозик панжалари билан Чақалоқ елкасини силай-силаё. — Кўнглим худди бегонаники... бирам алғов-далғов!

— Асабинг толикқан, хотин, — деди Саидбек зўр-базўр жилмайиб. — Худодан хотиржамлик тила, ҳадеб эзилаверма, эс-хушингни йиғвол, шукур қил, енгил тортасан.

— Хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг, кўзимга ўн саккиз яшар йигитча бўлиб кўриняпсиз, — Моҳина, Чақалоқни бағридан кўймай, инқиллаб-синкиллаб турди. — Ёлғон айтсам тил тортмай ўлай!

— Эсинг жойидами, хотин?

— Сиз куёвсиз, мен эсам... келинчак.

— Э-э, яшшавор-е!

— Шу денг... бинойидек безатилган шинам уйда узоқ кутганмишман сизни сарғайиб. Тўй бўмасдан чимилдиққа кирганмишман. Эрта данғиллама тўй қиламиз, деб ову-таркан онайиз менгинани. Хўп деб қуллуқ қиларканман, аммо кўксим тўла оҳ, кўзим тўла ёш экан. Сиз эса дараксиз кетипсиз, ҳамон йўлингизга термилиш экан машғулотим!..

Ўткир тиф тилимлаган каби ногоҳ ачишиб кетди Саидбек Умар бовури, Чақалоқни авайлаб қучоқлаганча, арзи-ҳол қилаётган Моҳинага не жавоб айтарини билмас. Энди руҳида ҳам хуруж қила бошлар тийиқсиз санчиқ... Кутилмаган ҳодиса гўё ақл-идрокидан хорижда рўй бераётир. Хусусан, Моҳина каловланган ва ҳовлиққан кўйи тушида сўйламакда, буни хушида ҳазм қилиши душвор, ахир, қаёқдан кўча қолди унга Ҳабибанинг надоматга тўла ҳайратомуз қисмати? Анов тушунуксиз оламда Ҳабиба кечирган турмушда Саидбек қачондир билиб-билмай қилган Гуноҳ залвори ва оғриғи жам, эҳ, буни Моҳинага тушунтириш осонми?

— Бас, тийил, — деди Саидбек титроғини босишга тиришиб. — Суюлиб копти миянг. Ҳадеб вайсаганча болага қара тузукроқ. Бечора сенга қанчалар интиқ. Сутинг бўмаса бўмас, бир қатрагина меҳринг ҳам йўқми?

Энди Моҳина гезариб қолди, тасавурида жонланиб турган, ипак гул-нақшлари шинам ва кўркам хона зий-натиға уйғун тушган чимилдиқни таърифлаш иштиёқи сўнди. Ачиша бошлаган кўзларини чирт юмувдики, нимадир илиқ-илиқ тошди ичида ва ғалати ҳаприқди. Камина бўй қизман, патила-патила сочларимда толпопук! Шивирлагиси келди ёки шивирладими, билмайди, ногоҳ хаёл олиб қочди, ёпирай, дилида келинлик ҳаваси, очилиб-сочилиб, соллона-соллона сайр қилиб юрар шил-дираб оқаётган сой бўйида...

Кейин Моҳина бошқача энтикиб кетди, қитиғи келди, о, гўдаккина беозор бир чайирлик билан чангаллаб олган эмчагини, ҳамон интиғу интизор, чанқоқ лабларида бир нозик ифодаки, рағбат ва умид билан йўғрилган. Раҳмдил тангрим, айтгил, не чораи тадбир қилса ора тушар бунинг азиз жонига?

— Эй худо, уволга ботмасайдик!..

Ҳамон Моҳина бемажол, суяк-суягигача қақшаб оғрир, гўё увокланиб бораётир, лекин чиройи сал тетиклашди-да, кутилмаган ўктам овозда мурожаат қилди эрига, бирпас жимгина ўй сургач, аста ўпди Чақалоқни сўлинқираган бетидан. Ажабо, Чақалоқ бирдан чириллашини тўхтатиб, юшқоқкина кулди кикирлаб. Шунда гўё ёришиб кетгандек туюлди поёнсиз олам, яна халиги сирли товуш акс садо берди кўксига, ширин энтиқди, хўш, қандай шарҳласин бу аҳволини, аттанги, Эна Кўкбўри бўлолмас, шунингдек, хасис эмаслиги ҳам аён, ахир, иложини топсайди, тез-тез соғмасмиди меҳрини ийдириб?

— Сен ҳалиям алаҳлаяпсан чоғимда?

Ному нишонсиз ўтда жиз-биз қоврилаётган Моҳинага ҳазил аралаш таъна ёғдирди Саидбек... Зимдан тажанг: Ҳабиба руҳи билан руҳи қачон қовушдийкин? Шаксиз, у не бир баҳонаи сабаб билан ҳаракатга келган ўлчамига тасодифан Ҳабиба ақл-идрокидан кўчган изтироблар тўлқинини учратган ва шунга инои-ихтиёрини бериб қўйган. Мана энди суврати ва сийратида ўша малак қадди-басти ва армонларини кўраётир. Ажабмаски, шу боис келинчаклик даврини ҳам қўмсаётган бўлса, бу бир жиҳатдан яхши — тасалли, лекин, иккинчи тарафдан, мавриди эмас. Ҳозир кўнгли кўчасига маҳлиё бўлиб ўтирганча эрта сўлаётган гўдакни эпласа-чи. Туппа-тузук билар увол нелигини, ҳаётга ташна, меҳрга илҳақ нора-сида билан тил топишиш хунаридан эса беҳабар. Ахир, эриб-эриб алла айтса, суйиб-суйиб алқаса, оёқ-қўлини авайлабгина уқаласа, ҳовурдан тушиб, ташламасми хар-хашасини. Ўрнида айтилган мағзи тўқ сўз хориган танга озик, чўллаган жонга роҳат ва мадад, буни Моҳинаси тушгур билиши керак, агар у эвини қилмаса, асроилга чап беришлари гумон.

Аллақачон асроил, Сайфидан умидини узган Қўлдош Камон йўллаган бошқа гуруҳга аралашиб, қум кечганча,

ўйдим-чуқурлар бўйлаб, изларидан эланқоран ўрмалаб келаётир. Ёруғ дунёда ҳали ҳеч ким уни чалғитолган эмас, уларга йўл бўлсин. Кун-бакун силлалари қуриб, юриш-туришлари ва ҳаракатларидан барака ариб бо-раётир. Офтоб тиккадан ура бошлаганда, бирон сояни пана билиб, жимгина ётишади чўзилиб: кум — ёстик, кум — тўшак. Ҳали буниси ҳолва, эрта кафанлари ҳам, тобутлари ҳам, тобуткашлари ҳам қаҳрини аямаётган саҳронинг ўзи бўлмаса.

Саидбек бир синиклик сизди руҳида, лекин ўзини кўлга олди дарҳол: шундай қалтис дамда сувга тушган мушукдай шалвирашига бало борми? Тик тутиши керак қадди-бастини ҳозир, акс ҳолда Моҳина олдида шармандаи шармисор бўлур, тагин, ўртада ҳаргиз Чақалоқ кўндаланг, ахир, Эна Кўкбўри тириклигида у хору зорлик кўрмаган, нечун энди азоб чексин. Улуғ ҳомий сийлаган жонни улар ҳам кўзлари қорачиғидай асрашлари лозим. Ҳали унга муносиб исм қўйишлари керак, ё, парвардигор, Ўғиз номини беришса-чи, ҳа, боболаридан нишона, Ўғиз бўла қолсин, бу таклифи Моҳинага ҳам маъкул тушар, қани, хотин, қутла гўдагингни.

— Ҳа, дадаси, оғзингиз қулогийизда?

Энди чехраси ёришиб, анча очилиб кулди, эҳ дея, ўмганини кериб, шап-шап уриб қўйди кафтини кафтига. Аҳдини янаям пишитгач, бугундан ўғлон Ўғизбой, илойим шавкатли баҳодир авлоди эканини оқласин, деди ҳаяжонини босолмай.

Ростдан ҳам Моҳина қувонди, эри эътирофидаги ғурур шалоладай оқиб кирди дилига. Шунинг баробарида меҳр тўла кўзларини Чақалоққа тикди интиқланиб; энди Чақалоқ тагин ҳам лоҳас, нигоҳи эса анчайин тийрак ва кутилмаганда кучукчадай биғиллаб, юмшоқ-юмшоқ вижимлай бошлади Моҳина сийнасини. Аломат эрмакка бутун борлиғи билан шўнғиди: гоҳ гашиқиб тортқилар, гоҳ қизғаниб чимчилар, гоҳ дўлайиб эз-филар. Кафтлари бирам ёқимлики, ўзини тутолмай эн-тикар Моҳина, китиғи ҳам келар ошиб-тошиб, бу ҳис айниқса шунақа сирлики, ловуллатиб юборар жамийки хужайрасини.

— Ўғизимдан ўргилай, қора кўзимдан ўргилай!..

Қаймоқдек юмшоқ, ипақдек майин энди Моҳина товуши, алла каби сеҳрлар Чақалоқни, у, ажаб тарзда тантиқланиб, чўғланган бетини қайта-қайта босар



курукшаган сийнага, о, тентаккина, ҳалиям узмадингми умидингни?

Мурғак вужудга сингиб кетишни орзу қилаётган Моҳина нозик кечинмаларга ғарқ... Ҳатто Саидбек Умар ҳам тотли изтироблар гирдобидида бир телбаланиб, бир сархушланиб сузадир. Ҳозир эру хотин олис водийда балқиб турган Саодат мамлақати фуқаросига айланиб, аҳил-иноқ яшаш мақсадида тоабат қовушмоқ, тоабат аҳду вафо қошонасини ардоқламоқ учун бири-бирига қарчиғайлар мисоли талпинар. Тириклик билан эши бир шаффоф нафасни ҳам сезишар, дуқирлаб ура бошлар юраклари, хошишларики, ногоҳ кўнгиллари иқлимида ёға бошлаган абри найсон зарраларига аввало саҳро тўйволсин, кимки, қир-зов оша, қум-бархан оша, хор-зор ва сарсон-саргардон юрган эса, ўша тўйсин мириқиб, сўнг чатнаган қумга, чирсиллаган тошга, қовжирок ўт-ўланга, япроқлари шовдираб тўкилган дов-дарахтга навбат етар, ниҳоят, ўрмалаган қурт-қумурсқа, соя-салқин излаб ҳалак паррандаю дарранда худо ато қилган роҳатга қонар. Қартайган олам шунда қирчиллама йигитдек ёшариб, ҳаргиз қисиниб қолган тоғлар баландроқ кўтарар ўмганини. Ташналик азобидан жони оғриб, тораёиб, пинакка кетган дарёлар бирдан гувлаб уйғонар, қирғоқларига сифмай тўлиб-тошиб оқар, эртасидан умидини узган ариқларда зангор мавжлар тизгинини узиб ўйноқлар, ҳатто ҳар ерда дўмпайган барханлар учидан фавворалар зувиллаб отилар, зилол тўлқинлар ҳотамтойлик билан салқин уфурар-да, бутун борлиққа ҳукмини ўтказаётган жазирагани, гоҳ мағрибни, гоҳ машриқни забт этиб еру кўкни кўмиб юбораётган тўфонни бир зарб ила қишанлар. Сўнг сарғайган олам яшил либос қияр: тақир тепалар, яйдоқ сайҳонликлар, янтоқзор-шўразорлар бошқа ўлчамга чекинар, улар ўрнида жаннат каби сўлим боғ-роғлар гурқирар, қошоналар қад ростлар, кўзни қувнатадиган сокин хиёбонларда, барқ уриб очилган гулираёнолар қўйнида, офатижон қумри-булбуллар хониш айлаб, нозик баданли жонона жайронлар нозу қарашма ила сайру саёҳатга ошиқар, ҳай-ҳай!..

Саҳро ва ажал фариштаси эмас, ичига қирволган мор билан ҳам олишаётган Чақалоқ Саидбек ва Моҳина Саодат мамлақатида хаёлан қовушгани, ўйлари чувалана-чувалана шиддатли тус олаётганини сезди ча-

маси... Шип-шийдам кучокда у ҳам ўз ўйи, ўз эрмаги билан машғул, фақат ичакларини кемираётган махлук шаштини синдириш илқидан келмас, айниқса, лаҳза сайин хуружга кираётган жазирама борлиғини элитиб, хужайраларидаги охирги қатра намни сириқтира шимиб олаётганидан доғда. Барибир ахду қароридан қайтмас, сўлиган эмчакка босволган бетини, ана, сийна туб-тубидан элас-элас сирли сас келаётир, шу заҳоти кўнглига осмон бор бўйи-эни ва залвори билан қуйилиб киргандай бўлар, сўнг оқсоқол тоғлар виқори, зумрад далалар шовуллаши, тинмасак сой шилдираши, олмос шабнамлар жилоси майин-майин ёпирилар. Энди жиддий мўлтираб боқар, руҳи қанотланган, чатнаган дудокларида недир ифода, нигоҳи ошиқиб сўйланар: Мен Ўғизман, Эна Кўкбўри боласи — Ўғиз! Ҳамиша уйғоқ нигоҳи шивирлади, сокин чайқалаётган қорачиқлари ичидагини юмшоқ-юмшоқ қилиб айтди. Борлиғини ҳарир тўлқинлар чулғади, гўё ўз шодлиги ва эътирофида чўмилаётир, бинобарин, Ўғиз эканини ошкор айлаб, нозик ховучларида нима яширмиш, жавоҳиротми?

Ана, энди фақат еру кўк эмас, ҳар зарра, ҳар тош-кесак, ҳар бута ларзон-ларзон: замин тирикликка бор-йўғини ҳадя қилишга анчадан бери ҳозирлик кўргандек бир алфозда, фалак ҳам меҳрини нисор айлашга иштиёқманд — зангор бўшлиққа сонсиз юлдузни аямай сочворган. Шундоқ тепани гўё йилт-йилт чакнаётган тилла тангалар тутган, сўнг бири лип этиб ёнар, қолганларига ҳам учкун туташар, порлай-порлай тонгда улардан нишона қолмас, улкан қизил шар уфқ тахтига минар-да, бутун борлиқни ҳукмига бўйсундирар, у авайлабгина йўллаган тола-тола нур Чақалоқ киприқларида жилоланиб синар. Субҳидам қутловидан сархуш бўлар ва беихтиёр ёзиб юборар қулочини.

Шодлана-шодлана тонгни қаршилаган Чақалоқнинг шундоқ қўлтиғи-елқаси аралаш бағридан патлари сийму зар билан ҳошияланган каби нафис жуфт кабутар потирлаганча кўтарилар ҳавога...

Баландда, мовий бўшлиқда, нечадир сония алоҳида-алоҳида чарх уриб, ахийри, жониворлар бирлашиб олишар шошинқираб... Жимити қанотларини деярли силкитмай муаллақ юзишар анчагача ҳарир маъвода... Ва сариёғ мисоли эрий-эрий йўқолишар. Қай маҳалдир яна пайдо бўлишар парча булут биқинида. Суза-суза

жипслашган чоқларида мангу собит осмон токи гулдирар безовталаниб, ер бир силкинар, кирлар бели букилиб, тоғлар тоши тўкилар увоқлана-увоқлана. Тиниқ ва мовий ранглар бўзарар, аста-секин қуюқлашиб, тим қора тусга кирар, фалак буржлари ўзаро тўкнашгандек, яшин чакнаб, яна қалдирок тутар атрофни, титранган товуш салқин бўй уфурар, ниҳоят, оқдан-оқ майда-майин томчилар, кўк сатҳида бодрай-бодрай, кумуш янглиғ жозиб тўлқинга айланиб, жазирама комида қақраб ётган ерни савалай кетар шиддатли тарзда.

Саидбек Умар босолмас ўпкасини, Моҳинани бўйнидан маҳкам қучиб йиғлаворар баралла... Кўкси сирли кўтарилиб тушаётган Моҳина базўр босиб турар ўзини... Қирғоқдаги балиқ каби Чақалоқ каппа-каппа очаётир овзини... Илимсиқ ёмғир эса эзиб ёғаётир, шифо бўлувчи тоза доналар, баланддан сачраб кела-кела, дувиллаганча бошлари, елкалари, кўкракларига урилар, гўё бор армонларини ювиб юборишга аҳд қилган каби ойдин ва бесабр шарорага айланар.

Шивалай-шивалай ёмғир тинди, кўк гумбази ёришди, ҳам чўмилиб, ҳам чанқоғини бостирган сахро киёфаси шунақа ёқимли, нафаси шунақа юмшоқ бўлиб қолдики, эр-хотин бир-бирига хайрихоҳ қараб мамнун жилмайди...

Ҳали Чақалоқ бағридан илқис парвоз қилган жуфт кабутарни Моҳина яна ногоҳ кўрди тепада. Ҳануз бир иноқлик ва бир қатъият жам қушлар ҳаракатида. Моҳина буни туйган фурсатда кизик бўлди: қай бир бўғинида нимадир аста симиллаб, чидаш маҳол оғриққа айланди. Осмондан ҳали қуйилган шарора янглиғ тезкор оғриқ товонидан тепасигача ишғол қилди зумда. Аъзои бадани кўпчиб, қоқ миясида, қоқ юрагида ўнлаб, эҳтимол, юзлаб чакмоқ портлади бараварига...

### 3

Чақалоқни нима қилди Моҳина, ташлавордими бехосдан?

Шунақа гангидики, не кўйга тушиб, не ходиса кечаётганини ақлига сиғдиролмас, сал кейинроқ, пича ўзини ўнглагач, бир ҳолатга қаратди эътиборини: гўё бурда-бурда бўлди ҳалигина сирқираган оғриқ пайдо қилган туйғу комида, ҳаял ўтмай сочилган эти ва суяк-

лари, фавқулодда ҳузур ато қилганча, юмшоқ-юмшоқ йиғила бошлади ёруғ доира ичида. Зирқираш чекинди, антикиш аралаш ҳаловат эгаллади ўрнини, чамаси, қачондир мувозанатини йўқотган мувозанат қайта тикланди руҳида, ҳали санчиқни таслим қилган роҳат томирлари бўйлаб югургилади ғолибона, шошила келиб, шабнамда ювилган гул япроғидек тозарган кўксига куйилди иссиқ-иссиқ...

Ғалати ҳолга тушар Моҳина, кимнингдир таъқибкор назаридан чўчиган каби мушукдайгина тикилиб олар эри пинжига. Сўнг ёмғирда жони ҳузур топган Чақалоқни, гоҳ укалаб, гоҳ алқаб-эркалаб, нақд дилига жойлагудек бўлар. Бир лаҳза ҳам қучоғидан бўшатгиси келмас. Ширин-шакар сўзлар айтиб, меҳри ийиб, ўзини унга яқин олгани, жонини жонига тенг кўргани, мунчоқ-мунчоқ кўзлари тубига чўккиси келгани сари тўлиқиб бораверар ажиб тарзда. Тиниқлашган руҳида недир тилак инқилобга эврилар — ғалаён бошлар, билсаки, томирларидаги жамийки қони, вужудини чулғаган жамийки ҳарорат, шахт ила оқиб кела-кела, қуруқшаб қолган ва тароватини йўқотган сийнасида, безовта тепаётган юрагининг қайсидир мунаввар нуқтасида тўпланаётир.

Ахийри, Моҳина тутолмади ўзини, беҳол оҳ чекди ихраниб, инон-ихтиёри жиловини беихтиёр қўйвораркан, қўшалок юлдуз каби чақнай бошлади кўзлари. Бутун борлиғи палахса-палахса кўпчиди, сийнаси эса тортила-тортила тўлишди, сўлқиллабгина турибди ва ниҳоят тирсиллаб-қизариб кетган эмчаклари учи бир-икки юмшоқ-юмшоқ санчиди, сўнг оқдан-оқ, қуюққина, илимсик томчилар тизиллаб отилди ақлни олар даражада.

Не синоат рўй берди, неча йил мудраб, муз қотган, оқибат, бор-йўғини унутиб, инкор этиб, хорлаб, камситиб келган вужуд уйғондими тўсатдан, ё раб!?

Атрофни муаттар ис тутди, буни лолу хайрон турган, ҳаприқиб кетаётган Саидбек Умар ҳам сезди, теран қониқиш туйди руҳида. Поёнсиз дала-туз ёқалаб сабзагул таровати, турна кўзли булоқлар нафаси йўргалаб, кумри ва булбулнинг нозик адо хонишлари билан йўғрилган алла саси таралгандай бўлди наздида. Қайдан келаётир тириклик нидоси? Азал ё абад қаъриданми ёки Моҳина дили тубидан? Синоат қошида Саидбек ожиз, Моҳина эса бу ҳақда ўйлаб ҳам кўрмас, асли ҳозир қурби етмас бунга, ҳозир у ўзи ўзига ўралашиб, бўғзига тикилган

ҳаяжон баробарида ҳиқиллаб, йиғи аралаш телбаланиб кулар, сочлари тўзғиб, елкалари силкина-силкина баралла хўнграй бошлар, қудратингдан айланай, қодир эгам! — дер қулт ютиниб, сўнг борлигини билдирган, фано ёнида бақо мавжуд эканини англата олган эмчагини интиғу интизор Чақалоқ оғзига ўнглаб ошиқиб.

Энди Моҳина буткул масрур: илиқ-илиқ марварид томчилар тулуп янглиғ таранглашган сийнасидан бояги ёмғирдек шивалай кетди майингина... Ҳушёр тортган Чақалоқ бир хил эшилди, анчадан бери ютоқиб, бесабр мўлтираб, пайпасланиб турган эмасми, оппа-осон топди юмалоқланиб, ажабтовур бўртган эмчакни. Суйимлиси билан топишди, шунинг шарафига бир бор кулиб ҳам олди қиқирлаб. Сўнг жадал киришди ишга.

Бу лаҳза, эмчак, бамисоли оҳанрабо, йўқ, жилмайиб боқаётган, яхшисини ошириб, ёмонини яширишга тиришадиган дунёнинг ўзгинаси. Буни Чақалоқ мурғак идроки билан англади, нозик томирларига мислсиз куч оқиб кирди, энди руҳи ҳам, ақли ҳам шамдек чароғон... Бўғзига панжаларини ботирган азроил ими-жим уриб кетди чўл ичкарисига, бошида ёноқларини арта-арта жилмайиб қўяётган Аёл соябон, у кўзига Эна Кўкбўри бўлиб кўринаётган бўлса не ажаб?

Чақалоқ бемалол тўйволди, хайрият чекинди азобу укубат дарвозасидан...

Моҳина, гўдагинг ҳады этаётган табассум муборак!

Меҳрибон сийнага Чақалоқ яна авайлабгина босди бетини, уйқуга чўмди пишиллаб, Моҳина ҳам чарчок туйди, билмай қолди секин қумга чўзилганини. О, роҳатли дунё! Бир маҳал, кўкдан тушган холис ниётли малаклар қош-қовоғини силаб-сийпалаб, кафтларида тутгандек эъзозлаб туришувдики, туйқус дилни қитиқлайдиган танбурий оҳангни эслатадиган эзгин ва жозиб куй чалинди қулоғига. Ётган жойида қимирламай кўзларини очсаки, тамоми борлиқ янаям ёшариб, оҳори тўкилмаган рангин либосларга бурканган, ўнгирлар, қир-тепалар, барханлар, дарахтлар учи ял-ял ёнадир шафақ оловида, илҳоми жўшган шўх-шаддод жайронлар, сағриларини ялтиратганча, чор атрофга жавлон уриб чопадир, саҳархез тўрғайлар интизорлик васфини вижир-вижир наволарига соладир, поёнсиз кўк бурчида ёлғиз қолган назокатли ой оҳиста чайкалаётган заминга ийманибгина ҳарир ёғду сепадир.

Яна қараса, Саидбек Умар ҳам бедор, ҳали куриб улгурмаган нам кумда бемалол ёнбошлаган, хотиржам ва мамнун ўй сурмоқда, чақнаётган нигоҳи Чақалоқда. Ҳаргиз, янглишмаса, эри ўғлон меҳри ва соғинчини дилида тугён ураётган сурур билан қовуштирган, ўғлон эса, мунисона кулимсираб, ўрталарида типирчилаб ётадир, гоҳида фалакка нигоҳ қадар, чуғур-чуғур қилиб тепага қўлларини чўзар, гўё, недир орзиқиш билан, юксакда танҳо сайр этаётган жонон сайёрани суҳбатга чорлар.

— Ўғзимдан ўргилай, қора кўзимдан ўргилай!..

Яна Моҳина ийди, бол томди тилидан, Чақалоқ бошқатдан ёпишди сийнасига. Энди қувватга тўлиб, анча тутволган ўзини, бемалол давом эттиради ишини. Худо ёрлақаб, омади чопди, кечмиш соҳилидан қадамини узиб, эртанги кун бўсағасига етишди. Ана, нима зуҳурланди нигоҳида: ҳайрат ва сабр сувратими?

Ҳамон жимжит йўл кутар олдинда, нималар ваъда қилаётгани қоронғи, кўра-билиб туришгани — поён-сизлик... Яхшики жазирама ҳоври пасайган, кучларига ҳам энди бемалол ишонишар, тинмай олға босишлари жоиз, фақат, э, қодир эгам, айтгил, қайда туб қўйиб, қайда палак ёзишсин?

— Жоним, паҳлавоним, Ўғзим, сахро ҳам йўрғагинг, ҳам бешигинг, эрта эр етсанг, эҳтимол, арғумоғинг ҳам бўлар, — эмчагини чангаллаб сўраётган Чақалоқни аста-аста тебратади Моҳина. — Қарагин, болам, ёввойи дала-дашт ҳам ўз йўриқлари билан яшаб, неки борини азиз санаркан. Одамзод шунча ақли ва фаросати билан ўзини ўзи танимай ўтиши кўп жабр, кўп малол. Бу нималигини кечикмай билишинг керак.

Осмон тўлишиб, илимсик доналар сочади.

Мағриб ва машриқ оралиғи — ифорга тўла, хузур-бахш...

Кунлар шукуҳи таърифга сиғмас, фақат мазгил қайда, мазгил?

— Ўғлим, Ўғиз, яхши ҳам ўтаркан, ёмон ҳам, тагин бундан чалғиб колма, беқарор бўлсанг уволга ботасан, буни камина кўп кўрдим, неча маротаба қашқа бўлди пешонам, — Моҳинадан кейин Саидбек Умар бошлар арзи ҳолини. — Бўйнингга осилган мана бу дандон тишдан тузилган шода қадрига етгил, у умрбод таскин бериб, Кўкбўрилар авлодидан эканингни эслатиб тургай. Уқиб олки, асл Кўкбўрилар танги ва мағрур келурлар,

улар бир-бирлари гўштини ҳам, бир-бирлари бошини ҳам емаслар.

Ноумид шайтон, ҳар ҳолда, паст-баланд ўғитлари этига эт, бўйига бўй, шўхлигига шўхлик қўшилаётган Чақалоқ қулоғига сирғадек тақилиб қолаётганига ишонар эр-хотин, бинобарин, ўғлон қиёфаси ва хатти-ҳаракатида намоён зийраклик ва шижоат уларни тамом мафтун этган, илоё, ёмон кўзлардан асрагин дея, худога баравар ўтинишар эрта-кеч...

Очиғи, Саидбек Умар, бир тарафдан фахрланса, иккинчи жиҳатдан ташвишда: ҳаёт иту битни сира аямас, турли зарбага шай туриши керак жигарбандлари Ўғиз ҳам... Эрта қисмат уни букиб қўймасми? Хайтовур эрта умр ўғлонга ё тенгсиз роҳат, ё мислсиз азоб бўлажаги ҳозирдан сезилаётир. Ёки, у, бирон-бир омонат сандонда товланиб, увол билан савоб, овир билан енгил ўртасида муаллақ туриб қоларми?

Аммо оралиқ мазгил ато қиладиган омаддан бандасини худо асрасин, бу нарсадан Моҳина гофил, Саидбек эса... миридан-сиригача билар аросат ўйинини. Кўпдан-кўп бутун жонларни майиб-мажруҳ айлаган Ёртилик қонуни кўҳна заминда азалу абад илдиз отгани унга кундек равшан. Ёртилик балосидан кимлар юрак олдирмаган, ҳатто Саидбек ўзи ҳам зада, тан олар, асли, гоҳ Қўлдош Камон, гоҳ Жобир Кирпи, гоҳ Сайфи, гоҳ бошқаси қиёфасида Ёртилик таъкиб қилаётир, фақат ундан эмас, ўзидан ҳам қочаётир, шунинг баробарида ўзи сари интилмоқда, омади кулиб, ўзини топса, шу — ўзида ўлгани, шу кўнглига парвоз қилгани, вақти-соати етса бу қувончни кадрдонлари билан баҳам кўражак...

Ногоҳ, Ёдгор валийни эслаб, бир хил бўшашди...

Ҳаргиз тан беради ҳазратга, унинг маслағиким, илгаритдан парвардигор бандасини қабиҳона ниятлардан адаштирган, дор остида ҳам қалтирамай, дилда ниҳон гавҳарларни мусаффо сақлашга ундаган. Кимки тангри даъватига қулоқ солса тахти комилликка етишур, икки дунёда ҳам хорлик чангини ютмас. Нафсни кишанлаш, қаноатга суяниш, иймонни кўзга нур, белга мадор айлаш, аввало, ҳар кимнинг ўзига, иккиламчи, жаҳолат сиртмоғидан қутулиш учун жон чекаётган бани башарга қайишмаги демак.

Азалий ва абадий қоида шу: чидамол, чайир,

серғайрат бұлсин одам боласи, сал нарсага тоб ташлаш, айниқса шамол эсган тарафга қараб букилиш шаънизмга муносиб эмас, кишики бировга чоҳ қазимасин, казиса, ўшанга бир кун ўзи қулар. Яна, бегона билан хисоблашмак умр безаги эрур, кимки таниш-нотанишни менсимай гердайса бу ўзини камситгани, кимки ҳабиб кўнгил уйини вайрон айласа, бу ўзини ерлаб, иззат-нафсига хиёнат қилгани.

Бас, ёдимизда турсинки, омонат мақсад, омонат эътиқод, омонат ҳузур-ҳаловат эвазига мартаба ва шуҳрат орттириш, охири, маслаксиз, суянчу юпанчсиз қолиш Одам Ато ва Момо Ҳаво замонидаёқ ажриқдай урчиган. Туя миниб, узокни чамалаган зотлар бунингдек гирдобга маҳлиё бўлишдан ҳазар қилганлар. Жаҳолат билан оғиз-бурун ўпишган ҳар қандай каснинг дили ҳам, косаси ҳам оқариши даргумондир. Айримлар Кўкбўриларга ҳам, Сариеўларга ҳам бирдек садоқат кўрсатиш пайида елиб-югурарлар, алар билсинки, икки кема бошини тутган одам ғалабаси ахийри надомат денгизига чўкиб кетиш билан якунланур. Манфаат истаб ниқоб киймак айниқса жон азобидир, бу ҳол мангу тавқу лаънат муқаддимаси — энг улуғ кулфат ҳисобланур.

Кучлилар ва ожизлар ўртасида инсофу диёнат бузилмас кўприк бўлиши лозим. Кун турса ҳам, ой турса ҳам зўрга! — қабалидаги шиор ислоҳга муҳтож, иложи борича ундан тезроқ воз кечмоқ лозим, токи турмуш завқу шавқи фақат дасти-тили узун чапдасту чакқонларга эмас, хокисорлар жамоасига ҳам бирдек насиб этсин.

Эски масалким, бадавлат, кулоғигача қуруму лойқага ботган эса-да, ҳаргиз бегуноҳ саналур — сувдан қуруқ чиқаверар, қўли калта камбағал, соясидан ҳуркиб яшаса, айбу увол ҳатто тушига кирмаса ҳам, ўтирса ўпоғу, турса сўпоқ, бас, тириклай деворга бостириш керак. Буни тарозига қўйиб кўринг, ёронлар!

Тағин, аллоҳ жазони холисга эмас, мунофиққа буюрган, жазо покни хорламасин, ҳийлагар ниқобини йиртсин, алҳол, айбсизни айбдор топмак ва қийнамак орқали айш суриш — дилда тўрлаган майлни қондириш ва ҳамиша тамага мойил нафсни тўйғазиш билан баробар. Оғир устидану енгил остидан юришга одатланган Ёртилик ақл машғалини ўчириб, кўнгил кўрғонини



бузишга бел боғлаган кўрнамакларга дастак бўлмаслиги керак.

Ер дарди-кувончига бирдай шерик башаргина ҳаргиз нафсга тобе эмас, алалхусус, аҳли мўмин берган ваколлатга кўра, элчилик либосини кийган зотлар аксарият ҳолларда аллоҳ ҳазар қилган кўчаларда вақт-бевақт санғирлар, қадри пўчокдан ҳам паст нарсаларга кўз тикиб, охир-оқибат, жисму жонларини шармисор надоматнинг жизганак айлагувчи гулханига ирғитарлар.

Ҳайхот, афсус ила лим-лим такрор алар меъдасига урмадими?

Нафси балога қарши жиҳодки йўқ, қай ҳолда ғофилмиз, шуни билайлик...

Сариоёғлар этагини ўпиш ва улар босган излар гардини кўзларига тўтиё айлашдан элчиларимиз тийилишмаса — ғафлат уйқусидан уйғонишмаса, афсус, чархи гардун бугун ҳам, эрта ҳам талошу саваш, фитнес фасод уммони ичра чорасиз колур. Асли, бу дунёда ҳеч ким ўзини ожиз санамас, ҳар ким шерга қиёслар ўзини, шунчалик билан рўй берган гуноҳи азимлар учун жавобгар топилиши душвор, бунга ажабланмаслик ҳам керак, лекин шундоқ пойимизда нола қилаётган бугун ва келаси билан бўйлашадиган, бугун ва келаси эзгу истаклари ва кечинмаларини тинглайдиган валломат қайда?

Саидбек Умар кўнглига озми-кўп назар солгандек бир аҳволда...

Булар Ёдгор валийдан олган сабоқларим, дер ичида...

Сўнг беихтиёр яйраб кетар: ҳой, ширинтой, ростдан ўғизмисан?

Ғойибдан садо: Инон!.. Инонавер!..

Ва нам аралаш ҳовуч-ҳовуч шуъла ёпириллар.

Эсда қолгани шу: севинчга ғарқ эр-хотин баравар кучоқлар Чақалоқни, у билан бир тан, бир жонга айланишар. Рухлари қанотланган... Жимгина юзиб боришар поёнсиз бўшлиқда, уқпар булутлар толаси юмшоқ-юмшоқ урилар бетларига. Ортда қолар кўп исмсиз бекатлар, ниҳоят қуйига шўнғий-шўнғий кўниш, ҳаётнинг ўзи қадарли муқаддас кўниш...

Қайси бурж, қайси ўлчам, қайси қутбда туришар, дафъатан айтиш кийин, атроф манзараси дилни сеҳрлаб кўядиган даражада мароқли ва фусункор, мағрур осмон

гўё замин пойига эна келиб тиз чўккан, мағрибдаги олабужир юксак чўққи елкасига бемалол қўнган куёш шафак пуркайди, кенгликлар эмас, дарадан пастга кийик янглиғ сапчилаётган сой ҳам тарам-тарам қизилга бўялган. Анов харобалар қўйнида ниш урган гиёҳлар ҳам ясан-тусанга мойил, ёпирай, хув нарида сокин чайқалаётган қўш дўлана япроклари нимани бунча сирли-сирли шивирлаётир?

Паришон туриб қолган Саидбек Умар кўксини баланд тутган Айиктошни, оғзи ланг очиқ Тамғали ғорини, оғир-енгилга бирдек чидаб келган тошқалов кулбани кўриб энтикди. Кулба олдида, ёпирай, кимлар ўралашаётир? Оҳорли оқ яктак кийиб, белини белбоғ билан сириб боғлаган саллали чол... Бошланг, оёқланг, қийғир қарашли ўсмир... Ўсмир қашов билан кулба ёнидаги сайхонликда эринибгина ўтлаётган чавқар бияни ҳафсала билан қашлаётир. Бия думи билан пашша хайдар ҳар замонда, сўнг югургилаганча олислаб кетган қулуни ортидан қарай-қарай кишнаб қўяр безовтахол...

Юраги қинидан отилиб чиқаёзган Саидбек хуш-беҳуш бир-икки қадам босди илгарига, сўнг беихтиёр тиз чўкиб, аста ўпди нимтатир бўй таратаётган ерни, қачондир Болалиги билан сирдош бўлган тупроқдан бир ҳовучини ҳавода муаллақ тутганча, бир ўксиниб, бир қувониб хайқирди:

Ку-уйру-у-уксо-о-ойй, хе-е-хе-е-ейй, о-от-а-а юрти-иимм!

Олизда, еру осмон оралиғида, виқор тўкиб хаёл сураётган, неча бор яхши-ёмонга гувоҳ ўтган, яхши-ёмонга яна қайта-қайта шоҳид бўладиган, энг қалтис дамда ҳам сирини сиртига чиқазмайдиган тоғ-тошдан жарангдор акс-садо қайтиб турди анча маҳалгача...

# МУЛК

ҚИССА



## I

Ботаётган куз қуёши тилла баркашдек ялтирайди, тарам-тарам қизғиш нурлари бутун шаҳарни кўмган, мовий бўшлиқда муаллақ улкан гумбазлар ва миноралар кифтида ялт-юлт синади.

Регистон майдонида қад ростлаган уч муаззам обида ҳам фалак султони билан хайрлашмоқда. Рангин кошинкорий либос кийган Шердор мадрасаси билан бўйлашган ёғоч ҳавоза пояларидан бирида кечки манзарани қизиксиниб кузатаётган, эндигина мўйлаби сабза урган Шамсиддин ажаб бир туйғулардан масрур; шундоқ тепада юзаётган сонсиз кабутарлар билан бирга қанот қоқиб ўйнашгиси, қайси бир номаълум томонларга учиб кетгиси келади...

Шердор мадрасаси пойида отаси уста Жамшиддин уйларига отлана бошлаган ёрдамчи-шогирдлар қуршовида не мавзудаир баҳс юритмоқда, ҳар замонда юқорига кўз қирини юбориб, туша қол маъносида ишора беради. Аммо у кимирламайди, аниқроғи, майдон манзараси ва бўёқлар сеҳрига боғланиб қолгандек лол-хайрон тураверади, сўнг пештоққа ўгирилади, охуга чанг солмоқчи бўлаётган баҳайбат шер баданини оҳиста силайди.

Бир пайт Шамсиддин қараса, падари аллақачон барчага ижозат берибди, сал нарида хиёл қовоқ уйиб, калта кузалган бежирим соқолини силай-силаё сукутга толибди. Бир ҳузур қилиб ичида кулди ва бугун шоири калон Собир Қамарий тузадиган амри маъруфда иштирок этишлари лозимлигини эслади. Мабодо кечикиб қолишса ҳайтовур одобдан эмас.

Энди Шамсиддин ошиқиб пастлади, отаси ёнида терлаб-пишиб одимлар экан, бугун давра беҳад кенг олиниб, ваъзхонлик ва қироатхонлик бўлишини, ниҳоят мусиқа-қўшиқ базми билан яқун топишини ўйлаб орзиқар эди.

Худда шундай мулоҳаза анча толиққан уста Жамшиддин дилидан ҳам кечар, бутун борлигини ажаб бир рағбат чулғаб, руҳи шодланар эди. Ахир, дил чиги-

лини ёзиш бобида амри маъруфдан маъкулроқ тадбир бор эканми ёруғ дунёда, қолаверса, ўғли билан бирга ошналари ҳам шунақа фикрда!..

Ана, қуёш ботиб, борлиқ оқшом пардасига ўралди, кечки шуъла ота-бола қўнглига шарора мисоли куйилди. Сўнг маълум ва машхур Оймаржон маҳалласига етиб-етмай бир хавотир туйишди. Ҳамма ёқ сув қуйгандек жимжит, кўча-кўйда бир зоғ кўринмас, бир шовур эшитилмас, ҳатто одатда қулоқни қоматга келтириб во-вуллайдиган итлар ҳам сазо бермас эди. Хокисор инсон қози Муҳаммад Валихон қурдирган қўш ошёнали гиштин иморат — бугунги амри маъруф ўтажак хонадон эгаси кўчиб кетгандек хувиллаб ётарди; Тангри таоло назари теккан ва фалак фаришталари қадами аримайдиган даргоҳ бунақа аҳволга тушгани, бутун туриш-турмушида недир таҳлика акс этгани таажжубга молик эди.

Бунақа бўлишини кутмаган ота-бола не қилишу қаён боришни билмай қоп-қоронғи ёрдан қолишмас кўча муюлишида саросар тўхташди; гўё тилла тангадек сочилган ва сокин живирлаётган сонсиз юлдузларни бағрига босган кўк уларга ачиниб боқаётганди. Шу ҳолда қанча туришди — билишмайди, шу дам тарвақайлаб ўсган бахайбат тут панасидан кимдир ён-верига аланглаб шитоб узилди, тозидек зипиллаб келди-да, уста Жамшиддин қулоғига шивирлади:

— Таксир, Қуръонни тезроқ пана қилинг!..

Ҳамон каловланиб турган устоз жулдир кийиниб, бошига дарвешларникига ўхшаш учлик қалпоқ қўндирган, нафаси қисилиб хансираётган Собир Қамарийни аранг таниди. Телбаваш қиёфа олган шоир, ўзиники қолиб, бошқа дарвозага уриб кетгани янаям ғалати туюлди.

Кейин нима учундир уста Жамшиддин бутун шаҳарда отнинг қашқасидек таниқли Шариф урфон ва яна алла-кимлар гўрига гишт қалади; шу-шу кунчиқар томонда, ёзин-қишин бирдек тўлиб оқадиган анхор нафаси уриб турадиган анжирзор боғ билан Умар чол тегирмони ўртасида жойлашган уйига етиб, ойнаванд ва нақшинкор жавон қўйилган шинам бўлмага киргунча чурқ этмади. Жавондан кўк бахмал муқоваси гирдлари зарҳал билан хошияланган Қуръони каримни олиб ўпди-да, мўлтираб қараётган хотини Ойдинбиби ва ўғли Шамсиддинга нажот истаб тикилди.

Сўнг уста Жамшиддин беихтиёр Каломуллоҳни

авайлаб бағрига босди, босаркан, вужудига сурур бахш этувчи ёкимли ҳарорат югургандек бўлди. Ногоҳ кўнгли ёришди-да, аллоҳ китобининг бутун шаҳри муаззамда яккаю ягона нусхаси қўлида турганини ўйлаб чексиз ифтихор туйди. Ана шу жавохир қози Муҳаммад Валихон кироатхонаси тўрида сақланар эди. Қандай азиз меҳмон ташриф буюрса, шубҳасиз, уни бир кўриш учун ошиқар, ихлос билан тавоф қилар эди. Бир ойча муқаддам устоз гард текизмай асрашга ваъда бериб, Собир Қамарийдан сўраб олувди, бинобарин, ўшандан бери Шамсиддин кўпинча кечалари боши остига қўйиб ётар, табаррук суралар ва оятларни ёдлаш билан машғул эди...

Энди нахотки шундай бойликдан жудо бўлишса?

Нимадир кўксини тилиб ўтгандек уста Жамшиддин беихтиёр хўрсинди. Шундоқ ҳам йўқ ердаги тўполонлардан толиққан шаҳарни тутган миш-мишлар баҳона ўзи ҳам сезувди — Куръон изидан одам тушган, аниқроғи, хуфия маҳкама Каломуллоҳни йўқотиш пайида бўлса керак. Маҳалла чойхонаси ва қайси бир клубда кечган йигинларда афту башараси маъносиз, тили бир қарич нотиклардан шунақа маза-матрасиз гаплар эшитдики, тепа сочи тикка бўлиб кетди. Бошохир тухматдан иборат сафсаталар замирида пинҳон мақсад-муддао даҳшатли эди.

Хуфия маҳкама чиндан ҳам енг ичида иш юритаётгани Собир Қамарий огоҳ этгандан кейин яна ҳам ойдинлашди. Нима бўлган тақдирда ҳам мудҳиш режани барбод қилиш, маҳкамани доғда қолдириш лозим, бинобарин, вақтни фанимат билиб, Куръони каримни тезроқ кўз тушмас овлоқда бекитиш маҳсадга мувофиқдир. Лекин шошганда лаббай топилмас: хавфу хатардан холи шундай ишончли жой қаерда? Ҳар қадамда пойлоқчи гумроҳлар този итлар каби изғиб-искаланиб юришибди.

Узоқ ўйлаш, иккиланиш учун вақт ҳам, имкон ҳам, шароит ҳам йўқ эди. Имиллаб ўтирмай, таваккал қилишга тўғри келади. Ва ногоҳ хаёлида кутилмаган фикр чакнади, ахир, шаҳар шарқи жанубидаги Ашаратхона обидаси аллоҳ таоло китоби учун мустаҳкам паноҳ бўлолмайдими!? Соҳибқирон Амир Темур курдирган, кўп шоҳидоналар шоҳиди бўлган мазкур иморат бу кунда унутилган, тутдек тўкилиб ётибди. Баъзи қўналгадан мосуво дарвешларни айтмаса, яқинига бир одам қадам босмайди. Фақат буржлари, хужраларини ёввойи кабу-

тарлар ва мушук-кучуклар макон айлаган. Бас, остида чукуррок хандак казилиб кўмилса кифоя — Куръон дахлсиз бўлади.

Уста Жамшиддин эртаси куни барвақт юраги аллатовур ўйноқлаганча Ашаратхона томон ўтди, киши билмас обида ён-верини сиичиклаб кўздан кечирди, бундан бошқа ўнғайроқ жой топиш амри маҳол эканлигига яна бир марта имон ўгирди-да, Шамсиддин билан бирга, ярим кечада ошланган мол терисига ўралган Каломуллохни олиб келди.

Бениҳоя ҳаяжонланаётган ота-бола катта саҳаргача бир сония ҳам тинмай тер тўкишди, иш битгач, енгил тортиб, бир офиз ҳам сўзлашмай, ҳовлига қайтишди. Ўша кеча уйку бўлмади, айвондаги чорпояда, сопол шамдонда липиллаб ёнаётган шам ёруғида пасту баланддан суҳбатлашиб ўтиришди. Ҳар замонда маъноли кўз уриштириб жилмайиб қўйишарди, ахир, энди улар дилида бирон-бир зоғ билиши мумкин бўлмаган сир ўрнашдики, бундан ҳар қанча фахр туйишса арзийди.

Эрталаб ота-бола Регистон сари ошиқиб бораркан, нечундир юраклари безовта тепарди. Аллакимлар ортларидан таъқиб қилиб юргандек туюларди. Муюлишларда, дарахтлар остида, дўконлар биқинида валақлашиб турган кимсалардан айниқса уста Жамшиддин хавотир чекарди. Ахир, улар сувни лойқалатиш ёки олисдан ҳид олишда нақадар устаси фаранг. Битта-яримтаси Ашаратхонада хазина кўмишганини кўриб қолган бўлса — тамом-да. Асли мана шулар сабабли бутун шаҳарни аста-секин кўз илғамас ғубор домига тортмоқда; кўчалар ва маҳаллалар, расталар ва бозорлар, ҳатто турфа бинолар шаклу шамойилини билдирмай ўзгартириб юбораётган тўзон нималигини каттаю кичик, жумладан, Ойдинбиби билан Шамсиддин унча англамас-да, уста Жамшиддин борича сезиб-билиб турар, кун сайин кўкси ўпирилгудек ҳолда ташвиши, хавотири ортиб борар ва ноилож ўзини хотиржам тутар эди.

Оқу қорани таниган ва аллақачон устозлик мақомига етишган падари бузруквор кўнглида ажриқлаган ғам-андух Шамсиддинга ҳам юқмай қолмади. Азалдан игна билан қудук қазишдек мураккаб ҳунар орқали тирикчилик қилган шажаранинг энг кенжаси — эндигина ўн бешни қоралаган йигитча билиб-билмай ҳаловатидан айрилди. Ўша омад юришмаган окшомдан бошлаб доим

ниманингдир ташвишини чекиб, нимадандир койиниб-ўксиниб юришга одатланди. Бутун шаҳар ҳаётини чулғаб бораётган шарпа сезимлари орқали юрагига сингиётганини ҳис этар ва кўпинча тунлари ухламасди. Айни пайтда умид қилишдан чарчамай, хайрли дамларни зориқиб, бетоқат кута бошлади; илгари ҳамиша бир ёқадан бош чиқариб иш тутган ёру биродарлар ҳар қаёққа тарқаб кетишгани учун ранжиди, неча марта қисиниб-қимтиниб шундоқ ҳам ғуссага ботиб юрган отасини тергади ва охири нияти ушаладиган бўлди.

Уста Жамшиддин ташаббусига биноан, навбатдаги амри маъруф келар шанба куни — шом билан хуфтон оралиғига тайин қилинди. Бу хабарни эшитган заҳоти Шамсиддин қанот боғлаб, боши кўкларга етгудек севинди, сўнг ўша муддат бениҳоя олисдек, ҳали-бери етиб келмайдигандек туюлиб, янада ғалати аҳволга тушди.

Сир бой бермаса-да, асли уста Жамшиддин ҳам анчайин тажанг ва бетоқат эди, қизиги, шу ишга бош кўшганидан бери, вақт имиллаб ўтишидан биринчи марта озор чекди.

Шанба куни тонгида лахча-лахча чўғдек ланғиллаган куёш, олис уфқдан эмас, гўё пориллаб ота-бола юраклари тубидан чиқди. Фалак бўйлаб эринмай юзган куёшни ота-бола охири мағриб сари мамнун кузатиб қўйишди. Дарҳол ишни тўхтатиб, Оймаржон маҳалласи сари ошиқишар экан, айрича ҳаяжон оғушида баравар антиқишар ва баравар қувонишар эди.

Ахир, бу оқшом Собир Қамарий хонадони улфатлар пойқадами билан янада шукухли бўлади, ҳадемай кўр оладиган жонон суҳбат субҳидамга қадар давом этади ва баҳонада ҳар бири дил чигилини ёзишга эришади...

Навбатдаги амри маъруф турли жабҳа рукнларини қизғин муҳокама этадиган ажиб маъракага айланиб кетишидан ота-бола ҳозирданоқ умидвор эди. Айниқса, қироатхонлик ва мусиқа баэзи авжига минишини ўйлашса, беихтиёр руҳлари ёришарди. Ҳаёлга толганча шошилиб одимлашаётгани сабабли бу кеч ҳам Оймаржон маҳалласи нотинчлигига дафъатан эътибор беришмади. Чор тарафдан гўё жаҳаннам нафаси уфурарди, ҳозироқ ажал фариштаси йўлни тўсиб жон сўрайдиганга ўхшайди. Илож қанча, савил қолгур омад яна тесқари қайтиб, иш яна бузилган кўринади. Тузоққа илинмасдан бурун жуфтакни ростлаш керак.



Жиғибийрон ҳолда, эҳтиёткорона одимлаб, ота-бола ҳалиги муюлишдан ўтишаётганда тунов кунгидек аломат либосга ўралган Собир Қамарий кўкқисдан олдиларини тўсди. Паст товушда узр сўрагач, бошқа чурқ этмай, жин кўчалардан айлантира-айлантира, охири этакдаги хуфия дарча орқали ҳовлисига чорлади. Ҳамиша ораста, файзли ва оп-ойдин бўладиган даргоҳда фавқулудда қуюқ зулмат чўккан эди, қуйи-юқори қаватлар умр бўйи нур тегмаган чалдиворни эслатар, деразалар бегонасираб боқар, томда телба шамол ниманидир калдиратиб ўйнатар эди. Одатда кеча-кундуз жағи тинмай ҳурадиган Олапар негадир сукутда — катагига қамал қўйилган, қўноқдаги товуклар қарахт каби қу-қуқламас, ошхонадаги ўчоққа ўт ёкилмаган эди...

Ҳамон Собир Қамарий ўзини гунгдек тутмоқда, кўзлари ҳамон олма-кесак тераётир. Нечундир шоир бор-йўқ журъатини бой бериб қўйгандек паришон эди. Айвонда ниҳоят секин Қуръони каримни суриштирди; хавотир чекманг қабалида жавоб олгач, йўрғалай бориб деразани чертди. Сал ўтмай завжаи ҳалоли Ҳилола отин эскироқ фонус узатди.

Қирқни қоралаган, шоҳи рўмол танғиган, бодом қовоқли аёл нигоҳидаги ташвиш ота-болани яна таҳликага солди. Яна ҳар ёқдан недир хатар хуруж қилаётгандек туюлди. Айни пайтда фонус ёруғи дилларига оз-моз умид бағишлади, мезбон изидан чўғдек товланувчан эроний гиламлар, оҳорли адрас-кимхоб кўрпачалар тўшалган хонага киришаркан, кўзлари кадрдон жамоа аъзоларига тушди. Фақат улар озчил, аввалги мажлисларни гуллатган кадрдон дўстлардан кўпчилиги кўринмас эди; давра тароватини йўқотган боғни эслатар, гурунг қовушмай турар, ҳар бир киёфада таҳлика аралаш недир шубҳа акс этган эди...

— Нимага бунингдек мотам тутурсиз? — салом-алиқдан кейин илмоқли савол ташлади уста Жамшиддин. — Яхши эмас. Чакки қилурсиз. Чарх савдолари қошида дадил кўкрак кериб, қўлни қўлга бермоғимиз лозим.

Қачондан бери таҳлика-хавотир оғушида оғир-оғир мушоҳада юритаётган қарахт ва афтодаҳол бўлган давра ушбу даъватдан кейин сал жонланди: кўзларга нур эниб, ёноқларга қон югурди.

Анча тетик тортган соҳиби хонадон Собир Қамарий ташаббусни қўлга олиш пайига тушди. Аввал пайдар-

пай улуг салафлари, сўнг ўзи бисотидан оҳангга солиб газал ва рубойи ўқиди; қиска танаффусдан кейин, унча эплолмаса-да, латифагўйликка кўчди. Раҳматли падари бузруквори қози Муҳаммад Валихон (аллоҳ илоё жаннат боғларидан жой ато айласин) ҳазил-мутойибага бениҳоя ўч дали-ғули одам бўлганини таъкидлагач, унинг ҳаётидан кизиқ-қизиқ ҳангомалар сўйлади...

— Устоз, илоё уйингиз бугдойга тўлсин, — сўз қотди саллали басавлат киши, жимлик чўкканидан фойдаланиб. — Ҳамон куфий ва сулс таъмири билан машғулсиз чоғимда?

— Шундоғ, уста Қурбон, — мийғида кулиб нигоҳини яширди уста Жамшиддин. — Чунонам нозик ва мураккаб экан. Юрак қонини қўшиб ётиппиз!.

— Тузук, фақат... бекор жон койитасиз-ов, — салласи нешини елкаси оша ташлади уста Қурбон. — Арабийни четга суриб, лотинини таомилга киргазиш пайидалар-ку.

Шаҳарда бошлаб юборилган, ҳали нималиги номаълум ислоҳ овозаси устоз қулоғига текканди, шундай эса-да, ҳозир юраги боғига тиф урилгандек бир сесканди. Бу борада аллакимлар, етти ўлчаб бир кесиш ўрнига, ортиқча шошаётганини ўйларкан, ногоҳ Шариф урфонни эслади.

Биродари Нозим новвойнииг тўнғич ўғли кечагина мадраса эшигидан чиқиб келган бўлиб, Мўлиён тарафдаги кичик бир мачитда имомлик қиларди; Қуръон тиловатида кироати чакки эмасди, ҳатто амри маъруф мунозараларига ишқибоз эди, даврада муҳим масалалар бўйича дадил тортишар, айрим сура-оятлар ва ҳадислар мазмунини балодек шарҳлаб берарди. Кейин бир думалаб янги мактаб муаллими бўлиб олди-да, бари билганидан бир йўла кечди, ҳатто амри маъруф йиғинларидан оёғини тийди, мабодо давра аҳлини кўрса, ўзини пананга уриб кетадиган бўлди. Сўнгроқ биров билса-бирова билмас маҳкама одамига айланди ва ташвиқотчилик фаолиятини бошлаб юборди.

Ҳаммаси гўрга, яқинда «Заррин» газитида кетма-кет бир нечта мақола бостирдики, мана шуниси айниқса ҳаммасидан ошиб тушди; уларда, эски ёзма манбаларни ер билан битта қилиб янчгани етмай, кўҳна обидаларни, хусусан, куфий, сулс ёки настаълик сингари деворий ёзувлар таъмирини тўхтатиш керак, деган фикрни

тўласинча ёқлаб чикди ва бундан кўпгина наққош усталар ҳаловати бузилди...

— Жамши, ўв, жигарим, — яна илиб кетди уста Курбон, — шоир газитдан аразлаганидан хабарингиз борми?

— Аразлаган эмас, думини тугишган, — кесатди муҳандислар пешвоси уста Мирсаид. — Бир газали Фаттоҳ Обидий иззат-нафсига теккан эмиш!

— Тилинг кесилгур Шарип урпон чаққан бўлса керак, — уф тортди мулла Аҳмад. — «Заррин» газити фаоли-да. Тумшугини тикмаган тешик йўғ-а, тоббо!..

— Оғалар, масала жиддийроқ, — надомат оҳангида давом этди уста Қўрбон. — Шоиримиз Шарип урпон тақдим этган битикларни маъзавага қиёслаган ва қайтариб башарасига отган!

— Оббо! — деди хўрсиниб уста Жамшиддин.

— Энди кўпдан бери иши терговда, — нимадир соя солди уста Курбон чехрасига. — Тавбангдан кетай, тахририят аравасини биргалашиб тортган ошналари ур калтагу сур калтак қилиб ётишганмиш. Кун ора муҳокама баҳона терисини тириклай шилиб олишларига озгина қопти.

— Айби нима, уста Курбон, — сўради уста Жамшиддин, тоқати тоқ бўлиб, — Шарип урпонни тузлаганими?

— Айбики, зарарли нарсаларни ҳимоя қилаётган учига чиққан жоҳил ва кўпорувчи эмиш! Ислоҳлар билан келиша олмайдиган ёт унсур эмиш! Шуям гап бўлдим, а, худойим?!

— Азизлар, эски ашулани кўяйлик, вақт тифиз, — орага суқилди ниҳоят Собир Қамарий бир оз ноқулай аҳв롤га тушиб. — Бунақа ланж гуруннга яраша камина ҳам дастурхонга ошни ланж қилиб тортаманми!?

— Шоир оғам, ҳозир томоқдан қил ўтмайди-ю, ош ўтармиди, — бош чайқади уста Курбон. — Тўғрими, Жамши жўра?

Яна хомушланиб, яна ҳам ўксинган устоз хаёлидан Шариф урфон башарасини кувишга уринди, қаршисида суҳбатга аралашмай ўтирган муғанний ва ҳофиз мулла Аҳмад сари зимдан кўз қирини ташлаб, бунақа мажлислар илгари нақадар гуриллаб ўтишини дилидан кечирди.

Ўзи каби маъюсланган Шамсиддин ҳам шу ҳақда

ўйлаётганини тахминлади. Чиндан йигитча давра нима учун жонланмаётгани устида бош қотирар, хозирок пойлоқчилар кириб келадигандек эшикка ҳадикли термилар эди.

## II

Уста Жамшиддин ёдида: илгари кўпинча йиғинни улус назарига тушган, оку қорани пухта таниган валинеъмати уста Фазлиддин Латифий бошқарарди. Кейин тақдир тақозоси билан раҳнамо бўлиш навбати ўзига тегди. Бундан алоҳида рағбат туяр ва ошналар бошини қовуштиришни савоби азим санар эди. Кўпинча улар шом билан хуфтон оралиғида Бибихоним жоме мачити ёки Шохизинда зиёратгоҳида тўпланишарди; ибодатдан кейин қўрланган мунозара гирд-теварагини кузда мўл-кўл ҳосил берадиган анжир, беҳи-олма, шафтоли ва ўрик дарахтлари ўраган ҳовлисида, баъзан жойинг жаннатда бўлгур қози Муҳаммад Валихон, гоҳо акобир-олимлар пешвоси саналган акаси мулла Ражаб хонадо-нида давом этарди.

Мартабадан кўра маърифатга кўпроқ берилган, ота-боболари билан фахрланишни хушлайдиган қози Муҳаммад Валихон, тунлари сармоя исига чулғаниб ётмаса-да, қўли-феъли очик одам эди. Атиги бир чимдим савоб учун ўзини бемалол томдан ташлаши мумкинлиги улус тилида дoston эди. Ҳар не топган-гутганини сарфлаб, ҳашаматли кироатхона солдирганда кимлар алқамаси. Илму фунун жавоҳирлари учун мўлжалланган ва дид билан нафис безатилган бир нечта бўлма истиқомат қиладиган иморатининг иккинчи ошёнасини тўласинча эгаллаганди.

Барака топгур Собир Қамарий, падари арвоҳини шод қилиш тилагида, фаройиб хазинани кўз қорачигидек гард қўндирмай асраб келади. Зиммасида улкан бурч тургани, бу бурчни оғишмай-оғринмай адо этаётганидан шоир бахтиёр эди, қолаверса, кеча-кундуз тиним билмай сара-сара китобларни мутолаа қилар, илм ва сўз туби йўқ уммон эканлигига имон ўғирар эди. Асрлар синови-дан ўтган ёзма ёдгорликлар меҳри дилида чуқур илдиз отган бўлиб, бу меҳр қаламига мадад бағишлаб келаётгани шубҳасиз. Кейинги «Чашма кўзи» тўпламидан жой эгаллаган сатрлар чўғдек ёниб туриши бежиз эмас.

Асли Собир Қамарий ўпка-гинани деярли билмайди, кўнглида зигирча кири йўқ, лекин сўзни бузган ва бўҳтон хизматкорига айлантирган одам билан икки дунёда ҳам келишолмайди. Ана шунақа хурмача қилиғи учун Шариф урфонни ўлгудек ёмон кўриб қолди. Оқибат тунов куни бош муҳаррир Эсон Мансурий чап қўлда битилган ҳалиги мақолаларини нашрга тайёрлаш юзасидан фармойиш берганда бирдан тўрсайиб: «Биродар, мағзавага қўл уриб ҳаромга ботайми?!» — дея шунақа хайқирдики, шифт ва деразалар зириллаб кетди...

Палов ейилгандан кейин давра аҳли Собир Қамарий изидан шифтига икки улкан биллурий қандил ўрнатилган кенг-мўл хона сари шошилди. Қандилларда бир дона ҳам шам йўқ, фақат бурчақдаги мизда ҳалиги биттау битта фонус милдираб ёниб турар, девор бўйлаб гир айлантириб қўйилган нақшинкор жавонлар ва уларда тахланган китобларни аранг ёритар эди.

Турли йилларда турли моҳир саҳхофлар тиккан жозибали жилдлардан ҳар қандай киши соатлаб кўз узолмасди. Мадрасада зехнини тузуккина пешлаган уста Жамшиддин бу ерга ҳар гал қадам босганда ажаб тарзда дам ўзини йўқотар, дам қайта топарди. Доим атайлаб Шамсиддинни эргаштириб келар, нечундир ўғли қанотида бўлса айрича завқ-шавққа, айрича қониқишга кўмилар эди.

Илм-фанга ишқибозлик ҳам қон сураб эканми, ҳарнечук доврўғ ёйган машойихлар нафаси ва қўли теккан ҳар бир китоб Шамсиддин учун жондек азий, дунёдек мўътабар эди; қўйиб берсангиз гирдларига ингичка нақшлар чекилган ҳар бир варақни авайлаб кўзига суртарди. Қироатхона файзига файз қўшган Қуръони карим жону дили эди. Асли отаси унинг ўтинчига биноан Собир Қамарийга аллоҳ китобини уйига олиб кетиш борасида бир неча марта мурожаат қилган ва охири уни кўндирган эди.

Шамсиддин ҳозир айниқса алоҳида фаҳр-ифтихор, алоҳида қувонч ва хушбахтлик туяётган эди. Ақл бовар қилмас улуғвор мўъжиза — тенгсиз хазина қошида энтикиб, тўлиб-тошиб, шерланиб турарди. Айни вақтда ҳар ёқдан йиғилган бунча манбани синчиклаб ўқиб чиқиш, уқиш — мағзини чақиш осон эмаслигини, ҳатто бир одам умри етиши гумонлигини ўйлаб қайғуради эди.

— Оғалар, билурсизки, эзгу сўз шуарога доим

хамнафас бўлган, — деди Собир Қамарий ниҳоят жимликни бузиб. — Туркийда бу шарафга аввал Хожа Аҳмад Яссавий, кейин Амир Низомиддин Алишер Навоий ҳазратлари муяссар бўлган.

— Шубҳасиз, — деди кимдир юмшоқ оҳангда.

— Хўш, биродарлар, бугун «Девони ҳикмат» устида баҳс қилсак не дейсиз? — Чиройи очилган уста Жамшиддин маъкул маъносида кафтини кўксига босгач, Собир Қамарий мунаққаш жавондон муқоваси тилла суви билан зийнатланган ўртача қалинликдаги жилдни авайлаб олди. — Ушбу жавоҳир хонадонимизга Қуръони карим билан бирга келиб қолган. Бунинг тарихи кўп қизиқ ва кўп ибратли!..

— Шундайми? — деди уста Жамшиддин, мулла Аҳмад ва уста Қурбон билан кўз уриштириб. — Қани, эшитайлик-чи!..

Қайси йили кўклам адоғида кози Муҳаммад Валихон тижорат баҳона сайру саёҳат килиш истагида Бухоройи шариф томонларга юз тутади. Муҳташам саройда кечган нуфузли мажлис тўрида хон билан ёнма-ён ўтиради. Сухбат асноси таниқли руҳоний мавлоно Мустафо Шофриканий Пири Туркистоний саналмаш Қулхожа Аҳмад Яссавий «Девони ҳикмат»и фазилатларини шарҳлайди, девон Кўръони карим укаси эканлигини алоҳида таъкидлагач, ундан ёдаки парчалар ўқийди ва барчани ҳайратга солади. Мағзи тўқ ҳароратли сатрларни кози Муҳаммад Валихон мумдек эриб тинглайди, оромини йўқотади-да, девонни топишга қарор беради. Самарқанд заминига ошиқиб келган ҳамоно, гумашталарини тўрт тарафга чоптиради, афсуски, бундан натижа чиқмайди, улар икки қўлларини бурунларига тикиб ноумид қайтишади.

Вақт кечгани сайин кози Муҳаммад Валихон ҳузур-ҳаловатини йўқотади, ҳар лаҳза аллоҳ дийдори ва муҳаббати куйланган ўша китоб иштиёқида куйиб-ёнаверади, муштоқлигу соғинч дийдасини ўртаб-ўртаб юборади. Охир-оқибат дилида яратган эгам ишқи билан китоб ишқи қўшилиб кетади-да, бойловда масиқиб ётган саманини эгарлаб, қариялардан оқ фотиҳа олиб, йўл танобини тортади. Дастлаб шамол каби елиб Туркистонга боради, улуг муаллиф қабри тупроғини ўпади, айни пайтда излагани изида тузоқ кўяди, уриниши фойда бермагач, иссиғу совуқни писанд қилмай, бедовини елдир-елдир Хуросон орқали Эрону Румга ўтади, омади кулмай, руҳи синиб бедов жилловини ортга буради.

Буни қаранги, қози Муҳаммад Валихон кўнглида бир дунё андух ва армон билан чайқалиб оқаётган Амудан ўтганда карвонга тарғил туя минган, қомати қўлидаги говрондек эгилган, қотма бетини ажин шудгор қилиб ташлаган чол қўшилади.

Шўрлик бетобга ўхшайди, шу боисданми ҳаддан ташқари инжиқ бўлиб, ҳеч кимса яқинига йўламайди, энг орқада, кўзларини чирт юмганча, бир маромда тебрана-тебрана уловини лўкиллашиб боради. Аҳён-аҳёнда, кўпинча ҳордиқ пайтлари, беихтиёр орқаси тутган қанақадир назмий ўғитларни хиргойи қилади. Дарҳол карвон аҳли атрофини ўрайди, айримлар алоҳида ихлос билан томирлари сарғайган қўлини ўпади, бировлар ҳўнграганча ҳар жойи ямалган чакмони этагини тавоф қилади.

Тез орада авлиёдек обрў-эътибор ва иззат-икром топган кекса йўловчини қози Муҳаммад Валихон ҳам алоҳида қизиқиш ва эҳтиром ҳисси билан кузата бошлайди, ниҳоят билсаки, Мўйсафид қачондан бери ўлиб-тирилиб излаб юргани — «Девони ҳикмат» байтларини куйга солиб айтар ва энг тошюрак одамни ҳам бўзлатар экан!..

Энди қози Муҳаммад Валихон мурувватли тангри ёрлақгани ва омади чопганига имон ўгиради, сира иккиланмай қария муридига айланади, бинобарин, ўша бебаҳо жавоҳир хуржунида турганини билгач, бирдан оёғига йиқилади: отагинам, хозироқ роппа-роса минг тилла санаб бергум!

Чўккан талғир туяси ёнида нон кавшаганча ҳордиқ олаётган Мўйсафид қировлаган бароқ қошларини уйириб, кўксини қоплаган қордек оппоқ соқолини силай-силай узоқ сукутга толади. Тароқи хуржундан пойига жиринглаб тўкилаётган жароқ-журиқ тангаларга зигирча эътибор бермай, мийиғида сокин кулади: эй, Тангри суйган йигит, қулоғингга қуйиб олки, сармоя нафсни қондиргай, дил ташналигини босишда ожиздир!..

— Ёп-пирий! — ёқа ушлади уста Ризо. — Во-ох, ҳувари-я!..

— Э, доим гапни белига тепасиз-да! — оғриниб тўнғиллади уста Жамшиддин. — Ҳимм, кейин-чи?

— Кейин... карвон яна йўлга тушган ва ҳафта нариберисида навбатдаги манзилда қўнган. Хомуш ўтирган

отамни иттифоқо ёшроқ савдогар сўроқлаб келган ва жон таслим қилаётган бир мўмин сўраётганини айтган...

Бўлмани зил-замбил жимлик қаърига тортди ва бу жимликни ногаҳон Собир Қамарий бўғзидан узилиб чиққан залвар хўрсиниқ бузди, аини пайтда аста-секин елкалари силкинар, қароқларини жовиллаб ҳалқа-ҳалқа ёш қоплаган эди.

Хонадон соҳибини жунбушга келтирган орзиқиш тафтини бутун давра аҳли, жумладан, уста Жамшиддин ҳам теран туйди ва дили ағдар-тўнтар бўлиб кетди; нукул «Девони ҳикмат»ни бағрида авайлаб юрган чол гавдаланар эди хаёлида...

Ажабо, шунга ўхшаш ғалати бир эврилиш Шамсиддинда ҳам кечаётган эди. Олисларда қолган манзара гўё шиддатли йўсинда хаёлига ёпирилди: барини аниқтиник тасаввур қилиб бошқача руҳланди ва ғойибда — киру дала оша йўртаётган талғир туя ортидан кезиб юргандек бўлди.

Шамсиддин ҳарир парда ичра ҳаллослаб чопа-чопа ўлгудек чарчайди, тили оғзига сиғмай, қулоқлари ғувиллаб, аъзои баданидан қора тер қуйилади. Ҳар замонда Мўйсафид бурилиб қарайди, охири раҳми келиб, уни туясига мингаштиради. Не-не манзиллар ортда қолади, лекин чол чурқ этмайди, фақат безовта юраги нидо бериб туради. Элас-элас янграётган овоздан ўғлон Мўйсафид танҳо эканини билиб олади.

Чиндан у ёруғ дунёда сўппайиб қолган бўлиб, муқим яшайдиган қўналғаси йўқ эди, яхши-ёмон кунда суяб-ардоқлаган туғишганлари ҳамда ёру биродарлари аллақачон омонатларини топширишган эди: уларни ҳатто эсламас, сўнгги нафасига қадар жаҳон кезишга бел боғлаган эди.

Мўйсафид ёлғизлик азобларига кўниккан эди, мудом бирдан-бир содиқ ҳамроҳи, жунлари тўкила бошлаган талғир туядан ташқари, аллоҳ меҳри билан йўғрилган Сўз эди. Муборак Сўз кодир зот ва инсон тоабат ҳабиб эканлигидан огоҳ этарди, қолаверса, жонини бало-қазодан асрарди, чорасизликда чора топиб берарди, севинч ёки гурурдан тошганда босиб қўярди, адашса йўл кўрсатарди, ҳатто чанқаганда суви, очикқанда нони, совқотганда олови эди.

Сўз ҳамон кудратли, ҳамон турли азоб-укубатни



кўндаланг қилаётган ҳаёт билан беллашишга қодир эди. Аммо энди ўзи бурунги Мўйсафид эмасди: худо тарафидан буюрилган йўлда охири қаттиқ толикди, қариб-чуриб белидан мадор, кўзидан нур ариди. Энди Сўз ёнида қолиб, у билан ҳамкорлик қилишга ярамайди, энди мачит кунжагини эгаллаш, меҳроб пойида тиз чўкиш, беш ракаат намоз ўкиб, тинчгина аршга юкунишдан бўлаги ортиқча туюларди.

Ёруғ дунёдан армон орқалаб кетиш улкан мусибат, буни теран англаган Мўйсафид дарада туясини қантариб, қовжираган майсада мук тушганча, бўзлай-бўзлай худога ёлборади. Тангри таоло мурувват кўрсатиб, вақт-соатида нияти ушалиши ва охират сафарига хотиржам жўнашига умид боғлайди. Кўп ўтмай илтижоси фалак соҳибига етади: пойида барваста қоматли, пешонаси кенг, йирик-йирик кўзлари заковат нуридан ойдин хушмуомала йигит — қози Муҳаммад Валихон қўл боғлаганча тиз чўқади...

— Дада, — кўзлари порлаб ва энтикиб шивирлади Шамсиддин, — олисда кимдир куй чалмоқда!..

### III

Мозийдан ғойибона ташриф буюрган Мўйсафид билан ўғли каби ботиний арзу ҳол қилаётган уста Жамшиддин юмшоқ ва ҳорғин кулди, негаки, шу палла унинг ҳам қулоғига, куй аралаш, элас-элас қарвон қўнғироғи жингир-жингири чалинаётган эди. Бир муддат май тановул қилган каби сархуш ўлтиргач, ўғлидан нигоҳ узди-да, навбат сизга маъносида мулла Аҳмадга қаради.

Халидан бери сукут сақлаб, сонсиз жилдлар оламида адашиб юрган мулла Аҳмад бафуржа қаддини ростлади. Ҳар ҳолда у ҳаётини соз ва навосиз тасаввур қилолмас, мудом бирон янги тарона оғушида овунар эди. Сал илгари Регистон яқинидаги йирик оқартув ўчоғида елиб-югуриб «Шашмақом» уюшмасини тузгани ва атрофида эпpli шогирдлар тўплагани бежиз эмас. Ҳатто топган-тутганини аямай уларга ҳомийлик ҳам қиларди; кун ора бўладиган машғулотларда бор билими ва тажрибасини аямай сарфларди.

Мулла Аҳмад нигоҳида игна учидек нозик учқун ёнди ва нохун кийдирилган кўрсаткич бармоғи қонун

симларидан бирига астагина тегди, тегаркан, жоду аралаш бир нолиш таранг жимликни тилимлаб юборди.

Нозик дид билан ясалган, аввалидан охирига қадар майда-майда садаф зарб қилинган чолғу бийрон эди, ростгўй эди, эшила-эшила сўйлардики, эй, инсон, узок мозий билан юзлашмоқдан ҳеч қачон чўчима, шундагина юпанасан, жўмардлик ва савоб мангу яшаб қолажагини, мартаба ва шуҳрат эса пуч ёнғоқ тахлит арзимас эканини эътироф этиш учун ўзингда куч топасан!..

Сим-сим ингранаётган куй симиллабгина тинди, давра аҳли билан мусоҳабага киришгани ва дилларни овлаганидан мамнун қонун бўғзидан зарб билан отилиб чиқаётган нола ҳолсизлана-ҳолсизлана хона деворлари ва китоб тахламларига сингиди. Зилдек жимлик чўккан ҳамоно олқишлар жоладек ёвилди, мақтовлар орасида устоз таърифи алоҳида жаранглаб эшитилар, ўктамона ва хайрихоҳ овозидаги ишонч барчани икир-чикирларга ўралашиб қолмасликка ундар эди.

— Азизлар, бугун мавриди экан, яна бир нақл эшитинг, — давра аҳлига бирин-сирин нигоҳ юборди мулла Аҳмад. — Қалам қадимда дастлаб оқ қоғозга Худо билан Одам номларини битганини биласиз. Қутлуғ бир айёмда тагин ваҳий келган: «Тарих ёзилсин!» Етмиш минг йиллик сукутдан кейин Қалам ҳарчанд уринса ҳам бир натижага эришолмаган. Энди тангри ўзи узундан-узок ўйлаган ва охири бир нозиктаъб чолғусозни ишга солган...

— Офарин! — деди уста Жамшиддин, хаёлида озгин Мўйсафид жонланиб. — Худойим карами кенг-да!...

— Хулоса қани, мулла? — нигоҳини олиб қочаркан, илмоқли савол отди уста Ризо. — Ёки мушук еб қўйдими?

— Мунча шошасиз, биродар, онангизни қорнида тўққиз ой қандоғ чидагансиз? — ошқора кесатди мулла Аҳмад. — Индалло, ўша созанда тангри таоло амрини сидки дилдан бажарган. Меҳнати мевасига маҳлиё боқиб, ушбу Қонуни муборак бўлур дея эълон қилган. Мўъжизакор чолғу Қалам билан дийдорлашган ва хузурида етти кечаю етти кундуз тинмай нолиш қилган. Ҳар бир куйидан Қалам руҳланган, бир поғона ўсган, куч-қувватга тўлган ва Худо билан Одам тарихини равон ёза бошлаган...

Ҳайрат ва ҳавас оғушида қолган давра аҳли яна

олқишу мактов ёвдирди. Қалам билан Қонуни муборак дўстлиги барча дилларга хушнудлик бағишлаган эди. Қай маҳалдир уста Қурбон тарафидан маълуми машҳур «Ёввойи танавор»га талаб тушди. Андак паришон ўтирган мулла Аҳмад кафтини кўксига босганча розилик билдирган ҳамоно эшик тирқишидан кўзлари ола-кула бўлиб кетган Хилола отин мўралади:

— Қочингиз, тезроқ қочингиз!..

Кимдир ичкаридан танбаланган дарвозани таёк билан зўр бериб қоқаетган эди, тўхтовсиз гумбирлаш акс садо бериб баралла эшитилар, аллатовур ваҳимали туюлар эди. Шаҳарда изғиб юрган исковучлар нафасини сезишди. Тўғриси, ҳамма даҳшат ичра тахтадек қотиб қолганди, ҳатто унча-мунча кўрқувни писанд қилмайдиган уста Жамшиддин ҳам ҳайкал сувратида эди. Ташқарида нимадир айрича қарсиллагач (тўппонча отишди шекилли), устоз хавотири тагин ортди-да, бўздек оқарган Шамсиддинни билагидан ушлаб пастга отилди. Ортидан етиб келган мулла Аҳмад ва бошқа меҳмонлар билан бирга, катагини тарк этган кучук вовуллаши тутган ҳовлини кесиб ўтди ва ошиғич хуфия дарчани очди...

Тахминан ярим соатдан кейин ота-бола, совуқчилик билан поёнига етган мажлисни ўзларича муҳокама қилган кўйи, бир ўринда тез, бир ўринда сокин оқадиган анхор ёқалаб одимлар эди. Анхорда фалакни тўлдирган митти фонуслар, ола-байдок булутлар тўдаси ва дарахтлар лашкари акси қилкиллаётир. Сал қуйроқда оқшом осудалигини бузиб, қачон қурилгани номаълум кўхна тегирмон гулдирар, яна қайдадир инидан жудо бўлиб тинчини йўқотган ҳаққуш кичкириги янграр эди.

Бу мавзеда ягона тегирмон одамлар мушкулини беминнат осон қилгувчи, ризқу насибаларига барака эндирувчи аломат кўрғонга ўхшарди. Вақт сахарга яқинлашган эса-да, парда тутилмаган торгина кўримсиз деразаси ёришиб турарди, демак, қартайиб қолганига қарамай дунё ҳавасларига тўймаган Умар чол ҳали уйғоқ, жимжит ҳужрасида мук тушиб ё тангрига юкунмоқда, ёки қироат билан машғул; падари Нусрат ҳожи мадраса мударриси бўлгани туфайли вақтида китобга астойдил боғланиб, дунёвий ва рухоний билимлар уммонидан имкони борича жавоҳир терган эмасми, эндиликда доим Собир Қамарий қироатхонаси, ора-чорада

мулла Ражаб ёки устоз бисотидан ҳар хил мажмуаларни сўраб олар, ҳижжалаб ўқиб чиққандан сўнг, бир ерига гард кўндирмай, дуо қила-қила қайтариб берад эди.

Уста Жамшиддин ибратга молик шу фазилати учун Умар чолни алоҳида ихлос ва иззат-икром билан ўзига яқин тутар — қадрлар эди; кўпинча ишдан қайтишда мамнун қиёфада тегирмон сари бурилар, ярим тунгача ун иси ўтириб қолган кулбада чойхўрлик қилиб, пасту баланддан баҳс ва мунозара юритар эди.

Хозир ҳам бир кўнгли тегирмон сари бормоқчи бўлди, лекин тезда фикридан айниди. Бирламчи, хозир ичи тирналиб, аъзои бадани ғалати увишиб, томирларида недир лоҳаслик ҳукм сураётган эди; иккиламчи, уззукун баҳори ёки тирамоийи буғдой янчиб, ғўзапоя чўғида ширмой нонлар пиширадиган келинлари ва қизларига қарашиб чарчаган қарияни безовта қилишни истамади.

Собир Қамарий хонадонида рўй берган нохушликни ақлига сиғдиролмай қолган устоз аввал чархдан анча нолиди, кейин бирдан тинчиб, ҳовлига етгунча чурқ этмади. Мияси бир бурчини Мўйсафид билан топишган ва Куръони карим ҳамда Ҳикмат девонини қўлга киритган қози Муҳаммад Валихон, Қалам тилини бурро айлаган Қонуни муборак, яна бир бурчини пойлоқчилар ташрифидан чўчиб кетган Собир Қамарий ва мулла Аҳмад банд қилган эди.

Ўша кеча устоз тайинли миҷжа қоқмади, таажжубки, ярим тунда ҳожат учун чиқиб, айвоннинг нозик нақшлар чекилган устунига омонат суянган қўйи ярақлаб очилган осмон буржларини кузатаётган ўғлини кўрди....

Ҳамиша кечқурун чўзилар-чўзилмас тарашадек қотиб қоладиган Шамсиддин ҳам уйқусидан адашган эди. Отасига ўхшаб нуқул гоҳ Мўйсафид, гоҳ Қалам билан Қонуни муборак, гоҳ қози Муҳаммад Валихонни ўйларди, баъзан кўз ўнгидан ногаҳон авзойида нафрат зухурланган Собир Қамарий, эс-хушидан айрилаёзган мулла Аҳмад жилмасди.

Шамсиддин еру қўкка сиғмасди, юраги потирлаб бодрок-бодрок юлдузларни томошалаб турганда эшикдан отаси чиқди ва қаён қочарини билмай довдираб қолди, отаси нима сабабдан бедорлигини сўраганда ноилож тўқиди: сигирга хашак бермоқчиман. Сўнг оғил сари одимлар экан, ёлғони учун худодан афву тилади, тонг арафасида онаси солиб қўйган юмшоққина тўшакка

қайта киргач, сал мизғиди ва тушида талғир туя минган Мўйсафидни кўрди.

Соч-соқоли қордек оппоқ нуроний қария, боши узра заранг говронини силкита-силкита, юлғуну шувок қоплаган, тўрғайлар хониши тўлдирган поёнсиз чўл ора-лаб елади. Фалакни болиш қилган сурмаранг чўкқилар этагида ниҳоят талғир туясидан тушади ва пешвоз келган хуш қоматли, ранг-рўйи беғубор, бокиши тик йигитга илдам қучоқ очиб буюради: жигарим, кўз қорачиғидек асрагайсан Сўзни!..

Жарангдор нидо дала-дашт узра акс садо беради ва Шамсиддин сачраб кетади, қараса, аллақачон бир арғамчи бўйи кўтарилган қуёш оламни сутдек тоза нурида чаймоқда, ҳовли этагида даканг хўроз ва макиён товуклар дон талашиб қу-қуқлаётир, шол рўмол ўраган онаси аркон дорга илинган шолча ва олача гиламни чўп билан тарс-тарс қоқмоқда. Агар яна сал кечикса, бомдодни тушириб, нонушта қилиб улгурган отаси хайё-хўйт деб Регистон сари жўнаб қоларкан...

Кеч куз эмасми, муаззам шаҳар асосан заъфарон ва жигарранг либосда, айрим тарвақайлаган дарахтлар шир яланғоч — хиёбонлар ва кўчаларга дув-дув тўкилган ҳазонлар тўшалган. Ора-чорада оч қашқирдек изғирин увлайди, тўда-тўда хайбатли булутлар тўсган осмон сахнини арғамчи солиб турналар карвони кесиб ўтади; юксаклардан элас-элас келаётган хонишлари аллақайси дил ўртовчи куйга ўхшаб кетади, ким билсин, кеча мулла Аҳмад чалган куйгами?

Саёҳатчи қушлар олис уфқда, кумушдек товланаётган сароб пардаси ортида кўздан йўқолган пайтда Шамсиддин Шердор ҳавозаси ёнида паришон турар, хаёлини қўлдан-қўлга ўтиб келган Қуръони карим билан Ҳикмат китоби ва Қаламга меҳрини берган Қонуни муборак эгаллаган эди. Бари сирли туюларди, ана шу сир тагига етиш нақадар мушкул эканлигини ўйлаб, гоҳида дили тубидан чиқариб хўрсиниб қўяр, сал нарида бугун адо этиладиган юмушни чама қилаётган отаси ўзи сари ажабсиниб тикилаётганини сезмас эди.

Шамсиддин илгари босган чоғда, отаси гавжумлаша бошлаган майдон ўртасида маъюсланиб ўйга чўмганди. Ўша тарафга ошиқиб буриларкан, ногоҳ борлиғи чайқалгандек бўлди. Доим шунақа: отаси оға-ини обидалар билан ҳасратлаша бошлаганини билдими, бутун жисми-жонида недир ғалаён кўзғалади.

- Ёдингда тут, Тиллакори кўпроқ азият чеккан.
- Нимага, дада? — ажабланди Шамсиддин.
- Ўтган аср охирида бўлган талон пайтида зар нақшларини киртишлаб олишган!..
- Кимлар, дада?

Бехос тўннини тескари кийган уста Жамшиддин, жавоб беришни истамай тўнғиллади-да, хиёл қаварган ва ёрилган кафтини оғзига босди. Хайтовур ичида нимадир оғир-оғир кўчиб, суягига қадар симиллаб кетгани англашилди. Қайроқ тош тўшалган саҳнда афтодаҳол кезинар экан, гоҳо пичирлаб кўкка ёлборар, гоҳо бош тебратиб кўксини ушлаб-ушлаб кўяр эди. Чиндан худодан нажот тиларди, мана бу обидалар узра, аникроғи, шаҳарда изғиётган офатни тангри таоло даф этишига ишонарди.

Уста Жамшиддин мабодо кўркса, ўз жисми бир ҳовуч кулга эврилишидан эмас, ёлғиз суянгани Шамсиддин ўн гулидан бир гули очилмай сўлишидан кўрқади. Дам-бадам хитой деворидан қолишмас девор панасида хуфия кучланаётган довул бутун борлигини ўраётгандек туюлар, шу довул дилида асраб-авайлаб келган ҳамма нарсасини охир-оқибат кунпаякун қилиб ташлаши мумкинлигини тахминларди. Ҳатто наздида аллақачон Қуръони карим, Ҳикмат китоби йўлида тузоқ кўйилган, эзгу сўз ва эзгу амал ҳомийлари саналмиш Қалам билан Қонуни муборак нишонга олинган. Мана шундан барчани огоҳ этиши керак, мусибат нимадан иборат эканини биринчи навбатда Шамсиддин қулоғига қуйиши лозим, токи ўткинчи дунёда яхшилик билан ном қолдириш фазилати, адолат билан ёвузлик ораси бир қадамлиги, пасту баландни ажрим қилиш ва диду фаросатни тарозига қўйишда бобомерос осори атиқалар асқатиши хусусида теранроқ тушунча ҳосил қилсин.

Дангали, тетапоя бўла бошлаган барча шогирдларини қанотига яқинроқ тортиши қарзу фарздир, жумладан, ўғли билан элакишиб кетган Иброҳимни қайта-қайта тергаши зарур. Кейинги вақтларда ярамагур чап бермоқда, адашмаса, отаси Шариф урфон чизган чизикдан юраётир.

Аллақачон сизди: бугун ҳам қорасани кўрсатмайди ёки кечикиб келади, агар шунақа қилаверса, аяб ўтирмай думини тугиб юборгани тузук. Ажойиб хунарини мерос қилиб қолдирган уста Фазлиддин Латифий бир суҳбат

бахона, бетига чарм қоплаган шогирддан худойим ўзи асрасин, деб ёзғиргани ҳамон ёдида...

Уста Жамшиддин торгина хужрага кириб, кўнглини ўртаётган вазелини аранг босиб, қурилиш ва таъмир бобида етакчи муҳандис саналган уста Мирсаид тарҳини кўздан кечирди. Бир қарашдаёқ тарҳ сифати паст арзон қоғозда ёрти-юрим адо этилгани, амал билан мувофиқ эмаслигини билди-да, тўрсайганча бош чайқади; қайси бир қўли ўнглиниб қолган шогирд чизмасидан ҳам қониқмай таъби хира тортди. Бугун уста Мирсаидга жиддийроқ танбеҳ беришни кўнглига тугиб ташқарига ошиқар экан, кўзи ўзаро ҳазиллашганча етаклашиб келаётган камарбаста йигитларга тушди, афсуски, улар орасида Иброҳим йўқ эди.

Шамсиддин ҳалиёқ отаси ортиқча безовта бўлиб қойинаётгани сабабини пайқаган, бинобарин, қуриб кетгур жўраси қуюшқондан чиқаётгани учун ўзи айбдордек эзилаётган эди. Ахир, интизом ҳаммага баробарлигини, устоз дилини оғритиш гуноҳи азим эканини неча марта ачитиб айтди, лекин у эшитмайди — қулоғини гўё том босган...

Отаси каби Шамсиддин ҳам Иброҳим инсофга энишидан умидини чилт узганди. Ўйлайвериб хитланиб кетди, ҳатто мавридини топиб орани очик қилишни мўлжаллай бошлади.

Кўнглига қил сўймай сўкиниб турувдики, айти тушлик пайтида, бўйнидаги айбини унутган жўраси, оғзи қулоғига етиб, босар-тусарини билмай келиб қолди. Худо ҳақи, оёғи ерга тегмасди — қанот боғлаган қарчиғай дейсиз; ёноқлари кўпчиб қизарган, кўзларида бир олам қувонч порлаётир. Ҳатто тупша-тузук ясениб олганди: кўкиш тўғарак бахмал дўпписи, зира беқасам чопони, ипак ҳошияли саҳтиёний этикчаси тўлагина қоматиға ярашиб тушган эди.

Изғиринни назар-писанд қилмай одимлаётган Иброҳим тавозе билан қуюқ салом берди, ҳатто сўрашар чоғи овозини бир парда кўтаришни лозим топди, тушуниш қийин қанақадир чулчутча сўзларни қайта-қайта такрорлаб, кинғир-қийшиқ тишлари оқини кўрсатиб жилмайди.

Охирида мийғида синиқ қулимсираб турган устозни қучоқлади, бичимини келтириб уэр сўради-да, кечиккани сабабини орага қистирди.

Маълум бўлдики, эртадан бошлаб аллақачон русумга кирган мактабга қатнарган, турли-туман илмларни сув қилиб ичган ақли расо кишилар кўлида таълим-тарбия оларкан. Бугун эрталаб мактаб ҳовлисида катта йиғин бўлибди, ана шу йиғинда отаси Шариф урфон ва бошқалар табрик сўзлари айтишибди. Кейин ажойиб ва ғаройиб нутқлар пуфлаб ва чўқиштириб чалинадиган тўқ сариқ тусли темир чолғуларнинг гумбирлаган садоларига уланиб кетган...

— Яқин-орада Шамси иккаловинг роппа-роса ўн бешни урасан, — недир гашлик туйиб сўйлади уста Жамшиддин. — Лекин ҳамон ғўрсанлар, шамол эсишига қараб эгилишларинг мумкин.

— Истамасак-чи!? — илжайди Шамсиддин.

— Бу ишинг яхшику-я, лекин синдиришади-да. Ишқилиб охири бахайр бўлсин. Асли менга қолса, ўша ислоҳни ўйлаб топган топағонни минордан улоқтирар эдим. Ахир, миямиз ҳам, дилимиз ҳам минг йиллар давомида эскисига мослашган. Гуркираб турган дарахтни бошқа жойга кўчириб ўтқазиш бефойда!

— Қанақа дарахт? — деб ғулдиради Иброҳим.

— Э-э, жияним, хў-ўш, хуржун савил бў-ўш!..

Шундай дея, синиқ кулиб, уста Жамшиддин Шердор мадрасаси ичкари саҳни бурчида чоркунжак шаклда тизза бўйи кўтарилган ганчсувоқ супа — кенггина тахбин сари ошиқди.

Теварак-атроф ивирсиган: ҳар ерда катта-кичик, рангли-рангсиз кошинлар тўдаланган, унда-бунда омонат ясалган ёғоч курси, ганч қотишмаси ёпишган тоғора, дастаси силлиқ теша, ил билан ўралган газчўп ва шовул кўзга чалинади.

Асли амал учун рангин кошинларни кўзи анча очилиб, уқуви пешланган шогирд, кўпинча эса кундалик жараёнда узоқ муддат қобилиятини тоблаган ёрдамчи уста ҳозирлайди. Аввалдан таомилда бўлган бу қондани устоз чўчимай-қисинмай бузди. Талаб жиловини бўш қўймаган ҳолда, умрида тахбин ёки ганч нималигини тузукли билмаган, теша ёки чархни ушламаган қанчадан-қанча жўжалар учун йўлни бемалол кенг очди.

Эндигина тухумдан чиққан Шамсиддин билан Иброҳим ҳам не-не ниятлар билан шулар қаторига қўшилди; ҳар неки амалда иккиси ҳам устозга тақлид қиларди. Гирдлари шаклга солиниб нафис йўнилган



кошинни мураккаб лойиҳа бўйича тахбинда териш бо-  
бида Иброҳим анча чапдастга ўхшарди. Буни ўзи ҳам  
бир қадар сезгани боис ортиқча гурурланар, ҳатто гоҳ  
ошқора, гоҳ пинҳона дўстини масхаралар эди.

Кейинча эса, ўзи айтганидек, Иброҳим таомилга  
кирган янги мактаб ҳаётига бутунлай шўнғиди чоғи, зим-  
масидаги шогирдлик бурчини деярли унутди, бинобарин,  
устоз амалиёт билан кўшиб ўтказадиган машғулотларга  
хоҳласа келиб, хоҳламаса келмади.

Шунинг учун ҳам энди Шамсиддин жўрасини эсла-  
масликка уринар, айна пайтда кўнглини ҳавасга ўхшаш  
бир туйғу чулғаб борарди, бу туйғу кун сайин оғизга  
тушаётган мактабни бир кўриш истаги эканлигини  
ҳозирча билмасди.

Баъзан эса кўнглида ногаҳон Иброҳим недир ғашлик  
билан айтган пичинглар жаранглар, шунда ўзини  
қўйгани жой тополмай бўғилар, мабодо эрта ишончни  
оқламасам нима бўлади, деган ўйдан қийналар эди.  
Кейин мийиғида кулади, кўнглидан барча шубҳалар ва  
хавотирларни ҳайдаб, фавқулодда ғайрат-шижоат билан  
кошин тарошлашга киришади. Ахир, ёруғ дунёда ким  
мақсадига осон етибдики, у етсин. Наққошлик игна би-  
лан қудуқ қазишдек мураккаб хунар эканлигини тушу-  
ниши лозим. Бас, нима бўлса ҳам тишини тишига босиб  
чидайди — сабру бардошини ишга солади, токи эрта элу  
элат орасида бобоси ва отаси каби ном қозонсин...

Шамсиддин осориатикалар пойида суяги қотган, ҳар  
бир нақшни кўксига зарб этган отасини тоғдек суянч  
санарди, олтмишни қоралаган қиблагоҳи эсини таниган-  
дан бери мисқоллаб тўплаган обрў-эйтибор кўнглини  
ўстирарди. Айниқса, у бошқариб келаётган амри маъ-  
руф давраси довуғи чор атрофга ёйилганини ўйласа,  
руҳи беҳад юксалади, ахир, ушбу кичик жамоа таъби  
нозик кишиларни жамлагани нақадар эйтиборга молик,  
муҳими, улар бариси баланд мақомларга эришган ва  
ҳаётдан ўринларини топишган зотлар — қорин эмас,  
қадр учун йиғлашади.

Шамсиддин бир ҳолатдан яна ҳам ҳайратда: фақат  
Самарқанд музофоти эмас, бу ёғи Бухорои шарифдан  
то Хоразм тупроғига қадар, бу тарафи Тошкандан Ан-  
диджону Фарғонага қадар маълуму машҳур валинеъмат  
жамики ошналари қошида ўзини иложи борича хокисор  
ва камсуқум тутади ва улар кўнглини яхшироқ овлаган

куни ўзини дунёдаги энг бахтиёр, энг омадли одамга қийслайди. Падари умуман ҳалимликни одат қилган, шунинг билан бир қаторда, қачон қаҳру ғазаб отига минишни яхши билади, ахдида турмаган ёки тарози палласига қараган кимса билан иккиланмай орани узади...

#### IV

Ўша куни сонсиз китоб йиғилган қироатхонада жон-сон суҳбат интиҳосига етмагани боис Шамсиддин ҳамон афсус-надомат ўтида қоврилади, айниқса дилда ажиб ҳислар уйғотадиган «Ёввойи танавор»ни эшитолмай қолганини эсласа, бемаврид эшик қоқиб келган номаълум касларни кўтара қилиб сўқади. Ахир, аломат даврада ақлу идрок зиёси ва дил тафтини туйиб, нақадар маза қилиб ўтирарди. Мазмунан бир-бирини тўлдирган кўшалок ҳикоят баҳсу мунозарага алоҳида шуқуҳ бағишлаган пайтда бари бузилди, юрагида ўрнашган завқу шавқ ўрнини кўрқув аралаш армон эгаллади. Фақат ўзи эмас, ҳатто отаси ва бошқа меҳмонлар ҳам шошиб қолишганини сезаркан, тамом ваҳимага тушди.

Сабабики, кейинги кунларда шаҳар кунботарида, қайсидир завутга ёндош қад ростлаган, баъзи ҳазилкашлар алвастилар уясига тенг кўядиган маҳкама биносининг қаламуш-сичконлар ҳам туролмайдиган хужраларига ҳар ким юмалоқ-ёстиқ қилиб тикиб ташланаётгани ҳақида турли миш-мишлар эшитганди. Ярим кеча ёки тонг арафасида аллакимлар шўри қисган, айби нималигини билмаган одамларни апир-тапир қўнғизнуса машиналарга қопу қанордек босиб, оху воҳини эшитмай олиб кетишаркан, яна чатоғи, ўшалардан қўпчилиги сувга тушган тош каби ими-жим йўқоларкан...

Ҳартугул илкис бошланган тўполондан Шамсиддин эловсираб қолган ва гўё нимадир кўксини қиймалаб юборган эди, тинчини йўқотган ҳовлидан узоклашиб, отаси изидан интиларкан, ҳар бир хужайрасида титраниш сезарди. Умар чол тегирмонини ёнлаб, уйлари бўсағасига етганда ҳам гаранга ўхшар, қалампир тикилгандек бўғзи ачишар эди. Ногаҳоний изтироб туфайли анча муддат ўзига келолмай юрди, яхши ҳамки кейинча аста-секин жами нохушлик тасаввуридан узоклашди ва бошқатдан тум-турақай бўлиб кетган файзли давра сари қайтгандек бўлди.

Ёлғиз кезлари Шамсиддин ҳеч кимга кўринмай, ўшанда кечган баҳслар барисини, майда-чуйда тафсилотигача, хаёлидан ўтказишга уринади ва ҳар бир эслагани такрори йўқ айрича янгилик бўлиб туюлади. Хусусан, Собир Қамарий билан мулла Аҳмад ташаббуси туфайли даврани ажаб шукуҳ қамаганини алоҳида эхтиром ҳисси билан хотирлайди ва ўзини гўё Қалам билан Қонуни муборак ёнида кўради. Кўпинча шундай ажиб кайфият оғушида ҳавоза орқали Шердор мадрасаси тепасига кўтарилади, бирпас шаҳар манзарасини кузатгач, ғадир-будир саҳнда чалқанча ётади-да, тирамоҳнинг уқпар булутлари пахтадек сочилган фалакка тикилади, хаёлан аввал бургут мисоли боғу роғларга бурканган мовий водийлар бўйлаб тўхтамай учади ва ахийри бутун вужуди билан жимир-жимир товланаётган ложувардний бўёқларга сингиб кетади. Сўнг парвоз қила-қила бирдан қуйига шўнғиб, поёнсиз кенгликдан иборат мамлакат билан юзлашади, бир тарафини теран сукунат қоплаган, бир тарафида довул гувиллаётган бу гаройиб мамлакатда узоқ кезинади, эринмай ҳар бир қаричини назардан ўтказади. Ҳар ниманики учратса, ҳар нимагаки ҳавас қўйса, хотирасига ўрнашиб қолади.

Ана, ғойибона суйиб-меҳр кўйиб қолгани — қози Муҳаммад Валихон, юлдузни кўзлаган учкур бедов белида, тилла қошли ва фил дандонли эгарда қўниб, бир маромда тебраниб боради, попуқлари ипак тароқи хуржунида бутун бошли хазина — Куръони шариф билан биргаликда Ҳикмат китоби!...

Уззу-кун кўкда тинмай тер тўкиб толиққан қуёш қизара-бўзара ётоғи сари энади ҳамки, Шамсиддин муаззам шаҳар безағи ва кўрки саналган, ер қаърига томир отиб кетган обида елкасида мушоҳадага берилганча чўзилиб ётади. Қавснинг изғиринли совуғи жонидан ўтса ҳам, ишини тугатган отаси барча шогирдига ижозат бергани ва ўзини сўроқлай бошлаганини билса ҳам қимир этмайди.

Энди мағрибдан ёпирилиб келган шафақ ёғдулари ичра тагин бошқача эврилишлар кечади дилида, ҳатто қони томирларини ёриб чиққудек жўшади, ногоҳ гўё ғойибда истиқомат қилувчи Мўйсафид руҳи нидо бериб, хаёлидан қози Муҳаммад Валихон киёфаси қаёққадир чекинади ва хаёлида қадимдан ҳам қадим замонда ночорлик қошида ночор қолган Қалам гавдаланади...

Хали ўшанда курраи арз эндигина она қорнидан тушган чақалоқ мисоли бокира ва покиза эди, хали нафақат мавжудотлар, ҳатто дарёлар ва уммонлар, тоғлар ва саҳролар, бўёқлар ва оҳанглар ҳам осуда ухлаётган эди. Сўнг бир силкиниб уйғонган ернинг хилват гўшаларидан бирида Одам билан Ҳаво дийдорлашди ва тирикчилик араваси ўнқир-чўнқир йўлдан олис сафарга жўнади.

Энди арши аъло турмуш тарзи жадал ўзгариб, фалак ва замин қиёфасини нур билан соя қоплади; айнан шу иккилик замирида турли қутблар ва турли унсурлар зуҳур булди.

Шу боис олий нишонли тахт соҳиби саҳобалар ва малоикалар орқали жаҳоншумул ҳодиса тарихини ёзиш хусусида ерга ваҳий йўллади. Муборак ваҳий ижроси тағин Қалам зиммасига юклатилди. Илгари, Тангри ва Инсон исми-шарифини иншо этиш вақтида, жами имконини сарфлаб толиққан Қалам энди чорасиз қолиб, ғам-андуҳга ботди. Кеча-кундуз тинмай чеккан захматлари зое кетди. Ранг-рўйи сарғайиб, қадду қомати букилди. Ноилож ҳаётдан бадар кетиш учун қасдланиб турганда, ҳузурига Қонуни муборак ташриф буюрди ва жонига ора кирди.

— Эй, азизим, вужудингда мудраб ётган руҳни уйғотиш тилагида келдим. Бугундан иккимиз ошиқ-маъшукмиз ва саодатли сонияда қовушамиз. Оқибат қирчиллама йигитдек ёшарасан, куч-қувватга тўласан, илҳом оташи қонингни қиздириб, раҳмат нури йўлингни ёритгай. Тириклик дунёсида хурлик тимсоли бўлиб, истаганча шуҳрат топурсан. Фақат бошқа жиҳатдан қисинасан, очиги, роҳат-фароғат нималигини билмай ўтасан. Худойим кудрати ва Инсон қисматини таърифлай бошлаган онингдан Шайтон изингдан пойлаб, эртаю кеч авраб, дор остига судрайди!..

Бутун борлиқ сукут ичра қотади...

— Эй, Қонуни муборак, ортга йўл йўқдир. Умидимки, сен билан қовушсам фақат руҳим эмас, журъатим ҳам уйғонур. Номуҳимдан муҳимни ажрата олганимдан кейин ҳатто дордан ҳам қўрқмайман. Ҳадигим бошқа нарсадан: ардоқлаб ўстирадиган фарзандим бўлмиш Сўзни Шайтон ўз маслагига мослаб олмаса!..

Еру кўкни яна жимлик қоплайди ва шу заҳоти Қонуни муборак вужудида нимадир қайнаб тошади, бўғзидан эзгу ниятлар кулги бўлиб узилади, тез орада

бу кулги бир эзгин, бир қувноқ хонишга айланади ва еру кўкни кўклам шабадаси тебратган япроқлар шивирлашини эслатадиган оҳанглар қамрайди. Ипакдан-да майин наволар аста-секин даста-даста нурдек эшила-шила Қалам жисмига сингийди ва Қалам илҳом билан топишади.

Чиндан куч-ғайратга тўлган Қалам шу кундан бир сония тўхтамади: ёзди, ўчирди, ўчирди, ёзди. Оҳорли қоғоз узра кечган етмиш минг йиллик укубатли ҳарбу зарб ниҳоясида Сўз камол топди ва бор бўй-бастини кўрсатди. Энди Сўз беҳисоб имкон, беҳисоб тимсолга эга эди; шулардан бири Ҳикмат девони бўлди.

Тез орада у каттаю кичикка танилди; аввало Қуръони карим ёнидан жой олди; сўнг хамсалар ва чордево-лар, дарвешномалар ва шоҳномалар, соқийномалар ва муҳаббатномалар, алпомишномалар ва зарбулмасаллар, мухаммас-фахриялар... ва илму урфон мажмуалари қаторида етти иқлимни кезди. Ҳамма жойда дунёни озорлардан холи кўришни орзу қилган инсонга қайишди, жабру жафолардан бағри гирён гадолар ва дарвешлар мушкулени осон қилди.

Ахийри, Ҳикмат девони, қутлуғ бир дақиқада, тарғил туя минган жаҳонгашта дарвеш — Мўйсафид билан ошнолашди. Имон билан Сўз бир бутун нарса эканлигига амин бўлган қария уни жону дилидек азиз билди, Каломуллоҳ билан бирга, бағрида жавоҳирдек асраб юрди.

Вақт чўл кийигидек елиб ўтарди, умр шоми яқин келганини сезган Мўйсафид эса қайғу ютарди. Тамом чўкиб, куч-қувватдан қолган чоғида, тангри таоло ёрлақаб, қози Муҳаммад Валихонга йўлиқди. Туёғидан ўт чакнайдиган бедов минган, қадди-бастида ажаб бир шижоат акс этган йигит ниятини билгандан кейин киприклари намланиб, яратган эгамга шукрона айтди. Орзиқиб бораётган йигит тилла тўла хуржунини икки букилиб пешкаш қилганда астойдил ранжиди, ақлу идрокни уйғотадиган Сўз баҳоси йўқлигига ишора берди, то қиёматга қадар уни гард юқтирмай асраш одамзод учун бирламчи вазифа эканлигини такрор-такрор уқтирди...

— Ўғлон, ниятинг поклигига инондим, шу боис фақат Ҳикмат девони эмас, Қуръони каримни ҳам ихтиёрингга бергум, — деди кейин қатъий йўсинда. — Шунини билки, булар оға-инидир, булар қиёматга қадар бирга бўлиши, соғу саломат қолиши керак.

Бирдан омади кулиб, орзуидаги мулкдан ҳам зиёдароқ мулкка етишган қози Муҳаммад Валихон олдида кўндаланг бўлган бурчдан тонмади, аксинча, Мўйсафид ўғитидан рағбатланиб, Қуръони карим ва Ҳикмат девони ёнига ер юзидаги бошқа кўпгина дурдоналарни ҳам битталаб йиғди. Бу ишни тўқис-тугал битириш тилагида ихтиёрида бор жами тиллаю кумушни аямай сарфлади, етмай қолган пайтда қарз-ҳавола олишдан чўчимади.

Ахийри, жонини жабборга бериб тиклаган фаройиб кутубхонаси шаҳар кўрки ва фаҳрига айланди. Савоб файзи бўлакча экан: ундан баҳраманд бўлиш шарафига эришган каттаю кичик миннатдорлик туйғуси билан ҳақиқа дуолар қилур эди...

Ҳақ рост: улкан қироатхона бўсағасидан қишин-ёзин одам аримасди, оғизга тушган маърифат ўчоғи барчани оҳанрабодек ўзига тортарди; ёшу қари эркаклар ва ҳатто паранжи ёпинган қиз-жувонлар эртадан қаро кечгача гурас-гурас ёпирилиб келарди.

Шулар каторига бўйи анча чўзилиб, мўйлаби сабзалаб, чеҳрасида жиддийлик акс этган Шамсиддин ҳам кўшилган эди. Вақт топган заҳоти, кўпинча ишдан кейин, ҳамма учун бирдек очиқ дарвозадан албатта мўралар, чеҳрасидан табассум аримайдиган Хилола отиндан қизиққан китобини сўраб олар, ўқиб битирган заҳоти тагин ҳозир у нозир бўлар эди. Мутолаа оламига шўнғигани сари руҳида бир инқилоб сезар, кўнгли ўсар, борлиғини баҳорги шарора мисоли тиниқ туйғулар чулғар, ён-вериға бошқача нигоҳ билан боқар, турли рангларга меҳри ортар эди.

Шаҳар жанубидаги Оймаржон маҳалласида жойлашган, баҳайбат ёғоч дарвозасига ингичка нақшлар ўйилган, деворлари кошинкорий қўш ошёнали иморат олисдан жимирлаб кўринади. Ҳавоза орқали Шердорга кўтарилган Шамсиддин аломат бинони шундоқ кафтда жилоланиб турган, моҳир усталар қўли билан тарошланган ранго-ранг олмос қояга ўхшатади. Чор тарафида анвойи гуллар барқ уриб очилиб ётадиган ҳовлини, ўртадаги сўрида чўккалаганча хотини Хилола отинга аталган ғазалини ўқийтган Собир Қамарийни кўз олдиға келтириб кулимсирайди. Ва шу сония тасаввурини жазирама селиға кўмилган поёни йўқ дашт, қора кўпикка

пишган талғир туя белида тебраниб ўтирган Мўйсафид эгаллайди. Ажин тилимлаган бетидан нур ёғилаётган чол гўё қачондир дилидан чиқариб айтган васиятини қози Муҳаммад Валихон ва унинг вориси Собир Қамарий қандай адо этаётганини билиш учун олисдан елиб келади. Негадир вазмин боқишида аллабир хавотир ва ғусса сояси бордек туюлади. Чиндан ҳам у нимадандир безовта, лекин нимадан?

Кейинги вақтларда отаси қанотида бўйи баробар таъмир ташвишига кўмилган ўғлон қироатхона бўсағасидан бир оз йироқлашди. Тунов куни рўй берган можаро ҳам бир жиҳатдан оёғига тушов урган, дилини задала килиб қўйган эди.

Қайси куни Собир Қамарий Регистон сари ёшурунча қадам ранжида айлаб, отасини Фаттоҳ Обидий гумашталари қироатхона эшигини қулфлаб-муҳрлаб кетишганидан огоҳ этганда, ранг-рўйи бўздек оқариб, бўзлаб юбораёзди. Эндиликда шоир кетида жулдир кийинган кулоқчилар борлигини, ҳатто афту башарасини соқол босган дарвеш сиёқли кимсалар идораси атрофида тозидек изғиб юришини сезади ва тобора хавотирга тушади. Хонадони, яъни қироатхона хуфия тарзда кеча-кундуз назоратда эдики, буни ўйласа нимадир бўғзига суякдек тикилади.

Шамсиддин одатдагидек ҳар эрта, куёш уфқдан бош кўтариб улгурмай, аввалги қувноқлигидан асар ҳам қолмаган отаси ортидан Регистон сари лўкиллаб йўл тортади, кечкурун ўлгудек ҳориб-чарчаб ўша йўлдан изига қайтади; кўнгли чироқ ёқса ёришмасди.

Бу эрта отаси дабдурустдан келар шанбада намози асрдан кейин мулла Аҳмад давра тузишини кулоғига шивирлаб айтганда терисига сиғмай қувонди. Ахир, қачондан бери «Ёввойи танавор»ни эшитиш иштиёқида эди, фақат ҳалигача мавридини тополмади. Баъзан тўлиб кетиб, пойлоқчи касларга нафрат ёғдирар, худодан уларни ер юзидан бутунлай супуриб ташлашни сўрар эди. Негаки, бутун шаҳар ари инига айланиб, турмуш бошқача ўзанга тушгани ўшалар билан боғлиқ эканлигини аллақачон англаган эди.

Мани энди умид туғилди ва мулла Аҳмадга нисбатан яна ҳам меҳри товланди. Тез орада орзуси ушалишини ўйласа боши кўкларга етар, олдида катта байрам тургандек антикар эди. Илгари ҳеч қачон бу қадар муштоклик

туймаган, бу қадар ҳовлиқмаган эди. Бу ҳолига ҳатто ўзи ҳам ажабсинарди.

Тобора ўзига сиғмаётган Шамсиддин бир гурунг орасида сирни Иброҳимга айтиб қўйди. Кутилмаган хабардан негадир дўсти шошиб қолди-да, бунақа даврани атиги бир марта бўлса ҳам кўриш истаги юрагини ёқа бошлаганини яширмади. Ҳатто бир баҳонаи сабаб билан мақомчилар даврасида бўлганини, ўша кундан бери куй-қўшиқ оромини ўғирлаганини айтаркан, ҳаяжондан антикиб кетди.

Шу заҳоти жўралар маслаҳат пишитишди. Мавридини топганда Шамсиддин отаси ижозатини сўрайдиган бўлди. Ҳали ўртада икки кундан зиёд вақт бор — шунгача амаллаб кўнглини топади. Ҳар нечук отаси оёқ тирамаса керак: хунардан совуган эса-да, барибир Иброҳим ҳам суюкли шогирди, ёнида бўлса қайта кўнгли ўсади. Кечиримли бўлишга нима етсин.

Тахмини тўғри чиқди, отаси осонгина кўнди. Лекин вақтни нима қилсин, қуриб кетгур вақт бирам овир кечардики, бир дақиқаси йилга татиғулик эди. Қаники, ўша дам тезроқ келса, дунёдаги энг таъби нозик машшук билан тезроқ дийдор кўришса, у қонун ёки танбур, дутор ёки удда қойиллатиб ижро этадиган нағмаларни жон қулоғи билан мириқиб тингласа!..

Зориқиб кутилган тонг отганда аллақачон турволган ва намхуш куз ҳавосидан симира-симира ҳовлида айланиб юрган Шамсиддин кўкси қалқиб-қалқиб кетаётган эди. Нимага бунча орзиқаетганини билгани боис мийғида кулар, муғанний хонадонига ҳозироқ қушдек парвоз қилгудек бўлар, гоҳо дили тубида Қалам билан Қонуни муборак ўртасида кечган мусоҳаба акс садо берар эди. Иккалови ўртасида пайдо бўлган муҳаббат сеҳрини ажаб тарзда тебранаётган сезгилари орқали теран туяр, бу муҳаббат илоҳий ва барҳаёт эканлигига чин дилдан имон ўғирар эди.

Онаизори ҳар қанча қистамасин, Шамсиддин меҳмонхона ўртасидаги мизда тузалган дастурхонга йўламади, оч-наҳор бўлса ҳам иштаҳаси бўғилган эди. Ҳушу фикри бошқа нарсада, бинобарин, ўша нарса — бугун кечадиган учрашув завқи ҳалитдан юрагини чўғдек куйдириб ўтаётган эди.

Аллақачон тонгни қаршилаб, ҳар кунги ташвишига шўнғиган Регистонда бошқачароқ ҳолат туйди: кўкси



бир енгил қалқиб, рухи тиниқлашди-да, шундоқ кўкка елка тираган тоғлардан нарида, сокин жимирлаётган оппоқ парда ортида талғир туя минган Мўйсафид пайдо бўлди.

Кўксини қировлаган кўркам соқол қоплаган қария гўё чўлни чангитганча ҳайқириб келар, Ҳикмат девонидан севикли байтларини бурро-бурро ёд айтар ва ориқ-серпай қўлларини аллабир муштоқлик билан кўкка чўзар эди. Анчайин дўриллаган овози поёни йўқ чўл осудалигини чоку чок айлаб, ниҳоят, гулдираб келакела Регистон узра янграр, ҳатто куз шамолига тўшини очган шаҳар бўйлаб акс садо берар эди.

Нахот Мўйсафид мулла Аҳмад хонадони томон ошиқаётир?

Ногаҳон Шамсиддин дилидан шундай мулоҳаза кечди ва мамнун кулимсиради; айна пайтда катта усталарга хос хотиржамлик билан берилиб кошин тарошлар экан, Иброҳим йўлига тез-тез қараб қўяр эди.

Вақт пешиндан оғди, намози асрга яқинлашди ҳамки, кадрдон жўраси қора бермади. Атрофда гира-шира қоронғилик кўнди ва отаси ҳам бир неча марта шогирдини суриштирди. Анча сокин тортиб қолган Регистондан узоқлашиб боришар экан, Шамсиддин уни ўйлаб беҳуда бош қотирар ва тез-тез хўрсинар эди. Майда нақшлар ўйилган баланд дарвоза бўсағасида ним табассум билан қўл қовуштирган бўйчан кишига нигоҳи тушди-ю, пароканда хаёлдан сал чалғиди. Барча меҳмондан кейин ичкари юраркан, сердарахт ҳовлини қувноқ-эзгин оҳанглар тутгандек туюлди. Хаёлан талғир туя минган Мўйсафид ана-мана пайдо бўлишидан умидланди-да, яна Иброҳим шундай гаштли айёмдан бенасиб қолаётганига ўқинди.

Салдан кейин Шамсиддин ўзини тўридан қуйсига қадар супа кўтарилган ганчкорий шинам хонада кўрди, фавқулудда ажойиб оламга рўпара бўлгандек ҳайрат оғушида эди...

Равоқлари нақшинкор тоқчаларда нафис гул-битиклар ва асл тошлар зарбланган нечтадир чолғу тизилган; сафда бели нозанинлар белидек ингичка дутору гижжакдан тортиб танбургача, не-не асрлар оша дилларни ром этиб келаётган нозикбадан уду руд ва қонун, пардалари остида жоду яширган баргоҳу чағона ва дилрабо жамул-жам эди ҳамда улар ҳар бири соҳиби хонадон истеъдоди беназир эканидан далолат берарди.

— Хўш, қани, дастурхонга марҳамат, — қиска фотихадан кейин манзират қилишга ўтди мулла Аҳмад, бичими келишган оқ-сарик бетига уйғун, яккам-дуккам оқ оралаган соқолини тутамлаб. — Оббо сиз-ей, зап кебсиз-да, Шамсибой. Уялмай олиб ўтиринг.

— Шамсибой келмаганда кўярмиди, — хозиргина тандирдан узилган жиззали қатпатирни бисмиллоҳ деб синдирди уста Жамшиддин. — Адашмасам, биродар, энг содик мухлисингиз ана шу йигит, унга шаҳар бердик.

— Бале, бале! — деди мулла Аҳмад мамнун.

— Хўш... Кўп интиқ қилманг-да, тезроқ амалга кўча қолинг, — уста Қурбонга бекитиқча кўз қисди уста Жамшиддин. — Биламиз, хофизлик бобида ҳам биров олдингизда ип эшолмас.

— Унчамас-е. Локин майл бор савил, — хайрихоҳ жилмайди мулла Аҳмад, токчаларда навбат кутаётгандек мунғайган асбобларга термиларкан. — Ҳимм... Шу денг сиз аҳли мўминдан суюнчи ундирсам: қонунга мослаб оҳорли куй басталадим.

— Э-э, шундоғми? — деди уста Жамшиддин, ораси очик қошлари остида чақнаб турган кўзлари янада чарақлаб. — Умрингиздан барака топинг.

— Фақат, ўтинчим шуки, ҳамма жам бўлгач, яъни мулла Ражаб, уста Ризо ва Қамарий ташриф буюргандан кейин чалсам. Буям бир ирими-да.

— Бугун ҳақиқий байрам қиларканмиз.

— Иншооллоҳ! — гурурини яширолмади мулла Аҳмад. — Кўпдан кўнглимга тугиб қўйгандим-у, аммо эплолмай юрувдим. Шу ҳафта мобайнида хилватда машғул бўлдим ва тангри таоло иродаси билан «Қасидаи падар» туғилди.

— Зап терлапсиз-да, — қўшқават адрас кўрпачада бемалол тиззалади уста Жамшиддин. — Шошманг, шошманг, нима учун бундай номладингиз?

— Э, устоз, сиз бемаврид омонатини топширган падаримни яхши танирдингиз, — ўйчан қиёфа олди мулла Аҳмад. — Раҳматли борини элдан аяган эмас, жумладан, каминага кўп ноёб хунар тортиқ қилди. Шундай экан, хотирасига бир эмас, юз куй атамоғим жойиз эмасми?

Давра аҳли сукутга толди: во ажаб, «Қасидаи падар» қай хил мўъжиза бўлса? Ушбу савол устида мулоҳаза юритиш чинакамига мароқли туюла бошлади; ахир, ҳали

мулла Аҳмад дилида эҳтирослар билан қўшилиб пинҳона яшаётган ва оламни ишғол этиб улгурмаган оҳанглар ғойибона тарзда барчани ошифта қилиб қўйганди. Ҳар бир меҳмон ўзича муштоқ ва интизор бўлиб, ҳатто муғаннийни қисталанг қилиш истагида; ирим ўз йўлига, кечикиб одобсизлик қилганлар келган заҳоти қайта бошлайсиз, тўхтаган жойидан улаб кетасиз, шу билан олам гулистон, демоқда ўткир нигоҳлар...

— Жа қизиқ, мунақа кечикадиган одатлари йўқ эди-ку, — мулла Аҳмад ниҳоят тоқчадан қонунни олди-да, шошилмай қайтиб жойига қўнди. — Сизларни зериктириб гуноҳга ботмай, «Ёввойи танавор»ни бошлаб турай-чи, кейин бир гап бўлар.

Сим-сим эзиб ёган ёмғирдан кейин куёш порлаб, довдарахт яшнагани каби, давра бирдан жонланди. Ҳамма қатори интиқлик оғушида ўтирган Шамсиддин боядан бери мулла Аҳмадни зимдан қузатаётган эди; ҳаяллаган ошналаридан кўнгил узолмай, қонунга узалган пайтдаёқ муғанний чехраси илкис нурлангани, ажинлари ечилиб кетгани, борлигини недир иштиёқ тўлқини чулғганини пайқади, бетоқат алфозда лабларини қимтиганча бир қимирлаб қўйди.

Худди шу пайт аллабир енгил зарб билан йўғрилган майин оҳанг янграб, хонани қамраган зилдек сукунат чекинди. Сеҳрланган давра аҳли эндигина тебрана бошлаган эдики, ҳовли этагида, бостирма олдида бойловли ит нари-берига ташланиб ҳура кетди. Ҳалидан бери айвонда ҳар эҳтимолга қарши қоровул турган муғанний кенжа ўғли Рамазон ранг-қути учиб кирди.

— Пойлоқчилар... Ҳид олишган чоғи!..

— Худойим, ўзинг қўллагайсан! — деди уста Жамшиддин, юзини недир қўланка қопларкан. — Оббо, баттоллар ҳид олишни намунча бошлашмаса!

Шу орада дарвоза устма-уст қоқилди ва мулла Аҳмад ноилож машқни тўхтатди. Қонунни аста деворга суяб қўйгач, нимадир деб худога ёлборди-да, ташқарига ошиқди. Энди кучукнинг занжирни узгудек бўлиб ириллашига гангир-гунгир овозлар қўшилди, кейин жимлик чўкиб, бир дақиқа ўтар-ўтмас айвон бўйлаб ола-тасир қадам товушлари яқинлашди...

Шундоқ ҳам нохушлик ва сукунат чулғаган хонага пасту баланд бўйли икки нотаниш кимса гўё ўзлари билан қахратон совуғини ола кирди, на салом, на алик, остонада оёқларини кериб, қўлларини белларига тираганча ўқрайиб туришди.

Орқада ола-була қуёнтери телпак, хиёл кулранг узун макентош плашч кийган, қалингина қизғимтир чарм папка қўлтиқлаган олазарақ киши — Шариф урфон кўринди, ниҳоят, энг кетинда бояги завқу шавқидан ному нишон қолмаган, лаблари чезарган мулла Аҳмад пайдо бўлди.

Ҳамон зил-замбил сокинлик ҳукм сураётган бўлмада кўкимтир йўловчи пашша визиллаб учиб қолди, асаби таранг тортилган уста Жамшиддин зимдан тутақа бошлади ва бесабр жонзотни бир ҳамлада тутгиси, қанотчаларини битта-битта юлиб ташлагиси келди.

Ярамас охири дераза ойнасига урила-урила тинган маҳалда чакирилмаган меҳмонлардан бўйчанроғи — шаҳарда Фаттоҳ Обидий нисбаси билан таниқли нозир жадал илгари босди.

Мундоғ олганда у қадду қомати ва ранг-рафтори билан мақтанса арзийди: бундойрангга мойил ажинсиз юзи келишимли — қўнғир тусли кўзлари юмшоқ боқади, хиёл чўзиқ ияги билан ёноқлари ва учи тик бурни уйғун тушган, фақат тикрайма сарғимтир қошлари ранг-рўйига бегонадек; эғнидаги қора чарм курткази, текис дазмол урилган қора шими, бўйнига ёпишиб турган тугуни майда катак гулли пушти-сарғиш галстуги савлатига савлат қўшган эди.

Син солиб қарашидан ичимдагини топ хилидан эканлиги сезилиб турган иккинчи кўноқ ҳам дарозгина, бироқ инсоф билан айтса, бу борада шеригига тенглаша олмасди. Шериги олдида уни бемалол пакана деса ҳам ярашади. Ҳартугур у тортинмай туппа-тузук эт қўйворган, жонивор қорни мундайроқ саватдек осилган, камзули торлик килиб қолгандай тугмалари қадалмаган эди. Нафас олганда ҳаво етишмагандек пишқириб кўяр, ёғоч қошиқдай ясси бурни катаклари торайиб-кенгаяр, дўмпайган елкалари оғир-оғир кўтарилиб тушар эди.

— Хўш, Аҳмадвой тўро, манов ашёлар хусусинда тўлиқ маълумот берсинла-чи, — деди ниҳоят Фаттоҳ

Обидий амирона. — Сиз уларни қайси гў-ўўрдан олгонсиз?

— Булар отамерос, — деди мулла Аҳмад ғурурланиб, юрагида кўзгалган санчиқни аранг босиб. — Ёруғ дунёда бундан бошқа арзийдиган нарсам йўқ!..

— Ай-ай! Адашмасам оталари даққи одам бўгон, сиз эса ундан қогон лаш-лушга сиғинопсиз.

— Илож қанча, биродар, қисматим шу экан!..

— Манави нимаикан?

— Қонун!..

— Апус, апсус!.. Шу савил когур илгари замонда саройи бегаганидан беҳабармисиз? Ихм!.. Ёки юртти эзиш ва кайпу саподан бўшамаган очопат хон кўнглини овлаганидан-чи? — Мулла Аҳмад жавоб қилишни истамай аста қўл силтагач, Фаттоҳ Обидий хотиржам Пакана сари ўгирилди. — Токай бунга тоқат қиламиз, токай?

Тош қотган ва ичи сидирила бошлаган Шамсиддин элас-элас илғади: бирдан Пакана босар-тусарини билмай қайсидир тоқчага яқинлашди, қўлига илинган нозик бадан танбурни чунон ерга тоблаб урдик, бўғиқ бир фарёд хона тугур бутун заминни титратди. Кейин бир дутор, бир қонун, бир чарона зеру забар бўлди. Бариси тутдек тўкилди; тоҳануз бағирларида ниҳон бўлган наволар титрана-титрана сўнди...

Ақл бовар қилмас томоша қошида ошналар гангиб-довдираб қолишган, карахт каби қилт этишмас, сазо беришмас эди. Табиатан оғир-босиқ бўлган устоз тўрсайиб, хиёл думалоқ бетига мувофиқ тушган ихчам соқолини силай-силаё, анчайин қалин лабларини қимтиб ўтирарди. Шу асно ич-ичида нимадир лов ёниб, нигоҳи чакнади-да, ишқириб ҳаво симириди, мулла Аҳмад ва Шамсиддин билан кўз уриштиргач, совуқ нигоҳини яна бир чолғуга қадаган Пакана устига отилди. Муттаҳамни шартта бўғиб, қўлтиғидан даст кўтариб улоқтирганда ва у сомон тикилган қопдек бўсағага гурсиллаб тушганда Шамсиддин кулгисини тийолмади. Ҳамон хумори босилмаган устоз Фаттоҳ Обидийни ҳам шу аҳволга солиш учун хезланди. Аммо мулла Аҳмад қўймади. Ортиқча чиранишдан фойда йўқлигини ўзи ҳам сезди чоғи, ҳоврини аранг босиб, бир нарса демай ҳовлидан узилди...

Уста Жамшиддин ўзидан ўтганини ўзи билиб, зим-зиё тор кўча ўртасидан ғудранганча лапанглаб борарди.

Бехад жажли қўзигани туфайли ўзи тугур, ўглини ва хатто бор дунёни унутганди. Ҳалидан бери дилини бир шубҳа ўртаётган эди. Ахир, нахотки бугун мулла Аҳмад хонадониди мажлис бўлишини Иброҳим отасига етказган бўлса!? Бу хусусда ҳеч бир бандага чурк этмагин-а, деб қайта-қайта тайинлаган эди-ку! Гуллаб қўйибди-да нобакор! Энди катикни ҳам пуфлаб ичиши керак, йўкса чув тушгани-тушган. Яхши ҳам Қуръони карим бекитилган жойни ўғли, хотини, ўзидан бошқа биров билмайди. Ҳар ҳолда улар озги маҳкам, тагин ким билсин, савил жон кўп ширин-да!..

Уста Жамшиддин қоронғиликда Умар чол тегирмони қўнқайиб кўринган дамда ўғлини эслади, беихтиёр ўгирилиб қараса, у ўн-ўн беш қадам кетинда судралиб одимлаётир. Адашмаса, бугунги таъкиб жўраси билан боғлиқ эканлигини, Шариф урфон гумроҳлар ортидан беҳуда келмаганини у ҳам сезибди. Ана, йирик-йирик кўзлари нафратли порламоқда, руҳи синик, муштлари тугилган...

Уста Жамшиддин оз бўлса ҳам ўғлига таскин бериш ниятида тўхтади, лекин тили тузукли айланмай бўғилиб қолаёзди; шоша-пиша илгарилаб, дарчадан ошиқиб кира-рар экан, кўнглини бир дарду ҳасрат тобора қаттиқроқ чулғар, афсуски, чарх ҳали яна қанча мусибат ҳозирлаб қўйганидан ғофил эди.

Йилдан-да узун туюлган тун маҳзун кечди, аниқроғи, тирамоҳ булутлари қўланкаси билан янада қуюқлашган тун бўёғи симиллаб дилига кўчди-да, ажриққа ағанаб ухлолмади. Нуқул хаёлида зеру забар чолғулар айланар эди; хатто улар тутдек тўкилар чоғи қилган нолишларни эшитгандек бўларди.

Уста Жамшиддин ғам-андухга тўла бир ҳафтача вақтни бекор ўтказди. Ахийри, шунақа зерикиб, шунақа диққати ошдики, ҳовлига сиймай қолди, бугун тонгазонда таҳорат ушатиб, бомдодни адо этгач, Регистон сари отланмоқчи бўлди. Айвонда ўзи билан ўзи олишиб иккиланиб турганда, ланг очиқ дарвозадан имиллаб уста Курбон кирди ва Хизрни кўргандек бирдан енгил тортди; юрагини бўшатиб дардлашмоқчи бўлувди-да. Аммо нияти ушалмади, у топиб келган муждани эшитгач, баттар тутди.

Кечадан бери шаҳар айрича нотинч — беҳаловат: хуфия маҳкама исковучлари рўйирост ҳамма ёқни тит-

пит қилганча қози Муҳаммад Валихон кироатхонасидан кимдир ўмарган ва қайгадир яширган Куръони каримни қидирмоқда. Тирик жон борки, шубҳа ва таъқиб остига олинган, бинобарин, саҳардан дарак бериб хўрозлар қичқира бошлаганда мулла Ражаб, уста Ризо, Собир Қамарий ва яна беш-олти нафар эскича танийдиган киши ҳайдаб кетилган, ҳайдаб!..

— Бирон ёққа бош олиб кетсак, — юраги узилгудек бўлиб гудранди уста Курбон. — Эл-юрт тинчиса, туз-насиба тортса, қайтар эдик, биродар.

— Э-э, қўйинг, айтишга осон!..

Кўкси ўпирилгудек ҳолда уста Жамшиддин номаълум нуқтага тикилди. Қайси деворга уриб ёрсин пешонасини, ахир, чарх ўйлаганидан кўра минг карра доғулироқ экан, охир-оқибат чинордек қоматини букиш пайида!

Лекин устоз осонликча тоб ташламаса керак, қолаверса, ён-атрофини ўраган ишончли ёру ошнасига суянади. Умуман олганда, қисматини фуқаро ғам-алами ёки қувончидан ҳеч қачон хорижда тутган эмас, ҳамиша ўлигу тириги билан бирга — кулса кулади, йиғласа йиғлайди.

Бугун ҳар неки ғулув шаҳар бағрида эмас, гўё безовта дилида юз бераётир ёки ҳамма нарсани янчиб юборадиган довул каби руҳини ишғол қилиб бормоқда. Эрта-индин ноилож тақдири азалга тан беради, яхши-ёмонга бирдек кўниб, лўкиллаб боради-да, акаси мулла Ражабдан ҳол сўрайди, уста Ризо ёки Собир Қамарий кўнглини билади, лекин бу ҳаракати билан нима ўзгаради, нима?

Ҳеч нарса ўзгармайди, фақат аллақачон муаззам шаҳар эгасига/ айланган Фаттоҳ Обидий қаддини тик тутаверади, гумашталари билан истаган нарсасини пайхон этаверади, ҳар не учратганини маломат тоғи остига бостираверади ва охирида чинакам адолат қарор топганини эълон қилади.

Ёспирай, устоз ҳозир ҳазрати Хизрни йўқласа бўларкан, нима қиларди ўша гумроҳ номини тилга олиб? Анча совқотиб қолган уста Курбонни даҳлизга чорловдики, нотекис қадам товушлари ва гудранишлар эшитилди. Сўнг Фаттоҳ Обидийнинг соявонли қалпоқ қўндирилган боши кўринди; мулойим табассум аримайдиган тухумдек сип-силлиқ бети шолғом каби қизарган, шамоллаб қолган чоғи, пўнғиллаб йўталар эди. Қуриб кетгур ёлғиз эмасди; изидан пальтога ўралган Пакана ва юпқа

камзулда қалт-қалт учаётган уста Мирсаид эргашиб келарди. Муҳандислар пешвоси билакларига занглаб кетган кишан урилган эди.

— Ай-ай! Тагин бемоврут кеппиз чоғи, — Фаттоҳ Обидий илжайганча думини ликиллатаётган шеригини туртиб қўйди. — Ҳимм.. Чакки, кў-ўўп чакки. Маслаҳат пишаёптими?

— Шунчаки гурунг, — тўрсайди уста Жамшиддин, уста Мирсаид ранг-рўйига тикилиб эзиларкан. — Нима, сиз доим пойимизда патакми?

— Ишимиз шуноқа, устони коттаси, — Фаттоҳ Обидий нарироқда ҳўмрайганча ер сузиб турган Шамсиддинни эркалаган киши бўлиб елкасидан қучди. — Хи-хи, ёқмадиме?

— Билиб қўйинг, биродар, биз чувалчанг эмасмиз.

— Сиздан чуволчонг ясош қийинмас.

— Астоғфурилло!..

— Ай-ай! Эшук ё устун дейсиз, кошун ёки мирамур дейсиз, тобоқ ёки лўган дейсиз, ажи-вужи нарсаларни чатилаб, пандавоқилар кўзини бўёйсиз. Суф-е!..

Фаттоҳ Обидий гўё қандайдир эътиборли минбардан эс-хушини йўқотган пала-партиш оломонга қарата ваъз ўқиётган воиздек беписанд чулдирар эди. Авжини туширмай бугун адо этилаётган ислоҳларни менсимаётган, жанда чакмону қиркямоқ чопонга ўралиб олган овсар ва жоҳил бандалар гўрига роса ришт қалади. Навбат тутқун қилинган жонларга етганда хиёл сарғайган теп-текис тишлар билан тўлган оғзи яна ҳам кўпирди. Охирида қўлларини чўнтакларига тикиб, атрофида айланиб-ўргилаётган Паканага бош ирғади. Ҳар доимгидек хизматга шай гумашта ўша заҳоти уста Қурбон билан гига шилдирашиб кишан солди-да, пишиллаб Қурбонни суриштира бошлади.

— Балки сиз биларсиз қаёғдалигини? — пўписа аралаш устоздан сўради Фаттоҳ Обидий. — Яхшилаб ўйлоб кўринг, сиз кўп борайкансиз қироатхонага!..

— Қонимга ташна қилманг, биродар!

— Ай-ай, намунча жиззақисиз?

Пакана юраклари така-пука бўлиб жавдираётган икки тутқунни олдига солиб ҳайдади, Фаттоҳ Обидий илжайганча сал орқароқдан жилди, жиларкан, бармоқларини тирсак қилди-да, ҳамон жойида қотиб-бўзариб турган Шамсиддин бурнини қисиб қўйди.



Ана-мана намозшом чўкиб, ҳовли ва атроф-жавонибни кабристон сукунати қоплади, гўё бу сукунат хуфия маҳкама кўрғони остида оч-наҳор музлаб ётган ёру биродарлари ҳоли-руҳидан огоҳ этарди.

Ёруғ дунёда айрилиқ нақадар ёмон, барисини кўра-била туриб ёрдам қўлини чўзолмаслик янада оғир! Нима бўлганда ҳам худо илойим охирини бахайр қилсин. Қодир эгамдан улар жонига тўзим тилайди. Мавридини топиб оилаларидан хабар олади. Иложи борича тезроқ Малоҳат ая билан учрашмоғи, кўнглини кўтариши лозим. Топарман-тутарман эри туфайли янгаси қийинчилик ёки оғир-енгил нималигини унча билмайди, мудом егани олдида, емагани кетида бўлган, индалло, анчайин нозиктаб аёл — шўрликни юпатиши осон кечмаса керак. Бошига тушган мусибатни кўтаролмай аллақачон кўрпача қилиб ётгани эҳтимолдан холи эмас.

Эртаси куни чошгоҳда уста Жамшиддин ингичка ислимий нақшлар чекилган кўш табақали дарвозадан мўралаб кўзларига ишонмади, илгари босиши ёки ортга қайтишини билмай, маҳобатли пештоқ қаршида гарангсиб тўхтади.

Ахир, ҳовли ташқари-ичкараси тўс-тўполон бўлиб, қадам босгани жой йўқ эди. Соявонли қалпоқ кийган тозидек абжир тўрт нафар бақувват йигит елиб-югуриб, ҳай-ҳайлаб, бир нечта қўқон аравага китоб ортаётган эди.

Вассажуфт айвон гирдида, патгилам ва кўрпача тўшалган чорпоя ёнида мулла Ражаб касалванд одам каби бўзариб турар, боқишида ғусса аралаш билинар-билинемас малол ифодаси бор эди; анчайин ровлаган соқолини патак дейсиз — кўпдан таралмаган, симоби салласи ҳафсаласизлик билан пала-партиш ўралган, гавдаси гўё кичрайиб қолгандики, тўсатдан йўқолиб, тўсатдан пайдо бўлганидан кўра, мана шу айтгулиги йўқ киёфаси кўпроқ таажжубга молик эди.

Мулла Ражаб лаби чети билан чор-ночор илжайди, муҳим бир нарса излагандек имирсилаб ичкари кирди, довдирай-совдирай ташқари чикди, нечундир ҳамон жойида бемажол қотган укасини чорпояга таклиф қилмади. Сўнг даргоҳига фаросатдан қисилган манови барзангиларни йўллаган худобехабар касларни қарғаган бўлди. Охирида узук-юлуқ қилиб, ўзи билан уста Ризони бегуноҳ санаб вақтинча бўшатишгани,

Собир Қамарий, уста Мирсаид ва уста Курбонни эса қандайдир айблари сабаб тутиб қолишганини сўйлади. Бошқа не воқеа рўй бериши қоронғи, лекин тез орада шоири калон жамоат гувоҳлигида суд қилинарниш!..

Уста Жамшиддин гапни чувалатган акасига, биринчи бор кўриб тургандек, бош-оёқ синчиклаб разм солди; недир алам ўтиб илкис тутакди, апир-шапир енг шимардида, аравалардаги китобларни зумда тушириб ташлади. Фақат бу билан кифояланмай, тўрт томондан ўдағайлаб келган гўрсўхта касларни ногоҳ қўлига илинган курак билан гупиллатиб ура кетди.

— Уйимни куйдирмоқчисан чоғи? — куракни жаҳд билан тортиб олди мулла Ражаб. — Бориб тошингни терсанг-чи!..

— Сиз ҳам қадрингизни билинг, ака!..

Яна калтак ейишдан чўчиган гумашталар бидирлаб сўкинганча туёқларини шиқиллатиб қолишди. Аравалар шалдирай-шалдирай узоқлашиб, муюлишда кўздан йўқолгач, уста Жамшиддин қаёқдандир ҳаллослаб етиб келган жиялари Абдувоҳид билан Абдурахмондан гиналади, сўнг уларни ёрдамга чорлаб, оёқ остида тўзғиб-сочишиб ётган китобларни ихраб-сихраб этакда махсус қурилган узун бўлма сари ташиди. Айвон четида истеҳзоли кулимсираб, бепарво қўл ковуштириб турган акасига эътибор бермай узоқ уринди.

Иш битганда вақт шомдан ошган бўлиб, уста Жамшиддин тамом ҳолдан тойган эди. Сўри гирдида омонат чўкиб, ҳар замонда жиянларига гап отиб, пича нафас ростлади. Ҳамон бетидан киноя аримаган акасига далда бермоқчи бўлди-ю, бирдан елкаси тиришиб айниди. Хаёлида эрта бутун оламини кўмиб юборгудек увол даҳшати куюн бўлиб айланарди, айна пайтда Собир Қамарий таъриф қилган Мўйсафид сиймоси ҳам чириллаб айланарди. Сўнг бариси номаълум томонга чекинди ва қай маҳалдир ўзини бир маромда гулдираётган тегирмон қаршисида кўрди ва Умар чолни қора тортиб келганини англади.

— Отагинам, худойим суйган банда, — уста Жамшиддин ун иси ўрнашган хужра тўрида чўккан ҳамоно ёрилди, — тупурдим ўша худбинларга!

— Астоғфурилло! — бафуржа чой қайтариб бош чайқади Умар чол. — Анови Шариф урфон отлуг сўтакка ҳамми?

— Шундоқ! Мошовага қатик бўлаётган ўша тулкини ҳам, барини аралаш-куралаш қилиб юбораётган Фаттоҳ Обидий билан Пақанани ҳам илоё тўнғиз қопсин гўрида!..

Маъюсланган ва ғуссага ботган Умар чол шошилмай нон ушатди, лекин манзират қилишни унутиб сукутга толди. Аллақачон етмишни уриб қўйган отахон шаҳардаги ўзгаришларни буғдой ёки арпа торгтириш учун келган мижозлар орқали сал-пал билар, ҳар бир катта-кичик хабарни ўзича хитланиб тарозига солар, кўпинча хулосасини устоз билан бўлишар эди.

Қадрдон улфати ҳозиргина тилга олган Шариф урфон куни кеча қошига келиб, нари-берига ўғринча мўралаб, ақл бовар қилмас фикр айтди ва ўтакасини ёраёзди. Умри бино бўлиб бунақа нафаси совуқ нухани худо ҳақи бошқа учратган эмас. Етти пуштини беминнат боққан мана шу даргоҳни жинлар базм қурадиган чалдиворга қиёс қилиб илжайди-я, номард!..

Энди бу савил танага битган қип-қизил чипқон — умр заволи эмиш, жонни койитиб, вақтни ўғирлаб, жойни эгаллаб ётишдан бошқасига ярамасмиш, замон зайли билан келгусида халойиқ ун деб овораи сарсон изғимасмиш, хартумидан тутун пуркайдиган маҳобатли завутнинг темир тандирида пиширилган бўрсилдоқ кулча нонлар ва мойи сирқибгина турадиган қатпатирларни тўйиб-мириқиб тановул қилармиш!..

Шариф урфон афтини тасаввур қилиб бўғилаётган Умар чол бир кўнгли тўкилмоқчи бўлди, лекин уста Жамшиддин шундоқ ҳам турли ғийбатдан ортиқ чарчаганини сезиб тийилди. Мияси сирқираётган устоз чиндан ҳам мудрай бошлаган эди, ҳатто энди дўл гулдираши кулоғига чалинмас, хаёлида гоҳ Собир Қамарий, гоҳ талғир туясини йўрттириб бораётган Мўйсафид, гоҳ ҳар ерда ҳозиру нозир Шариф урфон гавдаланар эди. Сал ўтмай ўтирган жойида мизғиди, Умар чол бошига ёстиқ қўйиб, авайлабгина ётқизгани, устига кўрпа ёпганини сезмади.

Тахминан ярим кечада босриқиб уйғонди, беихтиёр димоғида ачқимтир ғалла-ун, чириган кепак-сомон ва зах исини туйиб, қайда ётганини англагач, мийғида кулди. Бутун борлиқ-жавониб қоронғилик аралаш теран сукунат қўйнида, дўл гулдираши, жангари итлар хуриши тинган, ҳар замонда изғирин-шамол ғувиллаб

хуштак чалар, соҳил нари ёғида, чамаси, тутзор тарафда бойкуш эринчоклик билан қисқа-қисқа нола чекар эди. Қайсидир маҳаллада очикқан айғир кишнади, қайсидир тош кўчадан пўчта файтуни шарақлаб ўтиб қолди...

Ҳозир завжаи ҳалоли Ойдинбиби мижжа қоқмай, туз тотинмай эшикка термилиб ўтирган бўлса керак. Бунақа вақтда айниқса Шамсиддин кўпроқ азият чекади, қурмагур кум тикилгандек қизарган ва ачишаётган кўзларини ишқалаб, онаси пинжига бўталокдай суқилиб йўл пойлайди. Қачонки у остона ҳатлаб, икки оғиз ширин сўз айтиб, пешонасидан ўпгандан кейингина овунади ва пишиллаб ухлаб қолади.

Каллаи саҳарда уста Жамшиддин юпкагина курок кўрпачада чўзилган Умар чолни уйғотиб юбормасликка тиришиб, хужрадан шовурсиз узилди. Илдам-илдам бораркан, илкис ғашланиб, ҳовлиси бесаранжом эканлигини пайқади. Чиндан ҳам дарвоза ёнида икки қоровул суҳбатлашиб турар, даҳлизда Фаттоҳ Обидий ҳамда Пакана қовоғидан қор ёвдириб, Шамсиддин билан Ойдинбибини сўроққа тутаётган эди. Ўртадаги мизда Собир Қамарий яқинда дастхат билан совға қилган «Чашма кўзи»ини кўрди-ю, тўк ўрган каби бирдан оёқ-кўли бўшашиди. Турфа нозик мажоз ва қочиримларга қурилган ушбу китоб атрофида ғийбат кўпайгани боис бир неча кун муқаддам уни кўп қаватли жавон орқасида, таҳмондаги мўъжаз сандиқчада, қанақадир лаш-лушлар орасига тикиб кўйганди...

— Амак, ҳалигиймиш... Қуръон билан Ҳикмат девони оғани эмиш! — таҳдидли йўсинда елка қисди Фаттоҳ Обидий. — Бу нима дегани?

— Тушунтирар эдим-у, лекин бефойда.

— Ай-ай! Майли, қўя қолинг. Қуръон қайда?

— Қаёқдан билай!

— Ёрдам берсангиз тўрт томонингиз қибла!

— Ие, йўқни йўндирайми?

Уста Жамшиддин овозидаги киноя Фаттоҳ Обидий юрагини тешиб ўтгандек бўлди. Аммо сир бой бермай, бир-бири пинжига суқулиб турган, нигоҳларида ҳадик-ҳаяжон ва нафрат акс этган она-болога бир муддат ётсираб тикилди-да, чарм камзули чўнтагидан бир парча қоғоз чиқариб узатди.

Уста Жамшиддин эрта роппа-роса пешинда, узоғи соат ўн бир яримда маҳкама эшигида ҳозир у нозир

бўлиши лозим. Агар инсофга эниб, Куръони каримни ўзи билан олиб борса — олам гулистон, раҳмат ва олқиш эшитиб, шоду хуррам уйига қайтади. Ҳатто бошқа маҳкумларга ҳам жавоб тегади. Ахир, алмисокдан қолган ва сариқ чақага қиммат бир қўлёзма учун шунча одам жабр чекиши маъкул эмас. Тезроқ ғалвага чек қўйилиши лозим, можаро бости-бости бўлиши ҳар жиҳатдан у қиладиган муросаи мадорага боғлиқдир. Қайсарлик отидан тушмас экан, бўйнига жиддий айб босилади ва ошналари димикиб ётган ўрага ташланади, қолаверса, тушунчаси тор одамларни йўлдан оздирадиган қилмишлари хусусида ёзиб беришга мажбур бўлади. Маълумотида бошқа ғаламислар, жумладан, Собир Қамарий хашагини очиб ташламоғи лозим.

Тонг оқарган паллада уста Жамшиддин даҳлизда ёлғиз бош чангаллаб хомуш ўтирар, кўнгли хуфтон эди. Бомдоддан кейин дардини тўкиш учун мулла Аҳмад хузурига ошиқди. Баҳонада қози Муҳаммад Валихон кироатхонасини асраб қолиш бўйича маслаҳат қилишни мўлжаллади. Қанот боғлаб учиб келсаки, муғанний ўзи каби оламга сигмайди, жимжит бўлмада уф торта-торта кўксини гиламга бериб ётибди. Бугун у ҳам хуфия идорага кадам ранжида қилиши, ниҳоят, ўн ёшга тўлаётган кенжа ўғли Рамазонни Шариф урфон илқига топшириши лозим экан...

Оқшомни бедор кечирган, қовоқлари бўртган мулла Аҳмад ҳаддан ташқари бетоқат ва хуноб эди. Саломалиқдан кейин кеча аввал Фаттоҳ Обидий билан Пакана, кейин эса шол бўлиб ўлгур муаллим соатлаб калласини қотирганини тугила-тугила айтаркан, нафаси қайтгандек бўғилди. Афсуски, исноддан қўрқаман-да, йўкса учаловиниям панада бўғизлар эдим, деб дангал қўшимча қилди охирида. Аста бош чайқаб, тунов кунги жанг-жадалдан тасодифан омон қолган садафбанд дуторни баврига тортди-да, пардаларини созлай-созлай черта кетди.

Ҳалигина тундек зимзиё, қафасдек тор туюлаётган дунё энди гўё булут йиртиғидан офтоб мўралагандек бир қадар ёришди, бир қадар кенгайди. Недир ғусса, недир армонга чулғанган курраи арз бир эзгин, бир умидбахш оҳангларга ғарқ бўлди, устоз билан муғанний ҳам тобора авж пардасига қўтарилаётган ўша оҳанглар қаърига чўкиб борарди, хиёл кўпчиган ёноқларини дувиллаганча қайноқ-қайноқ ёш юварди...

Бемор каби заъфарон юзли куз кунлари турнақатор кувлашиб ўтар, недир таҳликага йўғрилган дақиқалар уста Жамшиддин дилини жунбишга солар, оромини ўғирлар эди. Баъзан курту кумурсқага таланиб ётган биродарларини эслаб бир эзилса, уларни қутқариш чорасини топиш маҳоллигини ўйлаб икки эзилади.

Чакирув қоғозига кўра, қарғиш теккан ўша кўрғонга ўзи ҳам аллақачон қадам ранжида қилиши лозим эди. Аммо, худо ҳақи, ҳеч кўнгли чопмаётир, мабодо ўша жойга йўласа, турмуши яна бешбадтар ағдар-тўнтар бўлиб кетадигандек, бетига бир умрлик қозонкуя суртиладигандек туюлаётир. Айни пайтда тақдири азал ҳукмидан кочиб қутулиши душворлигини билади, охиrqибат эрта саркашлиги жабру жафосини тортса керак, бўсағасида тўхтайдиган кўнғизнусха машина кўзларини жавдиратиб ола кетиши тайин!..

Кечкурун Шамсиддин учбурчак муҳр босилган сарғиштоб пакет тутқазди, шайтонарава миниб келган мўйловли йигит — пўчта ходими берибди. Барини тушунгани боис савилга ҳатто қайрилиб қарамади. Тун бўйи мутолаадан бош кўтармай, тангри ёди билан машғул бўлди, бомдоддан кейин нонушта устида чурк этмай хаёл сурди.

Бутун хонадони, демак, бутун шаҳарни чуллаган мотамсаролик шундоқ дилига сим-сим кўчиб, ўз ёғига ўзи қоврилаётган эди. Ахир, нима ҳам қилсин, осмон узок, ер қаттиқ! Беихтиёр муштларини тугаркан, сал наридан жимгина филтиллаб боқаётган Ойдинбибига юмшоқкина нигоҳ қадаб: «Онаси, кўп қайғурма, пешонада борини кўрамыз!» — дея ёлғондакам кулди.

Шу асно қароқларини ҳалқа-ҳалқа ёш қоплаган, маъсум кўзлари кўзичоқникидек мўлтираётган Шамсиддин парпарондек отила келиб бўйнига осилди. Ана шунда ўзи ҳам ўпкасини босолмай, шамолда қолган япроқдек титранди, йиғисини аранг ютаётган, бутун вужудини хавотир чуллаган ўғлини астойдил кучоқлаб ўпди-да, лапанглаб йўлга тушди...

Тез орада кўз ўнгида қайсидир ўрис меъмори лойиҳаси асосида ҳар ёқдан тўда-тўда ҳайдаб келинган маҳбуслар чумолидек гимирлаб тиклаган, томи жигарранг лахтакчалар билан ёпилган кўп қаватли гиштин

иморат намоён бўлди. Дафъатан қараганда у жодугар-лўлилар афсун қилган, ҳаёт асари кўринмайдиган маконга ўхшар, бутун ҳайбати — буржлари, пештоқлари ва деразаларидан аллабир рутубат ёғилар эди.

Соқчилар текширувидан кейин илгари юрган уста Жамшиддин ногаҳон элас-элас фарёд эшитиб сергакланди. Эзгин ва зорли нола муттасил такрорланар, кўрғон остидаги тўйнуқларига сим тортилган зим-зиё ертўлалардан келар эди. Бир тола ҳам нур тегмайдиган симон хужралар кимларни ютмаган дейсиз, ҳайҳотки, бирида Собир Қамарий, бирида уста Мирсаид, бирида уста Қурбон чийралиб ётгандир ва тез орада ўзига ҳам шундай қисмат насиб қилса ажаб эмас.

Тепасига байроқ ва шиор илинган, икки ёнида икки соқчи таёкдек қотган марказий йўлак пешида қовоғидан қор ёндириб Пакана қаршилади. Тавба, намунча ўзига бино қўймаса? Энди устоз тагин ҳам хитланди, юраги тўкилгудек ҳолда, кечиккани сабабли ҳолига маймунлар йиғлашини димоғида таъкидлаб қўйган Пакана изидан учинчи ошёнага кўтарилди.

Нечундир уста Жамшиддин ҳозир Фаттоҳ Обидий рафторини бутунлай унутган эди. Салдаи кейин эслаб, баданига муз теккандек жунжикди; чала-ярим оқланган деворида тепаси тўкилган, нигоҳи ҳалимдек юмшоқ кишининг бўй баробар сурати осилган, жиҳози пачоқ диван, ягона кўримсиз устол ва бир нечта шалоқ курсидан иборат хонага кираркан, яна ҳам айрича рутубат тўйди.

Камзули-қалпоғини ечмай, ручка билан куйиб-пишиб қоғоз қитирлатиб, гоҳо қанд шимиб, гоҳо чой хўплаб ўтирган Фаттоҳ Обидий ҳовлиққанча ирғиб турди, чехраси шунақа ёришдики, кўп йиллардан бери кўришмай соғинган туғишганини тасодифан учратиб қолгандай эди.

Уста Жамшиддин, не қилари, не деярини билмай, бурчакдаги курсида оҳиста чўкиб, бўлмага хушламайгина кўз югуртирди, кейин не сабабдандир девордаги сурат билан Фаттоҳ Обидийни солиштира бошлади, икки қиёфа икки томчи сувдек бир-бирига ўхшашлигини эътироф этди-да, гумроҳ тақлидни бошларкан, олисдаги раҳнамоси никобинни тортган бетига, деб қўйди ичида. Ва шу заҳоти бошида синажак калтакни ўйлаб тин олди.

Фаттоҳ Обидий ҳамон мамнун ва хотиржам эди,

мийғида юмшоққина илжайиб, чой куйилган ту누ка дўлчани узатгач, оғзини тўсмай узоқ эснади. Шунинг баробарида тун бўйи ухламай қайси бир безорини тутиш учун ўлиб-тирилиб из қувганини ҳикоя қила кетди, кейин қўйиб берилса баъзилар разолат денгизига ўз ихтиёри билан чўкишини шарҳлашга тушди.

Шулардан бири бўлган Собир Қамарий билан ҳисоб-китоб қилиш вақти-соати етмадими? Биз шоири калон билан холис ниятда ҳамкорлик қилишга тайёрмиз. Лекин ошнангиз кейинги вақтларда ўзидан кетиб, жловини бўшатиб юборди, қуюқ-суёқ қораламалари билан ғанимлар тегирмонига сув қуймоқда. Куни кеча «Заррин» рўзномаси бош муҳаррири Эсон Мансурий шу борадаги рад этиб бўлмас далилларни маҳкамага ҳавола этди. Айни пайтда у бир вақтлар катта мансабни эгаллаб, бева-бечора бошида ёнғоқ чакқан падари қози Муҳаммад Валихон кирдикорлари учун ҳам шубҳасиз жавоб беражак. Узоқ муддат мазлума аёлларни дўзах ва охират ҳақидаги афсоналари билан қўрқитиб келган хотини Хилола отин Мардонкул кизи эрта-индин жаримага тортилурил..

Кўп афсус: куракда турмас сафсаталар тарғиботи билан шуғулланган ва ҳамон бебошлик ҳомийси бўлиб турган кироатхона алоҳида жиддий ва долзарб масала бўлиб қолаётир, бинобарин, ана шу қабоҳат уяси устидан ҳукм чиқариш фуқаро ихтиёрида!..

Маълум бўлишича, яқинда Собир Қамарий, фахм-фаросатдан қисган эмасми, ўйламай-нетмай муовинлик лавозимини суиистеъмол қилган, бинобарин, Эсон Мансурий бир ойлик сафарга кетганидан фойдаланиб, «Заррин»нинг бир неча сонида кўхна манбаларни кўкларга кўтарувчи суюқдан-суюқ туркум мақолалар бостирган, бу билан кифояланмай, тасарруфидаги Қуръони каримни ғаразли мақсадда қайгадир яширганки, бу саъй-ҳаракати алоҳида ташвиш тундираётир.

Минг йиллар оша жаҳолат намояндаларини қўллаб-ҳимоялаб келган, фақат зулм ва зулмат ёнида турган Каломуллоҳ хизматини ўтаб бўлганини ҳар ким чуқур англаши керак. Дунё ёшараётган бугунги кунда у асраб-авайлаб қўйиладиган нарса эмас, ўқиб-ўрганиш учун буткул яроқсиз, илм зиёсини тўсувчи тўғаноқ, қисқаси, ақлу идрок ва тафаккур душмани, шундай экан, ақлини таниганлар тарафидан тезроқ ўтга ташланиши лозим.



Фаттоҳ Обидий ваъзини аччиқ ичакдай чўзди, шунақа чўздики, ахийри, силласи қуриб ўзини диванга ташлади ва ҳаял ўтмай пинакка кетди. Келишимли бети чуйкалиб, қовоқлари кўпчиб кетганига қараганда чиндан ҳам уйқудан қолгани, ич-ичида недир алам уйилиб ётгани англашилар эди. Сал ўтмай хуриллатиб хуррак тортиб юборди-да, йўтала-йўтала уйғониб, аланглаган ҳолда чарм камарида осирли тўппонча филофига шошилинч қўл узатди.

Фаттоҳ Обидий жимжит хонада ўзи ва паришон хаёл сураётган меҳмондан бўлак ҳеч ким йўқлигига қаноат ҳосил қилгач, енгил тин олиб, шунчаки чаккасини тимдалади. Чамаси, энди мунозара юритгани ҳафсаласи ҳам, хохиши ҳам йўк эди, чўллагандек қалин лаблари пўст бойлаб, томоғи қақраб турарди. Жимгина кўнишиб оқлик ёпилган устулига бемалол чўқаркан, совуб қолган чойдан қуйиб ичди-да, таҳдидли овозда гудранди...

— Хўш, ёкамизме? А, лаббай!?

— Иложи йўк! — деди устоз хотиржам. — Худонинг каломи қайдаю сизу биздек хом сут эмган бандалар қаёқда?..

— Ёкамиз, тамом-вассалом! Пишак-чичқон ўйини тугади!..

Уста Жамшиддин елка қисди, тили айланмай, сокин чакнаётган кўзлари сўйлади: қўлимда Каломуллоҳ йўк, бўлган тақдирда ҳам бермасдим!..

Барини Фаттоҳ Обидий тушунди, ранг-рўйида акс этган ишонч ўрнини вазабга ўхшаш нарса эгаллади. Лекин бунини сездирмаслик учун дархол дераза сари ўгирилди. Бир муддат хаёл сургач, жадал ортига қайтди-да, устол четида турган гирди учган сарғиш қўнғирокни жиринглатиб чалди. Ўша захоти лаб-лунжи кўпчиган Пакана мўралади, нозир муддаосини билгач, кўп ўтмай оғзи-боши қон, пешонаси ғурра, кўзлари киртайган Собир Қамарийни судраб кирди. Неча кундан бери тузукли туз тотмаган, уйқу нималигини унутган шоир оёқда зўрға турарди, ногоҳ чехрасида афсус-надомат акс этган, лаблари гезарган устозни кўрди-ю, ахволдан хижолат чеккандек бўлиб, илжайганча қаддини ростлади.

— Ай-ай! Аҳвол нечук, шайирбача?

Собир Қамарий ҳорғин нигоҳини истар-истамас нозирга кўчирди ва бошмолдовини миҳ қилиб кўрсатди. Айни пайтда недир алам, недир нафрат сийнасини

жизиллатиб ўтди чоғи, беихтиёр афтини буриштирди. Тасаввурини ортидан чирқиллаб қолган хотини ва ўғил-қизлари қиёфаси эгаллаган эди.

— Химм... Хилватгинада текин шурпо билан текин нонни уриб ётипсан-да!? — қалпоғи соябонини ортига ўгириб қўйди Фаттоҳ Обидий. — Хўш, гапир, мана шу амакка берганмидинг Қуръонни?

— Бу амакни танитайман!..

— Ёлғонлама, тилчангни суғуриб оламыз-а!

— Қуръонни мени ҳовлим ёки бу киши уйидан эмас, одамлар дилидан қидириш керак, — айрича жаранглади шоир овози. — Лекин бу ишни эплашингиз маҳол! Нима демоқчи бўлганимни тушунгандирсиз?

— Ййо-оқотулсун бу турки совуқ ҳўккузвой!..

Фаттоҳ Обидий оғзидан тупук сачратиб бакирди, қуёнчиғи тутиб қолган одамга ўхшаб дағ-дағ қалтирар, лабларидан то кулоқларига қадар какра ўтдек кўкариб кетган эди. Пакана Собир Қамарийни судрай чикиб эшикни ёпгандан кейин бир оз тинчиб, ранг-рўйига қон югурди.

— Қуръон, Қуръон! Тавба-ей, тилломе нима бало!?

Фаттоҳ Обидий хумдек оғирлашган калласини чангаллаганча яна ўзини диванга ташлади. Тахминан ярим соат мизғигач, кучга тўлган каби ирғиб турди-да, барини тўхтаган жойидан бошлади. Собир Қамарийни ўйлаб ичи тирналаётган уста Жамшиддин ҳозироқ қўлига кишан урилишини чамалаб безовта эди. Аммо негадир нозир энди сўрокни унча чувалантирмади, бугунча жавоб дея илжайгач, бир дам чакаги тинмай каридоргача кузатиб чикди.

Уста Жамшиддин чармсимон жигарранг мато сириб қопланган эшикдан тез-тез узоқлашаркан, иблис болалаган кўрғондан бундай осон кутулиб кетаётганига хайрон эди.

Чиндан ҳам ақл бовар қилмас ҳодиса бўлди, гўё елкасидан тоғ ағдарилди, тоғ! Лекин Фаттоҳ Обидий одамни ола ўйинга солишни ўлгудек ёқтиради. Тилини ҳаққа чўкигандай чайналгани — билганини сўйламагани учун кечирмаса керак. Ҳали мақсадини Пакана кулоғига шипшиб қўйган бўлса ажаб эмас. Енг ичида иш битиришга устаси фаранг гумашта девдай-девдай шериклари билан ҳадемай йўлини тўсади-да, тўппа-тўғри элтиб қоронғи ўрага тикади. Ўша заҳоти темир эшикдан ил-

жайганча Фаттоҳ Обидий мўралайди, бикинига пичок тираб, қайтадан савол устига савол ёғдиради.

Охир-оқибат, қону зардоб ютиб, барини оқизмай-томизмай айтиши керак, акс ҳолда, кун йўқ, шўрва тўкилади шўрига! Ўртага имони ёки иззат-нафси тикилганини нозир қаёқдан билсин, унга қолса дилида ҳар не борини арзон-гаровга пуллаши лозим. Агар бепўшт-пўшт шундай қилса — букилса, чинакам ҳиммат ва эътиборга эришади...

Шошилиб илгари босаётган уста Жамшиддин миясини шу хил тарқоқ мулоҳазалар чирмаган эди; ҳовлини коқ иккига айирган йўлакдан ўтар чоғи жон ҳовучлаганча бир неча бор ортига ўгирилди. Хайрият, қоровуллик постига етди ҳамки, лаънати Пакана йўлиқмади. Дарвоза бикинидаги эшикчадан чикиб, кўнгли бир оз таскин топди ва шу заҳоти изғирин супураётган тошлоқ майдонча четида юзма-юз турган Шамсиддин билан мулла Аҳмадни кўрди.

Мана бунни учрашув деса ярашади, севинчидан юраги паққа ёрилаёзди. Ўксиниб қўяётган ва лаблари гезарган ўғлини эндигина бағрига босувдики, кунботар тарафдан кўзлари олма-кесак терганча Шариф урфон шитоб келаверди.

Уста Жамшиддин тескари ўгирилди, маориф жонкуяри зипиллай бориб кўрғон ҳовлисига кириб кетгач, кўкси ўпирилгудек бўлиб уф тортди. Йўл-йўлакай Собир Қамарий ва Хилола отин бошига тушган кулфат ҳаммага бирдек тегишли эканини, қози Муҳаммад Валихондан мерос ҳовли-ҳарам ва китоб уйи рўйхатга тиркалганини сўйларкан, товушида бир титраниш сезилди. Эрта шунча мулк охирги гардигача мусодара қилиниши мумкин ва бу тадбир Шариф урфон тайёрлаб берган қоғозлар асосида адо этилиши эҳтимолдан холи эмас. Ҳозирги вақтда маҳкама қўшимча далиллар тўплаш билан овора бўлиб турибди, шуниси айниқса ёмонки, ўрмонга ўт кетса, ҳўлу қуруқ баравар ёнади.

— Уста, ростини айтсам, девор оша кўчага мўралаганиям чўчиб қолдим, — деди ниҳоят мулла Аҳмад, лип-лип учаётган қовоғини силаб. — Билмадим мен ким эканман, соямгаям қоровул қўйишган-а, тавба. Ҳалиям биттаси муюлишгача келди изимдан.

— Буларга қолса... тўғри одам йўқ дунёда! — ҳавода муштини дўлғади уста Жамшиддин. — Худойим-ей, қандай кунларга қолдик, мулла Шамси?

— Э, устоз, ўғилчадан ҳол сўранг-чи. Бетамиз Шариф урфон буниям қулоғини бураётган эмиш!..

Муғанний ташвишланиб айтган гап маромидан бари-ни англаган уста Жамшиддин кўксида ногоҳ нимадир портлади. Ахир, бу кетишда Қалам билан Сўз оёқости бўлади-ку! Не-не йиллар мобайнида арабий битик мардум қону жонига сингиб кетганини нима учун ҳисобга олмаслик керак. Қолаверса, масалани тақдир ҳукмига ташлаб қўйиш ёки пала-партиш ҳал этиш инсофдан эмас. Хавфу хатар кучайган бир пайтда айрим нусхалар ар-вани куруқ олиб қочаётгани айниқса афсусга молик...

Бари-барини теран ҳис этгани боис уста Жамшиддин дилдан эзилар, аламини кимдан олишни билмас, ора-чорада дардлашиш истагида Умар чол қошига йўрғалар эди. Қайси куни борганда отахон ҳужрасидаги беш-олти рисолани Пакана бошлиқ исковучлар кўз ўнгида бурдалаб ташлагани ва анҳорга улоқтирганини хўрсина-хўрсина сўзлаб берди. Қуръони карим пайида изғиб-искаланиб юрганмиш муттаҳамлар. Тонг-азонда эса ҳали уйқуси тарқамаган Шариф урфон Шамсиддинни сўраб келди. Жон-пони чиқиб кетган устоз ўғлини яширди. Холасиникида, деди нигоҳини тикандай санчиб. Кечкурун кейинги вақтларда оромини ўғирлаган жамики мулоҳазасини батафсил қовоғга туширди: мижжа қокмай юқорига хат тайёрлади. Сўнг ичини мушук таталаб, жавоб кута бошлади, жавобдан дарак бўлавермагач, охири сирдан мулла Аҳмадни воқиф қилгани жўнади.

Шундоқ ҳам тўлиб-тошиб, кимга тўкилишни билмай юрган муғанний устоз сўзларини тинглаб, чимирилган кўйи ўйга толди, бир оздан кейин шу қадар муҳим мактубни ими-жим жўнатганини бетига солиб анчайин гиналади, ҳатто афсусланди: аттанг, камина ҳам имзо чекар эдим-а!..

Шундан кейин мулла Аҳмад хўрсиниб, ҳовлисида бегона бир зор бўлмаса-да, атрофига ўғринча қараб қўйди. Чиндан муғанний сабр қосаси тўлганди.

Иложи қанча, уйдан олиб кетилган садафбанд қонун биқинида зарб қилинган ёзув Фаттоҳ Обидий қонини қайнатаётган эмиш, ўша нарса учун ҳали жавоб беришига тўғри келармиш!

Асли, инсоф билан айтилса, раҳматли падари дилдан кўчган битиклар бўҳтонга учраганди. Маъноси нима деб сўрарсиз, маъноси шуки, ўғлим, дунё кўзингга тору

қоронғи кўринганда қўлингга қонунни олгин; ўғлим, дунё кўзинга кенгу чароғон кўриниб кетганда ҳам мана шу соз билан мулоқотда бўлгин!..

Орадан тахминан ўн кун ўтгандан кейин уста Жамшиддин яна қозоғга мук тушди, чой хўплай-хўплай, эндигина илк жумлаларни поёнига етказган эдики, эшикдан сўрамай-нетмай Шариф урфон йўргалаб кирди.

Шаҳарда тобора довуғи ошаётган муаллим бугун ҳафсала билан алоҳида русумда кийинган: оёғида кўполроғу яп-янги оч қизил ялтироқ амиркон пойабзал, эғнида оҳори тўкилиб улгурмаган барра ёқали ним пушти қишлик пальто, бошида анчайин бежирим жигари барра телпак ва бўйнида эскироқ гулоби жун шарф — бехос диққатни тортадиган либослар ранги ўзаро уйғунлашганча юмалоққа мойил чўзинчоқ бетига кўчгандек эди.

Илгари муаллим кўплар қатори уста Жамшиддин меъморлик ва наққошлик бобида устозлик мақомига кўтарилганини чин дилдан эътироф этарди. Кенжа ўғли Иброҳимни, тақсир, эти сизники, суяги бизники, деб шогирдликка топширгач, этагини ўпадиғани ва соясига кўрпача тўшайдиган бўлди. Кейин жин тегишгандай қадам олиши ҳам, лаб-даҳани ҳам ўзгарди, чарх уйини бошқатдан қуришни орзу қилаётган бандалар ордидан эргашиб кетиб қолди. Энди у анчайин хотиржам ва тўкис яшар, фақат сояси йўқ дарахтга айланаб бораётганини англамас, англашни истамас ҳам эди...

— Баччағар, нима бало, ҳовлимда қўйинг адашганми? — деди устоз ботинан тутақиб ва кутилмаганда сенсираб. — Сур бўл, лекин сал эвида бўлгин-да!

Айилботар гап Шариф урфон кулоғига кирмай, бир томонга хиёл кийшайган, қиррасини кўзойнак кизартирган бурни остидан ўтиб кетди чамаси: ишшайиб, томоқ кириб, салқи ковоқларини ишқалаб, кўрпачада бемалол чўқди. Наридан кўчадан-бери кўчага чопавериб юраги куйганми, ичкари хонадан енгини бетига тутиб чиққан Ойдинбидан чой сўради, хатто йўлига совуқ сув ҳам кифоя деб минғирлади. Ичи сидирилайётган эса-да, сир бой бермай, очиқ чеҳра билан дастурхон тузай бошлаган кўхликкина бекага ўғринча қараб-қараб, қўйнидан нимадир чиқарди.

Не-не умид-ла, бир неча кун муқаддам юқорига жўнатган ва ҳамон сабр-тоқат билан жавоб кутаётган

мактубини таниган уста Жамшиддин тахта бўлди-қолди ва том гувиллаганча тўнтарилиб тушди гўё устига!..

Энди ўзини азиз меҳмондек тутаётган Шариф урфон эса, бепарволик билан мактубни қиймалаб-юмалоқлаб гилам остига тикиб қўйди-да, қайноқ чойдан хўплади.

— Нима йўқотгансиз ҳовлимда? — гижиниб савол ташлади яна уста Жамшиддин. — Ёки сиздан қарзим борми?

— Таксир, минг бор узр, Иброҳимбой энди шогирдингиз эмас, — ниҳоят бошқа томдан ошиб келди Шариф урфон. — Бугун кўрсангиз танимайсиз. Мировой бўб кетган!..

— Фақирдан хафа эмасдир тайлофингиз, — деди уста Шамсиддин бўғзи ачишиб. — Худойим умрини узоқ килсин!..

— Унисини билмадим, — телпагини бир кўтариб тагин жойига кўндирди меҳмон; сўнг шошилмай чой куяркан, андавани бошқа томонга тортиб кетди: — Ҳам захарсиз, ҳам асал!..

— Худойим ийлаган зуваламни!

— Шундайми? Ихмм! Унда яхшилаб кулоқ солинг, таксир, — истехзоли кулганча қисқа сукут сақлади Шариф урфон. — Бибихоним мачити дарвозаси ёнига пас-так курси қўйиб, ҳар балони мутолаа қилиб ўтирадиган, тақдир азал ва шифо синоатидан фол очадиган Миср чолни танийсиз-а? Ҳа, бал-ле! Ана шу кас учига чиққан пирибгар эканлигини ҳам билармидийиз?

— Пири муршид, ўткирнафас валий Миср дарвеш бошига не кулфат тушди? — хавотир аралаш тўрсайиб сўради устоз. — Бетоблар ва бечораларга қайишадиган ул кишидек беозор зот бутун вилоятдан бошқа топилмас!..

— Беозорлик фазилат саналмас энди, жигарим. Энди одамга эмас, замонга қайишмоқ фазилат, — овозига янаям бошқача тус берди Шариф урфон. — Хулласи калом, кечки сабоқни бериш ниятида мактабга бораётсам, ўша таъвияни туртиб-суртиб ҳайдаб келадилар, узун дасторини бўйнига ҳалқа қилиб солганлар!..

— Афсус, кўп афсус!..

— Сиз ҳам қадамни билиб босинг, биродар.

— Сиз билиб босяпсиз-ку, Шариббой, етмайдимми!?

Ҳартугур ҳамон ўзини уйдагидек эмин-эркин тутаётган меҳмон бунақа учирикни кутмаганди, бир зум

бақа бўлиб ўтиргач, юмалоққа мойил чўзинчоқ бетида недир соя ўйноқлаб, шунақа қарсиллатиб акса урдик, иморат деразалари кўчиб тушгудек алфозда зириллаб кетди...

— Мани йўригим бўлак-да, — гудранди у охири, ҳеч нарса бўлмагандек хотиржам, лаб-лунжини дастрўмоли билан қайта-қайта артганча. — Эрта камина гўрига кириб ётмайсиз-ку!..

— Шуни биларкансиз, шунисигаям шукур!

— Нима деёсиз, оқсоқол? Ман барини биламан, барини. Сиззи бошингиззи айлантираётган нокасу ножинслар муддаосидан ҳам хавардорман. Азиз бошингиз, бола-чақангиз ҳурмати, қайтиб улар яқинига йўламанг. Эрта сизни фақат Фаттоҳ Обидий суяши мумкин. Ёлгон айтсам ёрилиб ўлай!

— Бу тарафидан беҳабар эканман.

— Ўзингизни гўлликка солманг. Гап Куръон устида. Нима учун кизганяйсиз ўша алмисокдан қолган нарсани, нима, бошингизга ёстик қиласизми?

Елкаси тиришган уста Жамшиддин атай жавоб бермади, бир вақтлар Мир Араб мадрасасида инон-ихтиёрни осонгина ўғирлаб кўядиган мана шу тоифа шакарғуфтор воизлар билан ҳар кун ноилож мулоқотда бўлавериб, жонидан тўйганини эслади. Олимлигу мударрислик даъво қиладиган ўша мирқурук каслардан тониб ҳам, қочиб ҳам қутулолмай нақадар қийналган — минг марталаб тавбасига таянган...

Қайтар чови Шариф урфон вақт борида этагини йиғиштириб олган халойиқ кўп унсурлар, хусусан, Каломуллоҳдан юз ўтирганини роса чайнади. Ана шу фикрини қайта-қайта таъкидлагач, шаҳар тарихи ҳеч кимга керак эмаслиги, эски иморатларда қурук савлатдан бошқа нарса йўқлиги, таъмирга куч ва пул сарфлаш нодонлик эканлигини эринмай изоҳлади. Охирида эса Шамсиддин сингари навнихол тақдиридан астойдил ташвиш тортаётганини эслатиб ўтишни унутмади.

Иложи қанча, уста Жамшиддин барини жимгина, сабру бардош билан тинглади — гоҳ кулса, гоҳ куйди. Бостириб чой ичаётган Шариф урфон Куръони каримни ерга уриб, тобуткаши ва чирокёқари бўлмиш ўғли тақдирини канақадир сафсагалар билан кўшиб юборгандан кейин юрагининг аллақайси нуқтасида сим-сим санчиқ кўзғалди. Тобора кучланган даҳшатли оғриқни

бир лаҳза унутмаган ҳолда, кўрсаткич бармоғи билан ҳавода доира ёки учбурчакка ўхшаш шакл чизди: сиз ўттиз қилсангиз, аршу аъло тўққиз қилур, жигарбандим сиз таърифу тавсиф этаётган мактабда таҳсил кўрмаса ҳам иншооллоҳ бир амаллаб кун кечирар, ҳеч қачон очидан ўлмас!..

## VII

Аввали-охир и йўқ ўйлардан, қолаверса, таг-замини нотайин миш-мишлар ва рийбатлардан уста Жамшиддин толиқди. Шундоқ кўз ўнгида чарх ҳар сония турлича турланарди. Кун ора ўпкасини қўлтиқлаб келадиган Пакананинг совуқ урган сабзидек буришган башарасидан айниқса тўйди. Гумашта кажава қорнини осилтирганча дарвозадан мўралаган заҳоти оғзи кўпириб дағдаға бошларди. Олдида икки йўл мавжуд: ё Қуръонни ўз ихтиёри билан топширади, ёки шўри қисиб кишан кияди. Қайси бирини танлаш ихтиёрида! Фақат шошилиши керак, ортиқ тоқат қилолмайди маҳкама!..

Кеча айниқса Пакана роса эшилди: ертўлада ётавериб чўпу устихонга айланган Собир Қамарий охири паққос ёрилибди, яъни Қуръонни ўз қўли билан унга тутқаэгани хусусида ахборот берибди. Энди бунақа оёқ тираши бефойда!..

Тақир қошлар остидаги бит кўзлар бу гап шунчаки бўҳтон эканлигини айтиб совуқ йилтиради. Ўрмондан қочган бу баттол тулкидан бемалол минг хил найранг кутиш мумкин. Мадраса таҳсилини кўрган, оқу қорани пухта таниган, эзгу сўз меҳрини дилига жойлаган Собир Қамарий эса бошқа одам — худбинлик кўчаси нималигини билмайди, дўсту ёрга чап бериш ниятидан мудом хорижда. Қолаверса, томирларида кимсан қози Муҳаммад Валихон қони оқмоқда. Имони комилки, ширин жонидан кечса кечар — қон қусар, лекин унчамунчада букилмаса керак...

Шанба кун и тонгда қўлига тағин чақирув қоғози тегди. Ноилож Умар чол тегирмонини ёнлаб йўлга тушаркан, шаҳар бесаранжом эканлигини сезди. Мўру малах одам кўчаларга сифмасди, Регистон айниқса ақл бовар қилмас даражада тирбанд: улкан издиҳом қирғоғини бузган денгиз мисоли чайқалмоқда. Кучли оқим ичра каловланди, оқим бақувват гавдасини



каёққадир суриб кетди. Охири бир оз қиярок дўнгса жойга чикиб қолди.

Ажабо, шаклу шамоилии ғалати чолғуларнинг гумбир-гумбири остида, рўпарадан ясан-тусан қилиб олган аёлу эркак гурас-гурас ўтиб борарди. Анчадан кейин бир хил кийинган, алвон тусли бўйинбоғ боғлаган ва кўзлари ёнаётган ўсмир йигит-қизлар кўринди; олдинда ўғли Иброҳим билагини қисиб ушлаб олган Шариф урфон асов тойчоқ каби гижинглаб одимлар, гоҳо нимадир деб хайқирар эди.

Кўксида недир ғашлик ўрнашди, қолаверса, олисдан, йўғ-а, шу атрофдаги пасту баланд иморатлар ортидан, ёмғир ювган ихота деворлари панаси ёки дарвоза-дарчалар тирқишидан тахдид ва ғараз акс этган қандайдир нигоҳлар таъқиб қилгандек туюларди. Наздида, ола-кула нигоҳлар бир дақиқа чекинмай, совукдан-совуқ чакнаб, сурлик ила шундоқ кўнгли қатларини кузатади, охир-оқибат кўнгли тубида ғавҳар донасидай асраб юрган сирини фош этади. Лаънати тахмини наҳотки охири ҳақиқатга айланса? Агар ўша лаҳза муқаррар бўлса, яхшиси ҳозирок ўзини ўзи бўғиб кўя қолсин...

Илгари устоз тўс-тўполондан иборат бунақа маросимни кўрган эмас (ҳайит ёки Наврўз айёмларида қайнаб-тошадиган сайиллар файзи бутунлай бошқачада!), ҳаётида илк марта ўзини жон риштаси боғланган Регистон заминига бегонадай сизди ва кўкси санчиб кўйди. Ҳадемай бутун еру кўкни ларзага солган гумбир-гумбир олисда қолиб кетди; лекин маҳобатли кўрғон ҳовлисига кирганда ҳам, тунов кунги хонада маъюсланиб хаёл сураётганда ҳам дилида жаранглаб акс садо бериб турди...

Оқ сурп ёпилган устулда Фаттоҳ Обидий аввалгидай уйқусираб ўтирарди, одатдаги каби келишган бетида хайрихоҳлик ифодаси ҳукм сураб, осуда ва ҳорғин нигоҳида нимадандир мамнунлик учқуни йилтирар эди. Иззат-икром доирасида сўрашди, ҳарқалай бугун тун бўйи из қувганидан нолимай, бирдан мақсадга кўчди: суҳбатни тўсатдан йўқолган Қуръони каримни суриштиришдан бошлади. Эски ашулани эшитишни истамай устоз елка қисгандан кейин ўзи чулдирай кетди.

Юқори мансабни эгаллаб турган даврида қози Муҳаммад Валихон ўша Каломуллоҳни элу элати, уруғ-

аймоғи номаълум бир қари дарвешдан арзон-гаровга харид қилган, ҳатто зугум билан тортиб олган бўлиши ҳам мумкин. Кўп ўтмай хачирга ортилган сандиқда жойлаб Самарқандга келтирган ва уламоларга кўз-кўз қилиб мақтанган. Яқин-яқингача Куръон ундан мерос қолган қироатхона тўрида авайлаб сақланган, энди эса қайдалиги афсуски номаълум, дангали — ўша нарса топилмагунча маҳкама бир тирик жонга тинчлик бермайди.

— Биродар, яна айтаман, қироатхонада Куръони шарифга кўзим тушган эмас, — оғриниш билан товушини бир поғона кўтарди уста Жамшиддин. — Фаҳмимча, тириклик чоғида Муҳаммад Валихон ўзи кимгадир соғға қилиб юборган. Шундай гап чалингандай бўлувди қулоғимга!..

— Ай-ай! Тўвба, кўппи кўрган, оқни оқ дегон ақлли кишу бўла туриб намунча қийнайсиз одамми? — бафуржа диван сари жилди Фаттоҳ Обидий. — Ёким девол ушатиб кетишми ниятийиз?

— Камина ёлғон одами эмасман!

Кесатиқ аралаш осуда янграган хитоб Фаттоҳ Обидий дилида акс садо бергандек туюлди ва аллақериди омбирдек буровчи санчиқ кўзгалди. Шунга қарамай, жозиб куй тинглаётган шинаванда одамдек мулойим жилмайди; айни пайтда сабр косаси тўлаёзганини билдириб қўймоқчи бўлдими, бир муддат нозик истехзо ифодаланган нигоҳини устоз нигоҳидан узмади. Тузукрок ўйлаб олинг маъносида тиришган пешонасини тез-тез ишқалади-да, дабдурустан қоматини диванга ташлади. Тим қора чарми похолдек титилган диван зорлангандай гичирлаб қўйди.

Фаттоҳ Обидий шу чўзилиб ётгани, хуррак жониворни ванг қўйиб, шом қоронғиси аралаш босинқираб уйғонди. Хонасидан отилгудек қонталаш кўзлари бир жойда турмас, арчилган лавлаги учини эслатадиган ияги бир томонга қийшайиб кетган эди.

— Ай-ай! Кимлар? Милтуғ отдиме!

— Йўғ-ей! — ҳайратланди устоз. — Кимга зарил?

— Э, сиз, амак... билсайиз экан муттаҳамлани.

Хиёл қалтираётган Фаттоҳ Обидий соқоли киндигига тушган қанақадир бебош кимсаларнинг етти пуштини жағи оғригунча тинмай ёғлади.

Ахир, бедодликни қарангки, ҳатто биттаси изидан

соядек эргашиб юради, куппа-кундузи кўчада икки марта револьвер билан отиб қўйишига сал қолди. Гумбир-гумбир бўмбалару иснарядалар бўронидан соғ-омон қолган жони осойишта кунларда қумалоқдай ўқдан хазон бўлса алам қилади-да. Асли биқинидан дарча очиб қўйишлари ҳамда тупроқ тубида илон-чаёнга ем бўлиб ётишдан қўрқмайди, кеча-кундуз чеккан азоблари мевасини кўрмай армонда кетишдан қўрқади. Ахир, қишин-ёзин дала-даштдан чиқмай кетмон чопадиган, жазирамада букилганча арпа-буғдой ўриб, чанг-тўзон ичида ҳўп ҳайдаб, хирмон совурадиган, яйловда мол-ҳол изидан сарсону саргардон кезадиган мазлуму мазлумалар учун қанчалар қон-зардоб ютмади дейсиз.

Чакаги қизиган Фаттоҳ Обидий ҳали-бери вайсайдан тўхташ ниятида эмасди. Яхши ҳам шу пайт эшик шарақлаб очилди ва захри-махрига анчагина шароб ютиб олган Пакана, бир қўлида шиша-пиёла, бир қўлида газак солинган ликопча, гандирақлаб кирди.

— Федик, елкадошшим, қани-қани, во-ҳей, бир муччи! Боринга шукур, марди майдоним. И-ихмм, қани, манови жонворри шир-рин қип бергин. Қадах сўзи бўсин. Шошма, аввал жавоб бер энаси бўйгал соқолвойга. Бугунча кампирчаси куччоғига борсин, эрта катта кўчада ўзум эмаклатмасам ажикизман!..

— Шошма, кейинроқ, — Фаттоҳ Обидий май тўла пиёлани устол четига қўйди. — Шаййир чақирилсин. Бугун ё униси, ё буниси бўйнига олиши керак.

— Шаирми? О, там-мом, хезалак! — чайқалганча қаққаха отди Пакана. — Эсу ҳушдан жудо... Тиз чўкиб, илҳом парисига видо айтмоқда, видо!

Уста Жамшиддин илкис бошини кўтарди, Собир Қамарий аҳволини тасаввур қиларкан, бутун вужуди музлаб кетди. Ярамаслар шўрликни ўғирчага солишгани аниқ, ҳатто тилига игна ёки бигиз санчган бўлишлари мумкин. Ёки шифтга оёқларидан осиб, баданини тилимлаб, териси орасига туз-каламбир тиқишдимикин? Киши тилга олгани ботинмайдиган бунақа разилона усулларни ўйлаб топиш ва қўллашда Пакана устаси фаранг бўлса керак. Ахир, Фаттоҳ Обидий бошқалардан кўра унга кўпроқ суяниши, уни ўнг қўл ёрдамчиси санаб, мунтазам равишда энг жиддий вазифаларга жалб этиши бежиз эмас. Ўзиям истаса шайтонга фириб бериб, тегирмон дўлидан бутун чиқишга қодир экан...

Фаттоҳ Обидий пиёлани бўшатгач, газак қилиш ўрнига, дераза сари ўгирилди ва хушламай қўл сермади. Жавоб текканини тушунган устоз, ҳамон илжайганча чайқалиб турган Паканага бир ўкрайиб депсинди-да, хонани шитоб тарк этди.

Симон зинадан шошилмай эниб, ҳовлига чиққан дамда ичини недир махлуқ ўткир тирноқлари билан тирнаётган эди. Худодан охири бахайр бўлишини тилаб, оғир гичирлаб ёпилган темир дарвозадан узоқлашди. Хазонларни чирпирак қилиб учираётган изғиринда дилдираб, эллик қадамча босувдики, икки киши лўкиллаб пешвоз келди; Шамсиддин билан мулла Аҳмадни таниб, зимзиё кўнглига гўё чироқ ёқилди.

— Намунча хомушсиз, оғам?

— Фақир гуруҳини тарқатишди, — деди мулла Аҳмад, томдан тараша тушгандек қилиб. — Ўзимни дарахтга оссам қутуламанми шулардан!?

— Кўп ўксиманг, — атай овозига кўтаринки оҳанг берди уста Жамшиддин. — Бу кунлар ҳам ўтади, уят бетларида қолади.

— Тавба қилдим, энди мақомлар бегона эмиш, одамни замон нафасидан чалғитармиш, вужуд билан руҳни майиб қилармиш! Бу сафсатадан ўртанмайми!?

— Илож қанча, барини худога соласиз, — ичи сидирилаётган бўлса ҳам далда беришда давом этди устоз. — Аҳли сафсата номаъкул бузоқ гўштини епти. Мақомлар қонимизга сингиб кетган десам кифоя эмас, қонимиздан бино бўлган!

— Улус ҳам шундай ўйласа экан.

— Улус аҳволидан оз-моз воқифман. Бир қарасанг оқил, бир қарасанг жоҳил! Ҳақ йўлида бутунроқ фикр юритмоққа ўрганмаган ҳали! Манови жардан ташлаш зарур бўпти дейилса борми, бас, мия ишлатиши шарт эмас! — Уста Жамшиддин хўрсиниб, ёнида пилдираб бораётган Шамсиддин сари юз бурди. — Ўғлим, икки дунёда ҳам сен унақа тоифа билан ошу қатик бўлмагин! Акс ҳолда, гўримда тикка тураман!

Тепасидан куш ҳам учиб ўтолмайдиган кўрғон дарвозаси олдида отасини бағрига босган пайт Шамсиддин мислсиз ғам-ғусса домида тўлғанаётган эди. Сўнг хўрсинганча ортига ўгириларкан, бутун шаҳар аҳли қисмати шу маконда ҳукм сурадиган кайфият билан боғлиқ эканини яна бир бор ҳис этди. Манови дар-

возадан бирин-сирин пойлоқчилик қилгани чиқадиган нусхалардан нақадар зада бўлиб қолди. Неча марта улар зуғумига учрамади. Қорни кажавадек осилган Пакана-ку пилдираб атрофида ўралашгани-ўралашган. Лаънатини узокдан кўрган ҳамоно лабига қўша-қўша учук тошади. Қачондан бери ўламан саттор биттаю битта гапга ёпишиб олган: Куръон қайси кавакка кўмилганидан вокиф эмиш, тихирлик қилмай айтса қўлига зўр сийлов тегармиш! Думини ликиллашиб аврашини қаранг. Амал-тақал билан чалғитмоқчи-да. Наҳот у шу қадар пўкка ва хувари? Йўқ, чучварани хом санапти ўша доғули!..

— Биласиз, жоме мачити ёпилган, — чўзилган жимликни бузди мулла Аҳмад. — Кеча, жумаи муборакда пешин қарзини узиш учун бекитикча бордим. Кетимдан гала ўсмир ёпирилса денг.

— Мақсадлари нимаикан?

— Баччағарлар Куръонни излар эмиш.

— Ёпирай! — ёқа ушлади уста Жамшиддин, ҳалигина Фаттоҳ Обидий билан ўртасида кечган маза-матрасиз суҳбатни эслаб. — Нима қасдлари бор экан Куръонда?

— Билолмадим, устоз.

— Охири замон яқин шекилли.

— Ким гиж-гижлаган ўша гўдакларни, хўш? Менимча, Шариф урфонга ўхшаган ислохотчи каслар-да! Ўғли Иброҳим ҳам жавлон урди шу кунни. Худонинг ғазабидан кўрқишмаганига ҳайронман!

— Худони танишмайди-да, жигарим.

— Хўш, бу... Шариббой-ку тушунарли, уста Ризога қандай жин тегишдийкин? — овозини пасайтирди мулла Аҳмад. — Фақирни кўрса-нетса тўрт тош нарига қочур. Тайин қилиб қўйганми, қачон борсам хотини ёки қизидан уйда йўқлар жавобини оламан.

— На чора, бандаси хом сут эмган-да.

— Энди сополга битик зарбламас эмиш!..

— Сиз-чи? — деди ногаҳон Шамсиддин чулдираб. — Сиз ҳам қайтиб қонун ясамас экансиз-ку! Шу пайтгача «Қасидаи падар»ни ҳам тингламадик!..

— Маҳмадана! — ўғлини жеркиди уста Жамшиддин.

Мулла Аҳмад сукутга толди, ҳайҳот, ўсмирлик боғида эндигина бўй чўзган, оқу қорани тузуқли таниб улгурмаган ўғлон берган илмоқли саволга қандай жавоб қайтарсин?

Ахийри, муғанний зимдан хиёл бош эгиб одимлаётган устозга нигоҳ юбориб кулимсиради. Ҳар ҳолда кўнгли алғов-далғов бўлиб кетган эди. Бир оз ҳушини ўнглаб, нимадир дейиш — юрагини бўшатиш учун лаб жуфтлади, лекин улгурмади.

Ногаҳон фалак буржларидан бодрай-бодрай сонсаноксиз юлдуз тўкилган каби алланарса қасирлаб кетди. Кейин тор-тор катакларига сиғмаган кучуклар безовта вовуллаб ҳурди, совқотган оч-дайди мушуклар миёвлаб, бузоғини соғинган сигирлар маъради ва, ниҳоят, аёл йиғи-сигиси аралаш эркак дағдағаси янгради.

Бир оздан кейин теран жимлик чўқди, сўнг яна чор-атрофда ола-гасир таҳлика кўпди-да, ҳаял орасида ёнларидан оғир-оғир юмалоқ тугун ҳамда йўғон-йўғон кажава елкалаган, дўмпайтириб алланарса босилган замбил кўтарган давангир кишилар гурсиллаб ўтишди; улар беш-ўн кадам юрар-юрмас яна бесаранжом тўда йўликди, ажабки, булар ҳам опичлаган юкларини биров кўриб-билиб қолишидан чўчиган каби, нафаслари тикилгудек алфозда ҳансираб чопганча, ғира-шира қоронғилик қўйнига шарпадек сингиб йўқолишди. Оз-моз жимлик чўккан ҳамоно яна бир қора кўзга чалинди, ёпирай, кифтига зилдек тап-таранг халта қўйволган банда кимсан мулла Ражаб эди...

Уста Жамшиддин тунов куни кечки пайт акаси хонадонида кечган можарони эслаб хўрсинди. Афсус, кўп афсус: ҳозир шундоқ кўз ўнгида содир бўлаётган ҳангома ўша нохушлик давомига ўхшарди.

Учоварада шариат рукнларини дастур билган мулла Ражаб ўрни бўлакча — доим иззату икромда, ҳар қанақа йирик давра тўрини бермайди; кўнгили ва феълу атворни кенгрок тутиш бобида намуна кўрсатар, ўрнида мароқли ваъз айтар ва каттаю кичикни савобгир бўлишга ундар эди. Ҳар ҳолда билими ҳам чакки эмасди; мадрасада ва кейинча уйида Муҳаммад ал-Хоразмий, Муҳаммад Мусо ал-Форобий ва Абу Райҳон Беруний меросини имконига яраша ўрганиб, анчагина мағзи тўқ рисолалар битган, маъқул топганларини тажрибали саҳҳофларга бериб китобат қилдирган эди.

— Минг тавба! Ҳей, ака, бу ўзингизми ёки соянгиз? Ушбу сония кошки кўр бўлсайди кўзларим! — деди ниҳоят ўкинчли оҳангда уста Жамшиддин. — Наҳотки ўзингиздан адашиб, дунёда увол борлигини унутдингиз?

Силласи қуриёзган мулла Ражаб халтани бир амаллаб таги шўр еган икки пахсали ихота деворига тиради. Нина санчиб эсаётган изфиринга қарамай, бутун бадани мисдек қизиган, пешонаси ва бўйнидан оқаётган тер ой ўроғи сочаётган элас-элас нурда сокин ялтирар эди...

— Э, укагинам, бўғзимга тиф ботириб турган бўлсалар увол кўринадими кўзимга? — хижолатини яширмай, соқолини силкитганча сўзлай бошлади аллома. — Ановунда бекор чирандинг-да. Тегмасанг аллақачон баридан қутулган бўлардим.

— Ака, сизга оғирлиги тушган экан, ана, бизникига киргазинг.

— Йўқ, ука, миямни еганим йўқ. Ўз бошимни қутқариб, сени азиз бошингни бало оғзига тикайми? Хўш, шундай қилсам, мардликка ётадимми? Қўй, ука, одамни ўртама!

— Ака, барибир ҳозироқ орқага қайтинг, ҳарқалай сиздек одам бунчаликка бормаслиги лозим. Худо тос тепангиздан уради бундай қилсангиз, дуойи бад бўлиб, насаққа қоласиз. Ҳатто наслу насабимиз бир умр қарғиш эшитади. Биласиз, бундан мен ҳам анча-мунча асраб юрибман, ёр-ошно кўмагида яширамиз. Тирик тоvon эмасмиз-ку!

— Бандаи гумроҳ, очикроқ айтгин, асли ўзи мендан нима истайсан?

— Жамоа мулкини увол қилманг.

— Тоза эсар-ку сен, а? Жўна, йўлингдан қолма! Замонида битталаб ўзим йиғувдим, замони кепти, ўзим барисини йўқотаман! — ёнгудек бўлиб таъна устига таъна ёғдирди мулла Ражаб. — Хўш, қани сен айтаётган жамоа? Эрта зўр келса қайси бири ён босади менга? Қўй, жигарим, конимни қайнатма, уйим дардисар молга тўлалигини еткизган ўша лаънати жамоанг-ку!..

Бир четда мулла Аҳмад билан Шамсиддин баҳсга аралашолмай мулзам турарди. Айниқса, йигитча эҳушини йўқотган: амакисини ҳам, отасини ҳам ҳеч қачон бунақа киёфада кўрмаганди. Шўрлик амакиси чиндан қайсарлик қияптими ёки шунчаки жонини асраб қолиш пайида — аниқ билолмади. Падари эса тасаввур қилганидан кўра баджаҳлрок экан, ана, аччиғи бурни учига қўниб, муз остидан чиққандек қалт-қалт учаёттир, икки кўзи бамисоли икки чўғ, оёқлари керилган, қўллари заранг мушт, қўйингки, ним қоронғи йўлакка гавдасини ғов қилган...

Анжирзорда адашган қари кўпак зорланиб улий бошлаганда сира кутилмаган ҳодиса рўй берди: қурмагур мулла Ражаб ёшига номуносиб чаққон ҳаракат билан халтани орқалади, қаршисида ҳўрпайиб турган укасини шартта бир тарафга суриб, лапанглаганча индамай ўтди-кетди.

— Ака!.. Хей, жоним ака!..

Уста Жамшиддин нидоси жавобсиз қолди.

Кечалари ёстиғи тагида Алишер Навоий ёки Мирзо Бедил девонини қўйиб ётмаса ухлолмаган, ҳар неки қиммат буюмидан кечса кечган-у, бироқ нақшинкор жавонидан бирор рисолани ҳатто вақтинча олиб кетишларига розилик бермаган мулла Ражаб энди ҳаммасига этак силкиганди, аниқроғи, анҳор сари эмас — мудҳиш қисмати томон шошилаётган эди.

Шамсиддин неча пудлиги номаълум халта остида букилган мулла Ражаб ортидан бўзарганча лол-ҳайрон туриб қолди. Жадал йўрғалаётган аллома оқшом қўйнига сингиб кетган ҳамоно шундоқ сийнасида недир яра мадда бойлади; тинмай шовуллаётган сой бўйида яна икки шарпа кўринганда гўё аллатовур тикан ўша ярани билдириб-билдирмай тимдалай бошлади. Энди бу даҳшатли азобга чидаш маҳол эди, ахир, кўр эмаски, кичик амакилари бўлмиш Абдувоҳид билан Абдурахмонни танимаса! Булар ҳам надомат кўчасига бош тикишибди-да!

Ҳазондек тўкилиб-сочилиб турганига қарамай, отаси барини ундан олдинроқ пайқаганди, фўр ва рофил қариндошлари йўлини тўсиш мақсадида ҳай-ҳайлаб югургилади, атганки, улгурмади. Соининг ногаҳоний шолоплаши шир яланғоч толлар ва теракларни қўналға қилган қарғалар оромини бузди, еру кўкни жонни сирқиратувчи фарёдлар тутиб кетди...

Ола-ғовурдан хушёр тортиб уйқуси қочган Умар чол хужрасидан фонус олиб чикди-да, бўсағада жонсиз қотди: қанчадан-қанча китоб новга тикилган, сув кўпириб қирғовидан тошган, тегирмон дўли тўхтаб қолган эди. Шўрлик қария шошди, худога ёлборди, ўпкасини босолмай, сал нарида чор-ночор каловланиб турган Шамсиддин елкасига бошини қўйди.

Шамсиддин илгари босди, чуқур-чуқур жойларда пайдо бўлган қўлчаларни тизза бўйи кечиб аранг одимлар, тобора ўпкаси тўлиб ҳиқиллар эди.

Бир пайт хаёли ғойибадаги дашт сари учди-ю, алам-



ангиз йиғи тап-таранг бўғзини йиртиб юбораёзди, ногоҳ иссиқ-шўртанг ёшлар қайтиб дилига қуйилди, дили тўсатдан жунбишга келаркан, кўкка ўрлаган дарахтлар орасидан қоронғилик пардасини ёриб, ўкирганча йўртиб келаётган талғир туяни кўрди.

Нафаси тикилиб, қора терга пишган эса-да, бир дам тўхтамай югураётган жонивор белида Мўйсафид мунг чекиб, юрак-бағри эзилиб ўтирарди. Ахийри, чол соҳилга етиб келди, туяси тўхташини кутмай, оламни бузгудек овозда ҳайкириб юборди-да, тўлиб-тошган анҳорга калла ташлади...

Шу манзарани тасаввур қилиб Шамсиддин титранар, юраги гупиллаб тепар, недир куч уйғонарди борлиғида. Қушдек қулочини ёзган мақалда Мўйсафид нигоҳи чақнаганини кўргандек бўлди ва беихтиёр орзиқиб кетди. Энди зиғирча иккиланмай, кийим-пийими билан тўлқин қаърига шўнғиди. Кўпираётган муздек мавжлар саркашлик билан кўкрагидан итарар, қўлларини қайирав, кўзларини тўлдирав эди. Шу боис ортидан отаси, мулла Аҳмад ва ҳатто Умар чол ҳам умтилганини илғамади...

Талашув узоқ давом этди, Шамсиддин наздида орадан минг йил ўтган эди. Кўп нарсани эслолмасди. Бир пайт тамшаниб кўзини очсаки, юмшоққина тўшақда ваража қилиб ружанак ётибди, ёнида онаси мунғайиб ўтирибди, беун йиғлай-йиғлай, лағча чўндек ёнаётган пешонасига авайлаб ҳўл латта босаётир, ранг-рўйи бамисоли девор бўлиб кетган, лаблари гезарган...

Шамсиддин барини ногаҳон тасаввурида тиклаб, отилиб турмоқчи бўлди, қоқ бели узилиб кетгандек, аъзои бадани сўнгсиз оғриққа чулғанди-да, ноилож инқиллаб яна жойига чўзилди.

Навбатдаги недир кўланкалар билан қоришиқ тун азобини уйку ёрдамида енгмоқчи бўлди, лекин бу насиб қилмади, тани ва шуурини бир лаҳза ҳам бедорлик тарк этмади. Алов-чалов тушларида гоҳ отасини жеркиб ташлаган мулла Ражаб, гоҳ тегирмон ёнида турволиб аллакимларни қарғаётган Умар чол, гоҳ тўхтаб қолган тегирмон, гоҳ ғойибдан талғир туяда елиб келган Мўйсафид... чириллаб айланар ва тўзонларга қориша-қориша қаёққадир чекинав эди.

Бу эрта сал тетиклашиб уйғонди, фақат ҳамон миясидан ғубор аримаганди. Қовоқларини уқалаб ташқарига

чиқсаки, айвонда мулла Аҳмад билан биргаликда, отаси авайлабгина жикқа ҳўл китобларни саралаётир. Чехраси заҳил тортган онаси ҳам қарашмоқда. Тепасида қарғалар қўнган бостирма билан кучук катаги ўртасида талғир туя маъюс бош эгиб, қимир этмай турибди. Йирик-йирик кўзларида олам қадар поёнсиз мунг ва ғусса жойлашган...

## VIII

Эл оғзига элак тутиш қийин: тез орада шаҳар бўйлаб доимий ҳаракатдаги амри маъруф давраси аъзолари, жумладан, Собир Қамарий ўрада азоб тортаётгани, мулла Ражаб билан ўфиллари қилмиши, тўхтаган тегирмонини юргизгунча Умар чол кадди букилгани, эрта-индин Шердор таъмири тўхтатилиши ҳақида овоза тарқалди.

Ҳангоматалаб бекорчилар мағзавани асосан уста Жамшиддин устидан ағдараётган эди, қисқаси, у маълуму машхур қироатхонадан бир қанча қимматбаҳо китобни, хусусан, Қуръони каримни пинҳона ола кетиб, аллақайда яшириб қўйгани боис фуқаро жабр чекаётгани оғиздан оғизга кўча бошлади.

Асли ғийбат, Пакана режасига биноан, салла ўрнида калла келтирадиган, махсус мактабни ўтаган югурдак-хуфиялар тарафидан тарқатилган эди; камини беш-ўн чақа сийлов олган нафси бузук дайди-саёқлар бошлаб охирига етказишди. Урчиб кетган азза-базза чақма-чақарлигу ҳангомалар сабр-тоқат билан қулай пайт пойлаётган Фаттоҳ Обидийга туппа-тузук дастак бўлди. Баҳонада иложи борича ҳунаридан бошқа нарсани ўйламайдиган устоз борди-келдиси, тирикчилиги ва таниш-билишини таъкиб қилиш бир неча баробар кучайтирилди. Юрар йўли, ҳовлиси атрофи ва Регистон пасту баландида рафтори совуқ исковучлар танда қўйди, қизиғи, мудом улар алмашилиб туришар ва ҳуда-беҳуда жигига тегиб хумордан чиқишар эди.

Ҳаммасидан қадам олишлари айрича ўзгарган Шариф урфон қилиғи ошиб тушмоқда. Ярамагур муаллим кун ора эринмай остона ҳатлайди, уялмай-нетмай дуч келган тешик-туйнукка тумшугини тикади-да, алмисокдан қолган арзимаган нарса учун бунча қойиниш тентаклик эканини бетига солади.

Шариф урфон шунчаки кўпираётгани аниқ, зарил

келса эрта яна бемалол бошқа никоб кияди (ахир, кечагина Куръони каримни мадрасада бош-охир ёд олганини айтиб мақтанмасмиди, давраларда тангри каломи дахлсиз эканлигини ташвиқ қилмасмиди?), мана шу феълени анчайин билгани туфайли кўпинча у билан пачакилашиб ўтиришни истамасди.

Бугун охир-окибат устоз олдида беҳад муҳим вазифа кўндаланг: нима бўлган тақдирда ҳам, Куръони карим сингари, қози Муҳаммад Валихон қироатхонасидаги бошқа жавоҳирларни ҳам тезроқ хавфу хатардан холи қилмоғи керак. Агар келгуси наслларга тегишли қадри осмон қадарли юксак захирани, мулла Аҳмад каби синалган, лафзида муқим ошналари иштирокида, тезроқ бир ёқли қилмас экан, абадийлик тавқу лаънатга учрайди.

Зиммасида улкан бурч борлигини тушларида Мўйсафид ҳам аён қилди: бир марта қария тарғил туясини етаклаганча ҳорғин қиёфада дарвозасидан кириб келди, дастурхон ёзса ҳатто қарамади; бир навбат эса ўша жониворга мингаштирди-да, чанг-тўзон қоплаган поёнсиз дала-дашт сари олиб кетди. Йўлакай шаҳар остонасида бир ёлдор аждар дам уриб ётганидан огоҳ этди, хусусан, ўғлим, гавҳарни оёқости қилиш гуноҳи азим, деган писандаси ҳамон жаранглаб турибди кулоқлари остида...

Таажжубки, кечалари Шамсиддин ҳам шунақа босриқадиган бўлибди: тушларида эти бориб устихонига ёпишган Мўйсафид нукул Куръони карим билан Ҳикмат девонини эзғилаб суриштирар эмиш, баъзан эса чўгдек товланадиган бахмал филофга солинган қанақадир чолғу тутқазармиш илкига! Нечун сукутдасан, ўғлон, деб бўғилганча заранг говронини силкирмиш, ахир, шайтон нияти хатарли: Сўзни йўлдан оздириш ва ўз маслагига мослаб олиш пайида-ку! Мудҳиш нияти ушалса Қалам қон йиғламайдими?

Мўйсафид ғойибдан куйиб-ёниб имо-ишоралар қилаётгани ва жон-жаҳди билан таъна ёрдираётгани сабаби тушунарли, ахир, умри бино бўлиб қўй оғзидан чўп олмаган Собир Камарий хонадони, бинобарин, аҳли идрок умр бўйи умтилиб яшаган, арши аълонинг мунаввар нури билан йўғрилган даргоҳ тақдирнинг қалтис ўйини туфайли хавфу хатар остида, шундай экан, шўрлик гўрида қандай тинч ётсин?

Бошқа чора йўқ: вақтни ғанимат билиб, имилламай, отни жадал қамчилаши — пишитиб юрган режасини амалга ошириш тадбирини чекиши лозим. Бемалол қўл қовуштириб, томошабин бўлиб ўтириш инсофу диёнатдан эмас. Атиги бир кечада, енг ичида иш тутиб, жилла курса энг сара рисола-куллиётлардан маълум қисмини хилват жойга кўчириш мумкин, фақат ёру биродарлари ҳайиқишмаса, бир ёкадан бош чиқариб, чакконрок ҳаракат қилишса кифоя...

Илгари бу хусусда ичи тирналиб юрган Собир Қамарий билан неча марта маслаҳат қилувди; дилида умид туғилган шоир бир қанча муҳим таклиф айтганди. Амри маъруф даврасининг бошқа аъзолари ҳам кўмаклашишга розилик беришувди. Лекин бариси бирдан чаппасига кетиб, пишиб турган иш бузилди. Бугун Оймаржон маҳалласи алоҳида назорат остида, яна ҳам чатоғи, қироатхона эшиги, отнинг калласидек қулф солиниб, муҳрлаб қўйилган...

Афсуски, шунақа бўлди: ҳатто чўпдан ҳадиксираб, чивиндан гумонсирайдиган пойлоқчилар вазиятни беш баттар мураккаб қилиб юборишди. Сал ножўя қадам босилса, сир фош бўлиб, қўлга тушиб қолиш ҳеч гап эмас. Энди кечаси ёки кундузи қироатхона сари йўлаш муқаррар ажални бўйинга олиш билан тенг...

Шунга қарамай, уста Жамшиддин белидаги белбоғни ечмаслик учун ахдланди. Таваккалнинг боши кал! Ўладиган дунёда бир амал қилсинки, икки амал ўрнини боссин. Минг шукур, бу фикрини Шамсиддин ҳам маъқул топди. Маслаҳати ва мулоҳазасини жон қулоғи билан тинглагач, кеча шом қоронғиси аралаш тегишли одамларга хабар етказиб қайтди. Энди тангри қўлласа, иншооллох омадлари чопади.

Шу илинжда, юраги гупиллаб, бугун тонг-азондан йўл қараётир. Тилладан қиммат фурсат беҳуда кечаётгани, хатар қироатхона тепасида булутдек осилиб турганини ўйлаб хитланади ва аллабир норозилик билан тез-тез ташқарига мўралайди. Тиқ этган товуш эшитса дафъатан орзиқиб тушар, бир зотга кўзи тушмай қовоқ уяр, даҳлизда ёлғиз сўйлана-сўйлана мақсадини амалга оширишнинг осонроқ йўлини кидирар эди.

Ахир, Сўз нажот кутмоқда, Қалам улғайтирган Сўз!..

Уста Жамшиддин хиёл махзун шивирлар экан, ногох Собир Камарий сўйлаб берган ҳикоятни хотирлади; гўё олисда талғир туяси бўйинини силаб-силаб қўяётган Мўйсафидни, Қуръони карим билан Ҳикмат девонини авайлаб хуржунига солаётган кози Муҳаммад Валихонни кўриб турарди...

Уста Жамшиддин, кўкси сим-сим тилиниб, шошилмай ҳовлига чиқди-да, тандир бошида куймаланаётган Ойдинбибига кўз кирини ташлади. Димоғига кип-қизариб пишган иссиқ бугдой нон бўйи урилиб иштаҳаси очилди. Тушлик пайти Шамсиддин билан бирга бировини қаймоққа бўктириб туширди. Вақт асрдан ошса ҳамки, ҳеч ким йўқлаб келмаганидан ҳайратда эди. Тавба, қадрдон улфатлари қайси кавакка уриб кетишди, ҳатто мулла Аҳмад ҳам, шогирдлари ҳам кўриниш беришмади.

Эртаси куни чошгоҳда, диққати ошиб ўтирувдики, Шамсиддин кўчадан кутилмаган хабар топиб келди. Гангиб қолган ўғли сўзини тугатолмай йиғлаб юборгач, ҳовлидан шитоб узилди, тўғри бориб акаси дарвозасидан кирганда кўкси бир санчди ва қора-кура тумшуғи айвон устунига тегиб-тегмай турган, баъзан оҳиста кавш қайтариб қўяётган талғир туяни иллагандек бўлди. Наздида, жонивор асабий бўкирганча этакда жойлашган китоблар бўлмаси сари жилиб, шарпа каби кўздан йўқолди. Шундан кейин эътиборини қарғана-қарғана пешвоз келган Малоҳат аяга қаратди. Илгари анча дуркун бўлган аёл бир кечадаёқ озиб-чўкиб қолган ва сарғайган ёнокларини дув-дув ёш юваётган эди.

— Ёзуғимиз қаттол экан, укамулло!..

Айвонга етар-етмас жойда, баланд кўтарилган ишком остида уста Жамшиддин ёғоч каби қотди. Ахир, нақадар аччиқ, нақадар залвар кутилмаган мусибат захри, бари-ни борича теран ҳис этиб, ичи тошди-ю, кексайган эри ва яқинда уйланган икки ўғлини ҳалиги кўрғон сари узатишга мажбур бўлган муштипар жонни юпатишга ожизлик қилди. Иложи қанча, осмон узоқ, ер қаттиқ, худодан бошқа бир зотдан кўмак ва шафқат тилаш фойдасиз, охирзамон нишоналаридан биридикки, суянадиган одам қолмаган, дўст киму душман ким — ажратиш қийин, биров изидан биров пойлайди-я, тавба!..

Малоҳат ая кеча куппа-кундузи Пакана бошлиқ савдойи феъл югурдаклар, суянчларини ҳибс қилишгани етмай, дағдаға-пўписа билан Қуръони каримни излашгани,

ҳамма ёқни титкилашгани ва қолган-қутган китобларни ўмариб кетишганини йиғлай-йиғлай баён айлади.

Юраги қисилган уста Жамшиддин шошиб ивирсиган ҳовли этагига ўтди-ю, беихтиёр хуши бошидан учди, ахир, не кўз билан кўрсинки, маҳобатли бўлма остин-устин қилиниб, ўймакорий ёғоч жавонлар синдирилган, нозик ислимий гуллар чекилган сандиқлар мажақланган, ёндарилари ганч безаклар билан зийнатланган эшиклар ва ромлар ўпириб ташланган эди. Кўкси увалгудек алфозда оғир-оғир бош чайқаб, бўсағада намиқиб ётган йиртиқ-сиртиқ варақларга мўлтираб боқаркан, кимдир хирллаб устма-уста йўталди, ўгирилиб қараса, рўпарасида иршайганча Шариф урфон қад ростлаган...

— Ўҳ-хў-ў, ҳормосинла!..

— Мутгаҳам!..

— Тил ўлсин-а, тил ўлсин, — Шариф урфон пилдираганча ичкарига йўналди, узок йўқолиб кетди-да, ни-мадандир ҳафсаласи пир бўлиб изига қайтди. — Унақа сўкинманг-да, тақсир!..

— Ҳа, замон саники! Санга ўхшаган...

— Ман ёрдам қимоқчиман-у, сиз эса сайропсиз.

— Пишириб егин ёрдамингни!..

— И-хий, одамми латгаси, оиладан тўйипсиз-да.

— Ишинг бўлмасин.

— Тақсиржон, ўша гап... Ҳадеб чўзмай, ҳалиги дар-дисар дарагини айтсайиз бас, олам гулистон. Бир ўққа икки қуш тайёр. Уруғ-аймоқ жони билан бир қаторда, ўз жонийиз ҳам азиз-ку!..

— Шунақами?

— Ўртада воситачи ўзим! Ишонаверинг, ўзим сиз-ни бало-қазодан асрайман! Осонми, ўҳ-хў! Ўрмонга ўт кетса, хулу қурук баравар ёнар экан, тақсир!..

— Жаврама, етар шунчаси!

— Мойли-мойли луқма ундириб бераман!..

Анчайин нордон туюлган сўзлар гўё йироқдан висирлаб эшитилди, уста Жамшиддин бирпас ёнгудек алфозда олайиб-бўзариб тургач, ногоҳ панжаларини чангак қилди-да, ғалати лиқиллаётган оқимтир ҳалқумга чанг солди: бўғиб ўлдирсам ҳақим кетур! Баҳонада гўё дилида анчадан бери чўкиб ётган оғир тош даҳшат солиб кўчган ва бутун вужудини қақшатиб юборган эди. Шаштини босолмай, дағ-дағ учиб, қайта-қайта ҳайқирар, қахру ғазаб қўшилган овози мулла Ражабнинг файз ариган ҳовли-ҳарами узра акс-садо берар эди.

Кўзлари хонасидан отилиб чиққан ва жонидан умидини узаёзган Шариф урфон мушукдай бир-икки бигиллади-да, дарвоза сари йўрғалаб колди...

Бу эрта Шамсиддин кеч турди, шамоллаш асорати бутунлай аримагани боис калта-калта йўталар, оёк-бели қакшаб оғрир, иштаҳаси ҳамон бўғилган эди. Бетоб сангани учун отаси уйғотмай, ёлғиз ўзи ишга жўнаворибди. Андак бўлса ҳам дили оғриди, онаси кўзини шамғалат қилди-да, туз тотинмай, кўчага қуюндек отилди.

Шамсиддин илдам-илдам босиб қирғоқ бўйлаб бораркан, тунов куни кечқурун рўй берган, борлигини алғов-далғов қилиб ташлаган нохушликни хотирлади.

Яхши ҳам мулла Аҳмад билан Умар чол бор экан, отаси қанотида туриб, Сўзни ажал чангалидан юлиб олишди. Талғир туяси билан кечикмай вақтида келган Мўйсафид ҳам қараб турмаганига ишончи комил, ахир, у ҳаммадан аввал ўзини қирғоқидан тошган сувга отганини кўрди-ку!..

Шамсиддин дарахтлар шохида изиллаб, кўча-кўйни супуриб тинимсиз эсаётган беқарор шамолда жунжикди. Наздида, ўзига ўхшаб, бутун шаҳар совқотаётган эди; ҳатто қилт этмай турган баҳайбат иморатлар баданини ҳам қутираётган изғирин игнаси илма-тешиқ қилиб юборганди...

Шип-шийдам кўчадан қанақадир қават-қават юк ортилган бир нечта кўқон арава гичирлаб-шалдираб ўта бошлади. Йўлак бўйлаб одимлаётган Шамсиддин ҳавода визиллатиб қамчи ўйнатаётган баджаҳл аравакашларни қизиқсиниб кузатар, қовурғалари саналиб қолган, жунлари ва ёллари тўкилган отларга ачиниб қарар эди. Сўнг кўпинча бандаси тирикчилик гамида елиб-югуриш ва оворан сарсон бўлишдан нарига ўтолмаслигини гашланиб ўйларкан, бехос нигоҳи Фаттоҳ Обидий билан Паканага тушди.

Улар совуқда бунақа етаклашиб юриши беҳуда эмаслигини тахмин қилди, дилига шубҳа оралаб, айна пайтда чўчишни хаёлига келтирмай, елкасини қисганча орқаларидан йўрғалади. Йўлаклар ва хиёбонлар олағовур эса-да, кулоқларини динг қилиб, баҳс Собир Қамарий ва бошқалар хусусида эканлигини билиб олди.

Пешин бўлмай хуморбосди қилиб улгурган Пакана тилини эҳтиёт қилишни анча-мунча унутганди. Лаънати ҳамишагидек нафаси тикилиб пишқиради, қорнини лорсиллатиб одимлар, тинмай сафсата сотар эди. Орада отасини қоронғи ёрда қишлаб масикқан айиққа қиёслаганини айтинг. Бунақа ичидан пишган одам жиловини бўш қўйиш бениҳоя мудҳиш, дерди нукул, оғиз кўпиртириб. Нобакор қўрғон остидаги жойини топмагунча, Қуръони карим ёки Ҳикмат девони ҳақида зиғирча маълумот бериши даргумон! Ахир, уста Фазлидин Латифий ҳам кўп зол-қайсар одам бўлган, демак, у наслига тортган, наслига!...

Заҳардек аччиқ, найзадек тигли қочиримлар Шамсиддин кўксини ловуллатиб юборди ва алам-ангиз бир нидо узилиб чикди бўғзидан, ҳайҳот, булар нияти аниқ, булар Қалам фарзанди саналмиш Сўзни қурбон қилиш қасдига тушишган!

Шамсиддин майдон чегарасига қадам босаркан, беихтиёр тасавури нурланди, ҳаял ўтмай қулоғига гўё бир дукурлаш ва ҳайқириқ чалинди, олисдан қора кўпикка ботган талғир туяда Мўйсафид ошиқиб келарди. Шердор пойига етганда ҳатто Мўйсафид нафасини туйгандек бўлди ва ҳаёл сура-сура қирғоғига сиймай кетган ҳалиги анҳор каби тўлиқди, ошиб-тошиб бораверди.

Шамсиддин билади, Қуръони карим сувда оққан эмас, буккан ҳам эмас — ишончли ва беҳавотир жойда турибди. Ишқилиб эрта тиниб-тинчимас исковучлар топиб олишмасин-да, ахир, қачондан бери улар суварак мисоли ҳамма ёқни тўзғитиб юришибди.

Шамсиддин анча тиккага келган қуёшда сокин жило бераётган Шердор пешига ўтди. Юзма-юз бўй чўзган уч обидага бирин-сирин тикиларкан, руҳи юксалди. Охири вақтларда отаси каби шуларга нақадар боғланиб қолган, шуларсиз тирикчилик тирноқча ҳам қизиқ эмас.

Фақат тузук-қурук тузалмай, ўз ройича тўшакни тарк этгани учун ҳозир роса таъзирини еса керак. Мийиғида кулди ва сал нарида мўлтираганча қўл қовуштириб тўхтади. Хавотири бекор бўлди, бир неча шогирди билан берилиб машғулот ўтказаетган отаси жеркимади, аксинча, очиқ чехра билан ёнига чорлади.

— Сўйла-чи, манови лавҳада не маъно ёшурун?  
Ажаб савол!



Ёлгон эмас: салобат тўкиб товланадиган аломат пештоқ қошида илгари ўзини бир қадар йўқотиб қўярди, мабодо тикилса ўзаро уйғун бўёқлар афсунига узок дош беролмас, ҳатто кўкси тубида аллатовур ҳайкиш уйғонар эди.

Кейинча аста-секин бари ўзгарди: ўша ҳадик-хавотир недир ҳайрат-ҳавас билан алмашина борди, энди наштардек санчиладиган арслоний нигоҳлар, шахт-ла илгарига узатилган забардаст панжалар ва ханжарсимон тишлар ҳайбатидан чўчимас, аниқроғи, уларни дилига яқин тутар эди.

Ҳозир Шамсиддин муаззам пештоқ мазмуни ва меъмор-наққош салоҳиятини лўнда-лўнда қилиб шарҳлар экан, яна ҳам айрича ғурурга чулғанди. Отаси қаноат ҳосил қилганини пайқагач, бир дам сукут сақлади ва ҳали тасодифан рўй берган учрашувни сўйлашга киришди. Навбат эндигина мулла Аҳмадга дахлдор жойига етганда шундоқ ортларида кимлардир шарақлатиб кулди. Рўпарада қайси жойни исташса ўша ерда ҳозир у нозир бўладиган, бир-бири соясига айланиб қолган Фаттоҳ Обидий билан Пакана бўзариб турарди.

— Ай-ай! Хўш, пўлван, «анулар» деганинг кимлар, наҳот биз бўлсак? — кўрсаткич бармоғини Шамсиддин иягига бигиз қилиб тиради Фаттоҳ Обидий. — Ай-ай, нега жимсан? Нон дўкони олдида учратибсан, жуда соз, кейин-чи?

Қовун туширипман-ов!

Шу ўйда Шамсиддин хўрсинди ва зимдан Фаттоҳ Обидийга тўрсайиб тикилди. Нозир қиёфасини чулғанган осудалик ифодаси дилида тушунуксиз ғашлик кўзғади, шунинг баробарида, яқинда шуурида ўрнашган хотиралар қати очилди: шам ёритган ганчкорий шинам хона, инграна-инграна тўкилган қонун, қирғоғини бузган анҳор, дўли айланмай тўхтаган тегирмон, чўқаётган Сўзни қутқариш учун олисдан талғир туясини елдириб келган Мўйсафид...

— Бўла қол, қонумга ташна қиворма-де!..

— Болани ўз ҳолига қўйинг, — деди уста Жамшиддин, нафратини аранг босиб. — Мен билан гаплашинг.

— Биззи ану ерда кўрипти. Қойил колдук. Биз сўқирлик қиб ўтиб кетиппиз, — одатича пишқириб ҳаво симираётган Паканага бекитиқча кўз кисди Фаттоҳ

Обидий. — Қийғирдан қаери кам? Сиз эса бола деб камситосиз.

— Худо асрасин, Шамси искович эмас, — нимадир жонидан ўтиб қизишди уста Жамшиддин. — Икки ёрти бир бутун бўлиб Шердор пештоқини муҳокама қилаётувдик.

— Бекорчилик-да, шундоғме?

— У ёғини худо билади.

— Ай-ай! Биз ҳам билиб қўйсак зарар қилмас. Ҳадеб савобдан гапирасиз, балки бизга ҳам савоб керакдир.

— Ву-ух, яшанг! — ғудранди Пакана.

— Химм... Хўш... Биродар, бугундан таъмирни тўхтотиб, манови битикларни суваб ташайсиз.

— Шундай қилсам муродга етасизми?

— Битта манмас, бутун халқ етади муродига, — кўча томонга ишора берди Фаттоҳ Обидий. — Кошки маза-матраси бўлса!

— Бор!

— Ошурманг. Қани, бир ўқинг-чи, эшитайки.

Уста Жамшиддин Шердор пештоқининг офтобда ингичка товланаётган зебу зийнати ичра зарбланган зарҳал номага назар солиб пичирлади: сохибқирони замона Имомкулихон зоти олийлари салоҳияти ва салтанати дариф тутмаган мурувватдан рағбат топиб ҳамда мадад олиб бул обидан муаззамни солдирган Ялангтўшбий Баҳодир<sup>1</sup> оталиқ ҳазратларига аршу аъло тарафидан беадад савоби азим ва раҳмат нури ёғилгай...

— Ай-ай! — пўнғиллади димоғида Фаттоҳ Обидий.

— Турган-битгани хушомад-ку! — кутилмаганда орага суқилди Пакана. — Ҳатто қон ҳидиям анқимоқда. Бундан наҳот кўнглингиз айнимаса, уста? Инсоф қилсангиз-чи!

— Отажон!..

Ногаҳон Шамсиддин бир беозорлик, бир умид ва бир ҳадик билан қилган илтижо уста Жамшиддин жони ва дилини билдирмай симиллатиб ўтди. Айни пайтда недир ғурур туйди, ахир, ёнида шундай суюнчиқ турганда нимадан ҳам қўрқади.

— Инсоф ва диёнатни сендан сўрасам ярашади, биродар, — сабр косаси тўлган уста Жамшиддин Паканани сенлаб юборди. — Ҳадеб мени тергаганча ав-

---

<sup>1</sup> Самарканд хоқими — XVII аср ўрталари.

вал ўзинга боққин. Айт-чи, сен ўзи кимсан? Қайси хилкатдан келдинг-у, қайси элу элат, қайси аймоқ, қайси тоифага мансубсан? Имоним комилки, етти пуштинг кимлиги, қайси тупроқда илдиз отганингдан ҳам гофилсан. Келиб-келиб сендақа муттаҳамларга кунимиз қолганига куяман!

— Ҳа, сиз... Ай-ай! Амак, биз ўйлагандан кўра чандон чотогсиз,— Улуғбек мадрасаси сари қараган бўлиб, кўз қири билан Паканага имо килди Фаттоҳ Обидий. — Йўқ нарсани даъво қиласиз, бунақада келишиб олишимиз қийин-ов. Энди ўзийиздан кўринг, суҳбатти чаласини бошқа жойда битирамиз.

Муқаррар рўй беражак мана шу ҳодисани уста Жамшиддин кўпдан бери кутаётганди, бинобарин, зимдан шаҳар оғиру енгилени тарозига соларкан, жон ҳовучлаб бу кунга ҳозирланди. Неча марталаб ўзини Миср дарвеш, Собир Қамарий, уста Мирсаид, мулла Ражаб ва уста Қурбон ёнида, кана-чаён бижиллаган тим қоронғи ва зах ертўлада тасаввур қилди. Мана энди тақдир ҳукми ўқилиб, мудҳиш лаҳзага етишди, энди тунлари алвастилар қўриқлайдиган ўша фаройиб масканга кулоқ қокмай жўнайди.

Ичи сидирила бошлаган уста Жамшиддин ранг-рўйи олча гулидек оқарган Шамсиддинни аста кучди. Ёруғ дунёдаги ягона тиргаги билан хайрлашув нақадар оғир, нақадар маҳзун эканлигини бутун вужуди билан ҳис этди ва бўғзига жовиллаб тикилган хўрсиниқ нафасини кайтараёзди.

Аммо шу пайт бўзлаб юборишдан аранг тийилиб турган Шамсиддин ҳам, фақат шаҳар эмас, бутун музофотда энг нуфузли идора саналган хуфия маҳкамага таклиф этилди. Шу муносабат билан ҳозирча ҳеч қандай видолашувга ҳожат қолмади. Энди худойим охирини бахайр қилсин, ахир, олдинда не савдолар кутаётгани қоронғи...

## IX

Уста Жамшиддин ич-ичидан зил еди, сираси, гулдан-да нозик жигарпораси, ҳали гуноҳ кўчасидан ўтиб улгурмаган яккаю ягона меросхўри зим-зиё гўшада қон ютиб ётишини сира ақлига сиғдира олмади. Ярамаслар ниятларига етиш учун уни не қўйларга солишини фақат

худо билади. Инсофу диёнат юзасидан иш тутиш улар феълига афсуски бегона!..

Бугунги ходисадан хабари йўқ Ойдинбигга айникса энди осон тутмаслик лозим, энди шўрлик хувиллаган ховлида ёлғиз роса қийналади. Ишқилиб, мўртгина нарса, анови нобакорлар зуғум қилиб қўрқитишса ёки ёлғон-яшиқ ваъдалар беришса, Қуръони карим қайда кўзпана қилинганини билдириб қўймаса-да. Ҳар ҳолда сиру савдодан у ҳам хабардор, бинобарин, кун сайин авж олаётган можаро қандай якун топишидан озми-кўп ташвиш чекса керак.

— Камина борми-йўқ, бохабар бўлинглар, — деган уста Жамшиддин, мавридини топиб ўғли билан хотинига. — Ашаратхона Қуръон учун муносиб паноҳ! Замон тинчиса, қазиб оламиз. Ҳали гардини ҳам кўзга суртишади!..

Жимжит кечада аллатовур ҳорғин туюлган, кошинлари тўкилган баҳайбат иморат ертўласида, ошланган қалин кўнга ўраб-чирмалган Каломуллоҳ ёнида, уринасурина амаллаб кўмишган жилдлари бармоқ билан санарли, холос. Аммо нима бўлганда ҳам сал-пал умид туғдиради, умидки, зарра-зарра йиғилиб тоғ бўлажагига ишора — агар ҳар ким қўйнида бир донадан асраб қолса, қанча-қанча рисола нажот топади.

Хўрликка ўхшаш нарса тикилди устоз бўғзига, ахир, ҳозирча кўпчилик бундан мункир келаётир, ҳатто айрим нокаслар ниманики маъқул санашса, бепўшт-пўшт шуни адо этишаётир, бир томонни селу сурон ўпириб кетса чикора!

Афтидан, замон зайлига кўра, бу кунда у ҳам жони-моли ва хонадонини омон сақлаш илинжида нотавагон махлуққа айланмоғи доркор, қачондир Қалам ҳомийлигида улғайган, бугун эса таъқибга учраган Сўз жавоҳирлари саналмиш Қуръони карим, Ҳикмат девони ва бошқа ёзма обидалардан кечмоғи лозим, агар ҳусну малоҳат бобида ойни уялтирадиган улуғвор осори-атиқалар деворлари, пештоқлари, миноралари, гумбазлари ва равоқларидаги азал-абад йўриқларидан ҳикоят сўйловчи ва аждодлар нафаси теккан битикларни қўпорса ёки суваб ташласа яна маъқул!..

Шуниси аниқки, тоабад тавқу лаънат ва маломатга кўмилиши учун биргина ножўя қадам ташлаши, билиб-билмай бир марта тилидан тойиши етиб-ортади. Худо

илоҳим ана шундай кўргиликдан асрасин, қолгани ҳам чекишга арзимади.

Ишқилиб, тезроқ дилбандини қўйворишсин, ундан кейин ўзини пишириб ейишмайдами!? Ахир, мундоғ олганда, баъзи орзу-ҳавасини айтмаса, ёруғ дунёда кўпам ҳақи қолган эмас. Чархи кажнинг турфа чорраҳаларида тирмаланиб кераклисидан ортиғига эришгани ёлгон эмас, қисмат лойиқ санаган аччиқ-чучукни борича татиди. Падари ва волидаси дуосига етишди, шунингдек, Ойдин каби пари билан ҳавас қилса арзийдиган туппа-тузук турмуш кечирди; бинойидек оқила, ҳуснда тенгсиз, холис ниятли аёл меҳри ва муҳаббатини қозонди. Бир давру даврон шунчалик бўлар-да...

Регистон ғарбида, бир тарафи қамишзор, бир тарафи жарлик харобазорда улкан кўнғизни эслатадиган, пешида думалоқ шиша чироқ ўрнатилган қора машина кутаётганди; шаҳарда мутлақо камёблиги боис у кишида дафъатан ғалати таассурот уйғотарди.

Оралиқ йигирма-ўттиз қадамча қолганда асабий ҳамда бўғиқ ғудраниш-койиниш эшитилди ва икки барваста одам шарпаси кўзга ташланди. Негадир ҳалигилар аланглай-аланглай жадал панага уриб кетишди. Олдинда туякушдек кўкрак кериб ва лўкиллаб бораётган кимсани ота-бола Шариф урфонга ўхшатиб ажабланди. Анча-мунча кетинда бирон нарсадан қуруқ қолгандек пилдираб чопаетгани ҳам таниш эди. Ёпирай, нахотки уста Ризо бўлса? Нима муддаода илакишиб юрибдийкин дарди бедаво нусхаларга!?

Юраги шув этган уста Жамшиддин афсус-надомат ичра бош тебратди, каловланган кўйи яна ўша тарафга тикилди. Энди ҳеч ким кўринмади. Ҳаял ўтмай атрофни қоплаган зил-замбил жимликни чалдивор ичидан шовурсиз кўтарилган икки-уч бойқушнинг аллатовур ҳазин нидолари бузди.

Зоҳиран хотиржаму ботинан тутаб-тутамай ёнаётган ота-болани ҳазил-мутойиба аралаш иззат-икром билан машина орқа эшигига рўпара қилишди. Замирида кесатик ва зарда ниҳон бунақа такаллуф ортиқча — боридан кўра йўғи яхши эди. Нуқул тиржайиб қўяётган Пакана пишқирганча улар ёнига чўкди, Фаттоҳ Обидий олд ўриндикда жойлашгач, тап-тақир қирилгани билиниб турган бошига кетмоннусха кўкиш қалпоқ кўндирган чувак ҳайдовчи эпчиллик билан газни қўшди.

Туйкус устоз миясини, шаҳар ташқарисига, гадой-топмас хилват томонларга елдириб кетишса-я, деган тахмин чирмади. Хавотири бежиз эмасди, ахир, йирокқа, масалан, Каттақўрғон ёки Карманага элтиб ташлашса, омонлик теккандан кейин Шамсиддин уйга қандоғ қайтади. Ишлари битиб, эшаклари сувдан ўтгандан сўнг nobакорлар бунақа улов яқинига йўлатишмас, бор энди, кунингни кўравер, деб кетига бошлаб тепишса керак.

Хайрият, анча эскириб шалоғи чиқиб қолган машина унча узоқ юрмади. Тахминан ўн-ўн беш минутдан кейин устоз кўзи анча кўниккан, кўшалок темир табақасига беш қиррали юлдуз тасвири солинган дарвозадан кирди-да, чўзик-чўзик сигнал бериб, пештоқига алвон туғ ва шиор илинган фиштин бино биқинида тўхтади.

Илгари уста Жамшиддин маҳкама ҳовлиси бу қадар кенг ва сердарахт эканлигига эътибор бермаган экан; увлаётган шамолда шатир-шутир чайқалаётган баҳайбат чинорларга тикилганча беихтиёр елка қисди. Баландлиги сал кам уч газ бўлган ихота девори устидан тортилган тиканакли ўрама симни, девор биқини бўйлаб қоқилган қозикларни ҳам ҳозир кўриб турарди. Қўш қанотли қилиб тикланган иморат орқасига ўтишгандан кейин хайрати тағин ҳам ортди.

Чиндан бу томон манзараси айрича: аллатовур ўлимтик сукунат ҳукм сураётир, қаровсиз акас-қарағайлар ва қайрағочу тераклар сокин мунғайган, ерга тўшалган ва супурилмаган хазонлар ачқимтир хид анқитар, ҳўл-оғир ҳаво гўё елкадан босар эди. Ҳатто оёқ остида фишт синиқлари, занглаган темир-терсак, бўш шишалар, ту누ка банкалар хирмондек уйилиб ётарди; бир чеккада чирик ёғоч-тахталар тахлаб ташланган, сал тўрроқдаги энлигина тошқалов ҳовузча сарғимтир шиша-дек ялтирар эди; шаклу шамойили бир қарашдаёқ эсда қоладиган, алоҳида панжара билан ихоталанган ҳовузча устида, тўрт симон устунли ёғоч куббада жўмракли улкан бўчка ўрнатилган...

Пасткамгина темир эшик ёнида уларни йигирма беш ёшлардаги ихчам ҳарбийча либос кийган, ўрта бўйли, бақувват, қорақош йигит таёқдек қотганча ўнг кўлини чакккасига тираб қаршилади. Совуқ кизартирган бетида одатдаги юшоқ табассум кўнган Фаттоҳ Обидий аста бош ирғагандан сўнг ўзини бўш кўйди; ковоғи солинган устозга эътибор бермай, сен гўдакка пишириб

қўйибдими бу ерда маъносида Шамсиддинга ғилайи қараш қилди.

Ичкаридан кифтлари қоядек тик, рапидадек бетида чечак изи қолган, бесаранжом боқишидан ўлгудек жиз-закилиги билиниб турган яна бир назоратчи йўргалаб чиққанда Фаттоҳ Обидий эшик ёндарисига беҳол суянган эди; шундай лаб-лўнжи сўлжайиб туришида куни кеча тўшакни тарк этган бетобга ўхшарди. Уйқусираган ҳолда гудраниб буйруқлар бергач, дарҳол ота-болани ажратишди: бирини чапга, бирини ўнгга етаклашди.

Узундан-узун каридор сокин ва димиққан бўлиб, деворлари қанақадир дабдабали маросимлар, қўлларини илгарига чўзиб нутқ сўзлаётган соқолли зотлар акс эттирилган плакатлар, милтиқ ушлаб жангга отилаётган аскарлар, мамнун алфозда никоҳ уйи томон ошиқаётган келин-куёвлар тасвирланган расмларга тўла эди.

Гаройиб ҳашамни ажабсиниб кузатганча устоз маъюс судралиб борар, гоҳо тажанглик билан афтини буришти-рар, таранг тортилган руҳи билинар-билиномас сирқиарар эди. Бир маҳал қорақош йигитнинг истехзоли гудраниши ва турткисидан ўзига келди, панжарали тор ғиштин зина бўйлаб қанақадир чуқурга энаркан, беихтиёр хўрсинди ва бадани жимираб кетди. Ахир, эй, яратган эгам, бунақа жаҳаннамдан қолишмас жойда Шамсиддин ҳоли не кечади? Илоё, ёлғизгинасидан меҳру мурувватинг ва сабру бардошингни аямагин! Узун кечаларда ёлбора-ёлбора уни ўзингдан тилаб олмаганмиди!?

Уста Жамшиддин ним қоронғиликда ачиган қарам-картошка ҳиди аралаш зах исини туйиб одимлар, хаёлида олис хотиралар чирпирак бўлиб айланар эди. Бир неча йилни Ойдинбиби билан бирга фарзанд доғида куйиб ўтказганини эсларкан, ногаҳон ивирсиган ўнқир-чўнқир саҳнда оёқлари чалишди-да, гандираклар тўқмоқдай нарсага урилди. Икки киши рўпара келганда аранг сиғишадиган энсиз, лекин ҳалиги каридор мисоли узун йўлакда чақалоқ муштидай кичик чироқча қизара-бўзара аранг нур сочарди; гўё зиммасига ёритиш эмас, шунчаки бор-йўқлигини билдириб туриш вазифаси юклатилган эди. Ертўла нарёғида ўлимтик сукунатни бузиб, зилдек оғир эшик ғичирлаб очилди, намиққан симон деворлардан қайтган бўғиқ акс садо тиниб улгурмай тагин ўшандайин овоз таратиб ёпилди. Бесўнақай эшик, хайҳот, эрта нафақат чироғини ёқиб ўтирадиган

азамати бетига, бутун аъмоли-бади, қайғуси-қувончи ва орзу-умидлари устига ҳам ёпилгандек туюлди ва аста пешонасига шапатилади...

Қорақош йигит бўлари бўлаёзган уста Жамшиддинни нам ва рутубат уфураётган тор йўлак бўйлаб узоқ етаклади, қайси бир жойда тўхтанг маъносида қўли билан ишора бериб, ивирсиган қўйи занглаган юмалоқ қулфни очди-да, недир илинжда жавдираётган устозни илқис елкасидан итариб юборди; кимсан — итмисан ёки бит, нечун бу гўшани қўноқликка танладинг, деб сўрамоқни лойиқ билмади, билса — бошида азроил тўқмоғи ўйнаса керак. Фақат устоз тирқишдан бир маромда ўқдай боқадиган, на ғурур, на ачиниш, на севинч, на мунг ифодаланган кўзларини кўриб қолди ва унга ҳам осон эмаслигига имон ўтирди; қулф ғичирлаб буралар экан, тамом каловланиб, темир панжарали туйнукка тикилганча, тап-тақир полга бўшашиб ўтирди.

Хали шошиб қолгани боис саҳн бўсагадан сал кам бир ярим газ пастлигини пайқамабди. Ичкарига мункиб кетган чоғда қорақош йигит ихчам-енгил нарвончани чаққонлик билан тортиб олган, лекин буни эслолмас эди. Ўрасимон ивирсиқ чуқурга қай алфозда тушганини билолмай диққати ошди. Ёруғ дунёдан бутунлай узилиб қолган эди.

Яхши ҳамки тепада, ҳар жойи ўйилган шифтга яқин жойда бир неча қатор сим тутилган тўртбурчак туйнукча қўйишган экан; унинг каттагина қисми ташқари саҳндан анчайин юқори бўлиб, шу жойидан кузги оч пушти ва симобий булутлар ўраган бир парча осмон кўзга ташланарди. Ҳарнечук сокин тўкилаётган бир тутам нимтатир ёруғлик жиндай бўлса ҳам кўнглига далда бағишлади. Бутун жисму жонини сиркиратиб юбораётган оғриқлар ҳам бир қадар босилди.

Андак мизғиди, қанча вақт ўтганини билмасди; хужра каби шуури зим-зиё эди. Яна кўнгли бузилиб хўрсинаркан, саҳтиёний этигига нимадир илашди. Пайт пойлаётган кана-чаёнлар хуруж қилиб қолди шекилли. Қайси бир мағорлаган қавақдан эҳтимол илон ўрмалаб чиққандир.

Ҳар ҳолда инон-ихтиёрини қўрқув ҳукмига топшириб қўйолмасди. Дарҳол ўзини қўлга олиб билдики, бурчакдан бўртиб турган ва йўғонлиги билакдай резина қувурдан жилдираб лойқа сув оқаётди. Ёпирай, буниси-



ни қайси олчоқ ўйлаб топди экан? Не қиларини билмай оҳиста бош чайқагач, ноилож бўзрайган соқов деворга суянди. Мана шунақа девордан нечтаси кўндаланг ўзи билан Шамсиддин орасида? Хатто буни ўйлаш чекичегараси йўқ азоб ва ғусса эди; беихтиёр ўткир шамшир кўксини қиймалаб юборгандек бўлди.

Ҳозир у нималарни ўйлаётган бўлса?

Уста Жамшиддин, бу саволга жавоб топишни истаб бир хил ўртанар, хаёлан ўғлидан афву тилар, бўғилганча ўзини ўзи койир эди. Ноилож ҳар жойда сочилиб ётган темир-терсак ва фишт синиқларини тўплади-да, ўргимчаклар тортанак боғлаган бурчақда энсизгина супача ясади. Сўнг мийиғида синиқ кулиб, супача гирдида омонат чўқар экан, тасавурида кучоқ-кучоқ китобни юҳо мисоли ютиб юбораёзган анҳор гавдаланди.

Адашмаса, ушбу паллада Шамсиддин, мановига ўхшаш қувурдан оқаётган сувга термилганча, кутилмаган ўрамга тушиб қолганини тарозига солаётгандир, шунингдек, аллақачон мувозанатини йўқотган тириклик дунёсига этак силкиб, ҳунг-ҳунг йиғлаётгандир.

Уста Жамшиддин сал исиш учунми, ўзига сирмай кетаётгани боисми, телбаваш қиёфада, саёзгина кўлни шолоп-шулуп кечиб юрина бошлади. Гоҳо бир жойда хухулаб тез-тез ирғишлар, гоҳо қарахт қафтларини бири-бирига ишқалар, гоҳо елкаси билан гумгурс деворга суйканар эди. Эрмаклар зиғирча наф бермади, бадтар диққати ошгани устига, ҳадемай гирдлари ипак билан бир неча қатор ҳошия қилинган, такаки пошнали кўн этиги нам тортиб, қўшқават жун пайтаваси ҳўл бўлди.

Ҳолдан тойган, тинкаи мадори қуриган эди, ниҳоят, титранган кўйи ҳалиги супачада чўнқайди. Ҳамон қувурдан оқаётган сувнинг бир маромда жилдираши асаб торларини сирқиратиб ўтарди. Салдан кейин нигоҳини туйнук орқали осмонга кўчирди ва шу захоти қулоқлари остида нимагадир даъват этувчи олис мозий нидоси жанранглагандек туюлди. Недир салобат ва эҳтирос билан йўғрилган гулдирос овозлар тобора яқинлашиб келарди. Шунинг баробарида сароб каби ялтираётган ҳарир парда ортида талғир туя минган Мўйсафид кўринди. Энди ҳамма нарсани унутиб, ғойибада намоён бўлган қарияни бутун вужуди билан кузатишга киришди.

Ана, Қуръони карим билан Ҳикмат девонини кўп йиллар тароқи хуржунида, йўғ-а, жон-жаҳонида асраган

Мўйсафид шахту шижоати нақадар баланд — бархан-лари ўрқач-ўрқач чўл оша, кўк билан ўпишган тоғ-тош оша, хазонрезгилар тутган боғ-роғ оша тиним билмай елади. Эгри-бугри заранг говронини силкиб-силкиб, талғир туясини қичаб-қичаб ҳайдайди ва ҳадемай ороми йўқолган шаҳар кўчаларига оралайди.

Мўйсафид ҳар қадамда қози Муҳаммад Валихон ва Собир Қамарий тақдирига қизиқади, кейин эса, тангри назари тушган Сўз аҳволини суриштиради. Худо таолони таниган қайси бир савобгир рўпарасида қўл қовуштириб, бор сиру савдони айтгач, афсус ила кўксига муштлайди...

— Ҳей, отам, Хизр отам!..

Уста Жамшиддин лаблари, тақрон-тақрон пўст бойлаган эмасми, аранг шивирлади, сўнг шуурини эгаллаб турган Мўйсафид қаёққадир оҳиста чекинди. Осмон буржларини қоплаган тўда-тўда булутлар подаси ҳам тўзғиб кетди ва ҳалиги торгина туйнук ойнасига жунлари тўкилган, бўйни-сағриси ва ўрқачлари кўтирлаган, совуқда жунжикиб қалт-қалт учаётган, кўзлари жияклариди тирсиллаб ёш музлаган талғир туя астагина тумшугини тегизди.

— Оббо, сен-ей, охири кепсан-да, қадрдон!? Бор, нафасинг билан Шамсини исит! Мўлтирамай бора қол, жонивор! Вақти-соати билан барини билиб оларсан, хозир эса Шамсига далда бер!

Уста Жамшиддин гўё тип-тикка турганча алаҳлар, ҳар неки мулоҳазасидан тамом хорижда эди; бу ҳолати иситмаси ошган ва алоғ-чалоғ босинқираб уйғонган бемор аҳволига ўхшарди. Хужранинг зилдек оғир намхуш хавоси ва совуқ сув захри илигигача қақшатиб юборди, қарахтлиги тобора кучайиб, томирларида гўё қон совуй-совуй тўхтади, фақат шукурки, боядан бери шуурида бир учқун кул ичидаги сўниб улгурмаган чўр каби йилтираётир, шу учқун эрта бари аввалги ўзанига тушиб кетишидан огоҳ этмоқда...

Туйнук нуқрадек оқарди, тўда-тўда булутлар тарқаб, осмон бир мулойим табассум қилди. Ҳовуч-ҳовуч ёғилган нурда андак кўзлари қамашди, супача саҳнига қафтларини тираб кўзгаларкан, аъзои бадани қақшаб оғриди. Жимирлаётган сув сатҳида гириллаб юзаётган майда-майда сарғимтир пуфакчаларни эринчаклик билан қузатди-да, ўгли холи-руҳини ўйлаб кетди...

Гўдаккина ушбу дамда тўпигидан келган сувда дилдираб, йиқилгудек ҳолда тебраниб, нам тортган гумгурс деворга суяниб аранг жон сақлаётган бўлса керак. Ким билсин, балки бурчақда чўккалаб, аъзои бадани музлаб мизғиётгандир. Алов-чалов тушларида гоҳ Мўйсафид, гоҳ талғир туя, гоҳ қози Муҳаммад Валихон билан юзлашиб, уларни кўмакка чорлаётгандир. Ёки ўзи каби туйнукдан кўринаётган бир парча осмонга нажот кўзини тикиб бўзлаяптими? Хатто мушук ҳам сирғимайдиган ўша тирқиш орқали ёруғ дунёга чиқиб олишни мўлжал қилаётгани эҳтимолдан холи эмас.

Агар шу омад насиб этса, ҳеч шубҳасиз, бирон ёкка бурилмай, оёғини кўлига олиб, тўппа-тўғри уйлари томон чопади, кўзларидан шашқатор ёш оқизиб, гавдасини онаизори бағрига отади, сўнг чўғи ҳил бериб турган сандалга музлаган оёқларини тикиб, бўри боласидек ютоқиб овқатланади, қорни тўйғач, ўтирган жойида мудрай-мудрай уйқуга чўмади...

Шу ўй-тахмин баҳонасида уста Жамшиддин ўзи ҳам поёнига етаёзган кузнинг заъфар рангларига беланган уй-жойи, бахмал кўрпа ёпилган ва чўғи ҳил-ҳил гупиллаган сандал, чинни лаганда буғланиб турадиган мазали хўракни, ниҳоят, қачондан бери интиқланиб йўл қараётган Ойдинбиби дийдорини кўмсади.

Зормонда темир эшик нимадандир нолигандай чийиллаб очиларкан, умид-илинж оғушида аста бош кўтарди, ҳозироқ озодлик тегиб, ўғли билан етаклашганча, хонадони сари жўнаб қоладигандек сал-пал руҳланди. Қўлида бир шода калитни айлантириб ўйнаётган қорақош йигит афтига қарамай тўнғиллагач, ҳафсаласи пир бўлди ва бўсағага тиралган нарвончадан инқиллаб кўтарилди.

Ҳар ҳолда назоратчи аҳволи ночорлигини тушуниб, елка тегар даражада тор тахта эшикли ҳожатхонани имлаб кўрсатди. Қабзиятдан кутулиб қайтган ҳамоно койина-койина Шамсиддинни суриштирди, лекин бирон-бир саволига жавоб ололмади...

Узундан-узун жимжит йўлак бир дунё қасди бордек хўмрайиб боқади, сувоғи кўчган соқов деворлар эса чор тарафдан қисиб келаётгандек туюлади. Шу қадар теран сукунат чўкканки, пашша учса билинади. Қайси бир панада гўё товуш ютадиган қурилма ўрнатилган-у, ўша савил кеча-кундуз ичкари-ташқарини бир маромда осудалик билан таъминлар эди.

Бешинчи қаватда яна ҳам теран, яна ҳам залварли сукунат ҳукм сураётган эди. Ногоҳ устоз ҳар кадамда жодуга ўхшаш айрича нарса зоҳир эканлигини эътироф этди. Шу ҳол сабаб бўлдимиз ёки нукул ўғлини ўйлаётгани боисми, қўшқават деразаларига духоба парда тутилган, яп-янги юмшоқ мебеллар билан жиҳозланган ёп-ёруғ ва иссиқ хона соҳибини дафъатан кўрмади. Сўнг суянчиғи баланд оромкурсида бемалол ястаниб ўтирган анчайин басавлат кишига кўзи тушди-ю, ҳангу манг бўлди.

Асли таажжуби беҳуда: тегишли жабҳада фаол жавлон урган ва мартабаси ошган Фаттоҳ Обидий яқинда шинамлиги ва ҳашами билан аввалгисидан кескин фарқ қиладиган ушбу бўлмага кўчиб ўтганди.

— Ай-ай! Нучева! Чирой тетик, амак, — ўрнидан мамнун кўзгалди нозир. — Хавас қилдук, хавас!

Томоғи қуруқшаб, кўз ўнги тиниб бораётган уста Жамшиддин қаҳрини қандай тўкишни билмасди. Қанийди, дафъатан мўъжиза рўй бериб, ғазабини тўқмоқ қилса-да, уриб ёрса муттаҳам нозир бошини! Хамирдек ийлаб ташласа гавдасини! Асли унга бу жазо худо ҳақи кам, лекин сал-пал хумордан чиқарди. Тобора кўнглида интиком ҳисси жўш урмоқда!..

Уста Жамшиддин саранжом-саришта хонани оғирсиниб кўздан кечирди. Тўрдаги деворга илинган ва аввалги хосхонани ҳам безашга хизмат қилган суратдан анчагача кўз узмади. Ахийри, нигоҳи қизил мовут ёпилган узун устол чеккасида турган, бўғзигача сув тўлғазилган машрабага ўхшаш шиша идишда тўхтади.

— Хўш, амак, сизга хўжалугимиз маъқ-кулме?

— Ҳа, жудаям!..

— Ўвв, бале! Энди десайиз... Хўш, хўш!?

— Биродар, ўғлим қани?

— Ўғул... Э-хе, ўғул!? — овозини кўтарди Фаттоҳ Обидий, ҳорғин қиёфасига кулги югуриб. — Шахсий кантиролимда. Локигин айшини суропти. Ундан хавотир қилиш истидна.

— Худо ҳайр берсин, бир кўрай!

— Албатта. Пақат кейинроқ.

— Илтимос, айтинг, унга егулик беришин!..

— Ай-ай! Ўзимни амаким, уёлмайсизме? Шуям гапме? Егани оллида, емагани кейтида-ку. Қани, ҳа... Тортинмай мундоғ яқинроқ келинг-чи. Э, ҳей, ўтирилса

тузук. Аёқ оғримасун. Ҳалиги... балки эрта онаси олди-га жўнатамиз. Бир ёғи сизгаям боғлиқ-де. Ие, нимага йўтал? Бир капли кўрқилмасин, давоси шахсан ўзимдан! Шунақа дори борки!..

Одамзод доим илтифот гадоси, айниқса, йўқ жойдан айбдор саналиб, бўхтон чангалида гангиб турганда ҳар қандай такаллуфни ноилож эътиборда тутуди. Ҳозир ўзи туфайли ҳибс қилинган ўғли аҳволдан сал-пал хабар топган устоз бир қадар тетиклашди, шунинг баробарида, тўқ қизил мато ёпилган устолда ялтираб турган шиша идишга яна тамшана-тамшана термилди.

— О-о, тушшундим, тушшундим, — аста машрабани бўйнидан тутиб кўтарди Фаттоҳ Обидий. — Локин кечаги-де. Анча туриб қогон. Ҳозир айтомиз. Тозасини беришсин.

Тариқат доирасидаги таомилларга уста Жамшиддин илгаритдан иложи борича жиддий риоя қилади. Шу сабаб мезбон иримидан ранжимади, аксинча, хиёл дили ёришди, зеро, билардики, тун бўйи идишда қолган сувда шайтони лаъин фусл айлайди...

— Шамси пўлвон анақароқ экан-ку, а, амак? — Фаттоҳ Обидий дераза раҳидаги қатор-қатор сопол тувакларга машрабадан милдиратиб сув куяркан, ногўх истехзоли илжайди. — Ҳимм... Анови чичқоқ таналарга қаранг. Паддарига минг наълат!

Недир хавотир туйган уста Жамшиддин оғир-оғир қадамлар билан дераза сари келди ва мил-мил терлаган ойнадан ташқарига мўралади. Кечадан бери тўпифидан сув кечиб, туйнукдан қайчи билан кесиб олингандек туюладиган осмон парчасига термилиб, оғалари дийдорини кўмсарди, лекин ҳеч қачон уларни бунақа аҳволда кўришни ўйламаганди. Чарх шунчаям аямадими, деди ичида ва нозир қадди-бастига нафрат нигоҳини қадади; мезбон ҳануз хотиржам аҳволда мириқиб гул суғорар эди.

— Биласиз, оллиндаги Собир Қамарий, ўзини пеш-қадам шаййир санайди, — бўшаган машрабани ниҳоят жойига қайтариб қўйди Фаттоҳ Обидий. — Сиз қандоқ пикрдасиз?

— Бўлса бордир..

— Ай-ай! Эсон Мансурий арз ёзгон устидан. Захарли йилон деб мазах қиганми-ей. Юмшатиб келинг, жавр бўлмасин дедик. Аммо кўнмади. Бошқача таърипи йўқ эмиш!

— Захарли йилон ўзи эмасмикин?  
— Тисс!.. Ҳалиги... зовлор бадга урди, деб бошлагон бир шейрини ошнайиз. Ҳатто уёлмай газитда бостиргон. Хўш, амак, сизнингча зовлори нимаси?

- Билмадим. Қаёқдан ҳам билардим.
- Аксига олиб, сизам муноқа аёқ тираёпсиз.
- Имонимни ўйлашга мажбурман.
- Сиззи бу ерга кетирган имон эмасми?
- Иложим қанча!..

— Опаснасиз, опасна! — қисқа жимликдан кейин нягини сийпалаб гудранди Фаттоҳ Обидий. — Хўш, анҳорда оқизилган китоблага кесок... Айтинг-чи, нечтасини кутқаргонсиз ва кимларга ташитгонсиз?

Ҳануз ичи сидирилаётган уста Жамшиддин диққат-эйтибори ҳовлида эди, оғаларим изларига қайтишармикин, йироқдан бўлса ҳам уларни тагин бир маротаба кўриш насиб этармикин, деган илинжда мўлтираб турарди; томдан тараша тушгандек берилган савол бирдан ўй-фикрини пардек тўзғитди. Сўнг хаёлида яна акаси содир қилган ўша воқеа жонланиб кўкси ачишди, ҳатто сув совуғи суяк-суягидан ўтиб кетган ўғли оғриб қолганини ҳам эслади.

— Ҳеч кимга ҳеч нарса ташитганим йўқ! Тан оламан, пича кўмдим, лекин калламни узсангиз ҳам жойини айтмайман!..

— Қуръон ҳам боме оросида? Тўғре айтсангиз, ҳозир ошиқингиз олчи. Нима, ўша нарса сиззи жонийиздан азизме? Ёки арзандангиз жонидан?

— Худо ҳақи, айтинг, ўғлим қайда?

— Ай-ай! Шошманг дедим-ку, — Фаттоҳ Обидий бетини таниш хайрихоҳлик нишонаси қоплади. — Сиз аввал мундоғ бизага сал қайишинг-да, ана ундан кейин... Ай-ай! Ҳали ўртада ака масаласи ҳам бор-ку!

— Акам қайишди. Ана аҳволи!

— Ертўласидан манови топилди-да.

Бўғзи ачишаётган устоз Фаттоҳ Обидий малол аралаш узатган анчайин салмоқли рисолаи таниди. Кўкси ўпирилгудек бўлиб, аста бош чайқади, ахир, у дабдалаю абгор эди: зарҳал юритилган қалингина чарм муқоваси йиртилган, кўпгина варақлари юлиб олинган, рижимлаб ташланган...

Эсида, мулла Ражаб ушбу жилдни тугатиб, таҳрир назаридан ўтказгунча неча тунларни шам ёруғида бедор кечирган эди; оҳорли саҳифаларини пурмаёно масала-

коидалар билан тўлдиргач, қайта кўчириш учун дидли хаттот биродарига топширган ва уни тузуккина акча ҳамда лутфу карамлар билан сийлаган эди.

— Яшириб қолгани сабабики, бунини акам юраги қони билан битган. Сиз билмайсиз, у рақам олими, неча йил игна билан қудуқ қазигандек қилиб ҳисоб илмини ўрганди. Билганимни ўзим билан тупроққа олиб кетмай деган муддаода қилди шу ишни. Худо ҳақи, нияти холис!

— Ай-ай! Тузук бошладийиз, кейин сал... Майли, аста-секин тил товишамиз! — Фаттоҳ Обидий гумашта олиб кирган машраба сувидан истаконни лим-лим тўлғазиб узатди, аммо устоз тўрсайганча қўлини қайириб ташлади. — Ихмм! Шошип нимаям қилдук. Ҳозир боринг-да, мазза қилиб дамми олинг, ачиган мияни тинитинг. Этталаб тайёр жавоблар билан келарсиз!..

Калласи говлаб бораётган бўлса ҳам гоҳ қулиб, гоҳ қовоқ солиб тикилаётган мезбон йўрғалай келиб ором-курсига чўкди. Кўзлари милтираб ёнарди. Хайтовур қуриб кетгур нимага шама қилганини устоз англади. Чиндан ҳам ўғли ва ўз ҳаёт-мамоти шу суллоҳ банда қўлида, шу банда ҳар иккаласи жонини истаган қўйга солиши мумкин. Вақти-соати етганда охир-оқибат бири бўлмаса бири букилиши, қарчиғайдек бўзлаб, раҳму шафқат тилаб пойини қучишига ишонади. Балки у ҳақдир, ахир, эрта нималар рўй бериши маълум эмас. Лекин осмон узила тушиб, қиёмат-қойим бўлганда ҳам аҳду қарорларида туришлари керак.

Хонани зилдек жимлик қаърига тортган дамда Фаттоҳ Обидий қизил мовут ёпилган устол биқинида қўндирилган тугмачани аста босди; энди ҳаракатида хотиржамликдан кўра бесаранжомлик устунроқ эди. Хатто беихтиёр чуқур хўрсинар экан, бу падар лаънати тош, деди ичида, ундан ҳам бешбаттар, йўриққа солгунимча она сутим оғзимдан келса керак.

Шу асно гавдаси бенихоя улкан, сарғиш соч қоплаган калласи бодрингдай кичкина, лаблари парракланган каби юпқа эркак хонага дадил бош суқди. Тахминан у қирқларни уриб қўйганди: ўртаси чуқур пешонасини ажин тилимлаган, қировлаган тақасимон мўйлови қулоқлари томон дикрайган эди, алҳол, таомилдаги эҳтиромни адо этмоқ учун остонани шунақа гурсиллатиб тепдики, дераза ойналари тўкилгудек зириллаб кетди.

Афтидан давангир олдинги қоровул — қорақош йигит билан ўрин алмашган эди; ёпирай, бу ҳам ўлгудек ичимдагини топ хилидан экан, Фаттоҳ Обидий юмшоқ товушда буйруқ бергандан кейин, чап қошини чапанича қилиб учирди-да, уста Жамшиддинни қўлтиғидан силтаб тортди. Шундоқ ҳам тутдек илвиллаб, Шамсиддин холи-руҳини ўйлаб турган устоз оғринди, ўнг оёғини саҳнга тираган кўйи нозирга ўғирилди. Қароқларида ёш ҳалқаланди-да, юраги тубидан бир нидо узилди: биродар, жонимни олинг-у, ўғлимни кўйворинг! Кўрсаткич бармоғини чаккасига тираганча ўйга чўмган нозир тагин Қуръондан гап очди-ю, нафасини ичига ютди, дарҳол ўмганини тик тутганча эшик сари одимлади...

## Х

Ўтинчи беҳуда кетгани учун ҳамирдек бўшашган ва ўртанган эса-да, уста Жамшиддин ковоғи солинган давангир ортидан кўкрак кериб мардона одимлади. Фақат, ғира-шира ёритилган узундан-узун йўлак бўйлаб бораркан, Фаттоҳ Обидий ҳузурида ногаҳон дийдаси юмшагани ва кўз ёшларини тийолмай қолгани учун ўзини ўзи қойиди. Шу иши чакки бўлди, худо ҳақи ярашмади. Ҳартугул ўзини туттиши лозим эди. Ўша палла каловланиб, бутунлай эсини еб кўйдими нима бало? Ахир, нозир қаҳру ғазаб отини жиловлаб олганини, токи ройига юрмас экан, ҳар қандай оху зорини ҳатто эшитишни ҳам истамаслигини сезиб-билиб турарди-ку! Тангри қарғишига учрагур доим сопини ўзидан чиқариб келаётганидан воқиф эди-ку! Бари тўғри, лекин пушти камаридан бўлган ўғлини ўйлаб чидолмади-да! Жигарпораси, эрта чироғини ёқиб, ҳунарини эъозлаб ўтирадиган дилбанди, бемаврид хазон бўлса тамомила хонумони куяди, ундан айрилгандан кўра жонидан айрилгани минг қарра авлороқ!..

Бутун борлиғини недир олов куйдираётгандек бир ҳолга тушган уста Жамшиддин аста манглайига шапати урди: нахот охири шўри қуриб, тиз чўкишга мажбур бўлса!? Нахот кўнглини иситиб-ёритиб турган ўтни ўчиришдан бошқа чораи тадбир тополмаса!? Палапони пешонаси шунча ҳам шўр экан-да, хайҳотки, йўқ ердан кутилмаганда пайдо бўлган, ҳеч бир юрак сиғдиrolмайдиган мудҳиш ғалвалар тўфонига ўралашиб қолди.



Агар янглишмаса, ҳозир ўғлон рутубат ва тортанак босган қайси бир ним қоронғи ҳужра кунжагида аламу андуҳ чекиб афтодаҳол ётибди. Хаёлини Ашаратхона обидаси тағ-заминини манзил тутган Қуръони карим банд қилган... Эҳтимол, Собир Қамарий билан мулла Аҳмад сўйлаган ҳикоятларни дилидан кечириб руҳи ёришаётгандир, ажаб бир кунда учрашган Қалам ва Қонуннинг саодатли тақдири бағрига умид оловини қалаётгандир ёки талғир туя минган Мўйсафид билан ўзича баҳсу мунозара қураётган бўлса ажабмас. Тагин ким билсин, эҳтимол, тўнини тескари кийволган Пакана ва бошқа гумашталар қуршовида, дўлдек ёғилаётган илмоқли саволларга жавоб беролмай, дағ-дағ учаётгандир, эҳтимол, соқов деворни муштлаб ёки тепкилаб, армонга айланган некбин кунларини кўмсай-кўмсай ўксинаётгандир, муштипар онаси дийдори ва иссиқ қучоғини соғиниб ўкраб-ўкраб бўзлаётгандир.

Уста Жамшиддин хўрсинди, бинобарин, кўп маротаба асқотган идроки тагин алдамаганди; давангирга эргашиб ертўлага тушаётганда Шамсиддин зина яқинидаги торроқ хонада, важоҳати бузуқ Пакана рўпарасида бўздек оқариб турар, миясида алкаш-чалкаш мушоҳадалар чириллаб айланар эди. Пакана пишқирганча иягидан тутиб деворга тираганда ҳам, оч биқинига тарсиллатиб устма-уст мушт қўйганда ҳам миқ этмади, фақат кўпчиб-кўқарган ёноқларини милт-милт ёш ювар, хира тортган қароқлари ҳеч нарсани кўрмас эди...

Пароканда ўйларга чўмган, юрак-бағри сим-сим эзилаётган уста Жамшиддин таниш овоз — афсус-надомат ва нафрат билан йўғрилган йиғини хиёл эшитди, фақат эзгин-эзгин янграб, дилни ўртаб-ўртаб юбораётган нола қайси тарафдан келаётганини билолмади.

Соявонли қалпоғи кичкина бошини қозондек ёпган давангир тилини ютгандек ҳануз жим, шунчалар хотиржамки, сайрибоғ қилиб юрган одамга ўхшарди; мушук каби шовурсиз одимлаб, туси ўчган эшикка яқинлашаркан, рапидадек кафтига йўталди. Шошдими ёки турма шапкўрмиди, ҳар ҳолда қалитни кулф тешигига тиколмай анча куйманди. Эскириб кетган ва қурум босиб занглаган кулф жонивор ўжарлигини қўймаганда ҳам имиллашдан нари ўтмади.

Уста Жамшиддин деворга елка тираган кўйи қалин сарғимтир жун қоплаган йўғон билаклар ва айри чўпга

ўхшаш панжаларни ижирганиб кузатарди. Сўнг, лойда аранаб ётган тўнғиздан қаери кам, деган ўйда ичида кулди, куларкан, нари тараф зинасидан аллакимлар дукир-дукир тушаверди. Шулардан бири ўғли эканлигини тахминлаб, недир орзиқиш билан аста ўгирилди.

— Шамси-ии, жига-аарим, сов-омо-оонмиса-аан!?

— Да-да-а! Да-да-а-жоо-он!..

Шамсиддин бўғзидан хўрсиниқ аралаш узилган аламангиз кичкириқ уста Жамшиддин юраги боғини киймалаб ўтди. Кўрпалай бошлаган соқолини аста фижимлар экан, болажони икки ўт ўртасида қолгани, баридан безгани, охир-оқибат тўлиб-тўлиб тугаёзганини якқол пайқади. Кўзлари чақчайган Пакана сомон тиқилган қопдек судраб кетганини кўрди-да, жони ҳалқумига тиқилиб, ўша ёққа ўқдек отилди. Аммо ниҳоят кулфни бўйсундирган давангир чаптастлик билан қўлтиридан тутди, олайганча бир силтагандики, шундоқ ҳам лўкиллаб оғриётган боши гурсиллаб деворга тегди. Сўнг кутилмаган тепкидан тор ўрага учиб тушди ва анча маҳалгача ўзини билмай юзтубан ётди.

Тавба, хаёлида рангто-ранг залворли нарсалар тўп-тўп қовжироқ хазон янглиғ чирпирак айланар, тизгини йўқ довулдек пайдар-пай гувиллар эди; ростдан ҳам бутун инон-ихтиёри ғойибдан узлуксиз эниб келаётган, аллатовур афсун билан тўйинган, недир умид ато қиладиган куч измида эди. Хаёлан бир зарб қилувдики, симон деворлар парчаланиб, рўпарасида ғаройиб олам гавдаланди; бу олам бир вақтлар қози Муҳаммад Валихон талғир туя минган Мўйсафидни учратган даштнинг ўзгинаси эди. Ним қизил уфққа туташиб кетган қир-адирлар, ўрмонлар ва ўнгириллар беҳудуд ва сокин бўлиб, фалақдан ёғилаётган тип-тиниқ шуълага кўмилган эди.

Уста Жамшиддин эс-хушини йивиб, истар-истамас кўзларини очаркан, қулоғига сувнинг бир маромдаги жонсизгина шилдираши чалинди. Тирсагига тираниб, инқиллай-синқиллай ўмганини симон полдан узди-да, худодан сабр тилади. Ҳозир чамаси яратган ҳам оху зорига бепарво эди. Хўш, нима қилсин, пешонасини манови қаттол устунга уриб ёрсинми ёки чангали билан кўксини шартта ёриб, минг аламда куйган юрагини суғуриб олсинми!? Шундай қилса озроқ енгил тортадим, ё раб!?

Уста Жамшиддин мийиғида истехзоли кулди, ахир,

наҳотки аросат бандасига айланиб бораётир!? Ноилож ёрилган кафтларини сирти шўшалаб кўпчиган деворга тиради, шўр аралаш нам томирларига туман каби сингиб-ўрнашиб бораётганини туйди-да, хўрсинганча хиёл ортга чекинди, охири, не қиларини билмай, сокин чайқалаётган кўлчани тўпигидан кечиб, нари-бери чўлп-чўлп юрди. Салдан кейин ҳалиги нажот бахш этувчи туйнук сари умтилди. Ёруғ дунёдан жилла қурса бир парчани раво кўргани учун тангри таолога яна бир карра шукрона айтди. Бўз рангдаги сокин осмон нурланиб, митти юлдузлари билан бирга, замин сари кўчаётгандек туюлди. Қулочини ёзиб фалакни кучмоқни орзу қилар экан, тасавури кўзгусида талғир туя минган Мўйсафид пайдо бўлди ва жимгина ҳалиги супада чўк тушди.

Уста Жамшиддин йилдан-да узун туюлган тунни шу аҳволда кечирди; аъзон бадани қакшаб, тикка қўйилган ғўладек сўррайган ҳолда мизғиди, баъзан хуррак тортишга ҳам улгурди, ҳатто лим-лим анҳорда қаторлашиб оққан китобларни, ер остини макон тугган Куръони каримни туш кўрди; олисдан неча бор Мўйсафид наъраси чалинди қулоғига...

Ниҳоят тонг отиб, элас-элас туйнук оқарганда шунақа карахт ва лоҳас эдики, танаси бор-йўқлигини ҳам, юраги тепиб-тепмаётганини ҳам тузукрок сезмасди. Фақат бўғзига нимадир суякдай кўндаланг қадалиб олганини сал-пал ҳис этарди. Унутиб юборишди чоғи, кун бўйи йўқлашмади. Эшикка термилиб чарчади, ахийри, аста-секин хира тортаётган нигоҳи орқали туйнукдан тўда-тўда булут босган осмон парчасини кузатишда ҳам маъно-мазмун қолмади. Энди ҳатто кимирлагани кўрқарди, ёпирай, ҳатто мулоҳаза юритиш чексиз азобдан иборат эди, сал тебранса минглаб игна товонидан тортиб то бўйнига қадар бирдан санчилгандек бўларди.

Баъзан хаёли Шамсиддин сари оради, тасаввурича, ўғли ҳам ақл бовар қилмас укубат домиди чор-ночор ингранаётир. Ҳайҳот, у ҳали нақадар хом — пишмаган, нозик ва мўрт, қандай дош беради Фаттоҳ Обидий ёки Пакана ўйлаб топган найрангларга? Қора калтак остида охири ниҳол каби букилмайдими? Йўқ ердаги ёлгон-яшиқ ваъдаларга лаққа учмайдими? Илойим, карами кенг аллоҳ сабр-бардош ва фахму фаросат берсин, акс ҳолда, бари тугайди, элу юрт олдида юзи шувит бўлади, шувит!..

Уста Жамшиддин куйишиб-ачишаётган сийнасини охиста укалай-укалай туйнукка термилди; бахонада орадан қанча вақт кечганини аниқламоқчи бўлди. Бунинг иложи йўқлигини англаб чимирилар экан, хўмрайиб боқаётган эшик кутилмаганда шарақлаб очилди. Кўзлари ўйноқлаган, билаклари йўғон-йўғон, бошлари тақир қирилган гумашталар апир-шапир ташқарига судрашди. Гира-шира ёритилган йўлак адовидаги сохту сумбати айрича эшикдан турткилаб киритишаркан, ивирсиган бўсағада кесакдай қотди.

Маҳобатли зални эслатадиган доирасимон бўлмада кўнгилни беҳузур қилувчи аққимтир бўй ўтириб қолганди; япалоқ гранит тошлар фарчланган кенгина сахн сирпанчик, ёлчитиб сувалмаган девор-шифт, ҳатто рутубат чулғаган куп-куруқ ҳаво кўнғир тусда бўлиб, икки-уч энли ёриқлардан қанақадир махлуқлар муралаб тургандек туюларди; бунда сими аллақайси нуқтага пинҳона уланган ўтирғични ҳам, қарийб бир газлик резина тўқмоқни ҳам, йўғонгина пўлат говронни ҳам, кўн арқону қамчини ҳам учратиш мумкин.

Айтиш ноўнғай, лекин айтмаса бўлмас: ўртароқда ёнма-ён ўрнатилган бир нечта нарвонсимон қурилма бошқача салобат касб этгандики, қолган барча буюм улар олдида сариқ чақага ҳам қимматдек туюларди.

Ҳавоси тобора овирлашаётган хонада зарғалдоқ тусли, этаги қайрилма узун халат, кўнжи калта кирза этик ва йўл-йўл чизиқли қалпоқ кийган кўса тахлит кимсалар тимискиланиб юришар, фақат имо-ишора билан сўйлашишар эди. Бу ерда чамаси Пакана ҳокими мутлақ бўлиб, ҳар бир хатти-ҳаракатни бошқарар ва барчага бирдек йўл-йўриқ кўрсатар эди. Ярамагур бир четда тўрсайганча савлат тўкиб турар, ҳар замонда чулдираб депсинар, ҳар сўзи оғзидан чиқар-чиқмас бекаму кўст бажарилар эди.

Яна таажжубли жойи, хонада ҳар сония имиллаб, ипдек эшилиб кечади, гўё Пакана вақт жиловини ушлаб олган-у, истаган пайтида бўшатади. Ана, кафтини кафтига ҳузур қилиб ишқалагач, қалин лаби четини чап томонга қарата бир ғалати учирувдики, хизмат аҳлидан бирови устозни ҳалиги қурилмада (ёпирай, қуриб кетгур нима эканки, турки бу қадар совуқ?) кўғирчоқдек буклаб ётқизди ва ўзи тепасида қозик мисоли қаққайди.

— Таксир, ачиган мияни оз-моз ишлатинг, — бир-

бир босиб яқин келди Пакана. — Бизга ану савил, сизга жон керак. Ўғилчани эслатиб ўтириш шартмас. Хали оз бўлса ҳам имконийиз бор!..

Чурқ этмай уста Жамшиддин афтини ўғирди ва ичида калима қайтарди. Адолат кўриқчиси саналмиш тангри таоло пешонасига иззатдан хориждаги ажални битган бўлса иложи қанча, тишини тишига қўйиб чидайди-да!

Ўликдай чўзилиб бемажол ётаркан, уста Жамшиддин кулган бўлди, хаёлида ногоҳ ранг-рўйи заъфарон Шамсиддин, сал ўтмай ҳафта мобайнида қадди букилиб, соч-соқоли бутунлай оқарган Собир Қамарий, яна аллакимлар гавдаланган дамда танасини симдек қаттиқ кано аркон ўради, сўнг ўзаро туташ мурватлар шигиллаб ишлай кетди-да, ҳужайралари бўйлаб гўё олов югурди, аниқроғи, юксак чўққидан лангиллаб турган маҳобатли аланган оташ ўртасига гупиллаб қулади. Лаҳза сайин зўрайган гулхан тафтида узок жиз-биз бўлди, чирсиллаб ёна-ёна, охири бир ховучгина кулга айланди...

Лоф эмас: уста Жамшиддин жаҳаннам оғзидан қайтди. Яхши ҳамки тангри қўлади ва ажал фариштаси шафқат қилди. Хушини ўнглаганда юраги темирчи босқонидек гупиллаб урарди. Анча муддат ҳатто кўзларини очолмади, ахийри очди-ю, рўпарасида йиғлагудек бўлиб турган мулла Ражабни, чаён чакқандек типирчилаётган Собир Қамарийни, назаридан ғусса ва нафрат ёғилаётган мулла Аҳмадни кўрди. Тили айланмай, аранг оҳ чекаркан, қароқлари ҳалка-ҳалка ёшга беланди.

Ногоҳ Пакана дўриллаган товуши билан хонани қамраган зилдек жимликни бузди, ҳатто дўлайганча олға босди-да, елкалари силкина бошлаган ва қизарган кўзларидан ёш тиркираган мулла Ражабни тепиб йиқитди. Шу заҳоти пиқир-пиқир қулаётган икки бақувват гу-машта шўрликни бошқа бир қурилмага юмалоқ-ёстиқ қилиб чалқанча ётқизди ва энли-энли қайишлар билан ўраб-чирмаб ташлади.

Пакана деворга қапиштириб қўйилган доскадаги юмалоқ тугмачалардан бирини босган ҳамоно, қалдираган товуш янграб, хона бор бўйи-залвори баробарида тўнтарилиб тушгандек бўлди ва устоз акаси ҳам ўзи каби дўзах оловида ёнаётганини бутун вужуди билан ҳис қилди. Навбат даф-даф учаётган Собир Қамарий билан мулла Аҳмадга етганда ўзини тутолмай

ошкора бўзлаворди, овозини кўйиб шунақа бўзладики, гўё қачондан бери дили тубида чўкиб ётган армон кўзғалиб кетган эди.

Орадан бир кун ўтгач, уста Жамшиддин ўша маҳобатли бўлмада тагин кўноқ бўлди, тагин Пакана та-шаббуси билан, ҳалиги падар қусур қурилмада жаҳаннам қаърига бориб келди. Шанғиллаб турган қулоғига гоҳо элас-элас гудранишлар чалинарди. Дўлдек ёғилаётган саволларга парво қилмас, эй, худо, бундан кўра бирйўла калламни узиб кўя қолишса-чи, дея шивирлар эди.

Уста Жамшиддин титрана-титрана Мўйсафидни эслаган чоғда кимдир темир говронни ишга солди. Шишинқираган бўйни аралаш елкасига теккан зарб туй-файли яна ҳушини йўқотди, яна зулмат сари лўкиллаб қолди. Қачондир сал-пал ўзини ўнглагач, илк кўргани оқланган девордаги мулойим кулаётган киши сурати бўлди, кейин нигоҳи қандил осилган шифтга кўчди, тўқ жигарранг парда, турли жиҳозлар бўйлаб сирғала-сирғала чарм қопланган оромкурсида ястанган Фаттоҳ Обидийда тўхтади.

Уста Жамшиддин ҳарчанд уринса ҳам безатилган ҳашамдор бўлмага қандай келиб қолганини эслолмади. Айни пайтда хаёлини турқ-таровати совуқ қурилмада чийралиб ётган оғалари қиёфасида акс этган даҳшат кўланкаси банд қилди. Бир хўрсинди-да, асал суртилган бўрсилдоқ кулча нон чайнаб, бемалол иссиқ чой хўплаётган, бурни учини реза-реза тер қоплаган Фаттоҳ Обидийга тикилди. Тумтароқ фикрларини бир нуқтада жамлаб, ундан ўғли аҳволини сўрамоқчи бўлди. Аммо эпллмади, тили ари чаққан каби гупдек шишган ва танглайига ёпишган эди.

— Амак, янгони қучоғида ётавриб тегманозуг бўп кетгон эконсиз-де, а? — иккинчи кулчага қалин қилиб асал сурта бошлади Фаттоҳ Обидий. — Намунча калтирайсиз?

Уста Жамшиддин мушт ўқталди...

Кўп нарсани кутган эса-да, буни кутмаган Фаттоҳ Обидий дабдурустдан пиёлани ташлаб юборганини билмай қолди, ҳатто чинқирганча отилиб турди. Босар-тусарини билмай Пакана пилдираб кирганда юмшоқ диванда оғзидан кўпиги келиб қалтираб ётар, ранг-рўйида катра қон йўқ эди.

Нима гаплигини англаган Пакана бароқ қошларини

чимирган кўйи олға ташланди. Саросар турган устоз тисарилди. Лекин ҳавода ўйноқлаган резина калтак зарбидан қутулиб қололмади. Ногаҳон қароқларидан ўт сачраб, шуурини қоронғилик босди. Хушини йиғиб олганда тагин қулоғига сув шилдираши чалинди, юраги нотинч тепар, боши лўқиллар, томоғи қақраб кетган эди. Энди худони ёдлаб, сокин ўлтиришдан бошқа чораси қолмади.

Уста Жамшиддин ҳалиги туйнук орқали бир парча осмонга назар солганча неча бор кунни кеч қилди, неча маротаба тонгни қаршилади. Нуқул хаёлида туфроқни паноҳ айлаган Куръони карим гавдаланади, баъзан девор ортидан нолиш эшитилади-да, чидолмай чимчилогини чайнайди ва тирноғи остидан қон сизади...

Бугун субҳидам палласи уста Жамшиддин талваса ичра нарвонсимон қурилмада чўзилиб ётарди, тепасида Пакана мамнун илжайиб турибди. Ноилож худодан эҳтимол минг биринчи бор сабр тилади ва сиз қистаб сўраётган нарса менда эмас маъносида бош тебратди. Сўнг яна таниш бўлиб қолган санчиқ хуружини туйиб ингранди, сал осуда тортган маҳалда қўлтиғидан тутганча судраб кетишди. Кўз ўнгидан ола-қуроқ манзаралар лип-лип ўтар ва шарпа каби йўқолар эди. Ҳаял орасида ўзини дид билан безатилган мухташам хонада кўрди...

— Ай-ай! Амакжон, Шамсивой нима деганини биласизме? — лабига хотиржам папирос кўндирди Фаттоҳ Обидий, тунов кунни рўй берган нохушликни ҳатто эслатмай. — Асқар бўлса бизани пешонамиздан битта-битта отармуш!

Баҳонада уста Жамшиддин суяги қотиб улгурмаган чироқёқари ўзидан ҳам офир аҳволда қон ютаётганини сезди ва ичи-ичидан зил кетди. Айни чоқда недир нурур юрагига мадор бағишлаб, кўкси тоғдек ўсди. Ҳайтовур барака топгур ён бермаган, оғзидан гулламаган кўринади, офаринки, зигирча жонида товчалик ирода ва сабру бардош жам экан-да. Илойим кўз тегмасин, охирига қадар тилини тийсин. Ҳалиги писандани эса, тангри номига қасамки, зап топиб айтибди. Юрагида ёли борлигини рўй-рост исботлабди. Агар милтиғи бўлсайди, аяб-нетиб ўтирмай, ўзи ҳам барини юмрондай битта-битта териб ташларди.

— Амакжон, ҳимм... Бир масала... Бугуннан эски

машмашани бир четта йиғиб-териб кўйсок, — тугуни кичик бўйинбоғини эрмакка тўғрилаб илжайди Фаттоҳ Обидий. — Майли, Қуръон ўзингизга сийлов бўла қолсин.

— Тавба қилдим-ей!..

— Хўш!? Ай-ай! Эрта кечроқ Оймаржон маҳалласида котта йиғин бўларкан, жамоат хузурида ваъз айтасиз. Маъкулме? Омадийиз човуб кетганини қаранг. Сизга тепа алойида ишонч билдирган.

Недир чигил тушди устоз кўнглига, ахир, кутилмаганда Фаттоҳ Обидий нечун бу қадар юмшаётир? Таажжубки, гуноҳини ювиши ва ўғли билан биргаликда уйига жўнавориши учун ажойиб имкон яратиб берилган эмиш-а! Муттаҳам бекорга бундай турланаётган эмас, бинобарин, бир балоси бўлмаса шудгорда қўйрук на қилур, деган эскилар. Қолаверса, қанақа йиғин эканки, келиб-келиб у ваъз айтиши керак — шуниси айниқса шубҳали туюлмоқда.

— Бу ишга ярамайман, — деди ниҳоят уста Жамшиддин, бир хулосада тўхтаб. — Иккиламчи, имоним комилки, ваъдада туришингиз гумон!

— Ай-ай! Жудоям ношукур одамсиз-де. Қуръонни-ку беришга кўнмаёпсиз, энди яна тихирликме? Дангал келишсок: сиздан нухотча хизмат, бизадан тоғдак вапо! Қалай, маъкулме?

Недир илинжда устоз бош ирғаган бўлди.

— Э-ҳей, борақансиз-у, садағайиз кетой, — Фаттоҳ Обидий илжайганча ғаладондан букланган варақ олиб узатди. — Химм... Мана, Шарип урпон ёзгон. Жа қотиргон. Баччағарни саводи зўр-де. Ҳижжалаб ўқиб чиқинг, иложи бўлса ёдласангиз...

— Оббо, худо беҳабар-ей, — деди уста Жамшиддин, қоғозга кўз югуртиргач. — Гумроҳ нимани бу қадар оёқ ости қилаётганини билармикин?

— Билганда-чи! Саводи зўр дедим-ку!..

— Бас, камина ўша йиғинда иштирок этмайман!..

Қалампирдек аччиқ нарса тикилди устоз бўғзига ва хаёлида беихтиёр Шариф урфон жонланди. Падар қусур муаллим замона зайлига берилгани тўғри, лекин шунчаликка боради деб сира ҳам ўйламаган эди. Ахир, қандай мажбурият юзасидан бунақа телба-тескари ва маза-матрасиз битик қоралади экан? Бу ўқилган пайтда не-не улуғлар гўрида тик туриши, не-не зотлар



арвоҳи чиркираб қолиши наҳотки дилидан кечмаган бўлса!? Кимда қасди бор, қайси машойих ёки сўфийда? Эҳтимол, Фаттоҳ Обидий қутқусига учиниб, мозийга кучини кўрсатиб қўймоқчидир. Мозий билан ўйнашиш оқибати ёмон бўлишини аттангки билмайди-да...

Уста Жамшиддин тўнини тескари кийди, унинг курукшаган бетиде чексиз нафрат ва надомат ифодасини кўрган Фаттоҳ Обидий бўзариб қолди. Бадбахт амакни охири букдим, деган ўйи чиппакка чиққани алам қилиб кетди. Аммо сир бой бермасликка уриниб, чап кўзини ярим юмганча бемалол оромкурсига чўкди-да, бурқиратиб папирос тутатди.

Сухбат боқий бўлганини англаган уста Жамшиддин назоратчи киргунча деворда осилган ўртабўй ва тепакал киши суратига тикилиб ўтирди. Шаксиз, нозир сукут сақлаганча фикрини ўзгартиришини кутаётганди, аммо у бошқа чурқ этмади. Тақасимон мўйлов қўйган новча назоратчи ортидан бўшашиб одимларкан, тобора бариси барбод бўлиб бораётганини, ўз ихтиёри билан охири бирдан-бир имкондан ҳам воз кечганини ўйлаб эзилар эди.

Уста Жамшиддин килкиллаб турган муздек лойқа сув нафасини туйган ҳамоно руҳи баттар чўкди. Энди ертўла жаҳаннамдан қолишмас даҳшатли ўпқонга айланган эди. Тун бўйи туйнук орқали бир парча осмонда жимирлаган юлдузларни кузатиб овунди, тонгга қадар бир сония мижжа қоқмади — бедор бўлди. Мабодо кўзларини юмса, шуурида жазирама сарғайтирган дашт ва уфқ ортидан талғир туясини йўрттириб келаётган Мўйсафид жонланар эди. Ногоҳ шунда дили бир қадар ёришар, бағрида бир умид уйғонар эди.

Уста Жамшиддин йилдан ҳам узунроқ туюлган кеча ўрнини тонгга бўшатиб берганини туйнук оқарганидан билди. Нордон нарса тикилиб олган бўғзига. Ёпирай, яна не ёзуқ бор пешонасида? Бугун ҳам ҳалиги қурилма қошига боришини ўйлаб қўнишди. Лекин кундуз ўтиб, яна оқшом келса-да, биров сўрамади. Навбатдаги тун бўёғи намунча қора, намунча? Вақтни тағин туйнук орқали фалак билан сирлашиб ўтказди. Фақат субҳидам арафасида тип-тикка мизғиб ғалати туш кўрди: Шамсиддин иккалови хувиллаган яйдоқ дарада тикланган, ёнида қўнқайган таёқда туғ бойланган тошқалов кулбада меҳмон эмиш, кулба тўрида тиззалаган соч-соқоли оппоқ

чол қандайдир китобни мутолаа қилармиш ва хира тортган кўзларидан дув-дув ёш тўкармиш!..

Ертўла эшиги очилиб аллакимлар кирди, суяк-суягигача сирқираётган уста Жамшиддин қилт этмади, сираси, тўпигидан сув кечиб, намлаган гумгурс деворга аранг суяниб турар, бирор шовурни сезмас эди. Том босгандек оғир қулоғига кимдир ниманидир шивирлади, қараса, дастлабки куни танишгани — қорақош йигит қўлтиғидан ушлаб олган, силтаб-силтаб ташқарига тортмоқда. Темир нарвончадан аранг кўтарилиб, сал нарида хитланиб турган Фаттоҳ Обидийни кўрди.

Бостириб чекаётган, кўзлари ўрасига чўккан нозир қиёфасида бурунги хайрихоҳликдан асар ҳам йўқ эди, қуруқшаб-оқарган лаблари асабийнамо қимтилган, нигоҳи чатнаб кетган эди. Лекин бу ҳолати узоқ чўзилмай бе-озор жилмайди, шунинг баробарида, мамнун бош ирғаб устозни изидан эргаштирди. Кўпдан бери ювилмаган зинадан қайси бир қаватга кўтарилиб, олди очиқ айвонга ўтишар экан, афсусли оҳангда енгил хўрсинди.

— Ай-ай! Қуриб кетсин-а, лайлак қор ёғопти, — гулдиради ниҳоят олисларга тикилиб. — Хали бўрон қутирмаса!..

Изғирин уста Жамшиддин баданига нина санчади.

— Сиз бола пайтизда ҳеч қорбўрон ўйновмидийиз? Мен роса тинмасвой эдим-да. Шу-шу... Ановинақа сатин чопоним бўлармиди-ей. Пахтаси қалингина эди-да ўзиям. Сал чопсам қизиб, ешиб ташардим-де!

Изғирин-шамол зўрайди, бурчақда паналаганига қарамай уста Жамшиддин дағ-дағ учар, худо ёрлақаб қуёш чиқиб кетсайкан деган ўйга борар, оппоқ қипиқлар урилаётган кўзларига хотини Ойдинбиби ланғиллатиб ўт қўядиган тандир, ундан дастаси узун ҳокандозда олинадиган лағча-лағча чўғ ва тезда гупиллаб исийдиган сандал кўринар эди.

Уста Жамшиддин синиқ кулди, дилидан кечаётган фикрларни Фаттоҳ Обидий илғаган бўлса керакки, еру кўкни қиздириб чарчамайдиган ёзни эслади, уч ойлик жазирама иссиқ бир йилга етадиган ризқу рўзни пиширишини қайд этгач, беихтиёр қўли билан қуйига ишора берди.

Тишлари такирлай бошлаган уста Жамшиддин ҳовли шимолида қовланган анча чуқур ҳовузга тикилди, сўнг девори тошқалов ҳовуз ўртасида, бир нечта симон

устун орқали бирлашган куббада муаллақ осилган ва сирти ёғлангандай кизғимтир бўчкадан нигоҳ узолмай қолди. Шу асно бақувват темир халқалардан осилиб тушган йўғон арконда бели-қўлтиғи аралаш ўраб-чирмаб боғланган, ияги кўксига тиралган йигитчани илғади. Бирдан уни ўғлига ўхшатди-да, ҳуши бошидан учди, гўё илкис жон риштаси узилиб, еру кўк чирпирак бўлиб кетди..

— Қанақа бандасиз? Майиб қиласиз-ку!

— Лаб-бў-ўй!?

— Хароб қиласиз болани!..

— Ай-ай! Хавотир ортиқча! — истар-истамас ҳомуза тортди Фаттоҳ Обидий. — Чиниксин-де. Нима, чиникса ямонме? Парқига борунг, амак!..

— Сизни илоё гўдаккина уволи тутсин!..

Фаттоҳ Обидий шунчаки мийиғида кулди, сўнг баҳайбат бўчка жумрагидан яланг бўйни ва елкасига чирт-чирт томчилар томаётган Шамсиддин сари мамнун қўл силкиди: аҳвол қалай, жигарим?

Уста Жамшиддин не қилари, не деярини билмай чор-ночор бўғилиб турар, ич-ичи омбир билан бураёт-гандек ачишиб оғрир, оху зори тангри қулоғига етиб бормаётганидан армонда эди. Шу лахза кўзларига мил тортилса мингдан-минг рози эди, тириклай етти қават ер остига кириб кетса ҳам майли эди. Аммо ундай бўлмади, ҳамон изғирин-шамол ёпирилаётган айвонда тик қотганча дилбанди аҳволини кўриб-билиб турар, хайхотки, унга ёрдам қўлини чўзгани ожизу нотавон эди.

Уста Жамшиддин қуриган қовун терисидай пешонаси тиришган Пакана турткисидан мункиб йиқилаёзди. Пакана изидан судралганча қуйига энаркан, хаёли Шамсиддинда эди. Аллақачон бошпанасидай бўлиб қолган ертўла кунжагида ўрнашгач, елкалари силкина-силкина бўзлаб юборди.

Ким билсии — қачон, қоқ сахармиди ёки тонг арафаси, пачоқ тунука косада чириб-битган сўк ва жавдардан тайёрланган, номига ачиган караму картош-ка қўшилган бўтқа беришди, тақдиридан нолиганча туйнук орқали юлдузлари сўнган фалакка термилаётган устоз томоғидан лукма ўтмади. Лойқа сув босган саҳн ўртасида, қарахт қўлларини кўксида қовуштирганча тик қотаркан, яратган эгамдан ўзи ва ўғлига қайта-қайта тўзим, қайта-қайта омонлик тилади, тиларкан, шуурини

недир иштибоҳ чулғади. Ахир, эрта-кеч ўлиб-тирилиб арши аълога юкунади, бундан ҳалигача бирон самара бўлмади, аксинча, анови бандалар тутган қаҳр камчиси бадтар ўйнаётир бошларида...

Шу алфозда қанча вақт кечди, курраи арз, бинобарин, сахар узра қай хил булутлар сузди — беҳабар қолди. Эрталаб темир эшик оғир шарақлаб очиларкан, юраги шиф этди-да, узун кигиз шинели олдини елвагай қўйган қорақош йигитдан ўғлини сўради. Ҳар қандай нарсадан бурчини устун қўядиган назоратчи сукут билан жавоб берди, билдики, ҳалигача ҳеч нарса ўзгармаган, хануз кўз қароғи ўша жойда — бир аҳволда беун ингранаётир: йўғон қаноп арқон бели аралаш қўлтиғидан ўтказилиб, тепадаги кўндаланг тўсинга чандиб боғланган, арқон совуқ кўкартирган баданига чиппа ботган, бўчка жумрагидан сизаётган томчилар бир маромда яғринига ширт-ширт урилаётир!

Қорақош йигит одатдагидек тўрсайиб, соқов каби ими-жим одимларди, ланг очиқ эшик биқинида тўхтаб, ташқарига ишора бераркан, узун-узун панжалари билан тикрайган кулоқлари ортини қитирлатиб қашлаб кўйди.

Ажабланган ҳолда уста Жамшиддин ҳовли сари юрди ва қиличини қайраб келаётган қиш нафасини туйди. Чиндан ҳам шамол шашти баланд: ҳазонларни чирпирак қилиб ўйнар, дарахт шохларини букиб, том гирдиларини кўпоргудек чийиллар эди.

Совуққа чидами йўқ шекилли, назоратчи бир жойда бетоқат депсинар, кафтларини куҳ-куҳлаб иситар, гоҳо аламдан чиқмокчи бўлгандек, нигоҳини устозга наштар каби санчар эди. Салдан кейин шамол тиниб, қор учқунлай бошлади ва оламини мислсиз оғир сукунат босди.

Не ажабки, аллатовур ваҳима уйғотадиган сукунат аро элас-элас биргина товуш эшитиларди: қўш қанотли бино ортидан томчилар нидо бераётар. Мунчоқдек митти-митти томчилар жумрак лабидан товлана-товлана оҳиста узилиб, адашмай-нетмай, бир маромдаги тезликда устоз юрагига томаётир, ҳей, дариг!..

— Ўғ-ли-и-имм!..

Аламда қоврилиб, сим-сим эзилаётган отанинг дили тубидан отилиб чиққан нидо кутилмаганда гумбирлаб, еру само оралиғида акс-садо берди, шунда гўё борлиқ-олам қоқ иккига айрилди-да, фақат бир-бирига туташиб

кетган катта-кичик иморатлар эмас, улугвор тоғлар ҳам бир силкиниб олди.

Мана шу паллада тобуткаши баралла жавоб қайтариши ёки келиб кучоғига ташланишини жуда-жуда истаётган эди. Аммо ҳозир у ўлгани-қолганидан хабар берадиган аҳволда эмасди, аъзои бадани карахт бўлиб, кимирлаши маҳол эди; фақат мияси бир бурчини, не кечди экан меҳрибоним ҳоли, деган фикр элас-элас ёритиб турар ва сабр қилишга ундар эди.

Салдан кейин ўғлон хаёли қиёмга кўтарилган қуёш қовжиратиб ташлаган сахро томон учди, талғир туяда йўртиб келаётган Мўйсафидни кўрди-да, ногоҳ исий бошлади ва танасидан ёзги тонг шуъласидай ҳарир шарпа ажралиб чиқди. Фаришта тимсолида бўлган шарпа дарахтлар орасидан илгарилаб, хиёл оқарган симон йўлакка тушиб олди, лекин уни ҳеч ким кўрмади.

Ҳалиги шағал тўкилган майдончада кутиб турган кўнғизнусха машина сирпанчиқ йўл бўйлаб жилди; темир дарвоза панасида дилдираган кўйи пайт пойлаётган шарпа ҳам аланглаб жадал олға босди, сўнг оёғи ерга тегмай югургилаб кетди, бора-бора фалакнинг олисдан-олис буржларидан капалаклар каби пирпираб тушаётган оппоқ заррачаларга ўралди ва тобора қуюқлашаётган коронғилик қаърига сингиди...

## XI

Изғирин супураётган чоркунжак майдонча одатдагидан гавжум бўлиб, электр чироқлари билан ёритилган, ҳатто тумшуғида байроқча кўндирилган кўнғизнусха улов бир эмас, бир нечта эди. Кўчани эса мўру малахдек одам босганди: турли ёшдаги ковоғи солиқ эркаклар ва паранжи-чачвон ёпинган хотин-халаж бир-бирларини турта-сурта қаёққадир шошилишмоқда.

Дарвоза олдида, қоровуллар қуршовида турган Фаттоҳ Обидий лаб-лунжини йиғиштиролмаё кулаётган Паканага нимадир деб ҳазил отар, гоҳо ўзи ҳам қўшилиб илжаяр, гира-шира қоронғиликда нигоҳи сирли йилтирар эди. Бугун нозир қадди-бастида айрича виқор намоён эдики, қорақош йиғит кузатувида хушламай одимлаётган уста Жамшиддин буни яққол пайқади. Нозир билан қуюқ саломлашган назоратчи ўрталиқда қантарувли турган, биқинига ёзувли алвон мато ёпишти-

рилган юк машинасига ишора берди. Бир зум тараддуд чеккан устоз бир амаллаб баланд тўсиндан кўтарилди. Ёспирай, не кўз билан кўрсинки, тап-такир кузовда кадрдон биродарлари бир-бирларига елка тираганча кўнишиб, тишлари такирлаб ўтиришарди. Ростини айтганда, дафъатан уларни танимади, танигач, дарди-дунёси зим-зиё бўлиб кетди. Шўрликлар шу қадар тўкилган ва шу даражада ғамгин эдиларки, аллақачон тириклик дунёсига бутунлай этак силкишгани англашилар эди.

— Ассалому алайкўм, оғажон! — деди афту боши моматалоқ Собир Қамарий, ҳаммадан бурун сергак тортиб. — Шукур, соғ-омон экансиз!

— Ҳа, шукур... Тангри муруввати, — дудукланди устоз, сийнаси алланечук ачишиб. — Охири бахайр бўлсин.

— Жамшиддин, жигарим, сенки тезроқ ақлу ҳушингни йиғмас экансан, охири бахайр бўлиши гумон! — кутилмаганда ташланиб қолди мулла Ражаб, носқовоқ каби шишган ва кўкарган бурнини аста силаб. — Бас, топиб бер ўша савилни! Зомин бўлма шунча одам жонига!

— Ака, сезгандирсиз, ниятлари бузуқ, — бўшашган кўйи тиз чўқди уста Жамшиддин. — Увол қилишади. Аяшмайди. Нима деган одам бўлдим шунга йўл қўйиб берсам!

— Бошқа иложингиз йўқ, биродар — минғирлади уста Курбон.

— Сиз нима дейсиз, шоир? — лабларини қимтиганча сўради уста Жамшиддин. — Сиз-чи, муғанний укам?

— Оғажон, ихтиёр ўзингизда, қўнглингиз нимани буюрса шуни қилинг, — Собир Қамарий мулла Аҳмад билан кўз уриштирди. — Биз ҳам охиригача сиз билан бўламыз!

— Ишонаман, акангиз ҳам пайти етиб бизни тушунсалар керак, — деди қатъий мулла Аҳмад. — Тангри шоҳидки, Куръон ҳаммамиз учун бирдек кадрли!..

Биродарлар баҳсни якунлаб, сукутга толган пайтда карнай орқали таҳдидли буйруқ янгради. Фаттоҳ Обидий билан Пакана минган махсус улов ортидан юк машинаси гуриллаб жилди; орқадан ҳам кўриқчи гумашталар елиб келарда. Кичик карвон Регистонга яқинлашганда қичаб ёғаётган қор пича сусайди, ҳаял ўтиб хатто бутунлай тинчиди, осмон супрасининг каттагина қисми ола-байдоқ очилди-ю, ҳаво захри кучайди.

Кумушдек юпқагина қор кўрпаси остида қолган юпун шаҳар норози қиёфада дилдираётгани англашилади. Оромини йўқотган неча-неча кишилар эса ҳали яхлаб улгурмаган кўчаларни тўлдириб юборгани тааж-жубга молик эди. Бақириб-чақириб илгари босаётган оломон орасида пўрим кийинган басавлат отлиқлар, қари-қартангни миндирган қўқон аравалар, ҳатто юпун кийинган озгин болақайлар кўзга ташланади.

Изғирин захри жон-жонидан ўтган ёш-ялангнинг туссиз афту ангориға тикиларкан, уста Жамшиддин беихтиёр яна Шамсиддинни эслади ва бахайбат бўчка жумрагидан сизаётган томчилар залворини теран ҳис этди. Муздек совуқ томчилар ҳамон гўё безовта тепаётган юрагига зарб билан келиб урилар, аъзои баданини қакшатиб ўтар эди.

Айни пайтда бир хил ўкиниб, ақл бовар қилмас тўс-тўполонни кузатганча, тақдирнинг яна бирон айрича савдосига рўпара бўлиши мумкинлигини чамалаб борарди. Шовдираб тўкилаёзган шалоқ машина билчиллаган лойга ботиб, кучана-кучана илгарилагани сайин диққати ошар, ижирғанар ва муштани тугар эди.

Гоҳо тиззаларини қучиб олган мулла Ражабга надомат билан тикилар, акаси шу қадар мўрт эканлигини ўйлар, ич-ичини ачиниш ҳисси қамрар эди. Ахир, умр ўткинчи, демак, азоб ва қўрқув ҳам ўткинчидир, шундай экан, озгина сабр қилса, бариси ортда қолади ва иншооллоҳ юзи ёруғ бўлади. Омонат омиллар қошида ҳуда-беҳуда саросимаға тушиш ва букилиш охиратни барбод қилиш билан тенгдир. Мана энди имони комилки, вақтида, ўғлим, билим ва ҳунар эгаллаганинг яхши, аммо билганинг ва топганингни ўрнида харж айласанг яна ҳам маъкулроқдир, дея ўғит қилган раҳматли падари нақадар ҳақ экан!..

Регистонни ёнлаб ўтишаётган чоғда уста Жамшиддин оломон оқими тагин ҳам зичлашгани, тартибсизлик ва шовқин-сурон кучайганини пайқади. Сўнг кўрғошин тусли фалакка елка тираган миноралар сари нигоҳ юборди-да, недир армон, недир фахр оламиға шўнғиди. Беихтиёр кўкси оғир-оғир кўтарилиб тушди ва мижжалари намланди.

Ахир, билдириб-билдирмай кечган умрининг не-не ғуссалари ва қувончлари ушбу кадрдон майдоннинг ҳар бир қаричида туфроқ каби сочилиб ётганини нутиши

осонмас. Суяги азалдан шахар зийнати бўлган обидалар кўйнида қотганини, ранглар нималигини бунда мавжуд нақшлар воситасида теранроқ англаганини худо ҳам, банда ҳам билади. Падари бузруквори ҳомийлиги остида вақти ва имконини елга совурмади, шукур, бу жиҳатдан кўнгли тўқ!..

Оломон пайдо қилган тикинни эҳтиёткорона ёриб бораётган машина нимадандир аразлаган ёки кўп юриб толиққан каби майдон муюлишида пат-патлаб ўчди, кетмоннусха қалпоқ кийган малласоч ҳайдовчи баралла сўкингани эшитилди, сўнг у капотни очиб роса куйинди, лекин натижа бўлмади, оқибат Оймаржон маҳалласигача қолган ярим чақиримдан зиёдроқ масофани пиёда босиб ўтишга тўғри келди.

Мулла Аҳмад билан Собир Қамарий ўртасида сукут сақлаб одимлаётган уста Жамшиддин ҳангу манг: доим осуда ҳаёт кечириб келган маҳалла ушбу дамда бутунлай жунбишда — гўё таг-заминида минг йиллардан бери мудраб ётган вулқон бир баҳонада тўсатдан уйғонган-у, жамики тириклик нишонларини бир ҳамлада ютиб юборган ва барчани ваҳима гирдобига улоқтирган, ҳей, даринг!..

Таниш манзаралар намоён бўлган заҳоти уста Жамшиддин тўкилгудек бир ҳолга тушди, беун бўзлай бошлаган Собир Қамарий елкасига аста кўл ташлаб ғудранди: сабр берсин сизга. Сўнг бир қадам олға босди-да, ён-веридаги шериклари орасида алоҳида маҳобат билан қад ростлаган кўш ошёнали фиштин иморатдан нигоҳ узолмай қолди. Ногоҳ кўз ўнгида шу бинода жойлашган муаззам кутубхона гавдаланди ва негадир юраги чучмал тортди. Кўксини чангаллаб олган мулла Аҳмад ноласини эшитиб, бир хил энтикди-да, аста уни бўйнидан қучди, сўнг қадду қоматлари букилган уста Қурбон, уста Мирсаид ва мулла Ражабга ҳамдардлик билан боқди.

— Дадил бўлинг. Бари ўтур худо хоҳласа!

Уста Жамшиддин овози мунгли янгради, худди шу мунг Собир Қамарийни уйқудан уйғотгандек бўлди, дили тубида недир умид ниш урди-да, тишлари орасидан шивирлади: оғам, Мўйсафид билан отам гўрларида тик турсалар керак, ахир, булар сизу биз билган Сўзни букмоқ пайида!

Ҳар доимгидек қулоқлари динг Пакана афтидан Собир Қамарий арзу холини эшитди, ўзича ниманидир



тушуниб, шоир лаб-лунжига мушт урди, тишлари сингани ва оғзи қонга тўлгани билан заррача қизикмай, уни қаёққадир судраб кетди. Шу орада тўс-тўполон авжига миниб, мулла Ражаб билан мулла Аҳмад ҳам, уста Қурбон билан уста Мирсаид ҳам кўринмай қолишди. Ҳар ҳолда улар алоҳида таъқиб остига олингани аниқ эди...

Уста Жамшиддин падари уста Фазлиддин билан қози Муҳаммад Валихон ораларидан қил ўтмас ошна бўлишгани, ўрни келганда бир бурда нонни бўлиб ейишгани, яхши-ёмон кунларда бир-бирларини суяшганини ўйлаб кетди.

Қози Муҳаммад Валихон мана шу ҳовли-жойни алоҳида ихлос билан бунёд этгани, бу борада бор-йўғини аямай сарфлагани сир эмас. Ҳовли-жойнинг анча-мунча мураккаб тарҳи музофотда таниқли моҳир муҳандис-меъморлар иштирокида чизилганди. Муҳими, тарҳни пишитиш учун падари астойдил жон куйдирган, жиддий тузатишлар билан бойитган ва шундан кейингина енг шимариб амалга киришган эди. Овозаси бутун шаҳарни тутган қурилиш роппа-роса уч йил чўзилди. Ана шу вақт мобайнида падари жамики ҳунарини сафарбар этиб, тангри назари теккан салоҳиятли зот эканлигини исботлади, алҳол, ичкари ва ташқари деворларда беҳад нафис ўймакорий безаклар адо қилдики, ҳамон улар дилларда ажиб орзиқиш уйғотади.

Ўша кезлар у ҳали бўй етиб улгурмаган, Шамсиддин каби эндигина мўйлаби сабзалаган тажрибасиз ўсмир йигит эди. Ганч ёки ёғоч ўймакорлиги, кошинбуруш ва уни қўллаш сирларидан тўласинча воқиф эмасди. Шунга қарамай, тиришиб-тирмашиб валинеъматига камарбаста бўлди, муҳим жабҳаларда елиб-югуриб, охири қўлини ўнгладики, буни эсласа ҳануз севинади.

Фақат ҳозир нечундир аввалгидек шодлик туймади, кошинкорий пештоқ ва буржларни жимгина кузатаркан, ҳатто кўнгли нуссага тўлди, ахир, улуғ зотлар нафаси теккан жозиба узра надомат булутлари юзаётганини наҳотки сезмасан!?

Сўнг уста Жамшиддин ислимий-хандасавий нақшлар ўйилган дарвоза ланг очиб қўйилгани, икки биқинда алвон матолар ёпилган узун-узун устоллар ўрнатилганига эътибор берди; махсус устунларга дордек тортилган симларга илинган ва чор атрофни кундузгидек ёрит-

ган сонсиз фонусу машғалалар нигоҳини толиқтирди ва беихтиёр тавба айтди. Кўзлари йилт-йилт ёнаётган Фаттоҳ Обидий, башараси кўпчиган ва пишқириб нафас олаётган Пакана бесаранжом издиҳомга виқор билан тикилиб турарди; гоҳ улар сирли йўсинда шивирлашиб, ниманидир муҳокама этишар, сўнг беихтиёр гавдаларини орқага ташлаганча қаҳқаҳа отишар эди.

Шаҳар катта-кичик кўчалари бўйлаб мўру малахдек ёпирилиб келган оломоннинг бир қисми иморат олдидаги майдонни ҳалқа солиб ўраган, бир қисми лойсувоқ томларни эгаллаган, яна бир қисми дарахтларга тирмашиб чиққан, алқисса, танишу нотанишлар зимистон совуқда гуж-гуж қалтираб туришар, чехраларида ҳайрат ва таҳлика акс этган эди. Бирон-бир банда охирлаб бораётган кузнинг қор-қировли кунда нима учун тўплангани ва олдинда қандай ҳодиса кутаётганини аниқ билмасди.

Фақат рўпарада ястанган энқаймиш жойда қўнқайган маҳобатли хирмонга қарай-қарай кимдир астагина оҳ чекар, кимдир чимирилиб бош тебратар, кимдир юрак ҳовучлаб шивирлар, кимдир сарғайган тишларини ғичирлатиб депсинар, кимдир бўйин томирларини ўқлоғидек бўрттирганча кўкка мушт дўлғар, кимдир овози борича дўриллаб сўкинар эди.

Бир пайт ўпкасини қўлтиқлаган Пакана уста Жамшиддин сари лапанглаб келди, унинг чорлови билан устоз истар-истамас ланг очиқ дарвоза томон борди ва издиҳомни афсус-надоматга кўмган, бутун туриш-турмушида мискинлик акс этган хирмонни кўрди, бир муддат тош қотгач, хўрсинганча кўзларини юмиб-очди, аммо манзара ўзгармади: не савдоки, рўпарасида фонус ва машғалалар шуъласида зарҳаллари сокин товланаётган беҳисоб жилд тоғдек уйилганди. Олам хирожига тенг мажмуаларнинг салмоқли бўлаги қози Муҳаммад Валихон қироатхонасига тегишли эканлигини сезди, қолгани бошқа хонадонлар мулки бўлса керак. Юраги эзилиб, ғазаби қўзиб турганда дарвозадан терлаб-пишган, нафаси тикилган Шариф урфон зилдек оғир халта опичлаб чиқди. Ҳаял ўтмай муаллим изида турнақатор гумашталар кўринди. Ҳайҳотки, улар ҳам йирик-йирик бойламлар остида букилгудек ҳолда инқиллаб одимлашар, қиёфаларидан адо этилаётган юмушдан мамнун эканликлари англашилар эди.

Энди уста Жамшиддин оёқ устида ухлаб босрика-ётгандек бир аҳволда эди. Бари аввали-охири йўқ тушга, ақлу идрок мувозанатини чил-парчин айлагувчи рўёга ўхшарди. Сўнг телба шамол супураётган энкаймишда сон-саноксиз куллиёт эмас, дил гавҳари бўлмиш Сўз инграниб ётгандек туюлди.

Ичи тирналаётган уста Жамшиддин энтикканча худди шу фикрга келди, айни пайтда бағри пора-пора бўлган ва унсиз бўзлаётган Сўз бир ёнида Қалам, бир ёнида Қонуни муборак жойлашганини эътироф этиб яна бўшашди, ахийри, кўксини ушлаб гандираклаб кетди, яхши ҳамки кимдир суяб қолди.

Халоскори пойлоқчи тозиларга чап берган, лаблари гезарган мулла Аҳмад эди; ҳар ҳолда у иккиланмай, тетик ва хушёр йўрғалай келиб қўлтиғидан тутганда руҳи кўтарилди. Салдан кейин Собир Қамарий ҳам титрана-титрана пинжига суқилди; шоир хўнграб юборишдан ўзини аранг тийиб турар, кутилмаган маросим отамерос бойлигидан жудо қилажанини, яна устига, шундоқ ҳовлиси ёнида бўлаётгани ва бутун шаҳар аҳлини жазавага солаётганини ақлига сиғдиролмаётган эди...

— Ўх-хўў, Аҳмад ҳопуз, сов-омонмисиз? — ён тарафдан товуш берди Шариф урфон. — Яхши-яхши. Қаранг, анави сиз сайратиб юрган қонун эмасми? Нега индамайсиз, ўшами?

— Худойим бор-ку! — аранг гудранди мулла Аҳмад.

Тозидек хушёр ва олғир назоратчилар томоқларини йиртгудек алфозда ҳай-ҳайлашганига қарамай, уста Жамшиддин бир силтаниб қуршовдан узилди. Шу заҳоти недир куч анчайин карахт вужудини оҳанрабодек тартаётганини ҳис этди-да, шахдам қадамлар билан олға босди, босаркан, қалаша-қалаша хирмон пайдо қилган китоблар орасида мунғайиб турган чолғуни илғади, чамаси, чолғу ҳам уни кўриб таниди ва астагина нола чекди.

Бу ўша — қадимдан қадим замонда Қалам меҳру муҳаббатини қозонган, Қаламга журъат ва қатъият, илҳом ва шуҳрат ато қилган Қонуни муборак эди.

Фақат ҳозир у фавкулодий саросима оғушида: аввалгидек нозик пардаларини иштиёқ ва ихлос билан созлай-созлай ошиқона ва орифона куйлайдиган — қартайган дунёйи дунни ёшартирадиган ва дилларни поклайдиган

аҳволда эмас, ҳозир юрагида ажаб бир тугун тугилган, дарди-ҳолига яраша — ўзи каби абгор ҳам мотамсаро Сўзни бағрига босган кўйи ҳолсизгина бўзлаётир, бинобарин, эзгин тил билан худбинлик ҳаргиз умидвор яшайдиган одамзод оёғига урилган болта эканлигини изҳор этаётир!..

Лолу чирён ўйга чўмган уста Жамшиддинни кимдир дарвоза сари судради...

— Эҳ-хе, устози калон! Ие, шаир! Ўзларими? Қадамларига ҳасанот! Кўп маъқул иш қипсизлар келиб, ахир, бу маърака аввало сизларники!..

— Маъраканг билан қўшмозор бўл-е!..

— Оббо, тақсир, шунақа кунда одамни жеркимангда, — бошқача эшилди Шариф урфон, устоз қўлтиғидан ушлаб. — Манови оғаларга ўхшаб... Ҳалиги... Ану ерда кўникиб кетгандирсиз, а?

— Бўлмасам-чи!..

— Бу ёқда рўзгорингиз бут, хавотир қилманг, ўзим кун ора хабар олиб туришпан. Янгаойим эсли аёл-да. Бир ишорам билан барини тушунди-я. Ҳадемай бағри тўлиб қолишини айтувдим, шунақа қувондики!..

— Борингга шукур, ука.

— Янгаойим шу ерда, локигин ҳозирча сизга кўринмай тургани тузук, — секин ён-верига аланглаб шивирлади муаллим. — Дангалига ўтсам... бугун ваъз айтишингиз керак. Рози бўла қолинг, бунақа омад ҳар кимга ҳам насиб этмайди-я!

Уста Жамшиддин ичи ёнғудек ҳолда фикрини: Фаттоҳ Обидий сира тинчлик бермайди, итдан ҳам, битдан ҳам айғоқчи ясаб изида қўйгани-қўйган, нобакор йўлини топиб охир-оқибат ногорасига ўйнатмоқчи-да. Бу ўндан тўққизни урган доғулига қолса, бутун шаҳар хазон каби пойида тўшалса! Балоба учрагур-ей! Ҳали Шариф урфон думини ликиллатиб, Ойдинбиби номини тилга олди, наҳотки шўрлик завжаи ҳалолини ҳам ҳибс қилишган?

Худди шу он майдон узра мўйнали пальтога ўраниб, барра телпак кийиб олган Пакана овози гулдиради. Кўпириб-тошаётган издиҳом тинчигач, аллакимларни исму шарифларини айта-айта ҳайъатга чорлади. Аломат либослари ва савлатларидан мансабдор эканлиги сезилиб турган, тухумдек силлиқ бетларида айрича такаллуф акс этган меҳмонлар обрўли ўринларни эгаллашди. Ҳамон

қон-зардоб ютаётган уста Жамшиддин уларни зимдан бегонасираб кузатди, аммо жойидан жилмади. Шунда қаёқдандир ҳозир бўлган қорақош йигит билагидан ушлаб тортиди-да, иккинчи қаторда, узун-омонат ўтирғич ўртароғида жойлаштирди; ўнгу сўлида ҳорғин бетларида норозилик акс этган мулла Аҳмад, Собир Қамарий, мулла Ражаб, уста Қурбон ва уста Мирсаид кўнишди. Энг кейинги учинчи қаторда уста Ризо ва билагига алвон латта боғлаган ўсмир йигитлар, жумладан, юз-кўзи пориллаб ёнаётган Иброҳим ўрнашди. Фақат негадир Шариф урфон ўтирмади, чуғурчуқ мисоли чувиллаётган оломон пешида одоб билан қўл боғлаб, хайъатга нигоҳ қадаб турди.

Алвон мато ёпилган устол ёнида Пакана роз турар, истехзоли нигоҳини фуқародан узмай, ҳузур қилиб илжайар эди. Ахийри, Фаттоҳ Обидий билан кўз уриш-тирғач, фахр-ифтихор хиссига тўла овозда барчани қутлади. Хуфия маҳкаманинг пихини ёрган вакили бўйнини жўжаҳўроздек чўзиб бидирларди. Оғзидан узилган ҳар бир калом шаҳар фитна уяси бўлиб қолганига ишора эди.

Фитна кечаги кун йўриқларини дастур билган газандалар тарафидан уюштирилаётгани беш қўлдек маълум, лекин дангали, белларини маҳкам боғлаган азаматлар токи ҳушёр экан, ўша ғаламис-каззоблар ҳеч қачон мудҳиш ниятларига етишолмайди. Тириклик дунёси ғилдирагини таназзул жари ёқасига келтириб қўйган, ҳамон отдан тушмаган, лекин талваса ичра сўнгги нафасини ютаётган жаҳолатнинг оёқ-қўлига бугун ё эрта бутунлай адолат кишани урилади, тамом-вассалом.

Пакана асл ниятига нозик ишоралар бериб, кесатик аралаш айтган нутқ деярли барчани ром қилди, ҳатто уста Жамшиддин ҳам гумашта чечанлигига қойил қолди, айни пайтда юраги наштар санчилган каби санча бошлади. Пакана даъвати билан минбар сари Фаттоҳ Обидий йўрғалар экан, таъби яна ҳам бузилди, ахир, бунақа вақтда бу банда ҳам бемалол қариллаши ва аравани қуруқ обқочиши аниқ-да. Онаси гапга тўн кийгизиш учун тукқан бўлса керак. Лекин у шошилмади, издиҳом диққатини тортиб, қора чарм папкасидан қандайдир китоб олди ва уни боши узра кўтарди.

— Ай-ай! Манови Қуръонни укаси эмиш! — Фаттоҳ Обидий хайъат сари ўғирилди. — Тўғрими, амак. Сиз яхшироқ биласиз.

Аллақачон Ҳикмат девонини таниган уста Жамшиддин жойида муз қотди, ёпирай, аввал Мўйсафид, кейин қози Муҳаммад Валихон умр бўйи ардоқлаган жавоҳир қаёқдан тушиб қолди унинг ифлос илкига? Бирдан эслаб, руҳи чўкди: амри маъруф куни каллани салладан фарқламайдиган гунаҳталари билан Собир Қамарий хонадонига қуюндек ёпирилиб келмовдими? Ушанда каловланиб қолган шоирдан тортиб олган экан-да!..

— Ай-ай! Яхшилар, ашу... эрта амак аттанг қилади, негаки, амак ғаним тамонида. Сабабини ўзи айтсин, — бир оз қизишиб давом этди Фаттоҳ Обидий. — Увол билан кўркутмоқчи бизани. Анойимиз-да. Билмаски, энди Қўрьон дегони бирон лўттивоз ёки бекорчигаям кераги йўқ. Энди у ортиқча даҳмаза, холос! — Хайъатни эгаллаб ўтирган басавлат каслар шундоқ маъносида баравар бош ирғашди. — Амакка ачинамуз, бечора телбо бўгон, восвос дардига муфтало! Майли, бермасин, биз барибир ер остидан бўлсаям товамиз. Гўггурт ва гулихон ҳар доим таййяр!..

Бутун издиҳом сукутга чўмганди.

Хайъатда эса қарсақбозлик бўлиб кетди...

Уста Жамшиддин кутган ҳодиса рўй берди: Фаттоҳ Обидий шунчалар ошиб-тошдики, ҳаво анча совуқлигига қарамай, ажин тилган япалоқ пешонасида қайноқ тер йилтиради. Ҳозир у, чамаси, ҳар ишга қодирлигини, ҳар нимага ҳақи борлигини ўйлар, фақат хайъат аҳли эмас, бутун халойиқ хоҳиш-иродасини яқдиллик билан қўллаб-қувватлашини истаётган эди. Аччиқ ичакдай чўзилган ваъзини яқунлаб, минбардан шошилмай тушаркан, кўнғир кўзлари тагин бошқача чарақлади, қунишиб ўтирган устозга бирров шубҳали назар юборгач, илдам-илдам бориб Ҳикмат китобини энкаймишни тутган хирмон ўртасига, аниқроғи, мунғайиб турган Қонуни муборак ёнига улоқтирди. Сўнг қолибона тарзда жойига қайтди-да, хайъат аҳли билан бирин-сирин ўпишди, айниқса, Паканани бағрига босган чоғда чексиз қувончга чулвангани англашилди. Нозир кучоғида Пакана ҳам ўзгача яйраб кетди, ниҳоят, оғзи қулоғига етган ҳолда, оломон сари юзланди-да, уста Ризони минбарга чорлади...

Очиғи, уста Жамшиддин буни кутмаганди, шунинг учун ҳам бир ғалати орзиқди. Тавба, ошиқиб ўрнидан қўзғалган уста Ризо бетига тик қарагани негадир бо-тинмади.

Хар ҳолда ошнаси юрагида борини тўкишига унча ишонмасди. Сўнг ёшлик давридан то ҳозирга қадар у билан кечирган онларини эслаб хўрсинди. Баланд минбарга кўкрак тираган уста Ризо кўйнидан шапалоқдай варақ олиб, тутила-тутила ғулдирай бошлаганда афти буришди. Ақл бовар қилмас: ярамагур Шариф урфон ўзига атаб ёзган, мағзава ҳиди анқийдиган маърузани ўқиётир-ку! Ёпирай, ҳар бир жумласини уялмай-нетмай талаффуз этмоқда, қарангки, тўдалаб кўйилган анови савиллар билан бир умр келишолмай яшаган эмиш, эвоҳ, тилини тагидан узиб ташласа бўларди бундай алжирагандан кўра!

Энди уста Жамшиддин ўзига ҳам, кенг дунёга ҳам тамом сиғмай қолди, қаники, инон-ихтиёр ўзида бўлса, ҳозироқ барига иккиланмай қўл силкиб, бирон тарафга жўнаворарди. Чиндан ҳам шайтони лаъин фатво берган бунақа томошага шоҳид ўтгандан кўра бадар кетгани минг марта авло эди. Минг аттангки, бу имкондан махрум, бурнига бурундик солинган!..

Уста Жамшиддин билдириб-билдирмай сирқираётган кўксини авайлаб силади, оғрикни хиёл унутгандай бўлди ва хаёли йироқларга парвоз қилди. Салдан кейин, наздида, бехос оломон орасига кўш ўрқачли талғир туя ёриб кирди, туя белида симобий салла ўраган Мўйсафид койиниб-тўрсайиб ўтирарди. Қария нигоҳида акс этган таъна-дашномни туйди-да, бирдан тутакқанча сапчиб турди, қоплон каби отила келиб, ҳамон оғиз кўпиртираётган уста Ризони силтаб ташлади ва минбарни эгаллади.

— Халойиқ, шалвирамай кўзингни каттароқ очгин, иблисона сафсаталарга учма! Томирингни унутсанг, ғофил қолиб, нотавонлик қилгудек бўлсанг, Сўз уволи уради! Худо ҳақи, Сўз биздан нажот кутмоқда!..

Уста Жамшиддин қулочини ёзганча, бўғиқ товушда энтикиб сўйлар, анчадан бери ич-ичида йиғилган ва газаклаб ётган дарду ҳасратини тўкиш учун шошилар, шунинг учун ҳам фикрлари бир оз пойма-пой эди. Қанчадан-қанча нигоҳ ўзига диққат қилаётганини сезиб турар ва юракларни забт этмоқ учун қасдланган сароб нималигини англатиш иштиёқида эди. Нима бўлганда ҳам мановилар ниқобини йиртиши керак.

Афсуски, нутқини тугатишга улгурмади, Фаттоҳ Обидий ишорасига биноан, чапдаст гумашталар итаратара минбарни гурсиллатиб қулатишди. Мувозанатини

йўқотган устоз гандираклаб кетди, ҳайъат сари ўқрайиб қаради-да, яна сўзини давом эттирмоқчи бўлди. Аммо қорақош йигит кафтини оғзига босди, қайси биттаси эса, довдираб қолганидан фойдаланиб, қўлига ловуллаб ёнаётган машъала тутқазди. Дафъатан димоғига ермойи ва ачимсиқ тутун ҳиди урилди ва беихтиёр ҳавода муаллақ қотган баҳайбат бўчкани, девори тарс-тарс ёрилган ҳовузчани, бир маромда сизиб яланг елкаларни юваётган томчиларни эслади. Паға-паға қор ёға бошлаганда шундоқ ёнида қад ростлаган биродарларини кўрди, не ажабки, улар ҳам бошлари узра машъала тутганча мўлтираб туришар эди.

— Ай-ай! Чакки бўлде, ўтладийиз, амак, буни кутмадик, — кўрсаткич бармоғи билан чаккасини пармалади Фаттоҳ Обидий. — Аттанг, бўйин жонувар сиртмоқни шунчаям соғиндиме? Бас, бас! Мундоғ ширин жонни ўйланг-е. Охи, бинойи кунлар оллинда. Лўмбиллаган хотинминан кўша қариб юрсайиз маъкул-де. Шамсибой бўз йигит бўгон, азаматти аёғини чатиланг, неварачевара кўринг. А, лаббай!?

— Куним сизга қолгани йўқ!..

— Ашу-да, устони каттаси, яхшигаям, ямонгаям жириллойсиз, — тиши оқини кўрсатиб юмшок кулди Фаттоҳ Обидий. — Хўш, энди конес: сиздан пақат шердил бўлиш, амак. Олайманг, бепойда. Ҳимм, тузукрок ушанг машъолани. Чўчимай яқинрок боринг-ей. Тайсаллаш ярашмас сиздай одамга. Мартабали зотлар кўз тикиб турган бўлса!..

— Худойим қарғабди-да мени тоза!

— Тўғре, амак, ўзимиз ҳам оппа-онсон эплаймиз. Пақат битта арзимас лоқини бор-де. Ҳали биз улус назарида эмасмиз. Шундай экан, тушунинг. Ёрдам керак муносиб: ё сиз, ё Мулла Аҳмад, ёки Собир Қамарий бажарса тузук, ай-ай!

— Демак, сувдан куруқ чикмоқчисиз?

— Унақа эмас. Тарих яроқсиз бисот-мисотини ўз қўли билан даф қигони тузук-де. Ашунда адолат қарор топоди. Ашунда мазлум ва мазлумалар тили узун бўлоди! — Фаттоҳ Обидий энқаймиш сари одимлаб, овози борича қичқирди: — Қани, бошланг!

Ҳайъат аҳли берилиб чапак чалди, аллакимлар Пакана кетидан чувиллашганча олға ташланишди. Яна ҳам таҳликага тушган оломон ҳам гивирлаб қолди.



Не қиларини билмай уста Жамшиддин бўзариб турар, нимадир ичида оғир тошдек кўзғалиб-кўзғалиб кетаётгандек туюлар, бўғзига қалампирдан-да аччиқроқ нарса тикилган эди. Энкаймишда юксалиб турган хирмон биқинидаги тутантириққа ким биринчи бўлиб машғала учини теккизганини илғамади. Ҳадемай гулхан бирдан гуриллаб, бурала-бурала кўкка ўрлаб, теварак-атроф яна ҳам ёришар экан, ўқрайган ва тишларини зирак қилган кўйи Фаттоҳ Обидий устига бостириб борди. Қўлида тутаётган машғалани илкис ўқталганини билмай қолди. Ўтакаси ёрилар даражада кўркиб кетган нозир шоша-пиша тисарилди-да, гавдасини тутолмай, чилшиллаган хўл саҳнда сирпана-сирпана чалқанча йиқилди. Худди шу ҳолни кутиб тургандек, шитоб етиб келган Собир Қамарий, хансираган кўйи гудранди: худо қарғаган гўрсўхта! Сўнг жон-жаҳди билан кўкрагига тиззасини тиради, бир кўлини бўғзига юборди-да, салқиган қовоқларига хил-хил чўғга айланган машғала чўпини жизиллатиб босди, бир эмас, бир неча маротаба босди...

— Ва-а-ах! Во-оо, ххе-е-ей!..

Фаттоҳ Обидий аранг қаддини ростлади ва хумдек оғирлашган калласини тутолмай ортга ташлади. Аввалги шашти, ғайрати ва виқоридан ному нишон йўқ эди. Нуқул меловсираб теварагига аланглар, ҳавони пайпаслай-пайпаслай бўғилар, шамол тебратган саксовул шохидай ночорона чайқалар эди. Шовқин-сурондан қулоғи шанғиллаб, гоҳ чап, гоҳ ўнғга довдирай-совдирай бир неча қадам юрди-да, бирдан кўксига тарс-тарс муштлади ва ўқ еган айиқдай ўкириб юборди:

— Лаънатилар, кўрмошпан-ку!..

Дағ-дағ учаётган Фаттоҳ Обидий ҳаял ичида бари тескари айлангани — ёруғ оламни тарк этиб, зим-зиё оламга кўчиб ўтганига ҳамон ишонмас, бутунлай ўчган нигоҳига ҳадемай нур энишидан умидвор эди. Пуфакчалаган қонталаш пешонаси билан ола-чалпоқ рафтори оралиғида, кўпчиган қовоқлари ва йирик-йирик кўз соққалари ўрнида кўмирдек қорайган қўшалок ўйик пайдо бўлганидан беҳабар эди.

— Амак, ўв, амак! Қаёқдасиз?..

Гумашталар ахволи тобора оғирлашиб, тинимсиз оху воҳ қилаётган Фаттоҳ Обидийни ўраб олишди. Аъзои бадани ва шуурини даҳшатли оғриқ ва зулмат баб-баравар чулғаб бораётгани сабабли у озгина вақт

ичида бир неча марта хушини йўқотди, қай маҳалдир ёрдамга ошиққанларни кўтара қилиб сўқди-да, шилта лойда астагина чўккалаб инграна бошлади...

Барини кўриб-билиб турган уста Жамшиддин афсуснадомат билан бош чайқади. Сал бўлсин хотиржам тортиш, таскин топиш ўрнига, руҳи ва вужудини айрича бир ғалаён чулғади. Беихтиёр кўз ўнгидан хавоси димиққан бўлмадаги шиғиллаб ишлайдиган аломат жиҳозлар бирин-сирин ўтаберди. Сўнг хаёли Ашаратхона остини макон айлаган Куръони карим сари учди, сўнг ногаҳон эътиборини ачқимтир тутун ва аланга тортди, наздида, зўрайиб бораётган гулхан ўртасида талғир туя жиловини ушлаган, соч-соқоли оппоқ Мўйсафид мунг чекиб турарди. Салдан кейин чолнинг йиллар юки остида букилган қоматини, қалин ажин қоплаган озғин бетини аниқ-тиниқ кўргандек бўлди, ҳатто у кафтларини очиб, тангри таолодан мадад тилаб ёлбора бошлаганини ҳис этди, ниҳоят, қутириб кетган Пакана қўлларини қайирганда хушини ўнглади. Бутун қахру ғазаби ва ғайратини ишга солиб, икки-уч бор силтаниб, гумашта чанғалидан қутулди-да, нари-бериға елиб-югуриб ҳайқирди:

— Азизларим, қани енг шимаринг!..

Халойиқ гурас-гурас ёпирилди.

Гумашталар гавдаси оёқлар остида эзилди.

Олов ўчди...

Қонун мулла Аҳмад қўйнида яйради.

Тонг ёришганда энкаймишда бир дона ҳам китоб кўринмас эди...

.....

Изғирин-шамолни писанд қилмай, ваҳима аралаш салобат тўкиб турган маҳкама биноси орқа тарафида эса на бир чирок, на бир учқун йилт этади, залвор деворлару бўйчан дарахтларни намхуш зулмат билан баравар кумуш тусли заррачалар қамраган; осмон буржлари ва олис юлдузларни комиға тортмоқчи бўлаётган теран жимликни беқарор шамол увлаши ва калта-калта инграниш бузади. Бутун борлиқни тутиб кетадиган нолишда умидворликдан кўра нафрат ва надомат кўпроқ жам...

Баҳайбат ёғоч бўчка қилт этмасди. Бўчка остидаги

ёғоч устунга ўраб-чирмалган ўғлон нима қилиш керак-лигини билмайди, тириклик нималигини ҳам унутаёзган эди. Бедор сезимлар билан поёнсиз осмон қовоқ солиб олганини, машриқ билан мағриб ўртасида уймалашган тўда-тўда булутлар яна ҳам қуюқлашаётганини сезиб ўкинади...

Ногаҳон иродаси ёки ақлу идроки ишга тушадими, бошқа нарса таъсир этадими, баъзан нур теккандек шуури ва кўнгли қатлари ёришади, шунда бирдан сергакляниб, ҳадеб тақир-тақир қилмаслиги учун тишини тишига қаттиқ босади, ҳатто қўллари қалтираётганини билдирмаслик истагида муштларини тугади. Панадан битта-яримта кузатаётган бўлиши мумкин-да...

Гоҳо миясининг аллақайси бурчида анчадан бери зориқиб умтилган тилакларидан айри тушгани, жону дилдан суйган ва ардоқлаган кишилари дийдорига умрбод етолмаслиги, эрта ўзини ва кўрган-кечирганини биров ҳатто эсламаслиги ҳақидаги ғира-шира тушунчалар уйғонади.

Кейин нечун бу қадар ночорлигини, нечун қисқа фурсатда ёруғ оламдан бу қадар безганини, гўдак хаёли кашф этган мўъжизалар сувга тушган тошдек йўқолиб қолганини мулоҳаза қилади. Ёруғ олам қаёққадир зувиллаб чекинади, мана энди ўзи ҳам ёруғ оламдан намуна олиб, тириклик нишонаси йўқ номаълум томонга улоқиб кетаётганга ўхшайди. Олдинда ҳозирча қўнадиган манзил кўринмайди. Одам боласи ҳали топиб улгурмаган нарсасини йўқотиб қўйиши қанақа савдо?

Афсуски, нималарни мушоҳада этмасин, лаҳза сайин томирлари жимир-жимир увишиб, қони тобора совийгани боис, бари-бариси кечки шафақ сингари охиста сўниб боради ва ҳеч нарса қолмайди тасавурида...

Ҳамон тепасида гирдлари кемтик бўчка муаллақ қотган...

Ҳамон югун елкаларини томчилар ювмоқда.

Ҳамон тун шивири: кошки сени қўйнимда иситолсам?

Ҳамон изғирин увлаши: бари ўтади, ўғлон!..

*Асад Дилмурод*

**ТАНЛАНГАН АСАРЛАР**

II жилд

**Фано даштидаги қуш**

*(Роман)*

**Мулк**

*(Қисса)*

«Sharq» нашриёт-матбаа  
акциядорлик компанияси  
Бош таҳририяти  
Тошкент – 2012

Мухаррир *Р. Бойтўра*  
Бадий муҳаррир *У. Сулаймонов*  
Техник муҳаррир *Л. Хижова*  
Саҳифаловчи *Л. Цой*  
Мусахҳихлар: *Ш. Хуррамова, Ф. Ҳайдарзода*

**Нашр лицензияси АІ № 201, 28.08.2011 й.**

Теришга берилди: 15.02.2012. Босишга рухсат этилди  
10.08.2012. Бичими 84x108 <sup>1</sup>/<sub>32</sub>. «Virtec Peterburg Uz»  
гарнитураси. Шартли босма табағи 22,68. Нашриёт-хисоб  
табағи 22,27. Адади 2000 нусха. Буюртма № 2646.  
Баҳоси шартнома асосида.

**«Sharq» нашриёт-матбаа акциядорлик  
компаниясининг босмаҳонаси,  
100000, Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41.**